Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ОЛТИНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ

НАВОИЙНИНГ АДАБИЙ – ЭСТЕТИК ОЛАМИ

*** *** ***

Раҳим ВОҲИДОВ

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ИЛОҲИЁТ

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ


Беҳзод Йўлдошев, Баҳром Абдуҳалимов, Абдулла Аъзамов, Бахтиёр Назаров,
Сирожиддин Саййид, Акмал Нур, Шуҳрат Сирожиддинов, Гулчеҳра Рихсиева,
Муҳаммаджон Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов, Муслиҳиддин Муҳиддинов,
Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов,
Султонмурод Олим, Шуҳрат Ризаев, Афтондил Эркинов, Нурбой Жабборов,
Каромат Муллахўжаева, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Исажон Султон

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов,
Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

ҲАСАН ҚУДРАТУЛЛАЕВ

НАВОИЙНИНГ АДАБИЙ – ЭСТЕТИК ОЛАМИ



Меҳрибон отам Саматилло Қудратилло ўғли
хотираларига бағишлайман.

Муаллиф

МУҚАДДИМА

Тарих ҳукми шунга гувоҳки, халқчил, инсонпарвар ва юксак санъат намунаси бўлган асарларгина даврлар синовидан ўтиб, янгидан янги авлодларга маънавият ва маърифат нурларини таратиб, маҳбуб ва ардоқли мерос сифатида қадрланади. Улуғ Алишер Навоий яратган бебаҳо бадиий дурдоналар ана шундай хушбахт тақдирга эга. Яна шу ҳам ҳақиқатки, буюк обидаларни бунёд этолган умри безавол мутафаккирларнинг ҳар бир сўзи, инсон ва инсоният, ҳаёт ва жамият ҳақидаги қарашлари, гўзаллик, нафосат борасида билдирган мулоҳазалари қимматли ва қадрлидир. Зеро,, улар пок қалб ва эзгу ниятнинг, зукко ақл ва беназир теран шуурнинг уммонида юзага келган бўлиб, ғоят кучли умумлашма хусусиятга эгадир.

Алишер Навоийнинг ҳар бир сўзи шу боис ҳозир ҳам пурмаъно ҳикмат бўлиб жаранглаяпти, ҳозир ҳам бизга ибрат ва сабоқ бўлмоқда. Буюк шоирнинг мавқеи ва вазифаси, тарихий бурчи ва беқиёс эзгу ниятлари уни илму адабнинг турли соҳаларида қалам суришга, турли соҳаларда ўз қарашларини аниқлашга, турфа хил табақа вакилларини ўрганиш ҳамда улар ҳақида фикр билдиришга ундар, ўзигача бўлган адабиёт, маданият ва санъат ютуқларини тадқиқ қилиш, ёш ижодий кучларга раҳнамо бўлишга, форсий ва туркий адабиёт орасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва айни вақтда туркий тилда ижод қиладиганларни ҳар томонлама рағбатлантиришга, куч-ғайрат сарфлашга ундар эди. Шунинг учун Навоийнинг бадиий асарларида ҳам, илмий тазкира ва тадқиқотларида ҳам – ҳамма-ҳаммасида етакчи ниятларнинг изҳорини кўрамиз.

Навоий ўзигача ривожланган, жуда катта ютуқларга эришган форс-тожик адабиётининг энг яхши анъаналарини ўзлаштириб, форсий ва туркий тилда яратган асарларида уларни бағоят моҳирлик билан тараққий эттириш баробарида, бу адабиётнинг чуқур билимдони ҳамда ўткир мунаққиди сифатида ҳам ўзини кўрсата олди. Ҳатто форс-тожик адабиётининг ўзида ҳам Навоий каби ўзигача бўлган ҳар бир ижодкорга алоҳида баҳо беролган, унинг услуби, ўзига хослигини теран илғай олган адиб-мунаққидни топиш қийин.

Бугина эмас, Алишер Навоий ўз замондоши Абдураҳмон Жомий ижодини ҳам биринчи бўлиб чуқур ўрганди ва муносиб тақдирлай олди. Ҳирот адабий муҳитининг катта-кичик қарийб ҳамма вакиллари, ўз асарларини Навоийнинг нигоҳидан ўказиб олган, десак, хато бўлмас. У, айниқса, туркий тилда ижод этган шоир, ёзувчилар ижодини қидириб топиш, уларнинг асарларини тадқиқ қилиш ва оммалаштиришга катта эътибор берганини яхши биламиз. Аҳмад Яссавий, Ҳайдар Хоразмий, Амирий, Лутфий, Атоий каби ўнлаб шоирларнинг биринчи одил мунаққиди, кошифи эди.

Энг муҳими шундаки, Навоий замонида бадиий сўзнинг, адабиётнинг мавқеи, обрўси баланд бўлган. Адабиётнинг вазифаси, ижодкор бурчи, адабий асар олдига қўйилган талаб, муаллифнинг шахсияти, ахлоқи узлуксиз баҳс-мунозараларга сабаб бўлган, булар ҳақида Навоий ёзиб қолдирган фикрлар эса ҳамон долзарблиги билан кишини ҳайратда қолдира-

ди. Навоийнинг бадиият, гўзалликка муносабати, нафосат сирларини заковат билан ифодалаган пурмаъно фикрлари унинг ўлмас меросининг ажралмас қисмидир.

Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари унинг бадиий асарларида, «Мажолисун-нафоис», «Муҳокаматул-луғатайн», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Насойимул-муҳаббат» каби илмий асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Зотан, Навоий биринчи ўзбек адабиётшунос олими, муаррих, тазкиранависи ҳамдир. У адабиёт ва санъатнинг туб назарий асосларини таҳлил қилиб, замондошларини қизиқтирган муаммоларга жавоб қидиради, адабиётнинг ижтимоий вазифасини энг муҳим масалалардан бири сифатида таъкидлайди. Бадиий маҳорат масаласи Навоий қарашларида асосий ўринни эгаллаган. Бунда у талабчан устоз ва хайрихоҳ, ҳам одил китобхон сифатида иш кўради. Навоийнинг эстетик олами кенг ва ранг-баранг. Унда анъанавий жанрлар, бадиий санъатлар, вазн, қофия ва ҳоказолар хусусида қизиқарли, ибратомиз фикрлар талайгина.

Шуниси ҳам муҳимки, улуғ шоир фақат шеър ва шоирлар ҳақидагина эмас, балки санъат ва санъаткорлар тўғрисида ҳам талай диққатга молик фикрлар баён этган. Меъморлар, мусиқачилар, наққош-мусаввирлар, ҳунармандлардан Навоийнинг устоз ва шогирдлари, дўстлари кўп бўлган. Навоий ўз асарларида санъат аҳлининг истеъдодини қадрлаб, уларнинг маҳорати хусусида тўлқинланиб гапиради, санъатнинг инсон камолоти йўлидаги муқаддас ўрнини таъкидлаб кўрсатади.

Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари рус ҳамда ўзбек олимлари томонидан тадқиқ қилинган. Бироқ шоирнинг эстетик олами бадиий ижоди каби чексиз ва бепоёндир. Биз унинг гўзаллик, ижод жараёни, илҳом ва нафосат ҳақидаги қарашлари, фикрларини кўздан кечирганимизда ҳали қатор масалалар ёритилмаганлиги, улуғ мутафаккирнинг салоҳияти ва тафаккурий қудратини белгиловчи хизматлари етарли баҳосини олмаганига гувоҳ бўлдик. Иккинчидан, бу борада билдирилган аввалги айрим мулоҳаза ҳамда фикрлар ҳам янги давр, янгича фикрлаш талаби билан ўзгаришга учради.

Мазкур рисоланинг юзага келишида ана шу тўлдирилиши лозим бўлган ўринлар ҳамда янгича муносабат натижасида юзага келувчи илмий-эстетик хулосалар ҳисобга олинди.

НАВОИЙ «СЎЗ» ИНИНГ ЖОЗИБАСИ

Алишер Навоий ўзининг адабиётшуносликка оид қарашларида шубҳасиз, адабий истилоҳлардан кенг фойдаланган. Зеро,, ҳар бир фан туб моҳияти жиҳатидан ана шу истилоҳлардан иборат бўлиб, киши шу атамаларни қанчалик кенг ва ҳар томонлама эгалласа, у шунчалик шу соҳанинг етук мутахассиси бўлиши сир эмас.

Навоий ўз даврининг етук вакили сифатида ўзидан олдин ўтган салафлари ижодини синчиклаб ўрганди. Шуларга адабиётшунослик, адабий танқидчилик, адабиёт назариясига оид асарлар ҳам киради. Улуғ адиб бу сарчашмаларни фақат ўрганибгина қолмади, балки бутун ижоди давомида шу соҳаларни ривожлантиришга, айниқса, бу назарий илмни туркий адабиётнинг ривожи масаласи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борди.

«Мажолисун-нафоис» тазкирасида, Навоийнинг бошқа назмий ва наср асарларида улуғ шоир томонидан ишлатилган адабиётшунослик атамалари, сўзлар орқали унинг адабий-эстетик тафаккури, дунёқараши, адабиётга муносабати, ёзувчи ижодига баҳоси, тил ва тафаккурга оид фалсафий қараши ва бошқа кўпгина масалалар ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам Навоий ижодининг бу томони олимларимиз диққат марказида бўлиб келди.

Биз Алишер Навоий ишлатган барча адабий терминлар ҳақида тўхталиб ўтиш имконига эга эмасмиз ва бу масаланинг ўзи алоҳида тадқиқотни талаб қилади. Биз фақат улуғ адибнинг бадиий меросида кўпроқ кўзга ташланадиган, ўзининг мантиқ доираси жиҳатидан кенг қамровга эга бўлган истилоҳ – «СЎЗ» ҳақида тўхталишни лозим билдик. Навоийшунос олимлар: А. Ҳайитметов, В. Зоҳидов, Б. Валихўжаев ва бошқаларнинг изланишларида бу истилоҳнинг айрим томонлари ҳақида фикр билдирилган. Лекин Навоий «сўз»ининг барча қирраларини ёритиш ўз навбатида олим Навоийни, адабиётшунос ва назариётчи, ўз даврининг етук мунаққиди бўлган Навоийнинг, эстетик оламини очишга ҳам имкон беради.

Навоийдаги «сўз» истилоҳи ранг-баранглиги, мазмунан кенглиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундан ташқари Навоий қаерда «сўз»ни ишлатар экан, у қайси мазмунда келишидан қатъи назар, адабиёт ва у билан боғлиқ соҳалар (нутқ, сўзлаш воситаси, нотиқлик, тил, ахлоқ, кишилар орасидаги муносабат ва бошқалар) ҳақида ҳам фикр юритади.

Навоий замондошлари ва салафлари бадиий асарларини номлашда, улар ҳақида фикр юритганда умумлашма ифода сифатида «сўз»дан фойдаланади. Модомики, Навоийнинг бадиий асарга бўлган қарашлари, кўпинча, назм ҳақида экан, «сўз» ҳам аксар пайтда шеърий асарни ифодалаб келган. Шоир:

Донаи дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.

дер экан, биринчи навбатда, бадиий сайқал олган шеърий асарни назарда тутади.

Худди шу хусусият Навоийнинг Низомий, Хусрав ва Жомий асарларини баҳолашида ҳам кўринади. Навоий салафларини ҳар қандай бадиий асарини «сўз» деб атайди. Лекин «сўз авжи» ибораси бошқачароқ маъни касб этган. Энди бу одатдаги асар эмас, балки воқеалар ривожи, бадиий юксаклиги билан фарқ қилиб турувчи асардир. Бунда Навоийнинг Низомий ва Хусрав ижодига бўлган муносабати келиб чиқади:

Сўз авжида гар ул (Низомий–Ҳ.Қ.) маҳи ховарий,
Бу (Хусрав– Ҳ . Қ .) гар йўқ маҳи ховарий, Муштарий.

Навоий бошқа адиблар асарларинигина «сўз» деб атамаган. У ўз асарларини ҳам шу сўз билан ифодалайди:

Сўзингники яхши кўрарсан ўзинг,
Кўринмас ёмон чун эрур ўз сўзинг.

Ёки:

Сен ўзингни тонимас эрмишсан,
Ўз сўзингни тонимас эрмишсан.

Яна бир мисол:

Навоий сўз айтурда фарзона бўл,
Чу иш бошингга тушти, мардона бўл.

Юқоридаги уч мисолга диққат билан қарасак, «сўз» истилоҳи орқали шоир ўз «Хамса»-сидаги достонларни назарда тутмоқда. Бунда Навоийнинг бадиий асарга, конкрет мисолларда достонлари ҳақидаги фикри ўз аксини топган. Навоий фикрича, шоир томонидан яратилган ҳар қандай асар – бу фарзанд билан тенгдир. У катта санъаткорлик билан адиб яратган асарни фарзандга қиёс қилар экан, киши психологиясидаги ҳолат – фарзанд камчилиги, ноқислигини ота-она томонидан сезмасликни асос қилиб, камтарлик билан ўзи яратган асарининг ютуқ ва камчилигини аниқлаш, охирги ҳукм чиқаришни ўқувчисига ҳавола қилганлигини кўрамиз. Навоий бунда «сўз» бадиий асарни шу асарни яратган ижодкор учун қадрли ва азиз эканлигини, уни муқаддас туйғулар эвазига юзага келишини юксак дид билан баён этганлигини ҳам кўрамиз.

Кейинги байтда ҳам Навоийнинг бадиий асарга муносабати, адиб масъулияти ҳақидаги фикри баён этилган. Улуғ шоир, адиб асар яратишдан олдин энг биринчи навбатда ўзини таниши, яъни бадиий истеъдоди, қобилияти, имконияти, ўз шахсиятини давр талабига мос ҳолда адолат тарозисига солиши лозим, аниқроғи, шоир айтгандек «ўзини таниши» лозим. Фақат шундагина у ўз «сўз»ини – асарини танийди, яъни у яратган асарнинг бадиий салмоғи, даражаси бўлади.

Учинчи байтда эса Навоий гўё ўзини ўзи огоҳликка чақиради. Аниқроғи улуғ шоир ўз асарларини яратар экан, ўқувчи олдида турк тилида яратилаётган илк достонларининг келгуси тақдирини ўйлайди. Шоир ўзининг бадиий юксак, салафлари ижодига ҳар томонлама баробар асарлар яратишга чоғлайди. Бу меҳнат, машаққатларнинг кўплиги, оғирлиги олдида мард туришга ундайди. Кўриниб турибдики, бунда ҳам Навоий «сўз» орқали, умуман, ижодкор бурчи, бадиий асар салмоғи, ўқувчи олдидаги масъулиятни назарда тутмоқда.

Алишер Навоий асарларида «сўз» аксар пайтда назмий асарларни ифодалашда қўлланилса-да, насрий асар ёки адиб ижодининг ҳаммаси ҳам шу истилоҳ орқали ифодаланишини ҳам кўрамиз. Масалан, у Жомий ижодини баҳолаб, назм, наср ва бошқа насрий асарлари ҳақида гапирмасдан барчасини «сўз» деб ифодалайди: «Форсий сўзда жамиъ алар (*яъни Жомий –Ҳ. Қ.)* сўзидан юқорироқ сўз йўқтур». Бошқа жойда Навоий Жомий ижодининг адабиётдаги ўрни ҳақида гапириб, «сўз иқлими» иборасини ишлатади. Энди бунда гап фақат Жомий асарлари ҳақида бормайди. Балки Навоий катта санъаткорлик билан «сўз» орқали шеъриятнигина эмас, балки адабиётни, «иқлим» билан дунёни ифода этган. Натижада, Навоий талқинидаги «сўз иқлими» Жомийнинг адабиётдаги мавқеини белгиловчи фикр сифатида келган:

Қўлиға олиб найза ўрниға килк,
Сўз иқлимини сарбасар қилди милк.

Агар юқоридаги мисолда Навоий томонидан Жомий бутун «сўз иқлими»ни эгаллаган адиб сифатида баҳоланган бўлса, қуйидаги мисолда Хусрав «сўз»и – асарларининг довруғи, Ҳиндистоннинг гултожи эканлиги таъкидланган:

Сўзи шоҳиди мажлисоройи Ҳинд,
Бу мажлис ичинда ўзи ройи Ҳинд.

Бу мисолдан хулоса фақат шу эмас. Навоий бунда Хусрав асарларига ҳам юксак ишонч, муҳаббат билан қарар экан, шоирниг Ҳиндистондаги адабий, маданий йиғилишларда тилга олинганлиги, ҳурмати, асарларининг бадиий баркамоллиги, мазмунан пишиқлигига ишора қилади. Шу билан бирга, Навоий олдинги мисолда Низомий ва Хусравни қиёслагандек, бунда Хусравни Жомий ижоди билан қиёслайди ва Жомий ижодининг устунлигини шу билан белгилайди.

Навоий ўзининг «Маҳбубул-қулуб» асарида «сўз»ни насрий асарларга қарата ишлатади, чунки бунда назм ҳақида алоҳида фикр билдиради: «Сўзким дард чошнисидин ҳарорати бўлмағай ва назмким ишқ ҳароратидин ҳирқати бўлмағай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон қил».

Юқоридаги мисолда эса Алишер Навоий «сўз» орқали бадиий асарни тушунади, бадиий асар хоҳ наср шаклида ва хоҳ назм шаклида яратилмасин, кишининг ички кечинмалари, дардларини баён этиши, ифодалаши лозим. Фақат шундагина унда кишини ўзига тортувчи табиий куч (нур) ва мақсад йўлига чорловчиси (сарвари) бўлади. Демак, Навоий яна бир карра «сўз» орқали бадиий асарга бўлган юксак талаб, асарда эл дардини куйлашни мақсад қилиб қўяди ва бу талабни адабиётнинг маълум мезонига айлантиради.

Навоий бошқа бир жойда «сўз»ни дурга ўхшатади ва кўнгилни дарёга ташбиҳ беради. Бунда ҳам «сўз» бадиий асардир. Аммо бу «сўз» бадиий асар маъносида келган бошқа «сўз»лардан ўзининг «дур»лиги билан фарқ қилади. Бунда Навоий бадиий жиҳатдан юксак бўлган асарни назарда тутиб дейди: «Сўз дурредурким, анинг дарёси кўнгулдур...» «Муҳокаматул-луғатайн» асарида келган юқоридаги фикрини давом эттирган Алишер Навоий «сўз»нинг ижтимоий-ахлоқий моҳиятини очишга, унинг кишининг ички дунёси ва муҳит билан бевосита алоқада эканлигига киши диққатини тортади. Бунда олим Навоий «сўз дурининг тафовути мундин доғи бағоятроқ ва мартабаси мундин ҳам бениҳоятроқдур» дер экан, ана шу олий мартабалилик ва чексизликда нимани кўради? Нимани назарда тутади? Унинг фикрича, инсонни инсон этувчи, уни ҳайвонот оламидан фарқловчи бош хусусияти ўзаро муомала ва муносабатда ана шу «сўз» – фикр билдириш, муомалада бўлишда «шариф» сўзлаш»дир, яъни ширин сўз бўлишдир. Бу хусусият «ўлган баданға руҳи пок» етказар. Бироқ шунинг тазоди – касиф сўзи эса кишининг пок руҳига халал етказар – «ҳаётлиқ танга заҳри ҳалок хосияти зуҳур этар». Бу сатрларда биз жаҳолату нопокликни касб этган кишиларни адолатга чақирувчи, уларни ўзаро муносабатда фақат эзгулик ва яхшиликни шиор этишларини истаган ҳам файласуф, ҳам моҳир педагог, аллома Навоий қарашларини кўрамиз.

Навоий асарларида «сўз аҳли» ибораси мавжуд. Улуғ шоир бу бирикма орқали адабиёт, тарих, умуман, маърифат ва қалам аҳлини тушунади. Навоий фикрича, «сўз» аҳлининг фикр-қарашлари, давр ноҳақликларига муносабати, муросасизлиги ҳар қандай адолатсиз

кучларни кулини кўкка совуришга, барча даҳшатлар, зулмни яксон қилишга қодирдир: «Сўз аҳлининг дами бир елдурки, аноният хошогин совурур ва ғазаб туфроғин супурур».

Бу мисол яна бошқа ғоявий томони билан ҳам характерлидир. Навоийнинг ижодкорнинг жамиятдаги ўрни, унинг киши онгини юксалиши, шаклланишида, умуман, жамиятдаги бошқа касб-тоифа ва мансабдаги кишилардан фарқли ўлароқ, ҳақиқат «сўз»ига эга эканлиги, бу сўз агар керак бўлса, салтанатлар ва тузумларни ўзгартириши, «аноният хошогини совуриши» мумкин. Навоий ижодини диққат билан кузатар эканмиз, унинг бутун асарлари бўйлаб ёрқин чизиқ бўлиб ўтган ғоя – аҳли адаб ва олимларни жамият суяниб турган бош устун сифатида тушуниши ва талқин этишининг гувоҳи бўламиз. Масалан, бу ғоя улуғ шоирнинг «Садди Искандарий» достонида Искандарнинг олимлар маслаҳати билан иш кўришида, Бадиуззамон, Мирзо Улуғбек, Шоҳруҳ, Ҳусайн Бойқаро, шоҳ Ғариб Мирзо ижоди ва шахсиятининг тасвири ва баҳосида яна бир карра намоён бўлади.

Навоий, ўз даврининг кишиси, ислом ақидасига содиқ сифатида идеалистик дунёқарашга эга эди. Шунинг учун у олам ва одамнинг пайдо бўлиши, жамият тараққиёти ҳақида идеалистик фикр юритади. Шак-шубҳасиз, унинг тил, фикрни баён этишдаги қарашларида ҳам шу дунёқарашнинг таъсирини кўрамиз. Айниқса:

Сўз келиб аввалу жаҳон сўнгра,
Не жаҳон, кавн ила макон сўнгра, –

деганида бу яққол гавдаланади. Унингча, тил фақат муомала, фикр алмашиш воситасигина эмас, балки инсонни ҳайвонот оламидан ажратувчи, бошқа тирик мавжудотдан фарқ қилувчи воситадир.

Марксча-ленинча таълимот тил ва тафаккурнинг бир вақтда вужудга келишини таъкидлайди. Дунё, материянинг вужудга келиши билан инсон шаклланиши орасида маълум диалектик бирлик бор. Марксистик таълимот меҳнат жараёни тилни вужудга келишига сабабчи эканлигини таъкидлайди.

Навоий тил инсон учун зарурлигини таъкидлар экан, унинг жон билан ажралмаслигини алоҳида уқдиради. Унинг фикрича, одам тилга эга бўлмасдан олдин ўликдан фарқ қилмасди, фақат тилгина унга тириклик бахш этди, ҳақиқий ўлиш ҳам ўшандагина содир бўладиган бўлди:

Чу жисм ичра жон йўқдурур, ул йўқдурур,
Яна жонга онсиз бу ҳол йўқдурур.
Башар хайлиға тил тутулған замон,
Тириклик ҳамон келди ўлмак ҳамон.

Бизнингча, юқоридаги тўрт мисрада Навоий дунёқарашининг муҳим томонларидан бири ўз аксини топган. Зеро,, шоир инсонни инсон бўлишини, уни ибтидоий жамиятдаги онгсиз, тилсиз мавжудотдан аниқ ажратиб бермоқда. Шоирнинг одам фақатгина ўз фикрини ифода эта олгандан, унинг онгида мантиқий занжир вужудга келгандан кейингина инсонга айланди, деган фикри – юксак фалсафий, мантиқан ҳаётий ва ниҳоят илмий ҳамдир.

Бундан ташқари Навоий фақатгина одамлар орасидаги умумий муносабат – сўзлашувнинг пайдо бўлишини таъкидламоқчи эмас, унда балки инсонни инсон даражасига етказган, одамдек улуғвор вужудга айлантирган «сўз»га, тилга эҳтиром, уни ишлатишга эҳтиёткорлик, шу тил туфайли яратилган бадиий асарни қадрлаш каби ғоялар ҳам мавжудки,

бу шак-шубҳасиз, давр кишиларини тарбиялаш, уларда адабий-эстетик завқни оширишда маълум роль ўйнаганлиги аниқ.

Улуғ адиб тилнинг ижтимоий заруратини қайта-қайта таъкидлайди. Сўзсиз ҳаётда гўзаллик, ривож бўлиши мумкин эмас. Тилни «сўз» билан ифодалаган шоир унинг моҳиятини, ҳаётий заруратини усталик билан ечиб беради:

Жисм бўстонида шажар сўздир,
Руҳ ашжориға самар сўздир.
Бўйла булбул навоси сўздиру бас,
Нағмаи жонфизоси сўздиру бас.

Демак, булбул *(шоир –Ҳ. Қ.)* фақат сўз орқалигина киши қалбини сеҳрлайди, «жонфизо» байтларни тизиб ўзига хос «нағма» – санъат кўрсатади.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, Навоий «сўз» орқали кишилар орасидаги алоқа воситаси бўлган тилни билган.

Навоий «сўз» орқали нутқни ҳам ифодалаган. Маълумки, Навоий давридан олдин ҳам Шарқда нотиқлик санъати энг муҳим касб, соҳалардан бири бўлган. Қадимги Юнонистонда сўз санъатининг бу соҳасига жуда катта эътибор берилган, дарслар ўтилган. Навоий даврида ҳам нотиқлик-воизлик санъатига аҳамият берилиб, шу санъат назарияси, қоидалари ҳақида алоҳида китоблар битилган. Ҳусайн Воиз Кошифий, Муин Воиз бу касбнинг машҳур вакиллари эдилар.

Воизлик санъати нотиқдан сўз санъатига эга бўлиш, юксак мантиққа риоя қилиш, нутқни эшитувчига таъсирчан қилиб етказишни талаб қилар эди. У даврда жуда кўп воизлар диний мавзуларда чиқиш қилиб, ислом идеологиясини тарғиб қилганлар. Баъзан дунёвий, ахлоқий мавзулар ҳам нотиқларнинг нутқ мазмунини ташкил қилган.

Навоий фақат мантиқан чуқур фикрни ифодалаган нотиқнигина ёқтиради. Агар сўз рангин бўлса, кишига тез таъсир қилади, нотиқнинг меҳнати зое кетмайди:

Чиқса тошқори тан саройидин,
Балки , ҳулқум тангнойидин.
Солди андоқ, жаҳонда ғавғое,
Коинот ичра бир алолое.

Агар шу «сўз» бўлмаса-чи? Унда «ажаб бало» юз беради, нутқ булбули навосиз, ёқимсиз бўлиб қолади:

Бўлмаса сўз ажаб бало бўлғай,
Булбули нутқ бенаво бўлғай.

Бунда, «сўз» бадиий асардаги сўз маъносига анча яқиндир. Чунки нотиқлик санъати (публицистика ҳам) адабиётнинг бир соҳасидир. Нотиқларнинг кўпчилиги эса ўша даврда ёзувчи ва шоир эдилар.

Навоий асарларида «сўз» муомала, аҳд, вафо мазмунини ҳам билдириб келади. Бу бир томондан ахлоқий характердаги фикрларнинг баёни сифатида ифодаланса, иккинчи томондан, одамнинг психологик хусусиятлари(ички кечинмалари, руҳий ҳолати, хатти-ҳаракатининг баёни)да ўз ифодасини топган. Навоий киши аҳдига вафо қилишини, паймонли

бўлишини инсон хусусиятининг асоси деб билади. Шоир ана шу мақсадининг баёни учун «сўз»дан фойдаланади ва:

Аҳдингни агар бор эса мезони дуруст,
Асра ани иқбол нигаҳбони дуруст.
Ҳар дўстки сўз ичра десанг они дуруст,
Холисдур агар бор эса паймони дуруст, –
деб аҳду вафони, лафзни назарда тутади.

Қуйидаги тўртликда ишлатилган «сўз» ўзининг мазмунан кенглиги ва ифодаларининг ранг-баранглиги билан алоҳида ажралиб туради. Бунда шоир жуда катта санъаткорлик билан инсонни фикрлаши, шу фикрни мантиқан шаклланиши, унинг тил орқали ифодаланиши ва шу фикр орқали кишининг дунёқараши, тафаккур теранлиги каби қатор, бир-бири билан диалектик боғлиқ масалаларни ҳал қилиб беради. Навоий ана шу фикрларни «сўз» орқали ифода этади:

Сўз зоҳир этар замир иши кўпрагидин,
Тил мухбир эрур кўнгил ниҳон эмгагидин.
Фаҳм айла киши ҳолини сўз демагидин,
Ким берди хабар ҳадиси кўнгилдагидин.

Юқоридаги мисолларнинг ҳаммасида ҳам Навоий деб сўзлашувда ифода этилган фикр мажмуи, фикр айирбошлаш маъносини берган. Лекин Навоий асарида конкрет сўз – фақат бир калимани ифодалаб келиш ҳолини ҳам учратамиз. Бунда шоир ўз фикрини аниқ мавзуга қаратган:

Ҳар кимки **ўлум сўзин** *демак фан айлар,*
Ўз ҳолиға бу сўз била шеван айлар
Таврини сулук ичинда аҳсан айлар,
Ким, руҳин **ўлмак сўзи** *равшан айлар.*

Навоий фикрича, ўринли ишлатилган ибора, халқ оғзаки ижодидаги қуйма фикрлар (матал, фразеологик бирикмалар) ҳам кишининг нутқ маданияти, ахлоқи ва тафаккур оламини очиб беради. Фақат ҳамма гап ана шу бадиийликдан (хоҳ оғзаки ва хоҳ ёзма нутқда бўлсин) вақтида моҳирона фойдалана билишдадир.

Хулоса Навоийдаги «сўз» ўзининг ифодаси, мазмунан кенглиги ва ижтимоий фикрни ифодалаши билан алоҳида ажралиб туради. Навоий «сўз»ни адабиёт вазифалари, унинг ижтимоий функцияси билан бирга тушунди ва талқин этди, тил ва тафаккурнинг уйғунлиги, нутқ, нотиқлик ва мантиқ, муомала, аҳд ва вафо мазмунида, назм, наср, умуман бадиий адабиётни ифодалашда фойдаланди. Шоир «сўз» термини орқали салафлари ижодига баҳо берди, уларнинг адабиёт майдонида тутган ўрни, бадиий камолотини тайинлади.

«МУҒАННИЙ СУРУДИ ҲАРИФОНА ЧЕК... »

Шарқ халқлари, айниқса, форс, тожик, ўзбек, арабларнинг маданий ҳаётидаги ажралиб турадиган хусусиятлардан бири бу – адабий асарлар, айниқса, шеъриятнинг хат, хаттотлик ҳамда мусиқа билан бевосита боғлиқлик жиҳатидадир.

Катта тараққиёт йўлини босиб ўтган араб хат намунаси XIV–XV асрга келиб ўзининг дастлабки куфий (маъқалий) намунасини жуда ўзгартирди. Араб алифбосининг кенг ислом оламида ҳукмрон бўлиши бу хатнинг эстетик томонига эътиборни ниҳоятда кучайтирди. Натижада, араб хат намуналарининг ўзи 40 га яқин бўлди. XIV асрга келиб араб алифбосида янги услуб – таълиқ ва настаълиқ вужудга келди. Настаълиқ хатининг асосчиси Хожа Мир Али Табризий (1330–1404) эди. Бу хатнинг майдонга келиши араб алифбоси билан китобат қиладиган халқларнинг маданиятига жуда катта таъсир кўрсатди.

Араб алифбосига бўлган бунчалик эътиборнинг сабаби нима эди? Энг аввало, бу шу билан изоҳланадики, қадимда китоб босиш мавжуд бўлмаганлиги, барча ёзма адабиёт котиб томонидан кўчирилганлиги ва китоб қийматининг баланд эканлигидадир. Иккинчидан, араб алифбосида жуда катта санъаткорлик билан ёзилган шеърий байтлар, ҳикматлар, диний парчалар, тасвирий санъат асарлари сифатида уйларда осиб қўйилган, мадраса, иморатлар пештоқини безаган. Навоий асарларида араб ёзувини Хуросон ва Мовароуннаҳр иморатларида усталик билан битган кўпгина котиблар номини келтирган.

Бу даврда адабиёт тасвирий санъат билан бевосита алоқада эди. Айниқса, XIV–XV асрда Шарқда машҳур бўлган Хуросон ва Мовароуннаҳр миниатюра мактаби адабий, тарихий асарларни мазмундор расмлар билан бойитди. Хусусан, Шарқ Рафаэли номи билан машҳур бўлган рассом Камолиддин Беҳзоднинг рассомчилик мактаби диққатга лойиқ. Бу даврда турли бадиий асарлар, жумладан, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Низомий, Амир Хусрав, Навоий, Жомийнинг «Хамса» ва «Ҳафт авранг»и, Бобурнинг «Бобурнома»сида ишланган миниатюра ва суратлар Шарқ тасвирий санъатининг юксак намунаси сифатида бизнинг кунда ҳам юксак қадрланиб келмоқда. Бу масаланинг биз учун моҳиятли томони шундаки, адабиёт ўзининг оммага олиб борадиган таъсирини якка ўтказмасди. Хатдаги юксак чирой, ҳусн, бадиий асардаги миниатюралар адабиётнинг таъсирчанлигига, халққа тезроқ бориб етиши ва кўпроқ фойдали бўлишига хизмат қилди.

Шубҳасиз, хат ва хаттотлик, рассомликнинг юксалиши ва бунчалик шуҳрати адабиётга, жумладан, Навоий ижодига таъсирсиз қолмади. Шуниси маълумки, Навоий хат қоидаси ва хаттотлик ҳақида алоҳида рисола битмаган. Лекин асарларидаги сочма фикрлар унинг бу масалага катта эътибор билан қараганини, котибларга ҳомий бўлганини ва китобат ишининг тараққиётига жон куйдирганини кўрсатади. Навоийни котибларга берган баҳоси орқали унинг адабиёт, бадиий асарга бўлган муносабатининг янги қирраларини очиш имкони туғилади.

Навоий котиб ва китобат масаласига асосан «Маҳбубул-қулуб» нинг 17-фаслида «Котиблар зикрида» сарлавҳаси билан, «Хамса»да, «Ҳайратул-аброр» достонининг 12-мақолатида ҳамда бошқа достонларнинг кириш ва хотима қисмларида, «Мажолисун-нафоис»даги котиблар ҳақидаги маълумотларида, «Хамсатул-мутаҳаййирин», «Муншаот» ва бошқа асарларида тўхталиб ўтган.

Навоийнинг котиблик ва китобатга бунчалик эътибор билан қараганлиги, умр бўйи яратган асарларида бу масалага тўхталишининг сабаби нимада эди? Бу энг, аввало, шунда кўринадики, ўша даврда котибнинг маданий ҳаётдаги роли жуда катта эди. У даврда котиб

фақат нусхани оққа кўчирувчи техник ходим эмас, балки ўз замонасининг маданий ҳаётида фавқулотда катта роль ўйнаган илм, маърифат вакили, маданият арбоби эди. Шундай бўлиши ҳам керак эди. Худди шундай хислатга эга бўлган котиб китобатида чирой ва мазмун мужассам бўлади. Ана шу хислатга эга бўлган котиб «шуаро сўзининг варақнигоридур ва сўз махзанининг хазинадори» деган юксак қадр ва тавсифга эга бўлган. Унинг астойдил қилган меҳнати, илмини сарфлаши, «сафҳаға жамол, андоққи, яхши юз сафҳасиға хатту хол» бўлган. Бир лаҳза эътибор беринг-а! Улуғ адиб хаттотнинг катта муҳаббат билан кўчирган асарини киши юзидаги, аниқроғи маҳбуба юзида меҳр билан берилган оро – «хатту хол»нинг гўзаллиги билан қиёсламоқда. Албатта, бунчалик чирой юксак эстетик дид, бадиий завқ, ўз касбига меҳру садоқат, тинимсиз ижод ва ўрганиш эвазига қўлга келади. Шунинг учун Навоий бундай моҳир хаттотлар руҳини кўтаришни, уларнинг китобат ишларида ҳам чиройли шакл ва ҳам мазмун бутунлиги (бунда хатосиз кўчириш)ни истаб ёзади:

Ой киби юз сафҳаву хат анда хат,
Хор анга ҳар сори мушкин нуқат.
Сафҳалари ҳар бири гулзордек,
Жадвали атрофида девордек.
Кўр нечук бу чаман ичра вард,
Дойи чу бор олтун ила ложувард.
Сатрлар анда гулу сарву суман,
Дар икки сатр ўртаси дилкаш чаман.
Лафзлар анда гули насрин бўлиб,
Маъни анга меваи ширин бўлиб...

Юқоридаги мисраларда Навоий катта санъаткорлик билан ўз даврининг моҳир котиблари томонидан кўчирилган китоб саҳифасини тасвирлаган. Улуғ шоир гўё заррин ҳарфлар билан битилган асарнинг ҳар саҳифасини кўздан кечирганда, муаттар боғлар ичида сайр қилиб юргандек, котиб томонидан ажратилган жадваллар ана шу боғнинг деворидек ўз аксини топган. Навоий бунда котиб ишида шакл ва мазмун бирлиги намоён эканлигига урғу берар экан, («лафзлар анда гули насрин бўлуб, маъни анга меваи ширин бўлуб...») шоир томонидан яратилган асар котибнинг ҳалол меҳнати эвазигагина мевали дарахтга айланишини таъкидлайди. Шу тасвирда ҳам Навоийнинг адабиёт ва хаттотлик ўртасида мустаҳкам алоқа борлигига, маданиятнинг бу икки томони бир-бирисиз мевасиз дарахт бўлиб қолишига ишораси бор. Шунинг учун Навоийнинг юқоридаги қарашини котиб ишига, унинг меҳнатига берган юксак баҳоси сифатида қараш мумкин.

Алишер Навоийнинг худди шундай баҳосини давр котибларидан Султон Али Машҳадий ҳамда Мавлоно Симий Нишопурий, Мавлоно Шерали, Мавлоно Сойилий ва бошқалар ҳам олишга сазовор бўлишган.

Айниқса, Алишер Навоийнинг Султон Али Машҳадийга берган баҳоси характерлидир: «Бу кун Хуросонда ва оламнинг аксар билодида насх-таълиқ хатида қиблатул-куттобдир ва китобат мулкининг қаламрави якқалами анга мусалламдур».

Султон Али ҳақида фикр билдирган унинг замондошлари Хондамир, Восифий, Давлатшоҳ Самарқандий, Қози Аҳмад каби адиб ва тарихчилар ҳам уни «котиблар қибласи» деб таърифлаганлар, у яратган китобат нусхаларининг тенгсизлигини, ҳеч ким настаълиқ хат услубида унинг даражасига етмаганлигини таъкидлаганлар. Буюк хаттот Султон Али яратган нафис қўлёзмалар бизгача етиб келган. Бу китоблар бугунги кунда жаҳон кутубхоналари хазиналарининг олтин фондига айланган.

Султон Али айни пайтда шоир ва олим ҳам бўлган. Унинг хаттотлик санъатига бағишланган рисоласида бу санъатнинг турлари, сирлари ва йўллари атрофлича таҳлил этилган. Султон Алининг фикрича, «хат тозалиги – руҳ тозалигидир».

Навоий таърифлаган котиблардан яна бири Мавлоно Шер Алидир. Шоир унинг истеъдодига баҳо бериб «ўз замонида насхтаълиқ хатин андоқ битидиким, ҳеч киши тақлид қила олмади, балки мушкилки ҳаргиз ҳам тақлид қилса бўлғай» дейди ва бу билан улуғ хаттотнинг китобат санъатида нодир истеъдод эгаси эканлигини таъкидлайди. Навоийнинг Шер Алига бундай баҳо бериши бежиз эмас. У даврда янгиликка интиладиган, ўз йўлини топиб ижод қилувчи котиблар қатори, тақлидчи котиблар ҳам бўлган. Масалан, Навоий астрободлик котиб Хожа Ҳасан Хизршоҳ ҳақида «настаълиқ хатин ҳам Мавлоно Жаъфар тариқин тақлид қилиб ширин битир эрди» дейди.

Навоий Мавлоно Симий ҳақида фикр юритар экан, унинг нишопурлик эканлигини, шеър, муаммо, иншо фанлари қатори хаттотлик билан ҳам шуғулланганлигини, бу борада шуҳрат қозонганлигини таъкидлайди. Симийнинг шеър ёзиб, ўзи китобат қилганлигини эса алоҳида таъкидлайди. XVI аср котиби ва адиби Қози Аҳмаднинг мусиқага бағишланган рисоласида Симий ҳақида анча маълумот бор. Рисола муаллифининг ёзишича, Симий хаттотлик ҳақида ҳам асар битган. У араб алифбосининг етти турини мукаммал билган ва китобларни юксак дид билан безаган. Ўша даврда одамлар Симийга шогирд тушишни бахт деб билганлар.

Алишер Навоий ҳар бир хаттот фаолияти, шахсияти, ахлоқи, унинг жамиятдаги мавқейи ҳақида имкони борича пухта маълумот беради. Масалан, Сойилий ҳақида аввал «анингдек сариъулқалам котиб у замонида йўқтур» деб унинг хушхатлигини айтса, кейинги жумлада «ҳар кунда беш юз байт осонлик билан битур» деб хаттотнинг тезлигини таъкидлайди. Мавлоно Номийнинг «нома» хатини битишда моҳирлигини айтса, Шайхзода Пуроний ҳақида «оз муддатда хутутни андоқ битидиким, ул фан устодлари ўттиз йилда андоқ битмайдилар», дейди. Шулар қатори Навоий таърифига Биноий, Юсуф Шоҳ, Вайсий, Хожа Абдулло Садрлар ҳам мушарраф бўлганларки, бу шахслар фақатгина котиб бўлмасдан, балки даврнинг кўзга кўринган адиблари ҳам эдилар.

Навоий даври котибларининг кўпчилиги учун хаттотлик касб бўлмаган. Лекин давр талаби, хаттотлик санъатининг ривожи, маданий ҳаётнинг бу санъатга ўта талабгорлиги кўпчилик саводли кишиларнинг бу санъатни қўллашига, кўпроқ китобларни кўчириш учун зарурат туғилганлигида кўринади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Навоий даврида, шунингдек, ундан аввал ва кейин ҳам котибларнинг кўпчилиги фақат китобат билан шуғулланмасдан, китоб безаш, иморатлар пештоқига турли хат намуналарини ёзиш билан ҳам машғул бўлганлар. Иморатда китобат қилган муаллифлар хаттотликка оид рисолаларда номлари зикр этилган. Масалан, Қози Аҳмад ўз рисоласида турли даврда қурилган йигирмадан ортиқ иморатдаги ёзувларнинг хаттотларини эслатиб ўтади.

Алишер Навоий ҳам «Мажолисун-нафоис» асарида мавлоно Фасеҳ Румий ва Мавлоно Абдуваҳҳобни иморат котиблари сифатида тилга олади. Фасеҳ Румий давр донишмандларидан эди. У Озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг «Махзанул-асрор»ига яхшигина жавоб айтган, айни пайтда Жўги Мирзо боғотининг бинолари ва қасрларидаги барча ёзувларни битган. Мавлоно Абдулваҳҳоб эса Имод қўрғонидаги хатларнинг муаллифи бўлган. Навоий ва бошқа адибларнинг бундай маълумотлари, шубҳасиз, маданий ёдгорликлар тарихини ўрганишга, уларнинг хронологиясини аниқлашга ёрдам беради.

Навоий ўз асарларида фақатгина яхши, саводли ва машҳур котиблар ҳақида фикр юритмасдан, бу санъат аҳлининг камчиликларини кўрсатиш, аччиқ сўз, киноя, кесатиқ, мутойи-

ба йўли билан ҳам имкони борича катта фожианинг – котибнинг турли асарларни хато кўчиришининг – олдини олиш, шу билан котибни тўғри йўлга солиш, тарбиялашга интилган. Навоийнинг бундай эҳтиёткорлиги, шубҳасиз, бадиий асарни асл ҳолида бизга ва келгуси авлодга етказишда, уларнинг бадиий қудратини асрашда катта аҳамиятга эга бўлган.

Навоий «Мажолисун-нафоис»да котиблар ҳақида анчагина маълумот беради. Шунинг ўзидан ҳам маълумки, у даврда котибликни касб қилган, бу касбни умр ўтказиш воситаси сифатида билган кишилар ҳам кўп бўлган. Навоий котибликка доғ туширган кишилар ҳақида:

Қайси бир котибки, ул сўзга қалам сургай хилоф,
Ул қаро юзлук боши бўлсин қалам янглиқ шикоф, –

дейишга тўла ҳақли эди. Худди шундай котибни биз Жомий асарларини бошдин оёқ хато кўчирган Абдусамад мисолида кўришимиз мумкин.

Китоб кўчириш, уни тайёрлаш машаққатли иш бўлганлиги туфайли котиблар кўчирган китоблари учун кўп ҳақ олганлар. Масаланинг бу томонини яхши билган Навоий ҳамиша котиб шахсиятининг пок бўлишини, котиблик бойлик орттириш манбаи бўлмаслигини таъкидларди:

Кимки ёзмоқта музд қилса ҳавас,
Борча мақсуди музд бўлсаю бас.
Қора пул узра можаро қилса,
Юзидек сафҳани қаро қилса.
Хомасиға кўзи мидод ўлсин,
Ул қародин анга савод ўлсин.
Тили шақ бўлсин ўйлаки хома,
Орази тийра ўйлаким нома.

Бунда Навоийнинг аччиқ киноясн надомат билан бесавод, меҳнатга муносабати енгил бўлган котибга қаратилган.

Навоийнинг бу таъкиди ўзининг жонли мисолини котиб Султон Али Қоинийнинг пулга ўчлиги, ўзининг истеъдоди, илмини сарватга сотишида кўринади. Қоиний қобилиятли киши. Чиройли китобати туфайли Жомий асарларининг аксарияти унга топширилади. Аммо «бир кун анга китобат буюрилиб эрди, музд таъин қилурда муболағани ул ерга еткурдиким, ҳар бир байтим бир тангага арзир деб». Навоий бу котибни барча лаёқати, хушхатлиги ва саводлилигини хасислиги, пулга ўчлиги олдида ҳеч нарса деб билади.

Навоий чиройли ва хатосиз хат битиш аҳамиятини фақат бадиий асар доирасидагина деб билмайди. У ўзининг «Муншаот»ида давлатдорлик ҳақида фикр билдирар экан, яна хат тозалиги ҳақида қайғуради. Шоҳ девонида битиладиган турли ҳужжатлар, ёрлиқларни аниқ, хатнинг кўпчилик учун маълум, ўқилиши осон шакли – «насҳ-таълиқ» ва «насх» услубида битишни, битилган ҳужжатнинг аниқ йили, ойи, куни кўрсатилишини таъкидлайди: «яна улким ҳар турлик арзадоштким, юқори битилса, «насх ва таълиқ» хати билан андоқ хоно битилсаким, ўқурда ўқур кишида ташвиш етмаса, «туркча» хат била худ асло битилмасаки, бу бобда қавле дағи бордур. Ҳар сўзким арздошт қилинур улча имкони бор машҳур битилса, ҳар ишнинг тарихини не ой, не кунда экандур андоқ битилсаким, мақсудда ҳеч иштибоҳ қолмаса».

Навоий фақат хат ва хаттотлик, хаттот шахсиятининг поклиги учун қайғурмади, балки хаттотларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатди, хаттотлик ҳақида рисолалар битилишига мадад берди, бу асар муаллифларини рағбатлантирди. Навоийнинг хат ва хаттотлик ҳақидаги қарашлари ҳамиша адабиёт, адабий ҳаёт билан бирга таҳлил этилди, ҳал қилинди.

***

Шарқ халқларининг тарихий, адабий ва бошқа ёзма ва оғзаки ижодида ҳамиша, қадимдан бу ернинг халқлари мусиқа билан шуғулланганлиги таъкидланган. Лекин, шуни айтиш керакки, бу халқларда азалдан адабиёт хоҳ оғзаки ва хоҳ ёзма бўлмасин, мусиқа билан бирга тараққий этиб борган (бу, айниқса адабиётнинг эпос турига боғлиқ). Ҳатто халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам бирор мусиқа асбоби орқали ижро этилган, ёки декломация – маълум оҳанг асосида эшитувчига етказилган. Мусиқанинг назарий томондан ўрганилиши, рисолалар битилиши, янгидан янги куйлар ихтиро қилиниши, ундаги таъсирчанликни янада оширишга олиб келган. Айниқса адабиётда ғазал жанрининг юксалиши ва унинг оҳангдорлиги мусиқани адабиёт билан янада яқинлаштирди. Шоир томонидан яратилган бадиатан юксак асар – ғазал ўша заҳотиёқ бастакорлар томонидан куйга солиниб, давраларда ижро этилган. Бу билан шеъриятнинг қанотлари узоқларга учиш учун янги қувват топар эди.

Бу борада Алишер Навоий ижодини пухта ўрганган, айниқса, унинг мусиқага бўлган муносабатини тадқиқ этган олим, тожик совет адабиётининг асосчиси Садриддин Айний ўзининг «Алишер Навоий» номли асарида қизиқ бир факт келтиради: «Алишернинг шогирдларидан бўлиб, қозилик ҳамда вазирлик мартабаларига эришган Хожа Абдулла Марворид, унинг ёрдами ва раҳбарлигида музикадан ихтисос олиб, бу соҳада бир китоб ёзди. Абдулло Марворид Навоийнинг:

Дил офати бир муғбачаи моҳлиқодур, Майхораву бебок,
Ким ишқидин онинг ватаним дайр фанодур, Сармасту яқам чок

деб бошланадиган бир мустаҳзодига «сармасту ёқам чок» номи билан куй басталайди. Восифийнинг «Бадоеъ-ул вақоеъ»даги муболағалироқ таъбирига кўра, бу ашула ўша вақтда Ҳиротда жуда машҳур бўлган (бу куй Бухорода охирги вақтларга қадар «Машрабхонлик» номи билан куйланар эди.)»[1]

Мусиқа ва адабиётнинг бири-бири билан ҳамиша ҳамқадамлиги шу мисолда ҳам кўринадики, жаҳон классикларининг жуда кўпчилиги юксак савиядаги бадиий асарлар яратиш билан бир қаторда мусиқа билан ҳам шуғулланганлар, бирор мусиқа асбобини чала билганлар. Масалан, тожик классик адабиётининг асосчиси Абу Абдулло Рўдакий уд чалишда, Абулқосим Фирдавсий чанг, барбат чалишда, Носир Хисрав ғижжак чалишда шуҳрат тутганлар. Дарвиш Алининг маълумот беришича, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий мусиқада янги йўллар ихтиро қилганлар.

Кўриниб турибдики, Навоийга қадар ҳам, Шарқ, алалхусус, Хуросон ва Мовароуннаҳр халқлари адабиёт ва маданиятнинг бошқа соҳалари қатори мусиқа билан ҳам кенг шуғулланганлар. Шубҳасиз, бу ҳамкорлик адиблар ижодига таъсирсиз қолмади. Навоий мусиқага оид алоҳида асар битмаган бўлса ҳам, унинг бу фикрлари тарқоқ ҳолда барча асарларидан жой олган.

[1] Садрнддин А Й Н И Й. Танланган илмий асарлар, «фан», тошкент, 1978, 233-234-бетлар.

Улуғ адибнинг адабиёт ва мусиқанинг бирлиги ҳақидаги фикри «Саддий Искандарий» достонининг кириш қисмида – достон сюжетини ёзишга киришишдан олдин ифодаланган. Шоир «Хамса»сининг охирги достонини ёзишга киришишдан олдин ўз олдида турган катта вазифани якунлашга ошиқади ва ана шу масъулиятли иш олдидан илҳомини жўш урдириш, ўзида янги бадиий туйғу уйғотиш учун муғаннийга мурожаат қилади. Навоий бунда муғаннийни «суруди ҳарифона» чекишга, биргаликда ижод қилишга чақиради. Бу парчани диққатга лойиқ жойи шундаки, Навоий муғаннийдан қўшиқсиз куй чалишни илтимос қилди. Куй қўшиғини – шоир ўз достонини ана шу куй мададида тонгда яратишини айтади:

Муғанний суруди ҳарифона чек,
Бир ун бирла тек турмағил, ёна чек.
Дема, сўз мени айла масти хароб,
Ки тонгда сўз айтурға қилғум шитоб.

Навоий муғаннийга «суруде чек андоқ баланд» дер экан, мусиқа ёки қўшиқ куйининг баландлигини эмас, балки мусиқа шуҳратининг юксаклигини назарда тутади. Унингча, бу шуҳрат эшитувчи элга манзур бўлгандагина ўзининг шундай баланд овозга эга бўлиши мумкин. Навоий бадиий асарнинг шуҳратини ана шу мусиқанинг «олий овозаси» – элга етказишини ва мусиқа орқали шеърият киши кўнглига тез етиб бориши, таъсир ўтказишини таъкидлайди:

Муғанний суруде чек андоқ баланд,
Ки тушсин сидеҳр аҳлиға дил нисанд.
Уни савтини олий овоза эт,
Сўз овозасин кўнглима тоза эт.

Навоий даврида адабиёт ва санъатнинг ана шу бирлиги ўша даврда адибларнинг ижодида кўп соҳаларнинг қамраши, кўп қиррали ижодкор бўлиб етишиши талаб этиларди. Ҳар қандай адиб мусиқа билан шуғулланиши, уни тушуниши, иложи бўлса, мусиқага оид рисола битиши, бирор мусиқа асбобини чала билиши лозим эди. Навоий «Мажолисун-нафоис»да кўпгина адибларга баҳо берар экан, уларнинг кўпида мана шу бирликнинг борлигини кўрсатади.

Навоий даврида адабий йиғинлар, давралар мусиқа ва қўшиқсиз ўтмаган. Шуниси диққатга сазоворки, ўша давр мусиқасида ўзбек, форс, тожик, араб тили билан айтиладиган қўшиқлар, куйлар бирга янграган. Бу шу халқлар адабиётининг яқинлиги қатори мусиқада ҳам ҳамкорлигини билдиради:

Икки ёндин муғанний икки хайл,
Жонға тандин чиқорға солиб майл.
Ўнгда туркинавоз уриб дастон,
Қўзғолиб ҳар навода Туркистон.
Тортқон турк нағмасида суруд,
Оқизиб халқ кўзларидин рўд.
Сўл сори форси суруду нағам,
Фитнаи Форс бал Ироқу Ажам.

Шоир «Маҳбубул-қулуб»да мусиқанинг жозибали, сеҳрли товуши ҳақида фикр юритиб, унинг кайфиятни кўтаришда не чоғлик таъсир этиши, кундалик ҳаётда зарур эканлигини таъкидлаганини кўрамиз: «Хушхон муғаннийдин дард аҳлининг ўти тездур, агар малоҳати бўлса, ҳол аҳлиға рустохездур. Ҳар муғаннийки, дардмандонароқ нағма чекар, анинг захмаси захмлиқ юракка коргарроқ тегар».

Навоийнинг бу сўзларидан кўриниб турибдики, у фақат ёқимли куй ва хушовоз хонандани ёқламоқда. Демак, фақат самимият, юксак нафосат билан яратилган куйгина киши руҳининг озиғи бўла олади.

Навоий ҳамиша ҳаётий санъат тарафдори бўлган ва ана шу санъат вакилларини қўллаб-қувватлаган. Лекин Навоий фикрича, қўшиқ халққа хизмат қилиши керак. Санъатга доғ туширганларга нафрат билан қараган. Санъатни даромад манбаи қилиб олганлар эса тамагир кишилардир: «То буюрғувчига сила ва инъом бор, алар мулозимдурлар ва хизматгор. То сўҳбатда неъмат кўп аларга барча амру нахйинг жўд. Чун базмда танаъум оз бўлди, алар иши истиғноу ноз бўлди... Ҳаракотлари тузуксиз сўзларидек ва калимотлари ҳашв ва маҳолсиз нозларидек. Вафо алар табъида маслуб.»

Навоий асаридан келтирилган юқоридаги мисолда катта ижтимоий мазмун, ҳикмат бор. Улуғ адиб ўз орияти, номусини билмаган, мол-мулк, пул ва зиёфатларга муккасидан кетган санъаткорларнинг башарасини очиб ташлайди, уларнинг бутун олами бойлик орттириш эканлигини таъкидлайди. Навоийнинг ушбу қарашини ҳозирги айрим тўйма-тўй изғиб, санъат номини сотиб пул, бойлик орттираётган «отарчи» хонандалар ҳақида ҳам айтилган десак бўлади.

Кишиларнинг мусиқани тушунишлари ҳақида Навоийнинг «Насоимул-муҳаббат»да келтирган мисоли характерлидир (бу мисол Жомийнинг «Нафаҳот-ул-унс»ида ҳам бор): «Алар (яъни Жалолиддин Румий) дер эрмишларки, рубоб уни беҳишт эшигининг сариридур. Агар бизга андин завқ ва хушҳоллик бўлса, жиҳат будур. Бир мункир эшитиб дебтурки, биз даҳи эшитурбиз. Бизга нечук ул завқ ва ҳол бўлмас. Алар дебтурларки, сиз ул эшикнинг ёпқанининг саририн эшитурсиз, биз очқонининг. Сабаб будирки, бизга завқ ва ҳол бўлур ва сизга йўқ». Демак, мусиқани (шу билан бирга адабиётни ҳам) фақат одатий эшитувчи бўлиб эшитиш (ўқиш) керак эмас. Уни, энг аввало тушуниш керак. Ўшандагина у кишига завқ бағишлаб, руҳиятини пок этади.

Навоий мусиқа ва унинг ҳаётдаги зарурати ва моҳиятини тушунтириш билан чекланиб қолмаган. У ўз даврининг мусиқасига арзигулик ҳисса қўшган. Мусиқанинг халққа тушунарли бўлиши, кўпчиликка манзур бўлишини истаган Навоий адабий асарларни кенг оммага тушунарли қилиб етказишни талаб қилганидек, мусиқада ҳам пухта, сермазмун асарлар яратилиши тарафдори эди.

Улуғ адиб «Хамсатул-мутаҳаййирин»да шундай юксак талабларга жавоб бера оладиган рисолалар битилишини замонасининг кўзга кўринган мусиқа билимдонлар Мир Муртоз, Хожа Шиҳобиддин, Абдулло Марворид, Қулмуҳаммад Удий ва бошқаларга топширганини ёзади. Лекин бу олимларнинг рисолалари Навоийни қониқтирмайди. Оқибатда, у ҳар томонлама етук мусиқа рисоласини битишни устози Абдураҳмон Жомийдан илтимос қилади. Рисола тугаллангач, Навоий уни кўриб, беҳад хурсанд бўлади ва устозининг бу улкан ишидан қувониб: «бу фанда андоқ мунаққаҳ ва муфид рисола йўқтур», дейди. Навоийга Жомий рисоласининг нимаси хуш келган? Таъкидлаганимиздек, унга ўша давр мусиқа назариётчилари яратган асарлар маъқул бўлмаганди. Жомийнинг етук адиблиги, шеърларидаги оҳангдорлигини мусиқа йўлларига кирита билиши, хуллас, мусиқа ва адабиёт бирлигини сақлай олиши уни етук мусиқа асарини яратишга олиб келган.

Навоий ўз даврининг мусиқа аҳлига жуда катта ҳурмат билан қараб, асарларида уларни самимият билан эслайди, мусиқий қобилиятларига ижобий баҳо беришга ҳаракат қилади. Булар Паҳлавон Муҳаммад, Хожа Абдулвафо Хоразмий, Соҳиб Балхий, Қулмуҳаммад Удий ва бошқалардир.

Навоийнинг мусиқага бўлган қарашлари, шубҳасиз, унинг адабий ижодига ҳам таъсир этмасдан қолмади. Кўпчилик адабий-тарихий манбалар сосонийлар ҳокимияти даврида яшаган Баҳром Гўр (подшоҳлик даври 420-438) ва севгилиси Дилоромнинг чанг чалишда моҳирлигини кўрсатадилар. Навоий ҳам мусиқага оид қарашларида шу мавзуга мурожаат қилган. «Сабъаи сайёр»да у Дилоромнинг Хоразм шоҳи саройидан қочиб қутулишининг сабабини мусиқанинг сеҳрли оҳангидан излайди. Унинг моҳирона чалган чангидан бутун сарой аҳли ҳушдан кетади. Натижада, Дилором ҳеч қандай қаршиликсиз саройдан чиқиб кетади:

Чангин қўлга олиб айлади соз,
Чанг била нағма айлади оғоз.
Нағма ул навъ ошкор этти.
Ким эшитгач шоҳ ўзидан кетти.

Бу мисраларда Навоий адабиётдаги муболаға санъатидан фойдаланган. Лекин бунда масала ишлатилган бадиий санъатда бўлмасдан, шоир томонидан мусиқа қудратини бўрттириб кўрсата олишда, қаҳрамон ҳунари, санъатини тасвирлай олишидадир.

Алишер Навоий юқорида номлари зикр этилган мусиқашунос, созандалардан ташқари асарларида яна жуда кўп мусиқа аҳлига баҳо беради, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳолати, жамиятдаги ўрни, ижодида мусиқа ва адабиётни бирга, бир оҳангда садо беришини таъкидлайди. Ана шулардан бири баркамол олим, мусиқашунос, хонанда, ўз даврининг етук паҳлавони Паҳлавон Муҳаммаддир. Пайти келганда шуни айтиш керакки, Паҳлавон Муҳаммад оддий табақадан чиққан шахс бўлиб, Алишер Навоий унга атаб «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» деган асар яратган. Бу классик адабиётимизда, умуман, Шарқ адабиётидаги нодир ҳолдирки, буюк шоир, мамлакат вазири ўзининг махсус асарини келиб чиқиши жиҳатидан оддий кишига бағишлагандир. Бу бир томондан Алишер Навоийнинг камтарлигига, кишининг наслу насабидан қатъи назар, инсоний хислатларини қадрлашига ёрқин мисол бўлса, иккинчи томондан Паҳлавон Муҳаммаднинг ўз даврида энциклопедик билимга эга бўлгани, эл назарига тушиши, ғоят камтарона ахлоқи ва турмуш тарзи сабаб бўлган.

Алишер Навоий ёзишича, Паҳлавон Муҳаммаднинг мусиқий қобилияти жуда кучли бўлган. Шу қатори у хушовоз эгаси бўлиб, ғазалларига ўзи куй басталаб, куйлаган. Классик мусиқачиликнинг нақш, суфия, амал, жир, чорзарб мақомларини замонасининг хушхоналаридан ҳам яхши куйлаган ва мусиқа рисолалари битган. Навоий Паҳлавон Муҳаммаднинг «чоргоҳ» амалида куйлашини мақтаб «Хуросон мулкида, балки Самарқанд ва Ироқда ҳамул ишни билмас гўянда йўқтур» дейди ва унинг номи халқ ёдидан чиқмаслигини таъкидлайди. «Мажолисун-нафоис»да эса Паҳлавонга яна юксак баҳо бериб, «мусиқий ва адвор илмида даврининг беназиридур» дейди.

Дарвеш Али «Рисолаи мусиқий» асарида Паҳлавоннинг мусиқий қобилияти ҳақида характерли бир ҳикоя келтиради. Ўша даврдаги базмлардан бирида Паҳлавон Муҳаммад ҳам иштирок этади ва йиғилганларнинг ҳамма саволларига жавоб беради, сўнгра хотирига келган янги куйни чалиб эшиттиради. Куйнинг жозибадорлиги, мусиқа назариясига, талабларига аъло жавоб бера олиши давра аҳлини, айниқса, мусиқашуносларни ҳайрат-

да қолдиради. Ўша даврнинг машҳур мусиқашуноси Дарвеш чалинган куйдан руҳланиб, Паҳлавонга қараб: «Агар ҳазратим рухсат этсалар, басталаган куйларини, мен ижро этсам ва номингиз орқали мен ҳам шуҳрат топсам», дейди.

Биз юқоридаги мисолларимизда мусиқанинг Навоий даврида нечоғлик кенг тарқалганлиги, унинг адабиёт билан ҳамбасталиги ҳақида тўхталдик. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, ўша пайтда оддий меҳнаткаш халқ мусиқанинг завқидан ҳамиша ҳам баҳраманд бўла олмас эди. Мусиқа иштирокидаги базмлар, катта йиғинлар, кўпинча, шоҳ ва юқори табақа вакилларининг насиби бўлиб, оддий халқ ана шу мафтункор куй ва қўшиқларни фақатгина олисдан тингловчиси эди, холос. Лекин шунга қарамасдан қўшиқ ва куй, мусиқа илми халқ дилига йўл топиб, унинг руҳий тарбиясига таъсир этган, ўз вазифасини бажарган.

Алишер Навоий оддий, меҳнаткаш халқ орасидан чиққан мусиқашунос Соҳиб Балхий ҳақида маълумот бериб, бизнинг юқоридаги фикримизни маълум даражада тасдиқлайди. Соҳиб Балхий дунёвий илмлардан хабардор киши. Шоирлик табъи анчагина. Ҳатто машҳур шоир Хожа Салмон Соважийнинг қасидасига дурустгина жавоб айтган. Шу билан бирга «адвор (мусиқа назарияси) ва мусиқий илмида комил» бўлган. Ўзи ғазал ёзиб куй басталаган. Ўша давр машҳур созанда ва мусиқашуноси Жўги Мирзо мажлисида ўзининг «чаҳоргоҳ»ини шундай усталик билан айтганки, ҳеч ким у каби санъат кўрсата олмаган. Лекин Соҳиб Балхий қуйи табақадан эканлиги, замонанинг адолатсизлиги туфайли назардан қолган, ҳатто ошу нон тилаб кун кечирган.

Алишер Навоий адабий мероси адабиёт ва санъатнинг тарихи ва тараққиётини ўрганишнинг муҳим манбаидир. У ўзининг асарларида ўша даврда яшаб мусиқа ва мусиқашуносликка катта ҳисса қўшган кўпгина санъат вакиллари номини келтириб, уларни тарих саҳифасида абадий қолдирди. Булар даврнинг йирик мусиқашуноси, уд ва ғижжак чалишда моҳир, мусиқий рисола муаллифи Қулмуҳаммад Удий, «Аслул-васл» мусиқий рисоласининг автори Бу Алишоҳ, Навоийнинг тоғаси, адиб, мусиқа бнлимдони, «Ғарибий» тахаллуси билан шеърлар битган Муҳаммад Али, адабий йиғинлар, базмлар, санъат давраларининг «гули сари сабат»лари, ҳофизлар: Басир, Мирвафо, Ҳасанали, Маҳмуд Айший, Ҳасан Нойи, Аҳмад Ғижжакий, Али Танбурий, Ҳожи Қаҳатийи Нойи ва бошқалардир.

Шундай қилиб, мусиқа ҳам хат ва хаттотлик каби адабиёт билан ёнма-ён тараққий этди, бадиий асарларни халққа тез етиб бориши учун кўмакдошлик вазифасини ўтади. Навоий мусиқага юксак эътибор билан қарар экан, унинг ривожига арзигулик ҳисса қўшди, ўз даврида мусиқа аҳлини рағбатлантириш, уларни ҳам моддий ва ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб, янгидан янги мусиқий асарлар, куй ва оҳанглар яратилишига сабаб бўлди.

АДИБ МАҲОРАТИНИНГ ҚИРРАЛАРИ АЛИШЕР НАВОИЙ ТАҲЛИЛИДА

Алишер Навоийнинг бадиий маҳоратга бўлган муносабати нимада кўринади? Бу, энг аввало, улуғ адибнинг истеъдод ва маҳоратни бирликда кўриши, шеърий санъатларга муносабати, адиб ижодида кўпқирралилик, маҳорат ва давр талаби, салафларга оригинал татаббуъ қилиш ҳам маҳорат мезони эканлиги, Навоийнинг адиб маҳоратини баҳолашда ишлатган сўз-иборалари «мезон тоши» эканлиги ва бошқа масалаларда ўз аксини топган.

Алишер Навоий адиб ҳақида фикр юритар экан, энг аввало, шоир ижодида маҳорат ва истеъдоднинг мужассамлигини кўради. Агар ана шу бирлик мавжуд бўлмаса, ундан юксак ижодкор чиқмайди. Навоий тасвиридаги Мавлоно Осафий бунинг ёрқин мисолидир. Ва аксинча: ёшлигида маҳорати бор киши меҳнат қилса, истеъдодини тўғри йўлга сола олса, унда у мақтовга лойиқ адиб, эл ҳурматини қозонган кишига айланади (масалан, Давлатшоҳ Самарқандий, Мир Шоҳий ва б.).

Навоий Сайид Ҳасан Ардашер шахсиятини баҳолаётганда, энг аввало, Ардашердаги шу хусусиятга алоҳида беради: «кичик ёшдин ўқимоқ ва битмакка табълари мулойим ва мойил эрмиш», – дейди. Лекин Навоий истеъдоднинг ўзи кишида илмни эгаллаш, бадиий баркамол асарларни яратиш учун етарли эмаслигини таъкидлайди. Унингча, ана шу ёшликдан интилиш «мулойим табъ»ни меҳнат билан пишитиш, ўқиш, ўрганиш лозим. Фақат шундагина истеъдод ва маҳорат бирлашади: «Чун алар *(яъни Сайид Ҳасан Ардашер – Ҳ. Қ.)* кичик ёшдин фазойил ва камолот иқтибосиға авқотларин сарф қилур эрмишлар. Бот абнойи жинсдин ҳар билик бобида мумтоз, балки кўпрак замоннинг табъ ва фазл аҳлиға фойиқ ва сарафроз бўлубдурлар».

Истеъдод ва маҳоратни чархлаш Сайид Ҳасан Ардашерни ҳам олим, ҳам табиб, ҳам юксак адиб, ҳам давлат арбоби бўлишига сабаб бўлган. Навоий Ардашернинг бу сифатларини эҳтиром билан қайд қилган.

Маълумки, шоирнинг бадиий камолоти унинг асаридаги ўйноқи мисралар, юксак ўхшатмалар, тасвирларни ўз ўрнида ишлата билишида кўпроқ намоён бўлади. Лекин шеъриятда юқоридаги талабларга мос асарлар яратиш анча машаққатли иш. Бунга эришиш учун Навоий таъкидлаганидек, чексиз меҳнат қатори адиб қобилияти ҳам зарур. Навоий ўз даврининг танқидчиси сифатида майдонга чиқар экан, энг аввало, ўз «равзаи назм»ининг «рангин» бўлишига, ана шу рангинлик – бадиий юксак тасвирлар унинг асарини «санами Чин» бўлишини таъминлашига ишонган эди. Алишер Навоийнинг тубандаги жозибадор тасвирига диққат билан назар солайлик! Буюк адиб бадиий асарни энди турмушга узатаётган пок, бокира, чиройли ва иффатли келинчакка ўхшатмоқда. Ўқиганда юракни ғилофидан чиқаргудек гупирлашига сабаб бўлувчи, чиройли ташбеҳу истиора, ўринли муболиғаю ҳамиятга озор етказмайдиган юмор, ҳатто қаҳратон қишда ҳам ҳаёт, борлиқ, табиатни бор моҳияти билан тасвирлаб, дилларга яшашга қувват ва илҳом бахш этувчи бадиий асаргина – буюк. Зеро,, юқоридаги ҳаётийлик ва халқчиллик, олижаноб бадиий санъатлар кўмагида яратилган асарнинг «сунбул гисусига машшота қўллари шона ургиси, наргис кўзларига сурма тортгиси, «лафз либоси» билан «ул санами шўхшанг»ни оро беришга киришиши ҳам табиий ва ҳам бетакрор ҳолдир. Навоийнинг адабий-эстетик қарашларига хос бўлган бу сатрлар, алломанинг адабиётшуносликка оид қарашларини янада гўзал қиёфада, шоирнинг ўзи айтганидек «лафз либосида» «шўхшанг» этиб бера олиш санъати ҳамдир:

Бор эди машшотаи табъим иши,
Бермак алар ҳуснини оройиши.
Шона уриб сунбули гисўсиға,
Сурма чекиб наргиси жодусиға.
Қон ёш ила оразини ол этиб,
Юзида кўз мардумини хол этиб.
Лафз либоси тикибон ранг-ранг,
Киймак учун ул санами шўхшанг
Кийдурубон ҳуллаи мавзун анга.
Зевар этиб юз дури макнун анга.
Қилсам этиб бошдин-оёқ жон ани,
Ҳажлаи ноз ичра хиромон ани...

Адиб маҳоратини белгилашда асосий мезон–юксак бадиийлик, сўз рангинлиги ҳамда маънода пишиқлик. Лекин ана шу мезондан ҳеч қолишмайдиган яна бир шарт – оригиналлик ҳам Навоийнинг бош талабларидан бири эди.

Навоий асарда оригиналликка эътибор берар экан, энг аввало, ундаги мазмун, шеър шакли, тасвирнинг ҳаётий ва мувофиқлиги, ифодасига диққатини қаратди. Масалан, Паҳлавон Муҳаммаднинг қариган вақтида ўспирин ўғли вафот этади. Паҳлавон бу жудолик дардини ҳеч кимга билдирмасликка интилса-да, бевақт вафот этган фарзандига атаб маснавий йўли билан шеър ёзади. Шеърда отанинг фарзандга бўлган меҳри катта шоирлик маҳорати билан ифодаланган. Паҳлавон маснавийсидаги оддий тил, равон ифодалар, юқори бадиият билан тобланган мисралар, ўхшатмалар Навоийнинг «назм аҳлиниг мутааййинлариға ул навъ абъёт воқеъ бўлмайдур» деган баҳосини олади.

Навоий адибларнинг бадиий маҳоратини белгилашда ҳаддан ташқари нозик ифодалар, бадиий образлардан усталик билан фойдаланади. У, кўпинча, асарларида халқ оғзаки ижоди намуналаридан мавридида усталик билаи фойдаланади. Халқдаги «оғиздан сув кетиш» ибораси жуда ҳайратлантирувчи воқеа юз берганда, мўъжиза яратилганда киши томонидан содир бўладиган ҳолатдир.

Навоий ана шу деталдан Мавлоно Қудсий шеърнида сўз ўйини ишлатиб, маҳорат кўрсатганини таъкидлайди. «Мавлоно Қудсийнинг оғзида лақва марази бор эрди, андоққим, оғзидин сув борур эрди ва забт қила олмас эрди. Бу бобда дебдурким:

Бовужуди чунун даҳан, ки марост,
Шеър гўям, ки об аз он бичакад».

(Мазмуни: Менда шундай оғиз бўлишига қарамай, шеър айтайки, ундан сув томиб турсин.)

Навоий даврида анъанавий мавзуда қалам тебратган шоирлар кам бўлмаган. Лекин бу ижодий мусобақада фақатгина оригиналликка эришган, ана шу традицияга оз бўлса-да ўз йўли, ифодаси, лоақал ишлатган нозик детали билан кириб келган адиб маҳоратли ҳисобланган. Шу жиҳатдан Навоийнинг Муҳаммад Али Шуғнонийга берган баҳоси («табъи хўб воқеъ бўлғон»и) характерлидир. Навоий Шуғнонийни анча анъанавий мавзу – май, соқий ҳақидаги байтини келтириб, шоир маҳоратини белгилайди:

Чунон ғарқи маям, соқиё, ки аз гили ман,
Агар гуле бадар ояд шароб аз у бичакад. –

(Мазмуни: Соқий, майга шу қадар ғарқ бўлдимки, агар тупроғимдан бир гул униб чиқса, ундан май томиб туради.)

Бу матлаъда Навоий диққатини тортган нарса, Шуғнонийнинг май мавзусини юксакликка кўтара олгани, бадиий тасвирда бўрттирма орқали оригинал мазмунни илгари сургани бўлган. Лирик қаҳрамон бутун вужуди билан майга берилган. Бунда классик адабиётимиздаги сўфиёна қарашнинг моҳияти май мавзуси ва детали орқали ўз аксини топган. Қаҳрамоннинг бутун вужуди, борлиғи май шарбати билан суғорилган ғоядан ташкил топган. Шунинг учун унинг ҳаётлигидагина эмас, ҳатто ўлимидан сўнг ҳам ундан, ҳатто унинг тупроғидан ҳам гиёҳ – гул унса, ундан шароб – эътиқод, ғоясининг моҳияти томиб туриши аниқ. Ана шу чиройли тасвир, сўфиёна ғоянинг оригинал талқини Навоий тавсифи – мукофотини олишга муяссар бўлган.

Навоий ўзининг адолатпарвар ва инсонпарварлик ғояларини фақат ўз асарларидагина тарғиб этмади, балки бошқа адиблар ижодида ҳам худди шу йўлни кўришни истади. Шунинг учун замона зулми, ноҳақликларидан жабрланган Навоий, даврнинг ана шу иллатини фош этган адиблар ижодига хайрихоҳлик билан қаради. Мавлоно Машриқий Абу Саид Мирзо даврида яшаб, ўша даврдаги ноҳақ урушлар, беҳуда қон тўкишларни қоралаб шеър айтган. Навоий бу шоирнинг маҳоратини, энг аввало, давр воқеаларини аниқ акс эттира билиши, «рўзгор шикоятида бир ободон шеъри борлиги»да билади ва қуйидаги бадиатан юксак байтини мисол келтиради:

Аз чист сурх панжаи маржону пои бат,
Гар хун ба жои об равон нест дар биҳор. –

(Мазмуни: Маржон панжаси ва ўрдак оёғининг қизиллиги дарёларда сув ўрнига қон оққанидан бўлмай, нимадан бўлар эди.)

Навоий Мавлоно Мушфиқийга ўхшаш, адабиётда ижтимоий-сиёсий, ахлоқий мавзуларни асос қилиб, давр сиёсатини, шахс характеридаги ғайриахлоқий томонларни танқид қилиб шеър айтганлардан жуда кўп мисол келтиради. Шубҳасиз, бундай мавзуда асар яратиш адибдан ҳозиржавоб бўлишни, танқид мавзусини топа билишини, шу қатори, албатта, маҳорат эгаси бўлишини тақозо этади. Навоий маҳоратини ҳажв мавзусига қаратган Мавлоно Олим, Шайхам Суҳайлий, Сайид Абдулҳақ каби адиблар ҳақида самимият билан гапиради.

Мавлоно Ҳасаншоҳ бадиҳа санъатида жуда моҳир бўлган. Кунларнинг бирида Навоий бир маросим юзасидан шаҳарга катта ош беради. Буни эшитган Мавлоно Ҳасаншоҳ маъракадан тез-тез хабар олиб туради, аммо ош тугагандан кейин етиб келган Ҳасаншоҳ ўша заҳоти Навоийга қарата ушбу тўртликни айтади:

Дер омадаму зи ғуссаи ғам хўрдан,
Донам, ба яқин, ки чон нахоҳам додан,

Як оши дигар барои ман фикр кунед,
К-аз ғуссаи ин ош бихоҳам мурдан.[1]–

(Мазмуни: Кеч келганимдан шунчалик ғамдаманки, жонимни сақлаб қолишим ҳам хавфда. Менинг учун алоҳида бир ош тайинламасангиз, бу ош ғамида ўлишим ҳам ҳеч гап эмас.)

Навоий таҳсинига сазовор бўлган юқоридаги адиблар «ўз хурду ҳолларига яраша» оригиналликка эришганлар. Шеърий истеъдод ва маҳорат жамламаси уларнинг шеъриятда ўз йўлларини топишга имкон берган. Шулар қатори Навоийнинг Дарвешбек, Мавлоно Шаҳидий, Мавлоно Хумоий, Мавлоно Шамсий, Мавлоно Биноий ва бошқаларга берган баҳосида ҳам оз бўлса-да, оригиналликка мойиллик, янги фикр айтишга интилиш кайфияти мавжуд.

Алишер Навоий шоирнинг яхши бадиий тасвирини, юқоридагидек фақат сўз санъатидан ўринли фойдалана олиш, ҳаётий воқеаларни тасвирлаш, ижтимоий-ахлоқий мавзуларни вақтида илғаб, бадиий асар мавзусига айлантиришнигина эмас, балки бадиий маҳорати баҳоланаётган шахснинг қайси мавридда, қайси асарда кўриб чиқилаётганлигига ҳам катта эътибор беради.

Навоий Жомийнинг «Нафаҳотул-унс» асарини эркин, ижодий таржима қилар экан, энг аввало, таржимада ҳам, ўзи илова қилган шахсларнинг таржимайи ҳоли ва ижодидан келтирилган намуналарида ҳам уларнинг шайхлиги, сўфиёна қарашларини бўрттирувчи шеър ёки насрий парчалар келтиради ва шу орқали бу шахсларнинг фаолиятларини очишга ҳаракат қилади. Масалан, Навоий ўзининг кўпчилик асарларида Низомийнинг маснавий жанрида моҳирлиги, Саъдий ғазалларининг кучлилиги, Саноий қасидасининг шуҳрати, Хожа Ҳофиз Шерозий ғазалларида сеҳр борлигини қайд қилган. У бу қарашларини «Хамса» достонларининг кириш ва хотима қисмларида, «Муҳокаматул-луғатайн» ҳамда бошқа асарларида ёзиб қолдирган. Лекин «Насоимул-муҳаббат»да Навоий бошқачароқ ёндашиб, асар талабига мос фикр билдиради. Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳотул-унс»и машҳур шайхлар, сўфиёна қарашга эга бўлган машҳур шахсларнинг таржимайи ҳоли, ижоди ва дунёқарашига оид материаллардан иборат. Навоий таржимасида бу асар маълум даражада оригиналлик касб этиб, муаллиф унга кўп янги фактик материаллар, турли даврда яшаган шахсларнинг таржимайи ҳоли, ижодига оид маълумотларни қўшадики, шубҳасиз, бу Навоий асарининг бадиий қийматини оширади. Ана шунинг учун Навоий «Насоимул-муҳаббат»да асарнинг мавзу доираси, талабига қараб бу адибларнинг шеъриятдаги юксакликларини таъкидлаш билан бирга уларнинг сўфиёна шеърлари, Оллоҳ ёди учун айтилган байтларини алоҳида чизиқ орқали беради. Навоий «Насоимул-муҳаббат»даги адибларнинг асарларидан давр камчиликларини танқид қилувчи, шеърий санъат, бадиий жиҳатдан аъло бўлган байтларни эмас, балки сўфиёна қарашларни юксак ифодалаган асарларни кўпроқ танлаган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Навоийни ёшлигиданоқ Лутфийнинг реал ҳаёт тасвири уфуриб турган ғазаллари кўпроқ диққатини тортган. Лекин Навоий «Насоимул-муҳаббат»да Лутфий ҳақидаги маълумотни илова қилар экан, «агарчи шоирлик тариқида маълум ва машҳур бўлди» деб шеъриятда юксаклигини таъкидласа, асар талаби туфайли

[1] Хондамир. Таърихи Ҳабибус сияр, 4-жилд, 344-345-бетлар.

«аммо дарвешлик тариқин даға илкидин бермади» дейди ва ижодидан мисол танлашда унинг маҳоратини сўфиёна руҳда ёзган шеърларида кўради:

Улки ҳусн этти баҳона элни шайдо қилғали,
Кўзгудек қилди сени ўзини пайдо қилғали.

Ёки Мавлоно Муқимийнинг:

Сенсен асл вужуди ҳар мавжуд,
Сендин ўзга вужудқа не вужуд

байтини танланишида ҳам худди шу мақсад кўзда тутилгаи.

Ҳар иккала байтда ҳам реал ҳаётдаги маъшуқа образи эмас, балки ўз ҳуснини намоён этувчи, ўзини кўзгуда акс эттириб, элни шайдо этувчи – рамзий маънодаги Оллоҳ ҳақида фикр юритилмоқда. Мавлоно Муқимийнинг байтида эса бу мазмун ойдинроқ, очиқчасига ифодасини топган: шоир бутун бор мавжудотни вужудга келтирувчи Оллоҳнинг ўзи эканлигини, ундан ортиқ вужуд мавжуд эмаслигини таъкидлаган. Шубҳасиз, Навоийдек ижоди сўфиёна дунёқараш билан бевосита боғлиқ шахс учун юқоридаги байтлар маҳорат мезони сифатида баҳоланган. Бу яна таъкидлаймизки, «Насоимул-муҳаббат» асарининг талабидан келиб чиққан хулосадир. Алишер Навоий Лутфий ва Муқимийнинг бу байтларини ҳар иккала шоирнинг сўфиёна қарашларидаги юксак маҳорат зоҳир этилган шеърлари деб билганлигини қуйидаги факт билан ҳам исботлаш мумкин. Навоийнинг маълумот беришича, Сайид Ҳасан Ардашернинг табиатида дарвешликка майл кучли бўлган. Шунинг учун унга дарвешона суҳбатлар, тасаввуф ғояларини тарғиб қилувчи шеърлар маъқул тушган. Навоийнинг ёзишича, Сайид Ҳасан жуда кўп пайтда давр шоирларининг:

Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски бағримдан эрур парголалар.

ёки:

Лабинг кўргач илигим тишларам ҳар дам таҳайюрдин,
Ажаб ҳолатки, тутмай болни бармоқ ялайдурмен

каби реал ҳаёт тасвирини берган байтларини ёд айтиш билан бирга Лутфий ва Муқимийнинг юқорида зикр қилинган сўфиёна байтларини ҳам мақтаб ўқиб юрган.

Навоий бунда Лутфий ва Муқимийнинг шеърий маҳоратини икки асарда, икки жойда, дунёвий шеърларидан ташқари тасаввуф ғояларининг тараннумчиси сифатида ҳам кўрсатган. Навоий «Насоимул-муҳаббат»да Мавлоно Муқимийнинг сўфиёна либосда айтган туркча шеърини ҳам мақтайди: «Бу тоифа *(яъни тасаввуф тарафдорлари – Ҳ.Қ.)* истилоҳоти била туркча таржеъ айтибдур ва кўп маоний анда дарж қилибтур».

Бу масаланинг бир томони. Мавзу моҳиятининг бошқа қирраси шундаки, Навоий Сайид Ҳасан Ардашер танлаган, ёд айтиб юрган шеърлардан намуна келтириб, тасвирловчи шахснинг дунёқараши, қайси сиёсий-ижтимоий, адабий оқимнинг тарафдори эканлигини

ҳам очиб берган. Юқоридаги мисолдан кўринадики, Сайид Ҳасан реал ҳаёт тасвирланган шеърлари қатори Лутфий ва Муқимийнинг маҳорат билан яратган сўфиёна байтларини олқишлаган, мақтаган. Бунда бу шоирларнинг маҳорати Навоий томонидан шахс характери, дунёқараши, Сайид Ҳасаннинг тасаввуфга мойиллиги нуқтайи назаридан очиб берилган.

Алишер Навоийнинг бадиий асар ва уни баҳолашдаги қарашларида Ҳусайн Бойқаро (Ҳусайний) ижодига берган баҳоси ҳам маълум аҳамиятга эгадир. Чунки Навоийнинг Ҳусайний шахсияти ва ижодига бўлган муносабати ва билдирган эстетик қарашлари Навоийнинг адабиёт ва шеъриятга бўлган муносабатини очишда аҳамиятли. Навоий «Мажолисун-нафоис»нинг алоҳида боби – 8-мажлисни бошдан оёқ Ҳусайний ижодига бағишлайди ва унинг ғазал матлаъларини келтириб, таҳлил этади.

1966 йили профессор Ҳ.Арасли биринчи бўлиб Ҳусайний рисоласини эълон қилди. Ўзбек адабиётшуноси Суйима Ғаниева ва Шарифа Абдуллаева Ҳусайний девонидан танланма шеърлар ва рисоласи (қисқартирилган варианти)ни нашрга тайёрладилар. Афғон адабиётшуноси Муҳаммад Ёқуб Воҳидий Ҳусайний девонининг турли нусхаларини текширган ҳолда шоир девонининг анча аниқ нусхасини нашрга тайёрлаб, ўқувчиларга тақдим этди. Бироқ мазкур ишларнинг барчасида Ҳусайний ижоди ва шахсияти асосий таҳлил объекти бўлиб, Навоийнинг Ҳусайний ижодига бўлган қарашлари ҳақида алоҳида тўхталганича йўқ. Камина ўзининг дастлабки бу борадаги фикрларини тезис шаклида ўқувчиларга ҳавола қилган эди *(Ўзбек адабиётшунослиги масалалари, Тошкент, 1968, «ФАН» нашриёти).*

Навоий Ҳусайн Бойқаро шахсияти орқали идеал шоҳни тасаввур қилар экан, унинг тимсолида шоҳ учун зарур бўлган барча хусусиятлар: раиятпарварлик, маданият ҳомийси бўлиш, ҳалолликни сингдиришга интилди ва маълум даражада бунга эришди ҳам. Ҳусайн Бойқаро турк тилининг ҳомийси эди, ўзи ўзбек тилида ғазаллар битиб девон муаллифи бўлди, лекин шу билан бир қаторда профессор Иззат Султон айтганидек, «Ҳусайн Бойқаро истеъдодли ва ақлли, аммо кези келганда манфаатпарастлик ва айёрлик қилишдан тоймайдиган киши, яъни бу жиҳатдан феодал даврининг типик ҳукмрони эканлигидан далолатдир».[1]

Биз Ҳусайний ижодига Навоий кўзи билан қарар эканмиз, ҳамиша масаланинг ана шу икки томонига эътибор беришга тўғри келади. Фақат шундагина унинг ижодидаги асл объектив ҳақиқат очилиши мумкин. Бу борада адабиётшунос Натан Маллаевнинг хулосаси ҳаққонийдир: «Навоий Ҳусайн Бойқаро ижодининг камчиликларини кўрсатмайди ва кўрсата олмас эди ҳам. Шунга кўра Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро ижоди ҳақидаги мулоҳазаларига, айниқса, унга берган баҳосига танқидий ёндашиш керак».[2]

Муҳтарам олимимизнинг ушбу фикрига тўла қўшилган ҳолда шуни ҳам таъкидлаш керакки, Навоий ҳамма вақт Ҳусайний ижодига шу мезон билан ёндашмаган. У жуда катта санъаткорлик билан бу шоҳ шоир ижодидан бадиий санъатга хос нозик томонларни қидириб топган, унинг ўзга шоирлар ижодида кам учрайдиган томонларини очишга ҳаракат қилган. Шунинг учун унинг баҳоларида шоҳ асарларининг таҳлилигина эмас, балки ўз даврида яратилган чиройли бадиий асар-ғазалнинг таҳлилини ҳам кўп учратамиз.

Навоий Ҳусайний ижодига ёндашар экан, тиниқ ташбиҳ ва иборалар, ғазалчиликда янгилик бўлган кичкина деталлар, улуғ адибнинг ўзи таъкидлаганидек, «ихтиро»ларга

[1] И з з а т С у л т о н . Навоийнинг қалб дафтари. Тошкент, 1969, 362-бет.
[2] М а л л а е **в** Н. Ўзбек адабиёти тарихи, биринчи қисм, 608-609- бетлар.

алоҳида эътиборни қаратади. Ана шу услуб эса Навоийнинг адабиётга бўлган муносабатини, даврининг, албатта, унча баланд бўлмаган адабиёт намунаси ичидан таҳлил учун лойиғини танлай билиш, унинг мағзини очишдаги интилиши – эстетик ёндашишни тушунишга имкон беради.

Навоий даври адабий танқидчилиги ва Навоийнинг кузатиш ва қарашларидаги умумий томонлардан бири – бу ғазал моҳияти, бадийяти, қиймати, мазмуни, шеърга бўлган талаблар(радиф, қофия, ғазалнинг қайси ҳарф тугалланиши, яъни девон тузиш талабларига жавоб бера олиши ва бошқалар)ни умумий тарзда, баён услубида таҳлил этишдан иборат бўлган. Бироқ агар синчиклаб қаралса, ана шу «соддабаёнлик»да адабиёт ва бадиий асар, унинг салмоғи ва роли ҳақида олам-олам маъни пинҳонлигини сезиш мумкин. Навоий ҳам Ҳусайний ижодини таҳлил қилар экан, асосан, ана шу йўлни тутади, яъни анъанага мувофиқ шоир ғазалларидан матлаънигина олиб бутун ғазал сюжетига, ёки умуман шу матлаъ мазмуни билан ғазалнинг ўзига баҳо бера қолади. Навоийнинг бу таҳлил услубини «Мажолисун-нафоис» тазкирасидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин. Бундан ташқари унинг «Хамсатул-мутаҳаййирин», «Муҳокаматул-луғатайн», «Насоимул-муҳаббат» ва бошқа асарларида ҳам кузатиш мумкин.

Нима учун классик адабиётшунослар ғазал ёки бошқа шеърий асарларни баҳолашда бадиият мезонини унинг матласига юклатишган? Бизнингча, бу энг, аввало, шунинг билан изоҳланадики, ғазалда матлаъ бошқа байтлардан кўра комил, ўзига эргашадиган мисраларга мазмунан йўл бошловчилик вазифасини ўташи лозим. Бундан ташқари матлаъ билан ғазалнинг вазн, қофия, радиф, баҳр ва бошқа хусусиятлари бошланади ва бу ғазалнинг қуйида келадиган байтлар учун бажарилиши қонун бўлган ҳукмни чиқаради. Ана шу хусусиятлари туфайли классик адабиётда, жумладан, Навоий ижодида ҳам ғазал, қасида намуналарининг таҳлили шу шеърий асарларнинг матласи билан аниқланган ва матлаъ адиб маҳоратининг мезони вазифаларининг бирини ўтаган.

Навоий Ҳусайний ғазалчилигининг таҳлилига ўтар экан, худди шу услубни қўллайди. У Ҳусайний ғазалларидаги матлаъни таҳлил қилар экан, кўпинча, матлаъдаги мазмуннинг баёни билан чекланиб қолади. Масалан, «Ишқ ошуби ва бедоди ҳикоятида ва ҳажр зулм ва тааддиси шикоятида бу матлаъ асру дардмандона ва бағоят ниёзмандона тушубтур:

Неча ул ой ҳажрида кўнглум бузулғай ғам била,
*Неча жисмим умри емрилғай ғаму мотам била***».**

Ёки: «ёрни ағёр била кўра олмаслиғидин кўз қони деб айни рашкдин бу матлаъ хуб адо топибдур:

Қани кўзким сени кўргаймен даме ағёр ила,
*Ё тааммул қилғаймен ағёр ила гуфтор ила***».**

Лекин Навоий ҳамиша ҳам Ҳусайний ғазаллари матлаъига шу услуб билан ёндашмайди. Агар биз Навоийнинг баҳоларига синчиклаб назар солсак, улуғ шоирнинг нозик қарашларини пайқаймиз. Бизнингча, Навоий Ҳусайний ижодининг уч асосий томони: ғазалдаги мазмун, бадиият, ғазалчиликдаги мушкилликлар ва ғазал муаллифининг бошқа турли ютуқларига аҳамият берган ҳолда таҳлил этади.

Навоий бадиий адабиётда шакл ва мазмун бирлигини ёқлаб, гоҳида мазмунга эътиборни кўпроқ қаратиб, Ҳусайний ижодига баҳо берганда ҳам худди шу йўлни тутади. Агарчи унинг таҳлили юқорида таъкидлаганимиздек, матлаъ мазмунини баён этса-да, лекин шу баҳодан ғазал мазмунининг қийматини аниқлаш имкони туғилади. Бунга Навоийнинг ўз ифода воситалари баҳо вазифасини ўтайди. Бу баҳолар, кўпинча, сифатнинг орттирма даражаларини билдирувчи сўзлар: «яхши», «ажаб ўтлуғ», «басе хуб», «бағоят» ва бошқалар билан ифодаланган. Бу сўзлар бир қараганда синонимга ўхшаса ҳам, лекин Навоийнинг Ҳусайний ғазали матласининг мазмунини ифодалаганида асар мазмунининг бадиият даражаси, шоир маҳоратининг қиёсий баҳоси келиб чиқади. Фикримизнинг далили учун қуйидаги икки мисолни олиб кўрайлик: «Мусофир ёри ҳажридин кўнглининг хароблиғин хуброқ важҳ бирла ажаб яхши одо қилибдурким:

Бир мусофир ой хаёли қилди кўнглимни хароб,
Қолмади жонимға онсиз ваҳки не тоқат не тоб».

Иккинчиси: «ҳажр барқидин шабистониға ўт тушганининг ифшоси ва учқунидин байтулэҳзоннинг куйганининг адоси ажаб ўтлуқ матлаъ тушубтурким:

Ваҳки ҳижрон барқидин туши шабистонимға ўт,
Учқини бирла туташти байтулэҳзонимға ўт».

Биринчи матлаъ мазмунига эътибор берайлик. Байтда ғазалчиликда кўпроқ баён топган мазмун – ҳижрон азоби баён этилган. Иккинчи матлаънинг мазмуни ҳам шу, аммо бунда мазмун баёни чуқурроқ. Муаллиф мазмун бойлиги учун нозик ифодани топган. Ёр ҳижрони аввалги байтдаги йўлаки, номаълум ёрнинг оддий ҳажри эмас. Бу ҳажр барқ(яшин) и лирик ошиқнинг қоронғи шабистонига ўт ёққан, ана шу ўтнинг учқунигина унинг бор бисоти – уйига, хуллас, борлиғига олов пуркаб куйдирган. Шу мазмун фарқиятини кўзда тутган Навоий, аввалги байтни, умуман, ижобий баҳолаб «ажаб яхши адо қилибдур» деса, иккинчи матлаъни «ажаб ўтлуғ матлаъ тушубтур» деб, нисбий юксаклик баҳосини беради.

Навоийнинг Ҳусайний ижодига нисбатан берган юқори баҳоларига ўхшаш мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Масалан, унинг Ҳусайнийнинг:

Маҳваше йўқ сўргали бу зору ҳайрондин хабар,
Ғамкаше йўқ топғали бу зори пинҳондин хабар

матласининг нисбатан ожиз, ғазалчиликдаги умумий мазмуни баён этганлиги туфайли «басе хўб воқеъ бўлубтур» деб баҳоласа:

Қон кўриб ашкимни кўнглум ёрасини сўрмангиз,
Чок ўлуб кўксум, жигар паргорасини сўрмангиз, –

матласиниинг мазмунини юқоридаги байтдан андак устун билади. Шунинг учун унга «бағоят ошиқона воқеъ бўлубтур» дер экан, иккинчи матлаънинг тематикаси – ошиқоналигини ва мазмунан ғоятда юксаклигини билдиради. Ҳақиқатда, иккинчи байтдаги маз-

мун чуқурлиги, бадиий тасвирнинг кенглиги биринчи матлаъдан баланддир. Навоийнинг «мундоқ матлаъ оз воқеъ бўлубтур», «басе муассир тушубтур», «бағоят дилнавоз ва жонгудоз бўлубтур» каби баҳоларида ҳам юқоридаги мазмун нисбиятини кўришимиз мумкин.

Навоий Ҳусайний ижодига, асосан, ижобий томондан ёндашар экан, ана шу баҳоларидаги нисбий фарқни жуда нозиклик билан, мазмунан паст байтларни устун байтлардан аниқ ажратиб баҳолаганини кўрамиз. Навоий Ҳусайний ғазалларини баҳолашда фақатгина унинг ўз матлаъларини изоҳлаш ва бадииятини белгилаш билан муаллиф маҳоратини аниқламайди. У гоҳида бошқа адибларга қўл келмаган, яратилмаган ва ёки яратилганда ҳам бунчалик юксакликка эришмаганлиги ҳақида мисоллар келтириб, таъкидлаб, Ҳусайний ижодини уларнинг асарлари билан қиёсий таҳлил этади. Масалан, «Маликул-калом» Мавлоно Лутфийнинг машҳур матласи жавобида дебтур:

Эй қадинг тубию жаннат ҳадди гулгун устина.
Бу матлаъ воқеъ бўлибтурким:
Хаттининг тори тушубтур, лаъли майгун устина,
Ўйлаким жон риштаси бир қатраи хун устина, –

мисолини қиёсий таҳлил тарзида келтирган Навоий, Лутфий ғазалининг бир матласига қиёслаш учун Ҳусайнийнинг уч ғазалидан уч матлаъни келтиради. Худди ана шу мисолда адабиётшунос, мунаққид Алишер Навоийнинг нозик диди, бадиий асар бутунлигига оид эстетик қараши яққол намоён бўлади.

Биринчидан, Лутфий ғазалидаги ёр юзини жаннатга ўхшатишни маъқуллаган Навоий, Ҳусайний ғазалидаги ҳаётийликни, май пиёласи узра ёрнинг бир тола хатти соясининг тушишини олқишлаш оҳанги мавжуд.

Иккинчидан, Навоий Лутфий ғазалининг шуҳратини, унинг мантиқ кучини, мисралар орасидаги оҳангдорлик ва дилрабо, сеҳрли сўз ўйинини қалбан сезади, бироқ Лутфийнинг бир матласига Ҳусайнийнинг уч матласини рақобат курашига туширтиради. Тўғри, Навоийнинг асл нияти ёр қиёфаси, образини бир бутунлик билан акс эттиришига кўра билишдир. Шунинг учун у Ҳусайнийнинг икки ғазалидан матлаъ келтириб, ёрнинг «хатти»ни таърифлайди. Бироқ Навоий фикрича, чиройли ёр юзида лойиқ ўрнашган «хол» бўлмаса, у мукаммал эмас. Ана шу мукаммалликни Навоий Ҳусайнийнинг учинчи ғазалидан қидиради ва:

Нуқтайи холинг ажаб йўқ лаъли хандон устина,
Ким бўлур бир қатра доим оби ҳайвон устина,–

матласини келтириб, ана шу «кемтик»ликни тўлдиради ва «мундин назм таврида ғоят қувват маълум бўлур», дейди. Бу қувват ғазалда «хатт» билан «хол»нинг якранг ишлатилиши бир-бирини мазмунан ва бадиатан тўлдирганлигида кўринмоқда.

Учинчидан, биз юқорида Навоий Ҳусайний ижодига ҳеч салбий қарамаган дедик. Тўғри, бу Навоий келтирган мисоллар ва ёки Ҳусайний ижодига оид билдирган фикридан қараганда ҳақ эканлигини билдиради. Аммо юқоридаги мисолнинг бир нозик томонига диққатни тортмоқчимиз: «Мажолисун-нафоис»даги Навоийнинг Лутфийга берган баҳосидан маълумки, у ўзидан олдин ўтган туркигўй шоирлардан Лутфийни устун билиб «ма-

ликулкалом»лигини таъкидлаган. Юқоридаги мисолда Лутфий ғазалидан келтирилган бир мисрада Лутфий маҳоратининг кучи намоён бўлган ва Навоий буни шунчаки мисол олмаган. Агарчи Навоий Лутфийнинг бир мисрасига Ҳусайнийнинг уч матлаъини келтириб, Ҳусайнийнинг «хол» ва «хатт» сўзларини ишлатишдаги маҳорати ва ёр тасвирини чизишдаги салоҳиятини кўриб ўтганимиздек таъкидласа ҳам, зимдан, Навоий фикрининг замиридан шуни ҳам пайқаш мумкинки, у Лутфийнинг бир байтига рақобат қилиш учун Ҳусайнийнинг уч матласини келтиради. Навоий шу билан ҳам Лутфийдек сўз санъаткори билан мусобақалашиш, унга жавоб бериш учун юксак маҳорат зоҳир этиш кераклиги, унинг бир байтидаги мазмун ҳусайнийларнинг бир неча ғазалларида ифодаланганлигини ҳам билдирмаганмикин?! Ҳар ҳолда Навоийнинг Ҳусайний ижодига берган бу нозик таърифлари бизни алоҳида фикрлашга, ҳам Навоийнинг ва ҳам Ҳусайнийнинг ижодини баҳолашда тўғри йўл топишга ундайди.

Тўртинчидан, Навоий томонидан Ҳусайний асарларини таҳлил этишнинг бу услуби бизга Навоийнинг бадиий асарга бўлган муносабати орқали бир янгиликни ҳадя этади. У ҳам бўлса, Навоийнинг адабиётшунос сифатида ўзига хос услубидир. Бунда Навоий Ҳусайнийнинг уч ғазали орқали шоир ижодида, унинг ғазалларининг яратилишида аниқ мантиқий занжир борлиги, ҳар бир яратилган ғазал алоҳида бадиий асар бўлганлиги қатори ҳаммавақт бир-бирини тўлдиргани, муаллиф нияти, дунёқарашини бирга амалга оширгани, бир ғазалда айтолмай, кўнглида қолган ниятларини бошқа бир ғазалда ифода этганлигини кўрамиз. Юқоридаги мисолда Навоий мукаммал ёр образидаги зарур деталларни Ҳусайнийнинг уч ғазалидан топади ва буни назмда «ғоят қувват» зоҳир этганлиги сифатида баҳолайди. Демак, мантиқий изчиллик, бир бутунлик, ҳаётийликни Навоий ғазалчиликдагп ютуқ, қувват ва зарурат деб билган.

Фикримиз якка қолмаслиги учун Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро ижодига берган худди шунга ўхшаш бошқа бир баҳосини қисқагина ҳолда кўриб чиқамиз. Бунда қиёсий таҳлил йўқ, мисолларнинг барчаси Ҳусайний ижодидан. Бунда гап «манзурнинг хат ва зулфи» устида кетмоқда. «Бу уч матлаъ» бир-бирига жавоб воқеъ бўлибтур». Навоий ана шу «жавоб»да оддий жавобни эмас, ғазалдан ғазалга ўтиб мантиқнинг сайқал топишини, бадиийтнинг тўлишини ва қолаверса ёр таърифининг тўлиқ бўлишини кўрган. Бунинг устига ғазалларнинг қофия ва радифи «ул ҳазрат *(яъни Ҳусайний –Ҳ. Қ.)* нинг бу фан *(яъни – ғазал яратиш фани –Ҳ.Қ.)* да мужтаҳид табъининг ихтироидур»:

«Манзурнинг хат ва зулфида бу уч матлаъдурким, бир-бирига жавоб воқеъ бўлубтур. Қофия ва радифи ул ҳазратнинг бу фанда мужтаҳид табъининг ихтироидур. Аввалғи матлаъ будирким:

Сабзаи хаттинг ичинда ўйлаким жондур ниҳон,
Ҳуққаи лаълинг аро ҳам дурри ғалтондур ниҳон.

Иккинчи матлаъ будирким:

Зулфи ичра бел, хат ичра лаъли хандондур ниҳон,
Ўйлаким жондур ниҳон, ҳам риштаи жондур ниҳон.

Учинчи матлаъ будирким:

Зулфи ичра гул, гул ичра лаъли хандондур ниҳон,
Бунда меҳру меҳр аро бир чашмаи жондур ниҳон.

Агар Ҳусайнийнинг ушбу ғазалларининг матласидаги бадиий ифода, мантиқ бирлигига Навоийнинг бу матлаъларга берган баҳосидан келиб чиқмаган ҳолда холисона баҳо берадиган бўлсак ҳам, ундаги классик ғазалчиликдаги анъанавий ўхшатишлардан ташқари нозик ифода ва фикр уйғунлигини пайқаш қийин эмас. Масалан, учинчи келтирилган матлаъдаги охирги мисрани мисол тариқасида кўриб чиқайлик. Бу мисрада ҳақиқатда Ҳусайний, катта маҳорат зоҳир этган. Ёрнинг меҳри, ана шу меҳр изҳорининг назокати шу даражадаки, ундан тиниқ булоқ чашмаси, суви, сув бўлганда ҳам жондин оқиб, сизилиб, меҳр пайваста бўлган оби ҳайвон – инсонга ҳаёт берувчи сув сизилиб чиқмоқда, бошқача қилиб айтганда, ёрнинг меҳри – ҳаёт манбаидир. Албатта, Навоий ҳам ана шу назокатни аниқ сезган, шу назокатни юқоридаги ғазаллар матласи мазмунини тўлдириш учун фойдаланганлигини нозик дид билан ёр образидаги бир бутунликда кўриб, кўнгли тўлиб, мисол тариқасида «Мажолисун-нафоис»га киритган.

Албатта, юқорида таъкидлаганимиздек, Навоий Ҳусайний ижодини қиёсий баҳолашда ҳамиша шу йўлни тутмайди, балки кўпинча унинг Ҳусайнийга нисбатан баҳоси эҳтиром ва ҳурмат юзасидан эканлигини тушуниш қийин эмас. Масалан, Навоий Ҳусайнийнинг:

Тушгали ҳажрингда эй сарви гуландомим менинг,
Не кўзимда уйқу бор, не жонда оромим менинг

матласи билан бошланадиган ғазалига «бу фақирнинг ғазалига бу ғазал жавоб воқеъ бўлубтурким, ўзим инсоф юзидин мутаарифменким, андин юз мартаба ортиқ тушубтур», дейди. Агар биз ҳар иккала муаллиф ғазалларини ҳам мазмунан ва ҳам бадиатан солиштирсак, Навоий Ҳусайнийнинг юқоридаги жавобида ғазалини устунлиги ва бадиий юксаклигига агарчи «инсоф юзидан мутаарифмен» деса ҳам бу «инсоф» унинг ўз шоҳи, Ҳусайний ижодига бўлган юксак ҳурмати туфайли билдирилганлигини кўрамиз. Классик адабиёт тарихидан маълумки, шоир агарчи анча ғазал яратган бўлса ҳам, девон туза олмаган шоирнинг маҳорати унчалик тан олинмаган. Бунинг сабаби девон тузишнинг оғир шартларидан бири араб алифбосининг барча ҳарфлари билан тугалланувчи ҳарфлар – сўзларга ғазал ёзишдир. Навоий Ҳусайнийнинг ғазалчиликдаги маҳоратининг асосларидан бири деб мушкул бўлган ҳарфлар билан ғазал байтини тугатишини алоҳида кўрсатади. Масалан, «се» ҳарфи: «Бу ҳарфда турк шуаросининг маликул-каломлари шеър айтмайдурлар, балки айтолмайдурлар, то анга не етгайки бу муқобалада киши они кетургай ё нисбат бергай. Бу матлаъ таърифида бунча басдур:

Ёр куйидин ўтарда кўргузур бу зор макс,
Сўз деса доғи жавобида қилур бисёр макс.

«ЗОД» ҳарфи: «Туркигўй балоғатосорлар бу ҳарфнинг ҳам таркин тутибтурлар ва ҳеч навъ назмға жилваи зуҳур бермай ўтибтурлар:

Ишқдин то қилмишам пайдо мени шайдо мараз,
Қилгудекдур заъфлиғ жисмимни нопайдо мараз.»

Худди шу характердаги мисолларни «ҲЕ», «ЗО», «ХЕ» ва бошқа ҳарфлар билан тугалланган Ҳусайний ғазал матлаълари мисолидаги баҳоларда кўриш мумкин.

Навоий нима учун Ҳусайний ижодидаги ғазал таҳлилида бу масалага алоҳида эътибор берди? Бу шубҳасиз, ғазал муаллифининг шу борадаги ютуғини кўрсатиш, унинг маҳоратини таъкидлашидир. Лекин шу билан бирга Навоийнинг мақсади Ҳусайнийдек туркигуй шоир ижоди мисолида эски ўзбек тилининг ғазалчиликдаги имконияти, шу тилда ҳам бемалол девон тузиш мумкинлигини кўрсатиш бўлган. Агар юқоридаги мисолларда Навоий, умуман, туркигуй шоирлар ижодида мушкул ҳарфларда ғазал битмаганлиги ва Ҳусайнийнинг бу борадаги ютуғини таъкидласа, «ЗОЛ» ҳарфи билан тугалланган ғазал матласини келтириб, бу маҳорат хаттоки Лутфий ва Саккокийларга ҳам даст бермаганлигини таъкидлайди: «Бу ҳарфда дағи муқаддам туркигуй шуародин, хоҳ Мавлоно Лутфий ва хоҳ Мавлоно Саккокийким Моваройуннаҳрда маликул-калом эрдилар, назарға келмайдур, ҳамоно йўқтур:

Қилди руҳафзо лабинг кулмак била жонимнн ахз,
Йиғлатиб кофир кўзунг ҳам нақди иймонимни ахз».

Шунинг учун бўлса керак, кейинроқ Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» асарида замонасининг туркигўй шоирларини ўзбек тилида шеър ёзишга чақирар экан, Ҳусайнийнинг турк шеъриятига бўлган маҳоратини ибрат мисоли қилиб кўрсатганлигини «Мажолисун-нафоис»да келтирилган Ҳусайний ҳақидаги юқоридаги фикрнинг қуввати деса ҳам бўлади.

Ғазалчиликда мушкул масалалардан бири айнан бир мавзу, бир деталда бир неча ғазал битишдир. Бунинг учун муаллиф олдинги ғазалларида баён этган фикрини қайтармаслиги, имкони борича янгича тасвир воситаларини ахтариши, мисралардаги мантиқий уйғунликни сақлай билиши лозим. Бунинг мисолини Ҳусайнийнинг юқорида «хатт» ва «хол» деталларини ишлатиб ғазал битганлиги мисолида кўриб ўтдик.

Навоий фикрича, ғазал мушкулликларидан яна бири – бутун бир ғазал давомида бир мазмундан чиқмаган ҳолда фикр юритиш, байтлар орасида мантиқий боғлиқликни таъминлаш, ёки адабиётшунослик тили билан айтганда, сюжетли ғазал яратиш масаласидир. Ҳусайний ғазалидаги лирик қаҳрамоннинг ёр жабридан куюнишини табиий ҳол билган Навоий «яна бир мазлуми зор ишқи билан ҳам куймак ва матлаъдин шеъринг охириғача бу маънини ҳар байтда изҳор қилибдурким, назм элидин ҳеч кимга даст бермайдур:

Бас эмас эрди менга ҳам ўз ўтим ҳам ёр ўти,
Ким анга афзун дағи бўлмиш яна бир зор ўти.

деб ғазал матласини келтириш характерлидир. Мазкур ғазални тўлалигича кўриб чиқсак, ҳақиқатда ҳар байтида «яна бир зор» ёр ўтининг ҳижрони тўғрисида фикр юритилиб, ғазал мақтаи юқоридаги фикрларнинг умумлашмаси сифатида намоён бўлади:

...Ўз ўтим кўнглимга офат, ёр ўти жонға бало,
Боиси андўҳу дард ул, бедилу бемор ўти.
Бу бало барқи, ул офат дўзахи, кўр турфаким,
Тез этар бу иккини, бир хотири афкор ўти.
Билла уч ўт бир кўнгулга тушса куймай найлагай,
Айлаким булбул ўтиу гул ўтиу хор ўти.
Жону кўнглим бирла бағрим куйди бу уч ўт била,
Яхши боқсам юз томуғча ҳар бирининг бор ўти.
Ўз ўтим ё ёр ўтиға гарчи таскин берса ашк,
Ваҳ, ани найлайки қилғай ёз чақин изҳор ўти.
Гар Ҳусайнийга бир ўтлуғ юз ғаме ўт солмаса,
Бас нечук оламни куйдирди Навоийвор ўти.[1]

Навоийнинг Ҳусайнийнинг ижодидан кўзда тутган юқоридаги иккала мақсади: ғазалчиликда мазмунга эътибор ва девон тузишдаги машаққатларни шеъриятдаги бадиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин Навоий Ҳусайнийнинг бадиий маҳорати, бадиий санъатларни ишлата билиши, аруз шеъриятидаги айрим нозикликлардан фойдалана билишда алоҳида эътибор беради, унинг ютуғини олқишлайди.

Биз юқорида Навоийнинг шеърий санъатларга бўлган муносабати ҳақида тўхтаб ўтган эдик. Ҳусайнийнинг бу борадаги ютуғига алоҳида тўхтаган Навоий шоирнинг ютуқларидан асосийси шу омил эканлигини таъкидлайди. Айниқса, Навоийнинг Ҳусайний ижодидан мисол тариқасида келтирган шеърларида ташбиҳ, таржеҳ, тажнис, «тажоҳилул-ориф» каби шеърий санъатларнинг ишлатилганлиги ва шеър муаллифининг бу борадаги ютуқлари таъкидланган. Лекин шуни айтиш жойизки, классик шеъриятда юқоридаги шеърий санъатларни ишлатилишини оддий ҳол деб тушуниш, бу ҳолни ўрта қобилиятли шоир ижодида ҳам кўриниши Навоийнинг Ҳусайний ижодидаги бу ютуққа алоҳида тўхташга олиб келган.

Навоий Ҳусайнийнинг шеърий санъатнинг бошқа томони – қофия, радифларни ўз ўрнида ишлата билиши, уларнинг айримлари шеърият оламида оригиналлик касб этганлигини таъкидлаши характерлидир. Навоий даврида ғазалда янги детални қўшиш ихтиро эканлигини назарда тутсак, Ҳусайнийнинг бу ютуғига Навоийнинг берган баҳосини одатдаги орттирма эмас, балки объектив ёндашиш сифатида қабул қилиш мумкин. Масалан, «бу қофия ва радиф ҳазрат Султон соҳибқироннинг ихтироидурким, ҳеч назм айтилмайдур ва ҳеч девонда битилмайдур:

Оҳким ҳижрон ўтидин куйди жоним ўзга навъ
Ўртади офоқни ўтлуғ фиғоним ўзга навъ».

Агар юқоридаги матлаъда шеър муаллифининг радиф ва қофияда қилган ихтирои қайд қилинса, қуйидаги ғазал матласи шу баҳо қатори Ҳусайнийнинг юксак бадиий камолоти сифатида «бағоят ширин ва рангин тушибтур» баҳоси иловаси билан намоён бўлади:

«Ҳажр шоми ой чиқиб мен йиғлар эрдим дард ила,
Сайрлар қилдим сени истаб маҳи шабгард ила».

[1] Ҳусайний мазкур ғазалида «яна бир зор» ёр деб Навоийни назарда тутган бўлиши эҳтимол. Балким бу ғазал Навоийнинг Ҳусайн Бойқародан узоқлашган, Навоий маслаҳати ва дийдорига муштоқ бўлган пайтида яратилгандир

Биз ишимизнинг «Салафларга татаббуъ – маҳорат мезони» сарлавҳаси остида Навоийнинг давр шоирларининг классик адибларга пайравлик қилганликлари ва Навоий бу адабий йўлнинг тарафдори эканлигини таъкидлаганмиз. Ҳусайний маҳоратини баҳолаган Навоий унинг татаббуъда ҳам санъатини таъкидлайди. Ҳусайний ғазалда, кўпинча, Навоийга эргашса ҳам, Навоийнинг фикрича, унинг ихлоси форс-тожик адабиётининг классиги Ҳофиз Шерозийга ҳам юксак бўлган. Навоий Ҳусайнийнинг баён услуби, ғазаллари таркибида Ҳофиз шеъриятининг таъсирини кўради. Бу бир томондан Ҳусайнийнинг маҳоратини белгиласа, иккинчидан, Навоийнинг қиёсий таҳлил услуби, қарашларини белгилайди: «Ищқ-муҳаббат ҳавосининг ҳумойи баландпарвози Хожа Ҳофизи Шерозий каломи таврида тушубтур ва салосат ва таркибда анга ёвишубтур:

Ғам сипаҳ қасдимға чекти, соқиё тут жоми соф,
Ким бўлур жоми май ичгандин далер аҳли масоф».

Навоий мазкур ғазалда Ҳусайнийнинг қарийб бошқа ғазалларида учрамайдиган мавзу: соқий, жом, май, махмур, ҳамда майкада аҳлининг кечинмаларини берган. Ҳақиқатда, Ҳофиз ғазалларида бу мавзу жуда юксак ўрин тутади ва Навоий ҳам худди шу мавзу туфайли Ҳусайн Ҳофизга пайрав билади. Мана бу матлаъ пайравлигида эса Навоий бевосита ғазалдаги мазмун ва шеърнинг ифода услуби («ғазал таврида марсияомиз»)ни таъкидлайди: «... ғазал тарзида марсияомиз Хожа Ҳофиз Шерозийга воқеъ бўлғон йўсин била ул ҳазратқа *(яъни Ҳусайнийга – Ҳ.Қ.)* дағи воқеъ бўлубтур ва бағоят нодирдур:

Вой юз минг войким сарви равоним бордило,
Сабру ҳушим мулкидин ороми жоним бордило».

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, Навоий Ҳусайний ижодига, унинг шеъриятдаги маҳоратига шароит тақозоси билан орттириб баҳо беради, унинг ижодидаги салбийлик, камчиликлардан иложи борича кўз юмади. Лекин Навоийнинг нозик ифодалари орқали Ҳусайний ғазаллари ўртасидаги фарқ – бадиий сустроқ ғазалдан юксакроғини ажратганини кўриш мумкин. Лекин барибир , Навоийнинг Ҳусайнийга берган баҳоси Ҳусайний бадиий маҳоратининг мезони бўла олмайди. Таъкидлаганимиздек, Навоийнинг бу қараши ўзбек классик адабиётида ғазал таҳлили, Навоийнинг таҳлил услуби, адабиётга бўлган эстетик муносабатини аниқлаш учун зарурдир.

Навоийдан ташқари Ҳусайний ижодига Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам баҳо берган: «Табъи назми бор эрди. Девон ҳам тартиб қилиб эрди. Туркий айтур эрди. Тахаллуси «Ҳусайний» эди. Баъзи байтлари ёмон эмастур, вале Мирзонинг девони тамом бир вазндадур».

Бобурнинг бу баҳосида Навоий қарашларида кўринмайдиган томон – танқидий ёндашиш мавжуд.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Навоий даври адабиётшунослигида шеърий тасвирнинг жонли, ҳаётий бўлиши, оригиналликни касб этиши, реал ҳаёт тасвирини берган байт, қитъа, шеърий асар, парча маҳорат намунаси ҳисобланган. Шунингдек, жамиятдаги социал-иқтисодий, ахлоқий камчиликларни ҳазил, мутойиба, кулги билан танқид қилган байтлар, ўша давр сиёсий оқими бўлган тасаввуфни тарғиб қилган, қувватлаган шеър муаллифи ҳам маҳорат эгаси деб ҳисобланган. Гоҳида бу шеърларга баҳо беришда Навоий, шахс дунёқарашини очишга ҳаракат қилган.

АДИБ МАҲОРАТИНИ БЕЛГИЛАШДА НАВОИЙ ИШЛАТГАН ИСТИЛОҲЛАРНИНГ РОЛИ

Алишер Навоийнинг адиб маҳоратини белгилашда ишлатган истилоҳлар-терминларини синчиклаб ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, бу масала фақат Навоий қарашларигина эмас, балки XV аср адабиётшунослиги ва илмий-танқидий қарашларини ҳам янада кенг ёритиш имконини беради.

Таъкидлаганимиздек, Навоий давридаги адабий танқидчилик, алоҳида, кенг пландаги танқидчилик вазифасини ўтамаган эди. Шунинг учун хоҳ баҳоланувчи, хоҳ баҳоловчи адибнинг танқидий фикри ва ижодини аниқ белгилаш учун бадиий асарга нисбатан берилган ҳар бир баҳо – сўз, иборанинг моҳияти, салмоғи ва характерини ўрганиш аҳамиятдан холи эмас.

Навоийнинг шоир маҳорати ҳақидаги фикрлари, асосан, унинг «Мажолисун-нафоис», «Хамса», «Хамсатул-мутаҳаййирин», «Насоимул-муҳаббат» каби асарларида баён этилган. Масаланинг мураккаб томони шундаки, Навоий баҳолаган адиблардан кўпчилигининг асарлари етиб келмаган ёки тадқиқ этилмаган. Навоий кўпгина шоирларнинг бир байтинигина келтириб, ижодига баҳо бера қолади. Лекин бу баҳолар қисқа бўлишига қарамасдан анча аниқ сўз-иборалар, истилоҳлардан ташкил топганлиги туфайли бизда кўпчилик адибнинг бадиий маҳорати, қайси мавзуга кўпроқ майли борлигини аниқлаш имкони туғилади. Бу масалаларни ҳал этишда бизга, кўпинча, Навоийнинг терминлари, масалан, «табъида назм чошниси бор», «алфози турконароқдир», «шеър девони бор ғоятда латофатда», «хуштабъ йигитдур», «анинг тили... насоиҳқа гўё эрмиш» ва бошқалар яқиндан ёрдам беради. Навоий баҳолаган шахсларнинг кўпгина хусусияти унинг бадиий маҳоратга берган баҳоси орқали аниқроқ кўринади. Навоийнинг бир-биридан фарқ қиладиган сўз-иборалари билан адиб маҳорати ва бадиий қувватининг салмоғини «ўлчаш» мумкин бўлади. Шу билан бирга бу баҳолар бир-биридан тубдан фарқ қилади ва оқибат-натижада ёзувчи маҳоратининг юксак ёки пастлиги, адабий қудрати аниқ намоён бўлади.

Навоий фикрича, агар адиб маҳорати билан кўпчиликка манзур ва мақбул бўлса, у таъриф ва тавсифга муҳтож эмас: «Шайх *(яъни – Саъдий Шерозий – Ҳ. Қ.)* нинг ашъор девони ва «Бўстон» маснавийси ва «Гулистон» китоби ва сойир китоби ва расойили андин машҳурроқдирки, андин бирор нима ирод қилилгай».

Бундай ишончли ва аниқ фикр фақат Навоий салафлари ижоди ҳақидагина эмас, балки замондошлари маҳоратини белгилашда ҳам кўринади: «Анинг *(яъни Мавлоно Себак –Ҳ. Қ.)* табъи диққатини ҳар киши билай деса «Шабистони хаёл» деган китобини кўрсин». Бу баҳолашда адибнинг бадиий камолоти ҳақида очиқ фикр йўқ. Лекин Навоийни ишонч билан ўқувчини баҳоланувчи адиб ижодига, конкрет асарига мурожаат қилишга ундашининг ўзи Мавлоно Яҳё Себакнинг ижоди мақтовга лойиқлигининг белгисидир. Навоий ҳамиша ҳам адибнинг бадиий маҳоратини шу йўсинда баҳоламаган. Ёзувчи маҳоратини белгилаш учун Навоийнинг энг биринчи навбатда адабий танқидчи сифатидаги қараши асос бўлган. Масалан, Хожа Юсуф Меҳна «хуштабъ йигитдур ва табъида кўп мулоямати бор» деган таърифни олар экан, Хожа Абу Тоҳирга берилган «хейле латиф табъи бор» деган баҳо билан солиштирайлик. Юзаки қараганда ҳар иккала адибнинг шеърий камолоти бир даражада баҳоланаётгандек. Лекин бунда Навоийнинг сўз тера билишлик, ҳар бир иборага нозиклик

билан ёндашиш маҳорати сезилмоқда. Хожа Юсуф Меҳнанинг «хуштабъ»лиги бадиий ютуғи бўлиб, «табъида мулоямати бор» баҳоси адиб шеърида ишлатиладиган сўзлар ҳазм бўладиган, бизнинг бугунги тилимиз билан айтганда асарлари тилининг равонлиги ҳақида фикр бормоқда. Лекин Хожа Абу Тоҳирнинг бадиий маҳорати орттирма даражани англатувчи сўз – «хейле» (аввалги баҳоланувчидан «кўп») билан ифодаланмоқда. Бундан ташқари шоир табъида «мулоямат»дан кўра «латифлик»нинг борлиги биринчи адибдан кўра иккинчисининг шеърларида киши кўнглига ором ва латофат бахш этувчи тасвир, ибора ва ифодаларнинг борлигидан яна бир карра дарак бермоқда. Шеъриятда «латофат»нинг борлиги унинг мусиқийлигини таъминлашда, мисралардаги ҳар бир сўзнинг ўқувчига аниқ бориб етишига, унинг кўнглини банду ром этишига сабаб бўлувчи омил бўлиб, поэзиянинг энг биринчи талабларидан бўлиб келмоқда. Демак, биз келтирган мисолда Навоий Хожа Юсуф Меҳна маҳоратига қараганда Хожа Абу Тоҳир ижодий қирраларини кенг, юксаклигига, шеърида шира ва кишини ўзига тортувчи томон борлигига бизни ишонтирмоқда.

Алишер Навоийнинг ёзувчи бадиий маҳоратини белгилашда анчагина кенг ишлатиладиган истилоҳларидан бири «чошни» сўзидир. «Чошни»нинг луғавий маъноси маза, таъм, баҳра бўлиб, Алишер Навоий бу сўз билан адибнинг маҳорати салмоғини белгилашда, унинг даражасини аниқлашда кенг фойдаланади. Масалан, у бадиий асарда «ҳақикат чошни»си бўлмаса, ундай асарни яратмасликни маъқул билади:

Нукта сув янглиғ эрутур тошни,
Топса ҳақиқат ўтидин чошни.
Бўлса ҳақиқат гуҳаридин йироқ,
Ришта сўзин сўзламаган яхшироқ.

Худди шу «чошни» сўзи Навоий томонидан маҳорат масаласини ечишда, унинг даражасини аниқлашда, бир адибнинг иккинчисидан бадиий лаёқатини устун ёки пастлигини даражама-даража белгилашда ҳам қўлланилганини кўрамиз. Масалан, у Абу Бакр Мирзо ҳақида «табъида назм чошниси бор эрмиш» дер экан, бу адибнинг шеърларида ширадорлик борлигини таъкидлайди. Бунда «чошни» сўзи шоирнинг бутун ижодини баҳолаш маъносида келса, биз юқорироқда кўриб ўтган Паҳлавон Муҳаммаднинг биргина маснавийсининг ўзида «дарди ҳол чошниси» борлиги таъкидланганлигини кўрдик. Ҳар иккала ҳолатда ҳам Навоий «чошни» сўзига қўшимча сўз компонентларни қўшар экан, маҳорат даражасини энг биринчи навбатда «чошни»га беради, айнан шу сўзнинг маҳорат даражасини белгиловчи хусусиятига асосланиб шоирнинг, адибнинг қобилиятини белгилайди. Абу Бакр Мирзога берилган баҳодан фақат «назм чошни»си, яъни шеъриятга майл, асарлари унинг шоирлигидан дарак берар даражада деган маъно келиб чиқса, Паҳлавон Муҳаммаднинг умуман ижоди ҳақида эмас, балки шеърда ички туғён, дард, психологик кечинмаларни бера олиши мавзусининг устунлиги – чошниси ҳақида фикр билдирилмоқда. Навоийнинг эстетик дидидаги ана шу назокат ўша даврда яшаб ижод этган кўпгина адибларнинг ижод қирраларини ойдинлаштиради.

Фикримизни қувватлаш учун яна мисолларга мурожаат этсак. Навоий Бобо Шўриданинг шеърий маҳоратини баҳолаётганда «кўп» сўзини қўшар экан, бу адиб асарларида мазмун ва ширадорлик Абу Бакр Мирзо шеъриятига нисбатан устунлигини зимдан, аммо бошқа жиҳатдан нозиклик билан билдирган «табъида кўп чошни зоҳир бўлур». Бунда ҳам «кўп»

сўзи «чошни» сўзи билан бир бирикма ҳолда келмоқда. Ўша ширадорлик, таъм, мазанинг бу адиб ижодида кўплигини ўқувчи бир бутун ҳолда идрок этади ва шоир ижодида маҳоратнинг устунлигини тезда англайди.

Яна бир мисол: Алишер Навоий Мавлоно Наҳвий ижодидан қуйидаги байтни келтириб:

Дуде, ки аз дили ман дар шоми ғам бағояд,
Бар ёди турраи ў пур печу ҳам сарояд. –

(Мазмуни: Ғам тунида дилимдан чиққан тутун, у гўзалнинг кокили ёди билан буралиб, жингалак бўлиб кўтарилади) «табъида хилигина чошниси бор» дейди. Бу баҳолашда «хилигина» сўзи, Бобо Шўрида шеърига берилган «кўп»дан пастроқ туради. Лекин Навоийнинг Мавлоно Наҳвий ижодидан намуна сифатида келтирган байтида муаллиф чиройли ташбеҳ (ошиқ кўнглидан чиқаётган тутун маъшуқанинг қора кокилига, унинг жингалак сочига ўхшатилган) ишлатиб, маҳорат зоҳир этганки, шу билан Навоийнинг юқоридаги баҳосига сазовор бўлган.

Навоий гоҳида адиб маҳоратини белгилашда унинг танлаган тахаллусидан фойдаланади. Масалан, у ўзига «Зулолий» тахаллус қилган шоир ижодига қуйидагича фикр билдирган: «Зиҳни сарчашмасидан назми зулоли софи зоҳир бўлур. Бу жиҳатдин анга «Зулолий» тахаллус топилди». Бунда Навоий Зулолий ижодида бадиятнинг юксаклигини шоир маҳоратини чашманинг зилол сувига ўхшатиш орқали билдиради. Хондамир Зулолий маҳоратини қуйидагича баҳолайдики, Навоий баҳосига анча ўхшаш келади: «Давр шоирлари ичида хушахлоқлиги, хушмуомала, латиф табъ, зукко ва тозабаёнлиги билан ажралиб туради. Шоирлик табъининг зулоллигидан латофатга бой шеърлар битади, айниқса ғазал, қасидада маҳорати кучли»[1].

Пайти келганда шуни айтиш жоизки, Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис», «Муҳокаматул-луғатайн» ва бошқа насрий асарларида ўша даврнинг шоирлари ёки Навоийдан олдин ўтган адибларга берилган баҳо XV ва XVI аср адиблари ва тарихчилари учун маълум даражада мезонлик вазифасини ўтаган десак, хато бўлмас эди. Бу, биринчи навбатда, Навоий адабий-танқидий қарашларининг устунлиги бўлса, иккинчи томондан, унинг сифатидаги обрў-эътибори эди. Шу масала билан боғлиқ юқоридаги Навоий ва Хондамирнинг Зулолийга берган баҳосини кўриб чиқсак. Шак-шубҳасиз, Хондамирнинг «Таърихи Ҳабибус-сияр» асари тарих, этнография, адабиёт, ўша даврнинг сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳаётини тасвирлашда тенги йўқ маданий ёдгорликдир. Шу жиҳатдан бу асарнинг муаллифи ҳақида Алишер Навоий ўзининг асарларида катта эҳтиром билан фикр билдиради. Лекин бу асарда Хондамир ўзининг вазифасини аниқ белгилайди, тарихий фактларни ёритганда эркин, ўз дунёқараши билан фикр билдиради, бироқ адабий жараён, адиблар ҳақида фикр билдирганда эса кўпинча, Навоийнинг асарларида зикр этилган фактик материаллар, баъзан эса ҳатто унинг диққатга лойиқ иборалари, характерли сўзларидан фойдаланади. Юқорида Зулолийнинг маҳоратини Навоий «зиҳни сарчашмасидин назми зулоли софи зоҳир бўлур» деб баҳоласа, Хондамир ҳам Зулолийнинг ижодидаги шу томонига эътибор бериб «аз сарчашмаи замири софи зулолаш ашъори латоифосор мутаржеҳ месозад...» дейдики, бу фикримизнинг гувоҳидир.

[1] Х о н д а м и р . Таърихи Ҳабибус-сияр, Теҳрон, 1333 й. 4-жилд, 362-бет.

Лекин «Тарихи Ҳабибус-сияр» асаридаги адибларга берилган барча баҳоларида шу ҳол содир бўлган деган гап эмас, албатта. Бу асар жуда кўп жиҳатдан Навоийнинг ўз асарларида турли давр адибларига берган баҳосини тўлдиради, янгидан янги маълумотлар билан бойитади, жуда кўп тарихий шахслар, адиблар ижодининг Навоий тасвирлаган, маълумот берган томонларига ойдинлик киритади. Масалан, юқоридаги мисолда ҳам Хондамир Навоий асарида мавжуд бўлмаган– Зулолийнинг ижодида поэзиянинг қасида ва ғазал жанри устунлик қилишига, унинг ахлоқи ҳам ашъоридек латиф ва зулол эканлигига ишора қилади. Бу эса умуман адабий жараён, давр адабий танқидчилигини кузатишга, адибларнинг таржимайи ҳоли ва ижодига аниқликлар киритишда жуда катта аҳамиятга моликдир. Шуни назарда тутиб, биз Алишер Навоийнинг адабий-эстетик қарашларини таҳлил қилаётганда ишимизда Хондамирнинг юқоридаги асаридан кенгроқ фойдаланишни маъқул билдик.

Юқоридаги мисоллардан ташқари Паҳлавон Муҳаммаднинг «шеър ва муаммо бобида соҳибвуқуф»лиги, Мавлоно Қутбийнинг «туркий ва форсийда (шеър айтишда) жалд» эканлиги, Мавлоно Ҳилолийнинг «ҳофизаси яхшидур: табъи дағи ҳофизачиса бор» деган баҳони олиши, Шайх Авҳадуддиннинг «латиф ашъори бор, маснавийдин ва анинг ғайридин» каби баҳоларини инобатга олсак, Навоийнинг жуда нозик дид билан адиб маҳоратини белгилаганлиги, уларнинг маҳорат қирраларини борича, объектив баҳолаганлиги, энг зарури – бу адиблар маҳоратини белгилашда турли сўз-иборалар, истилоҳлар ишлатганлиги ва шу сўзлар ўша давр адабиётшунослиги, адабий танқидчилиги учун маълум мезонликни ўташидадир.

Навоий даврида жуда кўп кишилар гарчи бошқа фан соҳалари, давлат ишлари, турли турмуш машғулотлари билан шуғуллансалар-да, шу қатори шоирлик ҳам қилганлар. Ана шундай шоирлар маҳоратини Навоий қандай баҳолайди?

Навоий, энг аввало, уларнинг бошқа иш билан банд бўлиб, яна ижод билан шуғулланганликларини самимият билан қутлайди. Агар юқорида мисол қилиб келтирган адибларнинг маҳоратларини белгилашда Навоийнинг «қаттиққўллиги» асос бўлган бўлса, бу адибларнинг ижодларига нозиклик билан ёндашиш, уларни ижод машаққатларидан чўчитмаслик, имкони борича адабиёт, шеърга ҳавасини орттириш кайфияти устунлик қилади.

Навоийнинг маълумот беришича, Хожа Исматуллоҳ Моваруннаҳр бузургзодаларидан. Лекин шоирликка бўлган иштиёқнинг устунлиги («ғоят хуштабълиғи»)дан «ўзин шеърға мансуб қилиб девони машҳур» бўлган. Демак, бу шоирдаги «ғоят хуштабълиғ» уни барча ишлари борлигидан қатъий назар, шеър айтишга, маҳорат зоҳир қилишга ундаган. Навоий қарашидаги маҳорат бунда ҳам шеър айтишга нисбатан меҳр ва ҳам шоир лаёқатининг бирлигида намоён бўлган. Навоийнинг шу қарашини унинг Мир Ислом Ғаззолий ижодига берган баҳосида ҳам кўриш мумкин: «Ва тибб ва ҳикматда маҳорати бор эрди. Ғояти латофати табъидин назмға дағи иштиғол кўргузур эрди». Адабий ижоднинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг шакл ва мазмун бирлигидир. Ҳаммавақт ҳам адабий асарнинг ҳажми ва ё шеърнинг миқдори унинг асл қийматини белгилаб келмаган. Бу масала Навоий даврида ҳам, бизнинг давримизда ҳам адабиёт сифатини белгиловчи мезонлардан бири бўлиб келмоқда. Таниқли совет ёзувчиси, адабий танқидчиси В. Каверин қуйидагиларни ёзади: «Энг гениал асар – бу соддабаёнликка асосланган, аниқликни касб этган ва ҳаргиз, услубий тумтароқликка, сўз ўйинига берилиб шу йўл билан «ярқираб» кўринишга интилишдан яратиладиган

асарлар бўлмаслиги лозим. Аксинча, улар шу соддабаёнлик ва оддий ифодалар орқали кишилар учун энг зарур ва энг ардоқли томонлар ҳақида ҳикоя қилишга асосланган».[1]

Алишер Навоий адабий асарнинг шакл ва мазмуни, унинг тили ва эл учун зарурати ҳақида XV асрдаёқ юқоридаги мазмунга яқин фикрларни баён этган. Масалан, у «Мажолисун-нафоис»да Мавлоно Симий ҳақида маълумот бериб, унинг кунлардан бирида бир кечада икки минг байт шеър битганлигини ёзади. Лекин Навоий Симийни маҳоратли шоирлар қаторига қўшмайди, ҳатто биз кўриб ўтган шоир маҳоратини белгиловчи бирор истилоҳни унга раво кўрмайди, аксинча, унинг шеърларидан атиги бир мисрасигина ёдида қолганлигини таъкидлаб ўтади. Ушбу мисолда Навоий адабий танқидининг нозик томони ниҳондир. У ҳам бўлса, Симийнинг камчилиги – яратган асарининг миқдорига урғу бериб, унинг мазмунидан беэътибор қолиши Навоий томонидан очиқчасига ифодасини топмаган. Аксинча, улуғ адиб жуда усталик билан, сарказм орқали шоир томонидан яратилган бундай асар узоқ яшай олмаслигини, маданият тарихидан тез ўчиб кетишини оддийгина қилиб, Симий бадиий меросидан атиги бир байтигина зўрға эсида қолганлиги билан ифодалаб бера қолади.

Навоий ана шу қарашининг аксини бадиий маҳорати юксак бўлган шоир Мир Шоҳий Сабзаворий ижодига нисбатан билдиради. Навоий фикрича, бу шоир гарчи кам шеър яратган бўлса-да, унинг қуйидаги илиқ баҳосини олган: «Ғазали агарчи оздур, аммо барча халойиқ қошида писандида ва мустаҳсандур».

Алишер Навоийнинг ушбу баҳосини нақадар валиёна ва адабиётшунослик нуқтайи назаридан узоқни кўра биладиган олим сифатида деб билиш мумкин. Энг аввало Навоийнинг Шоҳийга берган баҳосини синчиклаб қараб чиқайлик. Улуғ адиб Шоҳий ғазалларини «оз» деб баҳолайди. Эҳтимол, Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»да келтирган фикри – «фақир агарчи ани кўрмадим»га асослансак, у Шоҳийнинг барча асарлари билан таниш бўлмаган бўлиши ҳам мумкинлигини билдиради. Лекин Хондамирнинг «Таърихи Ҳабибус-сияр» асарида келтирган маълумотига қараганда Шоҳийдан 12 минг байтдан иборат адабий мерос қолганлиги, шеърлари ўз даврида машҳур эканлиги таъкидланган. Лекин Навоий Шоҳийнинг «оз» ғазалини кўриб ҳам бу адибнинг шеърдаги маҳоратини тўғри баҳолайди, эл орасида «писандида» тан олинганлигини алоҳида таъкидлайди.

Навоийнинг айрим адиблар ижодига берган баҳолари ва сўзлари орқали биз адибнинг қайси мавзуда қалам тебратганини билишимиз ҳам мумкин. Навоий бунда фақат баҳолаётган адибнинг танлаган мавзусини кўрсатибгина қолмасдан, шу мавзу баёни орқали шоир маҳоратини ҳам баҳолайди. Масалан, Навоий «Насоимул-муҳаббат»да Адиб Аҳмад ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Анинг тили турк алфози била мавоиз ва насоиҳда гўё эрмиш». Бунда, Навоий, биринчидан, Адиб Аҳмадни турк тилида ижод қилишини ва бу тилда равон асар ярата олишини таъкидласа, иккинчидан, ижодининг мавзуси «мавоиз ва насоиҳ» (панд-насиҳат, ҳикмат)дан иборат эканлигини таъкидлайди. Навоий юқоридаги асарида Ҳаким Ота ҳақида гапириб «Ҳаким Отага ҳикмат тили гўё бўлибтур» дейди. Демак, бу ҳар иккала адибнинг ижоди ва маҳорати адабиёт ва фаннинг конкрет мавзуларига қаратилган бўлган. Лекин Навоийнинг Ҳаким Ота ва Адиб Аҳмадга берган баҳосида унинг ўз дунёқараши, ўша даврнинг сиёсий таъсири мавжуд. Навоий бу адибларнинг диний илмлар билан шуғулланишларини таъкидлаш билан бирга улардаги илмий қобилият Оллоҳ томонидан берилганлигини таъкидлайди ва ижодларига юксак назар билан қарайди.

[1] **В.** К а в е р и н . Литератор, Москва, Советский писатель, 1988, с.244.

Гоҳида Навоийнинг баҳолари шу даражада нозиклашиб борадики, у ишлатган ибора, сўз адибнинг қайси жанрда ижод қилганлигидан далолат беради. Масалан, Шоҳ Ғариб Мирзонинг шеърлари Навоийнинг «бағоят ошиқона» деган баҳосини олар экан, бу адиб ишқий мавзуда қалам тебратгани, Мавлоно Сайфий ижодида эса турли жанрлар билан бир қаторда масал (бирор мақсадни ифодалаш учун келтириладиган қисса) мавзуси устунлигини билдирганлигини кўрамиз: «Андоқ шеъри шуҳрат тутти ва масал тарийқин бағоят яхши айтди».

Шундай қилиб, Навоийнинг адиб маҳорати ва истеъдодини баҳолашда ишлатган сўзлари, ўша давр адабиётшунослигида катта аҳамиятга эга бўлиб, даврнинг талаб даражасига жавоб берувчи адабий истилоҳлар бўлган. Бу истилоҳлар адабий жараён, адиб маҳорати, жанр ва услуб ранг-баранглигини очишга имкон берган.

ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАР ВА МАҲОРАТ МАСАЛАСИ

Классик адабиётда анъанавий бадиий санъатлардан фойдалана билиш шоир учун асосий вазифалардан бири ҳисобланган. Адиб шеърий санъатлардан қанчалик усталик билан фойдаланса, унда маҳорат зоҳир этса, бу унинг маълум даражада камолоти ҳисобланган. Агар шу санъатдан фойдалана олмаса, Хоқоний айтганидек:

Суварнигори ҳадисам вале дар он сурат,
Ки жон дар он натавоним ниҳод, нангорам.–

(Мазмуни: Мен Сўзнинг сураткашиман, агар шу суратга жон киргиза олмасам, уни яратмаганим маъқул.)

Классик адабиётда 130 дан ортиқ шеърий санъатлар мавжуд бўлиб, улар маънавий ва лафзийга бўлинади. Лекин бу санъатларнинг ҳаммаси шеърият оламидан бир хил ўрин эгалламаган. Буларнинг орасида, айниқса, иҳом, талмеҳ, тамсил, тазод, зулқофиятайн, ташбеҳ, тарих айтиш, мақбули муставий, тажнис ва бошқалар кенг тарқалган.

Навоий шоирларнинг шеър санъатининг қарийб барчасидан фойдаланганлигини таъкидламаса-да, ўша давр шеъриятида тез-тез дуч келадиган санъатлар ҳақида алоҳида тўхталади. Шунинг учун биз ҳам Навоий баҳосини олган ва шоирлар томонидан ишлатган шеърий санъатларгагина тўхталиб ўтамиз, холос.

ТАРСЕЪ шеърнинг лафзий санъатлар гуруҳига киради. Бу санъатдан, одатда, шеър шаклини безаш, сўз таъсирини кучайтиришда фойдаланилади. Адабиётда тарсеъдан ташқари, тажнис, тазмин, такрор, мусажжаъ каби санъатлар ҳам лафзий санъатга киради. Лекин шеърий санъатнинг бу гуруҳига кирувчи риқтоъ (араб алифбоси билан битилиб, нуқталари қолдирилиб ёзилган шеър ёки насрий асар), мувассал (араб алифбоси билан ёзилиб, сўзлар бир-биридан ажратилмай ёзилади) каби намуналари маънисиз сўз уйинлари ва шаклпарастликка олиб келган.

Навоий адабий қарашларида бадиият, ҳаётийлик, тозабаёнликни ёқлагани сингари шеърий санъатларда ҳам шу принципда турган. Масалан, унинг Дарвеш Мансурнинг тарсеъ санъатини ишлатганлигини баҳолаб билдирган фикрини кўрайлик. «Икки аруз тасниф қилди ва маснуъ қасида айтибдурким, матласи будирким:

Бас давидам дар ҳавои васли ёр,
Кас надидам ошнои асли кор.
Тарсеъ санъати покиза воқеъ бўлубдур».

Дарвеш Мансур байтидаги санъати покизанинг сири нимада? Маълумки, тарсеъ санъатида биринчи мисрадаги сўзлар билан иккинчи мисрадаги сўзлар миқдоран тенг ва бир-бири билан қофиядош бўлиши керак. Агар шу талаб қисман бажарилмаса, у нуқсонли тарсеъ бўлади. Дарвеш Мансурнинг юқоридаги тарсеъсида барча сўзлар қофиядош, мазмунан бир-бири билан боғлиқ. Шунинг учун у «покиза» унвонини олган.

Алишер Навоий шеърий санъатлардан фойдаланишда умумий қоида – бадиий сўз санъати қай даражада уни талаб этса, шу мезонда адибдан ҳам талаб этиш тарафдори эди. Шунинг учун Навоий шоирнинг кимлигидан қатъий назар, агар шеърда санъат ишлатишда озгина бўлса-да, хатоликка йўл қўйса, танқид остига олган.

Классик адабиётда Салмон Соважий қасида жанрининг усталаридан ҳисобланган. Лекин тарсеъ санъатини ишлатилишида Салмон қасидаларининг бирида хатолик борлиги Навоийнинг нозик дидидан четда қолмаган: «Маснуъ қасидаси тартибига қалам сурубтур, ўн саккизда итмом еткурубдур. Воқеан ише қилибдурки, назм аҳли анинг тааммуқида ҳайрон ва тааммулида саргардондурлар. Тарсеъ санъатиким матлаъдан ўзга байтда бўла олмас, ул қасиданинг агарчи мустахраж матласи ростдур, аммо асли матлаъда аввалги мисранинг бир лафзида тахаллуф қилибдур ва матласи будирким, байт:

Сафой савфати рўят бирехт оби баҳор,
Ҳавои чаннати кўят бибехт мушки тотор.–

(Мазмуни: Юзинг савфатининг сафоси баҳор сувини тўкди, Васлинг жаннатининг ҳавоси тотор мушкини таратди).

Салмон Соважий байтидаги тарсеънинг хатолиги нимада? Бунда биринчи мисрадаги «оби» сўзи иккинчи мисрадаги «мушки» сўзи билан қофиядош қилиб олинган. Лекин бу сўзларда қофия йўқ ёки жуда хиралашган «оч қофия» – изофат белгиси «и» туфайли сезилади, холос. Навоий байтдаги ана шу камчилик туфайли Салмон қасидасидаги тарсеъ санъатини номукаммал билади ва шу санъатнинг юксак намунаси мисолида ўзининг:

Чунон вазид ба бўстон насими фасли баҳор,
К-аз он расид ба ёрон шамими васли нигор

(Мазмуни: Бўстонга баҳор фаслининг шаббодаси шундай эсдики, ундан дўстларга ёр васлининг иси хуш келди.) байтини келтиради ва тўла хаққоният билан «басират аҳли мулоҳаза қилсалар бўлурларки, бу матлаъ тарсиъға воқеъ бўлур, айбдин муарро ва мурассаъға келур, эътироздин мубарродур» дейди.

Навоий тарсеъсининг «айбдин муарро ва эътироздин мубарроъ»лиги нимада? Юқорида таъкидлаганимиздек, тарсеъ санъатида байтдаги ҳар бир сўзда ички қофия бўлиши лозим, бу ўз-ўзидан байтнинг ҳар иккала мисрасининг сўзи тенг бўлиши лозим деган гап. Навоийнинг ўз ижодидан мисол қилиб келтирган байтида «чунон к-аз он», «вазид-расид», «ба бўстон-ба ёрон», «насими» – «шамими», «фасли-васли», «баҳор-нигор» сўзлари юксак санъаткорлик билан қофияланиб, тарсеъ санъатининг ибратли мисолига айланган.

Одатда, тарсеъ санъати ғазал, қасиданинг матласида ва умуман, байт ҳолида келади. Лекин Навоий рубоийда шу санъатдан фойдаланишни бадиий маҳорат намунаси деб билади: Бу навъ шеърнинг *(яъни тарсеъ санъатида ёзилган шеър – Ҳ.Қ.)* таъкид ва муболағаси учун бир рубоий ҳам дебменки...тарсеъ санъатида рубоий айтилғон эшитилмайдур, балки йўқтур ва ул будурким, рубоий:

Эй рўи ту кавкаби чаҳон орое,
В-эй буи ту ашхаби равон осое.
Бе мўи ту, ё раб чунон фарсое,
Гисуи ту чун шаби фиғон афзое.–

(Мазмуни:

Эй сенинг юзинг жаҳонни безовчи юлдуздир,
Эй сенинг исинг хушбўйлиқдин жон роҳатидир.
Сочингдин кишига афтодалик келади,
Қора кокилинг фиғонли тунга ўхшайди.)

Алишер Навоийнинг юқоридаги фикридан бир ибора(«бу навъ шеърнинг таъкид ва муболағаси учун») ни олиб, ҳурматли ўқувчимизнинг диққатини алоҳида тортмоқчимиз. Бунда Навоий жуда катта эҳтиёткорлик билан иш тутмоқда. Зеро, Салмон Соважий нафақат форс-тожик адабиётида, балки бутун Шарқ адабиёти поэзиясида қасида жанрининг саромади, ўта моҳири сифатида ном чиқарган. Албатта, шеърият оламида шунчалик обрў-эътиборга эга шахснинг асарида йўл қўйилган кичик бир ноқислик шеърий санъатнинг нозик ифодасининг бузилганлигини исботлаш шунчаки осон иш эмас. Юқоридаги мисолида Навоий масаланинг ана шу томонини инобатга олиб, бошқа адиблар асаридаги камчиликни кўрсатганидек таъкидлаб қўя қолмайди, балки ўз ижодидан муносиб байтни келтиради. Бироқ бу ҳам Навоийни қониқтирмайди, Салман ижодининг кучи, маҳорати, бу шоирнинг шуҳрати, айниқса, Навоийнинг форс-тожик адабиётига бўлган чексиз меҳр ва садоқати, эҳтироми ўз фикрини далиллаш учун янгича аргумент – бурҳони қоте талаб қилади. Шунинг учун у келтирган шеърнинг «таъкиди» ва кучининг юксаклигини таъминлаш учун (муболағаси учун) тарсеъ санъатида рубоий ҳам ижод этиб, шундан кейингина ором топади. Ана шунга ўхшаш ижодий мусобақа, шеъриятга эстетик муносабат ўзбек ва тожик адабиётини ривожлантириш, уни гўзал асарлар билан бойишига сабаб бўлган. Шу қатори Навоий тарсеъ санъатида рубоий айтиб, ушбу санъатнинг имкониятини янада кенгайтирди.

МАҚЛУБИ МУСТАВИЙ шеърий санъати классик адабиётдан унчалик мустаҳкам ўрин олмаган бўлса ҳам, турли давр шоирлари ундан фойдаланганлар. Бу санъат талабига кўра, араб графикасида ёзилган шеър ўнгдан ҳам, чапдан ҳам ўқилганда бир хил мазмун бериши керак.

Навоий «Мажолисун-нафоис»да Мир Атоуллоҳ ҳақида маълумот берар экан, унинг шеър санъатларига атаб «Бадоеъ-ул Атоий» рисоласини битганлигини таъкидлаб, «бовужуди ихтисор мақлуби муставий санъатидаким, андин мушкилроқ санъат бўлмас, бу байт ул рисолада анинг хосса байтидурким:

Шаккар даҳано ғаме надорад,
Дайр ову наи муғона дар каш

Анинг табъи диққатига бу байт далили басдур», – дейди.

Навоий келтирган бу байтнинг диққатга сазовор жойи шундаки, у Мир Атоуллоҳ ижоди

ҳақида ўзининг тугал фикрини унинг ижодидан келтирган бир байт – у ҳам бўлса мақлуби муставий санъати ишлатган мисол билан кўрсатмоқда. Байтдаги юксак мазмун ва келишган шакл байт муаллифининг бутун ижоди ва маҳоратининг исботи вазифасини ўтаган.

Хондамир ҳам «Тарихи Ҳабибус-сияр»да Ҳофиз Али номли шоир ва шеършунос ҳақида маълумот бериб, унинг моҳир котиблиги ва шеърий санъатларни пухта эгаллаганлигини билдириб, шеърнинг бу санъати ҳақида санъати «дар мақлуби муставий, ки мушкилтарин саноеъ аст, ин матлаъ дар силки назм кашида:

Дод моро дарду дард моро ором дод,
Додаму оромиу вай моро мурод.»–

(Мазмуни: шеърий санъатнинг энг мураккаб намунаси бўлган «мақлуби муставий»да қуйидаги байтни яратди. (яъни Ҳофиз Али), байт: Бизга дард бердию дард бизга оромлик берди, оромлик бердиму у эса менга мурод.) Демак, ҳам Навоий ва ҳам Хондамирнинг фикрича, мақлуби муставий шеърий санъатнинг мураккаб намунаси бўлган ва бу санъатда асар яратишга муваффақ бўлган шоир маҳоратли деб топилган.

Навоий фикрича, бу санъат қанчалик мураккаб, унда шеър яратиш оғир бўлмасин, унинг юксак талабларига жавоб берадиган шеър ёзиш лозим. Мавлоно Шиҳоб Навоий тасвирлашича шаккок, хулқсиз шахс. Уни замондошлари «ажойибул-махлуқот» деб атаганлар. Ҳатто у шу даражада бўлганки, «инсоният сийратидин субоъ ва баҳойим сийратиға мубаддал бўлубтур. Аммо бу даъво исботиға бу мисраъки, «мақлуби муставий» санъатида айтибдур, далил басдурким:

Муши хари фаррух шавам,
Дарқи рақам қар кард.

Мавлоно Шиҳобнинг «мақлуби муставий» шеърий санъатида айтган юқоридаги байтида бу санъатнинг шакли бору, мазмуни йўқ намунаси битилган. Навоий мазкур байт муаллифини фақат мақлуби муставий шеърий санъатидаги камчилигини танқид қилмасдан, балки шоир шахсиятидаги нуқсонларни тутуруқсиз шеъри билан солиштиради ва бу шахс характерда ҳам, ижодда ҳам номақбул киши эканлигини таъкидлайди. Навоий Мавлоно Шиҳоб ижоди ва шахсияти мисолида шеърдаги мазмунсизликни кишининг ахлоқий камчилиги қатори бир хил гуноҳ деб билган, шеъриятда шаклпарастликни очиқ-ойдин қоралаган.

Навоий Мавлоно Абдулваҳоб ҳақида маълумот бериб, унинг шеърий қобилиятини алоҳида таъкидлайди ва Машҳадда шоирлар сарвари эканлигини таъкидлайди. Навоий бу шоирнинг «мақлуби муставий» санъатида шеър айтишда ўта моҳирлигини айтиб, унинг бадиий ижодда шакл ва мазмун бирлигини сақлаганлиги ва ҳозиржавоблигига ҳам қойил қолганлигини билдиради: «Ул зурафодан бири «мақлуби муставий» санъатида «муроде дорам» алфозини топиб қозиға *(яъни Мавлоно Абдулваҳобга – Ҳ.Қ.)* арз қилибдур. Ул оз тааммул била «барояд ё раб» алфози била жавоб берибдурким, бу иши таърифдан ташқаридур».

ТАЖНИС санъатида шоир сўз ўйини орқали икки ва ундан кўп маънога эга бўлган сўзлардан фойдаланади. Бунда ҳар бир мисрада айнан бир сўз турли маъноларда келиши шарт. Навоий шеърнинг бу санъатини мураккаб деб билган. У «Муҳокаматул-луғатайн»да

турк (ўзбек) тилида форс-тожик тилига нисбатан омоним сўзларнинг кўплигини таъкидлар экан, шу тилнинг бой имкониятидан ташқари шеърий санъатнинг тажнис, ийхом, туюқ намуналарида чиройли байтларни яратиш мумкинлигини ёзади: «шеърда барча табъ аҳли қошида равшан ва мажмуъ фусаҳо оллида мубарҳандурки, тажнис ва ийҳом бағоят куллийдур. Ва бу фархунда иборат ва хужаста алфоз ва ишоратда форсийдан кўпрак тажнисомиз лафз ва ийҳомангиз нукта борки, назмға мужиби зеб ва зийнат ва боиси такаллуф ва санъатдур».

Навоий бу фикрининг тасдиғи мисолида тажнис ва ийҳом санъатига бир неча мисоллар келтиради ва ўз намуналарини беради. У адиб маҳоратини белгилашда ҳам шу сўз санъатидан фойдаланган. Масалан, Навоий Абу Бакр Мирзо шеърларининг тили ўта соддалигини таъкидласа-да(«алфози турконароқдур»), тажнис санъатида маҳорат зоҳир қилганлигини алоҳида таъкидлайди:

Эр керак ўртанса, ёнса ёлина,
Ера еб ётса отини ёлина.
Ит ўлими бирла ўлса яхшироқ,
Эр отониб душманига ёлина.

ТАШБЕҲ классик адабиётда ҳам, бугунги шеъриятда ҳам жуда кенг қўлланиладиган бадиий санъатлардан бири бўлиб, маънавий санъат қаторига киради. Шоир ўзининг қарашлари, ақидасини бирор воқеа-ҳодиса ёки жисмга ўхшатади, натижада, сўз ва иборалар орқали кенг маънони англатади. Адабиётда ташбеҳ ишлатмаган шоир бўлмаса керак.

Навоий адиблар ишлатган мувофиқ ташбеҳлар ҳақида жуда кам тўхтаб ўтади. Ташбеҳ ишлатиш, унда маҳорат зоҳир этиш шеъриятнинг энг зарур шартларидан ҳисобланганлиги учун, эҳтимол, Навоий ўз диққатини бу санъатнинг яхши намуналарига қаратмаган бўлиши мумкин. Фақатгина ҳаддан ташқари ёрқин ифода, шу шеърий санъатнинг гултожи ҳисобланган ташбеҳлар улуғ шоир диққатини тортган, холос. Шоирлар ижодидаги ташбеҳ санъатига мурожаат қилганда Навоийда талабчанликнинг ўта кучлилигини сезиш қийин эмас. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, Навоий, кўпинча, адиб ижодидан мисол танлашда ташбеҳ санъати ишлатган байтини келтиради – қолади. Масалан, Мавлоно Орифийнинг «Гўй ва Чавгон» мунозарасидаи келтирган парчада от камондан отилиб чиққан тирга, отнинг югуришдан баданида пайдо бўлган тер доналари ёмғирга ўхшатилган:

Чун гўи сипеҳр гирд бастй,
Майдон-майдон чу гўй жастй .
Ҳар гоҳ, ки дар арақ шудй ғарқ,
Борон буди-ю дар миён барқ. –

(Мазмуни: Олам ўқидек айланиб югурардинг, сакрашда ўқ сингари отилардинг. Ҳар сафар терга ботганда, яшин орасидаги ёмғир томчиларига ўхшардинг.)

Бунда Орифий ташбеҳ санъати орқали фақатгина от образини бермасдан, балки уруш майдонидаги ҳолатни ҳам маҳорат билан тасвирлаган. Навоий мазкур маснавий муаллифининг маҳоратини, энг аввало, ташбеҳ санъатини моҳирона ишлата билишида деб билади.

Бошқа бир мисол: Навоий Бобо Савдоийнинг:
Анбарат холу рухат варду хатат райҳон аст,
Даҳанат ғунчаву дандон дару лаб маржон аст –

(Мазмуни: Холинг анбар, юзинг гул, хаттинг райҳондир. Оғзинг ғунча, тишинг дуру лабинг маржондир) байтини мисол келтиради. Бироқ улуғ шоирнинг Орифий маҳоратига берган баҳоси бу муаллифга насиб бўлмаган. Чунки Бобо Савдоий байтидаги ташбеҳда бадиийлик, оригиналлик етишмайди. Байт муаллифи анъанавий ўхшатишлардан фойдаланган, холос. Шунинг учун Навоий бу шоир ижодини ва юқоридаги келтирган намуна байтини ҳам баҳоламай қўя қолади.

Лекин Навоий анъанавий ўхшатишлардан фойдаланишга тубдан қарши эмас. Ҳамма гап ана шу ўхшатишни ҳаётий, моҳирона ишлата билишдадир. Яъни маъно рангинлиги, байтдаги мантиқ бирлиги, бадиий воситадан тўғри фойдаланиш, хуллас, янги тасвир бера билиш лозим. Масалан, Мавлоно Сафий ташбеҳ санъатидаги анъанавий ўхшатиш (лабни лаълга ўхшатган)дан фойдаланган. Навоий унинг ижодидан келтирган мисолида байт муаллифининг бу санъатида маҳорат зоҳир қилганлигини сезиш қийин эмас. Байтда кишининг кўз ўнгида реал маъшуқа образи гавдаланади. Муаллиф бунда сюжет ярата олишга ҳам муваффақ бўлган:

Бо лаби лаълу хати қолиягун омадай,
Ажаб ороста аз хона бурун омадай.–

(Мазмуни: Лаълдек қизил ва хуш ис билан келибсан, ажойиб безак билан уйдан чиқибсан.)

Шунинг учун Навоий Мавлоно Сафийнинг ижодига «табъи хўб воқеъ бўлибтур» деб баҳо берган.

Юқоридаги ҳар учала мисолда Навоий байт муаллифларининг ташбеҳ санъатини ишлатганликларини таъкидламайди. Лекин адиблар маҳоратининг баҳоси ташбеҳ ишлатилган шеър билан ўлчанмоқда экан, бу шеър улар ижодининг «гултожи» экан, шубҳасиз, буни Навоийнинг ташбеҳ шеърий санъатига бўлган қараши деса бўлади.

ТАРИХ АЙТИШ САНЪАТИ. Сўз санъатининг бу намунаси Навоий даврида шоирлар томонидан кенг қўлланилган. Бу санъатда шоир кичик, ёки катта шеърий асари (рубоий, қитъа, ғазал, қасида, марсия ва гоҳида байт)да қурилган иморатнинг тарихи, амир ва шоҳларнинг тахтга эришган вақтлари, турли шахсларнинг туғилиши ва вафоти ёки бошқа воқеаларни араб алифбосининг абжад ҳисоби тартибида сўзлар орқали ифодалайди. Ана шу тарихий воқеани ифодалаган сўзлар тарих моддаси деб аталади. Бу санъат шоирдан ҳар бир сўзгагина эмас, балки ҳар бир ҳарфга синчковлик билан қараш, аҳамият бериш, воқеаларга нисбатан ҳозиржавоб бўлишини талаб қилади. Яна шуни айтиш мумкинки, ушбу шеърий санъат кишида мантиқий фикр килиш ҳисобидан унумли фойдаланиш, араб алифбосидаги ҳар бир хусусият, умуман, шу алифбо тартибини ёд билиш, ҳарфлар орқали сўз ясаш машқини пишиқ билишига ҳам бевосита кўмаклашган.

Алишер Навоий ана шу санъатдан моҳирона фойдаланиб ижод қилган адибга алоҳида эътибор берган. Буюк адибнинг шундай шарафига сазовор бўлганлардан бири Саид Ка-

мол Качкулдир. Бу шоир даврининг билимдонларидан бўлиб, 17 минг байт шеър айтган. Лекин Навоийни таажжубга солган нарса унинг тарих айтишидаги маҳорати бўлган: «Ҳазрати Хожа Абу Наср Порсо (қуддуси сирриҳу) фавт бўлғонда марсия айтиб эрдиким, неча байтининг ҳар мисраи Хожа фавтиға тарих эрди, мустағрақ тарих эрди ва неча байти ҳар байт уч ва тўрт тарих эрдиким, байт маъносиға футур йўл топмайдур эрди».

Качкул яратган марсиянинг ютуғи нимада? Шоирлар ўша пайтда катта ҳажмдаги асар охирида, зарур тақдирдагина тарих айтганлар, холос. Качкул марсияси эса шеърдаги юксак мазмунни йўқотмаган ҳолда (бу тарих айтиш санъатининг энг зарур талаби) ҳар байти уч-тўрт воқеа санасини билдирувчи тарих, неча байти мустағрақ (ғарқ этилган, бекик) тарихдан иборат. Ана шу ютуқлар туфайли Навоий Качкул маҳоратини белгилаб, уни қалам аҳлининг ҳомийси бўлмиш Аторудни забт этганлигининг таъкиди билан бўрттирган: «Бу ишлар (яъни шеърий тарих айтиш санъатини ишлата билиш) башар савқидин ташқари учун ани *(яъни Качкулни* – Ҳ.Қ.*)* дерлар эдиким, Аторудни истихрож қилибдур».

Хондамир ҳам «Таърихи Ҳабибус-сияр»да Качкулнинг шу марсияси ҳақида тўхталиб, унинг тарих айтиш санъатига юқори баҳо беради ва Навоийнинг юқоридаги фикрига тўла қўшилади.

Тарих айтиш санъатида маҳорат зоҳир этишда Мавлоно Фасиҳиддин Соҳиб Доро ҳам ёрқин мисолдир. Навоий Соҳиб Дорони ўзига яқинлиги, турли фан соҳаларини эгаллаганлиги, кўп рисолалар битганлигини таъкидлайди, аммо тарих айтиш санъатини эгаллаганлиги ҳақида ҳеч нима демайди. Мавлоно Соҳиб Доронинг бу маҳорати ҳақида Хондамир диққатга лойиқ маълумот беради:

«Аз жумлаи наводири ашъори Мавлоно Соҳиб қасидаест, ки дар марсияи мақраби ҳазрати султония дар силки назм кашида ва ҳуруфи масореи аввали тамоми абъёти он марсия ба ҳисоби чумул аз соли валодати Амир Алишер хабар медиҳад ва ҳуруфи масореи охир аз тарихи вафоти он жаноб. Чунон дар маонии он ашъор халале воқеъ нест». (Мазмуни: Мавлон Соҳибнинг нодир асарларидан ҳисобланган марсия шаклидаги қасида бўлиб, ҳазрати султониянинг қабри устида ёзилган. Байтнинг биринчи мисрасидаги охирги ҳарфлари жумул ҳисобида Амир Алишернинг туғилганлиги, иккинчи мисрасидаги охирги ҳарфлар вафотини билдиради. Бироқ шунга қарамасдан, шеър маънисига ҳеч қандай зарар етмаган.)

Демак, Мавлоно Соҳиб Доро ҳам тарих айтиш санъатида Качкул маҳоратини қарийб такрорлаган. Ҳам Навоий ва ҳам Хондамирнинг диққатини шеъриятнинг бу санъатини оддий шаклбозлик (фақат тарихнинг тўғри келиши) жалб этмасдан, шеърда мазмуннинг шаклга қурбон бўлмаганлиги асос бўлган. Демак, ўша даврда тарих айтиш санъатида ҳам шакл ва мазмун бирлигини сақлаган адиб маҳоратли деб топилган. Навоийнинг худди ана шундай шарафли ва юксак баҳосига Ҳирот шоирларидан бири Мавлоно Бурҳониддин ҳам эга бўлган. Унинг Алишер Навоийнинг амирлик лавозимига етган йилини «таърихаш ин буд, ки Алишер муҳрзад» ва Мир Дарвеш Алининг амирлик рутбасини эгаллаганини «Дарвеш Али муҳр зад» тарихини келтириб, Навоий ва Дарвеш Алининг мансабга келган йилларини аниқ чиқариш билан бирга бир хил сўзларни (фақат исмларидан ташқари) ишлатганлиги ва Навоийнинг «таркиби келиб эрди ва рост воқеъ эрди» деган баҳосини олгани, яратган тарихи Бурҳониддинни юксак маҳорат эгаси сифатида келтирган.

Навоий адиблар ижодидан мувофиқ келмаган тарихни мисол қилиб келтирмайди. Аммо бу ҳол Навоий шеъриятнинг бу томонига лоқайд қаради деган маънини бермайди асло. На-

воийнинг шаклбозликка берилиб тарих яратган адибларга бўлган муносабатининг ёрқин мисолини Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ-ул вақоеъ» асарида келтирилган бир воқеий мисол билан исботлаш мумкин.

Восифийнинг ёзишича, Навоий жоме масжидларининг бирини таъмирдан чиқарганда, давр шоирлари шу воқеага атаб шеър айтганлар. Айниқса, Сайид Ихтиёриддин Ҳусайнийнинг икки тарихи (бири араб, бири тожик тилида) Навоий ва бошқаларга маъқул тушади ва бу тарих санъати билан яратилган шеърлар масжид пештоқига ёзилади. Бу воқеани эшитган ўша давр шоирларидан бири Мавлоно Исомиддин қуйидаги «тарих»ни қабул қилиш умиди билан Навоийга юборади:

Лаҳо тоқу ва фиҳо суффатайн,
Ба важҳил жидди салли ракатайн.–

(Мазмуни: Бу бинонинг гумбази бўлиб, унинг ичида икки супаси бор. Сен у бинонинг ичида ҳазил билан эмас, балки жиддий бўлиб, икки ракат намоз ўқигин). Навоий мантиқан ожиз, фақат шакл туфайли яратилган тарихни олиб кўрар экан, дейди: «Анча вақтдан бери кўнглимнинг бир томонида ғашлик: Мавлоно Исомиддинга рағбатлантириш учун туҳфа бериш истаги тинчлик бермай келур эди. Бу шеърни ўқиш билан кўнглимиз бу ишқдан қутилди (яъни Мавлоно Исомиддиннинг ижоди ва ўзи ҳеч қандай туҳфага арзимайди).

Ушбу мисолдан кўринадики, Навоий, барча шеър санъатлари қатори, тарих айтишда ҳам юксак бадиият, шакл ва мазмун бирлигини асос билган.

САЛАФЛАРГА ТАТАББУЪ ҲАМ МАҲОРАТ МЕЗОНИ

Форс-тожик ва ўзбек классик адабиётининг энг диққатга сазовор ва айни пайтда ўзига хос хусусиятларидан бири– адибларнинг ўзидан олдин ўтган буюкларга эргашиб татаббуъ – жавоб асар яратишларидир. Адабиётшуносликда ижоднинг бу тури жавобия, татаббуъ, назира деб юритилган. Салафларга татаббуъ йирик достонлардан тортиб то байт ва мисраларгача учрайди.

Форс-тожик ва ўзбек адабиётида учрайдиган бу ҳол бирор-бир қўшни халқлар ёки бир-биридан узоқ яшайдиган, иккита бир-биридан тўла фарқ қилувчи тилда гаплашиб, асар яратган халқларда учрамайди. Тожик (форс) ва ўзбек (турк) тилида сўзлашувчи халқлар азал-азалдан бир-бирларининг адабиётларидан баҳраманд бўлганлар, ўзларидан олдин ўтган буюк адиблар меросини синчиклаб ўрганганлар, уларга ижодий пайравлик қилганлар. Озарбайжоннинг буюк форсийзабон шоири Низомий Ганжавийнинг «Хамса»си ва унга татаббуъ қилиб ёзилган ўнларча «Хамса»лар фикримизнинг гувоҳидир. Агар ўзбек адабиёти Алишер Навоийга қадар ва ундан кейин ҳам форс-тожик адабиётида яратилган асарларга жавобия айтиш, шу билан ўзбек тилининг имкониятини намойиш қилиш расм бўлган бўлса, Алишер Навоийдан кейин бу буюк адиб ижодига, унинг машҳур ғазалларига тожик адабиётининг вакиллари назира-жавобиялар яратганликлари маълум. Хуллас, ҳар иккала халқ адабиётида жавобия асарлар яратиш, татаббуъ қилиш иккала адабиётни ҳам диққатга лойиқ асарлар билан бойитди, халқларнинг турмуш тарзи, маданияти билан ошно этди. Татаббуъ тарзида яратилган асарларнинг кўпчилиги агарчи, сюжет, тасвир ва қаҳрамонларни такрорласа-да, асосан, оригинал асар бўлиб, ўша давр ҳаёти, халкнинг турмуш тарзи, муаллифнинг дунёқараши орқали ўз ифодасини топди.

Лекин масаланинг бизнинг мавзусимиз учун муҳим томони шундаки, татаббуъ шаклида яратилган асарлар ҳамиша ўзининг оригиналлиги, бадиий санъатларни моҳирона ишлата олиши, давр руҳини асарда сингдириши, ҳаётга яқин билиши, агарчи романтик туйғулар, юқори даражадаги ташбеҳлар ёрдамида бўлса-да, асар яратган давр нафасини, инсонпарварлик хусусиятларини ўзида сингдира олиши нуқтайи назари билан баҳоланиб келган. Алишер Навоийнинг бу борадаги қарашини кўриб чиқишда ҳам биз, асосан, улуғ адибнинг масаланинг ана шу томонига эътибор бериб адиблар ижодига баҳо берганини, шу муаммолар унинг маҳак тошига айланганлигини кўрдик.

Алишер Навоий «Хамса»сини Низомий, Хусрав ва Жомий достонларига жавоб тарзида яратгани, лекин асарларини нечоғлик оригинал эканлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Лекин шу қатори ҳамма жавоб тарзида яратилган асарлар ҳам оригинал эди, деган гап эмас, албатта. Салафларга қуп-қуруқ эргашиб тақлид қилиш, бадиий жиҳатдан ожиз бўлган асарларнинг майдонга келишига сабаб бўлди. Бундай асарлар адабиёт майдонидан тез ўчиб, қайси тилда яратилишидан қатъи назар, ўша халқнинг маънавий бойлиги бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қолган.

Салафларга татаббуъ қилиш анча машаққатли иш бўлиб, бу йўлни танлаган шоир, татаббуъ қилган муаллиф услуби, мавзуси, дунёқараши, шеър вазни, радифи, қофияси, асар композицияси ва сюжетини чуқур билиши билан бирга ўзининг мустақил йўналиши, тозабаёнлик, бадиий маҳоратга эга бўлиши ҳам керак бўлган. Фақат шундагина шоирнинг устоздан ўзиши, унинг ижодий армонларини рўёбга чиқариши мумкин бўлган. Буларнинг

ҳаммаси эса чинакам меҳнат ва юксак маҳоратни талаб қилган. Жавобия яратишнинг не чоғлик оғир ва мураккаблигини Навоийнинг Хусрав, Хоқоний ва Жомийларнинг қасидаларига татаббуъ қилиб «Насимул-хулд» қасидасини яратганлигини ва «бу қасидаға дағи кўп маоний ва гавҳарлари дарк ва умр нақди харж бўлубтур» дейиши билан исботлаш мумкин. Навоийнинг бунда астойдил киришиб, берилиб яратилган пайравона асарларнинг не чоғлик машаққат ва меҳнатталаб эканлигини кўрсатиши диққатга сазовор.

XV аср шоирлари ўзларидан олдин ўтган жуда кўп адибларга татаббуъ қилганлар. Лекин Навоий диққатини, кўпинча, классик адиблар, жумладан, Хоқоний, Саноий, Салмон Соважий, Саъдий, Хусрав, Ҳофиз, Камол, Жомий ва бошқаларга қилинган татаббуълар ўзига жалб қилган.

Маълумки, Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» асарининг 8-мажлисини бутунасига Ҳусайн Бойқаро (Ҳусайний) ижодининг таҳлилига бағишлайди. Шу таҳлилда ҳам Навоийнинг адабиётга муносабати, унинг ёшлик дўсти, ўша даврнинг ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро ижодига муносабатидан ташқари давр ҳокимига муносабати, эҳтироми ҳам ўз аксини топган. Агарчи Навоий Ҳусайний ижодини баҳолашда бир парда юқорироқ ёндашса-да, аммо шу қарашларда ҳам Навоийнинг даврнинг бир ғазалсаро шоирининг ижодини кенг планда таҳлил этиш қобилияти, қарашининг намойиши сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ана шу хусусиятлардан бири Ҳусайнийнинг салафларга муносабати ва улар ижодига татаббуъ этгани масаласидир.

Ҳусайний ғазалда, кўпинча, Алишер Навоийга татаббуъ қилса-да, лекин Навоийнинг ўзи таъкидлашича унинг ихлоси форс-тожик адабиётининг классиги Ҳофиз Шерозийга ҳам кучли бўлган. Навоий Ҳусайнийнинг баён услубида Ҳофиз шеъриятининг таъсирини кўради. Масаланинг биз учун муҳим томони Ҳусайнийнинг бу борадаги маҳоратидан кўра Навоийнинг қиёсий таҳлил услуби, бу ҳақдаги қарашларини белгилашдир: «Ишқу муҳаббат ҳавосининг ҳумои-баланд парвози Хожа Ҳофиз Шерозий каломи таврида тушубтур ва салосат ва таркибида анга ёвушибтур:

Ғам сипаҳ қасдимға чекти, соқиё, тут жоми май,
Ким, бўлур жоми май ичгандин далер аҳли масоф.

Навоий мазкур матлаъда Ҳусайнийнинг бошқа ғазалларида кам учрайдиган мавзу: соқий, май, махмур, майкадага диққатни қаратган. Бундан ташқари Навоийнинг юқорида Ҳофизга берган баҳосида агарчи бўрттирма ишлатилган бўлса-да, Навоий адабиётшунос сифатида Ҳофизнинг шеърият оламидаги ўрнини аниқ белгилаб беради, унинг ишқий-фалсафий шеърларида ҳаёт нафаси уфуриб турганини, шу мавзуда ғазаллар яратиб шуҳрат топган шоирни ҳақли равишда «ишқу муҳаббат ҳавосининг ҳумои баландпарвози» деб баҳолайди. Худди шу ифодаларда, шарқона адабий идрок ва ибораларда Алишер Навоийнинг адабий-эстетик тафаккури, қарашлари мужассамланган. Ҳақиқатда Ҳофиз ғазалларида бу мавзу жуда юксак ўрин тутади ва Навоий ҳам худди шу туфайли Ҳусайнийни Ҳофизга пайрав билади.

Мана бу матлаъ пайравлигида эса Навоий бевосита ғазалдаги мазмун ва шеърнинг ифода услуби («ғазал тарзида марсияомиз»)ни таъкидлайди»... Ғазал тарзида марсияомиз Хожа Ҳофиз Шерозийга воқеъ бўлғон йўсин била ул ҳазратқа (*Ҳусайнийга – Ҳ.Қ.*) дағи воқеъ бўлубтур ва бағоят нодирдур:

Вой юз минг войким сарви равоним бордило,
Сабру ҳушим мулкидин ороми жоним бордило.

Бу мисолдан кўриниб турибдики, Ҳусайний Ҳофиз ғазалининг мазмунига ҳам унинг шакли (вазн, қофия ва б.) пайравлик қилган. Навоий келтирган бу парча мисоллар биз учун яна бир масалани ойдинлаштиради, у ҳам бўлса классик адабиётимизда ўзаро таъсир масаласи кенг йўлга қўйилган бўлиб, ўзбек ва тожик халқлари ҳамиша бир-бирларининг ижодидан баҳраманд бўлганлар, бир-бирларини тўлдирганлар, янгидан янги асарлар билан ўз адабиётларини бойитганлар. Ана шу адабиёт масалаларини кенгроқ ўрганиш, уларнинг адабий таъсир масалаларини аниқлаш бугунги кунда ҳам адабиётшунослигимиз ва адабий танқид тарихини ўрганишимизнинг муаммоси ва вазифаси бўлиб қолмоқда.

Навоий асарларида салафлари ижодини баҳолаб, шу орқали ҳам ўзининг қарашларини баён қилар экан, уларга замондошларини татаббуъ қилишини асосли деб билади. Навоий Низомийнинг буюклигини унинг маснавийларидаги ҳаётийлик, бадиий баркамоллигида кўрар экан:

Назм авроқи пардаи жондин,
Ҳам сиёҳиси оби ҳайвондин,
дейди ва шеърлари шуҳратини:
Тутиб гавҳарлари яксар жаҳонни,
Нечукким хайле яксар сомонни,

деб таъкидлар экан, унинг асарлари туфайли шуҳрати ошганлигини айтади. Навоий Амир Хусравдаги ширинкаломлик, юксак бадиийлик ва девонидаги «ошиқликда дард ва ниёз ва сўз ва гудоз тариқин ул мунташир қилди ва анинг ишқи машъалидин бу партав олам тийра хокдониға ёйилди» деб баҳо бериш билан, унга татаббуъ қилишни шараф деб билади. Шу жумладан Хожа Ҳофизнинг «ягонаи аср» ва «жамиъ сухан адолар ва назм пий назарида мустаҳсан ва матбуъ» эканлиги, Салмоннинг «қасида майдонининг чобуксувори»лиги, «ғазал таври мухтарии» бўлган Шайх Саъдий, Абдураҳмон Жомийнинг «зоҳир улум фазоилида даврнинг уламо ва фузалосиға фоиқ бўлиб, ботини ҳолида дағи бийик маротиб ҳосил» қилганлиги ва достонларининг ижтимоий йўналишининг устунлиги туфайли:

Вақт қуёшин чу қилиб пардапўш
Килки қаро абрдек айлаб хуруш,

деб баҳо олиши ва бошқалар бу салафларга турли давр шоирларининг татаббуъ қилишларига сабаб бўлган.

Адабиётда жавобиялар яратиш масаласи билан боғлиқ Навоий қарашларини тадқиқ этиш, турли давр шоирлари дунёқарашини ўрганиш, уларни қайси адабий йўлни танлаганлиги, шу қатори Навоийнинг бу масалага, ҳам шу адиблар ижодига бўлган муносабатини аниқлаш имконини беради. Биз бу қарашлар орқали Навоийнинг ўз дунёқараши, адабиётга муносабатини оз бўлса-да, аниқлашимизга имкон туғилади.

Навоий «Мажолисун-нафоис» асарида Кичик Мирзо ҳақида маълумот бериб, унинг юксак қобилиятини таъкидлайди ва ижодидан бир рубоий келтиради:

Умре ба салоҳ месутудам худро,
Дар шеваи зуҳд менамудам худро.
Чун ишқ омад кадом зуҳду чи салоҳ,
Алминаатуллилоҳ, озмудам худро.–

(Мазмуни: Ўзимни умр бўйи яхшилик билан мақтардим, ўзимни тақводорлик йўлига солардим: ишқ келгач, на тақводорлик қолдию, на яхшилик. Худога шукрким, ўзимни синадим.) Навоий бу рубоийнинг пастида қуйидаги фикрни илова килади: «Баъзи дерларким, бу рубоий ҳазрати Махдуми Нуран *(яъни Жомий –Ҳ. Қ.)* била таворуд воқеъ бўлибтур. Андоқ дағи бўлса, улуғ давлат турур».

Энг аввало, рубоий тематикаси ва мазмуни ҳақида. Мазкур рубоий тасаввуф оҳангида ёзилган бўлиб, диёнат йўлида кечаю кундуз ибодат қилган кишига илоҳий ишқнинг ва ана шу тоат-ибодатни пучга чиқарганлиги, ошиқ (Оллоҳ йўли ошиғи) кеч бўлса-да, ўз йўлини топганлиги туфайли Худога шукр қилгани ўз ифодасини топган.

Кичик Мирзонинг юқоридаги рубоийси Жомийнинг ана шу мазмундаги шеърига ҳамоҳанг яратилган ва бу ўша давр адабиётшунослари томонидан қайд қилинганки, Навоий бу борада ўз фикрини баён этган. Навоий давр адибларининг бу рубоий ҳақидаги фикрини қувватлар экан, ўзи Жомийнинг тариқат ва ижоддаги шогирди сифатида адабиёт майдонида Кичик Мирзодек «толиби илм»ни, шу қатори дарвешликка мойиллиги бўлган кишини кириб келишини қутлайди ва тасаввуф руҳида ёзилган худди шу рубоийси туфайли уни Жомийга пайрав билади ва бу ютуғни рубоий муаллифининг улуғ давлати санайди.

Бироқ Навоий бу мисолда Кичик Мирзонинг Жомийга пайравлигини очиқдан очиқ билдирмайди ва фақат рубоийсидаги мазмун туфайлигина унга эргашганлигини таъкидлайди. Лекин кўпчилик мавридда Навоий у ёки бу адибнинг қасида, ғазал, қитъасига қилган татаббуъларини алоҳида таъкидлайди. Масалан, Шайх Авҳадуддин жавобияси ҳақида: «Шайх Санъоннинг «Риоя» қасидасиға яхши жавоб айтибдур ва абётининг адади юз олтмиш бўлғусидур», дейди. Демак, Шайх Авҳадуддин Саноийдек машҳур қасидасаро шоирга жавоб айтар экан, (жавобиянинг катта ҳажмини Навоий алоҳида таъкидлайди – «юз олтмиш» байт), «яхши жавоб айтибтур» деб жавобия яратган муаллиф маҳоратини мусбий баҳолайди.

Биз юқорида Салмон Соважийнинг қасида жанрида моҳирлигини айтган эдик. Турли давр шоирлари Салмон Соважийга пайравлик қилганлар. Айтишларича, Салмоннинг кўзи ожиз экан. Навоий «Мажолисун-нафоис»да Мавлоно Орифий ҳақида маълумот бериб, бу шоирни ҳам ижодда ва ҳам қиёфада (кўзининг кўрлиги) Салмонга ўхшашлигини билдириб дейди: «Мавлоно Орифий бағоят фозил ва хушгўй киши эрди. Замон аҳли ани Салмони сони дерлар эрди, ҳам шеъри муносабатидин, ҳам кўзлари заъфидин. Ва Салмоннинг кўзи оғриғон пайтида айтган қасидасиғаким, матласи будирким:

Дардо, ки дард кард саводи ба сар хароб,
Айём кард чашмаи чашми маро сароб.–

(Мазмуни: оғриқ кўз қорасини хароб қилди ва замона кўзим чашмасини саробга айлантирди.) Мавлононинг дағи кўзи оғриғанда жавоб айтибдур. Бу байти хубтурким!

Ҳар палаки сурхи дидаи ман доруи сафед,
Бошад биайниҳи намаки суда бар кабоб.

(Мазмуни: кўзимнинг қизарган жиягига оқ дори қўйиш худди кабобга майда туз сепгандек бўлади).

Агар юқоридаги мисолда татаббуъ яратувчининг маҳорати конкрет адабий жанр (қасида) ва ҳажман аниқ (юз олтмиш байт) асарда кўринган, баҳоланган бўлса, Орифийнинг Салмонга ёзган татаббуъси фақат бир байт бўлиб (Навоий келтирган мисолида), шу байт жавоб шеърий асар сифатида баҳоланган. Навоий юқорирокдаги мисолда Шайх Авҳадуддин жавобиясига унчалик эътибор бермаса-да, Салмон байтидаги мазмун қатори ундаги деталь – кўзи кўрлиги унинг пайрави Орифийга ҳам ҳар томонлама асос бўлганлигини таъкидлайди, уни баҳолаб «бу байти хубтур» дейди.

Навоийнинг Салмон Соважий ва Орифий ижодидан келтирган юқоридаги мисоли бизда бошқа бир фикрни баён этишга ҳам ундайди. Поэтик асарларда ҳамиша шоир ўзининг ички кечинмалари, дарди, жамиятга бўлган муносабати қатори жуда жузъий бўлган шахсий ҳолатини ҳам ифодалаб келган. Кўпинча, инсон учун хос бўлган ана шу жузъий томонларнинг шеърдаги ҳис-ҳаяжон билан поэтик маҳорат орқали баёнини топганда нафақат юксак бадиий асарлар яратилган, балки ўша даврнинг сиёсий-ижтимоий характеристикаси, шоирнинг даврдан ғурурланиши ва кўпинча ана шу давр дастидан нолиши, ўткир танқиди ўз ифодасини топган. Биз худди шу хусусиятни ишимизнинг юқорирофида Паҳлавон Муҳаммаднинг ўғли вафотига атаб ёзган шеърида кўрдик. Шу қатори Жомийнинг Юсуф исмли ўғлига атаб ёзган марсияси, Навоийнинг Жомий вафотига қарата ёзган марсияси ва бошқа кўпгина мисолларни келтириш мумкин.

Навоий у ёки бу шоирнинг татаббуъ асарларини таҳлил қилар экан, шу шоирнинг адабиёт майдонида оригиналликка қай даражада ҳисса қўшганлиги, шу янгиликка интилишига алоҳида эътиборни қаратади. Улуғ адиб яратилган татаббуъларни маъқул ёки номаъқуллигини айтибгина қолмайди. Унинг нозик қарашлари, чуқур маънони ифодалайдиган сўз-иборалари гоҳида татаббуъ қилувчи муаллифнинг оригиналликка интилишини аниқ кўрсатади. Масалан, унинг қуйидаги қарашини кўриб чиқайлик: «Зова Қозиси – яхши табълик йигитдур. Маснавийларни рангин айтур. Амир Хисравнинг баъзи маснавийлариға бу яқинда татаббуъ қилибдур. Ғариб хаёллар қилибдур. Ва ўзга назмлар ҳам айтур». Бунда Навоийнинг қарашлари оригиналлик томон кўпроқ майл қилувчи Зова Қозисининг маҳоратига қаратилган. Навоий фикрича, бу адибнинг маҳорати, энг аввало, маснавийларининг рангинлигида кўринади. Иккинчидан, у Амир Хисравга татаббуъ қилар экан, бу унинг юксак жасорати. Учинчидан, Навоий юқоридаги татаббуъ қилган шоирларнинг ҳеч қайсисига бермаган баҳоси («ғариб хаёллар қилибтур»)ни Зова Қозиси шеърига лозим билади. Бу, демак, Зова Қозиси Амир Хусрав шеърига фақатгина пайрав бўлмаган, балки ўз фикри, услуби, дунёқараши билан жавоб асар яратган, унинг оригиналлиги томон интилган. Ана шу интилиш Навоийнинг юксак баҳосига сазовор бўлган. Бунга илова, Зова Қозиси фақатгина пайравлик қилувчи шоир бўлмасдан, «ўзга назмлар» ҳам айта оладиган адиб ҳамдир.

Ана шундай хусусиятларга эга бўлган адиблардан яна бири Мавлоно Аҳлийдир: «Назмлардин ҳар синф шеърда маҳоратлиқ кишидур, батахсис қасида услубида. Неча қатла Шероздин рангин қасидалар юбориб эрди. Бу яқинда Хожа Салмон Соважий алайҳураҳма-

нинг маснуъ қасидасиға жавоб айтиб, бир ғариб рубоий дағи изофат қилиб юборибдур. Холо онча чоғлиқ қувватлиқ киши демасларки бўлғай».

Бу мисолда Навоий диққатини кўпроқ Мавлоно Аҳлийнинг қасида жанрида усталиги тортган. Ана шу маҳорат шу шоирни Салмон Соважийдек машҳур қасида устаси билан беллашиш шарафига муяссар қилган. Навоий фикрича, у бу масалани бемалол уддалай олган. Бу мисолда киши диққатини тортадиган бошқа томон ҳам мавжуд. Биз Алишер Навоийни, кўпинча, ўз даври адабиёт муҳитининг сарвари, ёш адибларнинг рағбатлантирувчи раҳбари сифатида тилга оламиз. Мавлоно Аҳлий Шероздан туриб Навоийга – Ҳиротга, ўзининг жавобий қасидасини юборган. Бу, биринчидан, Навоийнинг ўша даврда яратадиган асарларга ҳакамлик қилишини билдирса, иккинчидан, бу улуғ адиб ҳукмидан ўтган ҳар қандай бадиий асар ўзининг оригиналлиги, бадиий пишиқлиги ва муаллифининг маълум даражадаги маҳоратидан дарак берган. Навоий баҳосида Мавлоно Аҳлий қасидасининг устунлиги унда илова қилинган рубоийнинг юксаклигидадир. Навоий Аҳлий рубоийсини ўз асарида келтирмайди, бироқ унга баҳо беришда «ғариб» – бадиатан баланд, киши диққатини тортадиган эканлигини таъкидлар экан, унинг муаллифи шу асарида ўз маҳоратини сарф этганлигига шубҳа қолмайди.

Татаббуълар орасида оригиналликка эришилган асарлар алоҳида қиймат касб этиб келган. Хондамир Ҳофиз Али маҳорати ҳақида тўхталиб ўтар экан, қуйидагиларни ёзади:

«Аруз илми ва шеър санъатида маҳорати юксакдир. Масалан, Хўжа Салмон Соважийнинг қасидасига уч-тўрт марта татаббуъ қилиб, у қасидани бир неча шеърий санъатлар билан бойитди. Кўринганидек, Хондамир ҳам Навоийда бўлганидек, Ҳофиз Алининг Салмон қасидасига фақат жавоб яратмаганлиги, балки унда янгилик – шеърий санъатларнинг имкониятидан фойдаланиб янги тасвир, ўхшатишлар ҳам илова қилиб қасида санъатини юксакликка кўтарганини таъкидлайди.

Классик адабиётда татаббуъларни айрим тарихий воқеалар, кишиларнинг ўзаро шахсий муносабатлари, адабий ҳамкорлик, шеърий анжуманларда мусобақа тарзида айтилган жавобиялар ҳам ташкил қилади. Бундай мавридда ҳам шоир маҳорати намоён бўлган ва қадрланган. Навоийнинг ўзи Мирзобекнинг:

Кўзинг не бало қаро бўлубтур,
Ким жонга қаро бало бўлубтур

байтини юксак билиб, давом эттириб, тўлиқ ғазалга айлантирганлиги, Мавлоно Лутфийнинг вафотидан олдин:

Гар кори дили ошиқ бар кофири Чин афтад,
Беҳ з-он, ки ба бадхўи бемеҳри чунин афтад.–

(Мазмуни: Ошиқлар дилининг иши Чин гўзалига тушгандан кўра, шу сингари меҳрсиз, ёмон феълга тушгани маъқул) матласини Жомийдан тўлиқ ғазал қилишини илтимос қилганлигини ва Жомий бу ғазални тугатиб, девонидан жой бергани маълум.

Бундай адабий пайравликлар, бир томондан адиблар ижодини шакл томондан бир-бири билан яқинлигини билдирса, иккинчидан, шу адибларнинг шахсан яқинлиги, ҳамфикрлиги ва ўзаро муносабатига ойдинлик киритиш имконини ҳам беради.

Ҳаммавақт ҳам турли шоирлар томонидан яратилган пайравона шеърлар ижобий хусусият касб этавермаган. Айниқса, хон ва шоҳлар йиғилишидаги адабий кечаларда катта мансабга эга бўлган шоир, давлат арбоби ва ёки кўзга кўринган шоир ғазали ёки радифи, қофиясига жавобан бир кечада юзлаб ғазаллар битилган. Бу ғазаллар, кўпинча, шаклбозлик, кўр-кўрона пайравликдан бошқа нарса бўлмаган. Бундай шеърлар аксар пайтда адабиётнинг умумий тараққиётига тўсиқ бўлиб, шаклбозликка кўмак берган. Шу билан бир қаторда бу шеърларнинг умри қисқа бўлиб, адабиёт оламидан тез орада изсиз йўқолган.

Навоий ўз асарларида муваффақиятсиз татаббуъ қилган адиблар ҳақида тўхталиб ўтмаган. Лекин ўша давр адабиётида фақат мазмунан етук ва муваффақиятга эришган пайрав асаргина диққатга лойиқ эканлигини кўрдик ва ҳаётан узоқ жавобия ва пайравликни танқид мисолини Бобурнинг Мир Сарбараҳнанинг муваффақиятсиз татаббуъси танқид қилинганлигини ишимизнинг биринчи бобида кўриб чиққан эдик.

Навоий ўзида бўлгани сингари бошқа адибларнинг ижодида ҳам салафларга татаббуъни ёқлади, буюк сўз санъаткорларига жавобия яратган адибларни қутлади, уларнинг бу йўлидаги муваффақиятларини маҳорат белгиси деб билди. Навоий кўпинча сўфиёна қарашлардаги жавобияларга эътибор берар экан, бу энг аввало, унинг ўзининг дунёқараши, сиёсий йўналиши бўлса, иккинчидан, тасаввуф масалаларининг илғор томонларига суянган ҳолда академик В. И. Зоҳидов таъкидлаганидек: «гениал мутафаккир сифатида ўз давридан, ўзига қадар бўлганлардан илгари кетган ҳолда ҳал қилишга уринди ва давр шоирлари ижоди ва уларнинг салафларга татаббуъ тарзида ёзган асарларига ҳам шу нуқтадан туриб баҳо берди».

АДИБНИНГ МЕҲНАТГА МУНОСАБАТИ

Навоий ўз даври ёзувчиларини меҳнатга муносабатини уларнинг ижод, бадиий маҳорат, меҳнатнинг турли хилларига ёндашишларига қараб белгилайди. Бунинг учун улуғ адиб мезон тоши этиб шоирнинг шеър меҳнатига бўлган муносабатидан келиб чиқади. Навоийнинг фикрича, шеърият машаққати, тўсиқларини мардонавор енгган адибгина элга манзур асар яратиши мумкин. Навоий ёзувчини ҳамиша ана шу ғоя томон етаклайди, уни шеър меҳнатига чақиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун унинг ўзбек (турк) тилида шеър ёзишга ундаган чақириғини ёзувчини шеърият қийинчилиги, оғир меҳнатига қилган даъвати сифатида қабул қилиш мумкин: «Андин сўнграким, турк тилининг жомеияти далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидин пайдо бўлған табъ аҳли салоҳият ва табъларин ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди. Ва агар иккаласи тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди».

Маълумки, «Мажолисун-нафоис» тазкирасининг учинчи мажлисини Навоий ўз даврида яшаган шоирларга бағишлаган. Бу мажлиснинг саромади этиб Абдураҳмон Жомийдан бошлаган Навоий энг биринчи навбатда бу устоз адибнинг ижод машаққатига ўзининг кундалик иши сифатида ёндашгани, шеърият бу алломанинг ҳаётий зарурати ва шеър машаққати унга умр роҳати эканлигининг таъкидини кўрамиз. Ана шу меҳнат эвазига Жомий шеърларида ширадорлик, ғоясининг пишиқлиги ва энг муҳими, элга манзур бўлганлигини таъкидлаган Навоий ўз устозининг меҳнатга муносабатини давр шоирларига ибрат қилиб кўрсатади.

Алишер Навоий ўзининг «Хазойинул-маоний»сидаги «Дебоча»да ўз мисолида шеър яратишдаги машаққатлари, ўзининг илҳомга кириш ҳолати, ижод самаридан хушнуд бўлиш каби ҳолларини жуда юксак тасвирлаган. Бунда улуғ адибнинг юксак психологик ҳолати, яратаётган асари билан ҳам фахрланиш ва ҳам ўқувчи, халқи олдидаги масъулияти юксак ифодасини топган.

Навоий шеър яратиб халққа хизмат килишни бахт деб билар экан, пароканда шеърларини тартибга солишга, девон тузишга киришади. Шоир ана шу ижод жараёнини, шеърият йўлида қилинган тинимсиз меҳнатини тасвирлаб, шеър яратиш дарди, илҳомнинг мўъжизакор қуввати, ижодкор шахсиятига замона таъсири, бадиий ижод учун руҳий озиқнинг зарурлиги ҳақида фикр юритади ва девонини тартиб беришда янгича куч, кайфият қўзғалганини қуйидагича ифодалайди: «Бу ҳукм *(яъни девон тартиб бериш нияти – Ҳ. Қ.)* чун қулоғимға етишти, ажз ва забунлуқ ўтининг дуди кўнглумдин димоғимга етиштиким, ҳукм қавий эрди... не узр етурга заҳра ва журъатим ва не қабул қилурға ҳавсала ва қувватим, агарчи узр дилпазир эмас эрди, аммо ўз ажзи ҳолимни арзға еткурмакдин ҳам гузир эмас эрди».

Навоий фикрича, киши шеърият билан эрмак тариқасида шуғулланмаслиги керак. Шеър яратиш дарди, кечаю кундуз шоирга тиним бермаслиги, унинг доимий ҳамроҳи, ҳамдардига айланиши лозим. Навоий ўзининг икки охирги девонини тузишга киришар экан, «Дебоча»да, агарчи соғлиғи ниҳоятда оғир бўлса-да, ижод унга янгича куч бағишлаганлигини, табъини жўш урдирганлигини таъкидлайди. Унингча, адиб агар шеър яратишга астойдил

киришса, у ўз иродаси устидан ғалаба қозона олади. Ўзида шеър яратиш кайфиятини жўш урганини сезган шоир ҳиссиётини қуйидагича ифодалайди: «кўнглумга ўзга қувват кирди ва табъимға ўзга жавдат ва жалодат ҳосил бўлдиким, килким жардаи тез гомиға ўзга равонлиғ ва хаёлим сабоҳи барқ хиромиға ўзга гавҳарафшонлиғ юзланди. Қабул бармоғин кўзумга ва миннат илигин жонимға ва жонпарвар сўзимға қўйдум ва замир хилватгоҳини васовис Шис ҳужумидин мубарро қилдим».[1]

Юқоридаги сатрларга диққат билан назар солсак, Алишер Навоийнинг не чоғлиқ адабий ижод, меҳнатга берилганини кўрамиз. Шоир ўз девонларини тартиб бериш, уларни янгидан янги ғазаллар билан бойитиш, чалкашликлардан холи этиб, мукаммал девон тартиб беришга киришганлигининг ёрқин картинаси кўз ўнгимизда гавдаланади. Навоий ҳаётдаги барча икир-чикирларни йиғиштириб, ягона мақсад – бир неча йиллар мобайнида ёзган ғазалларини келгуси авлодга қолдириш учун марварид шодасига тизгандек девон авроқини тузар, бутун хаёлини ана шу ишга бағишлайди. Улуғ адиб «замир хилватгоҳини васовис ҳужумидин мубарро қилдим» дер экан, давр тортишувлари, феодал жамиятдаги ноҳақликларнинг барчасига қарши ўлароқ, ҳафсаласизлик ва лоқайдликка ўт очиб ижод ишига шўнғиганини, ўша тош бўлиб босиб турган журъатсизлик энди шайтоннинг васваcаси эканлиги, ана шу васваса атрофидаги барча мушкуллаклар тумандек тарқалиб, шоир илҳомининг қуёши остида тарқалганининг тасвирини кўрамиз. Бу юксак руҳий ҳолат тасвири ёзувчини меҳнатга чақириш, одамнинг ўз иродасини ўзига бўйсундириш, қобилиятини меҳнатга қаратиши ҳақидаги тарбия оҳанги ҳамдир.

XV аср илғор эстетик қарашларида маданиятнинг жуда кўп турлари қатори ўқувчида китобга муҳаббат руҳини тарбиялаш, адабиётни кенгроқ тарбия воситаси сифатида фойдаланиш, тарғиб этиш ҳолларини ҳам кўриш мумкин. Тожик классик адабиётининг йирик вакили Абдураҳмон Жомий кишининг танҳоликда бирдан бир ҳамроҳи, ҳамсуҳбати китоб бўла олишини, китобдан дастлабки билим олиш бошланишини таъкидлаганини кўрамиз:

Аниси кунчи танҳои китоб аст,
Фурўғи субҳи донои китоб аст.

Худди ана шу ғоя Алишер Навоийда шеър меҳнати тасвири заминида яққолроқ намоён бўлади. Бунда шоир танҳо қолганда, ҳамсуҳбати бўлмаганда ўз дарди, ички туғёни ва орзу-истакларини шеърида ифодалайди. Худди шу мисолда Навоийнинг шеър яратиш меҳнати ҳақидаги фикри жуда образли ва жонли ифодасини топган: «...чун бир ҳамзабон, мушфиқим йўқ эрдики, махфий ўтимни ошкор этгаймен, бирор матлаъ била ул маънини адо қилиб, қаттиқ ҳолимни шарҳ этар эрдим. Бу восита била кўнглум ўтига ороме ва ишқим бедоди ноҳамворлиғиға андоме ҳосил бўлуб эрди». Навоий ушбу сатрларда жуда чуқур ички туғён билан унинг ёзган асарларининг барчаси ўз дард-ҳоли, унинг ажралмас сирдоши ва аҳволининг «мутаржими» эканлигини билдиради. Шоир ижод қилар экан, унинг кўнгли ором топади, ҳиссиёти бир мақсад томон йўналтирилади, ғоявий қарашларида, инсоний ва илоҳий ишқида «андоме» – шаклланган, тўғри йўлни танлаган ғоя вужудга келади. Бу сатрлар Навоий ижодини баҳолашда, унинг адабиётга, шеъриятга бўлган муқаддас ихлосини англашга, шоирнинг шеър меҳнатига нечоғлиқ берилганини янада равшанроқ ҳис қилишга имкон беради.

[1] Алишер Навоий, Асарлар, 1-том, Ғароибус-сигар, 65-бет.

Шеъриятда юксак бадиийликка эришишни меҳнатсиз тасаввур қила олмаган Навоий шоир ютуғини ҳамиша унинг тинимсиз изланишида кўради: «Мир Муртоз – кичик ёшдин бериким, илм касбиға машғулдир. Анга тенгруким кўпрак улумда донишманд бўлди– ўз мутолааси била бўлди. Кеча тонг отқунча ва кундуз оқшом бўлғунча иши мутолаа эрди».

Навоий шоир меҳнатини баҳолашдан олдин имкони борича ана шу меҳнатнинг барча томонларига эътиборни қаратади, баҳоланадиган шоирнинг барча шахсий хислатлари, шоирлик қобилиятига сабаб бўлган омиллар, унинг табиий шоирлик қобилиятидан меҳнат туфайли эришган ижодий ютуқларини (юқоридаги мисолда Навоий Мир Муртознинг меҳнатга бўлган муносабатини кечаю кундуз мутолаа билан банд бўлиши мисолида олқишласа-да, шеърий ютуқ унга фақатгина кўп ўқиши туфайли келганлигига ҳам зимдан ишора қилган) алоҳида таъкидлайди. Масалан, энди Навоийнинг Қози Исо ҳақидаги баҳосига назар солайлик. «Дерларким, шеърға андоқ машъуфдурким, кунда ўн ғазал, балки кўпроқ ҳам айтур эрмиш». Қози Исонинг бир кунлик ижодий маҳсули (ўн ғазал, балки кўпроқ)дан олдин Навоий бу шоирнинг шеър яратишга ўта «машъуф»лигини таъкидламоқда. Навоий ана шу шеър яратиш ишига муҳаббат, тинимсиз меҳнат самараси ўлароқ бир кечада ўндан ортиқ ғазал яратилганлигини таъкидламоқда. Лекин бунда Навоий Қози Исонинг шеърларида маҳорат зоҳир этганини, унинг ғазалларида ширадорлик борлигини айтмайди, бу борада фикр билдирмайди. Навоий, умуман, шеъриятда миқдор ўсишини ҳамиша ҳам шоир муваффақияти деб олқишламаган. Буюк шоир ёзувчи меҳнатини баҳолаш, шеърият сифатини белгилашда шеърдаги юксак бадиийликни энг биринчи планга қўйган. Биз юқорида, «бир кун даъво била» бир кечада икки минг байт шеър айтган Мавлоно Симийнинг шуҳрат тутганлиги, ўша икки минг байтдан аранг бир байти ва ғазалларидан айримларигина Навоий хотирида қолганлигини таъкидлаш билан бу миқдор шеър фақат «даъво била» яратилганлиги, тасодифийлигини қайд қилган эдик. Қози Исо мисолида эса Навоий шоирга шеър яратишда «машъуф»ликдан ташқари табиий қобилият ҳам зарурлигининг замирий ифодасини кўрамиз.

Алишер Навоий асарларида шоирнинг шеър меҳнатига қараб баҳолашида фақатгина салафлар ва даврнинг энг машҳур адиблари мисолида ижодини таҳлил этмайди, балки ўзи адиблар асарларидан ҳам мисоллар келтириб таҳлил этади. Масалан, у Паҳлавон Муҳаммад ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Ҳар навъ ишга хотир мутаважжиҳ қилса эрди ул навъ дахл қила олур эрдиким, ул фан аҳлининг моҳирлариға мустаҳсан тушгай». Навоий бунда Паҳлавоннинг, умуман, меҳнатга муносабатини билдирса-да, лекин уни «шеър ва муаммо бобида, илмий ва амалийсида Паҳлавон соҳиб вуқуф ва жалд эрди, ул навъким, замон шуаросининг юзидин бирига онча шуур ва вуқуф йўқтур ва аксари назм аҳли ва ҳар навъ шеър айтсалар эрди – Паҳлавон назарига еткурур эрди ва анинг ислоҳ ва тағъйир ва табдилин қабул қилур эрдилар ва ўзининг дағи шеър ва муаммо бобида фаннида табъи мулойим эрди», деган баҳосини инобатга олганда, «ул фан»нинг бири шеърлигини билиш мумкин.

Шундай қилиб, Навоий фикрича, шеър яратиш – бу меҳнат натижасидир, фақат берилиб, астойдил қилинган меҳнат, ижодий изланиш бадиатан юксак шеъриятни вужудга келтиради ва шу меҳнат шоирни юксакликка кўтаради.

Навоий адибнинг шеър меҳнатига бўлган муносабатидан ташқари унинг меҳнатнинг бошқа соҳаларига қараши, муносабати ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Бу Навоий эстетик қарашларининг кенглиги, ёзувчи шахсиятига чуқур эътибори, умуман, меҳнатни қай хиллигидан ташқари улуғлаши билан боғлиқ.

Навоий ижтимоий келиб чиқиши турлича бўлган шахслар ҳақида фикр юритади. Лекин барибир, бу буюк адиб, шахс меҳнатини эл учун қанчалик зарурлиги, аҳамиятига қараб баҳолайди. Унингча, ёзувчи агар меҳнатини халқ учун сарфласа, унда бу меҳнат зоеъ кетмаган, эгаси шарафли ишни бажарган ҳисобланади. Мавлоно Муҳаммад Муаммоийнинг шеърий қобилияти устун, муаммода билими кучли. Лекин Навоий бу адиб хизматини унинг, таъбир жойиз бўлса, классик асарларни тўплаш – манбашунослик ишида кўради: «Мир Хисравнинг ашъор ва рисоласи ва сойир мусаннафотин андин кўпроқ киши жамъ қилмабдур эрди». Бунда Навоий, биринчидан, Пири Муаммоийнинг Мир Хусравдек йирик адиб ижодига ихлосмандлигини билдирса, иккинчидан, катта меҳр-муҳаббат билан Хисрав асарларини тўплаши, шу билан катта меҳнат сарфлаганлигини кўрсатмоқда. Навоий -Муаммоийнинг бу меҳнати – адабий асарларни тўплаб, уни бир мукаммал шаклга келтиришни зарур эканлигини, бу меҳнат авлодларга классикларимиз томонидан яратилган асарларни мерос қолдиришдек шарафли иш эканлигини таъкидлайди ва меҳнатнинг бу тури адабиётни ривожлантирувчи восита деб билади.

Навоийнинг Мавлоно Фасиҳиддинга берган баҳосида ҳам юқоридаги юксак ғамхўрлик, адабиёт ва санъат, таълим-тарбиянинг моҳияти масаласи келиб чиқади. Бу мисолда ҳам биз Навоийнинг не чоғлик ўз даврида замонасининг турли масалаларини қамровчи, фикр-ёди қайси соҳада бўлмасин, халқ манфаатини кўзловчи ниятини сезиш мумкин. Улуғ адибнинг Мавлоно Фасиҳиддин ҳақида берган баҳосида унинг бу борадаги яна бир қирраси очилади. Мавлоно Фасиҳиддин мударрис. Навоий даврида мударрислик энг мўътабар касблардан бўлиб, элга савод ва илм ўргатишнинг бош ўчоғи бўлган мадрасада асосий киши ҳисобланарди. Лекин Навоий унинг меҳнатини фақат мударрислиги, ўз касбини яхши билишни тасвирлаш билан чегаралаб қолмайди. Фасиҳиддин шоир ва шу қатори яратган илмий-педагогик рисолалари маълум ва «ҳар бир илмки айтур, кўпида ҳавоший ва муфид мусаннафоти борким, уламо андин баҳраманддурлар». Демак, Мавлоно Фасиҳиддин фаолиятида Навоий ўз касбини фақат практик жиҳатдан биладиган кишинигина эмас, балки мударрислик – педагогиканинг назарий томонини ҳам пухта эгаллаган назариётчини ҳам кўради.

Навоийнинг Мир Ҳусайн Муаммоийга берган баҳоси ўзининг мантиқий занжири билан худди Мавлоно Фасиҳиддинда берган баҳонинг давомига ўхшайди. Навоий моҳир санъаткор, педагог сифатида ўз даврининг таълим-тарбиясининг ҳар бир томонига жуда жиддий эътибор берган, ёшларни тарбиялаш, уларни жамият учун зарур, фойдали кишилар килиб вояга етказишга кўп қайғурган. Унинг адиб, педагогларга берган қарашлари, баҳосида биз тарбиянинг нозик деталларини, болалар психологиясига бевосита тегишли, улар оламининг ич-ичига кирганлигини кўрамиз. Масалан, Мир Ҳусайн Муаммоийга берган баҳосини кўрайлик: «Мир хизматларида бир тифл таълимин илтимос қилиб эрмишлар ва шогирди андинким, туфулият муқтазосидур, ўқумоққа коҳиллиқ қилмиш бўлғай Мир бир азизға илтимос қилибдурларким, шогирднинг атосиға айтғайким, ўғлиға мулойимат била насиҳат қилсун. Аммо андоқ қилмағайким, тифл билгайким, бу Мир қошидин экандурким, ногоҳ кўнгулгинаси Мирдин оғримағай. Мундоқ тариқи кўпдур...» Навоий бу хусусиятни шахснинг ижобий томони билиб, бунга эришиши учун ҳам тинимсиз меҳнат ва касбга меҳр лозимлигини уқдирмоқда.

Юқоридаги мисолда диққатни тортадиган яна бир масала бор: Навоий баҳосидаги энг охирги қисқа жумлага эътибор берайлик: «Мундоқ тариқи кўпдур». Улуғ адиб Мир Ҳусайн Муаммоийнинг мударрислик фаолиятидан фақат бир мисол олиб, унинг ижодига, касбига

бўлган муносабатини билдиради. Ҳақиқатда, феодализм даврида мактабда ўқиш жисмоний жазолаш, муаллимнинг ўта устун имкониятига асосланган бир даврда боланинг психологияси, унинг дунёсига эътибор берган Муаммоийнинг юксак инсонийлиги, ўз касбининг моҳир устаси эканлиги Навоийдек таъби нозик киши назаридан четда қолмаган. Навоий Мир Ҳусайн Муаммоий характеридан келтирилган мисоли намуна эмаслиги, унинг бундай юксак хусусиятларининг «тариқи кўп»лигини таъкидлаб, баҳоланаётган шахснинг характерида бу ижобий томон доимий эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Навоий адиб меҳнатини фақат адабиёт билан яқин бўлган соҳалар билан кўриб чиқмайди, балки меҳнатнинг бошқа турлари ҳам агар халқ манфаатига қаратилган бўлса, у фойдалидир деган хулосага келади. Масалан, Мирхонднинг меҳнати тарихий асарлар ёзиш – авлодлар учун илмий хазина қолдириш бўлган: «Аввали офаринишдин бу кунгача тарихи жомеъи битурким, нисфиға етибтур иншОллоҳ, тугатуриға муваффақ бўлғайким, таворих орасида андин муфидроқ тарих бўлмағусидур».

Навоий халқ манфаати учун меҳнатнинг, илмнинг турли хилларини бажарган Абдураҳмон Жомий, Бинойн, Мир Атоуллоҳ, Мир Камолиддин Ҳусайн, Паҳлавон Муҳаммад, Мавлоно Муҳаммад Бадахший ва бошқаларнинг меҳнатини муносиб баҳолаган. Энди Алишер Навоийнинг Мавлоно Ёрий ҳақидаги баҳосига назар солайлик: «Мавлоно Ёрий... наққошликка мансуб эрди... Фақир они тазҳиб наққош аҳлиға сипориш қилдим, оз фурсатда обдон наққош бўлдиким, ғарази наққошлик ўрганмакдин нақшбозлик экандурким, андин ажиб нақшлар иш юзага келди ва анинг шарҳининг тўли бор». Улуғ адибнинг бу баҳосидаги бир иборага диққатни тортмоқчимиз: «ғарази наққошлик ўрганмакдин нақшбозлик экандур...» Навоий ўз асарларида шахсларнинг турли томонларини ёритаётганда ўзига хос сўз-иборалар, киши характерини очувчи истилоҳлардан фойдаланиши ҳақида айтдик. Юқоридаги иборада Навоий Мавлоно Ёрийга хос бўлган хислат – янгилик яратиш, оригиналликка интилишни алоҳида таъкидламоқда. Навоий Ёрийни фақатгина наққошликни ўрганиши учун шогирдликка қўйган, лекин бу шахс нафақат Навоий ишончини оқлаган, балки бу касбни мукаммал ўрганиб, ўзи ажойиб нақшлар ихтиро қилганки, Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасининг имконияти камлиги туфайли «анинг шарҳининг тўли бор» деб сўзини қисқа қилади. Бунда масаланинг муҳим томони шундаки, Навоий Мавлоно Ёрийниг меҳнатга муҳаббатини, ишқини инобатга олиб, бунинг устига унинг шоирлигини таъкидлаб, ўз тазкирасига жой берган. Ёки бошқа тил билан айтганда, оддий наққош ўз меҳнатининг самари туфайли давр алломаси, вазирининг тазкирасидан ўзига жой топган.

Навоий қарашларида худди ана шу мисолнинг аксини ҳам кўрамиз. Бунда ҳунарини хор қилган, қадрламаган киши танқид қилинади: «Мавлон Моний – машҳадликдур. Соҳибжамол ва зариф ва раъно йигитдур. Бовужуди улким, атоси беназир косагардурким, чинни ясар ва иниси андоқ нақш қилурким, Чин ва Хитода қила олмаслар. Ул бул иков ҳирфасидин ор қилиб, бирин қули, бирин чуҳрасича кўрмас. Чун ҳусни бор, ҳусни хати ва ҳусни каломи дағи бор. Ҳар не қилса анга тегар».

Бу мисолда Алишер Навоийнинг юксак эстетик диди, оддий меҳнатга бўлган ижобий муносабати ўз аксини топган. Улуғ адиб халқ амалий санъатидан бири бўлган кулоллик, чиннисозликни юксак баҳолайди. Мавлоно Монийнинг отаси ва укасининг юксак санъаткорлиги, наққошлиги(ҳатто Хитой наққошларидан ўзиб кетганлиги)ни алоҳида бўрттириб кўрсатган Навоий, ана шу олижаноб касб-ҳунарни «қули ва чуҳрасича» билмаган Монийга нисбатан ўқувчи нафратини уйғотади. Бунда Навоий баҳоси ўзининг пухта нуқта-

сига унинг Монийга нисбатан «чун ҳусни бор» деган сарказм ибораси билан етади. Бироқ ҳамиша шахс характерини объектив баҳолаган Навоий, Монийнинг ижобий томони «ҳусни хатти ва ҳусни каломи» борлигини таъкидлагани билан ҳам муҳим. Навоий даврида бу хислат – чиройли ёзиш ва маънили гапириш, шубҳасиз, ҳар ким учун, айниқса, адиб учун зарур хислатлардан ҳисобланарди. XV асрда Ҳиротда, Самарқандда каллиграфия ва нотиқлик мадрасаларда алоҳида программа сифатида ўтганлигини эсласак, Навоийнинг Мавлоно Монийни характерлашида бу икки ижобий томонни алоҳида таъкидлашида объектив заруратни сезамиз. Бироқ шунда ҳам Навоий Монийнинг ҳуснихати ва ҳусни каломини ўзининг чиройлилиги билан боғлашида адибнинг маълум «писанд»ини сезамиз.

Шундай қилиб, юқоридаги ҳар иккала мисолда улуғ Навоийнинг оддий меҳнат – нақкошлик ва косагарлик вакилига – халқнинг амалий санъатига муносабатини кўрдик. Навоий меҳнат, касб танлашда қўнимсиз бўлган кишига салбий баҳо берган. Унингча, ҳар бир иш тўла ўзлаштирилиши, халққа манфаатли даражада бўлиши керак. Акс ҳолда, бундай шахс қораланади, унинг қўнимсизлиги шахсиятидаги салбийлик ҳисобланади: «Мавлоно Шомий–домғондиндур. Кўп таҳсил қилиб мутадовилотни мукаррар ўткарди. Аммо муллолиғ отига кирмади. Андин сўнг тиббға машғул бўлди. Дағи кўпроқ мўътабар кутубни кўрди, анда ҳам аттибо силкига қўшилмади. Шеърни яхши айтур эрди, аммо имлоси дуруст эмас эрдиким, шеърин битгай». Фақат бугина эмас. Навоий Мавлоно Шомийнинг бутун умрини беҳуда ўтганлигидан, унинг на ўзига, на элга, на жамиятга манфаати етмаганлигини афсус билан билдирмоқда. Бу жиҳатдан Навоийнинг қуйидаги байтини шомийларга қарата айтган деб ҳисоблаш мумкин:

Жаҳондан нотамом ўтмак биайниҳ,
Эрур ҳаммомдан нопок чиқмоқ.

Навоий тасвиридаги Мавлоно Шомий хусусиятида меҳнат, касб, илмга муҳаббат, чанқоқлик сезилмайди. Шунинг учун ундан на шоир, на табиб, на олим чиқмаган. Улуғ адиб Мавлоно Солимий хусусиятларини тасвирлар экан, Мавлоно Шомийнинг бутун аксини кўрсатади: «Мавлоно Солимий – Ироқ мулкининг одамизодаларидандур. Хуросонда фазлиётдин кўп нима касб қилди. Аввал таҳсилға машғул бўлди. Андин сўнгра шеър ва муаммо ва хатға кўшиш қилди. Яна созлардин уд ва танбур ҳам ўрганди ва мусиқийда ҳам таснифлар боғлади. Ҳам нафсида саломат бор ва ҳам табъида истиқомат».

Юқоридаги иккала шахс: Мавлоно Шомий ва Мавлоно Солимийни баҳолашда Навоийнинг ўз характерининг баҳоси келиб чиқади. Улуғ адиб ҳамиша бошлаган ишни маромига етказиш, меҳнатни зое кетказмаслик, хоҳ илмда бўлсин, хоҳ ҳунар ўрганишда, инсон амалиётида охирги натижа асос эканлигини уқдиради. Ана шу натижа асос кишининг меҳнати эл учун, ўша шахснинг ўзи учун фойдали бўлишини истаган, некбин шоир. Ҳеч шак-шубҳасиз айтиш мумкинки, Навоийнинг бу қараши, шахснинг меҳнатига бўлган муносабати бизнинг кунимизда ҳам ўз қийматини йўқотмаган. Қолаверса, Навоий бутун умри давомида ўз олдига қўйган вазифасини ҳамиша шараф билан бажарди, кўнглида ният этган, орзу қилган асарларини яратди, иморатларни таъмир этди, қурдирди, шоҳларни адолатга чақирди, инсонийлик ва хушахлоқликни тарғиб этди. Шунинг учун юқоридаги икки шахс мисолида Навоийнинг инсонга, меҳнатга, меҳнат бўлганда ҳам эл дардига ярайдиган, киши шахсиятида инсоний туйғуларни тарбия этадиган меҳнатни шарафлаганини кўрамиз.

Алишер Навоий ва унинг замондошлари ижодини синчиклаб ўрганар эканмиз, шоир яшаган даврда бадиий ижодкорнинг мукаммал қиёфаси кўз ўнгимизга келади. Биз – бугунги куннинг ўқувчилари – XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи чораги кишиларининг ахлоқи, адиб бўлса уларнинг бадиий ижодга муносабатининг мезони сифатида Жомий ва Навоийнинг шахсий хислатларидаи ташқари уларнинг оддий, аммо давр ахлоқий талабларига жавоб берадиган, инсонни тарбиялашга интилганларини мезон сифатида қарашга одатланганмиз. Чунки бу икки халқнинг икки буюк вакили тимсолида даврнинг юксак ахлоқий нормалари ўз тажассумини топган. Ҳатто биз ана шу фикрни билдириб ҳам мабодо қарашимиз анъанага айланган шиорбозлик бўлмадимикин, деб ҳадиксираб орқага қараб ҳам қоламиз. Бизнингча, йўқ.

Хондамирнинг «Таърихи Ҳабибус-сияр» асарида келтирилган бир қатор, бизнинг назаримизча, Навоийнинг шахс, ижодкорнинг ахлоқига бўлган қарашларига янги саҳифа очадиган, Навоийдек нозик дид, нозик таъб кишининг валилик хусусияти – одам таний билиш каби мураккаб томонини анча ёритиш имконини берди. Улуғ адибнинг бу хусусияти, шак-шубҳасиз, ўша ижодкорнинг, зиёли ва ёки давлат маҳкамасининг оддий хизматчисидан тортиб йирик арбобларининг тақдиру келажагига таъсир этган. Пок қалби, эл манфаати учун куюнганлар, илм, маърифат, адабиёт ва санъат учун ўз жонини фидо этганлар давр ғаламислари ва нопок тўдалари томонидан авайлаб, асраб Навоий марҳамати туфайли ажратиб олинган, аксинча, ҳаракатларида қабиҳлик, нопоклик, ҳасад ва нотавонбинлик, одамларни алдаш билан кун кўрувчи кишилар нафақат улуғ Навоий марҳаматидан қуруқ қолганлар, балки уларнинг кўпчилиги ўз юртини ҳам аразлаб тарк этган, Навоий бош бўлган даргоҳни номаъқул билиб, ўзга юртни орзу қилган. Лекин бизнинг кузатишларимиз натижасида топилган мисоллар шуни кўрсатадики, Ҳиротнинг унинг иқтидорли адабий муҳити, мажлислари ва нубувватли шахслар доирасини, қолаверса, Навоийнинг раиятпарвар муҳитини аразлаб ёки бошқа сабаб билан тарк этган шахслар хоҳ Моваройуннаҳрни макон қилишган бўлишмасин, хоҳ Ироққа бориб Яъқуб Мирзо даргоҳига бош уришмасин, хоҳ Ҳусайн Бойқаро билан кўпинча, низода бўлган ўғли Бадиуззамон Мирзодан марҳамат кутишмасин, барибир, Навоийнинг шу шахсларга берган баҳоси, уларнинг характерларидаги салбий томонларга берган ишорасининг не чоғлик ҳақлиги улуғ алломанинг кишининг келгуси тақдирининг аниқ белгилай ола билиши яққол кўринади.

Биз мазкур ишимизда, асосан, Алишер Навоий, Бадиуззамон ва парда орқасидаги Ҳусайн Бойқаро ўрталаридаги муносабатларни очувчи мисолларга кўпроқ тўхтаб ўтишни лозим кўрдик. Биринчидан, бу мавзуйимизга бевосита тегишли бўлган ёзувчи ахлоқига тааллуқлиги учун, иккинчидан, Навоийнинг не машаққатлар билан давр зиёлийсининг мукаммал шахсиятини санъаткор ҳайкалтарош сингари майда-майда, пишитилган лойларни кишилар танасининг ортиқча жойидан олиб, нотекис жойига жило бериб тўлдиргандек кўринади. Учинчидан, бу мисоллар кўпчилик учун маълум бўлган тарихий далил– Ҳусайн Бойқаронинг набираси – Бадиуззамоннинг ўғли Мўмин Мирзонинг ўлдирилганидан кейин ота-ўғил орасидаги низолар не чоғлик темурийлар хонадонининг охирги ҳокими Ҳусайн Бойқаро давлатининг инқирозига маълум даражада сабабчи бўлганлигини ёритади ҳам. Ушбу ихтилофда Навоий ҳамиша ота-ўғил можаросини бартараф этиш тарафдори бўлган бўлса ҳам, ўз обрў-эътибори ва нуфузидан фойдаланиб Бадиуззамонни инсофга чақирган бўлса ҳам, барибир, Бадиуззамон Навоийни отаси Ҳусайн Бойқаронинг ҳомийси деб билганлиги, ундан ҳам аразда бўлганлигини кўрсатади.

Мисолларга мурожаат этсак: Хондамир «Таърихи Ҳабибус-сияр»да Амир Камолиддин Ҳусайн хаёти ва ижоди ҳақида берган маълумотида Навоий ва давр ахлоқи масаласига оид қимматли маълумотни қолдирган. Камолиддин ҳақида Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»и ва Бобурнинг «Бобурнома» асарларида ҳам маълумот берилганлиги яна бир марта бу шахснинг ўз даврининг нуфузли, кўзга кўринган кишиси бўлганлигидан далолат беради.

Камолиддин дастлаб Ҳиротга таҳсилга келган чоғида Кичик Мирзо хизматида бўлиб, унинг мажлису марҳаматидан баҳраманд бўлади. Кунлардан бирида Кичик Мирзо Маккага ҳажга боришга ҳозирланиб, ўзининг билими ва қобилияти билан диққатни тортган Камолиддинни ўзи билан бирга сафарга чорлайди. Камолиддин ҳукмдорининг бу таклифини рад этади ва Кичик Мирзо сафарга чиқиб кетганидан кейин хатога йўл қўйганини сезади ва унинг кетидан бориб, ундан узр сўрайди. Бироқ Камолиддиндан ранжиган Мирзо уни ўзига ҳамсафар этмайди. Орадан маълум вақт ўтгач, Ҳирот адабий муҳитида билимдонлиги, адабиётшунослик ва шоирлик қобилияти кўзга куринган Камолиддинни пайқаган Навоий, уни ўз паноҳига олади. Тез орада Камолиддин фақатгина Ҳирот адабий муҳити ва Навоий доирасининг таниқли кишиси бўлмасдан, каттагина мансаб эгаси ҳам бўлади.

Кунлардан бирида Алишер Навоий жуда катта бир нуфузли ҳайъатга Камолиддинни бош этиб Ироққа, Яъқуб Мирзо ҳузурига, юборади. Барча тортиқ ва инъомлар қатори ўша даврнинг адабиёт ва маданият ҳомийси бўлган Ироқ ҳокими Яъқуб Мирзога Абдураҳмон Жомийнинг янгигина битилган куллиётини Камолиддин орқали бериб юборишга қарор қилади. Ҳайъат Ироққа етиб боргач, Яъқуб Мирзо Камолиддиндан йўлда зерикмаганлигини сўраганда, Камолиддин:

– Йўқ ҳазратим, мен зериккан пайтимда Ҳазрат Жомийнинг куллиётлариким, ёнимда эди, олиб мутолаа қилар эдим ва мамнунманки, шу фурсатда кўп илмдан баҳраманд бўлдим, дейди.

Ҳазрат Махдуми Нуран – Абдураҳмон Жомий куллиётини Ироққа етиб келганлигини эшитган Яъқуб Мирзо жуда хурсанд бўлиб, Камолиддинга яна ҳам илтифот кўрсатиб, бу азиз ва қимматли асарни олиб келишларини сўрайди. Китобни олиб келганларида у Жомийнинг «Куллиёт»и бўлмасдан, шу қалинликда ва рангда бўлган «Футўҳоти Макка» китоби бўлиб чиқади. Ҳиротда китобдор Жомий «Куллиёт»и ўрнида бошқа китобни бериб юборганлиги маълум бўлади.

Хондамир «Таърихи Ҳабибус-сияр»да ушбу воқеани Камолиддин Ҳусайн билан юз берган «ғаройиб воқеот»дан бири сифатида келтиради. Эътибор берайлик, бу Камолиддин билан бўлган бир неча воқеаларнинг биридир ва асар муаллифи жуда усталик билан китобида айнан шу воқеани келтиргани бежиз эмас.

Биринчидан, воқеанинг давомида ҳикоя қилинишича, ушбу қиссадан хабардор бўлган Алишер Навоий Амир Камолиддин Ҳусайн Абивардийни ўз хизматидан четлаштиради. Бунинг биринчи сабаби, бизнингча, Камолиддиннинг ёлғончилиги – дўстликка, мансабу илмига нолойиқ иш тутиб, фақатгина Ироқ ҳокими Яъқуб Мирзонигина эмас, балки ўзини ҳам алдаганлиги, адабиётга, Жомий ҳазратлари адабий меросига ўта ихлосмандлигини кўрсатишга уринишда бўлган.

Фақатгина бу эмас. Навоийни Камолиддин ҳаракатидаги энг ранжитган томон – унинг Жомий ижодига муносабати бўлган, Навоий Камолиддиндек илм-маърифат, адабиёт вакилининг шунчалик паст кетиши, Жомий «Куллиёт»ига масхараомиз муносабати, бир эмас,

бир неча кишини фақат ўзининг шахсий манфаати туфайли алдашга бориб етганлигини кечириб бўлмайдиган ҳол, унинг жазосини эса бу шахснинг ўз доираси, Ҳирот адабий муҳитидан четлаштиришда деб билган. Хондамирнинг ушбу қиссаси Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» тазкираси ёзилгандан кейин, ҳатто Жомий вафотидан кейин содир бўлган бўлиши эҳтимолдан холи эмас ва тарихий далиллар ҳам шунга далолат беради. Навоий тазкирасида Мавлоно Камолиддинни, асосан, ижобий баҳолайди:

«Хуросонда улум таҳсил қилди ва Ироққа тушди. Султон Яъқуб яхши эъзоз ва эҳтиром қилиб Биёбонгни сўюрғол бердиким, юз минг олтунға яқин ҳар йили тегар эрди. Онча ғаниматқа ҳиммат этагин силкиб, яна Хуросонға келиб, дарвешлик ихтиёр қилди ва ҳазрат иршод маобий Нуран хизматида матбуъ ва мақбулдур ва тасаввуф илмида табъи бағоят қобил ва алар истилоҳотидин соҳиби вуқуф... Мир хушшакл ва хуштаъб ва хушмуховара йигитдур. Барча ҳунарлар била ороста ва мундин ўзга айби йўқтурким, дарвешваш ва сўфиваш кишидур ва ўзини шайхлик исмига мавсум килибдур...»

Бундан ташқари Абдураҳмон Жомий 1492 йили вафот этган ва бу алломанинг «Куллиёт»и (яъни барча асарларининг тўплами) вафотидан кейин тартиб этилиб, дастхат ҳолида Ироққа – Яъқуб Мирзога юборилган. Буни яна бир далил тасдиқлайди: Ҳусайн Бойқаро ва Бадиуззамон келишмовчилиги ҳам асосан «Мажолисун-нафоис» яратилган(1492)дан кейин авж олган. Хондамирнинг таъкидлашича, Алишер Навоийнинг юқоридаги воқеадаи кейин Камолиддинга танбеҳ бериши натижасида у Ҳиротни тарк этиб, Бадиуззамон хизматига боради. Бадиуззамон Камолиддинни мамнуният билан кутиб олган. Бироқ Камолиддин темурийлар салтанати инқирозга учрагандан кейин шу хонадонни мағлуб этган Шайбонийхон хизматида бўлади. Бу ҳақда ҳам юқоридаги асарда Хондамирнинг маълумотига дуч келамиз.

Юқоридаги мисолда, бизнингча, жуда бир нозик томон мавжуд. У ҳам бўлса, Алишер Навоийнинг Жомийга, устози ижодига, бўлган муносабатидир. «Мажолисун-нафоис»даги маълумотдан кўринадики, Навоий Камолиддинни эҳтиром этган, давр зукколаридан, илм шайдоларидан деб билган. Бироқ Хондамир қисса этган воқеадан кейин Жомий ижодига бефарқлик, масхараомуз қараш, сохтакорлик қилган Камолиддин қанчалик нуфуз ва обрўга эга бўлмасин, Навоийни қаттиқ ранжитган. Чунки ортиқроқ обрў учун Жомий номи ва ижоди «сотилган», ниқоб сифатида фойдаланилган. Буни эса Навоий устози номига ҳақорат ва доғ деб билган.

Камолиддиндаги пок кишига нолойиқ ҳаракат– ёлғончилик, бунинг эвазига сохта эътиборга эришиш майлини пайқаб, вақтида бу одамни ўзидан узоқлаштирган, аниқроғи унда кишига бўлган садоқатга хиёнатни сезган. Кейинроқ у Бадиуззамонга ҳам садоқатсизлик зоҳир этиб, Шайбонийхон хизматига ўтадики, бу Навоийнинг Камолиддинга берган баҳоси ва унинг тақдирига ўтказган қаттиққўллигининг ҳақлигини исботлайди.

Бу мисол ҳақида яна бир тугунни ечишни жоиз билдик: Навоийдан ранжиган Камолиддин нега бошқа юрт, ҳоким мулкини ихтиёр этмасдан Бадиуззамон марҳаматига юз тутди? Бизнингча, Бадиуззамон – Ҳусайн Бойқаро – Навоий ўрталаридаги маълум ихтилофлардан ўша даврдаги Камолиддинга ўхшаш характерида оғмачилик бўлган кишилар фойдаланишган. Бадиуззамон отаси Ҳусайн Бойқаро салтанатидан ранжиган кишиларни паноҳига олиб, биринчидан, «арзон» обрў-эътиборга ноил бўлишга интилган, иккинчидан, маълум даражада ўғилнинг отасига бўлган эътирози – «сен ёмон бўлсанг, мен яхши» қабилида иш тутиши ҳам бўлган. Хондамирнинг юқоридаги асарида худди шу характердаги бошқа ми-

соллар ҳам мавжуд. Унда ҳам Навоий ғазабига учраган, ҳаракати, характерида нопоклик, паст ахлоқликни зоҳир этган шахслар Ҳиротни тарк этиши биланоқ Бадиуззамон паноҳидан жой олганлар.

Мавлоно Ғиёсиддин Жамшид Қоиний Ҳусайн Бойқаро ҳокимияти даврида ўзининг ҳалоллиги ва поклиги билан шуҳрат қозониб, катта мансаб эгаси бўлади. Бироқ Алишер Навоий мажлисларида иштирок этиб юрган бу шахс кунлардан бирида Навоий ҳақига туҳматомиз сўзларни айтади. Навоий адиб ва шахс хислатида бундай ҳаракатни нолойиқ билиб, уни садоратлик мансабидан четлаштиради. Ҳусайн Бойқаро вафотига яқин фурсатга қадар ишсиз, касб-кори бетайин бўлган Мавлоно Қоиний Бадиуззамон эътиборини ўзига тортади ва бу ҳоким унга яна садорат мансабини беради. Бироқ Навоийга вафо қилмаган Қоиний Бадиуззамонга ҳам вафодорлик зоҳир этмайди ва нолойиқ хатти-ҳаракати натижасида олти ойдан кейин бу вазифадан четлаштирилади.

Алишер Навоийнинг ёш адиблар тарбиясига бўлган муносабати адабиётшунос олимларимиз томонидан анчагина ўрганилган. Улуғ адиб ёшлардаги умуминсоний хислатларни шакллантиришда кўп заҳмат чеккан. Хондамирнинг юқоридаги асарида Мавлоно Халилуллоҳ исмли самарқандлик бир толибул-илм ҳақида маълумот берилади. Халилуллоҳ Самарқанд ҳокими Абу Саиднинг зулми ва тож-тахт учун курашидан безиб, Ҳиротга келиб, Гавҳаршод бегим ва Ихлосия мадрасаларида илм таҳсили билан шуғулланади ва маълум мусбий натижаларга эришади ҳам. Бироқ Халилуллоҳнинг шароб ва мастликка муттасил машғул бўлиши натижасида Навоий уни вазифасидан бўшатади ва ўз доирасидан четлаштиради. Халилуллоҳ ҳам Камолиддин ва Қоиний сингари Бадиуззамон Мирзо ҳузурига – Балхга, боради. Бадиуззамоннинг Халилуллоҳни эҳтиром этиш мезони – Навоий нафратига учрагани – ундан ранжигани бўлиб қолади. Бироқ Халилуллоҳ Балхда ҳам кўп «ҳунар» кўрсатади (Навоийнинг унга бўлган муносабати аниқ бўлиб чиқади), Бадиуззамон ҳам уни ўз даргоҳидан четлаштиради, натижада сарсон қолган бу даврзада банда Қундузга – Амир Хусравшоҳ ҳузурига боради ва ўша ерда вафот этади.

Халилулоҳ характеридаги энг нолойиқ томон – ичкиликка муккасидан кетишдир. Демак, Навоий ўз даврининг толибул-илмлари, вояга етиб келаётган адиблар характерида мастликка ружу, интилишни кишидаги энг нолойиқ хислат сифатида қоралаган, нафратланган. Бу хусусият инсоний камолотга путур етказганлигини аниқ билган Навоий Халилуллоҳдан «қўлини ювиб қўлтиғига» урган.

Ушбу мисолда яна бир нозик деталь бор. Бадиуззамон қанчалик халилуллоҳларни ўз паноҳига тўпламасин, бу шахслар ҳақида Навоий берган баҳо адоват мезонидан устун туради. Бадиуззамондан паноҳ излаган юқоридаги шахслар қатори Халилуллоҳ ҳам унга садоқат кўрсатмайди ва Хондамирнинг таъкидлашича, бир неча кунгина ўз ҳомийси паноҳида бўлади ва эҳтимолки, нолойиқ ҳаракати туфайли ўзга ҳукмдор мулки томон юз тутади.

Яна мисолга мурожаат этсак. Хондамирнинг «Таърихи Ҳабибус-сияр» асарида Навоий саъй-ҳаракати ва қизиқиши натижасида унинг хизматида бўлган, ўз даврининг йирик ихтирочиси, наққоши ва адиби, Навоий кутубхонасининг бошлиғи Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Наққош ҳақида ҳам қимматли маълумот берилган. Дурустгина тасаввур ҳосил бўлиши учун бу маълумотни ўз таржимамизда тўла келтиришни маъқул билдик: «Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Наққош – ўз даври илмини эгаллаган киши бўлиб, доимо ҳайратланарли ихтиролар ва ажиб тажрибалар ўтказиб, уни кундалик ҳаётда ишлатишга интилар эди. Тасвир ва тазҳиб (зар нақш бериш) фанида маҳорати чексиз эди. Бир неча вақт чинни идишлар

ясаш билан шуғулланди. Жуда кўп тажриба ва чексиз меҳнати эвазига катта бир чинни идиш ясашга мушарраф бўлди. Бироқ ранг ва жилоси унча ўхшамас эди. Мавлоно Ҳожи Муҳаммад ихтироларидан Амир Низомиддин Алишер кутубхонасида қўйилган сандиқли соат эди. Ушбу сандиқда у одам мужассамасини ясаган эди. Бу ҳайкал ҳар бир соат ўтиши билан қўлидаги чўби билан олдида турган ноғорасига бир марта урар, икки соат ўтса, икки марта уриб садо берар эди. Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Наққош маълум муддатда Алишер Навоий кутубхонасининг мудири вазифасини ҳам бажарган. Мирзо Бадиуззамон Ҳиротни босиб олишга киришган пайтида Муҳаммад Наққош Навоийдан ранжиб, Бадиуззамон ҳузурига боради ва ўша мансабга *(яъни кутубхона мудири – Ҳ.Қ.)* тайинланади. Абдулфатҳ Муҳаммад Шайбоний истилоси пайтида (1506) вафот этди».

Юқоридаги парчада Хондамир Алишер Навоийнинг анчагина нозик томонлари ҳақида маълумот берган. Энг аввало, Навоийнинг янгилик яратиш, ихтирога бўлган муносабати юқоридаги мисол билан анча ойдинлашади. Агарчи Навоий даврида Хуросон ва Мовароуннаҳр элида катта маданий ва адабий илмий ва ижтимоий юксалишга йўл тутилган бўлса ҳам, ислом оламида Баҳоваддин Нақшбанднинг «дил ба ёр – даст ба кор» – фалсафий, сўфиёна қарашлари таъсирида яратувчанлик, янгиликка интилиш умумий меҳнатга бўлган муносабатнинг ажралмас қисми бўлиб қолган бўлса ҳам, бироқ бу деган гап артодоксал ислом дини қоида-қонунлари илм, маърифат, янгилик яратишда ўз эшигини ланг очган эди, деган гап эмас эди, албатта. Ҳиротда Беҳзод тасвирий санъат мактаби агарчи ўз атрофида ўнлаб кишиларии тўплаб, бадиий асарларни безаш, қимматбаҳо миниатюра асарлари билан бойитган бўлса ҳам, схоластик дин пешволари халққа бу шайтон иши, эртага қиёмат куни ҳар бир жонни чизган киши унга жон ато этиши керак, деган ғояни байроқ қилганлари ҳам маълум.

Тасаввур этайлик, худди ана шундай бир пайтда Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Наққошдек халқ ичидан чиққан моҳир ихтирочи, наққош ва косиб маданият ҳомийси Навоийнинг паноҳида туриб, фақатгина мўъжизали соат яратмади, балки одам мужассамасини – ислом қонуниятига мутлақо зид бўлган ихтиросини пешкаш этди. Шубҳасиз, Навоий ушбу ихтирони бошдин оёқ кузатган, қизиққан, унинг оқибатини ҳам ўйлаган. Бироқ янгилик, илм-маърифат қатори яратувчилик кучи Навоийни Муҳаммад Наққош ихтиросига ҳомийлик қилиш, аниқроғи унга бош бўлишга ундаган.

Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асарида бир неча ҳунар билан шуғулланиб, шеър ҳам ёзадиган адиблар келтирилган ва биз мазкур ишнинг юқорирокдаги қисмида бу ҳақда тўхталиб ўтган эдик. Унда ҳам Навоий халқ ҳунармандчилиги: наққош, кулол, рассом ва бошқаларнинг меҳнатига шеър машаққати – меҳнатини қадрлагани қатори баҳо берганлигини кўрган эдик. Хондамир келтирган юқоридаги маълумотда ҳам «Мажолисун-нафоис» ва «Таърихи Ҳабибус-сияр» ўртасидаги бир пайвасталик чизиғи – ғоя бирлиги мавжуд. У ҳам бўлса, яратувчи касб аҳлига Навоий ҳомийлигидир.

Шак-шубҳасиз, «агар Навоий шунчалик ҳомий экан, нега Муҳаммад Наққош ундан аразлаб кетди?» деган ҳақли савол туғилади. Афсуски, Хондамир юқоридаги қолдирган маълумотида ушбу келишмовчиликни аниқ айтмайди. Лекин Хондамир асаридан юқоридаги шахсларнинг Навоий нафратига учраганлиги, бирининг ёлғончилиги, ғийбатга майли борлиги, бошқасининг Навоий шахсиятини сабабсиз ёмонлаганлиги, учинчиси мастликка ўта берилганлиги каби салбий томонлари туфайли улуғ адиб уларни ўз мажлис – суҳбатидан

узоқлаштирган. Бироқ бунда Хондамир жуда нозиклик билан Муҳаммад Наққош Навоийдан ранжиб, қочганлигини таъкидлайди («охируламр аз он жаноб ранжида... бигурехт»).

Тўғри, Навоий қанчалик буюк адиб, вазир бўлмасин, замондошларининг таъкидлашича, унинг нозиктаъблиги, гоҳида тез аччиқланиш ҳоллари хусусиятида борлиги таъкидланган. Муҳаммад Наққош Алишер Навоий хизматида бўлиб, охирги пайтда у билан ихтилофга бориб Бадиуззамон ҳузурига борар экан, юқорида биз мисол келтирган шахслар қатори ўқувчида ёмон таассурот қолдирмайди. Бу даврнинг икки йирик вакили – вазир ва буюк шоир ҳамда буюк ихтирочининг ўзаро арази, адиб Муҳаммад Наққошнинг ахлоқсизлиги ёки Навоийнинг қобилиятли кишилар қадрига етмаслигини эмас, балки ҳар иккаласининг ҳам нозик диди ва хусусиятидан далолат беради. Иккинчидан, бу араз жамият, ўша маданий-адабий муҳитга таъсир этмасдан, балки шахсий араз бўлиб унинг нохуш изи маданият тарихида қолмаганлиги билан ҳам муҳим.

Шундай қилиб, Хондамир ўзининг «Таърихи Ҳабибус- сияр» асарида Алишер Навоийнинг адиб, ҳунарманд ижоди ва ахлоқига оид қарашлари ҳақида бизга жуда кўп маълумот беради, улуғ Навоийга оид бизнинг қарашларимизни тўлдиради.

Юқоридагилардан ташқари Навоийнинг ёзувчи меҳнатига бўлган муносабати бошқа кўринишларда ҳам намоён бўлади. Бунда Навоий гарчи касб танлаш, шеър машаққати, кўпқирралилик ҳақида тўхталмаса-да, тасвирлаётган шахс хусусиятида ўз касби, меҳнатга бўлган муҳаббати ҳақида фикр билдиради. Масалан, Ҳусайн Воиз Кошифий шоир, ёзувчи. Лекин унинг асосий касби – воизлик. Давр шўхлари Кошифийии Хўжа Ҳофизлар танқиди мисолида айтган байти орқали танқид қилишади. Бундан ранжиган Кошифий узоқ муддатга ўз ишидан воз кечса-да, лекин касбига меҳр, меҳнатга муҳаббати туфайли воизлик машғулотини давом эттиради. Ёки қасидалари бир мажзуб томонидан танқид қилинган Ҳаким Саноний қайтиб шеър айтмайман деб шу фикрни шеърда – бир байтда ифода этади. Навоий ушбу мисолларни келтириш билан киши ҳаётда танлаган касбини ҳамиша муқаддас билиб ардоқлаши, уни имкони борича давом эттириши маъқул эканини уқдиради.

Навоий меҳнат қайси кўринишда бўлмасин халқ учун манфаатли бўлишини истади. Шунинг учун шоирнинг ижодий меҳнати ҳам косагар, наққош, саррофнинг меҳнатга сидқидиллик билан бўлган муносабати ҳам мақтовга сазовор бўлди, шу сифатлардан холи бўлган шахс танқид қилинди, ахлоқий покликка чақирилди, уларнинг ислоҳ бўлмас тойифалари эса Навоий томонидан қораланди, эл олдида изза қилинди. Бу ҳам ўша даврнинг киши тарбияси билан боғлиқ томонлардан бири, қолаверса, адабиётнинг ижтимоий функцияси, ҳаёт олдидаги бурчи ҳам ҳисобланарди. Навоий адабиётнинг ана шу муқаддас вазифасини тўғри тушуниб, асарларида адибнинг меҳнатга муносабати, унинг ахлоқий поклиги каби масалаларни ҳал қилишга ҳаракат қилди ва тўла ишонч билан айтиш мумкинки, у даврининг етук кишиси сифатида бу вазифани аъло бажарди.

Навоий ёзувчи истеъдодини баҳолар экан, унинг жамиятнинг қайси табақасига мансублиги, қайси тилда асар яратиши, шахсий муносабатларидан тортиб бадиий ижодга умумий муносабатига қадар объектив баҳолашга ҳаракат қилади. Унинг баҳолари ихчам, фактлар билан далилланган. Гоҳида танқид тиғи ёзувчи ижодидаги бегона ўтларни юлади, баъзан эса объектив мақтаб адибларнинг ижодига янги қанот бағишлайди. Навоий хоҳ адабиёт вазифалари, хоҳ адиб бадиий маҳорати, хоҳ унинг ижод кўламининг кенглиги ва ахлоқий юксаклигн ҳақида фикр юритмасин, ёзувчида ўзининг идеал шахси – устози Абдураҳмон Жомийнинг ижоди ва шахсиятини мисол қилиб кўрсатади. Навоийнинг Жомий ижодига

чексиз муҳаббат билан қараши маълум. Лекин бу устоз адибнинг ижоди адиблар истеъдодининг ривожи учун мактаб бўлишини билган Навоий адибларга истеъдод эгаси бўлиш учун шеърни ўз мулкига айлантириш, адабий асар яратишда юксак меҳр билан берилиб ишлаш зарурлигини уқдирмоқчи бўлади: «ул жумладин бири шеърдурким, борча аснофин ул навъким, ҳар синфдаким биров саромад ва мусаллам бўлғондур, алар ул кишидек, балки ортуқроқ ўз ҳақ ва мулки қилдилар».

Жомийнинг ижодига ана шу илиқ муносабат туфайли Навоий ҳаммавақт унинг юксаклиги ва камолоти ҳақида фикр юритади, кўкларга кўтаради:

Қалам баҳри кафида турфа ишдур,
Магар дарё аро бутган қамишдур.
Ажаб эрмас қамиш бўлмоғ шакаррез,
Ва лекин бу қамиш бўлмиш гуҳаррез.
Учидин ҳам гуҳар оламга сочиб,
Ичидин ҳам шакар дўконин очиб.
Саросар гўйё ул най гуҳардур,
Ғалат қилдим, лаболаб найшакардур.

Навоий шоирнинг истеъдодини баҳолар экан, унинг меҳнатини асос билади. Масалан, Мавлоно Сайфийни олайлик. Навоий бу адибнинг хулқи тўғрисида яхши фикрда эмас («Мавлоно... сархушлуқда ўзга моҳият бўлур эрди, балки расво нима бўлур эрди»). Лекин шунга қарамасдан у Сайфий истеъдодини юқори қадрлаб, ижодига илиқ муносабатда бўлган. Сайфийда Навоийни қизиқтирган, қувонтирган нарса унинг ижодида жанрларнинг ранг-баранглиги ва оригиналлигидир: «Андоққи шеъри шуҳрат тутти ва масал тариқин бағоят яхши айтди... ва санъат ва ҳирфа аҳли учун *(таъкид бизники – Ҳ.Қ.)* ҳам кўп латофатлиғ назм қилибтур ва ул тарийқда мужтареъдур».

Шундай қилиб, Навоий Сайфий ижоди ва истеъдодини мусбий баҳолаб, ахлоқида ичкиликка берилганлигини қоралайди ва бу ҳол тузалишига ишонч билан қарайди. Хондамирнинг Сайфий ҳақида берган баҳосини Навоий фикри билан чоғиштирсак, Навоий фикрини тугал ҳақлигига, Хондамир томонидан ҳам бу адиб ижодида ширадорлик борлигига, унинг ижоди жанран ранг-баранг эканлигига урғу берганини кўрамиз. Навоий Мавлоно Сайфий ижоди ва маҳоратини фақат унинг ўзига берган баҳосидагина ифодаламайди. Масалан, у Мавлоно Шукрий ҳақида берган баҳосида Сайфийнинг ўз услуби, баён манераси, адабиётда танлаган йўли борлиги, ҳатто айрим адиблар (масалан, Мавлоно Шукрий) унинг услуби билан ижод қилганлигини кўрсатади: «масаломиз айтурда Мавлоно Сайфийга татаббуъ қилур. Ул услубда зиҳни яхши борур». Навоийнинг бу баҳосида бошқа жуда муҳим бўлган томон ҳам мавжуд. У ҳам бўлса, улуғ адибнинг ҳар бир ижодкор, шоир, ёзувчининг қайси жанрда қобилиятини зоҳир қила олишини, адабиёт боғига кирган киши ана шу нозик томонни инобатга олган тақдирдагина янгидан янги асарларни инъом этиши мумкинлигига ишора бор. Навоий Мавлоно Шукрийдаги энг қимматли томон – «масаломиз» асар яратишда рағбат ва қобилият кучли эканлигини алоҳида таъкидлаб, шу билан бу шоир ижодини тўғри йўлга йўналтирмоқда.

Навоий «Мажолисун-нафоис» асарини ёзаётган пайтда Бадриддин Ҳилолий энди адабиёт майдонига кириб келаётган эди. Навоий Ҳилолийни ёшлигига қарамасдан унинг ижо-

дига умид билан карайди, камолотини сезади: «Мавлоно Ҳилолий – турк элидиндур. Ҳофизаси яхшидур, табъи дағи ҳофизасича бор. Сабоқ ўқимоқ таклифи қилибдур, умид улким, тавфиқ топгай».

Мана бу баҳо эса Ҳилолийга кейинроқ, бадиий камолот етишган пайтда, Навоий вафотидан бир оз кейинроқ, Хондамир томонидан берилган:

«Мавлоно Нуриддин (Бадриддин) Ҳилолий даврининг маҳоратли шоирларидан бўлиб, қасида, ғазал ва маснавийлари кўпинча бадиий юксаклик ва рангинлик билан ажралиб туради. Табъи камолотини «Шоҳу Дарвеш», «Сифотул-ошиқин» ва «Лайли ва Мажнун» каби маснавийлари ҳамда ғазал ва қасидадан иборат девони тасдиқлайдики, машҳурдир»[1].

Ҳилолий мисолида Алишер Навоийнинг адиб истеъдодини бошиданоқ аниқ пайқаш, унга тўғри баҳо бериш қобилияти кўринади. Навоий юқоридаги баҳода Ҳилолийнинг шеърий маҳорати ҳақида фикр билдирмайди. Лекин унинг фикри замирида Ҳилолийнинг юксак шоир бўлишига аниқ ишонч бор. Бу ишончнинг ҳақлилигини кўп ўтмасдан Навоийнинг ёш замондоши Хондамир ўзининг юқоридаги асарида келтирган фикри билан тасдиқламоқда.

Алишер Навоийнинг Бадриддин Ҳилолий ижодига ва ўзига бўлган муносабати ҳақида XVI аср адиби Соммирзонинг «Туҳфаи Сомий» асарида Ҳилолий тилидан келтирилган ҳикоя ҳам диққатга лойиқдир. Кунлардан бирида Алишер Навоий одатдагидек даврнинг ёш шоирларини қабул қилар экан, унинг ҳузурига 16–17 ёшларга етган, кўзларидан заковат ва илмга чанқоқлик уфуриб турган йигитча кириб келади ва Навоийнинг илтимоси билан ўзининг бир байтини ўқиб беради. Бу байтдан завқланган устоз сўрайди:

«Тахаллусинг нима?
Ҳилолий (янги чиққан, уч кунлик ой маъносида).
Навоий дейди:
Бадрсен (тўлин – ўн тўрт кунлик ой маъносида), Бадр!»

Агар биз Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»да келтирган юқоридаги Ҳилолийга берган баҳосини Соммирзонинг ушбу мисоли билан солиштирсак, Навоийнинг берган баҳоси Соммирзо келтирган ушбу мисолдан кейин– Ҳилолий ва Навоийнинг суҳбатидан сўнгра, ёзилганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Навоий асарларида адибларга Ҳилолий ижодига баҳо берилгандек ёндашишни кўп учратамиз. Зайниддин Восифий ўзининг «Бадоеъ-ул вақоеъ» асарида адабий давраларнинг бирида муаммо айтиш ва унда маҳорат зоҳир этиш борасида ҳикоя қилади. Шу даврага Навоий ҳам ташриф буюради ва Зайниддин Восифийнинг муаммо сирларидан тугал воқиф эканлигини, унда бу адабий жанр бўйича катта тажриба борлигига қаноат ҳосил қилади. Зайниддин Восифий ушбу баҳони Навоийдан олган пайтида нисбатан ёш бўлган. Навоий томонидан ёшлигидаёқ истеъдоди мақталган, объектив баҳосини олган Восифий кейинчалик тожик адабиётининг етук классиклари қаторидан ҳақли равишда ўрин олди. Унинг «Бадоеъ-ул вақоеъ» номли эсдалик-мемуар асари XV–XVI аср Мовароуннаҳр ва Хуросон адабиёти ва маданияти тарихида қимматли манбалардан бири бўлиб қолмасдан, Навоий ва у бошчилик қилган адабий муҳит, адибларнинг таржимайи ҳоли ва ижоди ҳақида ҳам

[1] Х о н д а м и р . «Таърихи Ҳабибус-сияр», 4-жилд, 362-бет.

муҳим маълумот берувчи асар сифатида машҳурдир. Бу яна бир карра адиб меҳнати, ижодини белгилашда Навоий дидининг устунлиги, адиб қобилиятини белгилашда зукколиги ва объективлигининг мисоли ҳамдир.

Навоий даврида жуда кўп шеърий анжуманлар бўлиб, унда шоирлар орасида адабий баҳслар, мунозаралар бўлиб ўтган. Бу адабий йиғинлар, кўпинча, Навоий учун ёш, умуман адибларнинг имтиҳондан ўтказиш воситасини ҳам ўтарди. Шак-шубҳасиз, бу йиғинларда шеър баҳси, унинг бадиий-поэтик томонларининг таҳлили кун тартибида турган биринчи масалалардан эди. Зеро, Навоий даврида биз тасаввур қилган ўткир адабий танқидчилик, адабиётга бўлган юксак талаблар бўлмаса-да, поэзиянинг аналитик таҳлили, қофия, радиф, шеърий санъатларнинг ишлатилиши, ташбиҳ, истиора, мажоз каби санъатлардан моҳирона фойдалана билиш, ўхшатмаларнинг нақадар ҳаётийлиги ҳақидаги фикрлар ана шу шеърият маҳфилида кўриб чиқилган, таҳлил объектига айланган. Навоий учун ушбу адабий кечалар байрам эди, у биринчидан, ўша даврда шеъриятнинг томир уриши, ривожланиши, унинг осмонида пайдо бўлаётган янги, порлоқ юлдузларни аниқлаш имконини ҳам берар эди. Шу қатори бу йиғинларда шоирликка даъво қилувчи, аслида, истеъдод ва маҳоратдан мутлақо дараги бўлмаган «шоир»лар ҳам қатнашиб, ўзларининг «қобилиятлари»ни намойиш этар эдилар.

Бадиатан паст шеър муаллифининг асоссиз тортишувини салбий хусусият билган Навоий бундай шахсларни истеъдодсизликда айблайди: «Мир Сайид Абивардий… бир байт моддасида ақли ва табъи не миқдор эканин исбот қилибдур. Ул байт будирким:

Эй зи меҳри оразат гардун ғулом,
Юсуфро кардаанд Яъқуб ном.–

(Мазмуни: Юзинг қуёшига дунё қулдир, Юсуфга Яъқуб от қўйибдилар). Табъи натижаси бўлдиким, мундоқ байт айтти ва вуқуф аҳли бу байтни маъноси йўқдур, номавзундур деганда «эмасдур» деб баҳс қилди ва аҳли натижаси буким, Хуросон аҳлин тажхил килиб, бу байтни хублуққа битиб, Ироқға – Яъқуб Мирзо ўрдусига – юборди. Ва Мирнинг мундоқ ишлари лоюадду ва лоюхсодур».

Бунда ҳақиқат Навоий ва унинг тарафдорлари томонида, Навоийнинг байт тўғрисида – байтнинг ҳам мазмунан ва ҳам шаклан камчилигини кўрсатганлар тарафида. Зеро,, Абивардий байтида ҳақикатда ҳам тайин мазмун йўқ**,** бунинг устига байт вазни, қофиясида ҳам нуқсон мавжуд. (Биринчи мисра 11 бўғиндан иборат бўлган ҳолда, иккинчиси 9 бўғин; бундан ташқари Юсуфга Яъқуб номини беришган, деган фикр на ҳаётий ва на мантиқан тўғри келади.) Абивардий характеридаги яккашлик, ўзиникини ҳақ деб билиш хусусияти уни Ҳирот адабий муҳитига Навоий, Жомий каби сўз усталари бошлиқ бўлган улкан мактабга, ишончсизлик билдириб, аниқроғи хиёнат қилиб шу байтини Ироққа юборади. Агарчи Навоий бу байтнинг кейинги тақдири ҳақида фикр билдирмаса-да, байтнинг мантиқсизлиги, бадиий маҳоратдан маҳрумлиги нуқтайи назаридан Ироқ адабий муҳитида ҳам Абивардий ўз тарафдорларини топмаганлигига ишонч ҳосил қилади. Бу хулосага Абивардийнинг байти шоҳиди одилдир.

Навоий қарашларида ёзувчининг мавқейи, маҳорати, шахсий характери, ахлоқи бир-бири билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади. Унингча, ёзувчининг жамият учун зарарли хатти-ҳаракати ижодига ҳам таъсир этмасдан қолмайди. Масалан, Мавлоно Абдуллонинг «шеъри эл орасида бағоят машҳур» бўлса ҳам, Навоий унинг «ривожи номақдурлиги»ни таъкидлайди. Бунга асосий сабаб Мавлоно Абдуллонинг такаббурлиги, маснавийда Низомий, Хусрав ва ҳатто Жомийни писанд қилмаслигидадир. Навоий Мавлоно Абдуллонинг қатор маснавийлари борлиги, «Хамса»га татаббуъ қилганлигидан қатъий назар, унинг ижоди ва истеъдодини бу ахлоқсизлиги туфайли «мундоқ киши шеъри не истеҳқоқ била таъриф қила олғайбиз» деб баҳолайди ва ҳатто ижоди баҳридан кечишни ҳам маъқул билади.

Юқоридаги мисолда Алишер Навоийнинг эстетик қарашларида ахлоқ ва ижоднинг бирлиги, мутаносиблиги ўз аксини топган. Улуғ адиб ҳар қандай шахснинг ахлоқий поклиги, буюклар, салафлар ижодига эҳтиром билан қараши, ижодда ҳам турмушдагидек камтар бўлиш ҳаётий зарурат эканлигини уқдириши бугунги авлод учун ҳам, қайта қуриш даври ижодкорлари учун ҳам шак-шубҳасиз, ибратлидир.

Лекин Навоийнинг Мавлоно Вайсий ижодига муносабати бошқача, Вайсий табиатидаги камчилик жузъий, фақат унинг ўзига тааллуқли («асру содда ва гўл киши».) Бу нуқсон кўпчиликка зарар етказмайди. «Мавлоно Вайсий – котибликка машҳур эрди, аммо шеър ҳам айтур эрди. Асру сода ва гул киши эрди. Фақир балки кўпроқ ёронлар таажжуб қилурлар эрдиким, оё ул навъ соддалиғ била назм нечук айтур эркин, аммо ғазаллари ёмон эрмас ва девони ҳам бордур.»

Навоийнинг Мавлоно Вайсий ҳақидаги фикри, умуман олганда, ижобий. Албатта, улуғ адиб бу шоир ижодида юксак маҳорат, катта адабий қобилиятнинг борлигини зикр қилмайди. Навоий баҳосига қараганда, Вайсий ўша даврнинг ўртамиёна шоирларидан. Навоий шунинг учун унинг ижодига «ғазаллари ёмон эрмас» деб баҳо беради. Бироқ Навоий ва унинг дўстларининг диққатини тортган, ижодга, маҳоратга боғлиқ бошқа масала бор – у ҳам бўлса, шунчалик соддалик, ошуфталик билан бу шоирнинг ғазал битиши ва ҳатто ғазаллар девонига эга бўлишидир. Бунинг устига Навоий, Вайсийнинг асл касби шоирлик эмас, балки котиблик эканлигини таъкидлайди. Вайсийдаги ана шу хислатларнинг жамламаси, унинг адабиётга бўлган юксак меҳри ва муҳаббати Навоий томонидан бу шоирни ўз тазкирасида ўрин берганлиги билан изоҳланган. Қолаверса, бу шахснинг «Мажолисун-нафоис»дан жой олиши, Навоий диди, адабиёт аҳлига эътибору муносабатининг ҳам мезонидир.

Мавлоно Вайсий характерига анча яқин бўлган хусусият Мавлоно Қанбарий хислатида ҳам кўринади. Қанбарий содда, омий киши. Лекин шунга қарамасдан Навоий бу адибга ҳам ижобий баҳо беради, назаридан четда қолдирмайди: «Мавлоно Қанбарий – нишопурдиндур. Омий киши эрди. Аммо назм айтурда чолок эрди ва шеърида ҳам чошниси бор».

Навоийнинг бу баҳосининг бошқа бир нозик томонига биз диққатни тортмоқчимиз. Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» тазкирасидан «омий»– шоирлар, яъни жамиятнинг пастки табақасидан чиққан шоирлар унчалик кўпчиликни ташкил қилмайди. Шубҳасиз, ўша даврда адабиёт, умуман, савод ўрганиш, тасвирий санъат ва хат билан шуғулланиш кўпроқ юқори табақа вакилларига насиб бўларди, холос. Камбағал, бечораларнинг кўпчилиги, одатда, саводсиз ва ёки бошланғич таълимга эга бўлиб, адабиётдан узоқроқ эдилар. Аммо машҳур адибларнинг адабий асарлари, ғазаллари оддий халқ орасида тез тарқалар,

шоҳномахонлик, фузулийхонлик, навоийхонлик, жомийхонлик каби «меҳмонхона» қироатлари, ўқишлари расм бўлиб, ана шу «халқ университетлари»да классик асарлар бошқа диний адабиёт қатори кенг халқ оммасига қишлоқ, маҳалла, юртнинг саводли кишилари томонидан тарғиб қилинган. Шу йўл билан ҳам халқ машҳур адибларни таниган, уларнинг ғазалларини ёд олган, қўшиқ қилиб куйлаган. Бироқ бу оддий халқ ичидан мутлақо шоир, олим, саводли киши чиқмаган, деган хулоса эмас, албатта. Агарчи Навоий даврида бу мушкул йўл бўлса, ҳақиқий маҳорат, талант ва истеъдод ҳамиша ўзига йўл очган. Шунинг учун биз Алишер Навоий тазкираси ва асарларида ҳам, оддий халқ ичидан отилиб чиққан қобилиятга эга бўлган кишилар ҳақида маълумот оламиз. Лекин барибир, булар жуда озчиликни ташкил қилиб, зиёлиларнинг кўпчилиги юқори табақа оилаларининг фарзандлари бўлган.

Шунинг учун Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асарида ана шу оддий халқ ичидан чиққан шоирлар улуғ адиб томонидан алоҳида урғу билан таъкидланган. Навоий улар ижодини баҳолаётганда бошқаларга қараганда бироз «сийлаб» ўтади, имкони борича уларнинг ижодий камолотга етишига кўмаклашишни ихтиёр этади. Юқорида шарҳи зикр этилган Мавлоно Қанборий ва Мавлоно Вайсийнинг таржимайи ҳоли ва келиб чиқишига баҳо берган Навоийнинг қарашида шу мазмунни сезиш мумкин.

Навоий адибнинг қайси тилда асар яратишидан қатъий назар, унинг ижодига илм ва маданият манфаати нуқтайи назари билан ёндашади. Унинг диққатини, кўпинча, асардаги бадиий салмоқ, аниқроғи шоир истеъдодининг даражаси кўпроқ қизиқтиради: «Мир Ихтиёриддин – арабият ва фиққи таъриф қилғунча бор. Дерларки, бир тасниф илгидаким, туганса маълум бўлурки не миқдор салоҳияти бор. Оз ишида айб топса бўлур».

– «Сайид Насимий – Ироқ ва Рум тарафидаги мулкдин эркандур... Мазкур бўлғон мулк аҳлиға анинг шеъри муқобиласида ҳамоноки шеър йўқтур».

– Султон Иброхим Мушаъшаъ – Султон Муҳсиннингки, Арабистонда подшоҳдир, анинг инисидир. Донишманд ва мутаққий ва бағоят аҳл кишидур ва хаттот ҳам бор ва арабий шеърни яхши айтур ва девони ҳам бор».

Юқоридаги ҳар учала мисолда адабиётшунос Навоий билан бир қаторда турли халқ адабиётини бир хил қадрловчи, бугунги сўз билан ифодаласак, байналмилал Навоийнинг қарашлари мавжуд. Озарбойжон шоири Насимийнинг оташин шеърлари бугунги ўқувчига маълум. Навоий ўша пайтда Насимийнинг Ўрта Шарқ туркийгуй шоирларининг сарвари зканлигини аниқ айтишининг ўзи ижобий фикрдир. Навоий Насимий ҳақидаги юқоридаги фикрини Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳотул-унс» асарини эркин таржима қилганда ўзининг «Насоимул-муҳаббат» деган асарига қўшади. Маълумки, Насимий сўфиёна қарашлари, ҳаёт ҳақикати уфуриб турган асарлари, ғазаллари учун хурофот аҳли томонидан териси шилиниб, ваҳшийларча қатл этилган. Жомий ўз асари «Нафаҳотул-унс»ни ёзиб, шубҳасиз, Насимийнинг бу таржимайи ҳолидан хабардор бўлганлиги учун, ўз дунёқараши ва Насимийнинг ақидасига қўшила олмаслиги туфайли уни асарига киритмаган. Навоий эса «Насоимул-муҳаббат»да унга жой бериб, шу билан рамзий маънода ўзини Насимий билан ҳамфикр билган.

Булардан ташқари юкоридаги мисоллар Навоийнинг кенг олами, турли миллатлар адабиёти шоирларига хайрихоҳлик билан қараганлигидан далолат беради. Шоир бағрикенглик билан Ироқ ва Рум; Арабистон ва Хуросон шоирларига бир хил, бир андоза билан баҳо беради. Ҳатто уларнинг ижодида қайси мазмун ва соҳа ғолиблигидан қатъий назар бир

мезон – у ҳам бўлса адабиётга бўлган юксак талаб, бадиий маҳорат ва шоирнинг салохиятига қараб – ёндашади. Эҳтимол, Навоийни Навоий қилган, унинг буюклигини ўз даврида қонунийликка айлантирган хислатлардан бири шу ҳам бўлгандир?!

Ёзувчи ижодининг энг кўзга кўринган ва эътиборли томонларидан бири унинг ижодда кўп соҳаларни эгаллаганлигида – кўпқирралигидадир. Навоий даврида яшаган зиёлининг имкони борича кенгроқ билимга эга бўлиши, фикр доираси кенг бўлишини даврнинг ўзи тақозо этган. Масалан, кўпчилик адибларни хаттотлик, китобат иши, фан соҳаларидан фиқҳ (дин назарияси), фалсафа, фалакиёт (астрономия), тиб ва бошқалар билан шуғулланганлигини кўрамиз. Ёки акси, турли ҳунармандлар, давлат арбоблари адабиёт билан шуғулланиб шеър айтганлар. Навоийнинг «Мажолисун-нафоис», Восифийнинг «Бадоеъ-ул вақоеъ», Хондамирнинг «Таърихи Ҳабибус-сияр», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш-шуаро» ва бошқа асарларига киритилган кишиларнинг кўпчилиги шу хусусиятга эгадирлар.

Навоий ва унинг замондошларининг ана шу кўп қиррали адиблар, агар таъбир жойиз бўлса, энциклопедик билимли кишиларга муносабати қандай бўлган? Уларнинг қобилияти, истеъдоди қандай баҳоланган? Адабиёт ва фанда қайси соҳа устунлик қиларди? Биз қуйида Навоийнинг шахс ижоди ва ахлоқининг қараши заминида юқоридаги саволларга имкони борича жавоб қидиришга интиламиз.

Ижодда фан ютуқларини кенг эгаллаган ёзувчи Навоий эътиборини қозонган шахс эканлигини юқоридаги мисолларда кўрдик. Улуғ адиб ижодда ранг-баранг, адабиётнинг турли жанрлари, турларида муваффақият билан қалам тебратадиган адибни ҳамиша диққат марказида тутган. Агар адиб шу истеъдоди қатори бошқа илмлардан хабардор бўлса-чи? Унда нур аъло нур! Навоий фикрича**,** шу илмларнинг таъсири туфайли ёзувчининг бадиий асарларига ранг, мазмун, жозиба киради, ифода тўлиқлиги, шакл ва мазмун уйғунлиги вужудга келади.

Навоийнинг бу борадаги қарашларида ҳам пешқадамликни яна устоз Абдураҳмон Жомий эгаллайди. Жомий ижодидаги ранг-баранглик, кенг кўлам, турли фан соҳаларининг қамрови, шубҳасиз, ўша давр адабиёти ва маданиятининг юксак ибрати вазифасини ўтайди. Шунинг учун Навоий Жомийнинг ижод ва билимдаги шу хусусиятини айрим пайтда бирма-бир санаб ўтса, гоҳида асарларининг номи орқали шу кўпқирралиликни таъкидлайди:

Ким қаю бирга кимки топса вуқуф,
Барча мақсуд анга бўлуб макшуф.
Солди шарҳи Рубоиёт андин.
Рубъи маскун аро ҳаёт андин.
Килкидин чун лавомиъ этти зуҳур,
Солди офоқ ичинда ламъаи нур.
Табъидин чун лавойиҳ ўлди падид,
Жилва қилди лавойиҳи тавҳид...
«Нафаҳот» ичраким футуҳ андин,
Нафҳаи унс топди руҳ андин.
Чун рақам қилди Туҳфатул-аҳрор,
Солди оламға махзанул-асрор...

Жомийнинг ўша давр адабиётидаги шуҳрати шу даражада эдики, айрим пайтда Навоий унинг ижод қирраларини санаб ўтишни ортиқча билади: «...кутубларини отин, битилса бу авроқтин ошар, мусаннафотлари дурлари зикрин қилинса, гардун баҳри андин тошар». Абдураҳмон Жомий ижодидаги ана шу кўпқирраликни профессор И. С. Брагинский қуйидагича баҳолайди: «Келгусида буюк умумлаштирувчи киши сифатида у *(яъни Жомий Ҳ.Қ.)* ўзигача бўлган илмни синчиклаб текшириб шакл ва мазмун жиҳатидан синтез қилар эди. Бирор адабий жанр, маданиятнинг бирор соҳаси қолмагандики, бу киши унга қўл урмаган бўлса, ўзи шу соҳада оз бўлса-да, ўз фикрини билдирмаган бўлса».

Навоийнинг ижодда кўпқирралилик яловбардори сифатида Жомийни таниши табиий ҳол. Лекин унинг Паҳлавон Муҳаммад Куштигир дунёқарашининг кенглиги, ўз касби куштигирлик – кураш олишдан ташқари жуда кўп фан соҳалари, адабий жанр ва мавзуларда қалам тебратганлигини тасвирлаши диққатга лойиқдир.

Навоий юксак қалб эгаси бўлган Паҳлавонни «чун қобилияти баланд тушгандур ва мулоямати табъи барча фунунга муносиб ва баҳраманд воқеъ бўлғондур – кўп фазойил ва камолот ҳам касб қилғондурким, замон аҳли борчада Паҳлавонни мусаллам тутур эрдилар», деб тасвирлайди. Навоий ана шу фикрининг тасдиғи учун Паҳлавон истеъдодининг қирралари ҳақида тўхталади. Баҳолар объектив, самимий, холисона, Паҳлавон «адвор ва мусиқий илмидурким... ул дақиқ фанда кўшиш ва саъй кўргузуб, дахли том ва маҳорати молокалом»га эга бўлганлиги ва мусиқий рисола битганлиги туфайли ўша даврнинг моҳирлари Устод Муҳаммад Хоразмий, Мавлоно Нуъмон, Мавлоно Соҳиб Балхий, Хожа Юсуф Андижонийлардан қолишмаган. Унинг фақат мусиқада эмас, шеър ва муаммода, «соҳибвуқуф ва жалд» эканлиги, «яхши рубоий, мулойим қитъалари» ҳам бўлиб, буларнинг иловасига «яхши сўз маснавийси» бўлиб, «назм аҳлининг мутаййинлариға ул навъ абъёт воқеъ бўлиши»нинг мушкуллигини қайд қилиши жуда муҳим ҳолдир.

Навоий Паҳлавон истеъдодини шу билан чегараламайди. Унинг фикр доирасининг кенглиги, қомусий билим эгаси эканлиги «саноий ва аруз қофиясида ҳам соҳибвуқуф»лиги, нужум, тибб, ҳикмат, табиблик, фиқх илмларининг билимдонлиги тўлдиради. Худди шу хислатлар заммига Паҳлавоннинг «маснавий ва қасида ва ғазал ва синфдаги шеърдин хўб ва кўп ёдида» бўлганлиги билан ҳофиза қувватининг устунлиги, бу истеъдод ва шахс камолотининг намунаси эканлигини кўрсатади.

Навоий Паҳлавонни ижодда серқирра қилиб кўрсатар экан, бу муаллифнинг тасвирловчи кишига бўлган ҳурмати ва ёки унга атаб ёзилган асар («Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад») талаби туфайли эмас. Энг аввало, Навоийнинг Паҳлавон образини ҳаётий, ҳаққоний тасвирлаши ҳақида. Навоий бу шахс ҳақида фикр юритиб, ҳар қандай бўрттирма, муболағаларга ўрин бермайди. Асар қаҳрамонини қандай бўлса, реаллигича тасвирлай қўяқолади. Паҳлавондаги ижодда кўпқирралилик, ахлоқий етуклик, мураббийлик каби хусусиятлар, бизнинг назаримизда, Навоий даврининг илғор, етук кишисини, дунёқараши кенг адиб образини гавдалантиради. Шунинг учун Навоий, биринчидан, Паҳлавон образининг тўлақонлигини ифодалашни мақсад қилган бўлса, иккинчидан, худди шу билан давр кишиларига Паҳлавонни ибрат намунаси қилиб кўрсатади, уларни ижодда серқирралиликда, унга эргашишга даъват этгандай бўлади. Навоийда шахсни типиклик даражасига кўтариш хос эмаслигини инобатга олсак, Паҳлавон Муҳаммад Навоий тасвиридаги энг серқирра юксак истеъдод эгаси ва етук образлардан ҳисобланади.

Зайниддин Восифий Паҳлавон Муҳаммаддаги кўпқирралилик, истеъдодининг юксаклигини қуйидаги байт билан ифодалаган: «Паҳлавон, ки:

Бо мушикофии худ аз лоф ба танг аст,
З-он аст, ки чун устара доим лаби санг аст.

Софи табъи равшанзамири (Паҳлавон) Дарвеш Муҳаммад Куштигир бағояти бедареғ ихтисос ёфта»– (Мазмуни: Паҳлавонким (байт мазмуни), унинг маъни очишда тенги йўқ, у доим тош устида турган устарадай зеҳни ўткир. (Паҳлавон) Дарвеш Муҳаммад Куштигирнинг соф табъи жуда ривожланган ва юксак тахассусга эга.)

Навоий асарларида ёзувчи истеъдодининг серқирралилиги қатори турли касб ва машғулотларнинг улар томонидан эгаллаганлиги, бу адибларнинг шеър яратиш меҳнатига муносабати ҳам ўз аксини топган. Бундай адиблар ўз касбларидан ташқари ўша даврнинг қатор илм ва ҳунарларини ўзлаштирган. Булар Ҳусайн Воиз Кошифий, Устод Қул Муҳаммад, Мавлоно Шарбатий, Хожа Афзал, Муҳаммад Али, Мавлоно Биноий, Мавлоно Фазлуллоҳ ва бошқалардир.

Ҳусайн Воиз Кошифий замонасининг энг етук воизларидан. Хондамирнинг ёзишича, у ҳафтанинг қарийб хар куни Ҳиротнинг энг катта мадраса ва масжидларида воизлик қилган. Лекин Навоий Кошифийни воизликдан ташқари даврнинг жуда кўп фан соҳалари билан шуғулланганлигини кўрсатади: «Оз фан бўлғайки, дахли бўлмағай. Хусусан ваъз, иншо ва нужумки, анинг ҳаққидур ва ҳар қайсида мутааййин ва машҳур ишлари бор».

Навоийнинг Кошифий ҳақидаги ушбу маълумотини Хондамир янада тўлдириб, бу шахс яратган асарларнинг жуда кўплиги ва жумладан, «Жавоҳирул-тафсир», «Вожибул-олия», «Равзатул-шаҳид», «Анвори Суҳайли», «Махзанул-иншо», «Ахлоқул-муҳсинин», «Ихтиёрот»и эл орасида машҳурлигини таъкидлаган. Бу билан Хондамир Навоийнинг Кошифий ҳақида билдирган «ҳар қайсида мутааййин ва машҳур ишлари бор» деган фикрини деталлари билан тўлдиради, Навоий фикрини янада аниқлигига бизни ишонтиради.

Устод Қулмуҳаммад замонасининг машҳур мусиқашуносларидан. У маҳорат билан фақат мусиқа асбобларини чалмасдан, балки мусиқа назариясига оид рисоласи билан ҳам машҳур. Булардан ташқари Навоий бу шахс истеъдодини қуйидагиларда кўради: «ўзга ушшоқ *(мусиқа назариясидан ташқари –Ҳ. Қ.)* фазойли ҳам бор: маърифати тақвимдек, нақкошликдек, хатдек... муаммо ҳавоидин ҳам мазбут қилур».

Навоий Мавлоно Биноий истеъдодининг кўпқирралилигини таъкидлаши ҳам диққатга лойиқ. Адабиётда Навоий Биноийнинг ўзаро баҳслашувлари ва улар орасидаги аразомиз кайфият ҳақида анчагина фикрлар билдирилган. Навоий Биноий шахсиятида даврининг истеъдодли шахсларидан бирини кўради, унинг ижодда кўпқирралилигини объектив кўрсатади: «Мавлоно Биноий... бағоят қобилияти бор. Аввал таҳсилға машғул бўлди, андин кўп рушди бор эрди, бот тарк қилди. Оз фурсатда ободон битиди. Андин сўнг илми мусиқийга майл кўргузди. Адвор илми билан бот ўрганиб, хили ишлар тасниф қилиб, адворға даҳи рисола битиди». Навоийнинг Биноийга берган бу баҳосида холисона фикр, камтарлик аломатини кўриш мумкин.

Навоийнинг ёзувчи ижодида кўпқирралилик ҳақида жуда кўп фикр билдириш мумкин. Шуни айтиш кифояки, Навоий замонасининг етук адиб ва мураббийси сифатида ёзувчи

истеъдодини жуда қадрлади, имкони борича адиб кайфиятида кўтаринкилик бахш этишга интилди. Салафлар, замонасидаги қомусий билимга эга бўлган адибларнинг ижодига алоҳида эътибор билан қараган Навоий улардаги бу қобилиятни қутлади ва бошқаларга уларни ибрат қилиб кўрсатди.

«АДИБ КИЧИК ЁШЛИҒЛАРНИ УЛУҒЛАР...»

Алишер Навоий асарларида адиб ва адаб масаласи алоҳида мавқени эгаллайди. Навоий бадиий адабиёт вазифасини, энг аввало, кишиларни тарбиялаш, уларда имкони борича гуманистик ғояларни сингдиришда кўрар эди. Шунинг учун у асарларини қайси шакл ва жанрда яратишидан қатъий назар, биринчи навбатда, ўқувчиларига ахлоқий хислатларни сингдиришни асосий мақсад қилганлигини таъкидлаган эдик. Унингча, «адаб кичик ёшлиғларни улуғлар дуосига сазовор этар ва ул дуо барокати била умрдин бархурдор. Кичиклар меҳрин улуғлар кўнглуға солур ва ул муҳаббат кўнгулда муаббад қолур».

Навоий ёзувчи ахлоқи ҳақида фикр билдирганда ўзига хос услуб қўллайди. У хислати олий, бадиий камолоти юксак кишиларни ибрат мисоли қилиб кўрсатганда, энг биринчи навбатда, улардан ўрганиш, изидан боришни тарғиб қилди.

Навоий бадиий ижодда салафларга чексиз ҳурмати бўлганлиги сингари ахлоқ масаласида ҳам ана шу йўлни тутади, буюк адиблар ва даврининг ахлоқан юксак кишиларини ёш адибларга намуна қилиб кўрсатади.

Абдураҳмон Жомийнинг камтарлиги, юксак инсоний хислатлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Навоий тасвирида бу адиб ўзининг бутун шахсий хулқи билан давр шоирларининг тарбиясига намуна бўлган. Жомийдаги ҳаддан ташқари камтарлик, фақирона кийиниш, ғурурдан четда бўлиш, кўп кишиларни ҳайратда қолдирган. Бунинг яққол мисолини Восифий тасвиридаги сийистонлик қозизоданинг Жомий уйида у билан учрашуви, қозизоданинг ўзини Жомийдан юқори тутиши ва кейин билиб хижолатда қолиши мисолида кўриш мумкин.[1]

Навоий ҳам Жомийдаги шу хусусиятларни тасвирлар экан, у ҳақида чуқур самимият билан гапиради, устозидаги хар бир инсоний хатти-ҳаракат, хислат фақат давр адиблари учун эмас, балки унинг ўзи учун ҳам ҳаёт дарси эканлигини таъкидлайди: «Чун бу мухтасарда *(яъни «Мажолисун-нафоис»да – Ҳ.Қ.)* мазкур бўлғон жамоатнинг раъс ва раиси ул зоти нафис ва бу рисолада мастур бўлғон гуруҳнинг муқтадоси ва пешвоси ул гавҳари яктодур».

Навоий Жомий шахсиятида фақирликка майл кучлилиги, кўнглининг софлигини қуйидагича ифодалайди:

Биров кўнгли оллиндаким софдур,
Агар заркаш, ар бурёбофдур.

Навоий фикрича, ўша даврнинг кўзга кўринган идеал кишиларидан яна бири Сайид Ҳасан Ардашердир. Унга Навоий «бу фақир турк ва сорт орасида андин тамомроқ киши кўрмайдурмен» деб юксак баҳо берган. Бу олий баҳо Навоий томонидан шунчаки берилган эмас. Улуғ адиб даврининг уч забардаст кишиси, инсонийликда кўпчиликка намуна бўлган шахслар Жомий («Хамсатул-мутаҳаййирин»), Паҳлавон Муҳаммад («Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»), Сайид Ҳасан Ардашер («Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер»)ларга атаб алоҳида асар битган. Бу тасодифий эмас, албатта. Навоийнинг шахсий ҳаётида ҳамдард, маслаҳатчи ва ота қаторида бўлган бу сиймолар шоир шахсиятининг шаклланиши, ривожи ва шуҳра-

[1] Бу борада қаранг: А й н и С., Восифи ва хулосаи «Бадоеъ-ул вақоеъ», 45-бет, Сталинобод, 1956.

тига катта ёрдам кўрсатдилар. Агар Навоий Паҳлавон Муҳаммад шахсиятида замонасинипг энг зукко, ижоди серқирра, қомусий илм кишисини тасвирлаган бўлса, Сайид Ҳасан шахсиятида кўпроқ юксак инсонийлик хусусияти ҳувайдо бўлган кишини кўради. Навоий ёзувчи ахлоқида кўришни орзу қилган хислатлар: «лутф ва тавозуъ», «такаллуфлиқ», «ҳамида хисоллиқ», «мажлисни тузи ва малоҳати бўлиш», «саховат» мужассамлигини Ардашер шахсида кўради. Шунинг учун биз бу шахс хусусиятига кенгроқ тўхталиб, Навоийнинг ахлоқнинг ижод билан бирлиги ҳақидаги қарашини шу образ орқали очишга ҳаракат қилмоқчимиз.

Алишер Навоийга «ота масобаси»ча бўлган Сайид Ҳасан Ардашер хислатларини улуғ адиб қуйидагича тасвирлайди: «адаб ва ҳилм ва тавозўъ ва ҳаё зотлариға ғолиб эрмишким... мажлис аҳлининг кўпидин яхшироқ билур эркандурлар, ҳам ҳаё ва адаб жиҳатидин, ҳам бировга илзом ва хижолат етмасун деб, кўп сўз айтмас эрмишлар, балки кўп мажолисда такаллум ҳам қилмас эрмишлар».

Навоий юқорида Ардашернинг қайси хислатларини биринчи планга чиқармоқда? Бу, энг аввало, киши характерини ҳар томонлама ижобий томон элтувчи, уни кўпчилик олдида инсоний хусусиятлари билан ажратиб турувчи, аниқроғи барчага мақбул тушувчи хислатлар: камтарлик, атрофдагиларни эҳтиром қилиш, кўп билиб кам сўзлаш, бировни ҳар хил сўзлар билан хижолат қолдирмаслик, яна, энг муҳими, «ҳам ҳаё ва ҳам адаб жиҳатидин» даврадагилардан устунлук хусусиятига эгалик». Биз Навоий даври адабиётининг киши ахлоқий тарбияси, унинг дунёқараши ва жамиятдаги ўрнини белгилашдаги роли ҳақида кўп айтамиз, мисоллар келтирамиз, Навоийни ана шу эзгу ниятга бош бўлганлиги ҳақида фикр билдирамиз. Юқоридаги мисол агарчи Алишер Навоийнинг ўз дўсти, ҳамхизмат биродари ҳақида билдирилган фикр бўлса-да, улуғ адиб давр кишиларида инсон ахлоқини безовчи олий хислатларга эга Ардашернинг ахлоқини намуна этиб, адабиётнинг киши тарбиясидаги ролини оширган, уни инсонни инсонлик хислатларига эга бўлиши учун минбар сифатида фойдаланган.

Юқоридаги Ардашернинг олий хислатларидан бири – кўп билиб, кам гапиришни яна мисол тариқасида олайлик. Инсондаги бу хислат ўз-ўзидан вужудга келмайди. Киши характерида ўзининг билганини кўпчиликка кўз-кўз қилиш, ўзлигини кўрсатиш кайфияти ғолиб. Лекин фақатгина юксак тарбияга эга бўлган кишигина (бизнинг мисолимизда Сайид Хасан Ардашер) ўзини даврада тўғри тута билиши, камтарлик қоидасига риоя қилиши мумкин. Навоий давр адибларига Ардашердаги ана шу инсон табиатидаги нозик томон – кўп билиб кам сўзлашни тарбиялаш шу билан инсонликнинг яна бир қиррасини замондошларига сингдиришга интилган. Навоий асарларни ўқир эканмиз, бир нарсага борган сари кишининг имони комил бўлади. У ҳам бўлса бу улкан адибнинг ўз асарларида кишиларда юксак инсоний хислатларни тарбиялаш, уларни имкони борича инсонни комил килиб вояга етиши учун зинама-зина, ҳарф-баҳарф, юқоридагидек ижобий кишига хос хислатларни таъкидлаб, киши онгига етиб борадиган, ўқувчи учун ҳазм бўладиган даражада ёритиб борган. Унинг бир асаридан иккинчисига турли шахсларга берган баҳолари орқали ёки асар имконияти туфайли тугалланмай қолган ёки ўша фикрни шу жойда айтишни лозим билмаган Навоий бошқа асарида худди шу мавзуга кайтиб, бошқа киши мисолида, ўзга мавзу заминида ўша фикрини ривожлантиради, шунда ҳам кишиларни юксак инсоний хислатлар томон чорлайди.

Ардашердаги юқоридаги хислатга қарама-қарши ҳолда Навоий Мавлоно Ҳумоий ҳақида қуйидаги маълумотни беради: «Мавлоно Ҳумоий– бағоят фақир ва камсухан ва номурод киши кўрунур. Аммо наузи биллоҳ андинким, бир мажлисда анга бир аёғ берсалар, ул арбада ва пургуйлиққим, андин зоҳир бўлуғ, анинг шарҳи мутааззирдур». Навоийнинг кишилар характерини белгилашдаги бу икки қутби, умуман, кишининг ички олами, баъзиларнинг сурати билан сийратининг тўғри келмаслиги ҳақида ҳам бизга маълумот беради.

Алишер Навоий Ардашер ҳақида маълумот берар экан, унинг ички оламини очишда зинама-зина киришади. Шахсда инсоний поклик каби хислатларни қутлаган Навоий Ардашерни шу сифати туфайли султон ва амирлар ҳам уни ҳурмат қилишларини таъкидлайди. «...ҳамида хисол ва писандида афъол жиҳатидин яхши ва ямон аҳли замон қошида азиз ва мукаррам ва муҳтарам бўлмиш эрмишлар.

Байт:

Пок гавҳарки, бўлди пок шоир,
Шоҳлар боши устида ери бор.

Навоий Ардашердаги шу хусусият орқали ҳамзамонлари, салтанат аҳлини ҳам покликка чақиришни мақсад қилган бўлса ҳам, албатта, бу ҳоким аҳлига ёқмасди. Юксак инсоний хислат, саховатнинг эгаси бўлган Алишер Навоийнинг ўзи шу поклиги, ҳақлиги туфайли тез-тез феодал қарама-қаршилигига учраб турди, Ҳиротдан Астрободга жўнатилди.

Навоий Ардашер шахсиятида даврининг юксак ахлоқли кишисини мужассамлаштирди. Саховатни киши хулқининг бир бўлаги билган Навоий Ардашер хусусиятида шу хислатни ғолиб билган ва буни қуйидаги байтда чиройли, умумлашма тарзда ифода этган:

Ўзидин элга дарё қатра осо,
Вале элдин ўзига қатра дарё.

Ана шу сифатлардан кейин Ардашернинг ахлоқий баркамоллик хусусиятларини санаб ўтган Навоий тасвирловчи шахснинг ҳар бир хислатини таъкидлар экан, ўқувчи кўз ўнгида Навоий даврининг «комил инсони» гавдаланади: «яна бир шафқати муфритки... ҳар хато ва залал воқе бўлса мувохазасиға машғул бўлмағайлар ва савҳларин авҳ қилиб, юзларига келтурмагайлар, то аларға хижолат воқеъ бўлмағай». «Яна бири лутф ва тавозуъ ва адаб ва юмшоқ сўз», «яна бири таҳаммул ва бурду борлуқдур», «яна бири кўнгулни юмшоқлиғи...», «яна бири зотий бетакаллуфлуғким, филвоқеъ алар қошида ипак, била палос тафовут бўлмағай».

Кўриниб турибдики, Навоий Ардашерда инсон шахсийятининг энг ижобий томонларини кўрган. Навоий тасвиридаги бу хусусиятлар фақатгина Ардашер шахсиятини кўрсатмасдан, давр ҳокимларига замонанинг ахлоқ ва камтарлик жиҳатидан намунали кишиси, амирини мисол қилиб келтиради, давр ашрофлари хулқ-ҳаракатида Ардашердаги хислатларни кўришни орзу қилади. Агар эътибор берсак, фақат Навоийгина эмас, ўша даврнинг барча қалам аҳли Сайид Ҳасан Ардашерни эҳтиром этганлар, унинг олий инсоний хислатларини асарларида зикр этганлар. Хондамир, Зайниддин Восифий, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқаларнинг асарларидаги маълумотлар бунга гувоҳлик беради. Фақат ҳамзамонларидан фарқли ўлароқ Алишер Навоий Ардашерга атаб алоҳида асар яратар экан, бу

шахснинг умумлашма образини яратади, нафақат ўзини, балки замондошларининг ҳам Ардашер ҳақидаги қарашларини умумлаштиради, натижада ўша даврнинг адабиётига нисбатан кенг пландаги шахс образи ўқувчига тақдим этилган.

Шубҳасиз, Навоийнинг адабиётдан кишиларни тарбиялаш, уларнинг ахлоқий тушунчаларини кўтариш борасидаги қараши аниқ нишонга етган. Фақат ўша даврда эмас, бугунги кунда ҳам устод адибнинг панд-ўгит тўла бу асари ўқувчиларни тарбиялашда, адиб ахлоқининг олий намунаси сифатида, кишининг юксак ахлоқи ҳақида ҳикоя қилади.

Навоий имкони борича «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» номли асарида ўз қаҳрамонинииг барча ижобий хислатларини санаб ўтишга, шу билан унинг тарихдаги ўрни, давр кишилари қалбида ардоқли бўлган томонларини тўла ёритишга интилиш кучлилигини кўрамиз. Навоийнинг тасвирланувчи шахс характерини очишда ўзига хос санъаткорлиги яна шундаки, у ўз қаҳрамонининг мавжуд хатти-ҳаракатлари, эл билан муносабати, шу эл манфаатини кўзлаб иш тутиш каби томонларига алоҳида эътибор беради. Навоий Ардашердаги юксак илмий қобилият, шеърий маҳорат ва адабиётга бўлган илиқ муносабатини кўрар экан, унинг амирлиги, юқори мансабга эга бўлишидан қатъий назар, дўстона давраларда ўзи хизмат қилиши, меҳмонлар кўнглини топишга интилишини жуда санъаткорлик билан ифодалайди.

Навоий Ардашер характерини очишда фақатгина юқоридагидек ижобий хислатларини санаб ўтмасдан, унинг ҳаётида содир бўлган турли турмуш воқеалари билан бой бўлган ҳолатни ҳам қаламга беради. Навоий мисол танлаганда ҳам Ардашернинг бирданига бир неча томонларини очиб берувчи деталларга мурожаат қилади. Масалан, қуйидаги мисолда Ардашер ўз меҳмонларига ўзи қараши, ҳатто улардан маст бўлганларини эса уй-уйигача етказилишига қайғуриши ёзилади. Бунда Навоий Ардашернинг камтарлиги, барчага бирдек тенглиги, ислом дини ман этган ичкиликка қарши эмаслиги, унинг – вазирнинг уйи оддий давраларнинг жойи бўлганлиги, ўзи ичмаса-да, май истеъмол қилувчилар хизматида бўлишини ҳаётий тасвирлаган. Худди шу мисол билан ҳам Навоий Ардашер шахсиятидаги кўп томонларни очишга мушарраф бўлган. Тасвирнинг жонли, ҳаётийлиги Ардашер шахсиятидаги ижобий томонларни янада бўрттирган, бошқа жиҳатдан бу Навоий маҳоратининг намунаси ҳам бўлиб қолган: «Оқшомки мажлис аҳли одат била усруб, уюр чоғ бўлса эрди, алар бирин-бирин усрук бошиға етиб, мулозимлиғ элни мулозимлариға топшируб, навкарсиз номуродларни муҳофазат қилиб, ёнлари остиға нима солдуруб, бошлари остида нима ястаб, илайлариға кўзали сув қўйдуруб, баъзининг кавш ва дасторларин ва ёғлиқларин ва анинг учида тугунгинаси бўлса, белгулуқларини мулозимларға топшуруб, хотираларин ул тоифа жамидин сўнгра хуфтон намозин адо қилиб, ул ҳужраларида осойишға машғул бўлур эрдилар».

Навоий Ардашернинг юксак фазилатларидан яна бирини мансабга ўч эмаслиги, давлатдорликдан ўзини йироқ тутишида кўради. У Ардашерни риндлар қаторига қўшади ва унинг майга рағбати борлигини таъкидлайди: «Ва риндлиқ таврида неча нима аларға даст бериб эрдиким, бу тоифанинг озиға муяссар бўлуб эркан». Лекин Ардашернинг фикрича, май ичиб маст бўлиш унчалик хавфли эмас. Энг хавфлиси бу жой, бойлик, мансаб мастлигидир: «Алар *(яъни Ардашер Ҳ.Қ.)* дер эрдиларким, дунё жоҳининг мастлиғи чоғир мастлиғига ўхшамаским, чоғир мастлиғи ичган кунидур, аммо жоҳ мастлиғи, агар соҳибжоҳ йиллар жоҳ устидадурким, мастдур, анинг махмурлиғи, жоҳдин маъзул бўлғонидадур». Ардашер

ана шундай қарашга эга бўлганлиги учун Ҳусайн Бойқаро икки йилгина уни давлат ишига жалб қила олган, холос.

Алишер Навоийнинг Сайид Ҳасан Ардашер ҳаётидан, унинг ўз тилидан келтирган юқоридаги мисолни танлар экан, энг биринчи навбатда ўзининг одил шоҳ ҳақидаги ғоясини давом эттирганини кўрамиз. Улуғ адиб ўзининг шоҳ асарлари – «Хамса» достонларида, айниқса, «Садди Искандарий» достонида мамлакатни одил шоҳ бошқарган тақдирдагина адолат байроғини тиклаш мумкин деган ғояни илгари сурган эди. Булардан ташқари шоирнинг тўрт девонининг «Дебоча»сида кириш ва хотима қисмларида ҳам ушбу қарашини кўрамиз. Юқоридаги мисолда Навоийнинг усталиги, буюк адибга хос томони яна шунда кўринадики, у Ардашер ҳаётидан, унинг хосса ҳикояларидан яна ўз ғоясини тарғиб этувчи, бойлик, мансабга ўчлик, очкўзликни қораловчи парчани танлаб келтиришидадир. Зеро, Навоий даврида мансаб ва жоҳ «ишқи»да ота ва фарзанд, қариндош-уруғ, хонликлар орасида қанчалик қонлар тўкилгани, бунинг эвазига бечора халқнинг чеккан кулфатлари тарих фактлари орқали бугунги ўқувчига аён. Ана шу фожиаларнинг боши мансабга ўчлик, мансаб мастлиги деб билган ўша даврнинг кўзга кўринган, эҳтиромли шахси Ардашернинг фикрини келтирган Навоий ҳам ўзининг сиёсий, адабий, ижтимоий мавқеидан фойдаланган ҳолда ўқувчини ана шу иллат – жой учун муккадан кетиш, мансабга бор имонни сотишдан тияди, агарчи ислом динига, ўша даврнинг ахлоқига тўғри келмаса-да, мансаб ва бойлик мастлигидан май мастлигини маъқул деб баҳолайди. Ана шу тазодда ҳам тарбия асоси бор, шунда қиёсий хулоса ясашнинг услуби бор. Навоийнинг адиб сифатидаги буюклиги, кишиларда ахлоқни тарбия беришдаги услубнинг кучи шу мисолда ҳам яққол ўз аксини топган.

Юқоридаги фикримизни тасдиқи учун биз яна бир мисолга мурожаат қилишни маъқул билдик. Хондамирнинг «Макоримул-ахлоқ»ида Навоийнинг Хожа Шиҳобиддинга насиҳат тариқида келтирган мисоли бор: «...мансабнн хосияти ғафлатни орттирувчи ва подшоҳни маст қилувчи илтифоти хуш олувчи ва шундай кишига халқнинг иши кўп тушади. Бундай кишининг ҳушёр туриши жуда зарур. Агар гоҳида у ақл мадади билан ўзини тута олса-да, бироқ мансаб мастлиги уни ўз ҳолига қўймайди. Ҳақиқатдан, шу мастлик чоғида фалакнинг интиқом олувчилиги, ғаддорлиги ва фалак ҳокимининг адолатли ҳоким эканлиги қачон унинг хотирига келади. Орттирган қудрат ва мартабасининг баҳоси йўқ, умри эса вафосиздир».

Навоий Ардашернинг барча хусусиятларини якунлаб, «бу сифатларда ҳақ субҳонаҳу таоло аларни комил халқ қилиб эрди» деган умумий, якунловчи хулосага келади. Бу билан Навоий Ардашер шахсиятида даврининг етук адиби, ахлоқан пок, шахсий намуна кишисини кўради.

Навоий учун ахлоқи етук кишилар фақат унинг катта ёшдаги замондошлари, даврининг буюк шахслари мисолида бўлиб қолмасдан, ўзларининг юксак ахлоқлари билан машҳур бўлган турли ёш, вазифа ва мавқедаги кишилар ҳам бўлган. Навоий бу адиблар хусусиятини баҳолашда шахснинг халққа қилган хизмати, омма ўртасидаги обрў- эътибори ва ҳурматини асосий мезон қилиб олади.

Навоийнинг ёш ёзувчилар меҳнатига, тарбиясига алоҳида эътибор қилганлиги маълум. Улуғ шоир иложи борича уларда барча инсоний хислатларнинг мужассамланишини орзу қилди. Ана шу мақсад учун ҳам у ёшларга даврининг турли ёшдаги юксак ахлоқли кишиларни намуна қилиб кўрсатди:

«Дарвешбек – абнойи жинсида андоқ киши йўқ эрди». «Мирзобек – инсоният ва хушахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона эрди. Табъ ва фаҳм ва отару тутарда бу икки мулк йигитлари орасида саромади замона ва зиҳни диққати ва маони нуқудидин ғани эрди».

Навоий бу адибларни ахлоқи паст, ёзувчи сифатида нўноқ бўлган кишиларга ибрат килиб кўрсатар экан, ахлоқсизлик кўрсатган шахсга нисбатан муросасиз қолади, уни фош этади: «Мавлоно Хуррамий – Ҳирийнинг одамизодаларидандур. Аммо ўзида одамийликдин асар, балки бўйи йўқтур... бовужуди мунча турфалиқ шеър ҳам айтур ва анда кишини писанд қилмас».

Мавлоно Садр Котиб– ошуфтарўзгор киши эрди, на шеърдин ёд қилур эрди, на хатдин. Чоғир ани андоқ мағлуб қилиб эрдиким, ихтиёри ҳеч ишда йўқ эрди».

Навоий юқоридаги ҳар иккала кишининг ахлоқи ва ижодини бирга олиб фикр билдирмоқда. Пастахлоқ бўлган Мавлоно Хуррамий ва Мавлоно Садр Котиб ижодда ҳам қўнимсиз. Одамийликдан узоқ Мавлоно Хуррамий дуруст шеър ҳам ёза олмайди, бунинг устига бошқа шоирлар ижодини писанд ҳам қилмайди. Мавлоно Садр котиб табиатидаги лавандлик ҳам унинг ижодига салбий таъсир кўрсатган. Лекин Навоий Садр Котиб ахлоқидаги паст томонларидан бири деб унинг чоғир(май)га ўта берилганлигини, шу сабабдин уни одамийликдан чиққанлигини кўрсатади.

Бизнингча, Навоий асарида юқоридаги икки шахс фақатгина шоирлиги туфайли киритилмаган, агарчи «Мажолисун-нафоис» асарининг мезони шуни талаб қилган бўлса ҳам. Навоий бу икки ахлоқан паст кишиларга ўхшаган шоирнамоларни тазкирага жой бериб, биринчи навбатда уларнинг паст ахлоқини кўрсатиб, ўзга адаб аҳлини тарбиялаш, уларнинг шахсиятида ана шу иллатларни кўрмаслик, жуда бўлмаса бор камчиликларини тарбиялашни асосий мақсад ҳам қилиб қўйган.

Чунки шоир бошқа шахслар берган таърифида ёмон хулқли, табиатида оз бўлса-да камчилиги бор кишиларни кўрсатиб, уларни агар интилса, яхши йўлга бориши мумкинлиги, тарбияга тушишларини таъкидлаган. Навоий фикрича, агар ёзувчи бутун иродасини ишга солса, ижодга берилса, у ўзи устидан ғалаба қила олади: «Мавлоно Муҳаммад Бадахший – мусоҳиблар хотири жиҳатидин лавандлиқларга тушти ва риндлиқ тарийқин ул мартабага еткурдиким, маст ё махмур бош ва оёқ яланг куй ва кўча ва бозорда юрур эрди. Ҳодийи тавфиқ тавба насиб қилиб туз йўлға кетурди. Холо табъ аҳли орасида андин сомонлироқ киши йўқтур».

Навоий давр адибларини илмий анжуманлар, шеърий кечалар ва хуллас, ахлоқли кишилар суҳбатидан фойдаланишга, илм ўрганишга тарғиб қилади: «Мавлоно Савсаний – озодаваш кишидур... Бефойда эл била мусоҳиблиқ қилмас. Невчунким бежиҳат машаққатларни ўзига раво кўрмас». «Мавлоно Хожи Муҳаммад – кўпрақ авқот фақир била мусоҳибдур ва фарзанд ўрниғадур, балки андин азизроқ. Ахлоқда малакийдур. Башар сурати била келган ва атворда фариштадур, инсон ҳайъатида зуҳур қилғон».

Юқоридаги мисоллар бизга Алишер Навоийнинг қай даражада инсон тақдирининг нозик томонларига эътибор қилганлиги, унинг ахлоқини имкони борича ўша даврнинг мезону чорчубасига мос келишига интилганини кўрамиз. Улуғ адиб Мавлоно Муҳаммад Бадахшийнинг ўта риндлик кўчасига кирганлиги, инсоний қиёфасини ҳатто йўқотиш даражасига етиб кўча-кўйда саргардон ва девонасифат юришининг бош сабабини «мусоҳиблар»ининг ярамаслиги, ёмон билан юрган кишининг мудҳиш оқибатини аниқ кўрсатиб

бермоқда. Бунда Навоий кишининг тақдирини энг, биринчи навбатда, у яшаган муҳит, атрофидаги кишилар замирида таҳлил қилмоқда. Улуғ адиб ёзувчиларнинг ахлоқига мутлақо зид бўлган бу хислатни кўрсатиш билан бирга адаб аҳли ўз доираси, дунёқарашига мос кишилар билан суҳбат қуришини, олдин ўзи ахлоққа эга бўлиб, ундан кейин адабиёт боғига кириши мумкинлигини ҳам шу мисолда зимдан билдирмоқда. Шунинг учун Навоийнинг Мавлоно Савсаний ҳақида берган характеристикасида Бадахший шахсиятидаги аввалги камчиликнинг бунда бўлмаганлигининг сабабини билдиргандек «бефойда эл била мусоҳиблиқ қилмаганлиги» сабабли «озодаваш киши» эканлигини, бу билан ўзига «бежиҳат машаққатларни» раво кўрмаган киши эканлигини таъкидламоқчи бўлган. Навоийнинг ана шу қараши, адиб ахлоқий концепсиясининг баланд нуқтаси, яъни муҳит, атрофдаги кишиларнинг таъсири кишига қай даражада юқори таъсир этиши мисолини ўзига фарзанд қаторида, ҳатто ундан баланд бўлган Мавлоно Ҳожи Муҳаммад мисолида яққол кўрсатмоқда. Улуғ адиб тарбияти, суҳбати, Навоийнинг суҳбатдошлари тарбиясини олган кишининг инсонийликдан фаришталикка қараб боришининг ўзи–тарбияда муҳитнинг таъсирини яққол кўрсатиб бермоқда.

Алишер Навоийнинг шахсий ҳаёти ва ижодининг ўзи халққа хизмат ва ўз меҳнатини элига, унинг келажагига бахшида қилинган умрнинг ёрқин мисоли бўлиб қолди. Шоир ўзидаги барча ютуқ ва эришган шарафини соф меҳнати, инсонга бўлган чексиз муҳаббати туфайли топди. Шунинг учун у шоир, мударрис, косиб ва бошқа касб эгаларига бўлган муносабатида, қарашларида ҳам ана шу талаб ва мезон билан ёндашди. У, айниқса ёш ёзувчиларда ишёқмаслик, бепарволик, ижодга нисбатан лоқайдликни сезса, ниҳоят муросасиз эди. Масалан, Мавлоно Жалолиддинни олайлик: бу шахснинг қобилияти устун, у донишманд. Ҳатто шаҳардаги Жомий мадрасасида мударрис. Лекин табиатида ишёқмаслик, қобилиятини ишга солмаслик кайфияти бор. Хуллас, элига ва ўзига ҳам манфаати кам тегади. Навоий бу шахс ҳақида афсус билан «агар лаванлиги муфрит бўлмас эрди, донишманд ҳам шояд бўлғай эрди» дейди.

Навоий худди шу шахсга қарама-қарши қилиб бошқа мударрис, лекин талабаларига катта манфаати етган, эл фарзандларини тўғри тарбиялашга, саводли бўлишига ҳисса қўшган Мавлоно Масъудни қўяди: «Юз ободон толиби илмдин ортуқроқ ҳар кун ондин *(яъни Мавлоно Масъуддин –Ҳ. Қ.)* нафъ олурлар, балки йироқ мамоликдин бу тойифа анинг дарси ишқиға ғурбат ихтиёр қилиб келадур.

Навоийнинг жуда кўп адибларни ўз тарбиясига олиб, уларга билим, иқтисодий мадад бериб камолотга етказгани маълум. Буларни Хондамир, Дарвешбек, Ҳожи Муҳаммад, Мирзобек, Восифий, Ҳилолий, Қулмуҳаммад Удий, Сайфий ва бошқаларнинг мисолида кўришимиз мумкин, лекин Навоийнинг кишиларда юксак инсоний хислатларни сингдириш, илм чўққиларини эгаллашларида қилган интилиши ҳаммавақт ҳам амалга ошавермаган. Айрим шахслардаги яккашлик, ёмон хулқли хусусият Навоийдек мураббий, олим кишининг интилишларини ҳам зое кетгизган. Ана шундай кишилардан бири Мавлоно Жаннатийдир. «Мавлоно Жаннатий – табъи ёмон эмас, аммо ақли ҳам йўқтур ва толеи ҳам. Муддате подшоҳ мулозими эрди. Фалокат анга басе муставли бўлди, фақир *(яъни Навоий – Ҳ.Қ.)* они йиғиштурдум... ҳеч ерга еткура олмадим. Холо дағи ул навъки бор эрди, саргардон юрур».

Алишер Навоийнинг адиб шахсиятига бўлган қарашларининг яна бир томонини унинг ёзувчининг дунёқарашига ва сиёсий ҳаётига бўлган муносабати ҳам ташкил қилади. Навоий ёзувчининг давр сиёсати, идеологиясига бўлган муносабатига объектив баҳо беришга

ҳаракат қилади. Унинг ана шундай баҳосини Мавлоно Ҳусайн Хоразмий олган: «Мавлоно Ҳусайн Хоразмий – ахлоқ ва сифати ботин илмида ёруғлик топқоннинг мунофисидур. Ва Мавлоно Шоҳрух Мирзо замонида бир ғазал учун такфир қилиб Хоразмдан Ҳирийга келтурдилар. Чун донишманд ва истилоҳ билур киши эрди, ҳеч нима собит қила олмадилар. Қайтиб яна ўз мулкига кетти. Ва ул ғазалнинг матласи будирким:

Эй дар ҳамин олам пинҳон туву пайдо ту,
Ҳам дарди дили ошиқ, ҳам асли мудово ту. –

(Мазмуни: Эй бутун оламга яширин ҳам, ошкора ҳам ўзингсан, ошиқ юрагининг дарди ҳам, бу юракнинг асл давоси ҳам ўзингсан.)

Ҳусайн Хоразмий ғазалининг мазмунида тасаввуф ғояларини тарғиб қилувчи, маъноси билан ислом таълимотига зид қарашлар мавжуд. Дин қоида – қонунига муккасидан кетган, «Қуръон»нинг ҳар бир сатрини қонун билган Шоҳруҳ Мирзо ғазал муаллифини Хоразмдан Ҳиротга чақириб сўроқ қилар экан, ундан кўзлаган мақсадини амалга ошириш – яъни Мавлонони жазолашдан ҳеч натижа чиқара олмайди ва Ҳусайн Хоразмий яна ўз мулкига қайтади. Бу шахснинг Навоийга маъқул бўлган томонини унинг «донишманд ва истилоҳ билур киши» эканлиги бўлса, иккинчидан, Хоразмий яратган ғазал мазмунининг Навоийга ҳам маъқул тушганлигидир. Маълумки, ҳар қандай фан ўзининг моҳиятини, фанлигини энг, биринчи навбатда, шу соҳага тааллуқли истилоҳлар – терминларда мужассамлантиради. Сўфиёна дунёқараш ҳам бошқа фанлар қатори ўзининг истилоҳларига эга бўлиб, Ҳусайн Хоразмий ўзининг исёнкор ғазалини битишдан олдин ана шу фан соҳаларининг асосини пухта эгаллаган бўлган. Шу жиҳатдан Шоҳруҳ Мирзо даврида уни агарчи муттаҳам билиб Хоразмдан Ҳиротгача олиб келсалар ҳам, у ўзининг билими, сўфизмни яхши билганлиги, Навоий таъбири билан айтганда «донишманд»лиги туфайли ўзини оқлай олган ва гуноҳсиз деб топилган.

Хондамир ҳам «Таърихи Ҳабибус-сияр»да Мавлоно Ҳусайн Хоразмий ҳақида маълумот бериб, асосан, Навоий келтирган фактларни такрорлайди, аммо унинг асаридаги айрим ҳикояларда хато борлигини таъкидлайди. Бу икки адибнинг баҳосидан ҳам кўринадики, Навоий Хондамирга нисбатан Ҳусайн Хоразмий дунёқарашини белгилашда анча дадиллик зоҳир этган, яъни унинг «хато»лари – сиёсий камчилиги ҳақида гапирмайди, балки биз зимдан Навоийнинг ҳам Хоразмий билан ҳамфикрлигини сезамиз.

Яна бир мисолга мурожаат қиламиз. Тарихдан маълумки, XIV асрнинг ўрталарида Эрон вилоятларидан бири Сабзаворда сарбадорлар ҳаракати майдонга келди. Бу ҳаракатнинг социал мазмуни ерли халқнинг, мўғулларнинг, ваҳшийларча ҳаракатларига қарши йўналтирилган эди. Сарбадорлар Хожа Яҳё бошчилигида 1337 йилдан 1381 йилгача мўғуллар ҳокимиятини ағдариб, демократик асоси бўлган янги бир мустақил давлат туздилар. Оз вақт ўтмасдан сарбадорлар Самарқандни ҳам мўғуллардан озод қилдилар ва Ҳусайн билан Темур «сарбадорларнинг қилган ишларидан мамнун бўлганликларини ва улар билан учрашмоқчи эканликларини билдирадилар. Бироқ эртаси куни сарбадорлар Ҳусайн билан Темурни қароргоҳига борганларида улар хиёнаткорона тутиб олиниб қатл қилинади... Ҳусайн билан Темур 1366 йили баҳорида яна Самарқандни ўзларига бўйсундирадилар»[1].

[1] Ўзбекистан тарихи. 1-жилд, 453-бет, Тошкент, 1964.

Кейинроқ Темур Ҳусайнни ҳам ҳокимиятдан четлатиб, Самарқанднинг ягона ҳокимига айланади.

Бизнинг бу тарихий воқеага мурожаат қилишимизнинг сабаби Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»да сарбадорлар вакили Мир Шоҳий ҳақида маълумот бериши ва Хондамирнинг «Таърихи Ҳабибус-сияр»ида Мир Шоҳийнинг бир ғазали тарихи билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр билдиришдир.

Алишер Навоийнинг Мир Шоҳий ҳақидаги маълумоти қуйидагичадир: «Мир Шоҳий – сабзаворликдур. Асли сарбадорлардан бўлур. Бойсунғур Мирзо мулозаматида бўлур эрди. Оти Мир Оқмаликдур. Фароғатдўст ва хушбош киши эрди. Анинг шеърини чошни ва салосат ва якдастлик ва латофатида таъриф қилмоқ ҳожат эрмас. Ғазали агарчи оздур, аммо барча халойиқ қошида писандида ва мустаҳсандур. Фақир агарчи ани кўрмадим, аммо анинг била фақирнинг орасида эълом ва ирсол воқеъ бўлди. Мулк подшоҳи отамни ҳукумат расми била Сабзаворға юбориб эрди ва Мир Шоҳийни Астрабод ҳокими тилаб Жузжон мамоликига элтиб эрди. Астрабодда анга қазо етиб наъшин Сабзаворға келтирдилар ва аждоди дахмасида халойиқни ўтру чиқориб ани охират ерида дафн қилдилар. Астрабодда айтқон иккн матласи туганмай қолғон эрдиким, васият қилғондурким Хожа Авҳад аларни тугатсун деб. Бири будирким:

Харобем аз дили бераҳм гаҳ-гаҳ ёд кун маро,
Саги куйи туем охир, ба санге шод кун маро.–

(Мазмуни: Раҳмсиз кўнгилдин хароб бўлдик, гоҳ-гоҳ бизни эсла, кўчанг итларимиз, бир тош билан бизни шод айла).

Яна бири буким:

Ту шаҳриёри жаҳон мо ғариби шаҳри туем,
Ватан гузоштаи бехонумон зи баҳри туем. –

(Мазмуни: Сен жаҳон подшоҳисан, биз шаҳрингнинг ғарибимиз, Сенинг учун ватандин кечган бехонумонлармиз.)

Ҳожи Авхад иккаласини тугатти ва девонига битилди ва шаҳар шуаросиға марсия таклифи қилдиким, айттилар. Бу бир байт ул марсия абъётидиндурким:

К-ў бишав зеру забар аз ашку оҳам Сабзавор,
З-он ки шаҳри шоҳй беш Шоҳй намеояд ба кор.–

(Мазмуни: Эй Сабзавор, кўз ёшим ва оҳим билан остин-устин бўл! Чунки шоҳ шаҳри Шоҳсиз (Шоҳийсиз) қолса, ҳеч нарсага ярамайди).

Мир Шоҳий ҳақида янада тўлароқ тасаввурга эга бўлиш учун Алишер Навоий берган маълумотга қуйидагиларни илова қилиш мумкин. Мир Шоҳий Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» тазкирасидан жой олган сарбадорларнинг ягона вакилидир. Мир Шоҳий

яшаган давр Темурнинг набираси, Шоҳруҳнинг учинчи ўғли Бойсунғур Мирзо (1397–1434) салтанати даврига тўғри келади. Темурийлар ичида Бойсунғур Мирзо ўзининг маданият, санъат, адабиётга ҳомийлиги билан ажралиб туради. 17 яшарлигида Мозандарон, Астробод ва Жузжон вилоятларига ҳоким қилиб тайинланган Бойсунғур темурийлар ҳокимиятини асраш, унинг тарқоқлигига йўл қўймасликка бўлган интилиш баробарида ўз атрофига жуда кўп шоир, рассом, котибларни йиғди. Алишер Навоий ва Хондамнр маълумотига қараганда Бойсунғур Мирзонинг ўзи ҳам хаттотлик ва наққошлик билан шуғулланган. Унинг фармони билан Ҳиротда катта кутубхона очилган. Бу кутубхонада ўша даврнинг машҳур котиби Мавлоно Жаъфар Табризий бошчилигида қирқдан ортиқ котиблар китобат иши билан шуғулланганлар. Диққатга сазовор жойи шундаки, Бойсунғур Мирзонинг бевосита раҳбарлиги остида Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома» асарининг 40 дан ортиқ нусхаси тўпланиб, шулар асосида адабий-танқидий матн тузилган ва бу мўътабар нусха Мавлоно Жаъфар Табризий томонидан маҳорат билан кўчирилган. Бойсунғур Мирзо эса ана шу танқидий матнга сўзбоши ёзади ва илмда бу «Муқаддимаи Бойсунғур» номи билан машҳурдир. Ушбу китоб котибат санъати, ўша даврдаги миниатюра мактабинииг юксак намунаси сифатида қадрланиб, ҳозир Теҳрондаги «Гулистон» кутубхонасида сақланмоқда.

Мир Шоҳий ҳам ўз даврининг кўзга кўринган шоири, котиби сифатида Бойсунғур Мирзо саройида ишлаган ва бу давр ҳокими билан яқин алоқада бўлган.

Алишер Навоийдан ташқари бошқа шоирлар, тазкирачи ва тарихчилар ҳам Мир Шоҳий ҳақида қисқа бўлса-да, маълумот бернб, унинг моҳир шоирлиги, юксак диди, намунали ахлоқи ҳақида тўхталиб ўтганлар. Бундан ташқари Мир Шоҳий ижоди билан махсус шуғулланган ва унинг девонини нашр эттирган М. Мамедованинг фикрига қараганда Мир Шоҳийнинг ижоди, унинг лафзий ва маънавий таъсири ўша даврнинг шоирлари: Мавлоно Жомий, Соиби Исфаҳоний, Бобо Фиғоний, Муҳташами Коший, Урфий, Шерозий, Ваҳшии Бофқий, Толиби Омулий, Воизи Қазвиний, Назирии Нишопурий ва бошқаларга ўтиб, бу адиблар Мир Шоҳий асарларига назиралар битганлар, унинг дилбар ва жўшқин ғазалларидан баҳраманд бўлганлар.

Таъкидлаганимиздек, Мир Шоҳий Бойсунғур Мирзо саройида котиблик, наққошлик билан шуғулланарди. Уларнинг орасида содир бўлган бир можаро ҳақида Хондамир қуйидагиларни ёзади:

«Мир Шоҳий – асл исми Оқмаликдур. Аждодлари жиҳатидан Сабзавор бошлиқларидан эканлиги ва шиа мазҳабидан бўлгани туфайли «Шоҳий» тахаллус қилар эди. Кунлардан бирида Мирзо Бойсунғур уни олдига чақириб: «яхши бўлар эди, сен бу тахаллусингни менга қолдириб, ўзинг бошқа тахаллус билан шеър ёзсанг» дейди. Бироқ Амир Шоҳий Бойсунғурнинг бу таклифини қабул қилмайди. Шундан кейин ҳазрат Бойсунғур у сўз устаси Амир Шоҳийга илтифотини камайтирди. Айтишларича, кунлардан бирида у Мир Шоҳийни ҳузурига киришга рухсат бермаган. Шунда Амир Шоҳий бу борада қуйидаги ғазални ёзиб у ҳазратга *(яъни Бойсунғур Мирзога – Ҳ. Қ.)* юборди.

Эй ки дар базми тараб чоми дамодам мезанй,
Хуни дил ноҳўрда чанд аз ошиқи дам мезанй?
Зоеъ он нозе, ки бо аҳли танаъум мекунй,
Хайф аз он тире, ки бар дилҳои бегам мезанй.
Боз кун аз хобн ноз он наргиси раъно, ки умр,

Меравад чун дазри гул, то чашм бар ҳам мезанӣ.
Мекушои турраву дилҳо ба ғорат мебарӣ,
Менамои чеҳраву оташ ба олам мезанӣ.
Мекуни маҳрум аз ин дар Шоҳин дармондаро,
Дасти рад бар синаи ёрони маҳрам мезанӣ.[1] –

Ғазал мазмуни: «Шодлик базмида сен ҳисобсиз жомларни ичасан, юрак қони ютмасдан качонгача ошиқлик ҳақида гапирасан. Сен қадр билмас кишиларга илтифот қиласану, гуноҳсиз кўнгилларга беҳуда ўқлар отасан. Сен у раъно наргисли кўзингни ноз уйқусидин очгин, чунки умр гул фаслидек кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Сен салланг қатларини очганда кўнгилларни ғорат этасан, чеҳрангни кўрсатиб эса оламга ўт ёқасан. Ночор аҳволда қолган Шоҳийни сен даргоҳингдан маҳрум этмоқчисан, бу билан сен маҳрам дўстларинг қалбига озор етказасан».

Хондамир Мир Шоҳий ҳақида маълумот беришни давом эттириб, унинг 12 минг байт шеър муаллифи эканлигини (Бу маълумот билан Хондамир Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»да Шоҳийнинг адабий меросининг камроқ («ғазали агарчи оздур») деб кўрсатган маълумотини янада тўлдирган), ана шу шеърларидан минг байтини саралаб девон тузганини ва ниҳоят, Мир Шоҳий вафотидан сўнг унинг жасади ватани Сабзаворга олиб борилиб кўмилганлиги ва ўша давр шоири Хўжа Авҳад Сабзаворийнинг бу ҳақда марсия битгани ва шу марсиядан бир байтини мисол келтирадики, бу маълумотлар Навоийнинг ёзганларига тўғри келади.

Юқоридаги парчадан маълум бўладики, Бойсунғур Мирзо Мир Шоҳийни «Шоҳий» тахаллуси билан шеър айтишини ноўрин деб билади ва бу тахаллус фақат шоҳларга, яъни темурийлардан бўлган Бойсунғур Мирзога ярашишини таъкидлайди. Мир Шоҳий бу таклифни рад этгандан кейин уларнинг орасидаги муносабатга рахна солинади. Кўриниб турибдики, Бойсунғур Мирзо қанчалик адабиёт ва санъат ҳомийси бўлмасин, барибир, темурийлар давлатининг синфий моҳиятини, унинг сиёсий негизини ҳимоя қилувчи шахс сифатида майдонга чиққан. Юқоридаги мисолда фақатгина шоҳ ва унинг қўл остидаги шоирнинг тахаллус устидаги тортишуви эмас, балки унда чуқур сиёсий қарама-қаршилик ва кураш ўз аксини топган.

Ана шу масаланинг негизига синчиклаб қарашга ҳаракат қилайлик. Тарихдан маълумки, XIV асрда Эрон ва Ўрта Осиёда мўғул ва маҳаллий феодаллар зулмига қарши қўзғолонлар кўтарилиб, Сабзаворда биринчи халқ ҳокимияти – сарбадорлар давлати – барпо бўлган. Важҳиддин Масъуд раҳбарлигидаги бу ҳаракатнинг доираси Ғарбий Хуросон, Гургон, Нишопурдан тортиб Самарқандгача ҳам етган. Сарбадорлар ўз фаолиятлари давомида оддий халқ манфаатларини кўзлаб иш тутганлар, мол-мулк, ерни тақсимлашда демократик принципга асосланганлар. Самарқандда Илёсхўжа раҳбарлигидаги сарбадорлар қўзғолони ғалаба қилади ва уларни Темур томонидан хиёнаткорларча йўқ қилинганлиги ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумот беришича, сарбадорларнинг вакиллари Темур вафотидан кейин зулм, ноҳақликларга қарши курашиб келганлар. Темурийлар ва сарбадорларнинг тарихда мавжуд ана шу синфий қарама-қаршилиги орадан 80–100 йил ўтишига қарамасдан унинг икки вакили – Темурнинг набираси Бойсунғур Мирзо ва сарба-

[1] Хондамир. Таърихи Ҳабибус-сияр, 4-жилд, 18-19-бетлар

дорлар авлодидан бўлган Мир Шоҳийнинг тахаллус устидаги можаросида ҳам ўз аксини топган. Зеро, Бойсунғур Мирзо сарбадорлардан чиққан шоирни қайта шоҳ номини олиб, «Шоҳий» тахаллус қилишини номуносиб билади ва бу тахаллус соҳиби бўлган Мир Шоҳий ҳам ўз навбатида авлодлари сарбадорларга мансублигини асосга олиб «Шоҳий» тахаллуси унинг ҳам мулки эканлигига ишора қилган.

Энди ғазалнинг ғоявнй томони ҳақида ҳам бир-икки оғиз сўз. Мир Шоҳийнинг Бойсунғур Мирзога ёзган юқоридаги ғазали шоирнинг давр ноҳақликларига нисбатан билдирган эътирозидир. Мир Шоҳий ўз ҳукмдорини адолатли бўлишга ундайди, ғафлат уйқусидан уйғониб, атрофга зийрак кўз билан билан боқиш, ўткинчи умрни яхши от қолдириб ўтказиш, кишида сурат билан сийрат бир бўлишига чақиради. Шак-шубҳасиз, Мир Шоҳийнинг юқоридаги ғазалларидек асарлар агарчи классик адабиётимизда унча кўп учрамаса-да, яратилган бундай асарларнинг ҳар бири ўша даврдаги социал тенгсизлик, адолатсизлик, ноҳақликларга отилган замбарак ўқи эди. Бу ғазал яратилган даврнинг адабиёт, санъат ва маданияти ўсган вақт эканлигини инобатга оладиган бўлсак, Мир Шоҳийнинг бу ғазали, шак-шубҳасиз, шоир, наққош, котиб бўлган давр ҳокими Бойсунғур Мирзога таъсир этмасдан қолмаган, албатта.

Бу ғазал билан боғлиқ яна бир масала: Мири Шоҳий ҳақида маълумот берган Алишер Навоий унинг сарбадорлардан эканлигига алоҳида урғу беради. Шу шоир ҳақида маълумот берган Хондамир эса унинг ўзини сарбадор эканлигини ёзмаса-да, авлоди Сабзавор ҳокимларига бориб тақалишини билдириб, сарбадорлардаи эканлигига ишора қилади. Шу жойда яна бир нозик масала бор, бизнингча. Алишер Навоий Мир Шоҳийни «сарбадорлардан» эканлигининг ўзи вазир, юксак обрў-эътиборга эга бўлганлиги туфайли, ўз қарашларини билдиришда даврада ҳеч кимдан ҳайиқмаслигини ҳам сезишимиз мумкин. Албатта, Хондамирда Навоийнинг мавқейи йўқ эди, шунинг учун унинг маълумотида Мир Шоҳийнинг сарбадорлардан эканлиги мантиқ «қобиғида» берилади. Барибир бу ҳодиса Хондамирнинг юксак жасоратидан далолат беради. Булардан ташқари Хондамир ўз асарида Мир Шоҳийга алоҳида ўрин бериб, унинг ижоди ва таржимайи ҳолига оид қимматли маълумотни қолдирган. Биз кўриб ўтган ғазал Мир Шоҳий ижодидан намуна бўлиши билан бирга унинг дунё қарашини ойдинлаштиришга ҳам имкон яратади ва бизнинг мавзуйимиз учун моҳиятли томони яна шундаки, бу мисол Алишер Навоий дунёқарашини, унинг эрк, озодлик, халқ бахт-саодатининг курашчиларига ҳамдаму ҳаммаслаклигини кўрсатмоқда. Бизнинг назаримизда, бу мисол А. С. Пушкиннинг шоҳ Николайнинг саволига «агар Сиз Петербургда бўлганда декабристлар қўзғолонига қай муносабатда бўлар эдингиз», деган саволига, «мен улар билан бирга бўлар эдим» деб жавоб берганлигига монанддир. Навоийнинг эрксевар ғояси, қараши уни сарбадорлар билан ҳамфикр бўлишига шубҳа қолдирмайди.

Айрим пайтда Навоийнинг адиб дунёқарашини объектив баҳолаши, улар ҳақида асарларида объектив қараши айрим илғор замондошларидан ҳам ўзиб кетади. Масалан, у Абдураҳмон Жомийнинг, «Нафоҳатул-унс» асарини ижодий, эркин таржима қилар экан, «Насоимул-муҳаббат»ида Жомий киритмаган Сайид Насимий ва Носир Хисравларни илова қилади. Маълумки, бу ҳар иккала адиб ҳам ўз шеърларида мавжуд тузум ва қоидаларга эътироз баён қилганлар (Носир Хисравнинг «Худо билан мунозара»си динга карши билдирилгаи эътироз сифатида жуда машҳурдир) ва Жомий шунинг учун уларни асарларига киритмаган.

Алишер Навоийнинг ёзувчи ахлоқи билан боғлиқ томонларининг яна бири бу шахснинг бойликка ва мулкка бўлган муносабатида кўринади. Навоийнинг ўзи катта бойлик эгаси, даврининг йирик феодали бўлса ҳам, киши шахсиятида саховат ва очиққўллик, пул, бойликка берилмаслик хусусиятларига тарафдорлик қилган. Бу масалада Навоийнинг ўзининг ҳам шахсий намуналиги диққатга лойиқдир. Хондамирнинг «Макоримул-ахлоқ», Восифийнинг «Бадоеъ-ул вақоеъ» ва бошқа жуда кўп асарларда улуғ адибнинг очиққўллиги, ўз маблағидан ҳисобсиз бинолар қургани, қалам аҳли, бева-бечораларга моддий ёрдам кўрсатгани ҳақида кўп маълумотлар келтирилгаи. Навоий ёзади: «Саховат инсоният боғининг борвар шажаридур, балки шу шажарнинг борвар самаридур... саховатсиз киши – ёғинсиз абри баҳор ва ройиҳасиз мушки тотор...»

Навоий фикрича, киши бойлик орттиришдан кўра илм эгаллагани маъқул, зероки, илм асосий бойликдир. У буни ўзининг мисолида қуйидагича ифодалайди:

Токи тушти менинг қўлимга жаҳон,
Қилмадим ер тубида ганж ниҳон.
Ҳар не илмга тушти сарф эттим,
Шоҳу дарвеш даҳрдин кеттим.

Буюк Навоий бу масалада танҳо эмасди. У адаб аҳлининг айримларида ҳам шу хусусиятни кўради: «Амир Давлатшоҳ... Фирўзшоҳбекнинг амакизодаси, аморат ва зоҳир азамат ва тажаммули бўлғай, кечиб, гўшае ихтиёр қилиб, фақр ва даҳқанақ ила қаноат қилди ва фазойил ва камолот ила умр ўткарди».

Биз ишимизнинг юқорироқ қисмида Навоийнинг Мир Камолиддин Ҳусайн ижодига бўлган муносабати ҳақида айтган эдик. Мир Камолиддин Ҳусайн Хуросонда илм таҳсили қилиб Ироқда – Султон Яъқуб саройига, боради. «Султон Яъқуб яхши эъзоз ва эҳтиром қилиб, Биёбонгни сўюрғол бердиким, юз минг олтинға яқин ҳар йили тегар эрди. Онча ғаниматға ҳиммат этагин силкиб, яна Хуросонга келиб, дарвешлиқ ихтиёр қилиб ва ҳазрати иршод Маобий Нуран *(яъни Жомий – Ҳ.Қ.)* хидматида матбуъ ва мақбулдур».

Навоий бу шахслар мисолида бутун борлиқ, бойлигидан кечиб илм равнақи учун курашувчиларни кўрар экан, буни ёзувчининг юксак ахлоқи деб билади.

Сайид Жаъфар бутун хислатлари билан Камолиддин Ҳусайнга зиддир. Бу киши доим давлат ишлари билан банд, шу билан бирга у хуштаъб шоир ҳам. Лекин мол-мулкка ўчлик ундаги барча ижобий томонларни йўққа чиқаради, уни оқибатда ватангадо қилади: Ҳусайн Бойқаро унга «эъзоз ва икром қилғондин сўнгра йилда беш минг олтин ёрмоқ ва икки юз харвор ошлиқ важҳи маош учун муқаррар қилдилар. Бовужуди улким, бир қуруқ бошли мужаррад киши эрди, оздур деб, ёмонлаб Арабистонға борди».

Навоий фикрича, халқ манфаати, илм равнақи учун қилинадиган ҳар қандай иш тама ва воситасиз бажарилиши лозим. Акс ҳолда қилинадиган ишнинг моҳияти қолмайди. Агар масала келиб пул, бойлик билан боғланса, унда иш бажарган кишининг ахлоқи нуқсонли бўлади, одамийлик йўқолади. Биз юқорироқда Жомий асарларини кўчирган котибнинг ҳаддан ташқари кўп маблағ тилагани ва Навоийнинг юзсиз котибга айтган нафратомиз сўзларини мисол қилиб кўрсатган эдикки, бу ҳам юқоридаги фикримизга далилдир.

Ахлоқнинг юксак чўққиси ҳисобланган дўстлик, самимият ва камтарлик ҳам Навоий шахсиятининг безаги бўлди.

Навоий дўстликни энг юксак намуналарини ўзининг устози ва яқин дўсти Жомий мисолида кўрди. Жомийнинг дўстликка муносабати ёзувчилар салтанат аҳли ва умуман, барча кишилар учун ибрат намунаси бўлган: «Бу навъ соҳиб давлати бузургвор ва бу янглиғ соҳибкамоли нубувват кирдор бу хоксори паришон рўзгорни азим илтифотлари била сарбаланд ва ғариб навозишлар била аржманд қилиб, абнойи жинсим аро сарфароз, балки жинси башардин мумтоз қилур эрдилар».

Ана шу «сарфароз» ва «мумтоз»лик бу буюкларни ижодда ҳам бирлаштирди. Натижада ҳам Навоий, ҳам Жомий ижодида янгидан янги оригинал асарлар, бадиатан юксак, гуманистик ғоялари кучли достонлари майдонга келди. Навоий «Хамса»сини тугатар экан, уни биринчи бўлиб дўсти ва устози Жомийга ўқиттиради ва ўзининг ютуғини у билан баҳам кўради:

Ки еттим анга (Жомийга –Ҳ. Қ.) ким эрур мақсадим,
Ки ҳар дам демакка отин-йўқ ҳадим.
Ниёз айлаю остонин ўпиб,
Бийик сидрайи чарх шонин ўпиб.
Чекиб «Хамса»ни жузвдондин равон,
Қўюб хизматида мени нотавон...
Назар солди очиб варақ-барварақ,
Бўлиб мултафит чун очиб ҳар варак.
Қаю сўздаким бир савол айлабон,
Жавобин дегач, завқу ҳол айлабон.
Қилиб гоҳ таҳсину гоҳи дуо,
Ки юздан бири йўқ манга муддао.

Жомий ва Навоийнинг бундай дўстлиги ва ҳамкорлиги ҳақида жуда кўп мисол келтириш мумкин.

Навоий фикрича, дўстликнинг чегараси йўқ. Унингча, дўстликни на кишининг мансаби, на ёши, на ижтимоий келиб чиқиши бузмаслиги лозим. Навоий Самарқандда ўқиб юрган пайтида ўша пайтда сиёсий нуфузи бўлган, давлат ишларида катта обрўга эга бўлган дўсти Сайид Ҳасанга замона нотинчлиги, адолатсизлигини арз қилиб ёзган мактуби кишининг дўстга ишонч билан ёндашишининг бир мисолидир.

Навоий ёзувчиларнинг кўпроқ самимияти, дўстликка муносабати, хулқининг олийлиги билан ўлчайди, кейин ҳаётий, ишонарли деталлар билан кишилардаги ана шу хусусиятни очишга, баҳолашга киришади. Шайх Камол Турбатий ўз даврининг донишманд кишиларидан бўлган. Унинг Навоий билан биринчи учрашуви Машҳадда, Навоийнинг бетоблик пайтида ўтади. Ёш Навоийнинг юксак шеърий ва ақлий истеъдодини эшитган Турбатий уни севиб, дўст бўлиб қолади ва бемор ёш Алишерни табобат қилишни буюради ва ўзи унинг ҳолидан хабар олиб, турли неъматлар билан таъминлаб туради: «манзилиға бориб тўҳфа ва табаррук ва савғот йўсини била юборди ва то анда эрди. Шайх била ошнолиқ тақриби бундай воқеъ бўлди» деган Навоий, Шайх Камол Турбатий шахсиятида дўстликка содиқ, самимияти кучли, беғараз, камтар кишини кўради.

Навоий «содиқ дўст» тушунчасини инсоний хулқнинг юксак намуналари бўлган шафқат, бир-бирига мадад, вафо ва камтарлик билан қоришган ҳолда тушунади. Паҳлавон Муҳам-

мад билан Навоий дўстлиги ҳам мақтовга арзигулик. Паҳлавон ўзининг ёш замондоши Алишернинг юксак инсоний хусусиятига тан берар экан, умрининг охиригача унга дўст бўлиб қолади. Навоий шу дўстлик рамзи сифатида Паҳлавонга атаб ёзган асарида уни фақат Навоийгагина содиқ дўст бўлмасдан, барча билан камтарона, самимият билан муомала қилувчи шахс эканлигига ишора қилади: «Биз иковдин-иков ҳар кўйда югурган, ўзин ҳар аҳли дил шарафи мулозаматига етурган. Анинг рифқу мувофақатидин не тил била тақрир қила олғаймен ва не қалам таҳрири била баён қила олғаймен. Мундин ўтмаски, қирқ йил бир менингдек худрой ва бесарупой, ошуфтасори паришонрўзгор киши била мусоҳиблиқ қилайки, хотирға келмаски, андин хотирға ғуборе ўлтирмиш бўлғай».

Навоий дўстни ҳамиша энг оғир дамда синайди. Чунки шу пайтда кишининг инсоний хислатлари имтиҳондан ўтади, ҳақиқий дўст шунда билинади. Биз юқорида кўриб ўтган Камол Турбатий билан Навоийнинг дўстлигининг бошланиши ҳам Навоий бетоб бўлган чоғда содир бўлган. Паҳлавон Муҳаммад дўстлиги, содиқлигининг исботини ҳам Навоий шу деталь орқали кўрсатади: «Бу фақирни айни ифлос ва фалокат етгандан сўнгра мафосил марази тори келиб, бир гўшада йиқилдим. Иттифоқо Паҳлавон хизматлари ҳам ул айёмда Машҳадда эрди. Бу фақирнинг ҳолидин хабар топқондин сўнгра ҳар кун қадам ранжа қилиб, улча қоидаи шафқат ва ёрлиғ ва тариқи муҳаббат ва ғамхорлиқ бажо келтирур эрдилар – ангачаки мараз дафъ бўлди».

Алишер Навоий ахлоқ категориясининг яна бир томони–камтарликка катта эътибор берган. Камтарликка камолни кўрган шоир хоҳ ижоди ва хоҳ шахсий ҳаётида бўлмасин, ана шу хусусиятга содиқ қолди, адиблар шахсиятида ҳам ана шу хусусиятни камол топтиришга, уларни камтарликка чақиришга ундади.

Салафлар ижодига юксак меҳр билан қараган Навоий уларнинг олдида ўзини ўта хоксор ва камтар тутди, ўзига устоз деб билди. Гарчи ўзи ана шу буюклар қаторидан ўрин олган бўлса ҳам, камтарлик юзасидан ўзини улардан паст тутди, шогирдларга хос одоб сақлади:

Ит киби чун пастлиғим чоғладим,
Ўзни бийиклар ипига боғладим.
Бўлса алар озми дашти адам,
Мен ҳам ўйлай соя қири ҳамқадам.

Хондамирнинг Навоий ҳаётидан келтирган бир мисоли Навоий камтарлигининг яққол далили бўла олади. Маълумки, Навоий Шайҳам Суҳайлий билан бир кунда амирликка тайинланган. Ўша кунда «барчанинг хаёлида подшоҳ ҳукмига мувофиқ тадбирли амир *(яъни – Навоий* – Ҳ. Қ.) ҳаммадан юқорига муҳр босади деган фикр айланар эди... ул ҳазрат қоғозни олиб, ўша камтарлик юзасидан, шундай жойига муҳр босдики, ундан қуйироқда ҳеч ким муҳр босолмади»[1].

Хуллас, Алишер Навоий ёзувчи, умуман, шахс ахлоқини баҳолар экан, энг аввало, кишидаги халққа хизмат қилиш, адабиёт, маданият учун жон куйдирганларга катта эътибор берди. Улуғ адиб учун ижод ва ахлоқ бир-бири билан ажралмас хусусият ҳисобланарди ва адибнинг жамиятдаги роли ҳам ана шу бирлик асосида белгиланди.

[1] Х о н д а м и р. Макоримул-ахлоқ, 95-бет.

НАВОИЙНИНГ АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ БОБУР ВА ХОНДАМИРЛАР НИГОҲИДА

XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг бошларидаги адабий муҳитнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўша даврдаги адибларнинг ўз замондошлари ижодига танқидий ёндашишларида кўринади. Классик адабий танқид бу даврда турли йўллар билан ривожланганлигини, ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини, биз юқорида, Алишер Навоийнинг адабиёт вазифаларига бўлган қарашлари замирида, қисман кўриб чиқдик. Бу, энг аввало, классик танқиднинг ранг-баранг усул ва адабий жанрлар воситасида амалга оширилганлиги билан диққатни тортади. Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Мухтасар»и, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадойиъ-ус-саноеъ», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор» каби назарий рисолалари шундай дейишга асос бўлади. Айни пайтда классик достонларнинг кириш ва хотима қисмларида, насрий асарларда, иншо, муншаотларнинг ёзилиш қоидаларида ҳам танқидий тафаккурга тааллуқли фикрларни учратамиз. Чунки Алишер Навоий, Бобур, Хондамир каби мутафаккирларнинг, адабиёт вакилларининг жамиятдаги ўрни, шеърият, умуман адабиётга бўлган муносабати, шоир ахлоқи, эстетик қарашларини ўрганишга оид билдирган мулоҳазалари алоҳида мазмун касб этади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Навоий, Бобур, Хондамирларнинг бир ижодкорга берган баҳоларида маълум бир умумий мезон кўзга ташланади, улар ҳар бир адибнинг эстетик қобилиятига кенг йўналишни кўзда тутган ҳолда ижодкорнинг мусиқага муносабати ва мусиқий фаннинг билиш даражаси, наққошлик, рассомлик, бир ёки бир неча чолғу асбобида куй чала билиши, ёд олиш қобилияти ёки ўша давр тили билан айтганда қувваи ҳофизаси бор ёки йўқлигини эътиборга тутган ҳолда фикр юритадилар.

Мазкур сарлавҳадаги тадқикот доирасида биз бу ҳар учала адиб қарашларини қиёслашимиз тасодифий эмас, албатта. Биринчидан, улар бир-бирлари билан ўзаро яқин муносабатда бўлганлар. Масалан, Навоий ва Бобур ўзаро мактуб орқали боғланган бўлсалар, Хондамир Алишер Навоий тарбияти ва паноҳида, кейинроқ эса Бобур ва унинг ўғли Ҳумоюн саройида бўлган, ана шу давр тарихини яратиш билан машғул бўлган. Хондамирни истеъдодли тарихчи ва адиб сифатида Навоий ва Бобур ҳурмат этганлар, асарларида унинг ҳақида илиқ ва самимий фикр билдирганлар.

Табиийки, ҳар учала мутафаккир муайян шоир ахлоқи ва ижоди ҳақида мулоҳаза юритар эканлар, ўз йўллари, услубларидан келиб чиққан ҳолда фикрлайдилар. Навоий таҳлилида адабиётнинг ижтимоий роли, нозик талаблари биринчи планга чиқса, ҳар бир ижодкорга моҳир тарбиячи сифатида ёндашса, Бобур мулоҳазалари учун адабиётдаги камчиликларни, адиб шахсияти ва ижодидаги нуқсонларни очиқчасига ифода этиш хос. Бу аниқлик ва кескинлик замирида гоҳида шоҳ, ҳукмрон Бобурнинг қарашлари ҳам кўзга ташланади. Зеро,, фақат Бобурдек адиб ва айни пайтда шоҳгина ўша даврнинг айрим олий мартабали кишиларининг ахлоқи ва ижоди ҳақида очиқ мулоҳаза юритиши мумкин эди (масалан, Ҳусайн Бойқаро, Халил Султон, Шайхим Суҳайлий ва бошқалар ҳақида). Қолаверса, худди шу хислат Бобур дунёқараши, адабиётга бўлган муносабатини очишга ҳам кўмаклашади. Хондамирнинг ижтимоий мавқейи, албатта, Навоий ва Бобур даражасида бўлмаган. У қарийб

бутун умрини шу икки буюк шахс даргоҳида хизмат этиш билан ўтказган. Шунинг учун у кўпроқ фикрининг тасдиғи учун Навоийнинг адабиёт ва шоирга оид фикрларига мурожаат этади, устози фикрини қувватлайди. Хондамирдаги эътиборли жиҳат шундан иборатки, у кўпинча нозик ифода ва мисоллар орқали тадқиқ этилаётган шоир ижоди ва шахсиятига оид қимматли маълумотларни қолдиради. Бу маълумотлар кўпинча Навоий ва Бобур қарашларига ойдинлик киритади, уларни тўлдиради, кўп жиҳатлардаги муғлақ ва хира жойларни мукаммалроқ англашга ёрдам беради.

Биз юқорида Сайфий Бухорийнинг сатира ва мазҳақа жанрига мойиллиги, Навоийнинг унинг ижодига берган баҳоси масаласига тўхталиб ўтган эдик. Навоий «Мажолисун-нафоис»да бу шахсни Мавлоно Сайфий деб атайди (Хондамир ҳам «Таърихи Ҳабибус-сияр»да шу ном билан атаган). Бобур эса Сайфийнинг бухоролик эканлигига ишора этиб, «Сайфий Бухорий» дейди.

Алишер Навоий тасвирида Сайфий – ўз даврининг зукко, хуштабъ кишиларидан. Навоий Сайфийнинг масаллари ва турли касблар таърифида ёзган ғазалларини ўша даврда оригиналликка интилиш намунаси сифатида баҳолайди, унинг муаммо ҳақида рисола ёзганлигини таъкидлайди. Айни пайтда шоир ахлоқига мос тушмайдиган сархушлик (мастлик) нинг бу адибга хослигидан ачинади ва бу нуқсони ислоҳ бўлишига умид қилади. Бобур назарида Сайфийнинг камчилиги манманликдир. Лекин Бобур учун асосий масала адибнинг ижодидаги камчиликдир: «Девон тартиб қилибтур, яна бир девони ҳам борки, жами ҳирфагарлар учун айтибгур, масални кўп айтибтур». Худди ана шу ергача Бобурнинг баҳоси Навоийнинг Сайфийга берган баҳоси билан ўхшаш. Бироқ унинг бундан кейинги мулоҳазалари ўзига хос тарзда давом этади. У «маснавийси йўқтур» дер экан, Сайфий ижодидан тўрт мисра келтириб, муаллифнинг «Хамса»дан кўра ғазалнинг беш байтини устун билганлигини таъкидлайди. Демак, Бобур шу мисол билан ўша давр адабиётида адабий жанрлар ҳақида баҳслар борганлигига ишора қилади ва Сайфийнинг бу борадаги қарашини аниқ белгилаб беради. Бобур бу билан қониқмайди. У Сайфийнинг аруз ҳақида ёзган асарини таҳлил этиб, «...бир форсий арузи бор. Бисёр камсухандур, бир ҳисоб била асру пурсухандур. Камсухан бу маъни билаким, кераклик нималарни битимайдур. Пурсухан бу маъни билаким, равшан ва зоҳир калималарни нукта ва эътиборигача битибтур», тарзида ўз фикрини баён қилади. Албатта, бунда Бобур Сайфий ижодининг Навоий таъкидламаган салбий жиҳатини – барча учун маълум мавзуни ёзиш, ёзганда ҳам уни яна чуқур изоҳлаб ёзишни қоралайди, адабиётни эл учун фойдали, «теша тегмаган» асарлар билан бойитиш кераклиги ҳақида мулоҳаза юритади.

Хондамир Сайфийни Амир Хисравшоҳ томонидан ўлдирилганлигини таъкидлайди. Шоирнинг бадиҳа жанрига оид жуда характерли бир байтини келтирадики, шу байт орқали ҳам ижодкор бадиий маҳорати ҳақида маълум тушунча ҳосил қилса бўлади.

Навоий, Бобур, Хондамирнинг асарларида қайд этилган Камолиддин Ҳусайн сиймоси ҳам эътиборга лойиқдир. Навоий тасвирида Камолиддин, асосан, ижобий характерга эга, фақат «ўзини шайхлик исмиға мавсум» қилиши унга ёқмайди.

Бобур бу шахснинг тасаввуф илмидаги ютуғини таъкидлайди ва бу фанда ўз «усули» борлигини уқдирадики, бу, албатта, Камолиддинга берилган юксак баҳодир. Бироқ унинг Ҳусайн Бойқарога бағишлаб ёзган «Мажолисун-ушшоқ» асарига ўта танқидий ёндашади. У, аввало, Камолиддин Ҳусайн асаридаги мазмун ва шаклга алоҳида диққатни қаратади. Унга асарнинг «сустлиги ва аксар ёлғон»лиги ёқмайди. Бобур «беадабона ҳарфлар битиб-

тур» деб бадиий асардаги маълум сўз ва ибораларни ишлатиш қоидаларига риоя этмаган Камолиддин Ҳусайнни танқид қилади. Бобурнинг фикрича, муаллифнинг «таваҳҳуми куфрлиги» нимада? Бу Камолиддин Ҳусайннинг анъанавий классик сюжетлардан қочиб, оригиналликка интилиши бўлса, ажаб эмас. Зеро,ки муаллиф анбиё ва авлиёни ишқбозлик руҳида тасвирлаган ва бунинг устига уларнинг ҳар бирига маъшуқа танлаган. Бобур назарида бу ўша даврдаги ахлоқ нормаларини бузилиши эди. Ваҳоланки, XV–XVI аср адабиётида ана шундай оригинал сюжетларга интилиш ҳоллари кўп бўлган (масалан, Навоий зикр этганидек, Сайфий ғазалнинг анъанавий ишқ мавзусида эмас, балки турли касб эгалари ҳақида ғазал ёзган ёки Ҳилолийнинг «Шоҳ ва Гадо» достонининг сюжети бунга мисолдир).

Бобур Камолиддин Ҳусайннинг «Мажолисун-ушшоқ» асари ҳақидаги фикрини давом эттирар экан, бу асарга Султон Ҳусайн Бойқаронинг «муҳаррирлиги» масаласига бизнинг диққатимизни тортади. «Мажолисун-ушшоқ»ни мазмун ва шакл жиҳатидан бўш деб билган Бобур Ҳусайн Бойқаронинг бу асарга дебоча ёзишини «гўлона амредур» деб баҳолайди ва унинг «ўзимиинг тасдир ва таснифимдур» деган фикрини маъқулламайди. Бобур бошқа бир ўринда Ҳусайн Бойқаронинг ҳарбий юришлари, қиличбозлигини мақтайди, лекин унинг адабий шеърий қобилиятини баланд баҳоламайди, балки танқидий ёндашади, «баъзи байтлари ёмон эмастур, вале Мирзонинг девони тамом бир вазндадур» деганини юқорироқда ҳам зикр этган эдик. Бу ўринда шундай савол туғилиши табиий: Навоий Камолиддиннинг бу асарини бўш ва бадиий жиҳатдан сустлиги ҳамда Ҳусайн Бойқаронинг бу асарга нолойиқ сўзбоши ёзганлигидан хабардормиди? Навоийнинг бундай адабий воқеадан хабарсиз қолиши ҳақиқатдан узоқ. У бу асар Ҳусайн Бойқаро номи билан алоқадор бўлганлиги сабабли баҳо беришдан ўзини тийган бўлиши мумкин. Қолаверса, Навоийнинг адиб ижодига баҳо беришида Бобурдагидек «чўрткесарлик» ҳоли ҳам жуда кам учрайди.

Биз Хондамирнинг Камолиддин Ҳусайн шахсиятидагн нолойиқ ҳаракат-обрў – эътибор орттириш ниятида Жомий номини сотиб, Яъқуб Мирзони алдаганини, кейин Навоий ундан юз ўгирганини унинг «Таърихи Ҳабибус-сияр» асаридан келтирган мисолимизда кўриб ўтдик.

Навоий, Бобур, Хондамирларнинг Бадриддин Ҳилолий ижоди борасидаги мулоҳазалари ҳам қизиқарлидир. Навоий ёзади: «...ҳофизаси яхшидур, табъи дағи ҳофизасича бор. Сабақ ўқимоқ таклифи қилибтур, умид улким, тавфиқ топғай...» Хондамир эса Навоийнинг орзуси ва мўлжали амалга ошганлиги, Ҳилолийнинг катта шоир бўлиб етишганлиги ҳақида гапиради, Ҳилолийни замон шоирларининг бошлиғи ва давр билағонларининг сарвари сифатида баҳолайди, унинг қасидалари, ғазал, маснавийлари кўпинча юксак ва равон ёзилади, дейди. Шунингдек, Хондамир Ҳилолий бадиий маҳорати ҳақида кенг фикр юритади, унинг «Шоҳ ва Дарвеш», «Сифот ул-ошиқин», «Лайли ва Мажнун» каби достонлари ҳамда қасида ва ғазалларга бой девони борлигини айтади, ижодидан намуналар келтиради.

Бобур Ҳилолий ҳақидаги фикрини келтиришдан олдин шуни таъкидлаш керакки, Ҳилолий ўша давр учун мазмун ва шакл жиҳатидан оригинал бўлган «Шоҳ ва Дарвеш», «Сифот ул-ошиқин» достонларини яратган. Шоир «Шоҳ ва Дарвеш» достонида ўша даврдаги ҳукмрон шахслар ахлоқини танқид қилди, улардаги мавжуд иллатларни маҳорат билан фош этди. Бобур Ҳилолийнинг «ғазаллари ҳамвор ва рангин ва кам хадшадур» деб унинг ижодига жуда одилона баҳо беради. Лекин Бобурга Ҳилолийнинг «Шоҳ ва Дарвеш» достони мазмуни жиҳатидан мутлақо ёқмайди. У Ҳилолийни анъанавий услубни бузганликда

айблайди: «шуаройи мутақаддим ишқ ва ошиқлик учун маснавийларким айтибтурлар, ошиқликни эрга ва маъшуқликни хотунға нисбат қилибтурлар. Ҳилолий Дарвешни ошиқ қилибтур, Шоҳни маъшуқ».

Кўриниб турибдики, бу ерда ҳам Бобурга Ҳилолий асарининг ғояси – шоҳларни танқид қилиш маъқул тушмаган, бошқача қилиб айтганда, шоҳ Бобурга Ҳилолий асаридаги Шоҳнинг фош этилиши маъқул бўлмаган. Ҳилолий ижоди ва шахсиятининг бошқа томонларига баҳо беришда Бобур ўта объективлигича қолган: «Бисёр қавий ҳофизаси бор эмиш, ўттуз, қирқ минг байт ёдида бор эмиш. Дерларким, «хамсатайн»нинг аксар абёти ёдида бор. Аруз ва қофия ва шеър илмиға хейле мустаҳзардур».

Юқоридаги ҳар учала адибларимизнинг назари тушган шоирлардан яна бири Осафийдур. Осафий ҳақидаги Навоий, Бобур ва Хондамирларнинг баҳоларида умумий бирлик мавжуд. Ҳар ерида ҳам шоирнинг ижоди ва ахлоқи бирга олиб таҳлил этилади. Ҳар учала мунаққидларимиз, юқорида қайд қилганимиздек, масалага ўз қарашлари билан ёндашадилар. Масалан, Навоий таърифида Осафийнинг хуштаъблиги, ҳофизаси (шеър ёд олиш қобилияти) «бағоят хуб»лиги таъкидланади, шоир характеридаги «раъносифатлиқ ва худоройлик» қаттиқ танқид қилинади. Навоийнинг ушбу таърифи ўз навбатида ҳам Бобур, ҳам Хондамир учун маълум даражада маёқ вазифасини ўтаганлигини кўрамиз. Чунки Навоий Осафий характерини баҳолаганда унинг салбий жиҳатларига кўп эътибор қилади, шоирнинг бу камчилигидан ич-ичидан қайғуради, уни ислоҳ бўлишини истайди.

Бобур ҳам Осафий шеъридаги бадиийликни ижобий баҳолайди, аммо жуда нозиклик билан бу асарларини «ишқ ва ҳолдин бебаҳрадур» деб танқид ҳам қилади. Бобур Осафий характеридаги нуқсонларни шунчаки зикр этмайди, балки ўринли мисол билан фикрини тасдиқлайди. Худди шу мисол орқали ҳам ўқувчи Осафий ахлоқи ҳақида тегишли хулосага келади. Айни пайтда худди шу хусусият Навоий таъкидлаган Осафийдаги камчилик («ғариб сифот») ликнинг бир лавҳаси сифатида кўз ўнгимизга келади: «ўзининг даъвоси бу эдиким, мен ҳаргиз ҳеч ғазалимни йиғиштурмоқ водисида бўлмадим. Ғолибо такаллуф бўлғай. Бу ғазалиётини иниси ё қаробати жамъ қилибтур». Бунда Бобур ҳам худди Навоий услубига мос ҳолда Осафий ижодини унинг ахлоқи билан бирга олиб таҳлил этмоқдаки, диққатни тортади.

Хондамир Осафий ҳақида фикр билдирар экан, бу шоирнинг ўткир зеҳн эгаси эканлигини, унинг Султон Абусаид, Алишер Навоий, Бадиуззамон хизматида бўлганлигини таъкидлаб, шу қатори девони борлиги ва эл орасида машҳурлигини айтиб, шу девондан бир байт келтиради. Хондамир Осафий шахсиятидаги камчиликка ишора қилмаса-да, унинг ҳаётдаги беқарорлигини, қисқа умрида бир неча ҳукмдор ва устозлар хизмат ва тарбиясида бўлганлигини таъкидлаб, Навоий ва Бобурнинг ушбу шоир характеридаги беқарорлик ва паришонлик ҳақидаги фикрларига зимдан ҳамроҳ бўлади.

Адабиётшунослик, адабий танқидга оид яратилган асарларга давр алломалари томонидан берилган баҳолар ҳам ғоят эътиборлидир. Ўша пайтда адабиёт назарияси, танқидчиликка оид яратилган асарларни тўғри баҳолаш, бадиий танқидни одил ва холис жараёнга айлантириш муҳим аҳамиятга молик эди. Бу юмушнинг бошида Алишер Навоий турар эди. Навоий яратилаётган ҳар бир адабий-танқидий, адабиётшуносликка оид асарни синчиклаб ўрганарди. Унинг мундарижаси, йўналиши, давр адиблари асарларига холисона баҳо берганлиги ёки бермаганлигини қаттиқ назорат килиб келганлиги ҳақида ўз асарларида ва

замондошларининг ёзишмаларида талай қайдлар учрайди. Улуғ адиб бундай илмий асарларни баҳолабгина қолмасдан, давр адабиётшуносларини шундай асарлар яратишга чорлади, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирди, катта масъулиятли иш олдида чўчимаслик, уни яратишга шижоат билан киришишни тилади ва ўзи юксак даражадаги назарий асарларини яратди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўша пайтда бу асарлар моҳиятини тўғри белгилаш адабиёт манфаати нуқтайи назари билан унга ёндашиш, адабиёт даргоҳига янгидан кириб келаётган ёш ижодкорни чалғитмаслик, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга эди. Бу вазифани уддалаш учун эса улкан адабиётшунос, холис мунаққид ва шу қатори катта обрўга эга бўлган кишилар зарур эди. Ўзбек адабиётида Алишер Навоий қатори бу масъулият Заҳириддин Муҳаммад Бобур зиммасига ҳам тушди. Фикримизнинг далили учун бу икки алломанинг ўша даврдаги бир адабиёт назариётчиси ижодига берган баҳоларини чоғиштириб чиқамиз. Бу ижодкор Мир Атоуллоҳ Ҳусайнийдир.

Навоийнинг Мир Атоуллоҳга берган баҳосида адабиёт назарияси ҳақида асар ёзувчи киши бу соҳанинг турли жанр ва турларидан тўла хабардор бўлиши керак, деган ишора бор. Зеро, у Атоуллоҳга «бовужуди донишмандлик шеър ва муаммо ва саноеъда даҳи маҳорат пайдо қилди» деб баҳо берар экан, унинг юксак назарий асари «Бадоеъи Атоий» («Бадоеъ-ус-саноеъ»нинг иккинчи номи) ҳақида сўз очади. Бироқ, шунга қарамасдан, Навоий Атоуллоҳ шахсиятида айрим нуқсонлар борлигига ҳам ишора қилади ва дейди: «Мир Атоуллоҳ Нишопурдиндур. Андин илм таҳсили учун шаҳрға келди... Фақир гўстоҳлиқ юзидин Мирға дерменким фазойилу камолингизға кўра дарвешлигингиз ҳам бўлса эрди. Билурким, мусаллам тутмаса, собит қилурмен, заруратдин мусаллам тутар». Навоий баҳосидаги нозик томонга эътибор берайлик. Биз юқорида давр шоирларининг нафақат сарвари, балки тан олинган пири, бошлиғи эканлигини айтдик. Бунда ҳам Навоий Атоуллоҳдек кўзга кўринган адибга танбеҳнамо фикр («дарвешлигингиз ҳам бўлса эрди») ни зикр этар экан, уни ислоҳ бўлишига аниқ ишора этади, зероки, Навоийнинг бу тилаги давр талаби, Атоуллоҳдек адиб учун, унинг ахлоқи учун ҳам қарз ва ҳам фарз бўлган жиҳатдир.

Бобур ҳам «Бобурнома»да келтирган маълумотида Атоуллоҳни ўз даврининг йирик назариётчиси эканлигини уқтиради. Бобур Атоуллоҳ ахлоқига оид нуқсон ҳақида гапириб, уни ҳақли равишда танқид қилади. Одатда, классик адабиётда шеър қонунияти, назариясига оид асар ёзган киши шеърий мисолларнинг кўпчилигини ўзидан олдин ўтган сўз санъаткорлари, ўткир замондош шоирлар ижодидан келтириши зарурий шарт ҳисобланган. Бироқ қофия ҳақида илмий рисола ёзган Атоуллоҳ, Бобур зикр қилганидек, «амсила (мисол) учун тамом ўзининг абётини (байтларини) келтирибтур». Ана шу–шоир ахлоқига зид бўлган ҳолат Бобур танқидига учрагаи.

Хондамир ўзининг «Таърихи Ҳабибус-сияр» асарида Атоуллоҳ ҳақида маълумот беради ва Навоий ҳамда Бобурнинг унинг ижоди ҳақидаги ижобий баҳоларини такрорлайди, уни адабиёт назарияси, қофия илмида яктои давр билади ва шеърий санъатлардан бирида «Биҳамдуллоҳ ки шуд ҳосил жаҳонро равнақе комил» мисраси билан бошланадиган қитъасини келтириб, унинг санъати учун шу қитъани қайд этишнинг ўзи кифоя деб билади.

Навоий, Бобур, Хондамирлар ижодига назар солар эканмиз, бу учала замондош алломанинг жуда кўп ижодкорларга холис баҳо берганликларини шоҳиди бўламиз. Буларга Дарвешбек, Султон Махмуд, Хўжа Абдуллоҳ, Мавлоно Биноий, Мир Сарбараҳна, Бойсунғур

Мирзо, Амир Шайхим Суҳайлий ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Улар бу шахсларни адиблиги қатори бошқа хусусиятлари, масалан, Хўжа Абдуллоҳнинг мусиқага рағбати борлиги, айниқса уд чолғу асбобида маҳорат билан куй ижро этиши, Бойсунғур Мирзонинг шоирлигидан ташқари настаълиқ хатини яхшигина битиши, наққошликка Навоий таъкидлаганидек, «илиги ёмон эмас»лиги, Мавлоно Биноийнинг мусиқага оид рисола битганлиги ва бошқалар ҳақида маълумотлар берилган. Ушбу жиҳатни чуқурроқ ўрганиш ўша давр адабиётшунослиги ва адиб маҳоратини белгилашда анча ёрдам беради.

«АЛАРНИНГ ҲАМ МУБОРАК ХОТИРАЛАРИҒА...»

Алишер Навоий бош бўлган адабий ва сиёсий муҳитдаги шахслар адабиётнинг ижтимоий вазифаси, давр кишиларига юксак инсоний хислатларни сингдириш масаласида ҳамфикру ҳаммаслаклик, ҳамнафаслик зоҳир этганликларига гувоҳ бўламиз. Бу, айниқса, муайян бадиий асарни яратилиши, сиёсий воқеа-ҳодисаларга бир хил баҳо билан ёндашиш, давр талабига ҳамоҳанг асар яратиш заруратини бирга идрок этиш каби таҳайюлий ҳолатларда кўринади. Бу–табиий, айни пайтда объектив заруратдан келиб чиққан ҳодисанинг мазкур изланишлар мавзуси учун қандай боғлиқлиги бор, деган савол туғилиши аниқ. Бу, энг аввало, Навоий даври адибларининг ижодий ҳамкорлигини англашга имкон берса, иккинчидан, ўша давр адабиётининг қайси жанр ва турларга зарурат сезганини ҳам кўрсатади. Қолаверса, худди шу мисоллар Навоий ва унга ҳамдаму ҳаммаслак, дўст, ижодда ҳамқалам бўлган кишиларнинг дунёқараши, адабиётга муносабати, адабий жанрларнинг бир-биридан афзаллиги ва адабиёт тарихида салмоқли ўрин эгаллаган адибнинг мавқеини белгилашда ҳам рўшнолик киритади, деган умиддамиз.

Кейинги пайтда дунёнинг турли нуқталарида экстрасенслар – руҳшуносларнинг турли йўналишда фаолият кўрсатаётганликлари, узоқ масофалардан туриб бир-бирларига таъсир ўтказишлари, беморларни даволашлари кундалик ҳаётимизнинг бир бўлагига айланмоқда. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, телепатик ҳодисалар кўпинча (телепатик сезгилари ўта кучли бўлган айрим кишиларни ҳисобга олмаганда) шу ҳодисалар бевосита содир бўладиган кишиларнинг руҳияти, дунёқараши, жамиятдаги ўрни яқинлиги, бир масала ва бир мавзуда фикр юритишнинг ҳар иккала кишида бир вақтда содир бўлишида кўринади. Алишер Навоий асарларида, у билан замон бўлган адиблар ёзишмаларида бундай ҳолатларни кўп учратиш мумкин. Айниқса, бу ҳол Навоийга ўта яқин бўлган Абдураҳмон Жомий, Амир Шайхим Суҳайлий ва бошқаларнинг ижод намуналарида кўзга ташланади.

Биз ишимизнинг юқоридаги қисмида Жомий ва Навоийнинг ўзаро дўстлиги ва ҳамкорлиги ҳақида талай фикрлар билдирдик. 1475–76 йилларда Абдураҳмон Жомий ўзининг сўфиёна қарашлари асосида шу мазҳабнинг йирик_вакиллари ҳақидаги маълумот ва саргузаштларидан ҳикоя қилувчи «Нафаҳот ул-унс...» номли асар яратди. Бу Жомий томонидан яратилган «навбатдаги» асар бўлмасдан, давр, фалсафий-илмий муҳит, қолаверса, Жомий қарашларини ифодалаган ноёб хазина сифатида олам юзини кўрган. Унда улуғ адиб давр кишилари учун юксак ахлоқ, ҳалол меҳнат орқали яшаш, инсоф, диёнат, имон каби ахлоқий тушунчаларни тарғиб этади. Жомий асарида машойихларнинг саргузаштлари, ахлоқий-дидактик қарашлари орқали давр кишиларини тарбиялаш, уларда диний-ахлоқий ақидани юксалтиришга интилди.

Навоий асар яратилганидан 15-16 йил ўтгандан сўнг «Нафаҳот ул-унс»ни ўзбек (турк) тилига таржима қилишни мақсад қилади. Бундан мақсад– туркийзабонларни ҳам баҳраманд этиш эди.

Кунлардан бирида Навоий Жомий олдига келади ва ўзининг бу мақсадини унга изҳор этиб дейди: «бу мазкур муддаони *(яъни «Нафаҳот ул-унс»ни туркий тилда таржимасини –Ҳ.Қ.)* арз қилдим, Ғариб ҳол даст бердиким, аларнинг ҳам муборак хотирларига биайниҳи ушбу навъ ўтар эрмиш».

Кўриниб турибдики, Навоий хотирига келган юқоридаги асарнинг таржимаси айнан бир вақтда Жомий хаёлидан ҳам ўтган. Навоий ва Жомий ўша пайтда бу асарнинг ҳам ўзбек ва ҳам тожик китобхони учун ўта зарурлигини бир хил тушунганлар. Ушбу фикрнинг бир вақтда ҳам Жомий ва ҳам Навоийда келиши ҳар иккала адибнинг адабиёт вазифасини бир хилда идрок этиши, мазкур асарнинг давр талабига мос тушишини англаши, қолаверса, туркийзабон ўқувчилар учун ушбу асарнинг заруратини Навоий қанчалик зарур билса, Жомий ҳам худди шунчалик лозимлигини таъкидлаши – бу иккала адибнинг ижодда ҳам ҳамнафаслигидан яна бир карра далолат беради. Алишер Навоий Жомий вафотидан уч йил кейин (1495 йилда) мазкур асарни «Насойим ул-муҳаббат...» номи билан эркин таржима қилади ва бу асарда кўп янги шахсларни – сўфиёна ақидага молик шайхлар, адиблар, жумладан, Абдураҳмон Жомийнинг ўзини ҳам қўшади, ўзининг асар мавзуси билан боғлиқ қарашларини илова қилади.

Хўш, XV асрда Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» ва Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарлари қайси зарурат юзасидан олам юзини кўрди? Бу биринчи галда шу билан изоҳланадики, ушбу асарлар тасаввуф буюклари ва жорубкашларининг дунёқараши, ахлоқи ва шахс тарбияси бобига қаратилган. XIV–XV асрларда Баҳоваддин Нақшбандийнинг «Дил ба ёр, даст ба кор» («худони (ёрни) кўнгил билан таниб, қўлни ишдан узма») назарияси таъсирчан ғоя бўлиб, Шарқ ренесансининг ривожига арзигулик таъсир ўтказган эди. Қолаверса, ҳам Жомий ва ҳам Навоий ўз дунёқарашларида тасаввуф ғояларини асос билиб, ўз асарларида ана шу фалсафий оқимнинг мағзини сингдиришга, унинг чуқур илмий атамаларига берилиб, ўз дунёқарашларини баён этганлар. Бугунги кунгача Навоий ва Жомий асарлари кўпинча ана шу юксак таълимотдан узилган ҳолда тадқиқ этилди, натижада, ёнғоқнинг мағзи қолиб унинг пўчоғини чайнаш ҳолигача етдик. Ана шу таълимотнинг яна бир таъсири бўлса керакки, ҳам Жомий ва ҳам Навоий давр адиби, файласуфи ким бўлишидан қатъий назар маълум касб-кор билан шуғулланиб, моддий бойлик яратиши, ўз меҳнати эвазига яшаши лозим деган ғояни илгари сурар эканлар, тасаввуф оламининг дардини баён этиш билан бирга машҳур шайх Абул Аббосни қассоблик, Шайх Иброҳим Ажрийни ғишт қуйувчи, Шайх Абу Хафиз Ҳаддодни темирчилик билан шуғулланганлигини таъкидлаганлар. Ушбу асарда жуда кўп шайх ва зодагонларнинг кулолчилик, ошпазлик, косиблик билан шуғулланганликлари мисол қилиб кўрсатилади. Тасаввур этайлик, агар бугунги кунда ҳам барча касб аҳли бир ҳунарни эгаллаб, эл дардига ярайдиган кийим-кечак, уй анжомлари, деҳқончилик маҳсулотларини яратганида эди, эҳтимол бугунги камчиликлар тўфони содир бўлмасмиди?! Албатта, Навоий ва Жомийнинг бу таълимоти бугунги давр кишисининг тарбиясига ҳам зарур эканлигига шубҳа этмаса ҳам бўлади.

Форс-тожик классик адабиётида қасида жанрининг етук вакили Авҳадуддин Анварий (1105–1187)дир. Ундан 250 қасида, 557 қитъа, 337 ғазал, 472 рубоий ва бошқа шеърлари бизгача етиб келган ва 15.000 байтни ташкил қилади. Анварий бутун ижоди давомида жуда кўп қасида, ғазал, қитъа, пандномалар яратган бўлиб, унда ҳам ширин лирик мисралар, ҳам замона ҳокимларининг мадҳи ва ҳам уларнинг танқиди мавзу вазифасини ўтаган. Бироқ, Анварийчалик Шарқ классик адиблари орасида қасидани бутун талаб ва назокати билан куйлаган ва бу жанрда кўп ижод килган адиб бўлмаса керак.

Кунлардан бирида Алишер Навоий билан Абдураҳмон Жомий Анварий қасидаси ва ғазаллари ҳақида суҳбат бошлайдилар. Шунда Навоий Жомийдан Анварий қасидаларидан бирини номлаб, уни ўқиб чиқиб, мулоҳаза билдиришни илтимос қилади. Жомий жавобан

бундай дейди: «ажаб сўз айтдинг, биз уч-тўрт кунда бу қасидасин ўқиб, хушҳол бўлиб, ғоят хуш келгандин жавоб ҳам айтибмиз», дейди. Бу эпизоднинг қизиқ томони шундаки, Анварий мазкур қасидасини Навоий давридан тахминан уч аср илгари яратган. Бу қасида Навоий ва Жомий томонидан турли вақтда ўқилиши ва унга жавоб яратилиши ҳам мумкин эди. Лекин мазкур қасида айнан бир вақтда ўқилиши ва унга жавоб яратилиши ҳам мумкин эди. Лекин мазкур қасида айнан бир вақтда ҳар иккала адибга «тинчлик» бермаган, айнан бир вақтда уни мутолаа қилиш фикри келган. Яна бир муҳим жиҳат: Биз юқорида Анварийдан бизга 250 қасида мерос қолганлиги ҳақида айтдик. Энг диққатга лойиқ жойи шундаки, ҳам Навоий ва ҳам Жомий айнан бир вақтда айнан бир қасида–Анварий қасидаларидан биттасини бир-бирларидан хабарсиз ҳолда танлаганлар, шу ҳақда фикр юритганлар, ҳатто Жомий Навоий билмаган ҳолда унга жавоб ҳам яратган. Бу яна бир марта шуни кўрсатадики, Жомий ва Навоий Анварийнинг мазкур қасидасини моҳияти, бадиий салмоғи, давр учун муҳимлиги жиҳатидан бир вақтда хулосага келганлар, унинг ижтимоий-маънавий заруратини бир вақтда англаганлар.

Мазкур мисолда гап Анварийнинг қайси қасидаси устида кетаётганлиги маълум эмас. Эҳтимол, бу унинг давр ҳокими Султон Санжарга бағишлаган қасидасидир ва ёки шоирнинг машҳур «Савганднома» қасидасидир. Ҳар ҳолда шуниси маълумки, XV аср шоирларининг икки йирик сарвари айни бир вақтда Анварий қасидасига бири жавоб ёзади, бири у билан жиддий қизиқади. Эҳтимол бунда Анварий қасидасидаги тасаввуф ғояларининг сўфиёна атамалар гирдобида берилиши ва шу мураккаблик заминида муаллифнинг беқиёс, такрорланмас ички олами сиррини ҳувайдо этиш нияти Навоий ва Жомийни қизиқтиргандир. Кўрганимиздек, Навоий Жомийдан Анварий қасидасини шарҳлашни сўрайди. Ана шу мураккаблик бўлса керак, Анварий қасидаларига жуда кўп шарҳлар (жумладан, Алавия Шодиободий (XVI аср), Абулҳасан Фароғоний (XVII аср)нинг шарҳлари) битилган. Ҳар ҳолда Анварийнинг сўфиёна қараши, қасидасидаги пуржило тасвир ва бадиий кўркамлик, ноҳақликларга эътирози Навоий ва Жомий диққатини бир вақтда тортганлиги билан муҳим. Шубҳасиз, Жомий ва Навоий Анварий адабий мероси, айниқса? қасидалари жилосидан баҳраманд бўлганликлари аниқдир.

Алишер Навоийга Абдураҳмон Жомийчалик яқин кишилардан бири Амир Низомиддин Аҳмад Суҳайлий (1512 йилда вафот этган) бўлган. Суҳайлийнинг жамиятдаги ўрни Навоийга анча яқин бўлган. У ҳам Ҳусайн Бойқаронинг салтанати даврида аввал амирлик, кейин эса вазирлик вазифасини адо этган. Суҳайлий фақатгина давлат арбоби бўлибгина қолмасдан, шоир сифатида ҳам маълум. Унинг форс-тожик ва ўзбек тилида яратилган девони, «Лайли ва Мажнун» маснавийси, қатор қасидалари унинг ўз даври адабиётининг етук вакили эканлигидан далолат беради. Навоий ўз асарларида Аҳмад Суҳайлий ижодига юқори баҳо беради, унинг юксак ахлоқи, одамийлиги ва камтаринлиги ҳақида тўхталиб, ўзининг яқин суҳбатдоши ва дўсти эканлигини билдиради. Суҳайлий Навоий билан фақат дўст бўлмасдан, адабий ҳамкор, ҳаммаслак киши ҳам бўлган. У кўпинча ёзган асарларини Навоий диққатидан ўтказар, айни вақтда Навоий ҳам ўз асарлари юзасидан у билан фикрлашар эди.

Хондамир ўзининг «Макорим ул-ахлоқ» асарида ажойиб бир мисолни келтиради. Кунлардан бирида Суҳайлий ўзининг қасидасини битказиб, Навоий фикрини билиш мақсадида унга ўқишга беради. Қасидани кўздан кечирган Навоий сўз пайвасталигини таъминлаш

мақсадида қасидада мадҳ этилган кишининг номидан кейин бир байт кераклигини айтади. Бу байтнинг айнан шу жойда зарурлиги Суҳайлийнинг ҳам хотиридан ўтганлигидан, айтади: «Менинг фикримга ҳам шу нарса келмоқда эди».

Ушбу мисолда форс-тожик ва ўзбек адабиётшунослигининг маълум талаб меъёри, қолаверса, Навоийнинг фақатгина конкрет асар, ёки катта жанрдаги муаммоларни ҳал қилишда сарварлик қилмаганлиги, балки ҳар бир бадиий асарнинг ипидан-игнасигача мос келишига эътиборини қаратгани, яратилган асарнинг комиллигига юксак назар билан қараганлигига шоҳид бўламиз. Назаримизда, Суҳайлийнинг юқоридаги қасидаси бағишланган шахсларнинг номидан кейин қасидани якунловчи, умумлаштирувчи байт муаллиф томонидан айтилмаган ва натижада мантиқ тартиби ва қасида жанрининг нозик талаби бажарилмай долган. Ушбу ҳол Суҳайлийга ҳам маълум бўлган, бироқ у шу ишни бажаришга ўз қарашини тугаллигига ишонқирамаган, Навоийнинг фикридан кейин эса ҳам қувонч (ўз фикри Навоий қарашига мос келганлиги учун) ва ҳам шартият назаридан шу байтни яратишни маъқул кўрган.

Шундай қилиб, Навоий ва унинг ҳамфикрлари, адабий ҳамкорлари орасидаги телепатик ҳоллар кўп жиҳатдан ана шу шахсларнинг ижоди, дунёқараши, адабиётга бўлган муносабатини ойдинлаштиради, адабиётнинг ўша даврдаги ўрнини белгилашга ёрдам беради.

«ДАВРОН ЭЛИНИНГ ЖИСМИДА ЖОН»

Алишер Навоийнинг адабиёт ва унинг вазифалари ҳақидаги қарашларида ҳам шоир Навоийнинг, ҳам адабиётшунос Навоийнинг ва ҳам давлат арбоби Навоийнинг дид-тушунчалари, эстетик қарашлари мужассамланган. Зеро, бу буюк алломанинг юқоридаги хислатлари, ижоди билан турли даврда олимлар шуғулланганлар. Адабиётнинг ижтимоий функцияси, унинг фалсафа билан ёндашлиги, бу икки фан соҳасининг бир-бири билан бевосита алоқадорлиги, давр, замон, эстетик талабнинг Навоийга ва Навоийнинг ана шу адабий-фалсафий йўналишга актив таъсири масалалари бугунги ижтимоий зарурат, навоийшуносликнинг муҳим масалаларидан биридир.

Алишер Навоий том маънода ўз истеъдоди, билимини халқ манфаати, давр тараққиёти учун бағишлаган улуғ зот эди. Бу буюк инсон ҳамиша эл дарди билан яшаш, халқ манфаати йўлида умр ўтказишни ўзининг инсоний бурчи деб билди. Унинг ўша феодал шароитида яшаб нидо билан:

Даврон эллинг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонлариға мояи дармон бўлғил

дейиши барча интилишлари, ҳаракати, ижоди ана шу даврон элининг фикр-ўйларини тараннум этишга, ижод билан халқига хизмат қилиш сари йўналган эди.

Навоий ўзбек тилида халқ орзу-истакларини ифодаловчи юксак бадиий асарлар яратишни халққа қилган хизматининг бир қисми деб билган. У «Муҳокаматул-луғатайн» асарини ёзар экан, аввало, ўз она тили – ўзбек (турк) тилининг ривожи ҳақида ўйлади. У бу борада қуйидагиларни ёзади: «Чун бу тариқда ҳиммат олий эрди ва табъ бебок ва лоуболий, ўтарга қўймади ва тамошосидан тўймади. Ул олам фазосида табъ сипоҳи турктозлиқлар тузди ва ул сипеҳр ҳавосида хаёл қуши баланд парвозлиғлар кўргузди...»[1]

Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн»нинг охирида ўз халқи, замонаси ва даври учун муносиб асар яратганидан мамнун эканлигини ва кўнгли қилган ишидан таскин топганини ифодалаб ёзади: «...турк улуси фасиҳлариға ҳақ собит қилдимки, ул алфоз ва иборотлари ҳақиқати ва ўз тил ва луғатлари кайфиятидин воқиф бўлдилар ва форсигўйларнинг иборат ва алфоз бобида таън қилур сарзанишидан қутулдилар. Алар дағи ранж ва машаодатим муқобаласида, чун бу махфий илмдинки зоҳир қилибман, вуқуф топсалар, умид улким, бу фақирни хайр дуоси била ёд қилғайлар...»[2]

Юқоридаги мисолларда Алишер Навоийнинг ўз халқига, тилига, адабиётига юксак садоқати, эл ва тил ҳомийси сифатидаги буюклиги яққол ифодасини топган. Бунда олим Навоий, аллома ва келажакни кўра билган, турк (ўзбек) тилининг имконияти ва келгусида катта бир халқ адабиётининг тили бўлишга қодир она тилининг камолотини башорат қилган Навоийниинг дунёқараши ўз аксини топган. Шоирнинг ўз халқи, маданияти учун чеккан «ранж машаққат»и эвази – «муқобаласи»га бугунги авлод, ўзбек китобхони ўз адабиётининг асосчиси бўлган, туркий (ўзбек) тилини қонуний адабий тилга айлантирган буюк

[1] Алишер Навоий. Асарлар, 14-том, Муҳокаматул-луғатайн, 119-бет, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1967
[2] Алишер Навоий, юқоридаги асар, 132-бет

Навоийдан ўз миннатдорлигини уни эҳтиром ва ёд этиш билан, асарларини кўзига тўтиё этиб ўқиши билан, унинг номини халқлар дўстлиги, муҳаббат ва садоқат рамзи, инсоний поклик ва камтарлик белгиси сифатида ёд олиши билан жавоб бермоқда.

Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини яратмасдан олдин ҳам ўзбек тилида асар яратиш, бу тил имкониятларини кўрсатиш, шу билан халқига, даврга хизмат қилиш мумкин эканлигини таъкидлаган эди. Шоир ўзбек тилида асар яратишни «халқ иши» деб билар экан, бу унинг адабиётни халқ манфаати учун, омма учун яратиш устида жон куйдиришини кўрсатади:

Сенга онча хақ лутфи воқедурур,
Ки то турк алфози шоеъ дурур.
Бу тил бирла то назм эрур халқ иши,
Яқин қилмамиш халқ сендек киши[1].

Навоий ана шу мисраларда ўз давридаги турк (ўзбек) тили билан сўзлашувчи, ижод килувчи адибларга мурожаат этиб, уларни турк тилида асар ёзишга ундайди нафақат ундайди, балки ўзбек тилида асар ёзиш уларнинг инсоний бурчи эканлигини аниқ ифода этади. Навоийнинг фикрича, ўзбек тилини била туриб, унда асар яратмаслик ижодкор учун кечириб бўлмас ҳолдир.

Навоий адиб меҳнатини ҳамиша машаққатли деб билган. Ҳар бир бадиий ёки тарихий асар ўқувчига тақдим қилинар экан, бу ўша адибнинг юксак бахти, дейди шоир. Бундай бахт чегарасиздир. Навоий асарларини кўздан кечирганда, унинг самимияти, қараши, эътиборини қозониб, ана шундай бахтга соҳиб бўлган адибларни кўрамиз. Улуғ шоир бундай асарларни фақатгина тилга олмайди, балки уларнинг эл дардига яраша нуқтайи назари билан баҳолайди, ана шу мезон эса бадиийликнинг бош тоши вазифасини ўтайди. Масалан, Навоий тарихчи Мирхонднинг асарлари ҳақида «таворих аросида андин муфидроқ тарих бўлмағусидир», Мир Атоуллоҳнинг саноеъ санъати тўғрисида яратгаи «Бадоеъи Атоий» («Бадоеъ ус-саноеъ») китоби ҳақида гапириб «маълум эмаским бу фанда ҳаргиз, ҳеч киши онча жамъ ва муфид китоб битимиш бўлғай», Амир Давлатшоҳнинг ўз ижоди ва ҳаётини фан тараққиёти учун бағишлаганини инобатга олиб, «обо ва аждоди тарийқидинким, аморат ва зоҳир азамат ва тажаммули бўлгай, кечиб гўшае ихтиёр қилиб фақр ва даҳқанат била қаноат қилди ва фазоил ва камолот ва иқтибоси била умр ўткарди» дер экан, биринчи навбатда, бу адиблар ўз асарлари ва ҳунару маҳоратларини эл манфаати учун сарфлаганликлари таъкидлаган.

Факат бугина эмас, биз юқоридаги мисоллардан Навоийнинг уз дунёқараши, адабиёт, илм ва эл дардига малҳам бўлиш каби юксак инсоний хислатини ҳам дарк этамиз. Иккинчидан, Навоий юксак адабиётшунос, ўз даврининг юксак истеъдод соҳиби сифатида ҳақиқатда ҳам Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихида катта илмий из қолдирган Мирхонднинг хизматлари ҳақида тўхталади. Бу тарихчи Алишер Навоийнинг таклифи ва маслаҳати билан «Равзат ус-сафо фисийратил-анбиё вал-мулук вал-хулафо» (Набилар, подшоҳлар ва халифалар таржимайи ҳоллари ҳақида поклик боғи») номли асарини яратди. У аслида 7 жилддан иборат бўлиб, Мирхонд фақатгина 6-жилдини ёзиб тугатишга улгурган, холос.

[1] А л и ш е р Н а в о и й . Хамса, 428-бет.

7-жилди ва хотимасини унинг набираси Хондамир «Ҳабибус-сияр» номи билан тугатган. Мирхонднинг бу асари Оврупода кўп вақтларгача тадқиқотчилар учун Эрон ва Ўрта Осиё тарихи бўйича ягона манба бўлиб хизмат қилган.[1]

Кўриниб турибдики, Алишер Навоий Мирхонднинг тарихчи сифатидаги улкан хизматини биринчилардан бўлиб ҳаққоний баҳолай олган, иккинчидан, Мирхонднинг бу асари «муфид» тарих асари деб баҳосини олар экан, ана шу муфидлик кейинчалик фақат асар муаллифининг эли, халқи учун эмас, балки умумжаҳон тарихи ривожига ҳам ҳисса бўлганлигини кўрдик. Навоийнинг юксак баҳосини олган Мир Атоуллоҳнинг адабиёт назарияси ва адабиётшунослигига оид яратган асари «Бадоеъ-ус-саноеъ»си ҳатто хозирги кунда ҳам ўзининг илмий қийматини йўқотган эмас, адабиётшунослик илмини ўрганишда илм аҳлига хизмат қилмоқда. Бу асарнинг ўзбек тилига таржима қилиниши ва унинг атрофида илмда кейинги пайтда баҳслар бориши фикримизнинг гувоҳидир. Бу ҳам Навоийнинг адабиётга бўлган юксак эстетик қараши, уни олий идрок этиши, вақтида объектив баҳолаши билан ҳам муҳим[2].

Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асари XV асрда туркий тилда яратилган энг мўътабар тазкиралардан бўлиб, навоийшунос олима Суйима Ғаниеванинг маълумотига кўра, унда 459 та шоир, ёзувчи ва олимлар ҳақида маълумот берилган.

Навоий «Мажолисун-нафоис»ни «назм илми қойилларининг номий отлари ва киромий сифотлари замон саҳойифидин маҳв бўлмасин» деган мақсад билан яратганлигини таъкидлар экан, ўзининг бу асарини ўша даврда яратилишини зарур деб билади. Чунки Навоий бу тазкирасида қатор адибларнинг эл олдидаги хизматлари ва камчиликларини ёзиб, уларнинг мавқейини белгилаган ва ўзи ҳам даври учун, кейинги авлодлар учун ҳам муносиб асар қолдириб, халқига хизмат қилган.

Навоий фикрича, элга бирор асарни манзур қилиш учун киши бор истеъдодини, қобилиятини сарфлаши лозим. Умр бўйи берилиб меҳнат килиб, юксак бадиийлик билан яратилган асаргина жамият учун манфаатли бўлади. Улуғ шоир ўзининг «Хазойинул-маоний»сига кирган тўрт шеърий девонини тартиб бериб тугатар экан, бу машаққатли меҳнатга бутун умрини сарфлаганлигини, бу меҳнат эл саодати, авлодлар учун қилинганлигини, унинг беқиёс, ширали назми эли учун боқий қолажагини таъкидлайди:

Сарф эттим анга умр баҳорин доғи,
Бўстону ҳаёту лолазорин доғи.
Оллида хазони зарнисорин доғи,
Кофурфишон қиш била қорин доғи[3].

Навоий асарларида бадиий адабиётга нисбатан юқори талабларни қўйиш, чин фикр баён этиш бадиий асарни -«ҳақиқат ўтидин чошни» этишлик каби фикрларни жуда кўп учратамиз. Улуғ адибнинг бу талаблари ўз даврида муҳим аҳамият касб этиб, адибларни софлик ва ҳақиқатгўйликка ундарди:

---

[1] Бу борада яна қаранг: Ўзбек Совет Энциклопедияси, 7-том, 278-бет
[1] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойеъ ус-санойеъ. Форсчадан Алибек Рустамов таржимаси. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981
[2] Алишер Навоий. Хазойинул-маоний, Тошкент, 1959, 15-бет

Сўзда Навоий не десанг чин дегил,
Рост наво нағмаға таҳсин дегил[1].

Ёки:

Нуқта сув янглиғ, эритур тошни,
Топса ҳақиқат ўтидин чошни.
Бўлса ҳақиқат гуҳаридин йироқ.
Ришта сўзин сўзламаган яхшироқ[2].

Бу жихатдан академик В. Й. Зоҳидовнинг қуйидаги қараши тўла ҳаққонийдир: «Навоийча, адабиёт чин, жонли ҳаётнинг, воқеликнинг жонли саҳифалари инъикосидир».[3]

Навоийдан яна бир мисол:

Ҳар кимгаки табъ жоми соф ўлди яқин,
Билмак сори анга иттисоф ўлди яқин.
Ҳар нуқта аро лофу газоф ўлди яқин,
Ким, илмда айбу шайн лоф ўлди яқин[4].

Юқоридаги байтлардан яққол кўриниб турибдики, Алишер Навоий на фақат бадиий ижодда, ҳатто илмда ҳам «лофу газоф», яъни ёлғон нуқсон эканлигига алоҳида урғу берган. Навоий фикрича, ижодкорнинг табъи, яъни нияти соф бўлиши, у эзгуликка хизмат қилиши лозим. Табъи поклик, қалби покликдан, виждоннинг софлигидан келиб чиқади: «Ўз даврининг энг илғор кишиси, биллур виждони» (Шайхзода) бўлган Алишер Навоий барча сохтакорликлар, мунофиқлик, жумладан бадиий ижоддаги найрангу ёлғончиликка бутун вужуди билан қарши эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Навоий давридаги адабиётда бадиий образларнинг хусусиятини очиш учун бадиий тўқима, бўрттирмадан ҳам фойдаланишган. Ўша даврдаги бадиий адабиётнинг анча муҳим бўлган бу масалалари бўйича адабиётшунослигимизда анча кенг тўхталиб ўтилган. Бу илмий далиллар ва баҳслар, асосан, адабиётдаги «чин» ва «ёлғон» терминлари атрофида олиб борилган. Олимларимизнинг бу мавзу атрофида олиб борган изланишлари ичида профессор Абдуқодир Ҳайитметовнинг тадқиқотлари диққатга лойиқ. Олим Шарқ адабиётшунослигида мавжуд бўлган «чин» ва «ёлғон» терминлар устида тўхталиб, унинг асл моҳияти, адабиётда ишлатилишини исботлайди ва бу терминларнинг адиб ижодий концепциясини белгилашдаги моҳияти ҳақида тўхталади: «Ҳаётдаги бор ҳақиқатни ёзиш мумкин бўлмаган даврларда, бир сўз учун қалам аҳлининг боши кетиши мумкин бўлган шароитларда шоирлар ўз достонлари ва шеърлари учун турли афсоналар орқали ўзининг илғор ғояларини илгари сурган вақтлар кўп бўлган»[5]. Бу жуда тўғри хулоса.

Демак, Шарқ адабиётида кўпинча синфий қарама-қаршиликлар, давр танқиди ва ижтимоий масалалар билан боғлиқ бўлган масалаларни очиқ-ойдин қўйиш мумкин бўлмаган

[3] Алишер Навоий. Хамса, 93-бет.
[2] Шу асар, 32-бет.
[3] Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби, Тошкент, 1970, 125-бет.
[1] Алишер Навоий. Асарлар, 15-том, Назм ул-жавоҳир, 31-бет
[2] Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан, 65-66-бетлар.

пайтларда адиблар «ёлғонга» – ҳақиқат ёнида турадиган ёлғонга, замон, даврнинг манфаати, прогрессив ақида ва ғояларнинг тараннуми учун ҳам «ёлғон»га суянганлар акс ҳолда» улар *(Низомий* ва *Навоий* – Ҳ.Қ.*)* ўз ижодларида эришган юксакликларига кўтарила олмас эдилар»[1].

А. Ҳайитметовнинг Навоий ижодида «ёлғон»га умуман шу терминни ишлатишдаги бу хулосалари диққатга лойиқ. Лекин муҳтарам олимнинг Навоий «Ҳайратул-аброр»идаги:

Чин демагу ҳарзаву ҳазён бари,
Турфа буким яхшиси – ёлғон бари

деган мисолини асос сифатида келтириб «шоир *(яъни Навоий* – Ҳ. *Қ.)* ўз асарларини энг яхшисини ёлғондан иборат *(таъкид бизники* – Ҳ.Қ.*)* эканини айтади»[2] деган хулосаси ҳақида ўз фикримизни билдирмоқчимиз.

А. Ҳайитметовнинг таъкидлаганидек, адабиётда ёлғон прогрессив адиблар ижодида илғор ижтимоий идеалларни илгари суриш учун «мададкорлик» вазифасини ҳам ўтаган. Булардан ташқари, олим Навоий бу концепцияни бир умр ҳимоя қилганлиги тўғрисида Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» номли асаридан қуйидаги мисолни келтиради: хуросонлик шоир Наҳвий Ҳиротий Сийистоннинг об-ҳавосини ҳажв килиб қасида ёзади. Бу қасидадан маълум даражада ранжиган Сийистон қозисининг ўғли жавоб қасидасини ёзиб, Сийистон об-ҳавосини муболағалар билан мадҳ этади. Ушбу қасидадан хабардор бўлган Навоий қозизодани ҳузурига чақириб, кимнинг қасидаси яхши, деганда қозизода «меники» деб жавоб беради. Навоий камтарлик аломатини кўрсатмаган бу шоирдан ажабланади ва унинг шеъринининг яхшилиги нимадалигини сўраганда, қозизода «Мавлоно Наҳвий Сийистон ва сийистонликлар ҳақида нимаики айтган бўлсалар, ҳаммаси ҳақиқат. Мен у вилоятни мақтаб нима деган бўлсам ҳаммаси «ёлғон» дейди»[3].

Бизнингча, бунда Навоий қозизоданинг шеърида «ёлғон» ишлатилганлиги учунгина мукофотга сазовор этган эмас. Биринчи навбатда, қозизода қасидасидаги ватанпарварлик, ўз диёрига бўлган муҳаббат руҳининг юқорилиги ва шуларни бўрттирмалар орқали шеърда бера билишлик, иккинчидан, ёш шоирнинг ҳозиржавоблиги, хушмабиатлиги ҳам Навоий имтиҳонида инъом олишга сабаб бўлган. Восифийнинг келтирган бу мисоли Навоийнинг фақатгина адабиётдаги «чин» ва «ёлғон»га бўлган муносабатини очмасдан, ёш шоирларни тарбиялаш, уларнинг шеъриятга бўлган ихлосларини кўтаришдаги қарашларини очиш имконини ҳам беради.

Адабиётга нисбатан «ёлғон» сўзини қўллаганда, Шарқ адиблари бадиий тўқимани ҳам назарда тутганлар. Яъни Навоий ҳаётдан узоқ бўлган ёлғонларни, ёмонликка хизмат қиладиган ёлғонларни қоралаган ҳолда, яхшиликни бўрттириб кўрсатадиган, тарбиявий аҳамиятга эга ёлғонларни (адабий бўрттирмаларни) инкор қилмаган. «Ҳайрат ул-аброр»дан келтирилган мисолда ҳам шу маъно англашилади.

Навоийда, ростгўйлик билан бир қаторда, адабиётни ҳаёт билан яқинлаштириш масаласи ҳам асосий ўрин тутади. Шунинг учун Навоий кишилик умри кечаётган ҳаётни роман-

[3] Шу асар, 78-бет
[2] А.Ҳайитметов. Мазкур асар, 67-бет. Худди шу фикрни автор бошқа асари(Навоийнинг ижодий методи масалалари, 78-бет)да ҳам келтирган
[3] Зайниддин Восифий. Бадоеъул-вакоеъ, Москва, 1961, 620-622-бетлар.

тик туйғу, руҳ билан қоришиғини, адиб ижодида имкони борича ана шу реал ҳаёт тасвири бўлиши тарафдори эди. У ана шу жиҳатдан бадиий асарни баҳолаётганда бу асар ким томонидан яратилганлиги, кимнинг ижодига баҳо берилаётганганлигидан қатъи назар объектив позицияда турган.

Юқоридаги мисолларда Навоийнинг адабиётнинг ҳаётни акс эттириши борасидаги қарашлари ўз ифодасини топганлиги ҳақида айтдик. Унда Навоий алоҳида мисол: ғазал, байт, мисраъ, ёки умуман адабиётнинг маълум бир концепцияси ҳақида фикр юритган. Лекин Навоий қарашларида адиблар ижоди бутунасига тадқиқ қилинган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Фикримизнинг далили учун улуғ адибнинг «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» номли асарида ўзи билан Паҳлавон Муҳаммад ўртасида бўлиб ўтган бир суҳбатни келтирмоқчимиз:

– Сени *(яъни Навоийни – Ҳ.Қ.)* бу кун дерларки туркча шеърни яхши айтурсен ва туркча назм айтур элдин эшитиб бу сўзни мусаллам тутарлар. Бизнинг (*яъни Паҳлавон Муҳаммад – Ҳ.Қ.*) бир саволимиз бор.

— Жавоб берай, Сиз бори саволингизни айтинг. Деди:

– Саволимиз будирки, туркийгўй шуародин улча шеърлари рўзгор сафҳасида сабтдур, қайси яхшироқ айтибдурлар? Ва сенинг ақиданг анинг яхши айтмоғида борур, сен бегонурсен?

Фақир дедим: – Борча яхши айтибдур, мен бегонадурмен.

Паҳлавон деди: – Сен такаллуф ва касри нафони қўй, воқеъ юзидин сўз айтки, буки, борини бегонурмен, дерсен, борча худ бирдек эмас, албатта тафовут бор.

Фақир айттиким:– Мавлоно Лутфий холо мусулламдурлар ва бу қавмнинг устоди ва маликул-каломидур.

Деди: – Нечук Сайид Насимий демадинг?

Фақир деди:–Хотирга келмади ва бир тақдир келмоқ, Сайид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур. Зоҳир аҳли шуаросидек *(дунёвий мотивда шеър яратадиган, реал ҳаётни куйлайдиган шоирлар –Ҳ.Қ.)* назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин (*кўпроқ илоҳий руҳда – Ҳ. Қ.)* адо қилибдур...»[1]

Паҳлавон Муҳаммад билан Алишер Навоий ўртасидаги бу суҳбат пайтида Навоий жуда ёш бўлиб, илк туркий (ўзбекча) шеърлари шуҳрат тутган пайт эди. Лекин Навоий ёшлигидан бошлаб ҳаёт садолари янграган, лиризми кучли бўлган адабиёт вакиллари ижодига ҳурмат билан қараган. Навоий Лутфийнинг мажозий шеърларида реал ҳаёт тасвирлари борлигини жуда эрта пайқаган.

Абдуқодир Ҳайитметов Навоийнинг ушбу қараши хақида фикр билдириб, Насимий шеърларида ҳам ҳаётий мисраларнинг борлиги, ижодининг ҳаммаси илоҳий мазмунда эмаслигини таъкидлайди ва «Паҳлавон Муҳаммад билан Навоий ўртасидаги суҳбат Навоий ёш эканлигида Машҳадда юз берган бўлиб, у вақтда Навоий Насимий шеърлари билан тўла танишиб улгурмаган бўлиши ҳам мумкин» деган хулосага келади.

Бизнингча, бу суҳбат масаласига бир оз бошқачароқ ёндашиш керак. Классик адабиётда ёрнинг Худо ва реал маъшуқа образларидаги мазмунининг чатишиб кетганлиги айрим шоирлар ижодида бу масалани алоҳида ажратишни мушкуллаштиради. Лекин Навоийнинг Насимий ҳақидаги юқоридаги фикридан биз учун муҳими Навоийнинг адабиётга бўлган эстетик қараши, унга ёндашиши, адабиётда бошдан қайси йўналишни танлаганлиги билан муҳим.

[1] А л и ш е р Н а в о и й . Асарлар, 14-том, Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 98-бет.

Шубҳасиз, Насимий шеърларида реал ҳаёт тасвири, замона ноҳақликларига муросасизлик, эътироз нидолари бўлган ҳоллар жуда кўп. Адабиётшуносликда, айниқса, Озарбайжон ва Ўзбекистон олимлари томонидан Насимий ижодининг бу томонлари анча кенг ўрганилган[1]. Лекин бизнинг изланишимиз учун муҳим томони Навоийнинг қай вақтдан бошлаб маъжозий адабиётга майл билдиргани, уни қўллаб- қувватлагани бўлиб қолади. Шунинг учун Навоий бу фурсатда ёшлиги туфайли Насимий шеъриятидаги ҳаётийликни тушунмади, дейиш тўғримикин?! Гарчи бу суҳбат пайтида Навоий ёш бўлса-да, у Паҳлавон Муҳаммадга бағишлаб ёзган юқоридаги асарини анча қарилигида (1493) яратган.

Агар юқоридаги суҳбат умуман «туркигўй шуаро» хусусида борганлигини инобатга олсак, Навоий Лутфийни «маликул-калом»лигини таъкидлаганини илова қилсак, маълум бўладики, Навоий давригача бўлган адабиётда ҳар томонлама юксак шеър намунасини Лутфий яратган. Буни Навоийнинг кўпгина асарларида Лутфий ижодига берган баҳосидан билиш мумкин.

Насимий масаласининг ойдинлашишига Навоийнинг «Насоимул-муҳаббат» асаридаги баҳоси ёрдам беради: «Румий ва туркмоний тил била назм айтибдур ва жазмида ҳақоиқ ва маориф бағоят мундариждур. Мазкур бўлғон мулк аҳлиға анинг шеъри муқобаласида ҳамоноки шеър йўқтур»[2].

Навоий бунда Насимий ижодида илоҳий руҳда ёзилган шеърларнинг устунлиги ва унинг туркий шеър айтишда ўз мулки аҳли (рум ва туркмоний тил билан шеър айтувчи турклар) орасида ягоналигини билдиради. Демак, Навоий Насимий ижодини белгилашда ёшлигида Паҳлавон Муҳаммад билан бўлган суҳбатдаги фикридан умрининг охиригача қайтмаганлиги аниқ бўлади.

Алишер Навоий бадиий асарлардагина ҳақиқатни баён этиш тарафдори бўлиб қолмади. Балки, тарихий асарлар ҳам имкони борича ҳақиқат либосини кийишини, уларни давр учун хизмат қиладиган хусусиятни асос қилиб олишини зарур деб билди. Шунинг учун унинг асарларида тарихий воқеалар, адабий асарлардаги қаҳрамонлар ундаги шахслар билан қиёсланган, ижодий, мантиқий хулосалар чиқарилган. Шунинг ўзи ҳам адабиётни, тарихни даврга, элга ҳамнафас этиш, ҳаётга яқинлаштириш учун хизмат қилдиришнинг бир намунасидир.

Навоий даври адабиётининг асосий, бош масалаларидан бири – адабиётга кишиларни тарбия этиш воситаси сифатида қаралишидир. Зотан, бу масала адабиётнинг пайдо бўлишидан бошлаб асосий вазифа ҳисобланиб, XV аср адабиёти учун янгилик эмас эди. Шунинг учун ҳам Навоий адабиётнинг тарбиявий аҳамиятига катта эътибор беради. Унинг барча асарларида кишида юксак инсоний хусусиятларни мужассамлаштириш учун интилиш кучли. Улуғ шоир салафлари Низомий ва Хусравнинг «Хамса»сининг биринчи достони «Ҳайратул-аброр»ни яратар экан, унинг аввало, ана шу юқоридаги мақсадни кўзлаганлигини кўрамиз. Айниқса, достоннинг 32-боб, олтинчи мақолот сарлавҳаси «кичикларга мужиби саодатмандлиғ ва улуғларға боиси сарбаландлиғдурур» деб номланишининг ўзи ҳам фикримизнинг исботидир.

---

[1] Бу борада каранг: Арасли Ҳамид, Имомиддин Насимий, **Тошкент,** 1973; Имамиддин Насими. Сборник статей, Баку, «Элм», 1973; Валихўжаев Б., XV–XIX аср ўзбек адабий-танкидий карашлари тарихидан, 64-бет.

[2] Алишер Навоий. Асарлар. 15-том, Насоим ул-муҳаббат, 82-бет.

Навоийнинг бу борадаги буюклиги яна шундаки, у бадиий адабиётда ахлоқ ва адабни фақатгина асар мавзуси, сюжетига тегишли келган чоғидагина фойдаланмайди, балки имкони борича достон сюжетини дидактик қобиққа ўрайди, қаҳрамонлар характеридаги ахлоқий камчиликларни воқеа ривожига мос очади, уларнинг тарбияси ҳақида қимматли фикр баён этади.

Навоий «Хамса» достонларининг кириш ва хотима қисмларида шоҳ-шоҳзодаларни адолатга чақириш, уларда маданият ва илмга хайрихоҳлик кайфиятини уйғотиш билан бирга, тож-тахт учун курашган шаҳзодаларга ўгит беради, уларни беҳуда қон тўкишларга йўл қўймасликка чақиради. Бунинг ёрқин мисоли Навоийнинг Бадиуззамонга қарата билдирган фикридир.

Навоий дидактикаси оддий насиҳатгўйликдан иборат эмас, бу панд ахлоқий ҳикматлар, айрим шахс ва гуруҳлар ахлоқини ёритишга қаратилган эмас. Навоийнинг ахлоқ-одобга тааллуқли фикри маданият, санъатга ҳомийлик қилиш, илм ўрганиш, уни қадрлаш, илм аҳлининг жамиятдаги ўрнини белгилаш каби масалаларни ҳал қилишга қаратилган. Улуғ шоирнинг панд-насиҳатдан иборат байтлари ҳикматлар даражасига кўтарилган бўлиб, уларда ижтимоий-ахлоқий қарашлари, гуманистик ғоялари ифодаланган.

Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Шоҳ Ғариб Мирзога атаган бобида Мирзони инсофга чақириш учун унга давлатни бошқаришда адолатли шоҳ сифатида иш юргизишини таъкидлар экан, ҳокимлик илмсиз бўлмаслигини, давлат мустаҳкамлиги учун ҳатто шоҳ ҳам қатор илмга эга бўлишини таъкидлайди ва фикри тасдиғи учун Мирзо Улуғбекни мисол қилиб келтиради.

Навоий «Садди Искандарий» асарини ёзар экан, мақсади кишиларни тарбиялаш, айниқса, шоҳларни адолатга чақириш эканлигини айтади. Шунинг учун шоир Искандарнинг давлат бошқариши мисолида ҳакимлар, олимларга суянганлигини, илм, идрок, ақлга суяниб иш тутганлигини замонасидаги шоҳларга ибрат килиб кўрсатади. Лекин шу билан бир қаторда, Навоийнинг юксак адиблиги, адабиётнинг тарбия қуроли сифатида фойдаланишнинг олий намунасини биз худди шу Искандар образининг иккинчи томонини кўрсата олишида, жаҳонгир, босқинчи Искандар қиёфасини, унинг тарихий фожиасини очиб бериши мисолида ҳам кўра оламиз. Достонда Навоий вафот этган Искандарнинг қўлини тобутдан очиқ чиқариб қолган ҳолда тасвирлайди. Бу билан у бутун жаҳонни эгаллаган шоҳ бу оламдан очиқ қўл билан – ҳеч вақосиз кетаётганлигига ишора қилган. Ана шу манзаранинг ўзидаёқ Навоийнинг адабиётдан зўр тарбия қуроли сифатида фойдаланганлигини кўрамиз. Академик Н. И. Конраднинг фикрича, Навоийнинг барча қолган асарларини инобатга олмасдан, шу сюжетдаги ғояси ва санъаткорлиги учунгина ҳам уни классиклар қаторига қўшса бўлади[1].

Навоий асарларидан бирини «Тарихи анбиё ва ҳукамо» деб номлар экан, пайғамбарларни ҳаким – олим ва адаби аҳли билан бир қаторга қўяди. Шу билан шоир ўзининг бу борадаги аввалги ғоясини – «Фарҳод ва Ширин»даги:

«Бировким қилса олимларга таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарларга таъзим»

ни янада қувватлайди.

[1] К о н р а д Н., Алишер Навоий, «Ўзбек тили ва адабиёти», журн., № 2, 1969

Навоий вафотидан бир йил олдин яратган «Маҳбубул-қулуб» асарида ўзининг шу қарашларини танбеҳ ва ўгит билан баён этиб умумлаштиради. Бунда буюк адиб яна бир бор ҳаёт тажрибаларини жамлаб, ёзиб адабиётни ахлоқ, тарбия қуролига айлантиришга интилади. Навоий бу асарининг муқаддимасида қуйидагиларни баён этади: «Бу муқаддимотдин мақсуд буким, ҳар куй ва кўчада югурибмен ва олам аҳлидин ҳар навъ элга ўзимни еткурибмен, ва яхши-ямонни афъолин билибмен, ва ямону яхши хислатларин тажриба қилибмен... умид улким уқуғувчилар диққат ва эътибор кўзи билан назар солгайлар ва ҳар қайси ўз фаҳму идрокларига кўра баҳра олғайлар...»[1]

Биз Навоийнинг барча асарларини кўздан кечирар эканмиз, айниқса, улуғ алломанинг «Мажолисун-нафоис», «Муншаот», «Насоимул-муҳаббат», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ва бошқа асарларида ҳар бир шахс хоҳ у адиб бўлсин, хоҳ тарихчи ва ёки давлат арбоби бўлсин, унинг ахлоқини баҳолаганда, характеридаги хислатларини давр ахлоқи тарозисига солганда бу баҳоланаётган шахснинг динга, дин назарияси, ислом динининг муқаддас китоби «Қуръон»ни қай даражада билиши, ҳифз этиши, қироат қилиши, қайси саид ва зодагонлар авлодидан эканлиги, беш вақт намозни канда қилмаслиги, авлод-аждодига, ота-онасига фарзанд сифатидаги муносабати ҳам диннинг ахлоқ категорияси ва нормалари заминида кўриб чиқилганини кўрамиз. Бу масалаларни бирма-бир санашимиздан мурод шуки, Навоийнинг дунёқараши ҳеч вақт ислом динининг асоси ва у таянган ахлоқдан оз бўлса-да, четда бўлмаган. Бироқ Алишер Навоий ана шуларнинг барчасига қарамасдан, ўз даврининг етук кишиси сифатида ислом динининг кишилик ахлоқини тарбиялашдаги ижобий томонларидан ҳаммавақт усталик билан фойдаланди, шу дин ғояларини давр кишиларини инсофга чақириш, ортиқча қон тўкишдан тийиш, адибларда эса ижод камолоти қатори инсоний фазилатларга эга бўлиш учун ҳам фойдаланди. У ҳамиша кишилик ахлоқини белгилашда, адабиётни халққа хизмат қилдиришда, таъбир жойиз бўлса ислом динидан «мадад» топди, схоластик ҳолда эмас, гуманистик ғояларни асос қилиб динга суянди.

Умуман олганда, Навоий одамларда ахлоқий хусусиятларни тарбиялашда адабиётдан фойдаланганлиги, шу масалани адабиётнинг бош мавзуси деб билганлигининг ўзи жуда муҳим.

[2] Алишер Навоий, Асарлар, 13-том, Маҳбуб ул-қулуб, 9-бет.

РАҲИМ ВОҲИДОВ

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ИЛОҲИЁТ

Рисола падари бузрукворим – улуғ Ватан урушининг шаҳиди Воҳид Жўра ўғли ва мушфиқ онагинам Ризвон Жума қизининг порлоқ хотираларига бағишланади.
Муаллиф

МУҚАДДИМА

Кутилмаган тасодиф баҳона бўлди-ю, мавзу билан қизиқиб қолдим. 1991 йилнинг ноябри эди. Одатий иш куни. Дарс айтиб чиқдим. Нафасни ростлаб, китоб-дафтарларимни қўлтиқлаб жўнамоқчи бўлдим, ичкариги хонадан кафедра мудирининг овози эшитилди. Олийгоҳимиз профессор – ўқитувчиларининг анъанавий илмий-назарий анжуманига мавзу айтишим керак экан. Бир неча дақиқа хомуш қолдим. Хаёлимда ғира-шира гаплар ғужгон урарди. Улардан бири тиниқлашиб кела бошлади. Лаҳза ўтмай тилимга калима келди. Айтиб юбордим: “Алишер Навоий ва “Қуръон”. Мудир елка қисиб, ёзиб беришимни талаб этди. Бир парча қоғозни олдиму ёзиб топширдим. Руҳим енгил тортгандай бўлди ва секин чиқиб кетдим. Чинакам қўрқув кўчага чиққач сезилди. Тизгинсиз сўроқлар, кўзойнакли одамларнинг истеҳзоли нигоҳлари мени чулғаб олди. Ваҳимага тушдим. Йўлни кесиб ўтиб, хонамга кўтарилдим. Кўзимга биринчи тушган нарса Қуръони каримнинг “Шарқ юлдузи” ойномаси турли сонларидан йиғиб олганим ва ҳамиша иш жойимда турадиган тўпламча бўлди. Шоша-пиша уни қўлга олиб варақлай бошладим. Қалбимда ширин бир туйғу кезарди. Анча дадиллангандай бўлдим. Кунлар оқа бошлади, “Қуръон”нинг Алоуддин Мансур таржимасидаги тугал нусхаси ойномада чоп қилинди. Қўлимдаги тўпламча ҳам анча “семириб” қолди. Бу, мен учун таянч эди. Ўшанга ақида қилиб, иш бошладим. Илоҳий китобдаги ояти карималар, Ҳазратнинг сатрлари қўшилиб, фикрий тиниқликни таъмин этдилар. Кўз ўнгимда баҳри кабир намоён бўла бошлади. Бошқа гапларни бир томонга қўя туриб, битта ҳақиқатга дил-дилдан тан бердим. Адабиёт тарихини Ислом таълимотидан бехабар ҳолда ўқиш ва ўқитиш ўз-ўзини алдаш билан тенгдир. Қизил мафкуранинг бизнинг бошимизга ана шундай қаро кунларни, бадбахтликни солганини яна бир карра ҳис этиб, хўрлигим келди, кўзларимда ёш ҳалқаланди. Ўз-ўзим билан узоқ олишдим, йиллар давомидаги гуноҳларим учун тавба-тазарруъ қилдим. Улуғ бобомиз ҳазрат Алишер Навоийнинг сиймоларига сиғиниб, мадад сўрадим. Бундан кейин, тангри неча йил умр ато қилса, қолган кунимни ўтмиш хатоларимни ислоҳ қилишга сарфлаш учун аҳд этдим. Маъруза ўша йилдаги илк қададим бўлди. Уни иштиёқ билан тайёрладим. Бу ўртада “Чўлпон” нашриёти ойнома бошлаган савобли ишни давом эттирди. Қуръони карим яхлит китоб ҳолида ўқувчилар қўлига тегди. Тўғри, баъзи нафс бандалари шу табаррук китобни ҳам чайқов бозорига солдилар, оғизларига сиққан нархда сотдилар. Бундай нокасларнинг жазосини қодир Эгамнинг ўзи берсин.

Мени яна бир ҳаётий ҳақиқат ҳайратга туширди. Мавзу баҳонасида Исломга доир анчагина илмий асарларни кўздан кечиришга тўғри келди. Бармоқ тишламай, ёқа ушламай иложинг қанча. Дин бизникию, аммо уни ўрганган, тарғиб қилган бошқалар. Ҳофиз бизу, қўшиқни дўстларимиз айтиб келганлар. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, бир қатор рус шарқшунослари борки, уларнинг хизматлари эътиборга лойиқдир. Яқиндагина яна бир ибратли китоб рўшнолик кўрди. Асар Санкт-Петербургда жаҳоний шуҳрат соҳиби М. Б. Пиотровский томонидан бунёд этилган. Мўъжазгина бу китоб “Қуръоний ривоятлар”

("Коранические сказания", "Наука", Москва – 1991) деб номланади. Забардаст олимнинг катта заҳматлари ҳосиласи бўлган асар зўр илмий қимматга эга. Китоб муқоваларида Қуръони каримнинг куфий хати билан кўчирилган нодир нусхаларининг суратлари берилган. Бунинг учун араб давлатларида фаолият кўрсатаётган касбдошларга мурожаат қилишга тўғри келган. Мазкур китобнинг қўлга киритилиши ҳам менинг мавзуга бўлган иштиёқимни кўтарди. Уни мутолаа қилишга тушдим. Тўғриси, тишим "ботмади". Асосий манба–"Қуръон"данлоақалюзакихабардорбўлмайтурибМ.Б.Пиотровскиймулоҳазаларини ҳазм қилиш имкониятдан ташқари эди. Даврга, истиқлолга шукрона айтдим. Чунки ўшалар туфайли шундай имконият яратилди, бу мўътабар илоҳий китобни ўзбек тилида ўқиш бахти насиб этди. "Қуръоний ривоятлар"нинг яна бир улкан қиммати шундаки, муаллиф аксарият ривоят ва ҳикоятларнинг манбаларини ойдинлаштириш, тўртинчи илоҳий Китоб (Қуръони карим)дан жой олишга қадар бўлган йўлини ҳам кўрсатишга ҳаракат қилади. Шундай мулоҳазани ривоятларнинг бадиий адабиётга кўчиш тарихи хусусида ҳам айтиш жоиз. Таниқли олимга таъзимимни ғойибона йўлладиму, дилимдан ширин орзулар макон тутди. Менинг навқирон юртдошларим ҳам истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлиб, илдизлари мустаҳкам, давр шамолларидан ҳайиқмайдиган шундай асарлар яратгусидир.

Мавзунинг ўзбек адабиётшунослигида ўрганилиши хусусида жиддий гап айтиш қийин. Изоҳлари аён. Нотўғри сиёсат, қатағонлар, замон чилдирмасига керагидан ортиқ шох ташлаган жайдари "партия солдатлари"нинг тазйиқлари биз билан ислом маданияти ўртасида жарлик ҳосил қилди. Уни кечиб ўтиш ҳаммага ҳам насиб этмади. Шундай бўлишига қарамай, турли воситалар орқали айрим асарларимиз манбаси "Қуръон" эканлиги тан олинди, дастлабки баъзи фикрлар айтилди. Оқсоқол адабиётшуносларимиз В. Абдуллаев, В. Зоҳидов, П. Шамсиев, Н. Маллаев, А. Қаюмов, А. Ҳайитметов, Б. Валихўжаевларнинг тадқиқот ва суҳбатларидаги мушоҳадалар менга далда берди. Ўшаларнинг мададига таяниб қалам ушладим. Биламан, мушкулот, қудратим етмайдиган ўринлар анчагина. Аллоҳ раҳмли, меҳрибондир. Ёзганларим менинг бу йўлдаги дастлабки қадамларим. Агар Алишер Навоийнинг илоҳиётга сидқи, муҳаббат ва муносабати баҳри кабирга тенг бўлса, менинг айтганларимни кичик бир зарра сифатида қабул қилинг, азиз ўқувчим!

Рисоланинг бунёдга келиши ёлғиз менинг меҳнатим эмас. Унда пиру устозларнинг ҳиммат ва мадади бор. Уларга ҳамиша таъзимдаман. Қўлёзмаларни ўқиб, билдирган холисона фикру мулоҳазалари учун синчков касбдошларга ташаккур изҳор этишга бурчлиман. Рисоланинг нашр харажатларини зиммаларига олган Ғиждувондаги Б. Бақоев, Р. Бақоевалар сардори бўлган кичик шахсий корхона жамоасидан чексиз миннатдорман. Холис ниятли бу инсонларга Аллоҳнинг нури ёғилсин!

БУРУН БИЛКИМ, ЭРУР ШАРЪ ИЧРА АҲКОМ...

Ҳар қандай ижодкорнинг “дафтари аъмоли” унинг ўз асарларидир. Манзум ёхуд мансур асарлар ўз муаллифининг қалб фарзанди. Уларда ўша таъб соҳибининг руҳи яшайди, “томир”ларида қони кезади. Хулқу атвори, фарзоналигию дунёқараши, шукронасию изтироблари, орзую дардлари – мураккаб руҳий олами ўзини кўрсатиб туради. Лўнда айтилса, ижодкорнинг кўламдор таржимаи ҳоли, “дафтари аъмоли” ўз бадиий, илмий, тарихий яратмалари бағрига “сочилади”, макон топади. Айни ҳақикат Ҳазрат Алишер Навоийга хам тўла дахлдордир. Ўша ноёб дафтарнинг бир саҳифаси «Муҳокамат ул-луғатайн»ни варақлаймиз: “Бу хоксорга сабо авоилидаким, оғиз ҳуққасидин бирор гавҳар зоҳир бўла бошлар, ул гавҳарлар ҳануз назм силкига кирмайдур... чун мазкур бўлғон қоида билаким, адо топти майл форсий сари бўлди. Аммо чун шуур синнига қадам қўюлди, чун Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ғаробат сари майлни зотий ва диққат ва душвор писандликка шуруъни жиббилий қилиб эрди, турк алфозиға даги мулоҳазани лозим кўрулди” [1].

Буюклик, навоиёна мўъжиза туфайли шу кичкина иқтибос бир катор сўроқларга пишиқ ва ишончли жавоб бера олади. Улуғ ўзбек шоири биринчи навбатда, бадиий ижодининг ибтидоси ҳақида маълумот бераётир. Унинг дастлабки машқлари форсийда рўшнолик кўрди. “Шуур синниға қадам” қўйилгач, туркий шеърлар яратила бошланди. Масала равшан, икки халқ, икки адабиёт манфаати йўлида хизмат қилиш Алишер Навоийнинг адабий тажрибасида ўткинчи ходиса эмас. У табиатан бағри кенг, саховатпеша, Одам Ато фарзандларига (улар терисининг ранги, эътикоди ва тилидан қатъий назар) ҳимматни раво кўрувчи зуллисонайн ижодкор эди. Алишер Навоийнинг ўша ишораларини рақамлар тилига айлантириш учун “Хазойин ул-маоний” йиғма девони дебочасидаги айрим ишоралар кўмакка келади. Жумладан, унда шундай қайдлар мавжуд: “Туфулийят авониким, етти-саккиз ёшдин йигирма ёшқача чинаса бўлғайким, умр фусулининг навбаҳори ва ҳаёт гулшанининг шукуфаву гулзоридир, анинг мадҳида “Ғаройиб ус-сиғар” била сарф қилдим”[2]. Жумбоқ ечилди, Ҳазрат Алишер Навоий “шуур синни” деганда, 7–8 ёшни кўзда тутган эканлар. Яна бир ойдинлик, бунга кадар ёш Алишернинг назмий машқлари форс тилида амалга оширилган. “Мажолис ун-нафоис”даги баъзи таъкидларга таяниб, бу нодир ҳодиса – ёш шоирнинг форсий шеърлари 4–5 ёшлар чамасида дунёга кела бошлаган дейиш мумкин. Алишер Навоийнинг соҳир қалами ҳадя этган улкан маънавий хазина унинг савқи табиий – худодод салоҳият соҳиби эканлигига шоҳиддир. Иккинчи якун шуки, 4–5 ёшидаёқ назм “дардига чалинган” улуғ ўзбек шоири ярим асрдан кўпрок давр ичида унинг “изтироб”ларига чидади. Шунингдек, юқорида келтирганимиз икки мансур парчани завқсиз ўқиш мумкин эмас. Чунки уларни муаллиф ёниб, тўлғаниб бунёд этган. Рангин насрий қаторлар ўзидаги руҳий кайфиятни ўқувчиларга ҳам “юқтира” олади. “Сабо авоили” – майин, кўнгилга хуш ёқувчи елнинг аввали, бошланиши.

Айтганларимиз ҳаммаси эмас. Сабо ўз-ўзича ҳосил бўлмайди. У сирлар олами – табиатнинг неъмати!

Ҳазрат нозик ишора билан иқтидорни (зинҳор шоиртарошликни эмас) илоҳий қудрат туҳфаси сифатида тақдим этаётирлар. Ўшандай нафис бунёдкорлик давом этади: “Ҳўққа” – халтача, ҳамён, нозик дид билан безатилган, зарбоф, кўркам матодан бунёд этилган, икки учида дилкаш қўнғироқчалари бор буюм. Кўчма маънода эса оғиз: шеър – оддий

[1] Алишер Навоий. Асарлар, 15 жилдлик, 14-жилд. 11-бет.
[2] Алишер Навоий. Асарлар, 20 жилдлик, 3-жилд, Тошкент – 1988, 19-бет.

сўзлар тизмаси эмас, гавҳар шодаси. Шундай манзара Алишер Навоийнинг барча мансур асарларида ҳам кўзга ташланади. Сабаби аён – улуғ ўзбек шоири сўзни илоҳий қудратнинг инсонга ато этилган улкан мўъжизаси деб билади. Алишер Навоий нигоҳида сўз мулки, бадиият олами – поклик, ҳалоллик мулки, мусаффо олам! Унинг кошонасига муносиб инсонларнинггина қадами раво. Шуҳрату дабдаба, мулку лавозим илинжида юрганлар эса бу муҳташам даргоҳнинг оҳори, тароватига гард юқтиради. Ижод олами тўғрилик, тантилик, мардона ростгўйликни ёқтиради. Буларнинг зидди мўътабар даргоҳ ҳуснини бузади. Ҳазрат Навоий фақат айтибгина қолмади, балки амал ҳам қилди. Кимдан нима етган бўлса, уни тан олди, хаспўшламай, "пардоз" қилмай кўрсатди. Юқоридаги парчада ҳам ўша фазилат намоён. Ўзидаги туғма истеъдодни Аллоҳнинг иноятини билган улуғ шоир Уни (Ҳақ субҳонаҳу ва таолони) айрича ихлос билан эътироф этмоқда. Кўчирганларимиз улуғ шоир даҳосидан биринчи ва охирги мисол эмас. Алишер Навоийнинг каттаю кичик, барча асарларининг туғросини Аллоҳнинг номи мубораки безайди. Улуғ шоирнинг айни йигитлик палласида Машҳади муқаддасда тартиб берилган ва 1465–1466 йилларда Султон Али Машҳадийнинг қил қалами билан китобат этилган норасмий – "Илк девон"и қуйидаги байт билан бошланади:

Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-Ҳудо,
Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқди садо.

Айтганимиздай, Алишер Навоийнинг муддаоси равшан. Мисраларда жамол кўрсатган ёр, қадаҳ ва ундаги май ҳам мажозий маъно касб этади. Офтобий, самовий шуъла – жамол, унинг ҳидояту инояти, мағфирати туфайли қадаҳлардан илоҳий нур ёғилади. Ёхуд жом саршор бўлгану, унда маҳбуба тимсоли жилваланади. Ўша маъшуқа иштиёқида юрган ошиқ эса сархуш. У висолга, дийдорга – Ҳақ жамолига ташна.

Алишер Навоийнинг илоҳиётга, Қуръони мажидга дахилдор сатрлари таҳлилига ўтишдан олдин буюк мутафаккирнинг илоҳиётга, шариат аҳкомларига муносабатини ойдинлаштириш фойдадан холи бўлмайди.

Ўртага қўйилган мавзунинг айрим қирраларини ёритишда улуғ шоирнинг ўз маънавий мероси ва замондошлари асарларидаги қайдларга таяниш панд бермайди. Аслини олганда, масаланинг шу йўналишда қўйилиши бир оз ғайритабиий кўринади. Алишер Навоий яшаган давр учун эса, ҳатт, кулгили ҳамдир. Чунки мусулмон дунёсини, унда фаолият кўрсатган инсонларни илоҳиёт ва Қуръони мажиддан ажратиб тасаввур қилиш соғлом ақлга тўғри келмайдиган мулоҳазадир. Етмиш йилдан сал ошган "эркин ва истиқболи порлоқ" "ривожланган социализм" тузуми бизни шу куйга солиб қўйди, маънавий қадриятларимизнинг туб моҳиятидан узоқлаштирди. Негаки, мумтоз адабиёт дурдоналарини илоҳиёт, шариат аҳкомларидаи ажратиб таҳлил ва талқин этиш, дарё соҳилига бориб, ташна қайтишга тенгдир. Бугун шукрона айтишга ҳаддимиз сиғади. Истиқлол ўз қанотида ўзлигимизга, асрлар оша амал қилган удумларимизга қайтиш имконини олиб келди. Ўтмишда бунёд этилган бадиий яратмаларга мафкура талаблари жиҳатидан эмас, ўз тараққиёт қонунлари тақозосига кўра, муносабатда бўлиш шарт-шароити яратилмоқда. Мазкур мулоҳазаларимиз танланган мавзуимизга ҳам тўла дахлдордир.

Алишер Навоий Хуросоннинг олий мартабали, маърифатпеша ва маданиятпарвар хонадонида дунёга келди. Ғиёсиддин Кичкинанинг айрим манбаларда Кичкина Баҳодир, Ғиёсиддин Бахши тарзида тилга олиниши тасодифий эмас. У темурийлар хонадонининг эътиборли, яқин кишиларидан бўлган ва Хуросон давлатининг айрим вилоятлари

ҳокимлиги унга ишониб топширилган эди. Шубҳасиз, Ғиёсиддин Бахши зарофат, илму маърифатга ҳам ҳамдам эди. Халқона ижодиётга ихлос ва иштиёқи баландлиги туфайли "Бахши" унвони билан сийланган. Алишернинг она тарафидан бобоси Абу Саид Чанг ҳам темурийлар аркони давлатининг ардоғида эди. Чанг – мусиқа асбоби. Равшан, Шайх Абу Саид шу чолғу асбобининг назариёти ва амалиётида маҳорат кўрсатгани учун замондошлари эътирофига сазовор кўрилган ва унинг номига шарафли унвон маъносида "Чанг" қўшиб айтилган. Шоирнинг тоғалари – Муҳаммад Али Ғарибий, Мир Саид Қобулийлар эса мусиқа ва бадиий ижодда замондошлари назарига тушган иқтидорлп шахслардир. "Мажолис ун-нафоис"да Алишер Навоий ўз шажарасининг ўндан зиёд табъи назми бўлган намояндалари ҳақида ишончли маълумотлар беради. Ўшандай юксак мақомдаги муҳитда ёш Алишер тарбия кўрдн. Шубҳасиз, юқорида зикр этилган табаррук шахслар комил мусулмон ва илоҳий – ботиний билимларнинг ҳам соҳиби эдилар. Бундай қўша-қўша қанотлар ёш Алишер парвозини тайин этди, унинг пешонасини ёруғ қилди, улуғлик рутбасига кўтарди...

"Мажолис ун-нафоис" иккинчи мажлисини таниқли муаррих олим ва адиб Мавлоно Шарафиддин Али Яздий ҳақидаги маълумотлари билан бошлаган Алишер Навоий ўз ёшлик йилларига доир муҳим бир лавҳани ҳам келтиради. Шоҳрух Мирзонинг фожиали вафотидан сўнг (1447) Хуросонда вужудга келган танг сиёсий вазият туфайли кўплар қатори Алишерлар хонадонига ҳам вақтинчалик ватанни – Ҳиротни тарк этиш, Ироққа бориш зарурати туғилди. Ирок йўлида Тафт шаҳрига қўнишга тўғри келди. Тақдирнинг ана шу ўйини туфайли ёш Алишер кекса олим Шарафиддин Али Яздий билан юзма-юз учрашиш шарафига муяссар бўлди.

"...Тахминан олти ёшимда бўлғай эрдим ва Мавлоно (Шарафиддин Али Яздий – Р. В.) бир раҳбада ўлтуруб эрмишлар, тушган жамоатнинг кайфиятин маълум қилмоқ учун атфолдин бирини тиладилар. Фақир алар сори борурға муваффақ бўлдим. Ҳар неким сўрдилар, жавоб айтдим. Табассум қилиб таҳсин қилдилар, даға сўрдиларким, мактабга борурмисен? Дедимким: борибмен. Дедиларким: не ергача ўқибсен? Дедимки: "Таборак" сурасигача ва ўз фотиҳаларига мушарраф қилдилар" [1].

Кўчирган парчамиз Алишер Навоийнинг ўз эътирофлари бўлгани учун катта илмий қиммат касб этади. Шунингдек, Алишернинг "Қуръон" орқали маънавий дунёга кўз очганига шоҳид ўтади. Олти ёшдаги бола бу мақаддас Илоҳий Китобнинг ярмидан кўпини ёд билган. Мазкур иқтибосдаги яна бир жиҳат диққатга молик. Алишернинг мактабга бориш-бормаслигини суриштирган Мавлоно Али Яздийнинг сўроғига эътибор берайлик: "Не ергача ўқубсен?". Кекса олим қандай фанлар ўқитилишини аниқлашни хаёлига ҳам келтирмайди. Негаки, масаланинг бу тарафи унга равшан. Эски мактабнинг дебочаси "Қуръон"дан бошланган. "Қуръон"дай мўъжизавий асарни ёд олишга қурби етган боланинг, шубҳасиз, зеҳни, талаффузи, нутқи, қироат санъати ўткирлашади. Комил эътиқодли инсон бўлиб шаклланади.

"Таборак" мақаддас Илоҳий Китобнинг олтмиш еттинчи сураси бўлиб, ўттиз ояти каримадан таркиб топади. Мазкур сура айрим манбаларда "Мулк" сарлавҳаси билан ҳам тилга олинади. Айни саҳифаларда сирли оламнинг бош масаласи – ўлим ва ҳаёт ҳақида теран мушоҳадалар ўртага ташланади[2]. Бизнинг таъкидларимиз бир ёқлама хулосаларга

[1] Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилд. 12-жилд. 30-бет.

[2] "Қуръон". "Шарқ юлдузи", 1991, 12-сон, 141–142-бетлар. Мазкур жумла ва рисоланинг бошқа саҳифаларида "Қуръон" сураларнга доир қўлланган рақамлар асарнинг ўзбек тилидаги матнига тегишлидир. Араб тили ва ёзувидаги матн ўнгдан чапга қараб ўқилгани учун хам биз ишлатган рақамларга тўғри келмайди. Иккинчидан, "Қуръон"хонлар ўртасида асар ҳажмини пора (ўттиз жузъ, бўлак, қисм) билан белгилаш урфга кирган ва шундай юритилади. Ўзбекча матндаги аниқликка халал етказмаслик учун мавжуд анъанадан чекинишга тўғри келди.

олиб келмаслиги зарур. Яъни юқорида эслатилган ҳолатлар фақат Алишер Навоий учун тегишли бўлмай, йиллар давомида бизнинг «сўкиш»ларимизга мустаҳиқ топилган эски мактабнинг барча толиби илмларига дахлдор эди. Ўтмиш мактабининг дастури ўша асосда қурилган. Зоҳирий ва ботиний билимлар ёнма-ён ўқитилган. Бизнинг ҳамма нарсани жўнлаштиришга уринишларимиз, мағриб тарбиясига мажрубий тақлидларимиз ўқувчи зеҳнининг ўтмаслашуви, авлодлар маънавияти ўртасидаги бўшлиқларни келтириб чиқарди. Оқибатда, Алишер Навоийнинг дилбар шеъриятига "тишимиз" ботмай қолди. Давримиз улкан қадами, маънавий оламдаги "ютуғи" сифатида улуғ шоир асарларининг насрий баёнлари вужудга келди. Ягона туркий "Хамса" бир юмалаб, "насрий" асарга айланиб қолди. Мактаб дарслигида аслиятсиз насрий парчани мутолаа (аниқроғи, кўрган) қилган ўқувчи ўша шоҳ бадиий яратмани мансур асар сифатида тилга олишдан бошқа нима ҳам дейиши мумкин?

Ёшлик йилларининг жўшқинлиги, шиддати-ю тўлқинлари билан Алишернинг вужуд-вужудига, шуурига сингиб қолган "Қуръон" таълимоти, мўъжизавий илоҳий руҳ умр бўйи уни безовталикка чорлайди. Улуғ шоирнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, адабий-илмий асарларида устувор яшади. Улуғ ўзбек шоирининг илоҳиёт, шариат ва Қуръони карим билан мулоқоти ўқувчилик йилларида қолиб кетган эмас. Даврлар ўтган сайин унинг бу борадаги саъй-ҳаракатларининг кўлами ҳам теранлашиб борди. Улуғ шоир шариати исломиянинг ҳар бир мўмин "бешикдан қабрга қадар" таълиму таҳсил билан шуғулланиши зарурлиги хусусида ўртага қўйилган ибратли таълимотига оғишмай амал қилди. Эслатганимиз қимматли маълумоту далиллар улуғ шоир даври манбаларида кўплаб учрайди. Биз ўшалардан иккитаси ҳақида баҳс юритиш билан чекланамиз.

Маълумки, Алишер Навоий 1459–1460 йиллардаёқ ўз тақдирини Нақшбандия оламининг улкан маънавий арбоби, олим ва шоир Нуриддин Абдураҳмон Жомий билан боғлади. Ўша йилларда Абдураҳмон Жомий Хуросон давлатининг шайхулисломи, Саъдиддин Қошғарий вафотидан кейин нақшбандия тариқатининг муршиди комили рутбасида эди. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг дастлаб устозу шогирдлик муносабатлари сифатида шаклланган ҳамкорликлари кейинчалик муршиду муридлик мақомига кўтарилди. Салкам қирқ йилга тортган айни умр саҳифалари нафақат икки шахс, балки икки халқ ва адабиёт қардошлигининг тимсолига айланди.

Алишер Навоий Абдураҳмон Жомий ҳузурида, унинг бевосита иштирокида бадиий ижоднинг назарий масалалари, илоҳиёт, тасаввуф таълимоти ва тарихига доир сабоқ олди, талай китоб ва рисолаларни мутолаа этди. Улуғ ўзбек шоири бу "гавҳари якто"нинг (12-жилд, 70-бет) табаррук даргоҳида "Лавоеҳ", "Лавомеъ", "Шарҳи рубоиёт", "Нафаҳот ул-унс", "Шавоҳидун-нубувват", "Қудсия", "Ламаот", "Илоҳийнома" каби форсий мутасаввифларнинг тариқат таълимоти тарихи, назарий масалаларга доир қарашлари, мураккаб асарларга берилган шарҳлари ва рисолаларини ўрганди. Ушбу рўйхатда саналган асарларнинг аксарияти илоҳиётга ҳам тегишлидир[1].

Кўриб ўтганимиздек, нодир қайдлар, ибратли лавҳалар Алишер Навоийнинг бошқа бадиий асарлари бағрига ҳам "сочилиб" кетган. Муҳими шундаки, шуурга сингган билим вақт танламайди. Яъни ўша қайноқ ёшлик хотира-ю таассуротлари орқали ўзлашган дониш умр бўйи буюк мутафаккирни "таъқиб" этиб туради. Жой-жойини "топиб", унинг бадиий ҳаётининг деярли ҳамма босқичларида бунёд бўлган манзум ёки мансур яратмаларида нозик ишоралар воситасида ифодаланган саргузашт лавҳаларни учратишимиз мумкин. Чунончи "Лисонут-тайр" Алишер Навоий ҳаётининг охирги кунларидан ёдгорлик

[1] Қаранг: *Алишер Навоий.* Асарлар. 15 жилдлик, 14-жилд, 60–61-бетлар.

ҳисобланади. Асар улуғ шоир вафотидан саноқли ойлар илгарироқ ёруғлик кўрди. Маснавий таркибида “Бу китоб назмида ўз муносабатининг тақриби” сарлавҳали боб мавжуд. Айни сатрлар фалсафий-масал достоннинг хотимавий бобларидан бирини ташкил қилади. Ўша саҳифаларида шундай мисралар кўзга ташланади.

Ёдима мундоқ келур бу можаро,
Ким туфулият чоғи мактаб аро.
Ким чекар атфол марҳуми забун,
Ҳар тарафдин бир сабақ забтига ун.
Эмгонурлар чун сабақ озоридин,
Ё “Каломуллоҳ”нинг такроридин.
Истабон ташхиси хотир устод,
Назм ўқутурким равон бўлсун савод.
Насрдин баъзи ўқур ҳам достон,
Бу “Гулистон” янғлиғу ул “Бўстон”.
Менга ул ҳолатда табъи булҳавас
“Мантиқут-тайр” айлаб эрди мултамас.
Топти сокин-сокин ул такрордин
Сода кўнглум баҳра ул гуфтордин[1].

Кўчирганимиз рангин сатрларни мутолаа қилар эканмиз, закий аждодларимиз тадбиркорликларига тан бермай иложимиз йўқ. “Каломуллоҳ” қироатидан толиқа бошлаган талаба бадиият оламига кўчган. Устод раҳбарлик қилган, бироқ танлов ҳар бир толибнинг шахсий хоҳишига қўйиб берилган. Назм иштиёқмандлари шеърий ва насрга майли бўлганлар эса мансур китобларга мурожаат этишган. Алишер Навоий сатрларидан англашиладики, тавсия этиладиган асарларнинг рўйхати белгили бўлиб ва толиблар ахлоқий-маънавий тарбиясидек бош мақсадга хизмат қилиш зарур ҳисобланган. Танлов жараёнида тавсия қилинадиган китобларнинг савия ва услуби диққат марказида турган. Қуръони мажид ёнида “Мантиқут-тайр”нинг туриши заковат нишонасидир. Шундай гапни “Гулистон” ва “Бўстон” ҳақида ҳам айтиш жоиз. Шарқ пандномасининг отаси мақомида шуҳрат пайдо қилган Китобдир. Қаранг, ғоявий, фалсафий, ахлоқий, тадрисий, хуллас, ҳамма томонлама мувозанат инобатга олинган.

Алишер Навоийнинг шариати исломияга доир қарашлари қутбини кенгайтирган устозлардан яна бири Хожа Файзуллоҳ Абуллайсий Самарқандийдир. Абуллайсийлар хонадони аксарият мусулмон давлатларида, айниқса, Мовароуннаҳру Хуросонда шуҳратманд эди. Абуллайсийлар авлоди етти асрдан зиёдроқ давр ичида фиқҳу фақиҳликда пешқадамлик қилди. XV асрда шу шариф тожи Файзуллоҳ Абуллайсига насиб этди. Унинг сабоқларидан Абдураҳмон Жомий ҳам баҳраманд бўлди. Тақдир орадан чорак аср вақт ўтказиб, ўшандай бахтни Алишер Навоийга муяссар қилди. Улуғ ўзбек шоири бу донишманддан фиқҳ – ислом қонуншунослигининг сиру асрорлари ҳақида баҳс юритувчи мукаммал сабоқлар тинглади. Фақиҳ – етук исломшунос олим эса, ўз навбатида, мусофир толиби илмнинг бошини силади, унга юксак инсоний илтифотлар кўрсатди. Ўша самимий садоқатнинг ёғдулари кейинчалик “Мажолис ун-нафоис” саҳифаларида ўрнашиб қолди[2].

“...Фиқҳда ани Абу Ҳанифаи Соний дерлар эрди ва арабиятда Ибн Ҳожиб каффасида

[1] Алишер Навоий. Лисонут-тайр. Насрий баёни билан. Тошкснт – 1991, 258-бет.
[2] Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик, 12-жилд, 32-бет.

тутарлар эрди... Фақир икки йил аларнинг қошида сабақ ўқуб эрдим, анча илтифотлари бор эрдиким, “фарзанд” дер эрдилар” (12-жилд, 322-б.). Тазкира муаллифи қайд этган воқеалар 1465–1469 йилларда жаннатмакон Самарқандда бўлиб ўтган. Чунки айни ўша йилларда Алишер Навоий Самарқандда машаққатли мусофират ҳаётини бошидан кечирмоқда эди. Айримларигина санаб ўтилган адабий-тарихий далиллар буюк мутафаккир таржимаи ҳоли учун мароқли аҳамият касб этади. Ўша ҳаёт синовлари уни инсон, шоир, жамоат, давлат ва диний арбоб сифатида шакллантирди. Айтилганлар билан бир қаторда айни саъй-ҳаракатлар Алишер Навоийни комил муслим, ислом аҳкомларининг нозими, ҳомийси ва сарвари мартабасига кўтарганлигини ҳам таъкидламоқ зарур.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг илоҳиёт бобида босган қадамлари кўламдор ва ғоят ибратлидир. Аввало, у камолот поғонасига кўтарилган сидқий эътиқодли мусулмон сифатида шариати исломиянинг деярли барча фарзу суннатларини маромига етказиб амалга оширган. Унинг бундай ибратли фаолияти замондошлари асарларида ёрқин ифодасини топган эди. Шу жиҳатдан Ғиёсиддин Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асари катта қизиқиш уйғотади. Тарихий-бадиий услубда бунёд этилган мазмундор рисола Алишер Навоий мурувватi туфайли олим, адиб, муаррих даражасига кўтарилган. У улуғ ўзбек шоири суҳбатлари ва саргузаштларининг жонли шоҳиди эди. “Макорим ул-ахлоқ”дан жой олган талайгина воқеа-ҳодисалар, бунёдкорлик, ободончилик соҳасидаги хайрли ишлар, садақа-ю эҳсонларни асар муаллифи ўз кўзи билан кўрган. Тўғри, Хондамир ўша таассуротларини бадиият либосида берди. Аммо ёзувларда бўёқдор ифодасини топган далиллар рост гаплар бўлиб, ҳар қандай шубҳалардан холидир.

Зикри ўтган жиҳатларига биноан Хондамир маълумотлари эътиборли ва муҳим илмий қиммат касб этади. Ўн мақсад “муқаддима”-ю “хотима”дан тузилган “Макорим ул-ахлоқ”нинг “шариат арконларига риоя қилиш баёнида” сарлавҳали олтинчи боби (мақсади) мавзуимизга бевосита дахлдорлиги билан аҳамиятлидир. Китобнинг таянч услубидан аёнки, муаллиф Алишер Навоий таржимаи ҳолига доир масалаларни атрофлича, тарихий изчиллик ва илмий аниқлик билан ёритиш йўлидан боради. Рисоланинг ғоявий-бадиий мувозанатини тенг тутишни кўзлаган Хондамир ҳайратангиз ҳикоятлар, чимдим лавҳалар танлайди. Ўшаларни юқорида қайд қилганимиз мавзуларга ажратади ва жой-жойида келтиради. Муаллифнинг маҳорати туфайли “Макорим ул-ахлоқ” гўзалгина бадиий асар тусини олган. Бадииятидан қатъи назар, муаррихнинг айрим шаъмалари улуғ мақсадларни юзага чиқаради. Асар саҳифаларида улуғ инсонпарвар, комил инсон, етук олим, шоир, адиб ва таниқли арбоб сифатидаги Алишер Навоийнинг нуроний сиймоси назарга ташланади. Айтганларимиз китобнинг олтинчи мақсадида ҳам кузатилади. Чунончи мана бу парчани олиб кўрайлик: “... Бу ислом таянчларини юқори кўтариб мустаҳкамлаш, намозда қоим бўлишга ҳаракат қилиш эди”(таъкид бизники – Р. В.)[1].

Кунда беш маҳал намозни амалга оширмоқ, мусулмончиликнинг беш муҳим шартларидан биридир. Хондамир кўчирганимиз жумла воситасида Ҳазрат Алишер Навоийнинг суннатга муносабатини ойдин кўрсатишга эришади. Унинг танлаган бундай йўли маъқул. Чунки XV асрнинг зарофатли ва метин эътиқодли инсони ҳаётини намозсиз тасаввурга сиғдириб бўлмайди.

Алишер Навоийнинг сарфу харажатлари ҳақида фикр юритган замондошлари бу масалада ҳам айрим маълумотларни ёзиб қолдиришган. Жумладан, “Мажолис ун-нафоис”ни форсийга ўгирган Фахрий Ҳиротий улуғ ўзбек шоирининг бир кунлик даромади етмиш

[1] Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Тошкент – 1968, 73-бет. Бундан кейин саҳифалар матн охирида, қавсда кўрсатиб борилади.

беш минг тилло динордан иборат эканлиги ҳақида ёзади. Фахрий Алишер Навоийнинг кичик замондоши ва уни шахсан таниган, суҳбатларида иштирок этган муаллифдир. Иккинчидан, Фахрий Ҳиротий хабар берган миқдордаги даромаднинг ўз изоҳ ва манбалари ҳам мавжуд. Алишер Навоий таржимаи ҳолидан маълумки, у 1469–1472 йилларда Султон Ҳусайн Бойқаро подшоҳ бўлган Хуросон давлатининг муҳрдори, кейинчалик бош вазири лавозимларида фаолият кўрсатди. Бир йилдан ортиқроқ муддат Астробод вилоятининг ҳокими бўлди. Расмий лавозимлардам узоқлашган Алишер Навоий "Ҳазрат султоннинг муқарраби" унвони билан сийланган. Ўтмиш давлатчилик идора усулида амал қилган тартибларга асосан ҳар бир мансабу лавозимнинг мавқеига кўра маблағ билан қадрлаш қоидаси ҳукм сурарди. Яъни суюрғол – мулк тақсимлаш тартиби Алишер Навоий даври учун ҳам тўла хос эди. Ўша қоидалар тақозоси сифатида Хуросон давлатининг маълум мулкларидан келадиган даромад солиғи Алишер Навоий жамғармасига тушарди. Модомики, улуғ ўзбек шоирининг давлат тизимидаги мавқеи юксак экан, унга ажратилган мулкнинг ҳам катта эканлиги шубҳа туғдирмайди. Ёхуд Фахрий Ҳиротий маълумотларига тўла ишонч ҳосил қилиш асосини беради.

Ислом қонуншунослиги ҳар бир ҳаракат ва меҳнатнинг ўз муносиб баҳосини олишини ҳам талаб этади. Мўминларнинг унга амал қилишлари шарт ва бу Худо ҳамда виждон олдидаги қарзларидир. Фикримизча, Алишер Навоийнинг 1481–1482 йилларда бунёд этилган "Вақфия" асари замирида ҳам ўша талаблар ётади. Муҳими, улуғ ўзбек шоири ўша китобида ўз тасарруфидаги маблағларнинг сарфланиши тақсимотини беради. "Вақфия"ни фақат ҳайрат ва ҳаяжон билан ўқиш мумкин. Чунки унда теран билим соҳиби ва юксак инсонпарвар Алишер Навоийнинг фарзоналиги, жўшқин ҳиссиёти мужассам. Айниқса, унинг фиқҳ бобидаги зукколиги ва адолатли муҳокамалари диққатга моликдир.

Ҳар бир бино, унда фаолият кўрсатадиган ходим, унинг мавқеъ-мартабаси, толиби илмлар, жиҳозу таъмир учун сарфланадиган маблағлар ўта аниқлик ва нозиклик билан белгилаб берилган. Қуръони каримни ўзбекчалаштирган Алоуддин Мансур "Тавба" сурасида закотга берган шарҳида тўрт минг сўм тирикчилик харжларидан ортиқча пулга эга бўлган шахс унинг қирқдан бирини закот сифатида тақдим этиши керак, дейди[1].

Мавзуга қайтадиган бўлсак, ўйлаб қоласан, шунча катта миқдордаги кунлик даромадга эга бўлган Алишер Навоийнинг закот тўлашга лойиқ маблағга эга бўлмаслиги мумкинми? Хондамир ҳам ана шундай ҳақли саволнинг туғилиши муқаррарлигини инобатга олади ва "Макорим ул-ахлоқ"да қуйидагича изоҳни келтиради. "Чунки мулозимларнинг қўлига нимаики тушса, тездан кишиларга инъом бериш йўли билан сарф қилинар ёки хайрли бинолар барпо қилишга кетарди." (Ўша китоб, 73-бет) Хондамир асарининг бошқа саҳифаларида ҳар йили бева-бечорларга улашиладиган "минг сару по" кийим, тортиладиган таомлар, мадрасаларнинг мударрису толиби илмларига тўланадиган маошлар ҳақида ҳам мароқ билан мулоҳаза юритади. Алишер Навоий ҳеч қачон масалага расмият учун, кўр-кўрона муносабатда бўлишни ёқтирмаган. Табиий, ҳаётий ва ҳаракатдаги амалий тадбирларгина бу зукко давлат ҳамда диний арбобнинг атворига хуш ёққан. Айни ҳаракатни закот масаласида ҳам мушоҳада қилишимиз мумкин. Сунъий равишда ёхуд хасислик билан ўлик маблағни йиғиб, закот тўлашдан кўра оч бир бенаво қорнини тўйғазиш, кийим-бош билан таъмин қилиш Алишер Навоийга маъқул кўринган. Бундай уринишнинг Аллоҳ ва унинг китоби табиатига мос тушиши, барча саъй-ҳаракатлардан кузатилган мурод ўша жонли амалиёт эканлигини улуғ шоир бутун қалби билан ҳис қилган.

[1] "Қуръон". "Шарқ юлдузи". 1990, 9-сон, 160-бет. Бундан кейин парча охирида йил, сон, саҳифа, қавсда бериб борилади.

Ғиёсиддин Хондамир билан мулоқотимизни давом этамиз: “Рамазон ойида олий макон Амир хайрот ва садақанинг миқдорини имкони борича орттиришга тиришади. Одатий шилонда бир неча бош қўй ва унинг керак яроғини кўпайтирарди. Ҳар кечаси улуғ сайидлар, замон олимлари, олий мартабали амирлар ва баланд даражали садрлардан кўпгина киши Амир ҳузурида ифтор қилишарди. Ул ҳазрат меҳмонлари риоя қилиб, овқатни ўзлари тортарди” (Ўша китоб, 74-бет). Аён бўлаётирки, Ҳазрат Алишер Навоий мусулмончиликнинг бу шартини ҳам рисоладагидек бажо келтирганлар. “Калимаи шаҳодат” ҳар бир дақиқада буюк мутаффакир тилидан тушмаган. Унинг кўп сонли асарлари таркибида тез-тез кўзга ташланадиган ояти карималар, ҳадиси шариф, дуолар, илоҳий калималар бизнинг хулосаларимиз фойдасига хизмат қилади. Мусулмончиликнинг бешинчи шартини адо этиш Алишер Навоийга насиб қилмади. Хондамир шу масалага дахл этиб, ёзади: “Ул ҳазратда ўсиб-униш кунлари бошланишидан то ҳаётининг охирги дамларигача бошида ислом ҳажини ўташ ҳаваси ва хотирада пайғамбар қабрини зиёрат қилиш жойлашган эди”. (Ўша асар, 75-бет). Аммо, ана шу истак амалга ошмади. Давлат манфаатларини назарда тутган Ҳусайн Бойқаро маслакдош ва мактабдош дўстининг узоқ муддат Хуросондан олисда бўлишини истамади. Алишер Навоий давлат тизимида тутган мавқеига кўра, бир масалани тўққиз мартагача шоҳ муҳокамасига олиб чиқиш имтиёзига эга эди. (“Макорим ул-ахлоқ”, 77-бет). Улуғ шоир ҳуқуқидан фойдаланиб, ҳаж масаласини ёзма ва оғзаки, бевосита ва билвосита шоҳ мажлисларида кун тартибига қўйса-да, қаноатлантирарли жавоб ололмади. Хондамирнинг шаҳодатига кўра, ниҳоят Султон Ҳусайн Бойқаро дўсти истагини қабул қилиш, Ҳижоз сафарига рухсат бериш учун улуғ шоир умрининг охирида бағоят авж пардадаги фармони олий ҳам ҳозирлатган. Аммо анча хаста бўлиб қолган Алишер Навоийнинг узоқ сафарда юришини маъқул кўрмаган шоҳ нозик сабаблар ва шахслар ёрдамида уни охирги марта (905 ҳижрий йилда) сафардан сақлаб қолишга муяссар бўлади (Ўша асар, 82–83-бетлар).

Шундай қилиб, азал котиблари Ҳазрат Алишер Навоий дафтари аъмолига муборак ҳаж сафарини битишмаган экан, ундан устун келишнинг иложи бўлмади. Пайдар-пай туғилган сабаблар монеълик қилди. Ислом қонуншунослигидан мукаммал хабардор бўлган улуғ ўзбек шоири шариат аҳкомларидаги Каффоратга умид боғлади. У саховатпешалик, мўминларга ҳиммат ва марҳамат кўрсатиш, бекасу бенаволар, ғарибу ғуробалар дардига малҳам бўлиш орқали ҳаж савобларига мушарраф қилинишга қаттиқ ишонди. Ҳазратнинг пок қалбларига умид бахш этадиган яна бир илинж мавжуд эдики, у ҳақда Хондамир гувоҳлик беради “... Агарчи ... ул ҳазратга Маккаи мукаррамага ва Мадинаи таййибага эришиш саодати ҳосил бўлмаган бўлса-да, аммо қайта-қайта эътимодли ва ишончли кишиларни, кўп яхшиликлар қилиб, ўзи томонидан ҳаж қилмоқ учун юборди, бу бобда ўша шарафли мақом улуғлари номига номалар йўллади” (таъкид бизники – Р. В.) (Ўша асар, 86-бет).

“Макорим ул-ахлоқ”даги яна бир нодир маълумотни назардан ўтказиш бизнинг хулосаларимиз фойдасига хизмат қилади. Алишер Навоий илм ва илоҳиёт йўлида умр сарф этган улуғ шахсларни юксак сидқ ва эҳтиром билан ардоқлаган, уларга сиғинган. Ўшандай зоти олийларнинг нафақат ўзлари, балки уларнинг муқаддас мақбаралари ва асарларини ҳам кўз қорачиғидай авайлаган. Айтилганлар далили учун яна Хондамирга мурожаат қилайлик. Ҳижоз сафаридан кун сайин умидини узган Алишер Навоий Султон Ҳусайн Бойқарога мурожаат қилар экан, айтади: “... Менга эса Ҳижоз сафарига хоҳиш ва рағбат билан ижозат бермайсиз. Энди рухсат берсаларки, сизнинг ваколатингиз билан қолган ҳаётимни Ансория остонасини супуришга сарф қилсам, мулозимлик ишларидан батамом озод бўлсам, чунки қарилик мадорсизлиги вужудимга таъсир кўрсатиб, қувват

йўқолган, бадан заифлашган” (Ўша асар, 79-бет). Кўчирмада тилга олинган Ансория – Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг қабридир. Алишер Навоий бу мутасаввиф олим ва адибга алоҳида ихлос билан мурожаат қилган, унинг асарларини, айниқса, “Илоҳийнома”сини зўр қониқиш билан мутолаа этган.

Хондамир шаҳодатига кўра, улуғ ўзбек шоирининг мазкур истаги хуш қабул қилинган ва ғоят юксак мақомдаги фармони олий ҳам берилган. Ушбу фармоннинг матнини ёш адабиётшунос Шуҳрат Сирожиддинов “Ёшлик” ойномасида чоп эттирди[1].

Муҳими шундаки, Алишер Навоий шоҳнинг мазкур рухсатнома – фармонини ўз тақдиридаги улуғ ҳодиса сифатида қабул қилади. Шу муносабат билан Ансорияда катта хайрия зиёфати ўтказилади. “Макорим ул-ахлоқ”да ўқиймиз: “... Етмиш бош қўй, йигирма бош от ва ўттиз ботмон қанд сарфладилар, бошқа нарсаларни шунга қиёслаш керак” (81-бет). Хондамир шу маросимда меҳмонларга хизмат қилган. Ҳиротнинг олиму шоир, мударрису мансабдорлари рўйхатини ҳам илова қилади. Ўша рўйхатнинг ўзиёқ Алишер Навоийнинг эслатилган тадбирга нечоғлик жиддий эътибор қилганидан дарак беради. Таъкидга сазовор яна бир жиҳат шундаки, хайрия катта илоҳий маросим, Хожа Абдуллоҳ Ансорий руҳи олдида таъзим бажо келтириш мавлуди тусини олади. Базмда Қуръони мажид тиловатига алоҳида урғу берилади. Хондамир ёзади: “Овқатлар тортилиб, Худонинг Каломи қироат қилинганидан сўнг, у улуғ зот (Алишер Навоий – Р. В.) буюк машойихлардан фотиҳа илтимос қилди” (82-бет).

Юртни тинч, адлу амниятда, эл-улусни фаровон турмуш, осойишта ҳаёт оғушида кўриш Алишер Навоийнинг эзгу орзуси эди. У ҳаётининг охирги кунларига қадар ҳам шу йўлда вақт сарф этди. Хондамир ёзади: “Ансория остонасининг шарқ томонига хонақоҳ бино қилди, имкон борича, у улуғ киши мозорининг ободончилигига уринарди” (82-бет). Алишер Навоийнинг бундай қутлуғ ишлари бизни ҳушёр торттирмоғи, ҳалолликка, инсофу диёнатга ундамоғи лозим. Негаки нафсга эрк бермоқ, шуҳрат домига илинмоқ, дил ва тил бирлигига интилмаслик, юртни хароб, қалбларни барбод этади.

Равшан бўлаётирки, Алишер Навоий бутун онгли фаолияти давомида ислом дунёсининг мукаммал эътиқодли, иймони бутун закий бир вакили сифатида ҳаёт кечирган, шариатнинг барча аҳкомларини бекаму кўст уддалаш пайида умр сарф этган баркамол мусулмон қиёфасида кўзга ташланади.

Ҳазрат Алишер Навоий ислом таълимотининг улкан тарғиботчиси ва ҳомийси ҳам эди. Улуғ ўзбек шоири замондошлари, айниқса, Хондамирнинг ишончли даллилари айтиб ўтилган мавзуни ёритишда бой маълумотлар беради.

Ҳазрат Алишер Навоий дини ислом намоёндаларини тарбиялаш, уларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва фаолиятини назорат қилишни ўз уҳдасига олган. Аслида, мазкур соҳалар ислом нуфузини ҳимоя қилишда туб масалалар ҳисобланади. Қандайдир нопок, нафси ҳакалак отган кимсанинг улуғ бир даргоҳга тушиб қолиши эътиқодга зиён етказади. Иблис, шайтон билан ҳамтовоқ нокаслар эса, ҳамма замонда ва ҳамма жабҳада кўзга ташланиб турган. Бугун ҳам ўшандай мўмай даромад шайдолари биринчилар қаторида кавшу маҳси, яктагу чакмон кийиб, саллани бошга қўндириб, “ёғлиқ” жойларга ўзларини уришга улгуришди. Аҳвол шундай давом этса, оқибати аён, албатта. Яна дин озор кўради. Аллоҳнинг ўзи ундайларнинг ажрини берсин!

Алишер Навоий масжид ва зиёратгоҳларни бунёд этиш, таъмирлаш каби савобли ишларнинг ҳам раҳнамоси бўлган. Хондамирнинг “Мақсура суффаси” зиёратгоҳи таъмири тафсилотларига доир мулоҳазалари катта завқ уйғотади. Алишер Навоий учун ишнинг катта-кичиги, муҳим-номуҳими, умумий ва шахсийси бўлмаган. Улуғ арбоб уларнинг

[1] “Ёшлик”, 1990, 7-сон, 79-бет.

барчаси учун вақт топган, қизиққан. “Тоқ ва равоқларнинг ҳар томони мусулмон ва хитой услубида зийнатланди ва ҳалланди”. Хондамир маълумотларига кўра, ҳатто ваъз айтишга мўлжалланган минбар ҳам Алишер Навоий эътиборидан четда қолмаган: “Софдил Алишернинг кўнгли,– ёзади Хондамир, “Макорим ул-ахлоқ”да, – мармар минбар ясашни тақозо қилди. Улуғ даргоҳ мулозимлари қидира-қидира Хон вилоятидан мармар топтилар. Эгасига батамом нархини тўлаб, бу жойга келтирдилар. Устод Шамсуддин сангтарош бу тошдан минбар ясашга киришди” (71-бет). Кўринадики, таъмирлаш жараёни жуда талабчанлик ва масъулият билан кечган. Ҳар бир ишнинг бошида Ҳазрат Алишер Навоийнинг нозик дидли нигоҳи назоратчилик қилган. Маълумки, моддий ёхуд маънавий рағбатлантириш амалга оширилиши зарур бўлган ҳар қандай ишнинг сифат ва унумига улкан ижобий таъсир кўрсатади. Ана шу ҳаётий ҳақиқат ҳамиша улуғ ўзбек шоирининг диққат марказида турган. Шунинг учун ҳам у вақти-вақти билан қурувчиларга хайру эҳсонлар улашиб туради. Таъмирлаш ишларининг якуни эса катта тўй тусини олади. “Макорим ул-ахлоқ”да қайд этилишича, ҳар бир ишнинг хизмати ўз қадрини топади. Хондамир мулоҳазаларини давом этиб, ёзади: (улашилган ҳадялардан ташқари) “Эллик бош қўй, тўққиз бош от» ва яна тегишли масаллиқлар қурувчиларнинг озиқ-овқати учун сарф этилган (72-бет). Масала равшан, эзгулик йўлида шунчалик кўп сарфу харажатлар қилган инсоннинг закот тўлашга лойиқ миқдорда жамғармаси бўлмаслиги табиийдир. “Мақсура суффаси” ёдгорлиги Алишер Навоийнинг шу йўналишдаги ягона иши эмас, албатта. Улуғ ўзбек шоирининг раҳнамолиги, маблағи ва ташаббуси билан яна йигирмадан ортиқроқ масжиду хонақоҳлар барпо этилди. “Макорим ул-ахлоқ”да уларнинг барчаси номма-ном санаб ўтилади (73–74-бетлар).

Алишер Навоийнинг илоҳиёт йўлидаги фаолиятини фақатгина қурилишлар билан чеклаб қўйилса, масалага бир ёқлама муносабат билдирилган бўлур эди. Бу комил инсон табиатидаги кўламдорлик айни жабҳада ҳам ёрқин намоён бўлади. Аввало, у улкан илоҳий арбоб сифатида давр мафкурасининг назарий асосларини мустаҳкамлаш билан жиддий шуғулланган. Алишер Навоий Қуръони мажид, илоҳиётга тегишли яна қанча дастур ва рисолаларнинг кўплаб кўчирилишини инобатга олган. Аллоҳнинг каломи илоҳий Китоб таржимаси қатъиян манъ этилган бир шароитда уни тафсирлаш воситасида моҳиятини мўминларга етказиш алоҳида аҳамият касб этарди. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ўша хайрли ишни ўз уҳдасига олди ва Ҳусайн Воиз Кошифийга топширди. У улуғ ўзбек шоири томонидан ҳам моддий ва ҳам маънавий жиҳатдан етарли таъмин этилган. Ҳусайн Воиз Кошифий ижодий топшириқни муваффақиятли якунлайди. Айтиш зарур, “Қуръон”нинг форсий тафсири учун Ҳусайн Воизнинг танланиши тасодифий эмас. Бу улкан аллома замондошлари ўртасида забардаст адиб, шоир, илми бадеъ, ахлоқ, фиқх, тасаввуф ва илоҳиётнинг йирик донишманди сифатида танилган эди. Хусусан, “Қуръон”ни маромига етказиб, қироат билан тиловат қилиш, овоз ширадорлигини таъмин этишда Ҳусайн Воиз Кошифий “панжасига панжа урадиганлар” топилмаган. Ҳиротда Султон Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомийлар қатнашадиган суҳбатларда “Қуръон” тиловатига фақатгина Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ҳадди сиққан. Кўринадики, улуғ ўзбек шоири илоҳий китоб учун шореҳ (шарҳловчи) танлашда сира янглишмади. Зиммасига юклатилган мураккаб илмий-ижодий ишни муваффақиятли якунлаган Ҳусайн Воиз Кошифий “Қуръон”нинг форсий тафсирини юксак миннатдорчилик рамзи сифатида Алишер Навоийга бағишлади ва нодир китоб туғросини унинг муборак номи билан безади (Ўша асар, 41–43-бетлар).

Қувончлики, бундай диққатга молик мисоллар беҳад кўп. Улар “Ҳамма нарсани кўрувчи ва билувчи Аллоҳ”га маълумдир.

Алишер Навоий шахсида намоён бўлган юксак истеъдод нишоналари унинг зукко замондошлари назарига тушган, муносиб баҳосини олган ва ўша муаллифларнинг асарларида аксини топган эди. Бугун Алишер Навоийни “ғазал мулкининг султони” унвон-сифатловчиси билан аташ урфга айланди. Аммо дастлаб ўша жиддий илмий умумлашма – унвоннинг ким томонидан қўлланганлиги ҳаммамизга ҳам аён эмас. Тўғри, бугунги навоийшуносликда уни биринчилардан бўлиб, адиб ва адабиётшунос Мақсуд Шайхзода ўша сарлавҳа билан чоп эттирган мақоласи орқали (“Совет Ўзбекистони”, 1965 йил, 15 декабрь) фаол илмий муомалага киритди. Бироқ мазкур топиб айтилган унвоннинг сарчашмаси улуғ шоир яшаган XV асрнинг 80-йилларида яратилган. Алишер Навоийга ўша юксак унвонни илк марта замон ҳукмрони, нозик дидли шоир ва шеършунос Султон Ҳусайн Бойқаро расмий фармон билан эмас, балки бадиий каломи орқали ёзувда акс эттирди. Таниқли давлат арбоби ўзининг мансур “Рисола”сида мактабдош дўсти ва етук истеъдод соҳиби Алишер Навоий ижодиёти ҳақида анча бафуржа мулоҳаза юритади. Мазкур нодир манбани дастлаб бизнинг даврий матбуотимизда ихчам сўзбоши билан озарбайжонлик таниқли олим академик Ҳамид Арасли нашр эттирди[1]. Ўша “Рисола” матнида, жумладан, шундай парча ҳам мавжуд: “Бу кўк назм арконининг рубъи маскунида қаҳрамон ул турур ва бу мамолик фатҳига соҳибқирон ани десалар бўлур”. Шеър:

Эрур сўз мулкининг кишварситони,
Қаю кишварситон, Хисрав нишони.
Дема Хисрав нишонким, қаҳрамони
Эрур гар чин десанг соҳибқирони (Ўша ойнома, 12-бет).

Айтиш жоизки, улуғ шоирнинг кўп қиррали ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий, илоҳиёт оламидаги фаолияти яна бир қатор унвонларга ҳам сазовор кўрилган эди. Улуғ шоирнинг замондошлари уни “Амир Низомиддин Алишер Навоий” тарзида тилга олишади. Мазкур тўла номланишда шоирнинг исми шарифи ва адабий тахаллусидан ташқари, яна икки атоқли сўз мавжудки, улар ҳам унвонлардир. “Амир” Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига дахлдор бўлиб, унинг муҳрдор, бош вазир ва вилоят ҳокими лавозимида кўрсатган қизғин фаолиятини ўзида мужассам этган атама саналади. “Низомиддин” ҳам ўтмишнинг камдан-кам инсонларига насиб қилган шарафли унвондир. Улкан инсонпарвар шоир ўзининг Хуросон давлатининг барча жабҳаларидаги ибратли хизматлари эвазига ўша шарафга сазовор топилган деса, хато бўлмайди. Айтилганлар сирасида даврнинг бош мафкураси – ислом таълимотига доир фаолиятнинг етакчилик қилганлигини ҳам таъкидлаш жоиз кўринади. Сўз бағридаги теран мазмун ҳам шундай урғуга зарурат сездиради. Айрим тадқиқотчилар “Амир Низомиддин” унвонлари Алишерлар хонадони учун оилавий бўлиши керак, деган фикни олға сурадилар. Шундай мулоҳаза Поён Равшановнинг “Алишер Навоий авлодлари” мақоласида кўзга ташланади[2]. Олим ўз фикри тасдиғи учун улуғ шоирнинг оғаси Амир Низомиддин Шайх Баҳлул номидаги ўша атамаларга таянади. Бироқ у Алишер Навоийнинг иниси Дарвешали ҳақида сўзлаганда, ўша унвонларни келтирмайди. Чунки улуғ шоир замондошлари Дарвешали номидан олдин “Шайх”, “Амир”, “Низомиддин” каби сифатловчиларни келтиришмайди. Ҳолбуки, улар оилавий бўлганда, ўша хонадоннинг тенг ҳуқуқли аъзоси Дарвешали ҳам улардан баҳраманд бўлиши керак эди. Аслида, ўртага

[1] Ҳ*амид Арасли.* Ҳусайн Бойқаро рисоласи ҳақида. “Ўзбек тили ва адабиёти”. 1968, 3-сон, 6–12-бетлар.
[2] Поён Равшанов. Тарих бадийяти. Тошкент – 1989, 50-бет.

қўйилган масалага бир ёқлама муносабат нотўғридир. Чунки саройда нуфузли лавозимда хизмат қилмаган шахсни қандай қилиб “амир” унвони билан аташ мумкин? Худди шундай сўроқни “Низомиддин”га нисбатан ҳам қўллаш ўринлидир.

ЧУН ЙЎНДУМ ХОМАИ МУШКИН ШАМОМА..

Нуриддин Абдураҳмон Жомий ўзининг талай асарларида Алишер Навоийни етук истеъдод соҳиби сифатида тилга олади. Устоз баҳолари самимий ва меҳрга йўғрилганлиги билан диққатни жалб этади. Ўша ёғдули мисралар, ҳарорат таратувчи жумлалардан чиқадиган лўнда хулосалардан бири Алишер Навоий салоҳиятининг Аллоҳ иноятимаҳсули эканлигини таъкидлашдан иборатдир. Жумладан, “Баҳористон”да ҳам муршиди комилнинг ўшандай майли яққол назарга ташланади”. ... Аллоҳ ато этган ва ўқиш, ўрганиш билан орттирилган илму дониш ва ақлу заковати билан шеърлари ҳусни камоли... ҳар қандай мақтовдан юқори туради”[1]. Абдураҳмон Жомий мулоҳазаларидан жуда муҳим бир ҳаётий ҳақиқат ўртага чиқади. Аллоҳ ҳар бир бандасига марҳамат кўрсатади ва нимадир улашади. Ўша етган туҳфани илғаш, қадрлаш ва такомилга етказиш эса ҳар бир шахснинг ўз қўлидадир. Абдураҳмон Жомий таъбирича, Алишер Навоийга ижод дарди Аллоҳ таолодан етган. Улуғ ўзбек шоирининг бахти шундаки, самодан марҳамат ила сепилган уруғнинг униб-ўсиши, самара бериши учун шарт-шароит ҳозирлаган, “меҳнатни саодати калити билган”. Улуғ Алишер Навоий шахсида равшан кўзга ташланадиган яна бир жиҳат шундаки, у ўз вужудида ҳаракатда бўлган илоҳий мўъжизани ҳамиша ҳис этиб, унинг манбаи – Аллоҳга шукрона айтиш, унга сиғинишдан тилини канда қилган эмас. Шундан бўлса керак, улуғ шоирнинг катта-ю кичик деярли барча асарлари Аллоҳ, унинг расули, чаҳор ёри босафо ва азиз авлиёларни шарафлашдан бошланади. “Девон”ларидан жой олган туркум шеърлар, “Хамса” достонлари ибтидосида келган ҳамд, наът, сано, меърож, муножот талқинига аталган махсус боблар, насрий асарлари, “Маҳбуб ул-қулуб”даги ўша мавзуга бағишланган фасллар айтганларимизга шоҳиддир. Айни парчалар бағоят муҳим ва улар жиддий таҳлилга сазовордир. Чунки ўша мисраларсиз Алишер Навоийнинг фалсафий ва илоҳий қарашларини мукаммал ўрганиш асло мумкин эмас. Худди шундай гапни улуғ ўзбек шоирининг ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар, дунё, жамият ва шахснинг ундаги ўрни каби ғоят зарур мавзуларга нигоҳи хусусида ҳам айтиш мумкин. Чунки Алишер Навоийнинг зикри ўтган соҳаларга доир қарашлари негизини Қуръони карим, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифи, хуллас, ислом таълимоти ташкил қилади. Донишмандлардан бири “агар” “Қуръон” йўқолиб кетса, уни Алишер Навоий асарлари орқали тиклаб олиш мумкин”,– дея башорат қилган экан. Бағоят адолатли хулоса ва улуғ мутафаккирнинг ноёб маънавий мероси уни тўла қувватлайди. Айни жумла, эҳтимол, бошқа бир аллома ижодкор шаънига айтилгандир. Бироқ уни Алишер Навоийнинг маънавий меросига нисбатан қўллаш ҳам гуноҳ эмас. Чунки ҳарф танишни Қуръони каримдан бошлаган мусулмон дунёси ижод аҳлининг аксарияти шариат талаблари майдонида ҳаракат қилган, ундан ўзиб кетгани йўқ. Алишер Навоийнинг мансур “Муножот”и ва манзум “Сирожул-муслимийн” асарлари ҳам ўшандай ҳукмга келиш асосини беради. “Сирожул-муслимийн” – ислом аҳкомларига бағишланган махсус асар. Унинг илк сатрларидаёқ Қуръони каримнинг руҳи уфуриб туради.

Чун йўндум хомаи мушкин шамома,
Қилай деб Ҳақ оти бирла зеби хома.

[1] Абдураҳмон Жомий. Баҳористон. Тошкент – 1979. 78-бет.

Таолиллаҳ зиҳи, холиқи Маъбуд –
Ки махлуқот андин бўлди мавжуд[1].

Муддаони сал бошқача ифодалаб айтиш мумкинки, Алишер Навоийнинг ушбу асари илоҳий Китоб замиридан келиб чиқадиган қоидалар тарғиби йўлида хизмат қилади. Улуғ шоирнинг кўчирганимиз мисраларидан ҳам ўша майл яққол сезилади. Ёқимли бўй таратувчи қалам мушкин (ҳам қора, ҳам хушбўй) ранги билан Ҳақ таолони шарафлаш учун ҳозиру нозир турибди. Чунки ёлғиз Унгагина интилиш, сиғиниш, сажда қилиш мумкин, холос. Мавжудот олами "Холиқи Маъбуд" кароматининг ёрқин тимсолидир. Парвардигорнинг хоҳиш иродаси туфайли барча нарсалар халқ этилди.

Мана шу мазмундаги шарҳу талқинларни давом қилиш мумкин. Аммо асосий мурод айтилганлар билан хотима топмайди. Бизни кўпроқ, ўша сатрларда олға сурилган ғоялар манбаини аниқлаш қизиқтиради. Масалага юқоридаги нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, шеърий парчанинг Қуръони каримдан озиқлангани ойдинлашади. Фикримизга қаноат ҳосил қилиш учун илоҳий Китоб "Юнус" сурасининг учинчи ҳамда бешинчи ояти карималарини назардан ўтказиш кифоядир. "Албатта, Парвардигорингиз осмонлар ва ерни олти кунда яратиб, сўнгра аршни эгаллаган Аллоҳдир". "У (Аллоҳ) қуёшни зиё сочгувчи, ойни ёруғ қилган, сизлар йилларнинг саноғини (вақтларнинг) ҳисобини билишларингиз учун уни (яъни ойни) бир қанча манзил – буржларга бўлиб қўйган зотдир" ("Шарқ юлдузи", 1990, 10-сон, 152-бет).

Кўринадики, Алишер Навоий мисраларидаги ғоялар ва ояти карималардаги моҳият бир-бирига тўкис ҳамоҳангдир. Айни болалик йилларидаёқ ёш Алишер тафаккурида устувор ўрнашган "Қуръон" таълимоти, юксак инсонпарварлик ғоялари улуғ шоирнинг умри давомида яратган асарларига ҳаётбахш руҳ ҳадя этиб турган. Шунинг учун ҳам мавжудотнинг мутлақ ҳокими ва бунёдкори Аллоҳ эканлиги ҳақидаги таълимот фақат "Сирожул-муслимин"да эмас, балки унинг барча асарлари ўртасидан бош қон томирларидай ўтиб туради. Улуғ ўзбек шоирининг бадиий яратмалари ўша чашмадан оби ҳаёт, руҳ ва жон олади дейилса, сира-сира янглиш бўлмайди. "Дини ислом уйи маъмур"лигини кўзлаган шоир шариат аҳкомларидан атрокни – туркийда сўзлашувчи мўмунларни баҳраманд этиш нияти билан қалам ушлаган. "Сирожул-муслимийн" ифода услуби жиҳатидан Алишер Навоийнинг чинакам бадиий асарларидан ажралиб туради. Мазкур манзумада навоиёна мураккаб санъаткорлик – ташбеҳ ичра ташбеҳларни қўллаш маҳорати назарга ташланмайди. Аввало, асарнинг мавзуси ўшандай услубни кўтармайди. Сўнгра шоирнинг ўзи атайлаб фикрни содда ва оммабоп йўсинда ифодалаш йўлини танлайди.

Баён қилгаймен андоқ равшану пок
Ки идрок этгай они хайли атрок (49-бет).

Муаллифнинг ижодий нияти аниқ. Шеъриятнинг мўъжизавий қудратини ишга солиш орқали ислом фарзу суннатларини муслиму муслималар ўртасида кенгроқ тарғиб этишдир.

Алишер Навоий қайси мавзу ва жанрда қалам сурмасин, унинг кўз ўнгида ҳамиша ҳазрати инсоннинг нуроний сиймоси жилваланиб турган. Улуғ шоир эл-улус дарди, ташвиш ва манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўяди. Жамиятнинг моддий ва маънавий

[1] Алишер Навоий. Сирожул-муслимин. "Ёшлик", 1991, 11-сон, 49-бет. Бундан кейинги парчалар ҳам шу нашрдан олинади.

неъматларини ўша улуғ сиймо фаровонлиги йўлида хизмат қилдиришни бош муддао ҳисоблайди. Ана шундай уриниш буюк мутаффакир шоирнинг илоҳиётга тааллуқли асарларининг ҳам ҳаракатлантирувчи жавҳари сифатида хизмат қилган. “Сирожул-муслимийн”да ҳам ўшандай олижаноб майл ҳукмрон:

Чу лобуд нукталар малҳуз бўлғай,
Умид улким, улус маҳзуз бўлғай (49-бет).

Эл-улуснинг шойиста ахлоқи ва пок турмуш тарзи ҳар қандай жамиятнинг ҳам бахти, бебаҳо бойлигидир. Айни ҳақиқат Алишер Навоий дил тубида яшаган ноёб жавоҳир эди. Унинг юрагини қон этган, зор-зор йиғлатган ҳам ўша жавҳари покдир. Улуғ шоир замоннинг ноқобил аҳлидан рўшнолик, садоқат, самимият, қаноат, тўғрилик, фазлу адаб, тил ва дил бирлигини умид қилди. Аммо унинг кутганлари рўё бўлиб чиқди. Буюк мутафаккир истиқболига жаҳолат, худбинлик, алдов, шуҳратпарастлик, ғирромлик, нафси амморанинг тажовузлари пешвоз келди. Муайянки, айни иллатлар фақат шахслар ўртасидаги муносабатлар доирасида қолиб кетмай, балки жамият йўналишига ҳам жиддий таъсир кўрсатиб, унинг мўътадил ривожига халал етказди. Шундан бўлса керак, бадиий сўз санъати, жумладан, Алишер Навоий ҳам умр бўйи ўша иллатларга қарши курашди. Жамиятдаги иллатлар унинг қалбида уйғотган нафрат ва норозиликни сатрларига кўчирди. Айтиш жоизки, турли замонларда яшаган ижод аҳлининг давр, ижтимоий тузум баданига жароҳат етказувчи ношойиста одатлар, хатти-ҳаракатларга нисбатан жанги ягона йўналишда давом этган эмас. Қаламкашларнинг бир тоифаси ҳикмат, ҳикоят, масаллар, воқеий ҳодисаларга урғу бериш, ўшаларга таяниш орқали бош муддаони – эзгулик тарғибини рўёбга чиқариш учун интилди. Иккинчи йўналишдаги аҳли табъ эса илоҳиёт ва илоҳий олам воқеалари қудратига умид боғлади. Жаннату дўзах, Муҳаммад алайҳис-саломга қадар фаолият кўрсатган йигирма тўрт минг пайғамбар саргузаштлари тафсилоти, Қуръони карим таълимоти талаблари асосида иш юритдилар. Бошқача айтганда, мазкур ижодкорларнинг асарларида илоҳий руҳ устун келди. Етмиш йилдан зиёдроқ давр ичида “жанг қилиб келганимиз” таркидунёчилик, яссавийчилик ҳаракатлари замирида ҳам аслида замон жароҳатлари қўзғотган ўзига хос исён ётади. Шу йўналишга мансуб ижод аҳлининг интилишлари ҳам мўъжиза ичра мўъжиза бўлган инсонни нопок ҳаракатлардан огоҳлантириш, ҳалол, машаққатли, хокисорона ва меҳнат эвазига турмуш тарзига қайтаришдан иборатдир. Чунки сохта ва ёлғон лаззат, шуҳрату парвозларнинг умри қисқа. Улар самода чақнаган чақинни эслатади. Қуръони каримда ўлимнинг ҳаётдан олдин қўйилиши, бизнинг назаримизда, даҳшатли кўринган фоний дунёнинг тарк этилиши ва хақиқий мангу ҳаётнинг бошланиши сифатида улуғланиши замирида катта ҳикмат ётади. Унда таъкид этилишича, тўрт кунлик дунёда қаноат билан яшаганларнинг охирати обод бўлади. Аслида, охиратнинг улуғланиши замирида ҳам мураккаб рамз яширингандай туюлади. Яхшиликка, нафс устидан ҳокимликка бахшида умр соҳиби авлодлар ардоғида яшайди-да! Демак, ундай инсонлар худбинликдан холис, умум манфаати учун жон нисор этишга тайёр. Моҳият равшан, Аллоҳ қудратини тан олиш, унга сиғиниш, унинг амри маъруфларини яшаш асосига айлантириш инсонни бузмас экан. Ундай ҳатти-ҳаракатлардан ҳеч қандай жамият, тузум озор кўрмас, балки сарфароз бўлади. Манфурлик, оқибатсизлик, хиёнат, алдов, ваҳшийлик – жиноятчилик уясига ўт кетади, камёб ҳодисага айланади. Эътиқоди бутун, худо бохабар инсон дунёнинг қайтарлиги, килмиш-қидирмишларнинг ажрсиз эмаслигини билади. Шунинг учун у ҳаромдан, хуни ноҳақ ва риёдан сақланади. Ўша илоҳий неъматлардан бенасиб кимсалар эса оғиздан сақич

ва кўздан сурмани уришга ҳозиру нозир туради. Уюшган жиноятчилик, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ғайри шуурий воқеалар авж олган бугунги ҳаётимиз ахборотлари худосизлик руҳидаги "тарбия" "шарофати" эмасми?!

Ҳазрат Алишер Навоий маънавий меросида юқорида эслатганимиз икки услубнинг ҳам мавжудияти кўзга ташланади. "Сирожул-муслимин"да, айниқса, бу майл қабариқ намоён бўлади. Аллоҳга катта сидқ билан сиғинган улуғ шоир унинг расули, илоҳий назар етган авлиё, валий ва азизларга ҳам катта ихлос кўрсатади. Буюк мутафаккир тавоф қилишга арзигулик ўша сиймолар сафига ота-она ва устозларни ҳам қўшади. Шоир асарлари айтганларимизга шоҳиддир. Ўшандай маънавий муршид, раҳнамоларга таъзим "Сирожул-муслимийн" дебочасидаёқ назарга етади. Шундай зоти поклардан бири Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валийдир. Алишер Навоий Мовароуннаҳру Хуросонда шуҳратли бу улуғ маънавий сиймонинг илтифотига, дилбар суҳбатларига мушарраф бўлган эди. Ўша таассуротлар унинг ёлқинли мисраларига кўчган:

Кўнгул майл айлабон анинг хизматиға,
Мушарраф қилдим ўзни суҳбатиға.
Бўлур эрди маонийдин гуҳарпош,
Сўз асносида бу навъ айлади фош...
Ким, улдир пешвойи аҳли иршод,
Бу иршод этти сандин айлабон ёд... (49-бет).

Ўтмиш қўлёзма манбаларида Хожа Убайдуллоҳ, Хожа Аҳрор, Хожа Аҳрори Валий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валий Шоший номлари билан тилга олинадиган бу маънавий арбоб ғоят мураккаб ҳаёт йўлини бошдан кечирган. Нақшбандия тариқатининг улкан арбоби сифатида инсонпарварлик яловини муқаддас билган, даврнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётига сезиларли таъсир кўрсата олган. Хожа танлаган кураш йўли мақбул бўлганлиги туфайли кўплаб тарафдорлар топган. XV асрнинг ҳокиму ҳукамоларидан тортиб, олиму уламо, шоиру зурафоларигача у зоти бокарамни ўзларига маънавий муршид санаб, иршодларини жон қулоғи билан тингладилар. Ана шу сафда Алишер Навоий ягона эмас эди. Унинг Нуриддин Абдураҳмон Жомий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари замондошлари ҳам Хожа этагини табаррук билдилар, уни кўзларига суртдилар. Абдураҳмон Жомий бу аллома шарафига махсус бадиий асарлар бағишлади, суҳбатларидан зиё олди. Восита билан Хожага боғланган Бобур ҳам зикри ўтган масалада бу икки маънавий арбобдан ибрат олди, уларнинг йўлларини давом эттирди.

Хожа Аҳрорнинг муборак номи, обрў эътибори ва асарлари XX аср ибтидосига қадар холис ниятли авлодлар ардоғида озорсиз яшади. Айниқса, темурий ҳукмронлар унга катта ихлос кўрсатдилар. Бу жиҳатдан таниқли шоир, етук давлат арбоби, моҳир саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қайдлари катта қизиқиш уйғотади. Аввало, айтиш жоиз, Бобурга Хожа Аҳрорни балоғат ёшида зиёрат қилиш, унинг суҳбатларида иштирок этиш насиб бўлмади. Чунки бу даврда улуғ эшон дорул – бақога рихлат (895) (1490–1491) қилишга улгурган эди. Равшанки, бу икки тарихий шахс ўртасидаги муршиду муридлик муносабатлари маънавий таълимот ва оила муҳитидаги тарбия воситасида сингдирилган, юксак эътиқод даражасига кўтарилган. Бобур танг аҳволга тушган пайтларида Хожа руҳидан мадад сўраган. "Бобурнома"нинг 1503–1504 йиллар воқеалари баёнига доир саҳифаларидаги мана бу жумлалар бизнинг фикримиз фойдасига хизмат қилади: "... Ўзумни ўлумга қарор бердим. Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки ракаат намоз ўқудум, бошимни муножотқа қўюб, тилак тилайдур эдимки, кўзум уйқуга боribтур.

Кўрадурменким, Хожа Яъқуб Хожа Яҳёнинг ўғли Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг набиралари рўбарўйимга аблақ от миниб кўп жамоати аблақ сувор билан келдилар. Дедиларким, ғам емангиз. Хожа Аҳрор мени сизга йибордилар. Дедиларким, биз аларға истионат тегуруб, подшоҳлик маснадиға ўлтурғузуббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назариға келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кўтаринг..., уйғонинг..."[1]. Кўчирилган парчадаги тафсилотлар Бобурнинг сиёсий инқирози йилларига тўғри келади. Андижон дарвозаларини Бобур юзига ёпган Аҳмад Танбал уни йўқотиш пайига тушади ва боши баҳосига катта маблағини гаровга қўяди. Мағлуб Бобур эса содиқ йигитлари билан Карнонда жон сақлайди. Юқорида айтилганидек, лаҳзалик умидбахш тушдан уйғонган Бобурнинг боши устида ўлим хавфи кўланка солмоқда эди.

Аҳмад Танбалдан ваъда қилинган инъомга умидвор бўлган Юсуф доруға Бобурни банди қилиш пайида эди. Шу пайт от дупурлари эшитилиб, ўлим билан юзма-юз турган Бобурга нажот етади, унинг содиқ йигитлари боғга кириб келадилар. Ушбу тарихий ҳодисаларнинг давоми ҳам қизиқиш уйғотади. Бобурнинг ўз халоскорлари Қутлуқ Муҳаммад барлос ва Бобойи Пайғариларга берган сўроқларига улар қуйидаги жавобни берадилар: "... Қутлуқ Муҳаммад барлос дедиким... Мен туш кўрдурким, Хожа Убайдулло дедиларким, Бобур подшоҳ Карнон деган кенттадур, бориб ани олиб келингким, подшоҳлик маснади анга тааллуқ бўлубтур. Мен бу тушни кўруб, хушҳол бўлуб Карнон тарафидин бориб хабар олайин..." (Ўша бет).

Мазкур лавҳаларнинг ростлигига тарих гувоҳдир. Дарҳақиқат, ўша воқеалардан сўнг Бобур тақдирида жиддий ўзгаришлар юз берди, Фарғона-ю Мовароуннаҳрдан умидини узган улуғ саркарда Бобур Афғонистону Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини барқарор этди. Бобурнинг Хожа Аҳрор шахсига бўлган садоқати бадиий ижодда ҳам ёрқин из қолдирди. У машҳур эшоннинг "Рисолайи волидия"сини туркийга шеър билан ўгирди. Хуллас, қўҳна тарих қаватларида Хожа Аҳрорга нисбатан ҳукм сурган бундай чексиз садоқат XX аср бошларига келиб тескари йўналишга бурилиб кетди. Таниқли тарихшунос академик В.В. Бартольд Хожа Аҳрорга муносабат бобида, негадир "тўнини тескари" кийиб олди. Рус тарихшуносининг асарларидаги носамимий ишоралар Хожа Аҳрорга ва унинг фаолиятига нисбатан бўлган "хужум"ларнинг авж олишини бошлаб беради. Натижада, турли дарсликлару тадқиқотларда, мақола-ю бадиий асарларида бу улуғ инсонни бадном қилиш одат тусига кирди. Унинг номи шарифига турли ножўя ёрлиқлар ёпиштирилди. Жумладан, ўзим ҳам катта илмий ишимнинг ижтимоий-сиёсий, тарихий-иқтисодий шароит талқинига доир саҳифаларида мавжуд дарслик, қўлланма ва тадқиқотлардаги мулоҳазаларга таяниб, Хожа Аҳрорнинг шахси, ижтимоий-маънавий қарашларига тааллуқли бир ёқлама хулосаларни такрорлаганман. Маънавий густоҳлик учун таниқли эшоннинг руҳи покидан узр сўрашга ўзимни бурчли ҳисоблайман. Шу ўринда яна бир ҳақиқатни таъкидлаш жоиз. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валий барча тарихий шахслар сингари ўз даврининг фарзанди эди. Унинг кўп қиррали фаолияти, шахсияти зиддиятли қутблардан холи эмас, албатта. Шундай мулоҳазани улуғ эшон тарих ва тақдирига муносабат бобида ҳам айтиш мумкин. Айрим муаллифлар бу улкан сиймо табиатидаги ижобий жиҳатларни юксак пардада мадҳ этиб келган бўлсалар, бошқалари эшон фаолиятига шубҳали нигоҳ ташладилар. Шунингдек, Хожа Аҳрор жисмида яшаган ҳар икки жиҳатни кўра олган ва улар хусусида холисона мулоҳазалар баён этган муаллифлар ҳам кам эмас...

[1] Бобур. Бобурнома. Тошкент – 1960, 175-бет.

В. В. Бартольд ўзининг “Улуғбек ва унинг даври асарида” Хожа Аҳрорни “жоҳил, китобий билимлардан йироқ” бир шахс сифатида талқин этади[1]. Тўғри, В. В. Бартольд танланган асарлари иккинчи жилди, иккинчи китобини нашрга тайёрланган Ю. Э. Брегелнинг қаламига мансуб изоҳларда бундай бир ёқламаликка танқидий муносабат билдирилган[2]. Бундан қатъи назар, В. В. Бартольднинг мунозарали фикри илмий-адабий муҳитда етмиш йилга яқин ҳукмронлик қилди... Асримиз 80-йилларининг иккинчи ярмига келиб, бу масалада мўътадил вазият вужудга кела бошлади. Бундай иқлимни таниқли шарқшунос олим А. Н. Болдырев бошлаб берди. Олимнинг ихчам, бироқ далилларга бой мазмунли мақоласида Хожа Аҳрорга тегишли манзаранинг моҳият ва қирралари очиб берилган[3]. Айтиш мумкинки, мазкур илмий иш аҳроршунослик тарихида янги йўналишнинг дебочаси бўлди. Жумҳуриятимизда ҳам Хожа Аҳрор тақдирига доир асосли, холисона ва одил мулоҳазалар билдирилган мақола ва рисолалар чоп этилди. Бу жиҳатдан Б. Аҳмедов, Б. Валихўжаевларнинг илмий кузатишлари, айниқса, катта қизиқиш уйғотади[4].

Шукроналар бўлсинки, бугун Хожа Аҳрор ҳақида ҳадиксирамай дадил гапириш, тарихий ҳақиқатни тан олиш қўлимиздан келади...

Мулоҳазаларимиз асоссиз бўлмасин учун яқинда чоп этилган икки рисола уйғотган таассуротларни ўқувчилар билан баҳам кўриш фойдадан холи бўлмас...

Талабчан ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинадиган ҳар бир сатр, мақола ёхуд китоб ижодкор қалбидан узилган ёғду парчаларидир. У йиллар азоби ва ардоғида етилади, рўшнолик кўради...

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валий ҳақидаги бир-биридан завқли ва ширин рисолаларни варақлай туриб, бу ҳақиқатга яна бир карра иймон келтирдим. Тарихда ўчмас из қолдириб кетган шахслар тақдири ва маънавий меросига сиёсат тақозоси нуқтаи назаридан эмас, балки адолат мезонига кўра баҳо бериш лозимлиги туйғуси ўша китоблар муаллифи қалбида 1967 йилнинг май ойида, докторлик диссертацияси ҳимояси жараёнида устувор ўрнашган эди. Синчков олим шунча йиллар давомида бу дард билан ёндош яшади, изланди. Нақшбандия тариқатига доир ноёб қўлёзма манбалар билан сирлашди, нодир маънавий жавоҳирлар йиғди. Имом Исмоил Бухорий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрори Валийлар мададига умид боғлади, улар хокини кўзига суртди...

Ўша воқеага ҳам ҳадемай уч йил тўлади. 1990 йилнинг эрта кузи эди. Кўҳна Бухорода анъанавий айнийхонлик ва аслида содир бўлмаган Бухоро халқ инқилоби 70 йиллигига бағишланган илмий-назарий анжуманлар нафаси уфурарди. Собиқ Иттифоқнинг турли гўшаларидан меҳмонлар кела бошлади. Улар сафида маъруф шарқшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ботирхон Валихўжаев ҳам бор эди. Муқаддас Бухоро заминига қадам босган устод руҳиятида ажиб ҳаяжон ва безовталик ҳукмрон эди. Дарҳол сўрашга истиҳола қилдим, бироқ сабрим чидамади. Устод қалбига қўл солишга мажбур бўлдим. Табиатан вазмин, хокисорлиги ўзига ярашиқли, ўйчан ва мулоҳазакор Баҳоуддин Нақшбанд мангу оромгоҳини тавоф қилишга ошиқаётган экан. Зиёрат учун имкон ҳозирлаб бердим-у,

---

[1] Академик В. В. Бартольд. Сочинения. Т-11, частъ 2, Из-во “Наука”, Москва – 1964, стр. 167.
[2] Ўша асар, 121–168-бетлар.
[3] А. Н. Болдырев. Еще раз к вопросу о Ходжа Ахроре. В сборнике: “Духовенство и политическая жизнь на ближнем и среднем востоке в период феодализма”. Из-во “Наука”, Москва – 1985, стр. 47–61.
[4] Б. Аҳмедов. Улуғбек. Эссе. “Ёш гвардия”, Т – 1989, 212–218-бетлар; Б. Валихочаев, Хоча Аҳрори Вали. “Ҳақиқати Ўзбекистон”, 1991, 3, 8, 9, 10 январь. Яна Хожа Аҳрор: Уйдирма ва ҳақиқат. “Мулоқот”, 1991, 3-4-сонлари; Яна. Хожа Аҳрор. “Зарафшон”, Самарқанд – 1992 й.

ўз-ўзим билан баҳслаша кетдим. Устод бу табаррук саждагоҳда кўп маротаба бўлган эдилар-ку? Яна бу қадар ошиқиш ва ҳаяжоннинг боиси не экан? Самарқандда, забардаст адабиётшуносниг ижодхонасидаги бафуржа субҳатдан кейингина ҳамма сиру асрор менга аён бўлиб қолди. Ўша кунлар устодянги асар рўёбга келишининг тўлғоқазобларини бошидан кечираётган экан. Хожагон силсиласининг XV асрда, Мовароуннаҳру Хуросонда эътироф этилган муршиди комили Хожа Убайдуллоҳ ҳақидаги иншони унинг устози Хожа Баҳоуддин хоки покини дийдаларига тўтиё этмай рақам қилишни густоҳлик санаган эканлар. Шу боис яна бир карра у зоти мукаррам мақабарасига шошилган руҳидан илтижо ила фотиҳа сўраган. Поклик, эзгулик, ҳалоллик, хоксорликни турмуш тарзига айлантирган Хожа Баҳоуддин холис ниятли, эътиқоди бутун инсонларни ўз даргоҳларидан номуд қайтармаганлар. Бу гал ҳам шундай бўлди. Умрини илм заҳматига ва покликка бахшида этган камсуқум, мурувватли муридни муршиди комилнинг руҳлари қўллади. Улуғ Хожанинг ғайбул-иноятлари ижобатга ўтди. Олимнинг Хожа Аҳрори Валий ҳақидаги битиклари бирин-кетин “Мулоқот” ойномаси, “Ҳақиқати Ўзбекистон”, “Овози Самарқанд” рўзномаларида босилди. Хожа Аҳрори Валий пок номини тарихнинг ўткинчи шамоллари қўндирган ғуборлардан тозалашга бўлган сидқ ва иштиёқ икки тилдаги икки китобни дунёга келтирди. Профессор Б. Валихўжаевнинг тожик ва ўзбек тилларидаги рисолалари бугун қўлдан қўлга ўтаётир. Рисолалар номининг бир хилда бўлиши уларни бир асарнинг икки тилдаги ифодаси дейиш ҳуқуқини бермайди[1]. Тўғри, ҳар иккала китоб учун асос бўлган илмий, адабий, тарихий маълумотлар якранг. Аммо таҳлилу талқин қилиш ва чиқарилган хулосалар айрича. Худди шундай гапни рисолаларнинг жанри ҳақида ҳам айтиш мумкин. Асарнинг тожик тилидаги нусхасига муаллиф “Хамсатул-қаторот дар зикри ҳазрати бобаракот” (Баракотли ҳазрат зикрида беш қатра) изоҳловчи жумласини келтиради. Дарҳақиқат, Хожа Аҳрори Валий босиб ўтган тўқсон йилга яқин баракали умр ва у мансуб бўлган тариқат қирраларининг салмоғи баҳри кабирга тенгдир. Олтмиш саҳифали рисола эса қайд қилинган салобат наздида уммондаги бир қатрага баробар. Тожику ўзбек тилларини бирдай ардоқлаб, уларда баробар ва равон мушоҳада эта оладиган олим манбаларга мурожаат қилишда ҳам лисоний нозикликларни ҳамиша назарда тутган. Асарнинг ўзбекча нусхаси ҳужжатли эссе жанрига мансуб. Яна бир нарсани айтиш жоиз. Йигирманчи аср Хожа Аҳрор шахси учун ўта аёвсиз ва ақлга сиғмайдиган бўхтонлар ёғдирилган йиллар бўлди. Шундай гапни тасаввуф ва унинг Хожаган равиясининг бошқа арбоблари шаънига ҳам айтиш мумкин. Давр берган имкон шарофати билан уйдирмаларнинг чекинаётгани рост. Аммо вужудга келаётган ишларнинг дастлабки қадамлар эканлигини унутмаслигимиз лозим. Айни хулоса профессор Б. Валихўжаевнинг китобларига ҳам дахлдордир. Дарвоқе, муаллифнинг ўзи ҳам буни рўйирост эътироф этади. Шунингдек, олим жиддий илмий умумлашмалар чиқаришдан сақлангани ҳолда, манбалар маълумотига кенг ўрин беради. Айни услубий йўналиш китобларнинг фазилатини тайин этган. Энг муҳими, бири иккинчисининг такрори бўлмай, мантиқий такомили сифатида яратилган мазкур мўъжаз рисолалар саҳифаларида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валийнинг нуроний сиймоси ёрқин намоён бўлади. Баҳоуддин Нақшбанд фаолиятида яхлит таълимот сифатида шаклланган ҳалол яшаш тарзи дастлаб Мовароуннаҳру Хуросонда кенг қўллаб-қувватланди. Ҳадиси шарифда айтилганидек, “ал-фақру фахри” (фақирлик менинг фахримдир) нақшбандия таълимотнинг ўзак ақидаларидан биридир. Фақирлик, фуқаропарварлик, сабру қаноат, адлу амният каби умумбашарий қадриятлар бош дастури бўлганлиги туфайли ҳам нақшбандиялик кенг

[1] Ботурхон Хилъатпури Валихоча. Хоча Аҳрори Вали. “Суғдиён”, Самарқанд – 1992, 61-саҳифа; Ботир Валихўжаев. Хожа Аҳрори Вали. “Зарафшон”, Самарқанд – 1993, 152-бет.

қулоч ёйди. Хожа Аҳрори Валийнинг бу мактаб остонасига қадам босиши эса тасодифий эмас. Хожа Убайдуллоҳ (1404–1490) вояга етган Шошнинг заковатли бу хонадони ҳар икки тарафдан ҳам нақшбандия тариқатининг садоқатли соликлари эди. Унинг она тарафдан катта бобоси Шайх Умар Боғистоний (XIV аср) Баҳоуддин Нақшбанднинг юксак ҳурматига сазовор бўлган эди. У ўз ўғли Шайх Хованди Таҳурга "Таҳур, мулло бўлма, шайх бўлма, сўфи бўлма – мусулмон бўл!" – дея таъкидлаган экан. Хожа Аҳрори Валий ота тарафдан уч-тўрт восита билан машҳур мутасаввуф Хожа Муҳаммад Номийга боғланади. Хожанинг ота-бобо ва тоғалари ҳам ўша замоннинг илмпарвар, дину диёнатли кишиларидан бўлишган. Манбаларнинг кафолатига биноан, Хожа Убайдуллоҳ расмий сабоқ – мадрасалар таҳсилига умид боғламади. У жуда оз муддат мадрасада ўқиб, соғлиғи туфайли уни тарк этади. XV асрнинг 20-йилларидан бошлаб Хожанинг мустақил мутолааси бошланади. Эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, у тариқат даргоҳига ўзига хос йўлдан киради, мазоротлар зиёрати, мажлисларда шинавандлик, поклик, зоҳирий ва ботиний илмлар йўлида муршидлик мақомига етганлар билан юзма-юз мулоқотларга алоҳида аҳамият беради. Тасаввуф тарихига доир асарларда муридликдан муршидликка қадар вақт масофасининг 30–40 йиллик машаққат ва ўрганиш йўли эканлиги қайд этилади.

Хожа Убайдуллоҳ ҳам ўша оғир ва зиддиятли имтиҳонларга дош беради. Ботирхон Валихўжаевнинг ўзбекча рисоласида улкан маънавий арбоб қадами етган жойларнинг харитаси илова қилинган. Унга разм соладиган бўлсак, улкан руҳий раҳнамонинг она шаҳри Тошкантдан ташқари, Бухоро, Самарқанд, Ҳирот, Термиз, Балх, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Урганж, Жиззах, Андижон сингари илмий-адабий, иқтисодий-маданий марказларда бўлганлиги аёнлашади. Хожа Убайдуллоҳнинг пир, муршид, валий мақомларга кўтарилишида Бухоронинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У шу мўътабар воҳада нашъу намо топган довруғли хожалар қабрлари зиёратида бўлган. Хожанинг қадами Ғиждувон, Вобкант, Шофиркон, Пешкў, Қоракўл туманларига етган. Шайх Сирожиддин Пирмастий, ака-ука Хожа Ҳамидиддин ва Хожа Алоуддин Ғиждувонийлар билан бевосита мулоқотда бўлади. Бу рўйхатнинг пойиндор эканлиги шубҳа туғдирмайди. Муҳаммад Қозининг "Силсилатул-орифин", Али Сафий Ибн Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Рашаҳот-айн ул-ҳаёт", муаллифи номаълум "Маноқиби Хожа Аҳрор", муршиди комилнинг куёви Амир Абдулаввалнинг "Масмуот" (Эшитилганлар) асарларидаги гувоҳликка кўра, унга Хожа Муҳаммад Порсо, Саъдиддин Кошғарий, Шайх Сайид Қосим Анворлар (1366–1434) маънавий раҳнамо эдилар. Айниқса, Хожа Баҳоуддиннинг садоқатли шогирди Хожа Яъқуб Чархий (вафоти 1447) тариқат бобида Хожа Убайдуллоҳга қўл берган.

Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобурларнинг дилидан жой олган маънавий арбобнинг 1452 йилдан кейинги салкам ярим асрга яқин ҳаёти Самарқандда ўтди.

Гарчи талай тарихий-илмий, бадиий асарларида Мирзо Улуғбек фожиасининг фатво берувчиси тарзида Хожа Убайдуллоҳ кўрсатилса-да, унинг муборак бармоқларида қон юқининг йўқлигига бугун одил тарих гувоҳдир. Чунки адлу амният йўлида азиз умрини сарф қилган Қутбул-қулубнинг Самарқандга илк ташрифи 1427–1429 йилларда, толиби илм рутбасида амалга ошган эди. Қейингиси, юқорида айтганимиздек, 1452 йилдадир.

Хожа Убайдуллоҳга нақшбандия сулукидаги "зикри хуфия – зикри дил" писанд келди. Қодири қудратнинг ишқи тилда эмас, дилдан макон тутмоғи шарт. Тилни ўйнатиш мумкин, аммо дилни қирғоқдан қирғоққа сакратиш амри маҳолдир. Тавҳид тасаввуф таълимотида асосий босқичлардан бири саналади. Хожа Убайдуллоҳ донишманд бобоси Шайх Хованди Таҳурнинг Хожа Баҳоуддин фалсафий қарашларининг мантиқий давоми

тарзидаги “шариатда тавҳид Ҳақни бир демак ва бир билмакдир, тариқатда эса Ҳақ субҳонаҳудан бошқа нарсалардан кўнгилни яккалаш демакдир” ақидасига таяниб, иш кўради. Маънавий муршиднинг мол-мулки ҳақида бир тарафлама ва беҳад муболағали мулоҳазалар билдирилди. Эслатганимиз рисолаларда бу борадаги бор ҳақиқат манбалар шоҳидлигида холисона ёритилади. Беҳисоб моддий бойликнинг катта мусибат эканлигига Хожанинг ўзлари такрор ва такрор иқрор бўлган эканлар. Гарчи ўша мол-мулк фуқаро ва элу юрт манфаатлари йўлида сарф этилган бўлса-да, улар ўз эгасига беҳисоб ташвиш, маломат ва мусибатлар ҳам келтирган.

Хожа Аҳрори Валийдан яхшигина маънавий бойликлар ҳам мерос қолди. “Фикротул-орифин” (“Орифлар сўзларидан парчалар”), “Волидия” (бу асарни Бобур шеър ила туркийга таржима қилган), “Хуроия” ёки “Хавраия”, “Руқаот” (“мактублар”) Хожа Убайдуллоҳнинг ижодий яратмаларидир. Мазкур асарлар ғоявий йўналишига кўра, турлича. Масалан, биринчи асар тариқат таълимотига тегишли. “Хуроия” эса бир рубоий шарҳига бағишланади. 967– 1048 йилларда яшаган машҳур мутасаввуф шоир Абусаид Абулхайрнинг биргина тўртлиги бир рисола ҳажмида талқин қилинади. Айримларигина зикр топган маълумотлар эслатганимиз, профессор Б. Валихўжаев рисолалари саҳифаларидан томчилар, холос. Қолганларидан воқиф бўлиш масъулияти сезгир китобхонлар ўҳдасидадир. Таомилга биноан, нуқсонлар ҳақида тўхталиш лозим эди. Мен ундай қилишдан сақландим. Тополмадим эмас, улар бор. “Инсон нуқсонли, Аллоҳгина айбсиз”, – демишлар машойихлар. Айни ҳақиқат устод адабиётшунос рисолаларига ҳам тегиб ўтади. Аммо менга олимнинг журъати, катта ижодий заҳмат чекиб, улуғ савобга дохил бўлганлиги ёқади. Рисолаларнинг Хожа Баҳоуддин тўйлари кунларида босилиши айни муддаодир. Ҳар қандай таълимот давоми билан барҳаёт. Хожа Аҳрорлар унинг яловини баланд тутган экан, бугунга қадар нақшбандия шуҳрат тахтида келди. Иншоалло, шундай бўлиб қолгусидир...

Алишер Навоийнинг пиру муршид – Хожа Аҳрор муомала-муносабати ўта самимийдир. Навоиёна ҳиссиётли сатрларда у оддий ер фарзандига хос фазилатлардан анча баланд туради. Улуғ ўзбек шоирининг “Сирожул-муслимийн” манзумасида эътироф этилишича, Хожа Аҳрордаги буюклик Аллоҳнинг унга туҳфасидир. Таниқли эшондаги ноёб ва ибратли хислатлар “Суруши чархи ахзардан етиш”ган. Суруш – Аллоҳнинг ваҳийларини пайғамбарлар ва Муҳаммад алайҳис-саломга етказиб турган “Руҳул-қудс” унвонли фаришта. Ёки Жаброилнинг лақабларидан биридир. Алишер Навоийнинг хулосаси аён. Хожа Аҳрорга ҳам Парвардигорнинг иноят – ваҳийси насиб этган. Улуғ ўзбек шоири талмиҳ санъатига таяниб, Хожани юксак шарафлайди.

Равишда Шиблию Зуннунга фойиқ,
Убайдуллоҳ деб отин халойиқ (49-бет).

Шиблий – мусулмон дунёсига таниқли мутасаввиф олим шайх Абу Бакр Муҳаммад Жаъфар Ибн Юнуснинг илм оламидаги тахаллусидир. Зуннун ҳам шуҳратли машойихлар силсиласига мансуб. Олим асли мисрлик бўлиб, унинг тўла номи Савбон ибн Иброҳим ҳисобланади. Равшанки, улуғ ўзбек шоири ўзи эътиқод қўйган муршидни тариқат мулкининг шуҳратли пешволари билан бир сафда қўяди. Хожа Аҳрор сиймосига муносабат бобида Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур қарашлари мос келади. “Волидия” асарининг “Рисола назмининг сабаби” бобида Бобур шундай сатрлар яратган:

Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳдин
Эшит ул сирри Худо огаҳдин.
Хожалар хожаси ул Хожа Убайд,
Ходиму чокари Шиблий-йу Жунайд[1].

Кўринадики, мазкур сатрларда муболағага зўр берилади. “Сирожул-муслимийн”да Хожа аҳрор Шиблию Зуннундан устун туради дейилса, “Рисолаи волидия”да Шиблию Жунайдлар унинг хизматкорларига тенг кўрилади. Бобур тилга олган Жунайд Бағдодий довруғли мутасаввуф шайхлар силсиласига мансуб бўлиб, 910 йилда вафот этган.

Алишер Навоийнинг дил дафтарида Хожа Аҳрорга аталган ҳароратли сатрлар беҳад кўп. Бундай юксак самимият ўз изоҳларига эга, албатта. Бу икки буюк шайх ўртасидаги инсоний, маънавий, муршиду муридлик муносабатлари салкам ўттиз йил давом этди. Унинг дебочаси XV асрнинг 60-йилларига тўғри келади. Султон Абу Саид Мирзонинг фармони билан Ҳиротдан “Ихрож” қилинган Алишер Навоийни тақдир шамоли Самарқандга етаклади. Навоийшуносликда айни тарихий воқеанинг содир бўлиши 1465–1466 йиллар тарзида талқин қилинади. Равшан, 24–25 ёшлардаги навқирон Алишер ғайри ихтиёрий тарзда ер юзининг сайқалига ташриф буюрган. Айни йилларда замонасининг зоҳирий ва ботиний илмларини пухта ўзлаштирган ёш шоир сулукка иршод қилувчи муршидга эҳтиёж сезмоқда эди. Бу ҳақдаги ишончли ишоралар унинг Самарқанддан устози ва отахони Шайх Сайд Ҳасан Ардашерга йўллаган шеърий мактубида мавжуд.

Бири буки, бир жазба ҳақдин етиб,
Қўнгулни яқин жомидин маст этиб,
Ҳақиқат сари турктоз айлагай,
Жаҳон шуғлидин бениёз айлагай...
Бурун муршиди комил истай юруб,
Ани топқай ўзин анга топшуруб,
Сулук амрида урмайин бешу кам,
Анинг амридин айру дам ё қадам...
Менисим, бу савдо низор айлади,
Ҳавас илгида беқарор айлади...
Урармен қадам токи боргунча гом,
Ки, бўлғай муяссар менга ушбу ком[2].

Алишер Навоийнинг истаги аён. Болалик йилларидаёқ тасаввуф таълимотига йўғрилган “Мантиқут-тайр”нинг кучли таъсири билан улғайган Алишер Навоий нақшбандия тариқатига йўл топиш илинжида эди. Худди шу йилларда Самарқандда муқим ўрнашган Хожа Аҳрор нақшбандия таълимотининг улуғ арбоби сифатида шуҳрат таратган. Унинг довруғи Мовароуннаҳру Хуросондан олисларда ҳам маълум эди. Улуғ Хожанинг остонаси замон ҳукмронларидан тортиб, олиму уламо, шоҳу гадонинг ҳам саждагоҳига айланган. Алишер Навоий ҳам шу муборак даргоҳга йўл топиш илинжида Шайх Сайид Ҳасан

[1] Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидия. Заҳириддин Муҳаммад Бобур таржимаси. Тошкент, “Ёзувчи” нашриёти, 1991, 4-бет.
[2] Алишер Навоий. Асарлар. 20 жилдлик, 3-жилд, 535–536-бетлар.

Ардашерга мурожаат этган бўлиши керак. Улуғ ўзбек шоирига қадам ушлатган иккинчи жиддий сабаб, шубҳасиз, моддий омиллардир. Ўша шеърий мактубдаги қуйидаги мисралар шундай фикрни танлаш асосини беради.

Манга бу эл ичра не бир ҳамдаме
Қи, бир дам иковлан дейишсак ғаме.
Не бир аҳли давлатдин онча умид
Ки, андин наво топса бир ноумид.
Не важҳи маоше муқаррар манга
Ки, бўлғай фароғе муяссар манга.
Не бир ҳужраким, ком топқай кўнгил,
Даме анда ором топқай кўнгул[1].

Ана шундай танг бир вазиятга тушиб қолган Алишер Навоий “Ҳар ишда ёр” ва “ғамгусор” мақомидаги Шайх Сайид Ҳасан Ардашер кўмагига умид боғлади. Хуросону Мовароуннаҳрда шуҳратли бу заковатли тарихий шахс Хожа Аҳрор ва Фазлуллоҳ Абуллайсийларга мактуб орқали мурожаат қилган бўлиши лозим. Ҳар қалай, эслатганимиз воситалар орқали Алишер Навоийнинг Самарқанддаги моддий ва маънавий аҳволи ўнглатади. У Хожа Аҳрор ва Фазлуллоҳ Абуллайсийлар билан яқинлашади, пиру муридлик, ота-ўғиллик муносабатлари изга тушиб кетади. Мусофират йилларида боғланган ришталар йиллар синовидан безавол ўтди, чирмашиб, улуғ шоирнинг бадиий, тарихий, илмий асарларида нурли излар қолдирди. “Сирожул-муслимийн”га қадар ҳам улуғ шоирнинг бадиий яратмаларида бот-бот Хожа Аҳрорнинг зикри кўзга ташланиб туради. Уларнинг ҳаммаси ҳақида баҳс этиш алоҳида тадқиқотни тақозо этади. Бу ўринда эса ўшалардан бири ҳақида тўхталиш билан чекланамиз.

Алишер Навоий адабий тажрибасида яққол назарга тушадиган бир фазилат мавжуд. У янги асари устидаги ижодий ишни пиру устозларни йўқлаш, улар шаънига мадҳия айтишдан бошлайди. Ана шу олижаноб хислат

“Хамса”да ёрқинроқ намоён бўлади. Мазкур ноёб маънавий ёдгорликнинг биринчи достони “Ҳайратул-аброр” бу жиҳатдан намуна бўла олади. Чунки мазкур асарда мақсадли муқаддимавий боблар кўп. Масалага юзаки қараганда, ўша саҳифалар асарнинг асосий тўқимасига сингишмай, “бегонасираб” тургандай туюлади. Аслида эса сира ўшандай эмас. Худди шу гапни достоннинг 21-боби ҳақида айтиш мумкин. Чунки ушбу парча Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Аҳрорлар – устозу шогирдни шарафлайди. Асар муаллифининг танлаган бундай йўли фақат олқишга сазовор. Хожа Баҳоуддин ва Аҳрори Валийлар “Хамса” ёзмадилар. Аммо улар устуни бўлган таълимот – Комил инсон тарбияси муаммолари юзлаб хамсалар учун асос бўлиши табиийдир. Жумладан, Алишер Навоий “Хамса”сининг ҳам бош қон томири – Комил инсон қиёфасини турли ҳолат ва жилоларда кўрсатиш ҳисобланади. Муддао равшан. Ирмоқдан сув ичиб, сарчашмани хаёлдан соқит қилиш нонкўрликдир. Бундай иллат улуғ ўзбек шоири учун буткул ёт эди. Шунинг учун у Баҳоуддин Нақшбанд таълимотини XV асрда юксак поғонада тутган шогирди содиқ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валий шарафига қуйидаги ёлқинли сатрларни бағишлади:

Токи жаҳон қасрининг имкони бор,
Устида онинг фалак айвони бор.

[1] Ўша китоб, 533-бет.

Қўймасун айвони жаҳонни тиҳи,
Дабдабаи кўси Убайдуллоҳий[1].

“Ҳурмат қилган ҳурмат кўради”, – дейди доно халқимиз. Устозларни улуғлаган Алишер Навоий сатрларининг жаранги асрлар оша акс садо бергусидир...

Хожа Аҳрор ва асарни бунёд этишдан кузатилган мақсад ҳақидаги кириш бобидан сўнг асосий матн бошланади. “Сирожул-муслимин” (“Мусулмонлар ёғдуси”) учун муаллиф томонидан танланган сарлавҳа ибратлидир. Улуғ ўзбек шоири ҳар бир мўмин-мусулмоннинг шариат аҳкомларига қатъий риоя қилишини муқаддас бурч санайди. Шунинг учун ҳам у масаланинг бир учини ёруғликка, илоҳий нурга боғлаётир. Буюк илоҳий арбобнинг талқинича, эътиқодли бандалар жисмоний ва руҳий покликни турмуш тарзига айлантирмоқлари, мусулмончиликнинг барча фарзу суннатларини комил сидқ билан бажо этмоқлари лозим. Шундагина уларнинг у дунёю бу дунёлари обод бўлғисидир. Айни мулоҳазалар билан баҳслашиш мумкин. Чунки ҳаққа монелик, инсоф ва иймон бутунлиги амал қилган жойда файз ва тотувлик ҳукм суради, низо чекинади. Тўралар нафси ҳукмронлик қилган манзилга қадам босмоқ, иймони бор ҳар бир мўмин учун улкан азобдир. Бундай даргоҳдан фаришталар ҳазар қилади, шайтонларга эса омад кулиб боқади. Ўз-ўзидан равшанки, аҳиллик, меҳр-оқибат чекинади, низолар авжга чиқади, тил ва дил бирлиги афсонавий анқонинг уруғи сингари ноёб мўъжизага айланади.

“Сирожул-муслимийн” ҳажм нуқтаи назаридан ихчам бўлишига қарамай, унда йигирма тўртта сарлавҳа мавжуд. Масаланинг бу томони ғайри табиий туюлиши мумкин. Матн билан танишув жараёни шубҳаларга ўрин қолдирмайди. Юқорида таъкид этганимиздек, улуғ ўзбек шоири атайлаб услубий соддаликка интилиб, равонлик йўлини танлаган ва сарлавҳаларнинг кўплиги ҳам ўша бош мақсадга хизмат қилади. Изоҳимизнинг иккинчи тарафи асар дарсхонасига тегишлидир. “Сирожул-муслимийн” илм олами донишмандлари, илоҳий арбобларга эмас, балки барча авом мўмин-мусулмонларга мўлжалланган. Аёнки, айрим айтилганлар содда ва аниқ муҳокамаларни талаб қилади. Асарда шариатнинг барча аҳкомлари ҳақида эмас, балки энг зарурийлари, ҳар бир мўмин кунда юзма-юз келиши муқаррар бўлган фарзу суннатлари хусусида муҳокама юритилади. Алишер Навоий уларни шеърий тилда ҳаммабоп ифодалашга интилади. Буни асарда қўлланган сарлавҳалардаёқ ҳис қилиш мумкин: “Секкиз сифати Аллоҳким ақоидда дохилдур”, “Таҳорат суннатларининг шарҳи”, “Таяммум-(кесак ёки қум билан таҳорат қилиш) фарзлари”, “Намознинг вожиблари”, “Исломнинг учунчи рукниким, закотдур баён қилмоқ”, “Исломнинг тўртунчи рукниким, рўзадур шарҳ этмак”, “Исломнинг бешинчи рукниким, ҳаждур баён қилмоқ”. Кўринадики, улуғ ўзбек шоири иймони бутун мусулмон сифатида юқоридагиларга амал қилиш билан чекланмай, уларни бошқаларга тарғиб этишни ҳам муқаддас бурч ҳисоблайди. Алишер Навоий шарҳу изоҳ ва талқинларининг бош манбаи эса Қуръони мажиддир. Айтганларимизга тўла қаноат ҳосил қилмоқ учун биргина мисолни назардан ўтказмоқ кифоя. “Сирожул-муслимийн”да “Имон қоидасининг ижмоли” сарлавҳаси мавжуд. Улуғ шоир олти сатрда иймонга қуйидагича таъриф беради:

Бурун ул нимаким, фарз этти Яздон,
Эрур оқилга боғлиқ бўлғач имон.

[1] Алишер Навоий. Асарлар. 20 жилдик, 7-жилд, 99-бет.

Анинг маънисидур тил бирла иқрор.
Қўнгул бирла инонмоғлиқ дағи бор.
Тилар бўлсанг анга ўзни етурмак,
Бил олти нимага имон кетурмак (49-бет) .

Маснавий йўлида қофияланган шеърий парчаларнинг ўзаро мантиқий боғлиқлигини таъминлаш ҳам шоирнинг диққат марказида туради. Улуғ шоир маҳорат кўрсатган, ўқувчилар қизиқишини ошириш, уларга завқ ва илоҳий-ахлоқий таълим беришнинг қулай йўлларини топа олган. Зикри ўтганлар далили вазифасини юқорида кўчирилган парча ўтади. Иймонга доир мулоҳазаларни баён этган буюк мутафаккир нозик ишоралар билан ўқувчи назарини навбатдаги сарлавҳага жалб қилади. Иймон эслатилган шартларисиз тугал тушунча эмас. Унинг бус-бутунлиги олти шартига тегишлидир. Олти қирранинг бирикуви иймон бутунлигини вужудга келтиради. “Мўминнинг биҳилларининг тафсили” сарлавҳаси остида берилган етти иккиликда иймон шартлари хусусида фикр юритилади. Мисралар равон, ортиқча мураккабликлардан, ташбеҳ ва тушинилиши қийин сўзлардан ҳоли. Аксинча, сатрларда илоҳиётга доир сўзу атамалар кўп қўлланилади.

Бурун бермак тонуглиқким, Худованд,
Ки, не бордур анга мислиҳ, не моманд.
Худоедур яраткан буду нобуд
Ки, Андин ўзга йўқтур тенгри мавжуд (49–50-бетлар).

Аллоҳ каломи – Қуръони каримнинг бош ғояси, таянч нуқтаси Парвардигорнинг ҳамма жабҳада тенгсиз, якка-ягоналигини таъкидлашдан иборатдир. Шариатга дахли бор барча талабу шартлар, қоидалар, йўл-йўриқларнинг ўқ илдизи ўша заминда мустаҳкам туради, ундан озиқланади. Модомики шундай экан, иймон таърифининг ҳам Илоҳий китоб таълимоти билан йўғрилиши табиийдир. Дадил айтиш жоиз, “Сирожул-муслимийн” ўзагини ҳам ўша етакчи ғоялар ташкил этади. Алишер Навоий мисраларида ҳам таниш фикрлар ҳукмронлик қилади. Мўмин иймони бутлигининг биринчи шарти – ёлғиз, мангу ва такрори йўқ Аллоҳга сиғинмоқдан иборатдир. Илоҳий китоб, малоикалар, Худованд марҳамати билан фаолият кўрсатган пайғамбар, авлиёю анбиёларга ихлос қилмоқ, Қиёмат кунининг барҳақ эканлигига шубҳа қилмаслик, инсоният тақдирининг азалийлиги, унинг насибасига битилган яхши-ёмоннинг қудрати Қодир иродасига боғлиқ эканлигини эътироф этиш тўкис иймоннинг ёрқин қирраларидир. Ана шу йўсинда мулоҳаза юритиш асарнинг қолган барча боблари учун хос фазилат ҳисобланади. “Сирожул-муслимийн”нинг ғоявий асоси ҳақида қатъий қўнимга келмоқ учун “Қуръон”дан жой олган айрим ояти карималарга мурожаат қилайлик.

Қуръони мажиднинг биринчи – “Фотиҳа” сураси 2–5-ояти карималарида ўқиймиз: “Ҳамду сано бутун оламлар хожаси, меҳрибон ва раҳмли, жазо (қиёмат) кунининг подшоҳи бўлмиш Аллоҳ учундир. Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад кутамиз”[1]. Бундай ўта ибратли жумлаларни Илоҳий китобнинг энг катта бахши – иккинчи сураси “Бақара”дан то энг жажжи ва охирги “ан-нос” (Инсонлар”) қисмигача бўлган ҳамма саҳифаларида ҳам учрата оламиз. “Қуръон”га форсий тафсир ёзган Имом Жалолий, Хусайн Воиз Кошифийлар ҳамма масаланинг ўша ўзак нуқталарига алоҳида эътиборни қаратганлар[2].

[1] Қуръони Карим. “Шарқ юлдузи”, 1990, 3-сон, 168-бет.
[2] Қаранг: Мухтасари тафсири Қуръони карим. АТИЖТ, Душанбе – 1992, сах. 5.

Таассуфлар бўлсинки, йиллар давомида “Қуръон»дай ноёб маънавий меросга нотўғри муносабат туфайли ахлоқий сарчашмалардан узулиб қолдик. Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Сирожул-муслимийн” каби муўъжаз ва худобохалар – дунёбохабар инсонлар балоғатига ҳисса қўшиши муқаррар бўлган гўзал ахлокий-илоҳий асарлари ҳам сояда қолиб келди.

АВВАЛ ЎЗИНГ, ОХИРУ МОБАЙН ЎЗУНГ ...

“Муножот” – Алишер Навоийнинг мансур асарлари сирасига киради. Муножот арабча сўз бўлиб, “ялиниш”, “ёлвориш” маъноларини ташийди. Насрий асар номи сифатида эса XV аср улуғ инсони, давлат ва жамоат, илм ва адабиёт, маданият ва илоҳиёт арбоби, мутафаккири, шоири, адибу адабиётшуноси Алишер Навоийнинг Аллоҳга қарата илтижолари йиғиндисини ифодалайди.

“Муножот” улуғ ўзбек шоирининг Худовандга сиғиниш, унинг олдида тавба-тазарруъ қилиши йўлида ягона бадиий ҳодиса эмас. Унинг бу борадаги ёзма мурожаати адабий ижодининг ибтидоси билан эгизак дейилса, сира янглиш бўлмайди. Аслида XV аср шароитида масалани бундан бошқача йўсинда қўйиш ва талқин этиш ҳаёт ҳақиқатига зид бориш, уни бузиб кўрсатиш билан баробардир. Ислом таълимоти бош мафкура ҳисобланган муҳитда тарбия кўрган, савод чиқаришни “Ҳафтияк”у “Қуръон”дан бошлаган бир шахснинг илоҳиётдан бошқача йўл танлашини соғлом ақлга сиғдириб бўлмайди, албатта. Шунинг учун ҳам улуғ ўзбек шоирининг назму насрда яратган бадиий, илмий, тарихий асарларининг дебочаси Аллоҳга илтижо билан бошланади. Шундай саҳифаларда Аллоҳнинг бехато қудрати тан олиниб, Инсонга ҳадя этган мағфирати ва мўъжизаси учун минг-минг шукроналар айтилади. Шу жиҳатдан улуғ ўзбек шоирининг девонларидан ўрин олгани муножот – ғазаллар, “Бадойиъул-бидоя” ҳамда “Ғаройибус-сиғар”, “Насойимул-муҳаббат”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулки Ажам” ва бошқа насрий асарларининг муқаддимаси учун ҳам хос ҳисобланади. Фикримиз далили учун “Ғаройибус-сиғар” дебочасидан мана бу жумлани олиб кўрайлик: “Шукру сипос ул Қодирғаким, чун адам осойишгоҳидин вужуд оройиши огоҳларига жилва берди, инсонни сойир махлуқотдин нутқ шарафи била мумтоз қилди”[1].

Улуғ одамнинг муҳокамаси, қарашлари, талабу баҳоси ҳам улуғ бўлади. Бундай зотлар ҳеч қачон шахсият домига илиниб қолмайдилар, узоқни, эл улус ташвиш-тараддудларини кўзлайдилар, ўшалар билан нафас оладилар. Шундай ноёб фазилат Алишер Навоийнинг юқорида кўчирганимиз жумласидан ҳам намоёндир. Улуғ шоир Аллоҳга инсон учун сўзлаш шарафини ато этгани, махлуқот олами ичра олий хилъат даражасига кўтарган ҳаққи-ҳурмати шукрона айтмоқда. Зикри ўтган мавзу, айниқса, улуғ шоир ягона туркий “Хамса”сининг муқаддимавий бобларида атрофлича ёритилади. Бундай саҳифалар илмий адабиётда “анъанавий” боблар номи билан машҳур бўлиб, “Хамса”нинг аксарият нашрларидан тушириб қолдирилган эди. Ноширларимизнинг айни “ёқимсиз шамоллари”дан “ҳимоя” қилиш мақсади билан амалга оширилган. Буюк мутафаккир “Хамса”си таркибидаги достонларнинг илмий-танқидий матнлари, асарнинг таниқли навоийшунос олим Порсохон Шамсиев томонидан 1959 ва 1960 йилларда амалга оширилган тугал чопигина ўша иллатлардан эмин қолди, холос.

“Хамса” достонлари ўртасида Холиқи Маъбудни улуғлаш, Унга илтижо қилиш, тавба-тазарруъ айтиш нуқтаи назаридан “Ҳайратул-аброр” алоҳида мавқега эга. Достон

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 3-жилд, Тошкент – 1988, 9-бет. Бундан кейин шу нашрдан олинган парчалардан сўнг “МАТ”, жилд, йил, саҳифани кўрсатиш билан чекланамиз.

“Бисмиллоҳир-раҳмонир раҳим”га бафуржа шеърий шарҳ айтиш билан бошланади. Ана шу мазмундаги сатрлар бутун бошли бир бобни ташкил этади. Ушбу саҳифаларни фақат биринчи достонга тегишли ҳисоблаш тўғри бўлмайди. Чунки “Ҳайратул-аброр” яхлит “Хамса” учун кенгайтирилган режанома бўлиш билан бирга, ўша нодир маънавий хазинада бадиий талқинини топган сон-саноқсиз мавзулар моҳиятини чуқур англаш йўлини очадиган калит вазифасини ҳам ўтайди. Шу маънода биринчи достонда анъанавий муқаддима боблари кўп. Изоҳ равшан. Ўша бошланмалар яхлит таркибли “Хамса”нинг ҳам мулки ҳисобланади. Масаланинг иккинчи жиҳати Шарқ халқлари адабиёти тарихида хамсачилик ҳодисасининг ташаккулига тегишлидир. Хамсага жавоб айтишнинг Низомий Ганжавий йўлини маъқул кўрган Алишер Навоий Хисрав Деҳлавий ижод сабоқларини ҳам назардан четда қолдирмайди. Ана шу икки буюк даҳо ижод тажрибасидаги диққатга жолиб жиҳатларини эътиборга олади ва улар билан беллашишга жазм этади.

Шарқда, умуман, мусулмон оламида ҳар бир ишни меҳрибон ва шафқатли Аллоҳ номи билан бошлаш (“Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм”) одат тусига кирган. Барча мазмун, мавқе ва тоифадаги асарларнинг туғроси муқаддас илоҳий Китобнинг илк табаррук жумласи билан безалади. Бу – қатъий, бузиш мумкин бўлмаган темир қонун. Аммо ўша илоҳий жумлага дастлаб шеърий шарҳ бериш журъатини Низомий Ганжавий ўҳдасига олди. Унинг “Махзанул-асрор” достони мана бу байтлар билан очилади.

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим,
Ҳаст калиди дари ганчи ҳаким.
Фотиҳаи фикрату хатми сухун
Номи худой аст, ба ў хатм кун.[1]

Кўринадики, хамсачилик анъанасининг кичик бир заррачаси сифатида ўша туғро – жумлага шеърий талқин айтиш ҳам таомилга кира бошлаган. Низомий Ганжавийга пайравлик қилишни хуш кўрган Амир Хисрав Деҳлавий ҳам ўз бешлиги муқаддимавий достонини “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм”нинг янгича шеърий изоҳи билан бошлади. “Ҳайратул-аброр”даги биринчи боб ҳам шу издошликнинг айрича жилоси сифатида туғилди. “Ҳайратул-аброр”нинг мазкур боби моҳиятини биргина илоҳий жумла изоҳлари доирасида чеклаб қўйиш тўғри эмас. Устозлар мактабига юксак эҳтиром ва садоқат билан муносабатда бўлган Алишер Навоий ҳеч қачон ижодийликни назардан қочирмаган. Ҳар бир масалага доир ўз гапини айтиш, шахсий нуқтаи назарини баён этиш унинг учун бош мақсад ҳисобланган. Шундай майл “Ҳайратул-аброр”нинг биринчи бобида ҳам кузатилади. Улуғ ўзбек шоири анъана қобиғида ҳаракат қилгани ҳолда, юксак ижодий чўққиларга интилган ва бунга эришган. “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм” замирида инсон яшашининг ўзак фалсафаси яшаринганини илғай ва кўрсата олган. Сатрлар рамз ва ташбеҳлар билан рангин, бўлиқ ва ўта мураккаб. Ушбу мисралар моҳиятига етиш достондаги муножотлар, наътлар мағзини очиш учун замин ҳозирлайди. Илоҳий каломнинг ҳар бир ҳарфи ноёб дурларга тенгдир. Ўша жавоҳирот шодасини ўзида бирлаштирган ришта ҳам олий навли, жон ришталари – торларига баробар. Улуғ шоир сўз жиловини илоҳий атамаларга – тасбиҳга тортади. Шу кичик бир уриниш билан ўхшатиш ва ўхшатилмиш ўртасидаги мантиқий алоқадорликни таъминлайди. Иккинчидан, мисралардаги илоҳий бўёқни қуюқлаштира боради.

[1] Низоми Ганчави. Куллиёт. Дар панч чилд. Чилди 5, Душанбе – 1984, сах. 256.

Ганжи бақо зикрига улким етиб,
Бу дур ила риштани тасбиҳ этиб.[1]

Дарвоқе, мисралар оддий сўзлар тизмаси эмас, марварид шодасини эслатади. Улуғ шоир ҳар бир сўзни такрор-такрор ақл тарозусида тортиб кўради, мақсадга мосларинигина танлайди. “Ганжи бақо” ибораси шу жиҳатдан эътиборли. Ганж – хазина, бақо – мангулик, боқийликдир. Мушоҳада қилайлик, ҳаётдаги ҳеч бир хазина туганмас, боқий эмас. Масаланинг бу жиҳати улуғ ўзбек шоирига ҳам кундай равшан. Муаллиф шеърхонни мулоҳазага чорлайди. Унга “зикр”, “тасбиҳ” сўзларини рўбарў қилади. Умрини қаноатда, тоат ибодатда, Аллоҳ зикрида ўтказган инсоннинг охирати обод, хазинаси боқийдир. Авж пардадаги сатрлар қуйилиб келади. Ногаҳоний ташбеҳлар мазмун бўлиқлигини таъмин этишда камарбаста турадилар.

Бал ариғедурки оқар жон суйи,
Йўқ, демаким жон суйи, ҳайвон суйи.
Ул сув яқосида алифдан шажар,
Шамрасидин ул шажар узра самар.
Йўққи ўшул риштаи гавҳар баҳо,
Ганжи илоҳийга эрур аждаҳо.[2]

Муддао аниқ. Эзгулик, ўз ҳаққига ризолик пайида юрганларни оби ҳаёт мангулик, оқар сувлари, алифдек хушқомат, ширин мевали дарахтлари бор жаннат боғлари кутади. Парчанинг охирги мисралари асосини халқона ривоят ташкил қилади. Илон жавоҳиротга ўч махлуқ. Илон бор жойда қимматбаҳо ашёларнинг бўлиши эҳтимолга яқин. Шундан бўлса керак, халқ оғзаки ижоди асарларида хазина ва илон – аждаҳолар тимсоли ёнма-ён келади. Хазинадан улуш олиш орзусидаги киши илоннинг заҳри, аждаҳонинг ўт пуркашларига дош бериши, улардан устун келиши лозим. Алишер Навоийнинг ўша ривоятга ишора қилиши ўринлими? Ўхшатиш ва ўхшатилмиш ҳодиса, ҳолат, ашёю жонзотлар ўртасида монандлик кузатиладими? Жавоб эса аниқ. Ҳа. Гап хазина устида кетаётир. Аждаҳога мурожаат қилиш мумкин. Дур шодасини бирлаштирган ип – ришта, оҳуни банд этишга қаратилган – каманд, тасбиҳнинг учида пўпаклари бор ресмон (ипи) – узунлиги, тўлғаниши, турли ҳолатга кира олишига кўра илонни эслатади. Шодани вужудга келтирган марварид доналари – хазина тимсоли. Муболаға ва унинг кўринишлари улуғ шоирга кўмакка келган. Айтилганлар шеърнинг шаклий унсурлари. Уларнинг мангулик ва жаннат боғлари билан нима алоқаси бор? Яшаш мазмунини пишиқ ҳис ва талқин этган Ҳазрат Алишер Навоий мавзунинг бу томонларини ҳам ҳисобга олган. Охиратнинг обод ёхуд хароб бўлиши инсоннинг фоний дунёдаги рафторига боғлиқ. Ҳолва деган билан оғиз чўчимайди. Ширинликни қўлга киритиш учун ҳаракат зарур. Муддаога яқинлашиб қолдик. Жаннат – хазина, аждаҳо унинг йўлида ғов. Ўша тўсиқни енгмоқ фоний дунё азобларига бардош қилмоқ, ҳою ҳавасга, енгил-елпи яшашга майл кўрсатмаслик, хуллас, поклик ва ростликни турмуш тарзига айлантирмоқдан иборатдир. Улуғ шоир

[1] Алишер Навоий. МАТ, 7-жилд, 1991, 11-бет.
[2] Ўша китоб, ўша бет.

“Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳийм”нинг ҳар бир ҳарфига атрофлича изоҳ беришда давом этади. Бунинг учун у тазод санъатига мурожаат қилади. Ҳар бир ҳарф ва унинг шаклий кўринишларига икки жиҳатдан разм солади. Лўндаси шуки, Алишер Навоий талқинида ҳаётда икки бир-бирига қарама-қарши куч мавжуд (Аслида, ҳам шундай). Эзгулик, ёвузлик. Ҳарфлар шарҳида ҳам ана шу бош фалсафа ҳукмронлик қилади.

“Бо”си ибодин урар аввал сало,
“Ё”ки дегайло не бўлур жуз бало.
“Син”и наҳанг арқосининг арраси,
Юз кеманинг офати ҳар парраси[1].

Мазкур парчада улуғ шоир ўртага қўйилган масаланинг салбий жиҳатларини ёритади. Бунинг учун у ташбеҳ санъатининг имкониятларидан унумли фойдаланади. Ташбеҳ Шарқ адабиётида кенг тарқалган бадиий тасвир воситаси бўлиб, шеършунослардан Шамсуддин Қайс Розий, Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнийлар унинг етти кўриниши кенг оммалашганлигини қайд этишади[2]. Мазкур бобда Алишер Навоий ташбеҳнинг сареҳ (мутлак, том деб ҳам юритилади) шаклига кўпроқ майл кўрсатган. Чунки бунда ўхшатиш ва ўхшатилмиш (мушаббиҳу мушаббиҳун) ўртасидаги монандлик ёрқин кўзга ташланиши лозим. Шундай ҳодиса Алишер Навоий байтларида намоёндир. Алифбо қоидасига биноан, араб ёзувида “алиф” “и”ни ҳам ифодалаб келади. Яна “бе” ўзидан кейинги ҳарфга (агар у қўшиладиган бўлса), бирика олади. Эски ўзбек ёзувидаги ўша ҳарфларнинг ифодаси / / анча салобатли тус олади. Агар “алиф” ва “бе”нинг ёзув чизиғидан юқори туриши ҳисобга олинса, (дафтар чизиғидан пастда турадиган ҳарфларга нисбатан), эслатилган виқор янада қабариқроқ кўзга ташланади. Ўша манзара тақозосига кўра, Алишер Навоий “ибо” сўзининг (1. Тортиниш; 2. Кибру хаво, такаббурлик, ҳар бир нарсага менсимаслик, ишончсизлик руҳи билан қараш) кўп маъно англатишидан фойдаланиб, такаббур, худбин ва манманлик дардига чалинган кимсаларни “бо”га қиёслаётир. Сатрдаги “чақириқ, мурожаат” мазмунини ташийдиган “сало” шеърхонга кўмакка келади. Иккинчи байтда ташбеҳ янада ойдин намоён бўлади. Эски ўзбек ёзувидаги “син” ва денгизларда ўсадиган наҳанг ташбеҳ манбаи бўлиб келади. Улуғ шоир “син”нинг уч тишчаси ҳамда наҳанглар орқасидаги аррасимон ўсимта ўртасида монандлик кўради. Хуллас, жамият ва табиатда мавжуд бўлган манзаралар тасвири воситасида теран моҳиятли фалсафий умумлашмаларга келинади. Ёвузликнинг қайтими ҳам ёвузликдир. Бурнига хода етмайдиган, оёқ остини унутган калондимоғ кимсаларга ерда ётган кичкина тошча ҳам панд бериши муқаррар. Ҳазрат шиддаткор ҳужумни кучайтирадилар ва оёқ остида ётган ўша тошларни “кесик бошлар”га қиёс этадилар. Айтиш жоиз, мисралардаги воситалар шубҳа туғдирмайди. Тоғларни қоплаб ётган қор ва муз уюмларининг кўчишига бемаврид бир ҳаракат ёхуд кучли овознинг сабаб бўлиши мумкинлиги инобатга олинса, айтилган мулоҳазанинг хаётийлиги янада ойдинлашади. Боб давомида ўқувчи яна шу шаклларга дуч келади. Улуғ ўзбек танганинг иккинчи тарафини шарҳлашга ўтади. Тазод хоссалари жамол кўрсатади. Эзгулик руҳи мисралар бағрига рўшнолик олиб киради.

---

[1] Алишер Навоий. МАТ, 7-жилд, 12-бет.
[2] Шамси Қайси Розий. Ал-муъчам, “Адиб”, Душанбе – 1991, саҳ. 279-283; Атоулло Ҳусайни. Бадоеъ-ул-саноеъ. “Ирфон”, Душанбе – 1974, саҳ. 150–154.

“Бо”си бурун “бо”и башорат дурур,
Шамраси кирмакка ишорат дурур.
“Син”и саломат йўлининг зийнаси,
Балки саодат юзи ойинаси[1].

Мана бу ўринда Алишер Навоий бизга таниш манзарани батамом бошқача йўналишда ишга солади. Дастлаб кибру ҳаво тимсоли сифатида талқин этилган “бо” эндиликда башорат (олдиндан берилган хушхабар, севинчли хушхабар) маскани рамзи қилиб кўрсатилади. Чунки эслатилган сўзда “бе” ҳам, “алиф” ҳам ишлатилади. Яна “алиф” “о”ни ифодалаб келса, унинг устида махсус белги – шемра – шокиласи бўлади. Улуғ шоир алифнинг ана ўша шокиласини яхшиликлар манзили йўлини кўрсатувчи белги вазифасида қўллайди. Ҳар бир тишчаси – парраги, ёмонлик кемалари учун ҳалокат келтириши мумкин бўлган нуқта ва “син”нинг иккинчи қирраси тасвири ҳам ишонарли чиққан. Улуғ шоир уни саодатга бошловчи зинанинг пиллаполари тарзида шарҳлайди. Бу ўринда ҳам мушаббаҳ (ўхшатиш) ва мушаббиҳ (ўхшатилиш) ўртасида тасаввурга сиғдириш мумкин бўлган монандликлар мавжуд. Бутун боб давомида зикрни ўтган услуб давом этади. “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм”ни ёзувда ифодалаш учун иштирок этадиган ҳар бир ҳарф ва белгига икки қутбдан назар ташланади, яхши-ёмон жиҳатлари ошкор этилади. Таъкид этганимиздек, бобнинг бошидан охирига қадар қаршилантириш – тазод етакчи шеърий санъат вазифасини ўтайди. Улуғ шоир фойдаланган янги-янги тасвир воситалари эса бош санъат чиройини янада равшанроқ зоҳир қилишга хизмат этади. Ҳатто бош “тош” ва “кесик бош”лар тарзида, даҳшат уйғотувчи лавҳалар вазифасида тилга олинган нуқталару ташбеҳлар (ўша парчада булар анчагина мавжуд) ёруғлик – ёғду ҳосил этувчи чақмоқ тошлар дея улуғланади. Муҳими, маъно ришталари бир марказга – “Бисмиллоҳ...”га уланади.

Йўл ёмону яхшисидин ема ғам,
Бисмиллоҳ, дегилу қўйғил қадам (15-бет).

Нияти пок, хайрли ишлар йўлида қадам қўйган, тилида илоҳий калом бўлган инсонга Худо ҳофиз. У сира аросатда қолмайди. Мушоҳада қилайлик, кони жавоҳир бўлган “Хамса”нинг мағз-мағзида ҳам ўша икки куч ўртасидаги кураш, инсон авлодини ёруғликка даъват этиш ғояси ётмайдими? Улар бизнинг кўзимизга Фарҳоду Ширин, Қайсу Ибн Салом, Хисраву Шеруялар бўлиб кўринмайдими? Худди шундай экан, Муҳаммаджон Имомназаров ўринли эътироф этганидек, бу достонларни “калла почасидан” жудо этиб келганимиз ноўрин ҳаракатлар эди[2]. Чунки Алишер Навоийдай улуғ зотнинг асарида ортиқча, мақсадсиз, муаллақ турган сатр тугул, сўз ҳам бўлмайди. Иккинчидан, кўриб ўтганимиз шеърий парчалар ўқувчини “Хамса” таркибидаги қамровли масалалар мағзини чақишга тайёрлашдан ташқари, уларнинг ҳар томонлама шаклланган инсон бўлиб вояга етишлари учун ҳам сезиларли манфаат бера олади. Эслатганимиз муқаддимадан сўнг Аллоҳнинг ҳамди келади. Мазкур саҳифаларда Алишер Навоийнинг мавжудот, коинот, сайёралар, наботот олами, тўрт унсур, уларнинг яратилишига доир фалсафий қарашлари аксини

[1] Алишер Навоий. МАТ, 7-жилд, 13-бет.
[2] Қаранг: Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Айрим боблар. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи филология фанлари доктори М. Имомназаров. “Шарқ юлдузи”, 1991, 1-сон, 2-10-бетлар.

топган. Тўғри, санаганимиз мўъжизаларнинг бунёд бўлиши қудрати Қодирга боғланади. Улуғ шоир талқинича, уларнинг нобудлиги ҳам бутун оламлар Ҳокими ҳукмидадир.

Лутфи била борчаға мавжудлуқ,
Каҳридин – ўқ бўлғуси нобудлуқ (18-бет).

Мазкур саҳифаларда баҳсталаб ўринларнинг борлигини инкор қилиш маъқул эмас. Бироқ ўша байтлар замирида ҳам жавҳар маҳфузки, улар бизнинг қайтарилмас маънавий бойлигимиздир.

Достонда анъанавий ..... давом этади. "Ҳайратул-аброр"нинг 3–6-бобларида ҳам Аллоҳга илтижолардир. Алишер Навоий шу бир асарнинг ўзида тўртта муножотни жойлаштиради. Олдиндан айтиб қўяйлик, улар бир гапнинг айнан қайтариқлари эмас. Зинҳор бундай хулосага келиш ярамайди. Алишер Навоийдан донишманд ижодкорнинг ўшандай қалтис, иштибоҳга йўл қўйиши асло мумкин эмас эди. Иккинчидан, мазкур "муножотлар"ни бир-бирига батамом дахлсиз мустақил мақсадли боблар сифатида қараш ҳам тўғри бўлмайди.

Негаки, улар бир муаллиф бадиий тафаккури маҳсули бўлишдан ташқари, ягона, яхлит асар таркибида келади ва Худованди каримга ёлворишлардир. Уларни муайян ғоявий ният, аниқ мақсадларга йўналтирилган мантиқ риштаси бирлаштириб туради. Шу маънода мазкур бобларнинг бири-иккинчисини тақозо этади, бир-бирини тўлдиради, такомиллаштиради, бойитиб келади.

"Ҳайратул-аброр" таркибидаги "Аввалги муножот" ифода мақсадларига биноан Қуръони каримнинг "Фотиҳа" сурасини хотирга келтиради. Қирқ тўрт сатрдан таркиб топган мазкур боб мағзидан Аллоҳнинг якка-ягоналигини бадиий таъкидлаш ғояси ўтади.

Аввал Ўзунг, охиру мобайн Ўзунг,
Борчага холиқ, бориға айн Ўзунг...
Бирлик эдию адади йўқ эди,
Бирдин ўзга аҳаде йўқ эди (19–20-бетлар).

Қуръони мажид табиатидаги буюк инсонпарварлик таълими Алишер Навоийнинг ҳам вужуд – вужудига сингиб кетганки, ўша руҳ унинг амалий, илмий, бадиий ижодида ҳамиша ўзини кўрсатиб туради. Жумладан, айни илҳом жазавасини "Аввалғи муножот"да ҳам кузатамиз. Холиқ қудратини тан олган, унга юксак эътиқод қўйган улуғ шоир мушоҳада ўзанини инсонга тортади. Мавжудот оламидаги барча нарсалар Худованди каримнинг маҳсулидир. Конлардаги жавоҳир, табиатнинг хушманзара гўшалари, тоғларнинг самога бўй чўзиши, шамолнинг ҳаракати, хуллас, барча-барчаси Аллоҳ хоҳиш-иродасининг самараси ва унинг фармонига кўра иш тутади. Мехрибон ва раҳмли Аллоҳ марҳамат устига яна марҳамат кўрсатади. Мўъжиза ичра мўъжиза Инсонни яратди.

Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди
Турфа камолингға доғи комил ул.
Сирри нигоҳингға доғи ҳомил ул.
Кўнглиға қилдинг чу яқин ганжи қисм.
Жисмини ул ганжға қилдинг тилисм (21-бет)

Дарҳақиқат, инсонга карамотлар кўрсатиш иноят этилди. Аллоҳнинг мағфирати билан рўшнолик кўрган инсоннинг кўнгли эса сирлар хазинасидир. Тилсимотга ўхшайди. Ҳар бир инсоннинг ўзи –– бир дунё. Унинг кўнгил хазинаси тубида нималар маҳфуз эканлиги ёлғиз ўзи ва Аллоҳга аёндир. Урфиятда "Кўнгил дастурхон эмас, уни ҳаммага ёзиб бўлмайди", – таъбири мавжуд. Ушбу таъбир ўша асосда пайдо бўлган бўлса, ажаб эмас. Ҳар қалай, ботиний "хазина" бағридаги эзгулик ёхуд ёвузлик уруғларининг қай томонга қараб ҳаракатга келиши дунё мувозанатини белгилайди. Инсонлар ўртасидаги меҳру оқибат, ҳиммат, шафқат, самимият ва одамийлик муносабатлари ҳам ўша "тилсимот"га боғлиқдир. Ҳазрат Алишер Навоийни тубсиз изтиробга солиб, юм-юм йиғлатган, унинг фиғонини фалакка ўрлатган ҳам ўша "хазина" эмасми? Бугунги ҳаёт нола-ю фарёдлари, жаҳолати, ҳақсизлигининг сабабчиси ким? Яна ўша инсонлар, уларнинг ўзаро муомала муносабатидир. Сирлар дунёси, бунчалик бадкирдор, ўжар ва армонлисан? Аллоҳнинг марҳаматидан нур эмган, эй Инсон, муштдеқ юрагингга шунчалик кўп қабоҳатни қандай сиғдира оласан? Ахир, дунё сенга ҳам хатлаб берилган эмас-ку? "Дафтари аъмол"ингга қилмиш-қидирмишларингнинг муҳрланиши, Қиёмат кунида улар учун ҳисоб беришинг муқаррарлигини унутма! Эътиқодсизлик тарбиясини олган руҳимиз бу ўгитларни инобатга олмаслиги табиий ҳолдир. Аммо дунёнинг қайтарлиги, ҳисоб-китоби борлигига шак келтириш нораводир. Бугунми, эртами қилаётган лўттибозлигимиз, ҳийла-ю найрангларимиз, тил учида пирпираб турган ёлғонларимизнинг миси чиқиши, ошкор бўлиши муайяндир.

Иккинчи муножот "аввалғи"нинг мантиқий давоми ҳисобланади. Унда Қодири Маъбуд қудрати, ақлга сиғдириш душвор бўлган ҳайратли карамотлари бирма-бир санаб ўтилади. Аллоҳ қаҳрга келса, ерда зилзила, кутилмаган фожеий ҳодисалар, сув тўфонлари содир этиши турган гап. Шундай тўс-тўполонлар самода, осмон қаватларида ҳам юз бериши мумкин. Ердаги энг кичик заррадан фалакдаги Қуёшгача бўлган жонзоту жисмларнинг "тақдири" Унгагина боғлиқдир. Хуллас, Еру кўкдаги мавжудоту сайёралар ҳамма нарсага қурби етадиган қодир Эгамнинг "кайфияти", мағфирату илтифоти, аржига фаолият кўрсатади. Кўринадики, Алишер Навоий Қуръони карим ақидаларини шеърда шарҳ ва тарғиб этиш йўлини маъқул кўради.

Мунчаки афлок сабук санг эрур,
Ё кураи хок кўҳан ланг эрур.
Сендин олар жунбушу ороми ҳам,
Ўйлаки, ижоди ҳам, эъдомн ҳам (МАТ, 7-жилд, 22-бет).

Бобда ўртага қўйилган масалаларнинг моҳияти равшан. Улуғ шоир борлиқ дунёсидаги барча ижобий ёхуд салбий ўзгаришларнинг бунёдкори сифатида Аллоҳни билади. Яшаш, яшариш, ўлиш, йўқ бўлиш – ҳамма-ҳаммаси Унинг ҳукмидадир. "Бақара" сурасининг 164-ояти каримасида ўқиймиз: "Албатта, осмонлар ва ернинг яратилиши, кеча ва кундузнинг алмашиб туришида, денгизда одамларга керакли нарсаларни олиб юрган кемаларнинг (узишида) ва Аллоҳ осмондан туширган ва у сабабли ўлик ерни тирилтириб, бор жондорни тарқатиб – ёйиб юборган сув деган неъматда ва шамолларнинг йўналтирилишида, осмон ва ер орасидаги итоатгўй булутда (буларнинг ҳаммасида) ақлли тишилар учун оят – аломатлар бордир" ("Шарқ юлдузи", 1990, 4-сон, 155-бет). Фикримизча, бу ўринда ортиқча шарҳу изоҳларга зарурат сезилмайди. Ҳазрат Алишер Навоий мулоҳазалари ҳам муаллақ

тургани йўқ. Унинг маънавий асоси буюк ислом маданиятининг таянчи Қуръони мажиддир. Аллохнинг юксак мўъжизавий қувватини қалб-қалби билан ҳис этган улуғ шоир атроф-муҳитда юз бераётган воқеалардан ҳайрат-ҳаяжонга тушади, кўзга равшан намоён ўша мўъжизалар учун ҳам Унга сиғинади, Ундан мадад-марҳамат кутади. Ҳазратнинг ялиниши –- илтижолари якка шахс муножотлари бўлмай, иймонли мўмин-мусулмонларнинг юрак нидоси, мунгли овози, мурожаатидай қулоққа чалинади.

Ул нафас имон манга ҳамрох қил,
Кўнглум аро маҳви сиваллоҳ қил
Раҳмати омингни нисор эт манға,
Лутфин амийминг манга ёр эт мана (25-бет).

Кўринадики, бу ўринда ҳам Алишер Навоийнинг илоҳий қарашлари учун шариат аҳкомлари, унинг бош сарчашмаси – Қуръони карим асос, таянч манба вазифасини ўтайди. Айни хулоса неча марта такрорлашга, ўшанча ўринли ва ҳақдир. Чунки улуғ шоирнинг шу мавзуга тегишли қайси сатр ва ё жумласини назардан ўтказманг, мантиқ риштаси эслатганимиз ўша ўзак нуқтага тортади. Муқаддас Илоҳий китобдан тараладиган нур ва тафт Алишер Навоий бадиий яратмаларига рўшнолик ва ҳарорат бахш этади. Зикри ўтган манзарани "Ҳайратул-аброр"дан жой олган учинчи муножотда ҳам ёрқин ҳис этиш мумкин. Аввало, айтиб қўяйлик, Аллоҳнинг яктолиги, бемисл қувват эгаси эканлиги ғояси эслатганимиз тўрт муножотни занжир ҳалқаларидек бир-бирига улаб туради. "Аввалғи муножотда" макон топган ўша нурнинг шуълалари қолган уч муножотга ҳам ёруғлик бахш этади. Аммо ҳар бир муножотда ўша камалаксимон шуъланинг жило ва қирралари теранроқ кашф этилади. Шу маънода, учинчи муножотда Аллоҳ кудратининг яна бир нишонаси – Қиёмат куни азоблари урғу билан бадиий ифодасини топади.

Қуръони карим "Ҳижр" сурасининг 23-, 49-, 50-ояти карималарида ўқиймиз: "Албатта биз ўзимиз (барча жонзотларга) ҳаёт берурмиз ва ўлим берурмиз"... "Эй Муҳаммад), бандаларимга ёлғиз Менинг Ўзимгина мағфиратли, меҳрибон эканлигимни ва Менинг азобим энг аламли азоб эканлигини хабар қилинг". ("Шарқ юлдузи", 1990, 12-сон, 189-бет). Табиат дафтарида бир-бирига зиддиятли икки саҳифанинг борлиги тасодифий эмас. Шунинг учун меҳр-қаҳр, вафо-жафо, қувонч-изтироб, кун-тун, иссиқ-совуқ, тўғри-эгри, оқ-қора, ҳаёт-ўлим каби зиддиятли туйғулар ёнма-ён туради. Аёнки, булар ҳам Аллоҳнинг марҳаматидир. Меҳри ғолиб келганда – яхшилик, қаҳрига мустаҳиқ топилганда – ёмонликни насибамизга битмишдир. Муайянки, булар ногаҳоний ҳодисалар эмас. Масала учининг қай томонга йўналиши, энг аввало, ўзимизга, "дафтари аъмоли"миздаги битикларга узвий алоқаманд, албатта. Ҳар ким ўз экканини ўриб олади. Буғдой сочган арпа, тариқ эккан шоли умидвор бўлмаслиги муқаррар... Учинчи муножотда дунё ва унда мавжуд жонли-жонсиз нарсаларнинг бунёдкори Аллоҳ эканлиги ғояси ривожлантирилади. "Тўқуз афлок", "кураи хок", "фалакиёту аносир"нинг ҳам асосчиси Аллоҳдир. Аносир – тўрт унсур, яъни, ҳаво, сув, тупроқ ва олов. Булар – ҳаёт негизи. Улар ҳам Қодири Маъбуд мўъжизаларидан нишоналар сифатида халқ этилган. Албатта, мазкур мулоҳазаларини қонун сифатида қабул қилиш қийин. Чунки ушбу мавзуларга доир илмий дунёқарашнинг кўрсатма ва хулосалари илм оламига маълум. Шу билан бир қаторда илмий ва илоҳий дунёқараш ўртасида асрлар оша баҳслар амал қилиб келган ва улар бугун ҳам бардавомдир. Мовароуннаҳр мусулмонларининг собиқ сардори, муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг "Иймон" китоби бу жиҳатдан аҳамиятли. Муфти ҳазратлари ҳар икки соҳадаги ютуқлардан пухта хабардор бир зариф шахс сифатида ҳаёт ва мавжудотдаги воқеа-

ҳодисалар ҳақида муқояса асосида мулоҳаза юритадилар. “Уламолар Марсда ҳаёт бор”, – деган фикрга келган бўлсалар, демак, борлиқдаги миллиардлаб сайёралардан айримлари ҳаёт борлигини инкор этиб бўлмайди. Қуръонга назар солсак ҳеч шак-шубҳасиз ердан ўзга сайёраларда ҳам ҳаёт борлигини тушунамиз. “Қуръон” оятларидан бирида “Аллоҳга етти осмону ва ерда ким бўлса барчаси тасбеҳ айтади”, дейилган (“Исро” сураси, 44-оят). Яна бошқа бир оятда: “Сенинг парвардигоринг осмонлару ерда ким борлигини ўзи билади”, дейилган (“Исро” сураси, 55-оят). Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бироқ ундай қилишга эҳтиёж йўқ. Муҳими шундаки, Ҳазрат Алишер Навоийнинг юқоридаги таъкидлари мунозарали бўлишдан ташқари, мантиқий асосдан ҳам холи эмас экан. Табиатнинг бағри кенг, унинг бойликлари бехад. Бизнинг нигоҳимизда уларнинг ҳар қайси ўзича алоҳида олам бўлиб кўринади. Гўё уларнинг бири иккинчисига дахлсиздай туюлади. Ҳазрат Алишер Навоий уларни бошқача ҳазм ва талқин этган. Аниқроғи, улуғ шоирнинг нуқтан назари ислом таълимотига рост келади. Исломий ақидалар буюк мутафаккирнинг табиий-фалсафий қарашлари учун асос бўлиб хизмат қилган. Фикримизча, қуйидаги мисраларда ўша манзарани ойдин ҳис этиш мумкин.

Конию ҳайвони, агар худ набот,
Ҳар бири бир гавҳари олий сифот.
Борчасини гарчи латиф айладинг,
Борчадин инсонни шариф айладинг.

Қатрағача қулзуми заҳҳордин,
Заррағача шамсан заркордин,
Они мунга, муни айга банд этиб,
Бир-бирига барчани пайванд этиб,
Воситалар бўлди аён тў-батў, –
Бир-бирига боғланибон мў-бамў (7-жилд. 26-бет).

Кўчирганимиз иқтибосларга фақат ғоявий-мазмун нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш, адабий асар қимматини муносиб баҳоламаслик, унга бир ёқлама нигоҳ ташлаш бўлур эди. Негаки, ўша сатрлар, энг аввало, савқи табиийга эга нодир истеъдод қаламининг туҳфасидир. Улар қуйма мисралар Алишер Навоий ўша сатрларнинг шаклу мазмуни, вазни-ю қофияси, радифу санъатлари устида алоҳида бош қотириб ўтирмаган. Эслатганимиз шеърий унсурлар керагича, омихта ҳолда қуйилиб келган. Улар улуғ шоир қулоғига ғайбдан нидо, аммо хос эшитиш қувваси учун садо сифатида келиб турган. Менинг бунга шубҳам йўқ. Акс ҳолда, ҳазрат Алишер Навоийдан бу қадар салобатли, салмоқдор, теран маънавий хазина боқий қолмас эди. Аллоҳ бошқа бир ижодкорга юз, ҳатто юз эллик йил соғлом умр ато этганда ҳам Навоийчалик “кўп ва хўб” адабий-илмий мерос қолдиришини тасаввур қилиш қийин эди. Муножот сатрлари устида мушоҳада қилганда, Алишер Навоийнинг соҳир сўзшунос бўлганига ҳам тан бермай иложинг йўқ. Улуғ шоир ногаҳоний сўзлар танлайди ва уларни ўз жойида қўллайди.

Ҳам тўқуз афлокни чектинг рафиъ
Ҳам кураи хокни ёйдинг васи.
Гар фалакиёту аносир дурур,
Борча самин қадр жавоҳир дурур (ўша асар, 25-бет).

Мазкур сатрлар таркибида, аввали, ортиқча ёхуд ўз ўрнини топмаган сўзлар кўзга ташланмайди. Муҳими, улуғ шоирнинг танлови кўзлаган муддаога тўла мос тушган. Айниқса, “рафиъ” (юксак, баланд), “васиъ” (чексиз, поёнсиз), “аносир” (унсурлар), “самин” (қимматбаҳо) сўзлари қизиқиш уйғотади. Чунки айни ана шу сўзлар моҳиятни кенгроқ очади ва мазмун ришталарини Парвардигори оламга улаб қўяди. Етти осмон, поёнсиз ер, унинг мўъжизаси тўрт унсур – сув, тупроқ, ўт-олов ва ҳаво – Қодири Қудратнинг кароматидир. Булар яшашнинг, ерда ва ўзга сайёралардаги ҳаётнинг моясидир. Жавоҳир – инсонлараро муомала – муносабатда юксак баҳоланадиган маъдан. Аммо фалакиёту Ер куррасидаги ўша илоҳий мўъжизалар “самин қадр жавоҳир”дир. Сабаби аён. Не-не қабоҳатлар (албатта, ҳирсу ҳавас ўртага тушганда!) дояси – қимматбаҳо тошлару рангли маъданлар ҳам Худованди карим ҳадсиз карорматининг зарраси ва улар ер бағрида макон топади. Улуғ шоир ҳамма нарсани чинма-чин ақл тарозисида тортиб, мантиқ ўзанига улаб юборади. Хулоса ҳам ўша маҳакка муносиб бўлиб тушади.

Ҳақ ислом таълимоти ва Алишер Навоий тарафида эканлигини ҳаёт тўла тасдиқламоқда. Чернобил фожиаси, Оролнинг ўлим олдидаги талвасаси, Зарафшон дарёсининг йўқ бўлиб кетиши (Бухоро ҳудудида), умуман, атроф-муҳитга ваҳшийларча муомала-муносабатнинг аянчли оқибатлари эндиликда кундай равшан. Улар ортиқча изоҳни талаб қилмайди. Аммо бутун дунёни ташвиш-тараддудга солаётган она сайёрамизни ҳалокат – қиёмат гирдобига тортаётгани рост. Модомики шундай экан, табиатдаги мавжудотлараро узвий боғлиқлик қонуниятининг амал қилиши хусусида Алишер Навоий ва исломий қарашларнинг теран илмий асослари борлигини ҳам тан олишга мажбурмиз. Фан тараққиёти эса ҳамма сиру асрорларни ошкор этиш, жумбоқларни бекаму кўст ечиб бериш поғонасига кўтарилганича йўқ. Бундай вазиятда илоҳий бир кучга сиғиниш, унинг олдида бош эгишдан ўзга чора қолмайди...

Алишер Навоий жўшқин муҳокамани давом эттиради. Унинг илоҳий қудратдан рангу равонлик олган қалами ислом ва инсонпарварлик руҳидаги ғояларнинг бадиий талқинида бурролик кўрсатади. Қуръони каримда ҳисоб-китоб, “дафтари аъмол” варақланадиган, барча ўликлар қайта тириладиган қиёмат куни ҳақида жуда кўп ояти карималар мавжуд. Айниқса, “Тавба”, “Валодиёт”, “Ал-Қориаъ” каби сураларда ўша йўналишдаги ибратли илоҳий жумлаларга дуч келамиз. Албатта, бир масаланинг бир неча сураларда ёритилиши нотўғри хулосага олиб келмаслиги лозим. Зинҳор бир мулоҳаза ҳамма ерда бирдай такрорланмайди. Қиёмат ислом таълимотининг муслимликнинг ўзак ва кўламдор масалаларидан биридир. Шу маънода, ҳар бир сура ва ояти каримада ўша улкан мавзунинг муайян вазият талаб-тақозосига мос жиҳатлари хусусида муҳокама юритилади. Айни мушоҳада йўсини, ўз навбатида, мазкур илоҳий китоб бахшлари (суралари) ўртасидаги мантиқий бутунликни ҳам таъминлайди. “Ҳайратул-аброр”даги учинчи муножотда ҳам ўша кун тафсилотлари қаламга олинади.

Не кун ўшул оҳу надомат куни,
Оҳу надомат не, қиёмат куни.
Аввалу охир эли зору асир,
Ҳар бири ўз аҳволига тортиб нафир.
Бу чекиб ўз дарди учун вой-вой,
Йиғлаб ул меҳнатиға ҳой-ҳой...
Борчаси исён била бадхўйлуқ,
Бадхўлуқ йўққи, сияҳ рўйлуқ.
Қизга ано боқмай, ўғулға ато,
Борчасининг оғзида воҳасрато! (Ўша китоб, 27- бет).

Алишер Навоий мисраларига ҳақида мулоҳаза билдиришдан олдин, айрим оятикарималарга мурожаат қилайлик. “Вал-Одиёт» (“Чопқир отларга қасам”) сурасининг 9–11-илоҳий жумлаларида ёзилади: “Ахир у билмасмики (қиёмат қойим бўлиб) қабрларининг ичидаги нарсалар (жасадларга қайта жон ато этилиб, ташқарига) чиқарилганида; Ва диллардаги сирлар ошкор қилинганида; Ана ўша Кунда, шак-шубҳасиз, Парвардигорлари улардан (яъни барча халойиқнинг ҳаёти – дунёда қилиб ўтган ишларидан) огоҳ-хабардорку?” (“Шарқ юлдузи”, 1992, 2-сон, 175-бет), “Ал-қориаъ” (“Қалбларни қаттиқ қоққувчи” (Қиёмат) сурасида яна мавзуга қайтилади ва Қиёмат даҳшатларидан кичик бир лавҳа ибрат қилиб кўрсатилади. Жумладан, зикри ўтган суранинг тўртинчи ояти каримасида ўқиймиз: “У Кунда одамлар тўзғитиб юборилган парвоналар каби бўлиб қолурлар (яъни қабрларидан чиқишиб, Қиёмат даҳшатидан ўзларини ҳар ёнга уриб, тўзиб кетадилар)”. (Ўша ойнома, 176-бет).

Улкан маънавий бойлик – “Қуръон”ни ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган Алоуддин Мансур “Вал-Одиёт” сурасидан кўчирганимиз ояти карималарга тубандагича изоҳ беради: “Бу оятларда Қиёмат кунида барча сирлар ошкор бўлишини эслатиш билан ҳар бир инсон ўз ҳаётини ўша Кунда шарманда бўлиб қолмайдиган тарзда ўтказиши лозим эканлиги уқтирилмоқда” (Ўша ойнома, 175-бет). Мутаржим мулоҳазаларини тушиниш мумкин. Инсон учун ажратилган давр қисқа, аммо ғоят мураккаб ва катта имтиҳонларга дош беришга тўғри келади. Ҳаёт аталмиш улкан уммоннинг чиғириқлари беҳад кўп. Кимдир уларга юзма-юз боради, зарбаларига чидаб, халолликка доғ туширмайди. Бошқалар эса чап бериб яшайди. Ўз нафси, истак-иродаси олдида ҳеч ким ва ҳеч нимани қадрламайди. Айш-ишрат, мол-дунё шуҳрат-лавозим илинжида умр ўтказади. Ана шундай зиддиятли қутблардан “номаи аъмол” вужудга келади. Қиёмат кунида ўша саҳифалар варақланади...

Кўриб ўтганимиз таниш манзарани Алишер Навоийнинг юқоридаги сатрларида ҳам учратамиз. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Бировнинг биров билан – қизнинг она, отанинг ўғил билан иши йўқ. Барча ўз ташвиш-тараддуди, ҳадиклари қуршовида югуради. Чунки “дафтари (номаи) аъмол”нинг варақланиши, фоний дунёда қилинган “сиёҳрўйлик”ларнинг фош қилиниши тайин. Ўйлаб қоласан, улуғ шоир нега шундай эртакнамо лавҳаларни урғу билан бадиий ифодалашга жазм этди. Унинг ўша саъй-ҳаракатлари замирида ажойиб бир мақсадлар пинҳон эмасми? Дарвоқе, шундай. Ҳазрат Алишер Навоий Одам Ато фарзандларини инсоф ва диёнатга даъват этиш учун восита излайди. Ибратли ҳикмат ва масаллар билан бир қаторда, илоҳиётга, дўзаху жаннатлар ҳақидаги қарашларга мурожаат қилади. Азобу аржлар улашиладиган Қиёмат кунини ёдга солади. Шояд шулар хом сут эмган бандаларни феъли бадидан, ношойиста рафтори, нафс балосидан халос этса, дея ишонишади. Яхшиликнинг рўёбга чиқишига умид боғлайди.

Водариғ, шоири комилнинг бу эзгу орзулари варақлар бағрида ғунчалар ҳолида қолиб кетди. Бугун ҳам ўша оҳорли сатрлар бизга жовдираб термулади, илтифотимиздан кўзини узгани йўқ. Шундай қийин шароитда, самимият, оқибату андиша, мурувват, поклик биздан тобора узоқлашаётган; алғов-далғовларга тўла айни кунларда бобокалонимизнинг тагдор маънавий мероси айрича моҳият касб этади. Алишер Навоийнинг юқоридаги байтларини шариати исломияда мавжуд қарашлар такрори ва тарғибидангина иборат дейиш адолатдан эмас. Илоҳий руҳ билан йўғрилган ўша шеърий парчалар мағзида ҳам улуғ шоирнинг бетакрор инсонпарварлик ғоялари нур сочиб туради. Буюк мутафаккир ҳар қандай вазиятда ҳам олий хилъат – инсонга ачинади, унинг дардига шерик бўлиш, оғирини енгил қилиш; озгина бўлса ҳам унга ҳиммат кўрсатишнинг йўлларини излайди. Яна бир ҳақиқатни

хотирга олайлик. Инсоният, авлиё-ю анбиё ва пайғамбарлар тарихида саргузаштлар, сабоқ бўларли воқеалар беҳад кўп. Уларда ҳикоя қилинадиган воқеа-ҳодисалар ғоя ва мазмунига кўра якранг эмас. Хушнуд ҳолат ва лавҳалар ёнида фожеий тафсилотлар ҳам туради. Ўшаларни саралаш, танлаш, асаридан жой бериш ҳар бир муаллифнинг ғоявий нияти, олдига қўйган мақсадига боғлиқдир. Адибнинг майли самимият, эҳтиром тарафида бўлса, дилҳуш лавҳаларга нигоҳ ташланади. Шафқат ва муҳаббатдан дарз кетган дамларда даҳшатангез мисолларга мурожаат қилинади. Бундай қарама-қарши жиҳатлар Алишер Навоий маънавий мероси учун ҳам дахлдордир. Таҳлил этаётганимиз муножотларда ҳам ўша бир-бирига зид қутблар намоён бўлади. Замондошлари табиатидаги қабиҳ ҳаракатлар улуғ жамоат арбобини чексиз ғазаблантиради. Унинг сабр қайиқлари соҳилга қадалади. Жазо соқчилари шиддат отига қамчи босадилар. Гуноҳкор бандалар Аллоҳнинг ҳукмига топширилади. Дўзах даҳшатлари намоён бўла бошлайди ва изтиробли нидолар таралай-таралай, деб турибди. Шоирнинг муштдек юраги ҳам ларзада. У гўё қил кўприк устида қалқиб турибди. Ана шундай ҳал қилувчи дақиқаларда Алишер Навоий ўз юраги амрига қулоқ тутади. Унинг инграшларига дош беролмай, халоскор қиёфасида йўл излайди, ўша бадкирдор бандалардан ҳам ҳиммату карамини дариғ тутмайди. Аллоҳ наздида қимлар учундир узр сўраб, восита бўлиш ожиз банданинг ҳадди эмас. Унинг марҳаматига сазовор топилган охирги пайғамбаргина шундай имтиёзга ҳақлидир.

Улуғ шоир яна “Қуръон”га мурожаат қилади. Унинг ояти карималарини бирма-бир хотирадан ўтказади. Алишер Навоийнинг ўткир нигоҳи “Муҳаммад” сурасидаги ўн тўққизинчи ояти каримага тушиб, қўним топади. “Бас, (Эй Муҳаммад), ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Аллоҳгина бор эканлигини билинг ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин-мўминалар (нинг гуноҳлари) учун (Аллоҳдан) мағфират сўранг! Аллоҳ сизларнинг (бу дунёдаги) кезар жойларингизии ҳам, (охиратда) борар жойларингизни билур” (“Шарқ юлдузи”, 1991, 9-сон, 179-бет). Шу мазмундаги Илоҳий жумлалар яна талайгина кўзга ташланади.

Буюк мутафаккир ана ўша йўналишдаги ояти карималарга таяниб, қуйидаги рангин сатрларни яратиб қолдирган:

Ғайри набийи арабий ул нафас,
Ким бўлубон, халк шафиию бас.
Гоҳ сирот устигача рўй уруб,
Лаҳзаи мезонға таку пўй уруб.
Солибон оғзиға бийик ҳиммати,
Замзамаи “уммати во уммати!”
Йўқки ҳамин умматн гумроҳни,
Балки тилаб мохалақаллоҳни,
Ҳарне таманноки расул айлабон,
Борчасини тенгри қабул айлабон.
Бўлса не мақсудға майли анинг,
Ҳақдин ўлуб барча туфайли анинг (22-бет).

Боб хотимаси бошқа муножотларда бўлгани каби анъанавий якунланади. Ўзини ҳамиша гуноҳкор ҳисоблайдиган улуғ шоир Қиёмат кунида Аллоҳ ва Унинг расулидан марҳамат-мадад сўрайди. Кўчирилган парчада яна юқорида назардан ўтказганимиз ояти каримадаги

мазмун мантиқан ривожлантирилади ва гўзал бадиий талқинини топади. Қиёмат кунида Муҳаммад алайҳис-салавот ва салламгина мўмин–мусулмонларнинг жонига оро кириши, Аллоҳдан ўз умматлари учун мағфират ҳамда шавқат сўраши мумкин бўлар экан. Алишер Навоийнинг комил ишонч билан ёзишига кўра, айтилганлар Пайғамбаримизнинг ҳадларига сиғар ва ул зоти мунавварнинг тилаган тилаклари мустажоб бўларкан. Шу ўринда яна бошқа манбаларни эслаш жоиз. У ҳам бўлса "Қасас ул-анбиё" асаридир. Аввало, урғу билан айтиш даркор, ўтмишда яшаб ўтган аждодларимизнинг саводлари ана ўша асарлар савия ва доирасида чиққан. Уларнинг қўлида пайғамбарлар, айниқса, Муҳаммад Мустафо ҳаётига доир ибратли ҳадислар жамғарилган. Айтилганлар нуқтаи назаридан Меърож кечаси манзаралари баёни берилган ҳикоятлар мароқлидир. Ўта зиддиятли воқеалар шоҳиди бўлган Рисолатпаноҳ ҳар қадамда умматларини ўйлайди ва Аллоҳдан марҳамат илтижо қилади[1]. Шариати исломиядаги юксак инсонпарварликни кўриб, ҳайратга тушмаслик асло мумкин эмас. Эслатганимиз китобдаги ҳикоятга кўра, меърож туни Арши аълога кўтарилаётган набийи арабий жаҳаннам қаърида турли ҳақли қийноқларга юзма-юз турган гуноҳкор бандаларни кўриб, уларнинг фожеий аҳволига ачинади ва Парвардигордан изн-ўтинч сўрайди. Башоратларингизу илтижоларингиз рост бўлсин, Худонинг раҳмати ёғилгур мархаматли Расулимиз. Аллоҳ ва Унинг карамоатли пайғамбаридан гумроҳ бандалар учун тилаган тилакларингиз истиқлол йўлида турган мунис халқимиз иқболига қут-барака, меҳру шафқат, фаровонлик, адлу амният манбаи бўлиб хизмат қилсин, нурли шеъриятимизнинг улуғ соҳибқирони!

"Ҳайратул-аброр"нинг тўртинчи муножотида ҳазрат Алишер Навоий илтижоларининг кўлами янада кенгайиб боради. Улуғ шоир Худованди каримни мадҳ этиш, унинг рахму шафқат ва чексиз мурувват соҳиби эканлигини васф қилишни сира сусайтирмайди. Мазкур сатрлар мазмунидан аёнки, улуғ шоир илтижо-ялинишлари жараёнида ахлоқи исломия талабларига ҳам айрича урғу беради. Унинг шариат аҳкомларига қатъий риоя қилиш, тоату ибодат, хайру эҳсон, мурувватни кунлик турмуш тарзига айлантиришга доир даъвати кучая боради. Алишер Навоий таъкидича, ибодатни канда этмаган мўмин-мусулмонлар ҳамиша Парвардигорнинг эътиборида бўлади. Улуғ шоир санаганлари қаторига фоний дунёда шароб ичиб, масту аласт бўлиб юришдан ўзини тия олганларни ҳам қўшади. Агар юқорида зикри ўтганлар кутилганидай уддаланса, бундай мўмин-мусулмонларни кавсарнинг зилол сувлари, жаннатнинг хушманзара жойлари кутади. Буюк маънавий султон инсон табиати учун хос бўлган яна муҳим бир масаллин ҳам қаламга олади. Бу ишқу ошиклик баҳсидир. Ишқ қамровли мавзу. Уни фақат икки шахс ўртасидаги муомала-муносабат доирасида тушуниш мутлақо нотўғри. Ишқ жиддият ва жазавани хуш кўради. Унинг йўлдоши вафо ва садоқатдир. Зидди булҳаваслик ҳисобланади. Булҳаваслик – қўнимсизлик, бетайинлик, иродасизлик билан ёнма-ён яшайди. Бундай иллатлар инсонни сира безамайди, аксинча, унинг табиатидаги кемтикликдир. Ҳазрат Алишер Навоий айни мавзуни ана ўша йўсинда талқин ва тарғиб этади... "Ҳайратул-аброр"нинг тўртинчи муножотида яна бош мавзуга қайтилганининг шоҳиди бўламиз.

Зухд ила қавмеки вараъ қилдилар,
Қилғон учун музд тамаъ қилдилар.
Ҳар амалеким киши хайр айлагай,
Коми буким равзада сайр айлагай.

[1] Қасас ул-анбиё. "Адиб", Душанбе – 1991, саҳ. 337-349.

Айламаган май била олуда лаб,
Тонгла қилур бодаи кавсар талаб.
Мунда жамил истамаган булҳавас,
Анда қилур ҳар жамолин ҳавас (23-бет).

Улуғ шоир тазод санъатига (қаршилантириш) таяниб, мушоҳада ўзанини асосли ва чуқурлаштиришга эришади. Бу дунёда “Харобат гўшани” манзил билганлар, мангу ҳаёт бағрида, “қасри мурассаъ”да ором олишга ҳақлидирлар. Шу йўсиндаги талқин ва таҳлилни ривожлантириш мумкин. Аммо асосий мурод улуғ шоир мулоҳазалари манбаини ойдинлаштиришдан иборат бўлганлиги учун ҳам асл муддаога қайтайлик. Фикримизча, ўртага қўйилган мавзунинг икки жиҳатини таъкид билан айтиш маъқул. Алишер Навоий сатрларида ифодаланган мазмуннинг сарчашмаси Илоҳий китобдир. “Шўро” сурасининг йигирма иккинчи илоҳий жумлаларини кўздан кечирайлик: “(Қиёмат кунида) у золимларни ўзлари (ҳаёти – дунёда) касб қилган нарсадан (яъни, куфру исёнларига бериладиган жазолардан) қўрқиб турган ҳолларида кўрурсиз. У (жазо эса қўрқсалар-қўрқмасалар) уларга тушгувчидир! Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга эса жаннатларнинг боғларида хоҳлаган нарсалари бордир. Мана шу катта фазлу марҳаматнинг ўзидир!” (“Шарқ юлдузи”, 1991, 9-сон, 161-бет).

Шеърий парча ва ояти карима ортиқча талқинларга эҳтиёж сезмайди. Моҳият равшан. Алишер Навоий мисраларидаги бўлиқ мазмун манбаининг ҳам “Қуръон” эканлиги ҳеч қандай шубҳага асос қолдирмайди. Тўртинчи муножот сатрларини кузатар эканмиз, ундаги яна бир фазилат ёрқин намоён бўлади. Олдинги муножотларда мўмин-мусулмонларни тоат-ибодат, тақводорлик, шариат аҳкомларига итоатга даъват этган, равзаю ризвон, дўзаху аросат каби охират манзараларини хотирга солган улуғ ўзбек шоири бу ўринда ўзида журъат ҳис этади. Бир неча сўроқ – талаблар билан Аллоҳга мурожаат қилади. Мазкур муножотда ифодаланган моҳият оддий ва шахсий масалалар йиғиндиси эмас. Улар умумга, башар аҳлига дахлдор. Буюк мутафаккир жамиятнинг катта дарди – моддий табақаланиш муаммоларини, қашшоқларнинг аянч аҳволини қаламга олади. Парвардигордан ана шу табақа аҳли учун мурувват – марҳамат сўрайди.

Аҳли вараъ ажрb бўлуб гар биҳишт,
Куйса томуғ ўтиға исён сиришт.
Ул топибон равзани этса фароғ,
Дўзах аро бўлса мунга дарду доғ.
Лутфу карам ганжини неткунг дурур?
Кимга атову карам эткунг дурур?
Бир неча муҳтожу асиру гадо,
Юзлари силлийи гунаҳдин қаро,
Қайтса хони ниамингдин сенинг,
Ҳошо, лутфу карамингдин сенинг!
Хон анга ёйғилки эрур, муштаҳи,
Тўқ эмас, ар еса бўлур мумтали.
Ўтса қуруб қолғон экиндин булут
Баҳр уза ё асради ё ёғди тут.

Ансаб анга луқмаки ул оч эрур,
Авли анга тўнки яланғоч эрур (31–32-бетлар).

Билмадим, йиллар давомида нега бу сатрлар ўқувчилардан пинҳон тутиб келинди. Улар ҳақида сўзлаш, ёзиш ман этилди. Ҳолбуки, айни мисралар Алишер Навоийнинг улуғлигидан, ноёб инсонпарварлик қарашлари-ю фарзоналик фазилатидан ажойиб нишона-ку! Ёмғирга ҳомиладор бўлган булутнинг суви денгиз (баҳр) учун эмас, қовжираган саҳро учун зарурдир. Қорни оч, усти яланғоч ночорларга зебу зийнат эмас, кунлик зарурий озиқ-овқатлар лозим. Алишер Навоий бутун олам Бунёдкоридан шуларни ўтиниб сўрамоқда. Эл-улус ташвиши улуғ шоирга ором бермаган, унинг ўй-хаёлида устивор ўрнашиб қолганки, ўша ноёб гавҳарлар заррама-зарра юқоридаги сатрларига томган. Тингловчига манзур фикр ҳеч қачон жой ва ҳашам танламайди. Ҳамма гап ўша дилкаш мулоҳазани бағрига олган либосда ҳам эмас, балки мағзнинг тўқ ва бутунлигида-ку! “Хамса” девонлари таркибида келган анъанавий боблар – ҳамд, сано, муножотларнинг яна бир жиҳатини ҳам алоҳида қайд этмоқ зарур. Улкан сўз санъаткори қаламидан чиққан ушбу мисралар, энг аввало, юксак бадиийлиги билан эътиборни тортади. Айтганларимиз тўртинчи муножотга ҳам тегишлидир. Боб ибтидосидаёқ Улуғ шоир ўнлаб шеърий санъатларни ишга соладики, айни усул айтилиши лозим бўлган мулоҳазаларни таъсирчан ва зебо либосда ифодалаш имконини ҳозирлаган. Ҳиссиз шеър – тузсиз овқат, алангасиз гулхандай гап. Алишер Навоий асарлари учун эса бағоят баланд ҳиссиёт, учқур хаёлот туҳфаси – фазовий кенгликлар сингари беқиёслик хос. Унинг бадиий нигоҳи тизгин билмайди, ҳаётий заминдан узилмайди. Бу икки қутбни ёнма-ён тутиш, меъёрни бузмаслик ўта мураккаб жараён. Бундай фазилат илоҳий истеъдод соҳибларигагина насиб қилади. Ҳазрат Алишер Навоий ўшандай такрорланмас ғойибий қобилиятнинг соҳиби эди. Шунинг учун ҳам такрорланмас дилбар мисралар унга насиб бўлди. Айтганларимизни далиллаш учун айрим мисолларни назардан ўтказайлик. Тўртинчи муножот хозиб ва бўёқдор мисралар билан бошланади. Улуғ шоирнинг қуйма сатрларини ўнлаб шеърий санъатлар безайди. Ғулув (муболағанинг муболағаси) санъатини ишга солган шоир инсон томонидан содир этилиши мумкин бўлган гуноҳларни “кўҳ” – тоғга тенглаштиради. Аллоҳнинг буюклиги наздида эса у сомон уюмига баробардир. Равшан, тазод санъати ҳам кўмакка келган. Айтилганлар шаклий жилоларгина бўлмай, катта мазмунни рўёбга чиқариш йўлидаги моҳирлик нишонасидир. Кўкка бўй чўзган уюм-уюм сомон тоғларининг салобати кучли шамол олдида ваҳимали эмас. Танловда ҳам зийраклик кучли. Ҳар бир ишоранинг ҳаётий хоссалари ва шеърдаги санъат вазифасини ўтаган тазод (Аллоҳ қудратининг буюклиги олдида ҳамма нарсанинг қурбсизлиги) муножот охирига қадар ҳукмронлик қилади. Бошқа воситалар уни тўлдиради, такомиллаштиради. Кўринадики, улуғ шоирнинг диний “либосдаги” асарларида ҳам бетакрор умуминсоний мавзулар улкан маҳорат билан ифодалаб берилган.

ЧУНКИ НАБИЙ МУЖДАИ ЖОНОН ТОПИБ...

Алишер Навоий ижодиётида Аллоҳ мадҳи билан ёнма-ён охирги Расул васфи ҳам туради. “Пайғамбарни мадҳ этиш, яхши сифатларини айтиб мақташ” – наътлар унинг маънавий меросида етакчи ўринни эгаллайди. Айтилган мулоҳаза улуғ шоирнинг катта-ю кичик асарлари учун тегишлидир. Уларнинг ҳаммасини назардан ўтказиш имкондан ташқари, албатта. Биз бу ўринда “Ҳайратул-аброр” достонидаги наътлар хусусида баъзи фикрларни баён этиш билан чекланамиз. “Хамса”нинг биринчи достонида муножотлар кетма-кет келгани каби, наътлар ҳам бисёр. Улуғ шоир мазкур маснавийси беш бобини Расулуллоҳни шарафлашга бағишлайди. Беш наътнинг ҳар бири маълум бир муддаони бадиий тадқиқ этишга қаратилган. Шу маънода, наътларнинг жойлаштирилиши ўз тузилишига эга. Ягона мақсад – набийи арабийни улуғлаш ва унинг нурли сиймоси инъикоси бобларни бирлаштириб туради. Наътлар бутун “Хамса”да бўлганидек, мусажжаъ асосида яратилган насрий сарлавҳалар билан таъмин этилган. Ички қофияланиш тартиби – сажъ санъати шарқ ижодкорлари мансур асарларида кўплаб қўлланилган. Алишер Навоий ўз ижодиётида ана шу қадимий бадиий санъатни юксак поғонага кўтарди. Фақат сарлавҳалардагина унга мурожаат этиш билан қаноатланиб қолмай, “Маҳбубул-қулуб”дай шоҳ асарида мусажжанинг очилмаган қирраларини амалий кашф қилишга ҳам муяссар бўлди. Навоиёна нозик санъаткорлик намунаси сарлавҳалар равон, рангин бўлиш билан бирга, ихчам, қамровли ва мазмунли ҳамдир. Сарлавҳа, айни замонда, бобнинг сиқиқ режаномасидир. Айтганларимиз бошқа наътларнинг сарлавҳаларига ҳам тааллуқлидир. “Аввалғи наът”да Расулуллоҳнинг дунёга келиш тарихи ҳақида гап боради. Айтиш зарур, наътлар муножотлар каби юксак санъат асарлари бўлиб, айни жиҳати билан “Сирожул-муслимин”дан баланд туради. Чунки “Хамса” бағридаги достонларнинг дарсхонаси кенг ва улар шеърият шинавандаларига мўлжалланган. “Аввалғи наът”да ҳам ўша назокат назарга ташланади. Бобнинг дастлабки байтларидаёқ мураккаб мазмун билан узвий алоқадор ташбеҳлар қаторлашиб келади. Биринчи байтда илоҳий нур ҳақида хабар берилади. Юқоридан, Арши аълодан тараладиган ёғду беҳамтодир. Ҳеч қандай шуъла алмаштиришга қодир эмас.

Зовияи ҳашмға ҳар зотдин,
Руҳ ёқиб шамъ бу мишкотдин (7-жилд, 33-бет).

Ҳар бир сўз ўзининг вазифасига эга. Улар закийлик билан танланган. Сўзлараро мантиқий таносуб мавжуд. Зовия – самовий бурж. Юзаки қараганда, унинг “зот” сўзи билан алоқаси йўқдай туюлади. Ҳашм (ҳашам) калимаси масалага бирмунча ойдинлик киритишга ёрдамлашади. Ҳашамни биз кўпроқ зебу зийнат, дабдаба маъноларида қўллаймиз. Лекин ўша сўзнинг “яқин киши, қабила, эл, мартаба, даража” сингари маъно жилолари ҳам бор. Таҳлил этилаётган сатр учун “мартаба, даража” маънолари мос келади. Иккинчи мисрадаги “шамъ ва мишкот (қандил; шамъ ўрнатиладиган токча)» сўзлари ёруғликка хлдор. Чигилларга ойдинлик киритиш имкони туғилмоқда. Айтилганлар асосида шеърий мисраларнинг қуйидаги насрий баёнига келиш мумкин. Осмон буржидан туриб, мартабали Зот руҳ очиб қандил ёхуд токчада қўйилган шамъ сингари шуъла таратмоқда.

Осмон буржидан туриб нур ёғдириш Парвардигорнинг ҳаддига сиғади. Мишкот – улуғ шоир назарда тутган тимсолни топишда қўл келадиган аниқ восита. Чунки у шунчаки қандил ёхуд токчани эмас, балки ўта зебу зийнатли ва улуғ биноларга мўлжаллаган

ёритиш воситасини англатмоқда. Байтдаги шиорга жиддий эътибор қиладиган бўлсак, осмон гумбази улкан бино ва уни ёритиш учун мишкот ўрнатилган. Хуллас, ҳад-ҳудуд билмайдиган илоҳий нур – мишкотга, осмон гумбази эса қандил – шамъ қўйиладиган токчага нисбат берилаётир. Боб ибтидосида нурнинг келиши ҳам бесабаб эмас. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўша муборак нурнинг тажаллийсига икки жиҳатдан дахли бор. Биринчидан, у Аллоҳнинг суйгани, Унинг марҳаматли шуъласи билан йўғрилган – Ҳабибуллоҳдир. Иккинчидан, исломий ақида Алишер Навоийнинг қатъий ишончига кўра, Расулуллоҳ инсон қиёфасида дунёга келгунга қадар нур шаклида мавжуд эди. Бу мўъжизанинг содир бўлиши Одам Атонинг Қодири Қудрат марҳамати туфайли яратилишига қадар бўлган даврга тегишлидир. Шоирона муддао равшан. Муҳаммад Мустафо гарчи оддий инсон қиёфасида одамлар ўртасида VI – VII асрларда яшаган бўлса-да, у туғилмай туриб Аллоҳнинг назарида эди. Пайғамбарлик унинг учун тасодифий иноят эмас. Шу қабилдаги мулоҳазалар давом этади.

Бўлди санга Одам сабқатнамо,
Аввал ўғул, сўнгра гар ўлса ато.
Наслида ҳар ким анга пайванд ўлуб,
Борчаси фарзандингга фарзанд ўлуб (7-жилд, 33-бет).

Исломий таълимотга биноан, Одам Ато – биринчи инсон. Уни Аллоҳ тупроқ билан сувдан лой қориб, шаклу шамойилини ясаган ва жон ато этган. Шунинг учун ҳам Одам барча инсонларнинг отаси ҳисобланади. Биринчи одамнинг тарихи ва тақдирига доир ибратлар “Қуръон”и каримнинг бир қатор сураларида янги-янги жилоларда келтирилади. Жумладан, “Ҳижр” сурасининг 26-ояти каримасида ёзилади: “Маълумки, Биз инсонни – (Одамнинг асли) қора ботқоқдан бўлиб (одам) сурати берилгач, қуритилган лойдан яратганмиз”[1]. “Аввалғи наът”даги таъкидга кўра, нур кўринишидаги Муҳаммад алайҳисалом эса ўша воқеадан анча илгари ҳам мавжуд эди. Ҳамма нарса Аллоҳнинг мўъжизаси ва Унинг амри фармонида экан, отадан олдин ўғил дунёга келишининг ажабланадиган жойи йўқ, дейди улуғ шоир. Айни сатрлардаги воқеалар мантиқсиз ва ғайри табиийдай туюлиши мумкин. Аммо Алишер Навоийни айблаб бўлмайди. Чунки унинг қўлида ҳужжат – “Қуръон”и карим мавжуд. “Марям” сурасининг 65-ояти каримасидаги «У осмонлар, ер ва уларнинг орасидаги бор нарсаларнинг хожасидир” (218-бет) илоҳий жумласи улуғ шоир учун таянч вазифасини ўтаган. Покиза ва иффатли қиз Марямнинг бирон-бир эркак билан яқинлик қилмай ҳомиладор бўлиши, бешикда ётган чақалоқ – Исо пайғамбарнинг бурро сўзлаши (216–217-бетлар) Алишер Навоийни ҳайратга солмаслиги мумкин эмас эди. “Оли имрон” сурасидаги 48-ояти каримага эътибор қилайлик: “...Марям “Парвардигорим, менга одамзод тегмаган бўлса, қаёқдан менда фарзанд бўлсин?” – деди. Аллоҳ айтди: “Шундай, Аллоҳ ўзи хоҳлаган нарсасини (ўзи хоҳлаган суратда) яратади. Қачон бирон ишни ифода қилса, унга “Бўл” – дейди. Бас, у иш бўлади” (40-бет). Айтингчи, XV асрда яшаган, ислом таълимотига қатъий сидқ қўйган шахс, унинг ким бўлишидан қатъий назар, ўша илоҳий жумлаларга ширк келтириши мумкинми? Асло! Зеро, Амир Низомиддин Алишернинг масалага

[1] Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. “Чўлпон”, Тошкент – 1992, 181-бет. Биз мазкур мавзу билан шуғуллана бошлаган пайт “Қуръон”нинг яхлит нашри йўқ эди. Шунинг учун “Шарқ юлдузи” мурожаат қилинган. Қейинги саҳифаларда эса китобга таянилди ва саҳифаларни матндан кейин қавс ичида бериб борамиз.

муносабатини ҳам ўша талаблар доирасида таҳлил ва талқин қилмоқ лозим. Яна муҳим бир фазилатни айтиш жоиз. Алишер Навоий шеъриятида ўртага қўйилган ҳар бир фикрни ранг-баранг ҳикоялар билан далиллаш санъати кучли. Айни услубий жило "Аввалғи наът"да ҳам равшан кўринади. Муҳаммад Мустафо борлигининг Одам Атодан қадимий эканлиги ҳақидаги фикрни ўртага қўйган улуғ шоир қатор далиллар келтиради. Ўшалардан бири ҳақида ўқиймиз:

Ўзга далил истаси табъи сақим,
Басдурур Одамда "алиф", "долу" "мим".
Борчаси Аҳмадда топиб иззу шон,
Ўғлида уч ҳарф атодин нишон.
"Ҳо"и муҳаббат санга – ўкдур насиб,
Ким сени ҳақ деди ўзига ҳабиб (7-жилд, 33-бет).

Шеърий парчадаги икки жиҳат айрича таъкидга сазовор. Унда талқин этилишича, Одам Атодан олдин пайдо бўлган Муҳаммадий нур илк инсонда жилосини топган. Шунинг учун Расулуллоҳ Одамга ота мақомидадир. Улуғ шоир маънавий меросида, жумладан, кўчирганимиз парчада назарга етадиган яна бир ноёб фазилатни пайқамай имкон йўқ. Деярли ҳамма ўринда қўлланиладиган ташбеҳларнинг чуқур ҳаётий илдизлари мавжуд. Ердан узилган, муаллақ турувчи, ўқувчида шубҳа уйғотувчи ўхшатишлар муаллифнинг ўзига хуш келмайди. Ўшандай мавҳум манзаралардан ҳазар қилади улуғ шоир. Юқорида келтирганимиз олти сатрда ҳам ҳаётийлик устунлик қилади. Фарзанд – отанинг меваси. Унинг жисмида бунёдкор шаклу шамойилида кўзга ташланадиган рангларнинг учраши табиийдир. "Аввалғи наът"нинг кўчирганимиз мисраларида Алишер Навоий ўша ҳақиқатга таянади. Улуғ шоир Расолатпаноҳ ва Одам Атодаги ўхшашликларни улар номининг ёзилишидаёқ пайқайди. Исломга доир босилаётган айрим китобларда Муҳаммад алайҳиссаломнинг Аллоҳда бўлганидек, тўқсон тўққиз асосий ва эллик беш қўшимча номи муомалада учраши таъкидланади[1]. Асосий номлар рўйхатининг бошида Муҳаммаддан кейин Аҳмад, Ҳамид, Маҳмуд ва бошқалар келади. Иқтибосдаги Аҳмад (Аллоҳга кўп ҳамд айтувчи) ўшалардан биридир. Араб ёзувида "Одам"нинг уч ҳарфи – "О", "д", "м" унда ифодасини топади. Лутф ва ийҳом санъатларига таянган улуғ шоир ўшанга ишора қилган. Чунки айни ҳарфлар "Аҳмад"да ҳам учрайди. Бу ердаги "ҳо"ни ҳам Алишер Навоий ўкситиб қўяётгани йўқ. Расолатпаноҳ – Ҳабибуллоҳ номи – унвони билан ҳам машҳур. Парчада "ҳо"нинг ўша унвонга дахлдорлигига шаъма кетаётир. Юқорида айтганимиздек, нур ва унинг талқини билан алоқадор жиҳатлар занжир ҳалқалари сингари мисраларни бирлаштириб туради. Бобдаги мазмун ва уни рўёбга чиқаришда хизмат қилувчи бош манба вазифасини ҳам ўша нур бажаради. Навоиёна назокат, зарофат ва топқирлик мисраларга оҳор бағишлайди.

Айлади чун одами хокий зуҳур,
Солди анга партавин ул пок нур.
Нур дема, бориқаи сармадий
Бориқа йўқ, шаъшаи Аҳмадий.

[1] Абдулазиз Мансур, Баҳманёр Шокир. Мусулмончиликдан илк сабоқлар. "Камалак", Тошкент – 1992, 14-15-бетлар.

Бўлди чу Одамда бу партав ниҳон,
Анда ниҳон, лек юзида аён (Ўша китоб, 34-бет).

Кўчирмада ўз ўрнини топган, ўқувчини фикрлашга даъват этувчи ишоралар назарга етади. “Одами хокий” ўшалардан биридир. Исломий таълимотнинг инсоннинг пайдо бўлиши хусусида икки нуқтаи назари мавжуд. Улардан биринчиси, дастлабки олий хилъат – Одам Атога тегишли. “Қуръон”дан юқорида келтирганимиз ояти каримда очиқ ифодасини топганидек, унинг асосини тупроқ ташкил этади. Мазкур ақида илоҳий китобни “Ҳаж”, “Мўъминлар”, “Рум”, “Сажда”, “Сабаъ”, “Зумар”, “Ғофир”, “Буруж” сураларининг бир қатор ояти карималарида ҳам мукаммал ифодасини топган. Муҳими шундаки, ҳар гал масалага мурожаат этилганда, муҳокама учун асос бўлган мавзу талаби, воқеалар ривожидан ўртага келадиган вазият инобатга олинади. Бундай услуб инсон ва унинг туғилиши билан алоқадор жараёнларнинг барча жиҳат ҳамда нозикликларини ойдин кўрсатиш имконини ҳозирлаган. Табиийки, ноўрин такрорларнинг йўли тўсилган. Зеро, Илоҳий асарда бундай нуқсоннинг бўлмаслиги аёндир. “Сажда” сурасининг 7–8-ояти карималарида инсоннинг туғилиши ҳақида ёзилади. “У барча нарсани чиройли қилиб яратган зотдир. У инсонни (яъни Одамни) даставвал лойдан яратди. Сўнгра унинг насли авлодини ҳақир бир сувдан иборат бўлган нутфадан пайдо қилди” (Ўша китоб, 299–300-бетлар). Келтирилган парчада айтиб ўтганимиздек, икки нуқтаи назар ҳам мужассам. Алишер Навоий “одами хокий” деганда, биринчи қарашни назарда тутади. Шарқ адабиётининг қадимий ва кенг тарқалган санъати – талмеҳга суяниб иш кўрилган ва кичик ишора орқали теран мазмун баён этилган. Одами хокийни Одам Атога нисбатан қўллаш мумкин. Унинг кейинги авлоди Парвардигорнинг иродаси туфайли нутфадан тарқалгандир. Исломий шариатнинг таянч асоси – “Қуръон”дан бехабар китобхон бундай лавҳаларнинг мағзини етарлича чақишдан бебаҳра қолади, албатта. Нур бор жойда партавнинг бўлиши шарт. Унинг “ёруғлик асари, нур шуъла, порлоқлик” каби маъно жилолари бор. Аммо ўтмиш муаллифлари уни қўллашда эҳтиёткорлик кўрсатишган. Партавни кўпроқ илоҳий нур тажаллийси – таралишига нисбатан ишлатиш расм эди. Алишер Навоийнинг кўчирганимиз мисраларида икки ўринда ҳам партав айни ана ўша вазифани бажараётир. Улуғ шоир сўзларни танлаш ва қўллашда ўта зийраклик кўрсатади. Нур ёнига “пок” сифатловчисини қўшади. Шу кичик бир уриниш орқали кейинги байт муҳокамаси учун маъқул “майдон” ҳозирлайди. “Бориқа” ва “сармадий” сўзлари кўмакка келади. “Бориқа” қайси жиҳатлари биландир “нур”, “партав” сўзларига яқин туради ва калаванинг бир учини самога тортади. Заволсиз абадий равшанлик ерда учрамайди. Унинг манбаи Арши аълода, бутун оламлар Хожаси ихтиёридадир. “Абадий, давомли, кетсиз” маъноларига эга сармад (сармадий) эса бориқани ҳимоя қилади. Муддао равшан, Рисолатпаноҳдаги яшовчан нур – “шаъшаи Аҳмадий” Аллоҳ – беқиёс иноятининг маҳсулидир. Ўз “тарихчаси” зуҳурини топган сатрдан равшанки, Алишер Навоийда далиллаш санъати ана шу қадар устивор эди. “Аввалғи наът”да Одам ва Муҳаммад алайҳис-саломлар билан алоқадор теран бадиий таҳлил давом этади. Улуғ шоир мавзунинг янги-янги қирраларини кашф этиш йўлидан боради. Одам сафийюллоҳ буюклигини тайин этган омиллар билан ўқувчини ошно қилади. Бобда Момо Ҳавво, Шис алайҳиссалом билан боғлиқ лавҳаларга ҳам ишоралар бор.

Эгнига ёпилда дуввожи шараф,
Қилди макон бошиға тожи шараф.
Тахти рисолат уза шоҳ ўлди ул,
Хайли малойикка паноҳ ўлди ул.
Истади Ҳавво била чун иттисол,
Айлади Ҳаввоға бу нур интиқол...
Шисқа чун бўлди яна мунтақил,
Ойни қилур эрди юзи мунфаил (34-бет).

Аён бўлаётирки, мазкур парчада ҳам нур билан алоқадор тасвир чизиғи давом этмоқда. Улуғ шоир нури Муҳаммадий тажаллийсига тегишли муҳокама доирасини кенгайтирди. Одам Ато ўз тақдирини Момо Ҳавво билан боғлагани учун қам ўзидаги илоҳий шуъла жилосини умр йўлдоши ила баҳам кўради. Шеърий сатрларда диний ривоятлар, фавқуллодда ташбеҳ ва санъатлар қалашиб келади. Уларнинг барчаси Одам Ато тақдири ва бобнинг бош очқичи – нурга боғланиб келади. Илоҳиётга доир манбаларнинг гувоҳлигига кўра, биринчи инсон Парвардигорнинг марҳаматига муяссар бўлибгина қолмай, “Сафий-юллоҳ” (Аллоҳнинг танлагани) шарафли унвони билан ҳам сийланган. Шеърий қаторлардаги чигил ечимга юз ўгирди. Улуғ шоир мушоҳадаларининг таянч асослари борлиги тобора аёнлашади. Одам Ато устини безаган ҳашамли ёпинчиқ, бошини сийлаган шараф тожи Аллоҳ мағфиратининг нишонасидир. Кўчирмамиздаги шеърий мисралар шулар билангина кифояланиб қолмайди. Улар тагдор, чуқур мулоҳазани тақозо этади. Айниқса, иккинчи қўш сатрдаги “тахти рисолат”, “шоҳ ўлди”, “хайли малойик” бирикмалари фикрлашга, диний сарчашмалар узра “сайр қилиш”га даъват этади. Дарвоқе, дунё, инсоният тарихи лак-лак набийларни кўрди. Уларнинг саноғи мунозарали. Уламоларнинг бир тоифаси бир юз йигирма тўрт минг рақамини маъқуллашса, бошқа гуруҳи, бундан-да каттароқ миқдорни тавсия этишади. Аммо ҳамма гап рақамларда ҳам эмас. Кўрсатган фаолиятига кўра, илоҳиёт оламида ўчмас из қолдирган набийлар чандон кўп бўлмаган. “Қуръон”и каримда атиги йигирма беш Худо элчиларининг номи тилга олинади. Улар қаторида Одам алайҳиссалом сархатдир. Аллоҳ марҳаматига кўра, самовий калом нозил бўлган расуллар саккиз нафарни ташкил этади. Шунинг учун уларни ҳам набий ва ҳам расул унвонлари билан тилга олиш мумкин. Шулардан, Одам алайҳиссалом, Шис, Идрис, Иброҳим алайҳиссаломларга илоҳий каломдан айрим саҳифалар ваҳий бўлиб тушган. Мусо Халилуллоҳга “Таврот”, Довуд пайғамбарга “Забур”, Исо пайғамбарга “Инжил” ва Муҳаммад Мустафога “Қуръон” тўла ҳолида нозил бўлган. Алишер Навоий Одам алайҳиссалом ва Шис пайғамбар ҳақида дадил ва кўтаринки кайфиятда бадиий мушоҳада юритганда, масаланинг биз айримларини санаган жиҳатларини назарда тутган бўлиши лозим. Улуғ шоир Шис алайҳис-салом хусусида ҳукм юритганда, ўта муболаға – иғроқ санъатига таянади ва унинг юзидан тараладиган нури муҳаммадийни Ойдан-да баланд қўяди. Шу ўринда Алишер Навоийни беҳад руҳлантирган ва унинг вужуд-вужудига сингиб кетган яна бир мўътабар манбаъ – “Қуръон”и каримни эсламасликнинг иложи йўқ. Чунки ушбу Илоҳий китобнинг “Бақара”, “Аъроф”, “Ҳажр”, “Ас-исро”, “Қаҳф”, “Тоҳа”, “Сод” сингари сураларининг талай ояти карималарида Одам Ато, Момо Ҳаввога дахлдор ҳикмат ва лавҳалар келтирилади. Мазкур табаррук китобнинг шаҳодатига биноан, биринчи одамнинг шаклу шамойили лойдан ясалган. Бундай юмушни Худованди каримнинг ўзи адо этган. “Қуръон”и карим “Аъроф” сурасининг ўн биринчи илоҳий жумласида бу ҳақда аниқ ва равшан ёзиб қўйилган. “Аниқки, Биз сизларни яратдик, сўнг сизларга сурат бердик, сўнгра фаришталарга: “Одамга сажда қилинглар” дейишимиз билан улар сажда қилдилар. Магар иблис сажда қилгувчилардан бўлмади”. Мазкур

суранинг ўн иккинчи ояти каримасида айни баҳс давом этади. Иблис инсонга сажда учун эгилмаганлигининг сабабларини қуйидагича изоҳлайди. “(Аллоҳ) деди: “Сенга буюрган пайтимда нима сени сажда қилишдан тўсди?” “Мен ундан (Одамдан) яхшироқман. Мени оловдан яратгансан. Уни эса лойдан яратдинг”, деди у”. (Ўша китоб, 101-бет.) Кейинги ояти карималарда ёзилишича, қилган ўша шаккоклиги учун шайтони лаъин Аллоҳнинг муқаддас даргоҳидан қувилган ва то рўзи қиёматгача у Унинг беҳисоб лаънатларига сазовордир. Масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Одам ва Иблис ўрталаридаги муносабат бузилиб, душманлик тусини олган. Аллоҳнинг беҳад қарғишларига қолган ўша кундан бугунга қадар инсоният авлодини васвасага солиш, уларнинг мусибатидан завқ олиш иблиснинг эзгу ниятидир. Қуръони каримдаги қатъий ишораларга кўра, иблиснинг бундай аблаҳона қилмишлари Одам Ато ва Момо Ҳавво тақдирларида ҳам ўчмас из қолдирган. Биринчи инсонга жон ато этилгандан сўнг ўз жуфти билан жаннатда яшаш, “унинг хоҳлаган ерида таомланиш” буюрилган. Равзаи ризвондаги дарахтлардан биринингина мевасидан тановул қилиш улар учун ман этилади. Ана шу ҳолдан воқиф шайтон ишга тушади ва уларни йўлдан оздиришга эришади. Ўша дарахт мевасига қўл чўзишлари билан Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг авратлари очилиб қолади, улар бундай рўйсиёҳлик қилганларини тушунадилар ва Парвардигори каримдан изн сўрайдилар, “Аъроф” сурасининг йигирма тўртинчи ояти каримасида бу ҳақда қуйидагиларни ўқиймиз: “Аллоҳ айтди: “Бир-бирингизга (яъни шайтон инсонга, инсон шайтонга) душман бўлган ҳолингизда (жаннатдан) тушингиз! Энди сизлар учун маълум бир вақтгача (яъни ажалингиз етгунча) ерда қарор топиб фойдаланиш бор (101-бет). Аллоҳнинг даргоҳи кенг. У дарҳақ меҳрибон ва шафқатли зотдир. Шунинг учун ҳам инсонлар гуноҳини кечди, уларни марҳаматидан бенасиб қилмади. Улуғ шоир Одам Атонинг баъзи лавҳаларигина ҳикоя қилинган тарихини мукаммал билади. Пайғамбарлар саргузаштларидан чуқур хабардор. Унинг қуйидаги рангин мисралари ўшандай мулоҳазаларни ўртага қўйиш ҳуқуқини беради:

Риштасидин чун бу гуҳар бўлди кам,
Бир садаф ўлди яна гавҳар шикам.
То атодин ато, анодин ано,
Бир ано ким йўқ эди андоқ ано.
Бўлди рисолат дурининг махзани,
Балки нубувват гулининг гулшани...
Эмдики рафъ этти юзидин ниқоб,
Туғмади андоқ яна бир офтоб (34–35-бетлар).

Келтирилган парча, аввало, боб байтлари узра яхлитлик, мантиқий узвийлик мавжудлигидан сўзлайди. Шеърий мисраларни Рисолатпаноҳга тегишли ибратли лавҳалар туташтириб туради. “Аввалғи наът” ибтидосида кўринган бундай фазилат унинг интиҳосида ҳам кузатилади. Юқорида кўрганимиздек, боб муқаддимавий нур мақтови билан бошланган эди. Хотимада ўша нурнинг инсон қиёфасида дунёга келиши шодиёнаси куйланади. Худованди каримнинг иноятиға туфайли Одам Ато авлоди ҳар бири гавҳари яктога тенг расуллар хазинаси, набийлар гулшанига айланди. Улар қаторида офтоб мисол чарақлаб ўтган Муҳаммад алайҳис-саломнинг ўрни белгилидир.

Иккинчи наътни “Аввалғи”нинг мантиқий давоми дейиш мумкин. Мазкур саҳифаларда Рисолатпаноҳнинг ёшлик йиллари ҳақида бадиий мушоҳада юритилади. Олдиндан айтиб қўяйлик, улуғ шоир Муҳаммад алайҳис-саломнинг таржимайи ҳоли хусусида тарихий аниқлик ва рақамлар кетма-кетлигига қатъий риоя қилинган ҳолда фикр юритишни

ўз олдида вазифа қилиб қўйган эмас. Зеро, чинакам бадиий асар бундай вазифани ўз ўҳдасига ололмайди. Бироқ биргина достоннинг беш бобини Муҳаммад алайҳиссаломга бағишлашнинг қийинчиликларини ҳис этиш мумкин. Мавзудан чуқур хабардор бўлмай туриб, журъат билан қалам ушлашни ҳам тасаввурга сиғдириш қийин, албатта. Биз қайд этган нуқталарни улуғ шоир ижодий ишни бошлашдан олдиноқ ҳис этган ва жиддий маънавий ҳозирликдан кейин қоғозу қаламга қўл узатган. Ўша билимдонлик ҳар лаҳзада ўзини кўрсатиб туради. Бундай латиф уринишни пайғамбар ҳаётидан ибратли воқеаларни танлашдан тортиб, мисралар асоси – сўзларга мурожаат қилишгача бўлган чуқур изланишлар жараёнида ҳам кузата оламиз. "Аввалғи наът"да дурру садаф ташбеҳ манбаи бўлиб келган эди. Ўша икки ашё янги боб муқаддимасида яна кўзга ташланади. Улуғ шоир чақалоқ Муҳаммадни тоза гавҳарга нисбат беради. Ўта кўтаринки кайфият ва пок эътиқод ила қалам ушлаган улуғ шоир ҳиссиёт тизгинини ўз майлига қўйиб беради. Эрк ва хаёлий парвоз маҳсули – чиройли, оҳангдор мисралар қуйилиб келади.

Инсу малак жонию жононаси,
Икки жаҳон гавҳари якдонаси (35-бет).

Рисолатпаноҳтаржимаиҳолиданмаълум,уёруғдунёгакелгандамданбошлабяратганнинг назарида эди. Ҳалима она тарбиясида бўлган Муҳаммад ҳузурига майлойикаларнинг келганлиги, унинг кўксини очиб юрагидан ёвузлик манбаси – қора нуқтани (шайтон васвасаси насибасини) олиб ташлаганлиги ҳақида ривоятлар яшаб келади[1]. Фикримизча, кўчирганимиз байтдаги ишораларнинг илдизлари ўша лавҳаларга туташдир. Бахт ва бахтсизлик ҳамиша ёнма-ён яшайди. Инсон ҳар доим биринчисини орзу қилади. Аммо орзу ва ҳаёт қонуниятининг бақамти келиши қийин. Эзгуликка интиқ турганингда ёвузликнинг истиқболингга келиши ҳеч гап эмас. Худди шундай зиддиятли жараёнлар Пайғамбаримиз қисматида ҳам ёзилган экан. Улардан қочиб қутулишнинг имкони бўлмади. Дунёга келмай туриб, падари бузрукворидан жудо бўлди. Мусибатли етимлик йиллари бошланди. Алишер Навоий Рисолатпаноҳ ҳаётининг айни ана шу босқичини назардан қочирмайди. Абдуллоҳ ибн Абдулмутталибга ёстиқдоши Омина бўйидаги ҳомиланинг ёруғ дунёга келишини кўриш насиб этмади. Тижорат сафаридан қайта туриб, Мадинада хасталикка чалинди ва ўша ерда олам билан видолашиб, мангу макон топди[2]. Ўғлидан эрта жудо бўлган Абдулмутталиб унинг ёлғиз ёдгорини ўз тарбиясига олди. Ширин ният билан унга "Муҳаммад", дея ном қўйди*. Чақалоқ етти кунлик бўлгач, туя сўйиб, қавмига дастурхон ёзди. Гўдак номидан таажжубга тушган меҳмонлар мезбонга юз ўгириб, ном қўйишда ота-боболар удуми бузилиши сабабларини сўраганларида, у жавоб бериб айтди: "Мехостам дар осмон пеши худову дар замин пеши халқ – Маҳмуд бошад"[3] (Осмонда Худо ва ерда халқ олдида Маҳмуд /мақтовга сазовор/ бўлишини истайман). Пок ниятли бобонинг башоратли истаги мустажоб бўлади, набира авлодлар ардоғида яшаётир... Мазкур лавҳалар Алишер Навоий учун инкор қилиш қийин бўлган ҳужжатлар вазифасини бажарган. Қуйидаги мисралар бунинг ёркин мисолидир:

---

[1] Муҳаммад Ҳусайни Ҳайкал. Зиндагонии Муҳаммад. Чилди аввал. Душанбе–1992, саҳ. 122.
[2] Муҳаммад Ҳусайни Ҳайкал. Зиндагонии Муҳаммад. Чилди аввал. Душанбе–1992, саҳ. 120.
[3] Ўша китоб, 120-бет.
* Мазкур воқеага қадар арабларда янги туғилган болага "Муҳаммад" номини қўйиш одат тусига кирмаган эди. Абдулмутталибнинг журъати бу йўналишдаги ҳаракатни бошлаб берди.

Гар отадин йўқ эса баҳранг не тонг,
Одам ўғул бўлса, ким ўлғай отанг?
Гавҳари зотингга садафсиз не бийм,
Итти садаф, чиқти чу дурри ятим (36-бет).

Ушбу тўрт сатр энг аввало юксак санъат асари сифатида эътиборга лойиқ. Парчадаги ҳар бир сатрда "яланғоч" ифодаланган фикрни топиш қийин. Ташбеҳ ичра ташбеҳлар қалашиб келади. Дастлабки икки мисрада Рисолатпаноҳ отасининг вафот этиб кетганлиги ҳақида гап боради. Юқорида кўрганимиздек, Абдуллоҳ ибн Абдулмутталибнинг Муҳаммад таваллудига қадар вафот этганлиги тарихий ҳақиқатдир. Алишер Навоий ҳам шу воқеани қаламга олади. Тафаккур теранлиги шундаки, улуғ шоир қўлида мусибатли ҳодиса жаноби Расулуллоҳ буюклигини яна бир карра таъкидлаш воситаси бўлиб хизмат қилаётир. Айни ўринда Одам Ато билан алоқадор лавҳанинг қаламга олиниши бобларо ғоявий занжирни мустаҳкамлаш учун қўл келган. Байтдан ўртага келадиган ихчам хулоса аён: Жаноби расулуллоҳ ота, Одам алайҳис-салом унинг фарзанди. Олдинги саҳифаларда айтилганидек, илк инсоннинг яратилишига қадар Муҳаммадий нур мавжуд эди. Азал котиблари унинг дафтари аъмолига расуллик рутбасини Одам Атонинг бунёд этилишигача битиб қўймишлар...

Шеърий парчадаги "гавҳар" ва "садаф" сўзлари ҳам ўқувчига олдинги бобдаёқ таниш. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўхшатилмиш вазифасида келаётир. Табиатда жисмлар, ашёлар, жонзотлару ўсимликлар бири-бирига боғлиқ равишда, ёнма-ён шаклланиб, ривож топади. Қимёвий моддаларнинг соф ҳолда учрамаслигини эслайлик. Алишер Навоий маънавий меросида ана шу табиий қонуният ҳамиша нозиклик ила инобатга олинади. Қелтирилган парча иккинчи байтда ҳам биз ана ўша назокат ва билимдонликни ҳис этишимиз мумкин. Масаланинг иккинчи учи халқ донишмандлигига уланади. "Садафсиз дур, тикансиз гул, машаққатсиз ҳунар бўлмас", деганлар зарофатли аждодларимиз. Алишер Навоий байтида икки ирмоқ учрашиб, бир бутунликни вужудга келтирган. Машаббаҳ ва мушаббиҳ ўз жойини топган, мисралар бўлиқлигини таъмин этган. "Итган садаф" – ота, "чиққан дурри ятим" – ўғил. Яна Одам Ато – садаф, жаноби Расулуллоҳ – дурри ятим. Шу йўсиндаги тасвир давом этади. Улуғ шоир ёнма-ён тасвир – (параллелизм) санъати ва далиллаш маҳоратининг ноёб намуналарини кўрсатади. Садаф ва гавҳар қаторига меҳр ва нур қўшилади. Ҳаётий далиллар ва бадиий тимсоллар бири-бирини қувватлаб, тўлдириб келади. Бунинг учун улуғ шоирга Шарқ шеъриятининг ўнлаб бадиий санъатлари кўмакдошлик қилади.

Гарчики минг дур чиқорур бир садаф,
Бир дур ила минг садаф айлар шараф.
Қайси дур ул, дуржи вафо гавҳари,
Қайси гуҳар, буржи ҳаё ахтари.
Ахтаридин меҳрга фархундалик,
Бадру ҳилол айлаб анга бандалик (36-бет).

Зукко инсонлар бировни улуғлаш учун бошқаларни камситиш йўлини хуш кўрмайдилар. Ҳар кимнинг ўзига яраша тошу тарозу, муносиб сўз ва ташбеҳ топадилар. Алишер Навоий ўшандай улуғлар жумласига мансуб. Улуғ шоирнинг Рисолатпаноҳга эътиқоди бениҳоя баланд. Унинг Одам алайҳиссаломга бўлган сидқу садоқати ҳам ундан кам эмас. Вазият мураккаб. Тарозу шайинини тенг тутмоқ, ҳар иккала расул қадр-қимматига мувофиқ

тушадиган сўз ва ташбеҳлар топмоқ ғоят мушкул. Алишер Навоий оғир йўлни танлайди, изланади. Ғайбул-иноят қудратини ишга солади ва муваффақият қозонади. Одам Ато – садаф, ундан ор қилиш ярамайди. Чунки гавҳарларнинг дояси ўша садаф. Минглаб гавҳарлар унинг паноҳида макон тутади. Одам Ато ана ўшандай баракатли, хайру саховатли ноёб мўъжиза. Яъни садафларнинг садафи. Расулатпаноҳ – ундан бунёдга келган минг дурдан бири. Бироқ биргина дурнинг қиймати минглаб садафларга тенг ёхуд олий навли гавҳар. Шунинг учун улуғ шоир "дурри ятим", "гавҳари якто" ибораларига суянади. Масала равшан. Одам Ато ҳам, Муҳаммад алайҳиссалом ҳам улуғ даргоҳнинг мағфиратига мушарраф буюк зотлардир. Топиб ишлатилган ўхшатишлар, муддаони қабариқ рўёбга чиқариш учун қўл келган тазод, нафис лутфу қочиримлар шаклу мазмун мувозанатини таъмин этган...

Улуғ шоир бадиий лавҳаларни теран далиллашда давом этади. Ўқувчилар қалбида шубҳа туғдирмаслик учун йўл ахтаради. Ҳаётий, табиий, самовий жараёнлар узра хаёлан парвоз қилади. Унинг ўткир нигоҳи самода макон топган Парвардигори олам даргоҳида қўним топади. Вазиятнинг бошқача тус олиши мумкин эмас эди. Сабаби аён, Одам Ато ҳам, Муҳаммад алайҳиссалом ҳам бутун оламлар подшоҳи Аллоҳ иноятининг маҳсулидир. Ана шу ақида улуғ шоирга таскин беради. У сўз жиловини самога тортади. Шеърий парчада қўлланилган "бурж", "ахтар", "бадр", "ҳилол" каби сўзлар кўндаланг турган муддао фойдасига хизмат қилади. Бурж арабча сўз бўлиб, "қалъа деворининг чўққиси, минора, осмоннинг ўн икки буржи" каби маънолари бор. "Ғиёсул-луғот"да "буржи обий (саратон, ақраб, ҳут), буржи хокий (савр, сунбула, жадий), буржи бодий (жавзо, мезон, далв), буржи оташий, (амал, асад, қавс)" сингари талқинлари ҳам берилади[1]. Алишер Навоий мисраларида бу сўзнинг осмонга тегишли маъноси тўғри келади. Бурждан кейин келган "ахтар" (юлдуз) калимаси ҳам мазмун риштасини самога боғлаш учун қўл келади. Бадр (ўн тўрт кечалик тўлишган ой, тўлин ой) ва ҳилол (янги кўринган ой, уч кунлик ой) эса фикрни яна бир карра тасдиқлайди. Улуғ шоир ўз қаҳрамонлари табиатига хос фазилатларни ошкор этишда ҳам маҳорат кўрсатади. Вафо ва ҳаё – инсондаги энг олий неъмат. Муҳаммад алайҳис-салом бу масалада ҳам Аллоҳ иноятига муяссар бўлган зотдир. Алишер Навоий сўзларни танлаш ва уларнинг имкониятларидан ўринли фойдаланишда тенгсиз санъаткор. Улуғ шоирдаги ўша ноёб жило таҳлил этаётганимиз мисраларда ҳам намоён бўлади. Дур ҳақидаги ҳиссиётли иборалардан кейин "дуржи вафо гавҳари" бирикмаси келган. Мазкур парчадаги "дурж" сўзи эътиборни тортади. Унинг "қийматли тошлар солинадиган безакли халтача, ҳамён" каби ўз маъноси бор. Шунингдек, "дурж" мажозий мазмунга ҳам эга. Мажозан "кўнгил ва оғиз"ни англатади. Модомики, гавҳар ҳақида гап кетар экан, мисрада оддий ҳамённи қўллаш ноўрин бўлур эди. Иккинчидан, вафонинг ватани кўнгил, изҳор қилиниш жойи эса оғиздир. Кўринадики, улуғ шоир биргина сўзни топиб қўллаш орқали бир неча нишонни мўлжалга олган ва ғалаба қозонган. Ахтар ва ҳаё хусусида ҳам фақат ижобий гап айтиш мумкин. Жаноби Расулуллоҳдаги ҳаё ва меҳр шу қадар у зоти мукаррамни безаганки, бу инсоний нур қаршисида нафақат юлдуз, балки ҳилолу бадр ҳам лол қолишган! Иккинчи наътда жаноби Расулуллоҳ пайғамбарлик фаолиятининг дастлабки босқичида кечган қийинчиликларга доир айрим ишоралар кўзга ташланади.

Куфр бийик тоғиға солиб шикаст,
Ерга бўлуб паст буту бутпараст.
Маккада дин аҳлига мукнат бўлуб,
Ўзи ила лотқа узлат бўлуб.

[1] Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёсул-луғот. Чилди I, нашриёти "Адиб", Душанбе – 1987, саҳ. 130.

Мухталиф аҳвол ўлуб аҳли қурайш,
Баъзи ўлуб ғамзада, баъзида айш (35–36-бетлар).

Инсоният тафаккури тарихидан маълумки, ҳеч бир илмий, диний, тасаввуфий қараш ёхуд таълимот замон аҳли томонидан мўътадил қабул қилинган эмас. Уларга ҳайрихоҳ ва мухолиф гуруҳлар бўлишган. Худди шундай зиддиятли жараённи ислом таълимоти ҳам бошидан кечирди. Жоҳилият даврида Маккада кўп эътиқодлилик, жумладан, бутпарастлик амал қилган. Куфр йўлини (кофирлик, исломни танимаслик) нафақат бутпарастлар, бошқа қабилалар аҳли, балки Рисолатпаноҳ мансуб бўлган қурайшийлардан баъзилари ҳам тўтдилар. Мисраларда ана ўша тарихий ҳақиқатга ишора қилинаётир. Лот ва ўзз жоҳилият босқичида араб қабилалари сиғинган бутларнинг номи ҳисобланади. Шеърий парчада адолат тантанасига урғу берилади. Зулмат қанчалик қуюқ бўлса, унинг бағрини чок-чок этган нур шу қадар қудратли шуъла сочади. Айни ҳаётий ҳақиқат жаноби Расулуллоҳнинг исломни тарғиб этишдаги фаолияти мисолида қатъий тасдиғини топди. Дин тарихидан чуқур хабардор улуғ шоир ана ўша ҳужжатларга такя қилади. Унинг “ахтар тулуъи”га урғу беришини икки жиҳатдан шарҳлаш мумкин. Биринчидан, Алишер Навоий табиий фанлар ва ҳодисаларни чуқур билган. Иккинчидан, “аввалғи наът”да таъкид этилган нури муҳаммадий талқини ушбу бобда ҳам “ўтиндан чиққан”и йўқ. Улуғ шоир ўрни-ўрни билан унга мурожаат қилиб туради.

“Ҳайратул-аброр”даги “учинчи наът” ҳам нур тасвири билан очилади. Илоҳий нур тажаллийси бугунга қадар ислом ва Муҳаммад алайҳиссаломни тарк этмаганидек, Алишер Навоийнинг дилбар асарларини ҳам шуълалантириб келади. Нурга сиғинган, нурни куйлаган, нур ва унинг абаду-абад боқий манбасини юксак тутган улуғ зотнинг мангу оромгоҳи ҳам ҳамиша пурнур бўлғусидир. Ҳиссиётга чек қўйиб, мавзуга қайтайлик. Қуёш – олам ҳарорати ва ёғдусининг манбаси. Аммо унинг шуъласи ёнида ҳамиша соя яшайди. Нури муҳаммадий ундан фарқ қилади. Бу тиниқ ва ўткир ёғду учун тўсиқ йўқ. Айтганларимиз “учинчи наът” тўрт сатрлик мусажжах сарлавҳасидан бир шингил, холос. Тан олиш лозим, улуғ шоир сиқиқ ва теран мушоҳада юритиш санъатини сарлавҳадаёқ намойиш қила олган. Бобдаги барча тасвир нур билан йўғрилган. Нур манбаси сифатида шамъ, қуёш – меҳр. Рисолатпаноҳнинг чеҳраси қаламга олинади. Ана шу тимсол мисралараро вобасталик, мазмуний алоқадорликни вужудга келтиради.

Эй шараф авжида юзунг шамъи меҳр,
Соядек ул шамъға нилий сипеҳр...
Меҳрки чеҳрангдин анга нурдур,
Теграсидин сояси маҳжурдур.
Сенки юз онча санга ҳақ берди нур,
Тенг йўқ агар соядин ўлсанг нуфур (37–38-бетлар).

Улуғ шоирнинг Муҳаммад Мустафога ихлос ва эътиқоди сарҳад билмайди. Ана ўша тизгинсиз меҳру муҳаббат ижодкор қалби орқали унинг ҳароратли мисраларига кўчган. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий жаноби Расулуллоҳни еру кўкка ишонмайди, унинг муборак исми шарифига гард қўнишини истамайди. Шундан бўлса керак, улуғ шоир Рисолатпаноҳнинг умр йўлида содир бўлган айрим кўнгилсиз лавҳалардан ҳам ижобий туйғуларни акс этишда бир восита сифатида фойдаланади. Аллоҳнинг назарига тушган,

унинг беҳад нуридан баҳраманд бўлган инсон ҳеч қачон завол кўрмайди. Ҳар гал ва ҳамма ерда уни зафар ва истиқбол қаршилайди. Ана шундан қатъий ишонч улуғ шоирнинг покиза қалбида устувор ўрнашган. Шундан бўлса керак, у жаноби Расулуллоҳ ҳақида илҳом ва комил ишонч билан мулоҳаза юритади. Рисолатпаноҳ таржимаи ҳоли ҳақида баҳо юритувчи барча манбалар ул зоти бокарамнинг ёзув-чизувдан бебаҳра қолганлигини таъкидлашади. Алишер Навоий ҳам "учинчи наът"да шу фикрни афсус ва надомат ила эслайди:

Зотинг эди жавҳари улвий нажод,
Тутмади ер сояси бирла савод.
Қайда савод этгали чеккай рақам,
Қолди чу маҳрум илигингдин қалам /38-бет/.

Таъкидлаш зарур, бутун боб давомида бир-бирига қарама-қарши икки тимсол – нур ва соя мисралар узра кезишда давом этади. Айни ҳолат тазод санъати имкониятларидан кенг фойдаланиш учун шароит ҳозирлайди. Муҳими, улуғ шоир жаноби Расулуллоҳни соядан муҳофаза қилади. Ўз нуқтаи назарини далиллаш учун ногаҳоний ҳолат ва лавҳалар топади. Ўқувчиларни қаноатлантирувчи бадиий манзаралар яратади. Юқорида кўчирганимиз парчада ҳам навоиёна топқирлик кўринади. Ёш Муҳаммаднинг саводхонликдан маҳрум қолиши – соялар туфайлидир. Улар эса узрли ва аён: Етимлик изтироблари, ёш гўдак тарбиясининг қўлдан қўлга ўтиши... Булар қаторида азал котибларининг ёзмишлари ҳам бор, албатта. Улар қодир Эгамнинг иродаси туфайли шундай кемтикликни Муҳаммад алайҳиссалом тақдирига битиб қўймишлар... Фикримизча, масаланинг бундай тус олиши тасодифий эмасдай кўринади. Расулликка саводсиз бир инсоннинг танланиши, Аллоҳ томонидан юборилган илоҳий китоб – "Қуръон"га бўлган ишончсизликнинг олдини олиш учун кўрилган бир чорадай туюлади. Қуръони каримдаги қатор сураларда келган илоҳий жумлалар шундай фикрга келиш асосини беради. "Аъроф" сурасининг 156–158-ояти карималарида охирги пайғамбарнинг уммий (саводсиз)/ эканлиги қайта-қайта таъкидланади. "... Бас, Аллоҳга ва Унинг элчисига – Аллоҳ ва Унинг сўзларига ишонадиган уммий пайғамбарга иймон келтиринглар ва унга эргашингиз – шояд ҳидоят топурсиз, /Ўша китоб, 111–112-бетлар/. "Қуръон"нинг "Бақара", "Оли имрон", "Нисо", "Ҳижр", "Ал-Исро", "Вас-сафот", "Зуҳруф" каби сураларида шу илоҳий китобнинг нозил бўлишига доир ғоят ибратли мулоҳазалар баён этилган. Жумладан, "Юнус" сурасининг 37–38-оятикарималарида ўқиймиз: "Ушбуки, у бутун оламлар Парвадигори томонидан келган... муфассал китобдир. Ёки /Уни /Муҳаммад/ тўқиб чиқарган", дейдиларми?! Айтинг /Эй Муҳаммад/ "У ҳолда агар ростгўй бўлсангизлар, Аллоҳдан ўзга кучингиз етган барча бутларни /ёрдамга/ чорлаб шу /"Қуръон"/га ўхшаш биргина сура келтиринглар!" /Ўша китоб, 140-бет/. Шубҳасиз, бундай ишончли далиллар Алишер Навоий учун таянч манба вазифасини ўтаган. Аллоҳ каломини умматларга етказишдай олий шараф Муҳаммад алайҳиссаломга насиб этди. Масаланинг ана шу жиҳатини улуғ шоир камоли эҳтиром ила қаламга олади.

... Итса қалам қайда ғам ўлди санга,
Чунки жаҳон якқалам ўлди санга.
Хаттингга бош қўйди Ажам то Араб,
Тутмасанг илгингга қалам не ажаб.
Ўпмади илгингни чу нолон қалам,
Мотамий айлабтур они бу алам (39-бет).

Мазкур сатрлар ғоявий мазмунининг қай томонга оғишидан қатъий назар, улар, аввало, юксак санъат асари сифатида диққатни жалб этади. Алишер Навоий соҳир қаламининг мўъжизаси уларда намоён. Жаноб Расулуллоҳнинг уммийлигини улуғ шоир ўта нозик ўровларда беради. “Итса қалам” айни ўша вазифани адо этмоқда. Ибора мисрада ўз маъносида (қаламнинг йўқолиши) эмас, мажозий мазмунни (саводнинг йўқлиги) ифодалаб келаётир. “Якқалам ўлди”, “хатингга бош қўйди”, “нолон қалам” каби иборалар ҳам рамзий – кўчма мазмунни акс эттириши билан диққатни жалб этади. Якқалам ўлмоқ – бирлашмоқ, ягона мақсад сари интилмоқдир. Улуғ шоир мисрасида ҳам айни ибора шу маъноларни ташийди. Алишер Навоий қўллаган муболаға пуч эмас. Унинг мулоҳазалари мустаҳкам илдизларга эга. Муҳаммад алайҳис-салом асослаган ислом таълимотининг эллар ва элатлараро ёйилиб, эътироф этилиши улуғ шоир учун кучли дастакдир. Мисрада Ажам ва Араб жуғрофий номларига ишора кетади. Шу икки жой номи ҳам умумлаштирувчилик хусусиятига эга. Араб – бутун араб давлатларини англатса, Ажам фақат Эронни эмас, араблар заминидан ўзга ҳудудлар ўша ном билан тилга олинган. Ажам ҳақидаги ишора бугунги Марказий Осиёга ҳам тегишли дейилса, асло хато бўлмайди. “Нолон қалам”ни “ўпмади илгингни” ибораси тўлдиради. Тўғрироғи, аниқлик киритади. Мазкур тагдор ибораларни “сен (Муҳаммад Мустафо) қўлинга ушламаганинг учун ҳам қалам армонда” тарзида жўнлаштириб айтиш мумкин. Айтилганларнинг йиғиндиси – жаноби Расулуллоҳ уммийликда фоний оламни тарк қилдилар демакдир. Кўринадики, оддий бир ҳаётий ҳақиқатни бадиий либосда ифодалаш муаллифдан нақадар катта масъулият, топқирлик ва маҳорат талаб қилаётир. Бобда сўзни ёзувда акс эттирувчи ҳарфларни ҳар томонлама шарҳлаш санъатига ҳам урғу берилади. Бунинг учун исломий эътиқодга зид турган ашёларнинг номи танланади. Юқорида кўриб ўтганимиздек, жоҳилият даврида Маккада санамларга (бутлар) сиғиниш авжида эди. Ўша санамлар ўз номига эга бўлган. Шулардан бири “Лот” аталган экан...

Зулмати куфр улки бўлуб жамъ анга,
Ҳар “алиф” исломинг аро шамъ анга.
Барча милалға чу юруб ҳиммотинг,
“Лом”ила “те”дин лат уруб миллатинг.
Лотки андин эди динға бало,
Сен ушотиб поясини бўлди ло (39-бет).

Парчада ҳарфларни ўйнатиш санъатидан ташқари, ийҳом ҳам қўлланган. “Ислом” сўзида “алиф” ва “лом” ҳарфлари бор. Худди шу белгилар “лот”да ҳам иштирок этади. Аввало, ана ўша ҳодисага ишора қилинаётир. Яна “лом” ва “те” милал – миллат сўзида ҳам келади. Милалнинг иккинчи шарҳи “динлар, мазҳаблар”дир. Масаланинг бу жиҳатига аниқлик киритган шоир ўзи назарда тутган ўхшатиш ва ўхшатилмишларни шарҳлашда давом этади. “Алиф” – чизиқдан юқорида тикка қилиб ёзилади, ўша кўринишда бу белги анча салобат пайдо қилади. Шундан бўлса керак, маъшуқа қоматига нисбат берилади. Шунингдек, у шамни ҳам эслатади. Алишер Навоий кўчирганимиз парчада иккинчи маънога урғу берган. Байтда тазод санъати ҳам бор. Лот – куфр манбаи. Куфр эса жоҳилият ва зулмот манбаидир. “Алиф” шамъ – ёруғлик тимсоли. Мушоҳада доираси кенгайиб боради. Бутпарастлик ва ислом қарама-қарши қўйилади. Лотнинг куфри, зулмати бағрини ислом шуъласи (шамъ – алиф) нурафшон этади. “Лом” ва “те” ҳарфларининг шаклий ифодасида эгилиш аломати бор. Улуғ шоир ана шу “кичкина” далилни ҳам эътибордан қочирмайди. Ундан катта фалсафий умумлашма чиқаради. Бунинг учун “милал” сўзининг кўп маъно англатиш

хоссаси ёрдамга келади. Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳиммати туфайли сочилган ислом нури миллат нуфузини оширди. Иккинчидан, шу миллат ичида амал қилиб келган жоҳилиятга – бутпарастликка зарба (лат уриб) берди. Оқибатда Араб "якқалам бўлди". Охирги байтда ана шу фикр янада мустаҳкамланади. Улуғ шоир далиллаш санъатининг нозик намуналарини кўрсатади. Лотлар – дин бошига ёғилган бало тошлари. Бироқ жаноби Расулуллоҳ уларнинг поясини ушотиб ташлашга муваффақ бўлди. Байтда "бало" ва "ло" сўзлари қофиядош бўлиб келган. Юзаки қараганда, бу иш ночорликдан қилингандай кўринади. Улуғ шоир танг аҳволга тушган пайтлар бўлган, аммо чандон кўп эмас. Таҳлил этилаётган байтда эса мушкилот ҳақида ўйлаш мутлақо ноўриндир. "Ло"нинг юклама вазифасидаги "ку", "да" маъносидан ташқари изоҳлари ҳам бор. Арабий бу сўз "йўқ, эмас" инкор мазмунини англатади. Масала равшан, исломий нур шарофати билан бутпарастлик таг-томири билан йўқ бўлиб кетди...

"Тўртинчи наът" – учинчининг мантиқий давоми. Бунда Рисолатпаноҳ расуллик фаолиятининг энг гавжум босқичига доир лавҳалар қаламга олинади. Улуғ шоир Муҳаммад алайҳиссалом ҳақида гапиришнинг таянч нуқталари бўлиши лозимлигини юракдан ҳис қилган. Ёшлик йилларидаёқ ёд олгани ва ҳамиша йўлчи юлдуздек умр чорраҳаларини нурафшон этиб келаётган Қуръони карим шаҳодатига таянади. Олдинги наътларда бўлгани каби бу бобда ҳам илоҳий китобнинг нури мисраларга ранг ва ҳарорат бахш этади. Алишер Навоийнинг бу борадаги саъй ҳаракати "Тўртинчи наът" дастлабки мисраларида яққол назарга ташланади.

Эй нафасинг мояи эъжоз ўлуб,
Руҳи қудус нутқунгга ҳамроз ўлуб (40-бет).

Такрор айтиш зарар қилмайди, улуғ шоирнинг маҳорати сўз танлаш жараёнидаёқ ёрқин сезилади. Гап дин тарихи, жаноби Расулуллоҳ хусусида кетар экан, сўзлар ҳам ўша оҳанг ва маънога мос тушиши шарт. Бунга диққат қилмаслик ширин чойга туз сепиш билан баробар. Шакарга шир (сут) ярашади. Бири иккинчисини очади, маззасига мазза қўшади. Алишер Навоийга кейинги усул маъқул. Унинг ўшандай уринишини келтирганимиз байтда кўриш мумкин. Мисралардаги сўзлар ўзаро мазмунан боғланган. Таносубсиз сатрнинг оҳори бўлмайди. Масалан, биринчи сатрдаги "эъжоз" моҳиятни очишда калит хизматини адо этади. Иккинчидан, мазмун риштасини расулга боғлайди. "Эъжоз" (аъжоз) кўп маъноли сўз. Унинг "орқа, думба; кимнидир ожиз қилиш" каби маънолари бор. "Ғиёсул-луғот"да шарҳ янада ривожлантирилади. Муҳаммад Ғиёсуддин юқоридагиларга илова қилиб ёзади: "... Харқи одате, ки аз наби зоҳир шавад, чаро ки кофирон аз дидани он очиз мегардиданд" (ҳайратлантирувчи, шарму ҳаё уйғотувчи одатларким, набийларда кўринади ва ундан кофирлар уялиб, ожиз бўлиб қоладилар). Аён бўлаётирки, Алишер Навоийнинг мўлжали нишонга теккан. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳар бир нафаси, хатту ҳаракати – ибрат мактаби. Нобакор мушриклар улардан ҳайратга тушиб, ожиз бўлиб қоладилар. Байтнинг иккинчи мисраси ўша мазмунни тўлдиради. Сатрдаги ишоралар жаноби Расулуллоҳдаги улуғлик манбаини бутун оламлар Парвардигорига улайди. Маълумки, Рисолатпаноҳга Аллоҳ иноятини ва ваҳийлари восита орқали етиб турган. Бундай шарафли вазифани "Руҳул-қудс", "руҳул-амин" унвонлари билан машҳур фаришта Жабраил (баъзан Жибрил ҳам ёзилади) адо этган. Бу ҳақда "Шуаро" сурасининг 193–199-ояти карималарида ўқиймиз. "(Эй Муҳаммад), сиз (охират азобидан) огоҳлантирувчилардан бўлишингиз учун қалбингизга уни (яъни, "Қуръон"ни) Руҳул-амин – Жаброил очиқ-равшан арабий тил билан нозил қилди... Агар Биз ("Қуръон"ни) ажамлардан, (яъни араб бўлмаган кишилардан) бирига

нозил қилсак, бас, уни (“Қуръон”ни) уларга (кофирларга) ўқиб берса, унга ҳам (баробар) иймон келтирувчи бўлмас эдилар” (Ўша китоб, 268-бет). Мазкур илоҳий жумлалар Алишер Навоий учун таянч манба бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун жаноби Рисолатпаноҳ тилининг бурролиги, нутқининг равон ва жозиблиги ўша фариштага алоқаманд тарзда талқин қилинмоқда. Сўз, нутқ ва жаноби Расулуллоҳ буюклиги мавзулари ёнма-ён давом этади. Улуғ шоир ҳар гал хаёлга келмаган нозик лавҳалар, уларни бадиий талқин этишда нафислик ва топқирлик кўрсатади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг “Қуръон”да акс топган қиссаларини назардан қочирмайди. Ўшалар заминида жажжи шеърий ҳикоялар бунёд қилади. Айтилганлар қуйидаги парчада ёрқин намоён бўлади:

Амри этиб нахл қадин хуш хиром,
Ўйлаки қилғай бути саркаш хиром.
Хасмидин ўлғонда анга парда ғор,
Оғзида ўргамчи бўлуб пардадор.
Айламасун деб ел ила парда сайр,
Байзасидин тугма тақиб анда тайр.
Пардаси жон риштасидин тор ўлуб,
Тугмалари гавҳари шаҳвор ўлуб.
Қўйди чу ул дом ила ул дона ғор,
Қўрки не давлат қўшин этти шикор.
Ғорда ёри била ул тез ҳуш,
Тоғ ичида ўйлаки олтун-кумуш (42–43-бетлар).

Шеърий парча мағзини тўғри ва теран тушунмоқ учун таянч манбадан хабардор бўлмоқ шарт. Акс ҳолда муроднинг ҳосил бўлиши амри маҳолдир. Ана шундай илинж билан Қуръони каримни варақлаймиз. “Тавба” сурасининг 40-ояти каримасида ўқиймиз: “Агар сизлар унга (яъни пайғамбарга) ёрдам қилмасангиз (Аллоҳнинг ўзи унга ёрдам қилур). Уни кофирлар икки кишининг бири бўлган ҳолида (яъни бир ҳамроҳи билан Маккадан) ҳайдаб чиқарганларида, унга Аллоҳ ёрдам берди-ку. Ўшандан икковлон ғорда бўлган пайтларида ҳамроҳига: “Ғамгин бўлма, шубҳасиз, Аллоҳ биз билан биргадир”, дер экан, Аллоҳ унинг устига хотиржамлик туширди ва уни сизлар кўрмаган лашкарлар (яъни, фаришталар) билан қўллаб-қувватлади ҳамда кофир бўлган кимсаларнинг сўзларини тубан қилиб қўйди. Аллоҳнинг сўзигина юксак сўздир. Аллоҳ қудратли, ҳикматлидир” (Ўша китоб, 127-бет). Шеърий парчадаги тугуннинг ечимлари илоҳий жумлаларда кўзга ташланади. Иккинчидан, шу ояти карианинг улуғ шоир бадиий мушоҳадалари учун асос бўлганлигига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. Қуръони каримни ўзбекчалаштирган Алоуддин Мансур кўчирганимиз парчадан кейин берган батафсил изоҳида яна бир қатор тафсилотларни келтирадики, улар масалага анча ойдинлик киритишга хизмат қилади. Ислом тарихидан аён Муҳаммад алайҳиссаломга янги эътиқодни сингдириш осон кўчмаган. Жоҳилият ва ислом ўртасида кескин кураш ва жиҳодлар бўлиб ўтган. Ҳатто ҳошимийлар авлодининг ўзи хайрихоҳ ва душман гуруҳларга бўлинган. Жаноби Расулуллоҳга пайғамбарлик фаолиятининг қизғин палласида Маккани тарк этишга тўғри келди. Чунки мушриклар тазйиқи кучайди. Расул жонига қасд қилиш учун уринишлар авжига чиқди. Ана шундай бир вазиятда Маккани махфий тарк этишга тўғри келди. Жаноби Расулуллоҳ халифалари Абу Бакр Сиддиқ билан йўлга чиққанларида мушриклар ҳужуми хавфи уларни таҳликага солиб қўйди. Улар Макка яқинидаги бир ғорга яширинадилар. Изқувар билан йўлга чиққан мушриклар ғор оғзига келиб изни йўқотадилар. Ғорга киришга журъат этолмайдилар ва шубҳа ҳам қилмайдилар.

Чунки ғор оғзини ўргимчак ўз тўри билан ёпган, унинг ўртасида кабутар ин ва унда тухум ҳам қўйишга улгурган эди. Буларнинг барчаси Аллоҳ марҳаматининг натижасидир. Ана шу гаплар юқоридаги сатрлар учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилган. Алишер Навоий бор гапни айнан такрорлади, десак, тўғри бўлмайди. Улуғ шоир мавжуд лавҳаларни сайқаллади, бадиий сўз санъатининг тақозо ва талабларига риоя қилгани ҳолда, уларга ярашиқли "либос" кийдирди. Ўқувчини завқлантирувчи ташбеҳлар топди. Жаноби Расулуллоҳ қадду қомати хушбичим ниҳолчани эслатади. Ўрни келганда, муболағага зўр берган улуғ шоир, вазият талабига кўра, кичрайтириш санъатига ҳам таянади. Ўргимчакнинг тортган тўри – парда, кабутар ини ва тухуми уни шамол тажовузидан ҳимоя қилувчи – тугма. Бироқ оддий матодан ясалган тугма эмас. Олий навли гавҳардан бунёд этилган. Парчада нозик қочиримлар мавжуд. Буюк одамларнинг пойи қадами теккани учун у манзил ҳашамли қаср тусини олди. Алишер Навоий бу гапни очиқ айтаётгани йўқ. Унинг нозик ишоралари шундай якунга келиш ҳуқуқини беради. "Жон ришталари"дан тўқилган парда ва уни тутиб турувчи "шаҳвор гавҳар"дан ясалган тугмалар фақирона кулбаларга ярашмайди, албатта. Мана шундай фавқулодда буёқлар фақат кўчирилган парчада эмас, балки бутун наът номида ҳам кузатилади. Тазод санъатига бу бобда ҳам урғу берган шоир ислом тарихига доир лавҳаларни бадиий ифодалашда давом этади. Эзгулик ва ёвузлик ёнма-ён келади. Улуғ шоир мавҳум фикрлашдан сақланади. Муқаддас илоҳий китобда аксини топган воқеалар ва шахслар тақдирини қаламга олади. Таянч услуби – теран таҳлиллаш санъатига содиқ қолади. Мана, айрим мисоллар:

...Ким ики тандин бирин эт тожвар,
Бири Абужаҳлу бириси Умар.
Қисмати аввалгининг ўлди азоб,
Бўлди икинчида дуо мустажоб (43-бет).

Бирини азоб қаршилаган, иккинчисининг дуоси мустажоб (ижобат) бўлган бу тарихий шахслар ким? Уларнинг ислом тарихида белгили ўринлари борми? Яна шу йўналишдаги саволларни давом қилиш мумкин. Муҳими, мисраларда тилга олинганлар тарихий шахслар ва уларнинг динни тарғиб этиш борасида яхши ва ёмон таъсирлари бор. Улуғ шоир масаланинг ана шундай икки қутбини диққат марказида тутгани учун ҳам барча наътларда тазод санъатининг етакчилиги таъмин қилинган. Ўртага қўйилган мавзунинг илдизлари эса "Қуръон"дан озиқланади. "Қамар" сурасининг иккинчи ояти каримаси Алишер Навоий учун ишончли ҳужжат вазифасини ўтаган. Унда ўқиймиз: "Агар улар (Қурайш кофирлари) Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳақ пайғамбар эканликларига далолат қиладиган бирон оят – мўъжиза кўрсалар ҳам (у пайғамбарга иймон келтириш ўрнига) юз ўгирурлар ва "ҳар доимги сеҳр-ку!" дерлар" (Ўша китоб, 407-бет).

Ислом тарихига доир ишларда жаноби Расулуллоҳ дин тарқатиш жараёнида беҳад азият чекканликлари қайд этилади. Таассуфли жиҳати шундаки, бундай жафолар қурайш аҳли – Рисолатпаноҳнинг ўз қавми ичидаги кишилар томонидан содир қилинган. Муҳаммад Ҳусайни Ҳайкалнинг (Зиндагонии Муҳаммад. 150–160-бетлар) шаҳодат беришига қараганда, бундай номақбул ҳаракатлар бошида пайғамбарнинг катта амакиси турган. Асли номи Абд ал-Узза бўлган бу кимса ислом тарихида Абу Лаҳаб (Дўзах ўтининг отаси) лақаби билан эсланади. Абу Лаҳабнинг Исломга қарши ҳаракатларига Абу Суфъён шериклик қилган. Абу Лаҳаб ўз маслакдошининг қизига уйланган. Отасининг қизи бўлган Умми Жамол ҳам Муҳаммад алайҳис-саломнинг ашаддий мухолифларидан эди. "Масад" сурасининг биринчи ва учинчи ояти карималари ана ўша нобакор эр-хотинларнинг

ножўя хатти-ҳаракатларидан сўнг нозил бўлган. Юқорида кўчирганимиз илоҳий жумлани шарҳлаган мутаржим Алоуддин Мансур Абу Лаҳабнинг қилмишлари ҳақида анча кенг маълумот беради. Шундай бафуржа талқинни "Масад" сураси биринчи ва учинчи илоҳий жумлаларидан кейин ҳам (Ўша китоб, 529-бет) учратамиз". Муҳаммад Ҳусайни Ҳайкал Умми Жамол ҳақида фикр юритиб, унинг эрини эслайди ва у шахсни Абу Жаҳл (жоҳил ва нодонларнинг отаси) тарзида тилга олади. Абд-ал-Узза исломга доир манбаларда "Абу Лаҳаб", "Абу Жаҳл" лақаблари билан тилга олинган кўринади. Мазкур лақаблар мазмунининг жўрлиги ҳам шундай хулосага келиш имконини ҳозирлайди. Жоҳил ва нодон кимсанинг дўзахий бўлиши табиийдир. Байтда тилга олинган иккинчи буюк инсон – Умар Ибн Хаттоб (634–644 йилларда халифалик қилган) бўлиб, жаноби Расулуллоҳнинг яқин сафдоши ва иккинчи халифадир. Бобда Каломуллоҳнинг нозил бўлиши, "шери худо" унвони билан сийланган Ҳазрати Алига доир қизиқарли лавҳалар ҳам маҳорат билан куйланади.

"Бешинчи наът" олдингиларнинг мантиқий давоми бўлиш билан бирга ўз муҳокама мавзуига ҳам эга. Бу саҳифалардаги барча тафсилотлар самога боғланади. Масаланинг бундай тус олиши тасодифий эмас, албатта. Алишер Навоий "Бешинчи наът"да Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётининг энг нурли саҳифаларидан бири – Меърож кечаси хусусида бадиий мушоҳада юритади. Меърож – шоти, нарвон ва юқорига кўтарилиш маъноларини англатади. Бу ўринда сўзнинг иккинчи шарҳи тўғри келади. Алишер Навоий меърож кечасининг бадиий талқинига бир кеча марта мурожаат қилади. Масалан, "Лайли ва Мажнун" достонида ҳам шу мавзуга бир махсус боб бағишланади. Бобдан бобга кўчувчи лавҳа ва ташбеҳлар учрашини инкор қилиш тўғри эмас. Бироқ улуғ шоир имкони борича уларни чеклаш, олдини олишга уринади. Ўхшаш жиҳатларнинг изоҳи шундаки, Меърож билан алоқадор тафсилотларнинг бош манбаи "Қуръон" ва ҳадиси шариф ҳисобланади. Талқинни сайқаллаш, жилолантириш мумкин. Аммо Парвардигори олам ва унинг расулига тегишли мулоқот ҳамда воқеаларга нимадир қўшишни ақлга сиғдириб бўлмайди, албатта. Айтганларимизга қаноат ҳосил қилиш учун таянч манбага мурожаат қилайлик. Қуръони каримнинг "Ал-исро" сурасининг биринчи ояти каримасида ёзилади: "(Аллоҳ) бир кеча ўз бандаси (Муҳаммад)ни – унга оят – муъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжид ал-Ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжид ал-Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок зотдир. Дарҳақиқат, У эшитувчи, кўргувчи зотдир (Ўша китоб, 195-бет). Мазкур улкан маънавий хазинани ўзбекчалаштирган Алоуддин Мансур оятдан кейин батафсил шарҳ беради. Ёзилишича, Мадина ҳижратидан бир йил илгари мазкур воқеа содир бўлган экан. Кечалардан бирида жаноби Расулуллоҳ Масжид ал-Ҳарамда эканларида ҳузурларига Жабраил Бурок оти билан келиб, у кишини олиб кетади. Қуддусда, Масжид ал-Ақсода икки раккат намози нафл адо этилгач, самога, еттинчи осмонга кўтариладилар. "Қасас-ул-анбиё"да қайд этилишича, йўлда жаннату дўзах манзаралари жаноби Рисолатпаноҳ кўз ўнгида бир-бир кечади. Аллоҳ ҳузуридаги мулоқотда ҳар бир мўъмин учун бир кеча-кундузда беш вақт намоз фарз қилинди. Хуллас, кейинги давр уламо ва муҳаддислари Меърож билан алоқаманд жараёнларни такомиллаштириб борганлар. Ана ўша лавҳалар Алишер Навоий илҳомини жўшдирган манба ҳисобланади. "Ҳайратул-аброр" бешинчи наъти зулмат чодирини ёйган кеча тасвири билан очилади. Айтиш жоиз, улуғ шоир мисралар рангини қуюқлаштиришга жиддий эътибор беради. Юз айтгандан, бир кўрган афзал демишлар машойихлар. Шу пандга амал қилайлик.

Бир кеча зулматқа қолиб коинот,
Меҳр ниҳон ўйлаки айнул-ҳаёт.

Гарчики ул чашми назардин қочиб
Хизр кўк узра қатаротин сочиб (44-бет).

Парчада одатий жумла учрамайди. Улуғ шоир ҳиссиёт ва хаёлга эрк беради. Гўзал бадиий манзаралар яратади. Меҳр – Қуёшнинг ботиши, туннинг туғилишига доядир. Ана шу муттасил такрорланувчи табиий ҳодисани Алишер Навоий коинотнинг зулматга гирифтор бўлиши тарзида тақдим этади. Туннинг чиройини самовий сайёралар – ой ва юлдузлар очади. Улуғ шоирнинг бадиий тафаккурида биз унинг ўзгача жилода товланишини кўрамиз. Зулмат ва Хизр эгизак тушунчалар. Искандар ва Хизр ўша зулмат қаъридан оби ҳайвон – боқийлик сувини излашди. Ривоятга кўра, уни қўлга киритиш Хизрга насиб этди. Аллоҳнинг иноятн туфайли унинг тақдирига мангулик битилди. Улуғ шоир бундай тафсилотлардан мукаммал хабардор. Ўша маънавий жамғарма ўз ўрнида майин сатрларга кўчиб, қуйилиб келади. Юқоридаги мисрада ҳам Ғайбул-иноят маҳсули кўзга ташланади. Осмоннинг ёғду кўзи – Қуёш назардан четлашса, не бок! Унинг иложини қилувчи, ҳожатбарор" хизматга шай. Эзгулик даракчиси Хизр қатраларини (қатарот) само узра сочиб юборган. Улар шуъла сочиб, коинотга ҳаёт бахш этмоқда. Кўриниб турибдики, улуғ шоир мисралар "елка"сига нақадар улкан масъулият юклаган. Шунчаки пардозга мўлжалланган шеър чинакам қимматга эга эмас. Санъаткорлик инсон манфаатига хизмат қилгандагина авлодлар ардоғида яшайди. Зебо шакл, бўлиқ мазмуни билан кадрлидир. Айни ҳодисанинг аксини ҳам назардан қочириш ярамайди. Алқисса, шаклу мазмун таносибу сўз санъаткори диққат марказида турмоғи шарт. Масаланинг саналган жиҳатлари Алишер Навоий ижод мактабининг йўлчи юлдузидир. Ўшаларга илова эса инсон ва инсонийликнинг хилма-хил қирраларидир. Улуғ шоир наътларининг бош қон томирини ҳам ана ўша ўзак мавзулар ташкил қилади. Жаноби Рисолатпаноҳнинг имтиёзи – Қиёмат кунида умматлари жонига оро кира олиши, Аллоҳдан улар учун марҳамат сўрашидир. Фикримизча, моҳият аёнлашади. Алишер Навоий наздида инсонпарварлик ҳамма нарсадан устун турувчи олий неъмат ҳисобланади.

"Лайли ва Мажнун" достонидаги наът (4-боб) ҳам кечанинг тасвири билан очилади. Боб сарлавҳасидаёқ Қуръони каримнинг "Вал-Лайл" сурасига мурожаат қилинади. Наътнинг бир неча жойида ўша суранинг ояти. карималаридан иқтибослар келтирилади. Вазиятнинг бундай тус олиши тасодифий эмас. Гап кеча ҳақида кетар экан, сурага таяниш жуда ўринли бўлган. Чунки "Вал-Лайл" – кечага қасамдир. Мусулмон дунёси тарихида ўчмас из қолдирган Меърож кечаси билан фахр этиш, муқаддас билиб қасам қилишга арзийди. Фикримизча, улуғ шоир масаланинг худди ана шу жиҳатларини назарда тутган бўлиши лозим. Сарлавҳада "(Борлиқни ўз зулмати билан) ўраб келаётган кечага қасам" (Ўша китоб, 507-бет) мазмунидаги биринчи илоҳий жумланинг келтирилиши ҳам айтилган хулоса фойдасига хизмат қилади. Яна танланган бундай услубнинг достон ғоявий мазмуни билан чамбарчас боғланган жиҳатлари мавжуд. "Лайли ва Мажнун" "Хамса" достонлари таркибида воқеаларнинг жонсўз ва фожеийлиги билан ажралиб туради. Зим-зиё зулматнинг беҳад изтироб тимсоли эканлиги аён. Риштанинг иккинчи учи асар бош қаҳрамонларидан бири айлига Лайлига уланади. "Ғиёсул-луғотда" бу ком – сўзнинг "лайли, лайл; лайле, лайло" кўринишлари борлиги қайд этилади. Шаклий хилма-хиллик мазмунга таъсир кўрсатмайди. Уларнинг умумлашмаси "кеча, кечалар"дир. Луғат шарҳидаги бир нозик жиҳатни айтиш зарар қилмайди. Сўзнинг оҳанги кўпроқ тақдирга тортар экан. Луғат муаллифи бадиий асар қаҳрамони Лайлини эслаб, унинг қисматида бу сўз – ном ўзининг ҳақиқий ўрнини (2-китоб, 216-бет) топганлигини қайд қилади. Равшан, топиб ишлатилган кичик бир ишора орқали улуғ шоир кўп қамровли муддаони рўёбга чиқаришга муяссар бўлган.

Ғам шомида зору ранж парвард,
Кезмак неча ой хаёли шабгард.
Неча ғам аро тузуб тарона,
Бу шамдин айтмоқ фасона.
Ким тўли ҳаётим этти нобуд,
Савдосида ҳеч топмадим суд.
Ваҳ, не кечаким, қаро балойи,
Кун ганжини кўмган аждаҳойи (Хамса, 1960, 345-бет).

"Вал-Лайл" сурасида бошдан охир тазод санъати амал қилади. Кун ва тун қарама-қарши қўйилади. Шундай ҳолат достоннинг тўртинчи боби учун ҳам бегона эмас. Тун зулматининг кун ёғдусини ютган аждаҳога ўхшатилиши мисолидаёқ тазод ҳукмронлигини ҳис қилиш мумкин. Бу ўриндаги наътнинг "Ҳайратул-аброр" дагидан яна бир ўзига хослигини айтмоқ зарур. Тўртинчи бобда руҳий эҳтиросларнинг жараёнини қабариқроқ кўрсатиш баланд туради. Зеро, достон воқеалари ривожи масалага худди ана шундай ёндошмоқни тақозо қилади. "Ҳайратул- аброр"нинг табиати учун фалсафий, ижтимоий-сиёсий майл мос тушади. Шунинг учун бу асарда руҳий кечинмаларни бўрттиришдан кўра, фалсафий теран мушоҳадаларга зўр берилади. Ана шу ҳукм барча наътлар учун ҳам хосдир. Меърож кечасига доир шарҳларда бу воқеанинг қандайдир лаҳзаларда кечганлиги таъкидланади. Масжид ул-Ҳаромдан чиққан жаноби Расулуллоҳ эшикни ёпганда унинг занжири силкиниб қолган экан. Қайтганда, қарасалар, ҳамон ўша занжир қимирлаб турибди. Кичкина бир ҳодисани эслаш ва унга урғу беришнинг ўз изоҳлари бор. Калаванинг бир учи вақтга боғланади. Ахир, эшикни ёпганда, силкинган занжир соатлаб ўша ҳолатда турмайди-ку. Иккинчи жиҳати, Парвардигори оламга тегишли унинг қудрати олдида мушкулот йўқ. Ўзи истаган ишни лаҳзада амалга ошириши мумкин. Шундай тезлик воситаси Бурокдир. Алишер Навоий "Ҳайратул-аброр"да Бурокни эсламайди. "Лайли ва Мажнун"да унинг мўъжизавий учқурлигини маҳобот ила тасвирлайди. Хулоса аён, улуғ сўз санъаткорларида лоқайдона қайтариқлар бўлмайди. Юзада намоён бўлган ўхшашлик тубда кечаётган ўзига хосликни инкор этмайди...

"Бешинчи наът" ҳақида яна кўп ёзиш мумкин. Чунки боб саҳифаларидаги оҳорли мисралар, бош қотириш, кўп ўқиш, билиш ва тафаккур қилишни талаб этадиган нозик ишоралар ҳаддан кўп. Алишер Навоий байтлари мағзини у зоти мукаррамнинг ўзи даражасида ҳис этмоқ ва ўша мақомда ёзмоқ учун унга насиб қилган юксакликка кўтарилмоқ лозим. Бундай интилиш эса шунча йиллар давомида орзу чўққиси эди. Ҳамон шундайдир. Аллоҳнинг кенг даргоҳи истиқлол йўлида шахдам илгарилаётган халқ тақдирига яна бир Алишерни қачон битади, ёлғиз Унинг Ўзигагина аёндир. Иншоаллоҳ шундай кунлар келар...

"Бешинчи наът" ҳақидаги мулоҳазаларимизни ўша саҳифаларда кузатиладиган бир муҳим нуқта ҳақида айрим гапларни айтиш билан чеклаймиз. Улуғ шоир асарларида самовий мўъжизалар, уларнинг хоссалари, ҳар бир сайёранинг хос жиҳатларига тегишли ишоралар тез-тез кўзга ташланади. Дунёнинг буржлари, ўзгариши, улар келтириб чиқарадиган ҳодисалар ҳақида биргина ишорада баён этиладиган мулоҳазаларни фақат ҳайрат билан ўқиш мумкин. Айни фазилатлар Алишер Навоийнинг муножот ва наътларида ҳам фаровон кўзга ташланади. Масалан, "Бешинчи наът"да "Коинот", "меҳр-қуёш", "сипеҳр", "зуҳра", "ҳилол", "муштарий", "зуҳал", "арш", "ахтар" каби бевосита самога алоқаманд сўз

ва атамалар қўлланган. Шунингдек, йил ойлари ва уларнинг атамалирига шеърий асар имкониятлари доирасида шарҳ берилган. Фикр далили сифатида “Бешинчи наът”даги қуйидаги парчани назардан ўтказиш мумкин:

Шамъи Зуҳал зулматини нур этиб,
Зангийи шабрангни кофур этиб.
Ҳам Ҳамалу Савр бериб жон анга,
Жон этибон иккиси қурбон анга.
Ҳам тонгибон олида Жавзо камар,
Ҳам Саратон туз бўлубон жилвагар.
Шер йўлидин тутубон гўшаи,
Сунбула рахшиға бўлуб тўшаи.
Палла йўли гардидин иксир санж,
Ақраб аро нўшу даво, нишу ранж.
Қавс тужуб чилла дуоси учун,
Жади бериб фулла ғизоси учун.
Далвға Юсуф киби солмай назар,
Ҳутда Юнус киби қилмай мақар (46-бет).

Алишер Навоийнинг сўз хазинаси бой. У туркий – ўзбек тили имкониятларини пишиқ билади. Ўша зукколик ойлар номининг берилишида ҳам намоён бўлади. Улуғ шоир “Асад” ўрнида “Шер”ни қўллайди. “Мизон”ни “Палла” билан ифодалайди. Нега айнан шу саҳифаларда ойлар ҳақида тўхталиш зарурати пайдо бўлди? Самовий сайёралар хусусидачи? Саволлар яна қалашиб келади. Аммо асосий мақсадга кўчиш фойдадан холи эмас. Бутун борлиқ, унинг ажралмас қисми фазо ҳам Аллоҳнинг яратмасидир. Исломий таълимот, унинг муқаддас Китоби ана ўша ҳақиқатни қайта-қайта таъкидлайди. Қуръони карим “Юнус” сурасининг учинчи ва бешинчи ояти карималари айтилганлар нуқтаи назаридан аҳамиятли. “Албатта, Парвардигорингиз осмонлар ва ерни олти кунда яратиб, сўнгра Ўз аршини эгаллаган. Аллоҳдир... У (Аллоҳ) қуёшни зиё сочувчи, ойни ёруғлик қилган ва сизлар йилларнинг саноғини ҳамда (вақтларнинг) ҳисобини билишларингиз учун уни (яъни, ойни бир қанча) манзил – буржларга бўлиб қўйган зотдир. Ҳеч шак-шубҳасиз, Аллоҳ бу (борлиқни) ҳақ (Қонун ва мақсад) билан яратди... (Ўша китоб, 136– 137-бетлар). Масала равшан, борлиқнинг яратилиши ғояси, бошқарилиши ва Бошқарувчиси самода экан, ундан узилиб фикрлашни соғлом ақлга сиғдириб бўлмайди, албатта. Худди шундай ҳукмни нужумий атамалар борасида ҳам айтиш мумкин. Ислом мактабида сабоқ тинглаган Алишер Навоийнинг маънавий ўқ илдиздан йироқ кетиши қийин эди. Қуръони карим “Раъд”, “Нур”, “Ва-н-нажм”, “Қамар”, “Буруж”, “Ваш-шамс” суралари номларининг само ёхуд илми нужумга дахлдорлиги барча аҳли адабни, жумладан, Алишер Навоийни ҳам руҳлантирган бўлиши табиийдир. Самовий сайёралар, уларнинг ҳаракат ва ҳолатига доир маълумотлар Қуръони каримнинг яна бир неча сураларида учрайди. Жумладан, “Тавба” сурасининг 36-ояти каримасида шундай ёзилади: “Албатта, Аллоҳнинг наздида, Аллоҳ осмонлар ва ерни яратган кунида белгилаб қўйганидек, ойлар саноғи ўн иккидир. Улардан тўрттаси уруш ҳаром қилинган ойлардир...” (Ўша китоб, 136–137-бетлар). Ояти каримадан сўнг батафсил шарҳ ёзган Алоуддин Мансур Уруш ҳаром қилинган ойлар сифатида “зулқаъда”, “зул-ҳижжа”, “муҳаррам” ва “ражаб”ни санаб ўтади. Мазкур ойлардан дастлабки учтаси кетма-кет, охирги эса беш ойдан кейин келади. “Фуссилат” (муфассал баён қилинган сура) сурасининг ўн-ўн иккинчи ояти карималарида ҳам ғоят муҳим мавзуларда баҳс кетади.

Аниқроғи борлиқ, унинг бунёд қилиниши ҳар бир яратманинг вазифа ва хусусиятлари ҳақида аниқ, ҳаётий ҳақиқатга рост келадиган ибратли фикрлар ўртага қўйилади. Ўша илоҳий жумлалардан баъзи парчаларни олиб кўрайлик: “у зот (Ернинг) устида тоғларни пайдо (қилди ва уни баракотли қилди ҳамда ўша) (ер)да унинг емишларини (яъни ер аҳлининг ризқу рўзларини) тўла тўрт кунда белгилаб-тақсимлади... Бас, икки кунда етти осмонни барпо қилди ва ҳар бир осмонга (унга буюрилган) иши – вазифасини ваҳий қилди (билдирди). Биз қуйи осмонни чироқлар – юлдузлар билан безадик ва (уни офат – балолардан) сақладик. Бу қудратли ва билгувчи зотнинг тақдири ўлчовидир” (Ўша китоб, 353-бет). Илоҳий Китоб таълимотига биноан, бутун олам ва ундаги мавжудотлар олти кунда бунёд қилинган. Юқоридаги ишораларда ўша жараён билан алоқадор тафсилотлар ифодасини топади. Бундай ҳикмат тўла парчаларни яна келтириш мумкин. Аммо назардан ўтказилган мисолларнинг ўзи ҳам исломий эътиқоднинг фазовий жисмларга доир нуқтаи назарини ойдинлаштириш имконини беради. Иккинчидан, ўша кўчирмалар Алишер Навоий илмий-илоҳий дунёқарашининг асосини ташкил қилади, деса сира хато бўлмайди. Яна бир гап. Бош сарчашмадан узилган ҳолда улуғ шоир мисралари мағзини бутун баркамоллиги билан ҳис қилиш қийин. Ана шу ақида билан Алишер Навоий меросида учровчи баъзи бир нужумий атамалар хусусида мулоҳаза баён қилишни лозим кўрдик.

Алишер Навоий маънавий мероси фаннинг турли тармоқларига, жумладан, илми нужумга доир сўз ва атамаларга бағоят бойдир. Улуғ бобокалонимиз жуда кўп зоҳирий ва ботиний фанлардан, айниқса, табиий – самовий ҳолат – ҳодисалар, уларнинг сиру асроридан етарли хабардор бўлгани учун ҳам ўшалардан шеър назокатини ошириш йўлида унумли ва ўринли фойдаланган. Гўзал бадиий манзаралар, нозик ташбеҳларга сероб сатрлар, дилкаш лавҳалар бунёд этган. Натижада, тафаккур ва ҳиссий омухталик заминида завқли мисралар туғилади. “Мен севаман, сен севасанми” қабилидаги шеърлар руҳида бадиий диди шаклланган ўқувчи Алишер Навоийнинг бундай “мураккаб” мисралари олдида довдираб қолиши шак-шубҳалардан холидир. Чунки навоиёна шеърлар тайёр луқмани ютишга эмас, балки ўшангача бўлган барча жараёнларнинг машаққатига тайёр туришга мўлжалланган. Аждодларимиз сабоқ олган мактаблар таълимида юзаки, енгил-елпи йўллар ва фанлар хуш кўрилмаган. Алишер Навоийнинг суяги ўша даргоҳлар синовида қотгани туфайли, бадиий асарларини ҳам ўзи каби чиниққан толиблар савиясига мос яратди. Биз бугун ўша латиф мисраларнинг назокатидан бенасибмиз. Ҳар қадамда чала муллалигимиз оёғимизга уриб туради. Шояд мустақиллик шодиёнасида қаддини тиклаётган саховатли серқуёш мамлакатимизда қадимий анъаналаримизга таянган, талаблари аччиқ, мевалари ширин миллий мактаблар ташкил қилинса! Ўшанда, биз Ҳазрат Алишер Навоий қолдирган тубсиз маънавий уммонларга, шеъриятимиз улуғ бобокалони эса бизнинг қалбимизга йўл топарлар. Иншоаллоҳ, шундай бўлғусидир! Энди асосий муддаога қайтайлик. Нужумий атамалардан бири қўзи-қўчқордир. Қўзи-қўчқор – юлдузлар туркумига мансуб атама. Ёки зодиак юлдузлар туркумига кирувчи ўн икки юлдуздан биринчисининг номидир. Зодиакнинг ўзи эса эклиптика (Ернинг Қуёш атрофидаги йўли жойлашган текислик, осмон қуршовидаги катта фаразий доирадир. Қуёш маркази ўзининг йиллик ҳаракатида шу доира атрофида айланади) бўйлаб жойлашган юлдуз туркумларининг умумлашма атамаси ҳисобланади. Таъкид этганимиздек. Зодиак туркумига мансуб ўн икки юлдузнинг ҳар бири ўз номи ва шаклига эга. Маълумки, самодаги юлдузлар Ер шари аксида (глобусда) турли шакллар ва номларда ифодасини топган. Шакл ва ном танлашда қатъий бир талаб ёхуд қоидага амал қилинган эмас. Айрим юлдузларни тасаввур қилиш ва номлашда грек, рим, шарқ асотирларидаги қаҳрамонларга (Персей, Геркулес ва б.) таянилса, бошқаларининг замирида ҳайвонот ва инсонларнинг моддий хўжалик ҳаёти билан боғлиқ ашёлар (Қўзи,

Бузоқ, Мизон ва б.) ётади. Шундай қилиб, Зодиак туркумини ташкил қилувчи ўн икки юлдуз ўз шакли ва номини олишдан ташқари, йил таркибидаги ўн икки ойни ҳам ифодалаб келган. Ҳижрий – шамсий йил саноғининг ойлари халқимиз ўртасида қуйидаги шакл ва араб тилида ифодаланган атамалар билан машҳурдир: Ҳамал (Қўй), Савр (Ҳўкиз), Жавзо (Эгизаклар), Саратон (Қисқичбақа), Асад (Арслон – шер), Сунбула (Бошоқ – Ҳуша), Мизон (Тарозу – Палла), Ақраб (Чаён), Қавс (Ёй, Камон), Жади (Тоғ эчкиси), Далв (Қовға-сув тортишга мўлжалланган чарм идиш), Ҳут (Балиқ). Санаб ўтганларимиздан биринчиси Ҳамал бўлиб, унинг туркий халқлар ўртасида машҳур иккинчи номи қўзи-қўчқордир. Ҳижрий-шамсий йил саноғининг биринчи ойи ҳозир амалдаги милодий ҳисоб билан 22 мартдан 21 апрелгача бўлган даврни ўз ичига олади. Яъни қадимий Наврўзнинг ибтидоси Ҳамал – Қўзи-қўчқорнинг чекига тушади. Қўзи-қўчқор ҳижрий-қамарий ҳисобнинг рамазон ва шаввол ойларида кечади. Алишер Навоий ўз асарларида Ҳамал ёхуд Қўзи қўчқорга ишора қилар экан, биз учун бағоят мураккаб туюлувчи ана ўша жараёнларни назарда тутади. Ҳар бир маъно жилосини ўз ўрнида қўллаш вазифасини эса зукко ўқувчилар эътиборига ҳавола қилади. Айрим байтлар атрофида ҳафталаб чўзилган қизғин баҳсу мунозаралар замирида эса жуда нозик бадиий ўрамда ифодасини топган маъно теранлиги ётган. Билдирилган фикрларимиз далили учун мана бу шеърий парчани олиб кўрайлик:

Сойислиғиға Зуҳал уруб фол,
Газ даста била қўлида ғарбол.
Савру Ҳамал айлабон фиғонлар,
Қурбони анинг қилурға жонлар.
Жавзо кўзи тўрт ўлуб Бақардин,
Топиб Саратон ҳам ул назардин.
Ҳам Шер тутуб йўлида гўша,
Ҳам Хўша бўлуб отиға тўша.
Жон санж ўлуб изидин Тарозу,
Ақраб топиб анда нўш дору.
Ёй гўша тутуб қоши хамидин,
Қўчқор ўлуб ўчку мақдамидин (Хамса, 346-бет).

Иқтибос “Лайли ва Мажнун” достонининг тўртинчи – Муҳаммад алайҳиссаломнинг Меърож тасвирига бағишланган бобидан олинди. “Ҳайратул-аброр” бешинчи наътида бўлгани каби бу ўринда ҳам Алишер Навоий илоҳиётга доир саҳифаларда йил ойларининг хос жиҳатлари хусусида бадиий мушоҳада юритади. Ажиби шундаки, ҳар икки ўринда ҳам ойлар тафсилоти Зуҳал ҳақидаги ишора билан бошланади. Масаланинг бу жиҳати шеърият мухлисини ўйлантириб қўйиши мумкин. Дарвоқе, ойлар ва Зуҳал ўртасида қандай алоқадорлик бор? “Ғиёсул-луғот”даги ихчам шарҳ масалага бирмунча ойдинлик киритиш учун кўмак беради. Луғат муаллифи Зуҳални тавсифлашни унинг самовий сайёралардан бирининг номи эканлигини айтиш билан бошлайди. Муҳаммад Ғиёсуддиннинг маълумотига кўра, Зуҳал еттинчи осмонда жойлашган энг катта ва ёруғ нур сочувчи (I жилд, 390-бет) юлдуз ҳисобланади. Яна “наҳсайни фалак” ибораси келтирилади. Мазкур бирикмадан мурод Зуҳал ва Миррих (Марс) сайёралари (Ўша луғат, 2 жилд, 337-бет) экан. Наҳси акбар – Зуҳалнинг ўзига тегишли бўлиб, катта юлдузни англатади. Зуҳалнинг бадиий адабиётда учраши янгилик эмас. Жуда кўп шоирлар ўз мақсадларини ифодалаш йўлида Зуҳалнинг хилма хил хоссаларидан фойдаланиб келганлар. Алишер Навоий мурожаатининг ҳам ўз маъно ва мақсади бор. Улуғ шоирни ҳар икки ўринда ҳам Зуҳалнинг катта юлдуз

эканлигидан кўра, унинг нур сочиш жойи кўпроқ қизиқтиради. Еттинчи осмон – Арш ва унинг соҳиби ўрнашган макон. Мавзунинг чинакам илмий талқинидан қатъи назар, бизни ҳам Алишер Навоий талқини қизиқтиради. Асотирлар ва диний талқинлар бир-бирига ҳамоҳанг. Улуғ шоирнинг ўшаларга таянганлиги аниқ. Хуллас, борлиқ, самовий сайёралар ҳам Аллоҳнинг буюк мўъжизаси маҳсули экан, ойлар ҳақидаги гапни ўша мўътабар даргоҳга саждасиз бошлаш улуғ шоирга густоҳлик саналган кўринади. Зуҳалга Алишер Навоий икки достонида бирдай мурожаат қилган эмас. Яъни лоқайд такрордан сақланган. "Бешинчи наът"да Зуҳал ўз вазифасида келган. У – ёғду манбаи. Бироқ улуғ шоир тасвирида Зуҳал ёруғ юлдуз қиёфасида намоён бўлмайди. "Шамъи Зуҳал" иборасига эътибор қилсак, масала ойдинлашади. Улкан ва дурахшон юлдуз қандай қилиб шамъга айланиб қолди. Нега улуғ шоир кичрайтириш санъатига мурожаат қилади? Изоҳлар эса аён. Арши аълонинг салобати олдида Зуҳалнинг катталиги шамга тенгдир. Байтда тазод ҳам қўлланган. Тун зулматини шамъи Зуҳал нурафшон қилди. "Зангийи шабранг" ва "кофур"нинг ёнма-ён қўйилишида ҳам санъатлар омихта бўлиб келади. Занги – қабиланинг номи, қора танли одам. Занги – маъжозан кечани англатади. Сифатловчи бўлиб келган "шабранг" сўзнинг мажозий маъноси фойдасига хизмат қилади. "Шабранг" (тун ранги, қоронғу кеча) ва "Кофур" (ғоятда оқ ва хушбўй модда; оппоқ тус)нинг бир байтда келиши тазод санъати чиройини очади. Кўринадики, бир мисранинг ўзида ўхшатиш, сифатлаш, ийҳом ва тазод санъатларидан фойдаланилган. "Лайли ва Мажнун"да Зуҳалга бошқа вазифа юклатилган. Биржис – Муштарий (Юпитер) ҳам жаноби Расулуллоҳга хизмат қилиш учун камарбаста. Зуҳал сайислик – отбоқарлик қилади. Қўлида ғалвир ва бошқа зарурий анжомлар билан Бурокка қарайди. Манзарани қаранг. Булар афсона эмас. Улуғ шоир ёзган сатрлар муаллақ тургани йўқ, замини бор. "Аввалғи наът"ни нур тасвири билан бошлаган Алишер Навоий ўша йўлини давом қилаётир. Муҳаммадий нурни эслайлик. Ҳар қандай учқур хаёлдан ҳам тез учади. Буроқни кўриб юрганимиз отлар қиёфасида тасаввур қилиш ножоиз. Масжид ал-Ҳаром эшиги занжирининг силкиниши тўхтаб улгурмаган бир фурсатда бутун Меърож жараёнининг амалга оширилишини кўз олдига келтирсак, жумбоқ ечилади. Нур нурлар қуршовига тушиб қолди. Парвардигорнинг хоҳиши ила самовий сайёралар жаноби Расулуллоҳга пешвоз чиқиб, ўз мавқе-ю даражалари мақомида меҳмоннавозлик кўрсатдилар...

Ўн икки ой номлари бадиий изоҳида ҳам юқорида кўрганимиздек катта-ю кичик тафовутлар учрайди. Биз нозик бир жиҳатни айтиш билан баҳсимизга якун ясаймиз. Шеърий парчаларда Ерда кечадиган воқеалар ўзанининг Самога қаратилиши (ва ёхуд унинг акси) тасодифий уриниш эмас. Бундай ҳаракатни мантиқсизликка йўйиш ҳам инсофдан бўлмайди. Зинҳор ундай эмас. Илоҳий фанлар билан бир қаторда дунёвий илмлардан ҳам пухта хабардор Алишер Навоий ҳар бир сўз масъулиятини елкаларида тутганлар. Улуғ шоир тафаккури нуқтаи назаридан бу бепоён оламда ҳисобдан ташқари ҳеч нарса йўқ. Кўзга кўринмас зарра ёхуд қилдан тортиб, энг катта мавжудотга қадар ҳар бирининг борлиқ наздида ўзаро ҳамда вазифаси бор. Алқисса, сайёраларо ўзаро алоқадорлик қонунияти амал қилади. Улардан бирига қилинган ножўя муносабат ёки тажовуз бошқасига, шубҳасиз, таъсир кўрсатади...

Улуғ шоир асарларида кўзга ташланадиган, ойли билан алоқадор нужумий атамалардан яна бири Қавси кузаҳдир. ҚАВСИ КУЗАҲ – Алишер Навоий асарларида бирикма ва алоҳида ҳолида кўзга ташланади. Қавси кузаҳнинг қўшилиб ёхуд ажратилиб ёзилишидан қатъи назар, мазкур бирикманинг изоҳларида ўхшашлик, яқинлик мавжуд. Алоҳида ҳолида қавснинг луғавий маъноси "камон, ёй"дир. Унинг фалакиётга доир атама сифатидаги шарҳи эса "осмоннинг ўн икки буржидан тўққизинчиси"дир. Аниқроғи, қавс зодиак юлдузлар

туркумининг тўққизинчисини билдиради. Мусулмон олами, жумладан, жумҳуриятимизда ҳам ҳижрий йил саноғидаги ойларнинг номи арабча сўзлар билан зодиак юлдузлари сирасида аталади. Қавс эса ўшаларнинг тўққизинчиси бўлиб, ҳозирги йил саноғининг ноябръ-декабрь ойларига тўғри келади. Қавсдан кейинги ойнинг арабча атамаси "Жади" /тоғ эчкиси/ бўлиб, жорий ҳисобимизнинг декабрь-январь ойларида кечади. Алишер Навоийнинг қуйидаги байтида юлдузлар туркуми ҳаракат, ҳолати ва фасллардаги ўзгаришлар билан боғлиқ равишда табиатда содир бўладиган манзараларга ишора кетади.

Қавс бўлди йўлида чилланишин,
Жадий наззорасида қуллагузин.

Тасаввур қилинг, қавс – қалин музлар палласи. Қаҳратон қишнинг ибтидоси. Ундан кейин эса ўша шиддат давом этади. Қиш қаҳри ва кароматини намойиш қилади. Совуқ ҳарорат чўққига интилади. Кичик ва катта байтдаги икки сўз масалага жиддийроқ назар ташлашни тақозо қилади. Булардан бири "чилланишин". Мазкур ибора икки сўзнинг бирикувидан тузилган: "чилла" ҳамда "нишастан". Чилла "қирқ, қишнинг қоқ ўртаси ва камоннинг ипи" маъноларини англатади. "Нишастан" – ўтирмоқдир. Бирикма ҳолида эса "тоат-ибодат учун қирқ кун ташқарига чиқмай ўтирмоқ", "қишнинг қоқ ўртаси", яъни жадийгача бўлган масофани англатади. Маъно жилолари ҳар уч қутбга ҳам тортади. "Қуллагузин" "қулла" (чўққи, тоғнинг чўққиси) ва "гузин" (сайланган, ташланган; эҳтиёт этувчи)дан таркиб топади. Байтнинг лўнда мазмуни: "Қиш мавсумининг чўққиси, қавс ва жадий ўртасида кечади" демакдир. Улуғ шоир эса уни бўёқдор ва пардали ифодалашга муяссар бўлган. Қавснинг тилшуносликка доир истилоҳ сифатидаги маъноси ярим ой шаклидаги жуфт тиниш белгидир. Алишер Навоий сатрларида маъшуқанинг майин ва қайрилма қошлари унга нисбат берилади. Қавси Кузаҳ – най камалак. Бундай ҳодиса осмон буржида ёмғирдан сўнг, булут остидан қуёшнинг чиқиши билан воқеъ бўлади. Торларининг нафислиги, ранглар хилма-хиллиги-ю мутаносиблиги, мувозанати ажиб, дилкаш манзарани вужудга келтиради ва беихтиёр киши диққатини ўзига жалб этади. "Фарҳод ва Ширин" достонида улуғ шоир ўша нафис ҳолатнинг тасвирини маҳорат ила чизади:

Чекиб қавси кузаҳни бедаранги,
Анга боғлаб синон янглиғ хаданги.

Мазкур байтда гўзал манзара бор. Най камалак ва камону ўқлар (синон – найза учи; хаданги – камон ўқи) ҳолатида шоир монандлик туяди. Табиатда найкамалакнинг умри қисқа бўлгани сингари камонбозлик ҳам узоққа чўзилмайди. Бедаранги – тез ва тўхтовсиз амалга ошади. Шарқ шеъриятида Қавси Кузаҳ баъзан мажозий маънода, халқнинг суюкли қаҳрамони Рустам камонига ишора тарзида ҳам қўлланилади.

"Бешинчи наът"да учрайдиган атамалардан яна бири "олти жиҳот"дир. Гап олти жиҳот ҳақида кетар экан, унинг ёнида "тўрт унсур"нинг ҳам келиши табиий. Худди шундай манзара таҳлил этилаётган бобда кўзга ташланади. Мана, ўша байт:

Олти жиҳат қайдидин ихрож ўлуб,
Тўрт гуҳар тарки анга тож ўлуб (47-бет).

Тўрт унсур (тупроқ, сув, ҳаво, олов) бу ўринда “тўрт гавҳар” тарзида берилаётир.

Олти жиҳот – Шарқ халқлари оғзаки ва ёзма нутқида қадимдан қўлланиладиган атамалардан ҳисобланади. Илм ва ижод аҳлининг илмий-бадиий яратмаларида тез-тез кўзга ташланади. Олти жиҳотни Алишер Навоийнинг бошқа асарларида ҳам учратамиз. Ушбу бирикма таркибидаги “Жиҳот”, “Жиҳат” шаклида ҳам ёзилади. “Жиҳот” кўп маъно англатиш хусусиятига эга. Луғатлар бу сўзни “Томонлар, тарафлар; борлиқ; нарсалар, буюмлар” тарзида шарҳлайди. Алишер Навоий жиҳот сўзининг кўп маънолик хоссасидан ўринли фойдаланишда маҳорат кўрсатган. “Олти жиҳот” эса улуғ шоир фалсафий қарашларини рўёбга чиқариш учун тўла келган. “Лисонут-тайр” фалсафий достонининг “фақру фано водийсининг адоси” бобида бу бирикма, айниқса, ўз жойини топган. Мазкур достонда бу бирикма “Ҳайратул-аброр”дагидан кўра ҳам кенгроқ кўламда қўлланган.

Тўрт унсур, етти кўк, олти жиҳот –
Нодиру олий асоси коинот.

Байтдагитўртунсур–юқоридаайтганимиздек,Ер,Сув,ШамолваОловдир.Еттикўкэсаетти қават осмон ва унда жойлашган самовий сайёраларга ишора. Олти жиҳот маълум маънода ўша икки тушунчага алоқадор. Тафовут шундаки, олти жиҳотда тарафлар белгиланади: паст, баланд, чап, рост, орқа, олд. Айтилганларнинг ҳаммаси бирлашиб борлиқни, бутун оламни ташкил этади. Агар олти рақами “хотун” сўзи билан бирикиб келса, унда мазкур бирикма кўчма маъно англатиб келади. Ёки шеърий парчадаги киноя Зуҳал, Муштарий, Зуҳра, Миррих, Аторуд, Ой сайёраларига тааллуқли бўлиб қолади. Бундай ишоралар улуғ ўзбек шоирининг асарларида талайгина мавжуд. Аммо уларни ҳамма ҳам бирдан тушуна олмайди. Навоийшунослигимиз бу нозикликни инобатга олмоғи, тушунилиши мураккаб бундай сўз, атама ва бирикмалар шарҳидан иборат махсус қўлланмалар яратмоғи даркор. Шундай қилингандагина бобокалон шоиримизнинг илоҳий, фалсафий, ахлоқий қарашлари, бадиий назокати мағзини кутилганидай чақмоқ имконияти ҳозирланган бўлур эди.

Суҳайл – энг дурахшон нур сочувчи юлдузнинг номи бўлиб, нужум илмига тааллуқли атамадир. Шарқ халқлари адабиётида маъшуқа жамолининг рамзи сифатида қўлланилади. Шунингдек, маъшуқага даҳлдор безакларга ишора қилинганда, умуман, ёруғлик, нур, порлоқ равшанлик ҳақида гап кетганда ҳам Суҳайл тилга олинади. Луғатларда, таъкидланишича, Суҳайл самонинг жанубий қисмида, ёзнинг охирги тунларида янада равшанрой намоён бўлар экан. Ана шу анъанавий образ Алишер Навоий асарларида ҳам кўзга ташланиб туради. Масалан, “Бадоеъ ул-васат”даги ғазаллардан бирида шундай байт бор:

Қамарнинг икки ёнида Суҳайлу Зуҳро киби,
Кўрунди ики қулоғинда дурру хуш.

Мазкур мисолда маъшуқанинг жамоли – юзи қамарга – ойга, унинг икки қулоғидаги қимматбаҳо сирғалар эса самонинг икки дурахшон юлдузига қиёсланмоқда. Ривоятларга қараганда, Сурҳайл юлдузининг нури Яман мамлакатида янада ёрқинроқ кўзга ташланар экан. Айни ҳолат бадиий адабиётда ўз аксини топган. Шеърий сатрларда Суҳайл ва Яманнинг ёнма-ён келиши мазкур сайёранинг ўша хусусиятига ишорадир. Самовий жинсларнинг ҳаракат-ҳолатидан пухта хабардор бўлган Алишер Навоий бундай нозикликни синчковлик билан ҳисобга олган, ҳароратли сатрларни ўша образлар эвазига безаган, улар мазмуни ва

таъсирчанлигини оширишга муваффақ бўлган. “Лайли ва Мажнун” достонининг тўққизинчи бобидан олинган мана бу сатрларда Суҳайлнинг Ямандаги кўриниши назарда тутилади:

Ҳар лаҳза аён бўлуб Ямандин,
Ташлар эди оташин камандин.
Андоқки Суҳайл бўлса толиъ,
Бўлғай қара тун Яманга ломиъ...

Суҳайл юлдузи нурларининг зулмат бағрини чок-чок этиб, инсоният авлодига ёруғлик, ҳаёт ва қувонч бағишлаши воқеаси бадиий адабиётдан анча чуқур ўрин олган. Ижод аҳли учун унинг фақатгина сатрлар доирасида қолиши камлик қилган. Бир талай шоирлар мазкур атаманинг мажозий маъносига қалбан маҳлиё бўлганлар ва ширин орзулар билан уни ўзларига адабий тахаллус маъносида қўллаганлар. Алишер Навоийнинг қадрдон дўсти ва маслакдоши Шайхимбек адабиёт оламида “Суҳайлий” тахаллуси билан машғур. XVII асрдан яратилган “Имомқулинома”нинг муаллифи Суҳайло тахаллусини қўллаган. XIX ва XX аср бошларида яшаб, форс ва озар тилларида асарлар ёзган Мирзо Аҳмад ҳам “Суҳайлий” номи билан шуҳрат топган. Яна бир Суҳайлий тахаллусли Шамсуддин Сомий “Қомус ул-аълам” асарида маълумот берган.

Тожик шўро шоири Жавҳаризода ҳам “Суҳайлий” тахаллусида гўзал асарлар яратган. Суҳайл дурахшон нур сочсин, адабиёт гулшани чарағон, зулмат бағри хафақон бўлишда давом этсин...

Шарқ халқлари адабиётида қўлланиладиган кўп маъноли сўзлардан яна бири “ҳайъат”дир. Ҳайъат шеърий сатрларда, умуман, бадиий адабиётда сўз ва нужумий атама сифатида келади. Алишер Навоий ҳам Ҳайъатнинг ана шу икки жиҳатига эътибор қилган. Сўзшуносликка доир луғатларда мазкур калиманинг “шакл, тузилиш, қиёфа, кўриниш, сурат” каби маънолари борлиги таъкидланади. Бу борада адабий далиллар ва луғатларнинг талқинларида таносуб мавжуд. Иддао тасдиғи учун мана шу парчани кўздан кечирайлик:

Маҳобат бирла чиқти яор ичидин,
Балодек гунбази даввор ичидин.
Томуғнинг шуъласидек изтироби,
Ҳамул ўт дуди янглиғ печу тоби.
Дамидин шуъла секриб пора-пора,
Ки ондин олам ўртаб ҳар шарора,
Узолғон тоғдек андоми онинг,
Вале йўқ сайлдек ороми онинг,
Бу ҳайъат бирла чиқти ғордин тез,
Тиши хунрезу оғзи оташангез. (“Хамса”, 205-бет)

Кўчирганимиз сатрлар “Фарҳод ва Ширин” достонининг йигирма иккинчи бобидан олинди. Фарҳод – улуғ Алишер Навоийнинг суюкли қаҳрамони. Шоир юрагида макон тутган барча эзгу фазилатларни унгагина раво кўради. Уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол инсон сифатида шакллантиради. Барча журъату шижоат, мардлигу жасоратни унинг насибасига битади. Натижада, достондаги Фарҳод ўтда ёнмас, сувда чўкмас, ўқ тешмас, халқона қаҳрамонлар суратини эгаллайди. Таҳлилга жалб этилган парчада ҳам

айтганларимиз равшан кўринади. Одамхўр аждаҳо билан бўлган жангда Фарҳоднинг қўли баланд келади. Аммо улуғ шоир ўз суюкли қаҳрамонини пешвоз олаётган офатнинг салмоғини намойиш этиш учун аждаҳо ҳайъати – қиёфасини бор бўйи билан чизишга ҳаракат қилади. Бурун тешиклари олов пуркаётган танурни, оғзидан чиқаётган аланга қудратли чақинни эслатгувчи даҳшатли маҳлуқ Фарҳод зарбасига чидай олмай, жон таслим қилади. Парча яна бир жиҳатдан аҳамиятли. Унда ҳайъатнинг яна бир маънодоши – андом жуда ўринли ишга солинганки, луғатшуносларимиз уни эътибордан соқит тутганлар.

Ўтмишда ҳайъат фаннинг номини англатган. Илми нужум – астрономия шу атама билан юритилади. Алишер Навоий асрларида ҳам шундай уриниш кўзга ташланади. "Фарҳод ва Ширин" достонидаги мана бу сатрлар бу жиҳатдан аҳамиятлидир:

...Бири ашъаор баҳри ичра ғаввос,
Бири адвор даври ичра раққос,
Бири мантиқ русумида рақамкаш,
Бири ҳайъат руқумиға қаламкаш...
Бири тарихда сўз айлаб фасона,
Бири ҳикмат фани ичра ягона ("Хамса", 355-бет).

Эслатганимиз достоннинг ўттиз бешинчи бобидан олинган ушбу мисраларда Меҳринбону саройидаги ўн закий қиз – Дилорому Дилорою Диосо, Гуландому Суманбўю Сумансо, Паричеҳру Паризоду Паривашу Парипайкарлар ва фаннинг ўн тармоғи хусусида гап боради. Ўша санамлардан тўртинчиси – Гуландом илми ҳайъатда моҳирлик билан донг таратган.

Шарқ шеърияти, жумладан, Алишер Навоий асарларида ҳайъат бирикма ҳолида ҳам учрайди. Бундай ҳолатларда унинг маъно қирралари янада кенгайиб боради. Бироқ самовий сайёралар билан алоқадорлик сақланади. Айрим ҳолатларда эса бундай бирикмаларнинг мазмуни ерга дахлдор бўлиб қолади.

Ҳайъати махрут бирикмасидаги "махрут" арабча сўз бўлиб, "тарашланган, қириб, силлиқланган конус шакли" каби маъноларни билдиради. Ҳайъат билан биргаликда эса "силлиқланган, конуссимон шакл, кўриниш" маъносини англатади. Айтилганлар далили учун мана бу мисраларни кўздан кечирайлик:

Ҳайъати махрути или мустақил,
Арш сутуни бўлурини далил.

"Ҳайратул-аброр" достони ўн тўққизинчи мақолотида шу байт мавжуд. Унда хушҳаво, кўкўпар айвонларимизни тутиб турувчи, уларнинг зебига зеб қўшувчи нақшинкор сутунларга ишора кетади. Дарвоқе, сутун тарашланган, пардоз берилган ва доира шаклидаги махрут, узунлик ўлчовлари турлича бўлган ёғоч. Байтдаги "мустақил" (чўзиқ, узунчоқ) , "арш" (осмоннинг энг юқориси) сўзлари унинг маъно қутбларини кенгайтириб юборган. Осмон гумбазини тутиб турувчи (осмонўпар пеш айвонлар юкини елкага олувчи) сутунлар. Яна "Арши аъло" – олий мақом – Аллоҳнинг даргоҳи билан алоқадорлик бор.

Ҳайъати тулонийнинг иккинчи қисми икки тил унсурлари бирикувидан таркиб топган. Ўзаги "тул" – араб тилига мансуб ва "узун" маъносини англатади. Тулон – беш яшар от. Тулоний – "узунликдир". Тулоний ўзининг хос маъносидан ташқари, кўчма, мажозий

мазмунга ҳам эга. Ҳайъати мулонийдан кузатиладиган кўчма маъно – мурод – Сомон йўли юлдузлар туркумидир. Сомон йўли – Қаҳкашон номи билан ҳам машҳур.

Ҳайъати тулоний ила Қаҳкашон,
Чархқа сайр этгали йзлдин нишон.

Мазкур байт ҳам "Ҳайратул-аброр"дан олинди. Бу ўринда Ҳайрати тулоний – Каҳкашоннинг халқимиз ўртасида машҳур бўлган бир фазилатини эслатиш билан чекланамиз. Зеро, Ҳазрат ишоралари ҳам шуни тақозо этади. Нужумий илмлар, ҳодисалар ҳақида етарли маълумотга эга бўлган аждодларимиз тунда адашмаслик учун Сомон йўли юлдузлари кўмагига кўз тутганлар...

Ҳайъати мустадирни кейинги сўз самодан ерга туширган. Чунки, у "айлана, доира, тўгарак, айлана шаклидаги" каби маъноларга эга. Шунинг учун ишоралар ёрдамида Ер шарини англатиши мумкин.

"Садди Искандарий" достонидан олинган мана бу байтга диққат қилайлик:

Ки ер жисмидур ҳайъати мустадир,
Кура айлади ани ҳаййи қадар.

Ер юзи тузилишига кўра доирани эслатгани учун ҳам Қодир эгам уни Курра шаклида ясади...

Ҳайъат – ҳайъатпазир (ҳар хил шаклга кирувчи) ҳайъот (шакллар) кўринишларида ҳам қўлланилади. Уларни муносиб талқин қилиш учун эса юқоридагиларни инобатга олиш, сатрлардаги ишораларга зикраклик билан назар солиш жоиз. Шу ўринда яна бир гапни эслатиш маъқул кўринади. Бугун мажлисларимизнинг президиумига нисбатан ҳам ҳайъат сўзи қўлланилади. Шакл ва унинг маъно жилолари мағзида "саф тортиш, кўриниш ҳосил қилиш" мазмуни йўқ эмас. Машҳур ғазалдаги "Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина" сатрини эслайлик. Чашм – кўз устида қош ҳамда мужгон туклари саф тортади-ку!

Мажлис ҳайъати ҳам худди ўшанинг сингари кўчма маънода тушунилмоғи лозим.

"Бешинчи наът" охирида жаноби Расулуллоҳ сафаридан ифтихор туйғуси бадиий аксини топади. Улуғ шоир ва диний арбоб фахрига сабаб умматлар муродининг ижобатга ўтганидир.

Ахтариға чун етибон мунча авж,
Зоҳир ўлуб баҳри иноятқа мавж.
Ҳақ тилидан умматин истаб тамом,
Ҳақдин ўлуб борча муродиға ком (47-бет).

Ахтар – юлдуз тасвири билан бошланган наътларнинг яна нур билан хотималаниши кўнгилларга сафо, ёқимли ҳарорат бағишлайди. Аллоҳ иноятининг "мавжу" авж мақомида охирги расул умматларига ёғилиши ҳар қандай иймонли мўъминга руҳ ато этади. Жаноби Расолатпаноҳ муродининг рўёбга чиқиши, умматлар орзусининг ушалишидир. Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак нафаслари, ҳазрат Алишер Навоийнинг руҳлари мунис, мушфиқ ва меҳнаткаш халқимизга мададкорлик қилсин. Аллоҳ ўтганларни раҳмат этган бўлсин, ҳаётда борлардан марҳаматини дариғ тутмасин!

НАЗМКИ ҲАМ СУРАТ ЭРУР ХУШ АНГА...

Бадиий асарнинг шаклу мазмуни масаласи қадимдан ижод аҳли ва сўзшунослар диққатини тортиб келади. Бу ўткир назарий баҳс нафақат илмий, балки бадиий асарлар бағрида ҳам яшаб келади. Ҳар бир ижодкор, адабиётшунос ўз нуқтаи назарини билдиришга уринди. Кимдир шаклнинг бадиий яратмадаги ҳиссасини бирламчи деса, бошқалар мазмун қудратига юксак баҳо берди. Масалага жиддий аралашган улуғ истеъдод соҳиблари эса ўрта ва тўғри йўлни маъқул кўрдилар. Шаклий жило бўлса-ю, мазмун оқсаса, асар озор кўради. Ёхуд маъно теранлигига маҳлиё бўлиб, шаклий пардозни иккиламчи қиёфага солиб қўйишдан ҳам бадиий асар лат ейди. Ҳар икки қутбни ёнма-ён тутиш, мувозанат қоидаларига амал қилиш эса панд бермайди. Ҳамма нарсаси маромида келган бадиий яратма камолот касб этади, нафис санъат муҳиблари дилида ардоқланиб яшайди. Алишер Навоий асарларида айни масалада учинчи йўналишнинг устунлиги намоён бўлади. Улуғ шоир фикр айтиш билан чекланмади. Адабий тажрибасида ўша равияга содиқ қолди. Аксарият нодир асарларида шу баҳсга тааллуқли қимматли фикрларини ҳам баён этиб қолдирди. "Ҳайрат ул-аброр" достони муқаддимавий бобларидан бирида айни масалага доир мулоҳазалар ифодаланганлигини кўрамиз:

Назм анга гулшанда очилмоғлиғи,
Наср қаро ерга сочилғонлиғи
Бўлмаса эъжоз мақомида назм,
Бўлмас эди тенгри каломида назм.
Назмда ҳам асл анга маънидурур,
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур.
Назмки маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хўб эмас.
Назмки ҳар сурат эрур хуш анга,
Зимнида маъни доғи дилкаш анга ("Хамса", 34-бет).

Кўчирганимиз кичик шу шеърий парчада бадиий адабиётнинг қатор нозик назарий масалаларига дахлдор бағоят қимматли фикрлар ўртага қўйилган. Аввало, бадиий асарларнинг икки турга – назм ҳамда насрга бўлиниши қайд этилмоқда. Иккинчидан, яна бир нозик жиҳат қаламга олинаётир. Алишер Шавоий дахл қилаётган бу масала асар яшовчанлигини таъмин этадиган бош омиллардан ҳисобланади. Дардсиз асар оҳорсиз матодай гап. Тезда сийқаланиб қолади. Дарднинг ўзи нима? Давр, жамият, инсон тақдирида ўчмас из қолдирувчи жароҳатлар мажмуидир. Чинакам сўз санъаткори ана ўшаларга нисбатан бефарқ туролмайди. Бадиий ижод дарди унга қисмат бўлар экан, у замонасининг "кўзу қулоғи, тили ва дили, виждони" мақомида ҳаракат қилмоғи лозим. Лўндаси, даврнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, маънавий жароҳатлари адабиёт ва ижод аҳлининг танасидаги хасталикдай гап. Айтилганлардан холи асар Алишер Навоий наздида қадрсиздир. Келтирилган шеърий парчамизда мавзуимизга бевосита тааллуқли яна икки жиҳат борлигини таъкид этмоқ зарур кўринади. Ўшалардан бири сўзга тегишлидир. Алишер Навоий талқинига кўра, сўз инсонга Аллоҳ томонидан марҳамат қилинган олий неъматдир. Улуғ шоир уни "гуҳари шариф" атайди. Модомики, сўз Аллоҳ иноятиэкан, ўша воситада санъат асари яратувчи ижодкор ҳам Олий даргоҳнинг мўъжизасидан бебаҳра қолмайди,

албатта. Вазифа аён, илоҳий марҳамат насиб этган ижодкор ўз бадиий мўъжизасини эъжоз мақомида яратмоғи зарур. Ўқувчини ҳайратлантириш қудратига эга асар эса олий даргоҳ назарига тушгусидир...

Алишер Навоий сатрларидан келиб чиқадиган бундай бўлиқ маъно ўз ғоявий асосларига эга, албатта. Исломий таълимотга кўра, инсон ва унинг тақдиридаги бирон бир нуқтани Парвардигори олам марҳамати ва назоратидан ташқарида тасаввур қилиш асло мумкин эмас. Чунки инсон Аллоҳнинг ердаги халифасидир. Қуръони каримнинг "Сод" сурасидаги етмиш иккинчи ояти карима, фикримизча, Алишер Навоий мисралари учун ғоявий замин бўлиб хизмат қилган кўринади. Ўша Илоҳий жумлада Аллоҳ ва унинг халифаси Одам ўртасидаги яқинлик ҳақида гап кетади: "...Бас қачон уни ростлаб, унга Ўз руҳимдан пуфлаб киргизганимдан сўнг унга сажда қилган ҳолларингизда йиқилинглар!" (Ўша китоб, 337-бет). Гап биринчи инсон – Одам Ато ҳақида кетаётир. Ернинг мағзидан яратилгандан кейинги жараён ана шундай кечган. Аллоҳ ўз жисмидаги руҳдан Одам сафиюллоҳга ҳам улашган экан. Муддао равшан, инсон жисмида илоҳий руҳ кезади. Унинг фаолиятидаги барча жараёнлардан Парвардигори олам воқиф. Бас, шундай экан, уни бошқа халқ этилганлардан ажратиб кўрсатувчи, "гавраҳи шариф" сўзи ҳам Холиқнинг эътиборида бўлиши тайин. Байтдаги ишора орқали Алишер Навоий мўъминлар учун марҳамат қилинган ибрат – қиссалар мажмуи – Қуръони мажидни ҳам назарда тутган бўлиши мумкин. Шеърий парчада ёрқин намоён бўладиган иккинчи муҳим мавзу шаклу мазмун баҳсидир. Улуғ шоир ўзига қадар ушбу масалада мавжуд бўлган барча нуқтаи назарларни бир ерда жамлаган сўнгра ўз муносабатини ўқувчилари билан баҳам кўрган. Шакл – катта тушунча. Уни фақатгина асар жинси доирасида чегаралаб қўйиш тўғри бўлмайди. Бадиий яратмада қўлланиладиган тасвир воситалари – санъатлар ҳам маълум маънодан унга тааллуқли. Иккинчидан, шакл ва мазмун ўртасида Искандар деворини қўйиш ҳам адолатдан эмас. Чунки истеъдоди бор санъаткор қалами туҳфа қилган бадиий яратмада (хоҳ назм ва хоҳ насрда бўлсин) муаллақ турувчи унсур бўлмайди. Аносирнинг катта-кичиклигидан қатъи назар, уларнинг ҳар бири ўз вазифасига эга бўлади. Бири иккинчисини тўлдиради, тақозо этади. Ҳаммалари ягона мақсадни рўёбга чиқариш муаллиф ғоявий тантанаси йўлида хизмат қилади. Маромига етган бадиий асарни яхлит танага қиёслаш жоиз бўлса, мураккаб жараёнда иштирок этган барча бўлаклар ўша жисмни шакллантирган тенг ҳуқуқли аъзолардир. Улардан бирида нуқсон сезилса, асар тўлақонлилигига путур етиши тайин. Айтилган фикрларга ҳамоҳанг лавҳалар таниқли адиб Ўткир Ҳошимовнинг Тоир Юнус билан мулоқотида кўзга ташланади. Ў.Ҳошимов йирик адиб Абдулла Қаҳҳор билан ўзи иштирокидаги суҳбатлардан бирида кечган шундай лавҳани ҳикоя қилади.

"Домла айтдиларки, "баъзилар асарни чиройли қилиш учун нуқул пардоз беради. Чиройли сўзлар ишлатишга ҳаракат қилади. Мақол, маталларни тиқиштириб ташлайди. Ҳолбуки, пардоз дегани тегирмончининг маҳсисига ўхшайди. Асарда пардоз эмас, ҳусн бўлиши керак. Ҳусн дегани бу – ёзувчининг қалбидан отилиб чиқаётган туйғу бўлади".[1] Абдулла Қаҳҳор ва Йўлдош Шамшаров суҳбатларини қунт билан тинглаган, ўзига тегишли ибратлар қабул қилган Ўткир Ҳошимов Абдулла Қаҳҳорнинг тагдор қочирмаларини ҳаёт мезонида синовдан ўтказган. Мана, унинг бу борадаги қайдлари: "Маҳси масаласига келсак". Тошкент атрофида тегирмон йўқ эди. Сўқоққа борганимда атайлаб тегирмонга кириб, тегирмончини кузатдим. Ҳақиқатдан ҳам маҳси кийиб юраркан. Ташқарига чиқаётганда маҳсисини, албатта, қоқиб чиқади. Дўл айланаётганда ун сачраб, тегирмончининг маҳсисига қўнаркан. Оёқни бир марта қоқса, унинг кукуни тушиб кетади-да, буришган

[1] Ў.Ҳошимов, Т.Юнус. Асарингни ўқиган китобхон ухлолмай чиқса... Шарқ юлдузи: 1993, 7-8-сонлар, 152-бет.

маҳси қолади. Домла айтган гап шундай эканки, хунук одам юзига упа суртган билан гўзал бўлиб қолмаганидек, асарни чиройли безаклар билан ҳарчанд пардозламанг, тагидаги маъно чуқур бўлмаса, камчилигини яшириб бўлмайди" (Ўша ойнома, 152-б.).

Кўчирмадан нотўғри хулоса чиқмаслиги керак. Бадииётга Абдулла Қаҳҳор ҳам, Ўткир Ҳошимов ҳам қарши эмас. Чунки, ўша "пардоз" бўлмаса, ҳақиқий санъат асари дунё юзини кўрмайди, жозиба кучидан маҳрум бўлиб қолади. Гапнинг тиғи сунъийликка, зўрма-зўраки пардозга қаратилган. Яна аниқроқ айтадиган бўлсак, шакл ва мазмун мувозанатининг бузилишигина устоз Қаҳҳор айтган ҳолатни вужудга келтиради. Асар ҳаётий заминдан узилиб қолади.

Ҳаёт ҳақиқати ва бадиий ҳақиқат ўртасидаги таносуб масаласи ўтмиш адабиётшуносларининг ҳам диққат марказида турган. Илми аруз, илми қофия, илми саноега доир битилган кўплаб рисолалар фикримизнинг далили бўла олади. Шунингдек, айрим адабий жинсларга доир ҳам махсус китоблар ёзилган. Нуриддин Абдураҳмон Жомийнинг муаммога доир уч китоби, Алишер Навоийнинг шу жинсга бағишланган "Муфрадот" рисолаларини санаш мумкин. Буларнинг барчаси юксак ғоявийликни инкор этгани Алишер Навоий сатрларида тилга олинган "хуш сурат" ва унинг зимнидан келиб чиқадиган "дил маъно" ҳақидаги ишоралар шаклу мазмун мувозанатига тааллуқлидир.

Шарқ халқлари адабиёти тарихида тўрт юзга яқин бадиий таъсир воситаларига мурожаат этилган. XV асрга келиб фақат Ҳирот адабий мактабида шу соҳага доир қатор махсус рисолалар яратилди. Ҳусайн Воиз Кошифий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Фахриддин Али Сафий (отаси Ҳусайн Воиз Кошифий рисоласига таянилгани ҳолда шеърий санъатлар талқинига аталган рисоласи) илмий асарлари бугун ҳам нодир манбалар сифатида аҳамиятлидир. Ўтмиш санъатшунослари мазкур воситаларнинг ҳаммасига бирдай муносабатда бўлган эмас. Улар бадиий тасвир воситаларини иккига ажратиб (лафзий ва маънавий) тасниф қилганлар. Аммо мазкур гуруҳлаштириш ҳам нисбий моҳият касб этади. Биз буни қуйида талмеҳ санъати мисолида кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Талмеҳ мумтоз адабиётнинг кўҳна, кенг япроқ ёзган санъатларидан биридир. Бадиий асар назокати, нафис ва дилбарлигини кўтариш, олға сурилаётган ғояни ёрқинроқ рўёбга чиқариш ниятида табъ аҳли турли тасвирий воситаларга, жумладан, талмеҳга ҳам мурожаат қилиб келганлар. Шеърият ривожланиб борган сайин унинг ғоявий олами, вазни, қофия ва бадиий санъатлари ҳам бойиб, такомиллашган. Ана шундай мураккаб жараённи талмеҳ ҳам босиб ўтди дейилса, сира муболаға бўлмайди. Мазкур бадиий санъатга доир шарҳ, талқин ва қайдлар ўтмишда ҳамда бугун тартиб берилган қатор нуфузли луғатларда кўзга ташланади[1]. Шунингдек, ўтмиш сўзшуносларининг махсус рисолаларида, адабиётшуносликка оид қўлланма ва дарсликларда ҳам талмеҳга доир ихчам маълумотларга дуч келамиз.[2] Олдиндан айтиб қўяйлик, сарчашма ва луғатларнинг маълумотларида ўхшаш ҳамда тафовутли қайдлар мавжуд. Уларни умулаштирадиган бўлсак, қуйидаги хулосалар ўртага чиқади. "Талмеҳ" араб тилидан олинган сўз бўлиб, "енгил назар ташлаш, нимагадир кўз қири билан қараш" сингари луғавий маъноларни англатади. Талмеҳнинг истилоҳ, адабиётшуносликка доир

[1] Муҳаммад Ғиёсиддин. Ғиёсул-луғот. Дар 3 чилд, чилди 1, "Адиб", Душанбе – 1987, Саҳ. 205-206; Фарҳанги забони точики. Чилди 2. М. – 1969. С. Айни. Луғати нимтафсилии точики барои забони адабии точик. Куллиёт, чилди 12, "Ирфон", Душанбе – 1976, саҳ. 173.

[2] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадоеъу-с-саноеъ. Тошкент – 1981, 134-бет. Шамси Қайси Рози. Ал-муъчам. "Адиб". Душанбе – 1981, саҳ. 301; Т.Зеҳни. Латоиф ут-тавоиф. "Ирфон", Душанбе – 1979, саҳ. 107; Фахриддин Алии Сафи. Латоиф ут-тавоиф. "Ирфон", Душанбе – 1969, саҳ. 125; Р.Ҳодизода, М.Шукуров, Т.Абдучабборов. Луғати истилоҳоти адабиётшиноси. "Ирфон", Душанбе – 1964, саҳ. 105.

атама вазифасидаги шарҳлари анча қамровлидир. Аммо айтиш жоиз, ушбу истилоҳга мурожаат қилган барча муаллифлар якранг мулоҳазаларни такрорлаш билан қаноатланиб қолишмаган. Муаллифларнинг ёзишмаларида ўхшаш, уйғун фикрлар билан бирга, кичкина бўлса-да, янгича қарашлар ҳам назарга тушади. “Бадойиъ ул-санойиъ”нинг муаллифи Атоуллоҳ Ҳусайний талмеҳни адабий ҳодиса сифатида шарҳлар экан, унинг табиатида луғз (чистон) жанрига яқинлик кўради. Таниқли адабиётшуноснинг ушбу фикри мантиқий заминга эга. Дарҳақиқат, талмеҳ бадиий санъати билан луғз, муаммо ва таърих-шеър ўртасида катта тафовутлар билан бирга уйғунлик ҳам сезилади. Луғз, таърих-шеър, муаммо ўқувчидан қанчалик зийраклик, ҳозиржавоблик талаб қилса, талмеҳ учун ўша фазилат зарур. Чунки санаб ўтганимиз адабий жинсларда ном, рақам ва жонзот ёхуд жонсизлардан нимадир яширинган бўлади. Ўша пинҳон тутилган жумбоқни ечиш ижодкор томонидан қўлланган ишора очқич вазифасини адо этади. Худди шундай хусусият талмеҳ адабий ҳодисасида ҳам учрайди. Изоҳи аён. Сатр ёки байтда қўлланган санъат кичик лавҳа, ишора тарзида келади. Ана ўша талмеҳ санъати тагига етмай туриб, шеърий парча мағзини чақиш имкондан ташқаридир. Буни қуйидаги мисолларда ёрқин кўриш мумкин:

Жоми Жам ичра Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдим санго (I , 50-б.).

Қани Ҳотам, қани Қорун ва қани Жамшиду Афридун?!
Бас, эҳсон қил санга гардундин адно эътибор ўлғоч (I , 104-б.).

Ҳаёт ичра бақо учун мумкин эрмас, Нуҳ бўлсинким,
Ўлар ҳолатда туғмай ўлган ўғли бирла яксондур (I , 122-б.).

Алишер Навоийнинг “Бадойиъ ул-бидоя” девонидан уч мисолда ҳам талмеҳ санъати мавжуд. Биринчи байтнинг илк сатрида келган “Жоми Жам” ва “Хизр суйи”нинг мағзи “чақилмас” экан, моҳият очилмай қолади. Аввало, айтиб қўяйлик, байтда тасаввуфий маъно пинҳон. “Тарки жоҳ” этмаган шахсга гадолик насиб этмайди. Яъни мартаба-ю мансаб, молу дунё бор жойга гадолик (фақирлик) сиғмайди. Сулукат ва соликлик ҳою ҳавас, айшу ишрат билан ёнма-ён яшамайди. Бундай вазиятда Жоми Жам ва Хизр суйи ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмас. “Жоми Жам”нинг ўзи нима? Жам – Жамшиднинг қисқарган кўриниши. Жамшид – бадиий адабиётда адолат ва иймон туғини баланд тутган шоҳ Ғозийнинг тимсоли. Ривоятга кўра, ана ўша шоҳ ўз атрофидаги ҳакимлар – олимларга буюриб, сеҳрли икки жом – май қадаҳи ясаттирган. Улардан бири майга тўлдирилса, ичган билан камаймас, ётқизиб қўйилса, тўкилмас экан. Иккинчиси, янада сеҳрлироқ. У майга тўла, ичилаётганда дунё воқеалари унда намоён бўлар экан... Ғазал қаҳрамони ана шундай жом учун ҳамма нарсадан кечишга тайёр. “Хизр суйи” бадиий асарларда тез-тез кўзга ташланадиган бирикмалардан. Мазкур бирикма замирида “оби ҳайвон” – тириклик, мангулик суви яширинган. Жоми Жам ёхуд Хизр суйи насиб этган одамнинг икки дунёси ҳам ободдир. Аммо улар ширин орзулар, холос. Ривоятга кўра, оби ҳайвон Хизр пайғамбардан бўлак ҳеч кимга насиб қилганича йўқ... Байт мазмунини мукаммал фаҳмлаш ана ўша гапларни билишни тақозо қилади. Иккинчи парчада ҳам шеърхонни фикрлашга ундовчи ишоралар қалашиб келган. Ҳотам, Қорун, Жамшид, Афридун шулар жумласидандир. Жамшид билан ошно бўлдик. Афридун – Фаридун афсонавий одил шоҳ тимсоли сифатида асарлардан асарларга

кўчиб келади. Ҳотам ва Қорун бир-бирига зид қаҳрамонлар. Ҳотам – саховат, Қорун эса бахиллик сири. Уларнинг ким ва қайси мақомда эканликларидан қатъи назар, гардун "адно" (тубан, паст) этди, тупроқ остидан макон тутдилар. Улуғ шоирнинг хулосаси рўёбга чиқа бошлайди. Дунёда ҳеч ким боқий қолмас экан, инсон эзгулик, эҳсон йўлини тутмоғи лозим. Алишер Навоий ҳамма ўринда ва ҳамиша ўзининг бош йўли – инсонпарварлик ҳамда эзгуликка содиқ қолади. Ҳатто талмеҳдан ҳам ана ўша улуғ мақсад тантанаси учун унумли фойдаланган. Учинчи мисол олдинги икки парчада ўртага қўйилган ғоявий ниятнинг мантиқий давомидай кўзга ташланади. Умр – инсон тақдирида ўткинчи муддат. Беҳад синовлар жараёни. Унинг қисқа ёхуд давомли эканлигидан қатъи назар, оқибати фанодир. Айни аччиқ ҳақиқатни улуғ шоир Нуҳ пайғамбар тақдири воситасида кўрсатишга ҳаракат қилади. Исломий ақидага кўра, Нуҳ пайғамбарга 950 йил умр кўриш насиб қилган. Бу хусусда Қуръони мажид "Анкабут" сурасининг ўн тўртинчи ояти каримасида ўқиймиз: "Аниқки, Биз Нуҳни ўз қавмига (пайғамбар қилиб) юбордик. Бас, у уларнинг орасида эллик йили кам минг йил турди (аммо улар иймон келтирмадилар), бас, уларни золим – кофир бўлган ҳолларида тўфон (балоси) тутди" (ўша китоб, 286-бет). Нуҳ пайғамбар номи билан боғлиқ тўфон бадиий адабиётдан ҳам чуқур ўрин олган. Келтирилган учинчи байтимиз иккинчи мисрасида ҳам ўша илоҳий фожиага ишора кетади. Нуҳ пайғамбарнинг оила аҳли ҳақида ҳикоя қилинади. "Таҳрим" сурасининг ўнинчи ояти каримасида Нуҳ ва Лут пайғамбарларнинг хотинлари ёмон аёллар тимсоли сифатида дўзахий бўлганликлари қайд қилинади. (Ўша китоб, 446-бет.) "Ҳуд" сурасининг қирқинчи ояти каримасида Нуҳнинг хотини Воила ва ўғли Канъон кофирлар билан бир сафда тилга олинадилар. Ўша суранинг 41-43-ояти карималарида ота ва ўғил ўртасида кечган савол-жавоблар хусусида ёзилади: "У деди: "Кемага мининглар! Унинг юриши ҳам, туриши ҳам Аллоҳнинг номи билан бўлур... Нуҳ бир четда қолган ўғлига нидо қилди: "Эй ўғилчам, биз билан бирга (кемага) мингин, у кофирлар билан бирга қолмагин!" У (ўғли) деди: "Мен ўзимни сувдан сақлайдиган бирон тоғнинг устига чиқиб кетажакман"... (Шу пайт) ўрталарини тўлқин тўсиб қўйди-да, (ўғил) ғарқ қилинувчилардан бўлиб қолди"(Ўша китоб, 150-бет). Мазкур суранинг 44-, 48-ояти карималарида Худо ва Нуҳ ўртасида мулоқот давом этади. Нуҳ куфр йўлини тутган ўғли учун Аллоҳдан марҳамат илтижо қилади. Аммо унинг сўрови ижобатга ўтмайди. Фикримизча, учинчи байт иккинчи мисрасидаги ишораларнинг илдизлари муқаддас илоҳий китобдаги айримлари келтирилган оят-ибратларга туташади...Айтиш жоиз, Алишер Навоий ғазал ўртасида тасодифан Нуҳ пайғамбар билан боғлиқ воқеаларга ўқувчи эътиборини тортаётгани йўқ. Ғазалнинг матлаъидаёқ бақо-фано, вафо ва жазо хусусида гап кетади. Илоҳий қудрат, унинг манзаралари шоир сатрларига кўчади. Ўшаларнинг узлуксиз мантиқий давоми – Нуҳ воқеалари тафсилотига шаъма қилинади. Хуллас, талмеҳ санъати улуғ шоир томонидан олға сурилаётган муайян ғоявий ниятни ёрқин ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилган. Иккинчидан, шеърий мисраларда талмеҳ вазифасида келган сўз ёхуд иборалар луғз, муаммо, таърих-шеърда бўлгани каби ўқувчини чуқур мушоҳадага чорлайди. Маъно теранлиги тубига етиш, яширинган сўз, ном ёхуд рақамни илғашдагидай зукколик ва бош қотиришни талаб қилади. Устод Садриддин Айний "Тожик тилининг ярим изоҳли луғати"да талмеҳнинг истилоҳ сифатидаги шарҳини анча бойитади. Таниқли адибнинг талқинича, "Машҳур сўзнинг кимга тегишли эканлигини кўрсатмай, ишора қилмай, ўз сўзлари ичида келтириш, маълум қиссаларни тилга олиш ҳам талмеҳ вазифаларидан" ҳисобланади. Мавзунинг қутбларини кенгайтиришда тожик адабиётшуноси Тўрақул Зеҳнийнинг мулоҳазалари катта қизиқиш уйғотади. Олим ўзининг бадиий санъатлар ва тожик арузига бағишланган "Сўз санъати" китобида талмеҳ талқинига кенг жой ажратади. Т.Зеҳний сўзнинг луғавий шарҳига "Намакин кардам" (Тузли қилмоқ, меъёрида туз сепмоқ)

иборасини ҳам қўшади. Таомнинг таъмини тузсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шеър эса табиатидан келиб чиқадиган санъатларсиз лаззат пайдо қила олмайди.

Шеършунос олим (Тўрақул Зеҳний) талмеҳнинг истилоҳий қирраларини кенгайтиришга муваффақ бўлган. Мазкур бадиий санъатни ҳосил қилишда нужумий атамалар, сайёралар хатти-ҳаракатида кузатиладиган ўзгариш ва ўзига хослик, тарихий, афсонавий, илоҳий қисса ва воқеалар, асотирлар, эътироф этилган шоирларнинг машҳур шеърларидан олинган парчалар ҳисса қўшиши мумкин. Бадиий парчаларда халқ мақол ва ҳикматларига имо қилиш ҳам талмеҳни вужудга келтиради. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг ушбу фикрини қисман қабул қилса бўлади. Чунки бундай вазиятда талмеҳ ёнида ирсолу масал санъати ҳам даъвогар бўлиб туради. Машҳур шеършунос Шамсуддин Қайс Розий мазкур бадиий санъатни самода чақилган чақиннинг лаҳзалик шуъласига қиёслайди. Олимнинг лўнда хулосасига кўра, "Талмеҳ кичик ишора билан катта маъно-мазмунни ҳосил қилиш санъатидир". Шунга яқин мулоҳазани Р.Ҳодизода, М.Шукуров, Т.Абдужабборовларнинг "Адабиётшунослик истилоҳоти луғати" китобларида ҳам кўрамиз. Муаллифлар ўзларига қадар ўртага қўйилган аксарият қарашларни йиғиш ва умумлаштиришга ҳаракат қилган. Талмеҳ ҳақидаги ўзак хулосани Муҳаммад Ғиёсуддин ўзининг кейинги давр сўзшунослари учун таянч манба вазифасини адо этган "Ғиёсул-луғат" асарида баён қилган. Талмеҳ – ўз сўзлари мағзида Қуръони мажид оятлари ва аҳодис (ҳадислар) дан намуналар келтиришдир. Муҳаммад Ғиёсуддин минг карра ҳақ. Дарҳақиқат, шеър табарруклиги, шарафи, обрў-эътиборини юксакка кўтариш орзуси билан муқаддас илоҳий китобга, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларига мурожаат қилиш талмеҳни шакллантирди. Қолган қирра-ю ришталар ўша бош нуқтага уланиб, уни мустаҳкамлашга ҳисса қўшди. Айтилганларни Алишер Навоий шеъриятига тўла татбиқ этиш мумкин. Ўз замонасининг барча зоҳирий ва ботиний илмларидан мукаммал хабардор улуғ ўзбек шоири ўша донишмандлик хазинасидан манзум ва мансур асарлари назокатини оширишда ўринли фойдаланди. Талмеҳ санъатига бот-бот мурожаат этди. Мазкур бадиий воситанинг ўтмиш ҳамда бугунги сўзшунослар талқинларида тилга олинган барча қирралари Алишер Навоий асарларида намоён бўлади. Улуғ шоир девон ва достонларини варақлар эканмиз, мисралар бағрида кўплаб илоҳий сўз, жумла, қисса ҳамда қаҳрамонларни учратамиз. Муҳими, улар илҳом авжида қуйилиб, мисралар оҳангига жўр бўлиб, мазмун бўлиқлигига ҳисса қўшиб келади. Илоҳиёт – катта тушунча. Талмеҳда унинг жилоси якранг эмас, албатта. Масалага ана шу жиҳатдан назар ташлайдиган бўлсак, таснифга бўлган эҳтиёж зарурат сифатида юзага чиқади. Илоҳий сўз, оят ва сураларга ишора қилувчи талмеҳлар. Илоҳий қисса шахс ва пайғамбарлар ҳаётига шамаъ қилиш орқали ҳосил қилинган санъатлар (талмеҳ). Алишер Навоийнинг "Бадойиъ ул-бидоя" девонида биринчи гуруҳга мансуб мисоллар талайгина топилади.

1. Дер Навоийки ғайр эмас мавжуд,
Турфа сўз "ло илоҳа иллаллоҳу" (I, 467-бет).

2. Жамолинг ойина "Ваш-шамс" кўзгуси нозил,
Кўзунг қорасиға "моғоз" сурмаси ҳамроҳ (I, 474-бет).

3. Шарбати "юҳйил-изом" эрни майи нобиндадур,
Сурайи "Ваш-шамс" тафсири юзи бобиндадур,
Шарҳи "мозоғал-басар" наргислари хобиндадур
Лайлатул-меърожнинг шарҳи сочи тобиндадур,
Қоба қавсайн иттиҳоди қоши меҳробиндадур (I, 585-бет).

Мазкур девондан уч мисол кўчирдик. Улардан иккитаси ғазал ва учинчиси мухаммаснинг биринчи банди. парчаларда қўлланган санъатлар қоришиқдир. Талмеҳ билан ёнма-ён тазмин ҳам келган. Суралар ва оятларга ишора кетган ўринларда талмеҳ, парчалар кўчирилган мисраларда тазмин санъати ҳукмрон. Юқорида таъкид этганимиздек, бадиий санъатларни қатъий шарт билан чегаралаш, улар ўртасига ўтиб бўлмас тўсиқлар қўйиш имкондан ташқаридир. Кўп ҳолларда улар қўшилиб, мавжуд тақсимотларни писанд қилмай қолади. Тазминнинг кўп белгилари талмеҳга ўхшаб кетади. У ҳам маънавий санъатлар сирасига киради. Тўрақул Зеҳнийнинг шаҳодатига кўра, "ўз шеъри ичида бирон шоҳ байт ёхуд ундан парча келтириш орқали ҳосил қилинади" (ўша китоб, 114-бет). Парча фикр ривожи ёки далили учун келтирилади. Иқтибоснинг ҳажми турлича бўлиши мумкин. Сўздан тортиб, қўш байтгача олинади. Кўчирмадан олдин унинг муаллифи ҳақида нозик ишоралар воситасида хабар берилади. Мисралар ўтмишдош ёки муосир шоирларнинг эл оғзига тушган машҳур шеърларидан олингани учун баъзан муаллифни кўрсатишга эҳтиёж сезилмайди. Устод Садриддин Айний тазминни "оташ пора олмоқ" тарзида шарҳлайди. ўша чўғ ёрдамида ҳар бир муаллиф ўз гулханини ёқади. Мураккаб ижодий жараённинг қай йўсинда кечишидан қатъи назар, мавзу ришталари устозу шогирдлик, адабий алоқа ва ўзаро таъсир муаммоларига боғланади. Бундай хулосани фақат шахсларга нисбатан эмас, балки алоҳида асарлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Масалан, Қуръони мажид ва ҳадисларнинг умумислом маданияти учун бош сарчашма вазифасини ўтаб келаётганлиги шак-шубҳасиздир. Шундай хулосани "Калила ва Димна", "Минг бир кеча", "Тўтинома" каби кўпгина сайёр асарлар хусусида ҳам айтиш панд бермайди. Энди шеърий парчаларимиз шарҳига ўтайлик. Биринчи мисолда калимайи шаҳодатдан парча киритилган. Унинг маъноси "Биргина Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Муҳаммад унинг расулидир". Ана шу жумланинг ўзагини "Бадойиъ ул-бидоя" таркибидаги 610-ғазалга киритишнинг нима зарурати бор эди? Дарвоқеъ, ғазал – ҳар қандай тасодифий сўз, ибора ёхуд жумлани ўз "бадан"ида сингдиролмайди-ку? Алишер Навоий ҳам яна қаторлашиб келиши мумкин бўлган саволларни олдиндан ҳис эта олган. Етти байтдан таркиб топган ғазал "Ғаройиб ус-сиғар"да (III, 397-бет) 510-рақам остида жойлаштирилган. Ғазал хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ (фоилотун-мафоилун-фаълун) вазнида ёзилган бўлиб, ишқу ошиқ ҳақида баҳс этади. Унда ошиқ ва маъшуқа дарди ифодаланган. Анъанавий ғазалларимизда маъшуқа "иштирок" этмайди. Унинг билан боғлиқ барча яхши-ю ёмон гаплар ошиқ тилидан келтирилади. Мазкур ғазалда ҳам ўша манзара устувор. Икки лавҳа – маъшуқа юзидаги тер, ошиқ кўзидаги ёш ғазалнинг бошидан охирига қадар ёнма-ён ҳаракат қилади. Гўзал ташбеҳлар ишга солинади. Тер остида қолган маъшуқанинг юзидаги қора хол сувга чўккан ҳинду баччага нисбат берилади. Маҳбуба юзидаги тер томчилари, гул япроқлари узра қўнган шабнамни хаёлга келтиради. Тазод-муқобала кўмакка ҳозир туради. Маъшуқа тер, ошиқ ашк тўкади. Висолга ташна ошиқнинг йиғиси ёр кулгусига боисдир. Воқеалар маконини ўзгартиради. Ер ва само боғланади. Томчилар осмон чироқлари – юлдузларни хотирга солади. Шу йўсиндаги таҳлилни давом қилиш мумкин. Аммо асосий мурод булар эмас. Таҳлил этилаётган ғазал замирида икки олам подшоҳи – Парвардигори каримнинг сиймоси пинҳон. Ошиқнинг илтижоли муҳаббати унга қаратилган. Шундан бўлса керак, хотимада улуғ шоир тажоҳули орифонага ружу қилади, ўзини билиб-билмасликка солади. Сатрларда "ғайр мавжуд эмас", бироқ "Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ" калимаси дилларда акс-садо беради!

Кўринадики, талмеҳ санъати – мисралар ботинидан илғаниши зарур бўлган шунча гапни юзага чиқариш учун очқич вазифасини адо қилаётир. "Бадойиъ ул-бидоя"га 621-рақам остида берилган ғазалдан олинган парча ҳам эътиборга молик. Мазкур шеър "Ғаройиб ус-

сиғар” девонида 521-рақами билан (III, 404-бет) жойлаштирилган. Мужтасси мусаммани маҳбуни мақсур (мафоилун фоилотун мафоилун фаидон) вазнида битилган. Ғазал матлаъсидаёқ талмеҳ – тазмин билан бошланади. Унда “Лоилоҳа иллаллоҳ” батамом бошқа оҳанг ва вазифада келган. Матлаъ шиддат билан куйланган. Ғазал қаҳрамони фавқулодда гўзаллик соҳибасига юзма-юз келади ва ҳайрат оқимида ғарқ бўлади. Ўша кучли ҳаяжон тилган кўчади. Чеҳрасидан илоҳий нур ёғилаётган маҳбуба қаршисида лол қотган ошиқ якка-ю ягона Аллоҳга яратган мўъжизаси учун илтижоли мурожаат қилаётир. Илоҳий жамол қўзғатган ўша жазава иккинчи байтга ўтади. Урфият ва бадиий адабиётда маъшуқа жамолини – юзини қуёшга нисбат бериш анъанаси мавжуд. Алишер Навоий ҳам унга риоя қилган. Маҳбуба юзининг тузилиши ой кулчасидай, ўта нафис ва тиниқ. Аммо булар камлик қилади. Улуғ шоир чиройни чирой билан очади. Жамолдаги мавжуд сифатлар қаторига янги безаклар қўшади. Аниқроғи, борини илғайди “Ваш-шамс” кўзгуси! Чеҳра ҳарорат ва ўзига жалб қилувчи шуъла – нури билан дилкаш. Улар шамс – қуёшда мужассам. Маҳбуба назокати олдида маҳлиё бўлиб турган ўқувчи хушёр тортади. Сатрдаги “нозил” (тушган, инган) сўзи уни фикрлашга чорлайди. Калаванинг учи ўз-ўзидан Қуръони мажиднинг 91-сураси – “Ваш-шамс”га уланади. “Ваш-шамс” – қуёшга қасам демакдир. Унинг биринчи ояти каримаси ҳам “қуёш ва унинг ёғдусига қасам” илоҳий жумласидан таркиб топган. Алишер Навоий ҳаракатида қандайдир мантиқсизлик кузатилмайди. У шеърда сура номини тилга олиб, хатога йўл қўйгани, шаккоклик қилгани йўқ. Илоҳий китобнинг бир неча сураларида Аллоҳ мўъжизавий қудратининг акси – инъикоси бўлган самовий сайёраларга қасам қилинади. Муқаддас илоҳий китобни ўзбекчалаштирган Алоуддин Мансур “Ваш-шамс” аввалида келтирган изоҳида ёзади: “Бу сурада Аллоҳ таоло Ўзи яратган бир қанча мавжудотга ва Ўз зотига қасам билан Ўз жонини иймон билан пок тутган киши нажот топиши, уни куфр билан хор қилган кимса эса номурод бўлиши ҳақида хабар беради” (Ўша китоб, 505-бет). Алишер Навоий ҳам айтилганлар нуқтаи назаридан масалага ёндашган. Инсон ҳам, гўзаллик ҳам Аллоҳ марҳамати натижасидир. Байтдаги иккинчи ишора – “мозоғ” сурмаси мисралар замирида пинҳон қўштирноққа олиниши сабабсиз эмас. Илоҳиётдан хабардор инсонлар гап нима ҳақида эканлигини аллақачон илғаб олишди. Мозоғдан мурод – Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак кўзларидир. Байтнинг зоҳирий талқини билан қаноат қиладиган бўлсак, гап жилови ошиқу маъшуқа доирасида қолиб кетади. Юқорида айтганимиз манзаралар содир бўлади. Кўз ва сурма ҳам эгизак тушунчалар. Кўз қанчалик шаҳло бўлмасин, асл сурма унинг чиройини очади, равшанлигини оширади. Ҳаммаси қўшилиб, жозиба ва жалб қилиш қувватини кўтаради. Ана шу мантиқ тақозосига кўра, “мозоғ” сурмасини ҳам санамлар пардози учун зарур асл ашёлардан бири (бугун хориждан келтирилганларига эҳтиёж ва нарх баланд бўлганидек) сифатида талқин қилиш мумкин эди. Яшириб ҳам нима қиламан, эътиқодсизлик ҳукм сурган, илоҳиёт билан бизнинг ўртамизда ўтиб бўлмас тўсиқлар қўйилган йиллари шундай йўл тутишга мажбур эдик. Бугун жуда кўп шарҳу таҳлилларимизни қайта таҳрирдан ўтказишга бурчлимиз...

Аммо бугун енгил-елпи фикрлаш увол. Гапнинг ботиний талқинларини ҳам юзага чиқаришимиз зарур. Мадомики шундай экан, мушоҳада ўзани Аллоҳ ва Унинг охирги Расулига тегишли бўлиб қолади. “Нозил” ва “мозоғ” сўзлари очқич вазифасини бажариш билан бирга теран фикрлашга чорлайди. Масалага бирмунча ойдинлик киритиш учун луғатларга мурожаат қилайлик. “Навоий асарлари луғати”да “Мозоғ”, “мозоғал-басар” сўзлари “Пайғамбарнинг кўзи ва ўзини мадҳ этувчи оятнинг “бош сўзи” (306-бет) тарзида шарҳланган. “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да (II, 314-бет) ҳам шунга яқин талқинга дуч келамиз. Жаноби Расулуллоҳнинг хушсурат бўлганлари, илоҳий нурдан баҳраманд кўзлари ўткирлиги ҳақида кўп ёзилган. Ояти карималарда мадҳ этилади. Аммо

масаланинг сурмага тегишли жиҳати очиқ қолади. Аксарият луғатларда ҳам бу жумбоқ ечилмайди. “Қисас ул-анбиё”даги мана бу жумлалар масалага аниқлик киритиши мумкин. “...Ва чизеки ба қафо мебуди, ҳамчун қавл аз назар меомади ва ба торикии шаб ҳамчун рўзи равшан медиди” (320-бет). (Орқада бўлган нарсаларни ҳам олдидагидек кўрарди ва тун зулматида ойдин кундагидек ҳамма нарса эди). Ана шу йўсиндаги олий зотга хос ноёб фазилатлар баёни давомида ўқиймиз: “Ва ҳар шаб сурма дар чашми рост себору дар чашми чап ду бор медодй, гоҳе дар ҳолати рўза низ сурмаро ба истеъмол дароварди ва рўған низ ба сару риш мемолиди” (322-бет). (Ва ҳар кеча рост кўзга уч, чап кўзга икки марта сурма тортади. Баъзан рўза ҳолатида ҳам сурмадан фойдаланар, сочу соқолига ёғ суртар эди). Фикримизча, муддаога анча яқинлашиб қолдик. Байтнинг зоҳирий ва ботиний маънолари хусусида маълум тасаввур пайдо бўлади. Якунга келишдан олдин, яна кичик бир лавҳани назардан ўтказайлик. “Қисас ул-анбиё”да шундай жумла бор. “Пайғамбар (с) гуфт: “Аввал чизе, ки биёфарид, Нури ман буд, ба ҳазор сол, ки як рўзи он чаҳон ҳазор соли ин чаҳон аст. Ва он Нури ман ба қудрати Худои азза ва жалл мерафти ва тавоф мекарди, “То чумла асари азамати Худои таъолоро мушоҳада карди” (5-бет). (Аввал нима ким яратди, менинг Нурим эди, минг йил бундан олдин, у жаҳоннинг бир куни, бу жаҳоннинг минг йилига тенгдир. Ва менинг у Нурим қудратли ва буюк Худонинг тавоқига борарди. Шу аснода у (Нур) Худойи таолонинг барча мўъжиза ва буюкликларидан). Рисоланинг бундан олдинги саҳифаларида Одам Атонинг ўғил, Муҳаммад алайҳис-саломнинг ота мақомида бўлганликлари хусусида баҳс кетган эди. Мазкур парча яна бир карра ўша мулоҳазаларни тасдиқ этади. Унинг бу ўринда келтирилишидан мурод эса Аллоҳнинг охирзамон пайғамбарига меҳрининг нақадар юксак эканлигини яна бир бор таъкидлашдир. Айтилган тафсилотлардан бекаму кўст хабардор Алишер Навоий ўша юксак муҳаббат ҳароратини кўчирганимиз байт мағзига ҳам сингдирган. Қуръони каримнинг нозил бўлиши, жаноби Расулуллоҳга насиб этган беҳад иноятларнинг барчаси илоҳий муҳаббатнинг ширин меваларидир. Биргина ишора – талмеҳ мағзида шунча сиру асрорнинг пинҳон бўлиб келиши – шеъриятнинг ҳам илоҳий мўъжизалар сафида эканлигидан далолатдир.

Учинчи мисол “Бадойиъ ул-бидоя”даги биринчи мухаммасдан олинди. Мазкур асар “Бадойиъ ул-васат” (5-жилд, 457-бет) девонига киритилган. Парчадаги “Ваш-шамс” ҳамда “моғозал-басар” ишораларининг изоҳи юқорида ўтди. Қолган уч сатрда талмеҳ ўз вазифасида келган. Яъни тазмин аралашгани йўқ. Биринчи мисрадаги “юҳйил-изом”га тишнинг ботиши қийинроқ. Талмеҳ санъати ҳам айни шу бирикмададир. Унинг мазмуни “чириган суякларни тирилтиради”дир (IV, 265-бет). “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” ана шундай мужмал талқин билан чекланади. Шубҳасиз, чириган суякларни қайта инсон қиёфасига келтириш қудрати ёлғиз Аллоҳнинг ҳукмидадир. Масала равшан, моҳиятни Қуръони каримдан излаш лозим. Муқаддас илоҳий китоб «Воқеа» сурасининг 47-50 ояти карималарида ёзилади: “Ва: “Бизлар ўлиб, тупроқ ва суякларга айлангач, ростдан ҳам қайта тирилгувчимизми, аввалги, ота-боболаримиз, ҳам-а!” деб (масхара қилар) эдилар. (Эй Муҳаммад, сиз уларга) айтинг: “Албатта, аввалгилар ҳам, кейингилар ҳам маълум кундаги белгиланган вақтда шак-шубҳасиз тўпланувчидирлар!”(415-бет). Дарҳақиқат, суранинг номланиши ҳам тасодифий эмас. “Воқеа – «воқеъ бўлгувчи” (Қиёмат)дир. Суранинг биринчи ояти каримасидаёқ Қиёмат ҳақида хабар берилади. Қейинги илоҳий жумлаларда ўша Кун билан боғлиқ даҳшат ва фожиалар тафсилоти оят – ибрат қилиб кўрсатилади. Яна ўликларни қайта тирилтириш ҳақида “Бақара” сурасининг икки юз олтмишинчи ояти каримасида (ўша китоб, 32-бет) аниқ, равшан ёзиб қўйилган. Айримлари айтилган тафсилотлар шеър руҳига мос тушадими? Малик ул калом мавлоно Лутфий ғазалига

боғланган тахмис – мухаммасда орифона руҳ ҳукмронлик қилади. Шундан бўлса керак, дастлабки банддаёқ ҳар нарсага қодир Эгамнинг қудрат ва кароматлари саналади. Фоний дунё – ўтар карвон. Ҳаммага ҳам навбат етади. Шарбат таътиб кўришга мўлжалланган ичимлик. Майи ноб – энг тоза шароб. Улардан баҳраманд бўлмоқ, Қиёмат кунида қайта тирилмоқ ҳар бир мўмин-мусулмонинг дафтари аъмолида азал котиблари ёзган битикдир. "Банднинг тўртинчи сатрида "Лайтатул - меърож" ва ёрнинг қора ҳамда тобли – жингалак, қўнғироқ сочи ёнма-ён қўйилади. Тун ва соч якранг. Танбеҳ вазифасида келган ишорада эса ислом тарихи учун катта аҳамиятга молик икки воқеага шаъма кетаётир. Улардан бири – Қуръони каримнинг "Вал-лайл" (кечага қасам) сураси ҳисобланади. Суранинг биринчи ва иккинчи ояти карималарида кеча ҳамда кундузга қасам қилинади. Учинчи илоҳий жумла эса эркак ва аёлни яратган зотга қасамки" тарзида акс-садо беради. Маҳбуба, унинг сочи қаламга олинар экан, "Вал-лайл"га мурожаат қилиш тўла мантиқий асосга эга. Иккинчи муҳим воқеа жаноби Расуллуллоҳнинг тунги сайридир. "Қисас ул-анбиё"нинг гувоҳлик беришича, Меърож ражаб ойининг йигирма еттинчи кечасида (337-349-бетлар) содир бўлган. Ўша пайтда жаноби Рисолатпаноҳнинг ёшлари элликдан уч ой ўтган экан. Юқоридаги саҳифаларда айтиб ўтганимиздек, жуда зудлик билан ўтган бу тунги сайрда Жаброил ҳамда Мекоил алайҳиссалом ҳамроҳлик қилишган. Беҳиштдан етмиш минг малоика етагида чиқарилган Буроқ жаноби Расуллуллоҳни Масжид ал-Ҳаромдан Арши аълога ва у ердан яна ўз маконларига етказган. "Қисас ул-анбиё" мазкур сафар манзараларини бутун тафсилоту ибратлари билан батафсил ёритиб беради. Мушоҳада қилиб кўрайлик, Ҳазрат Алишер Навоий қаламга олган ҳар бир мисра ва ишора ана шундай тўла-тўкис таҳлилни ёқтиради. Бунга эришиш шараф, бироқ ниҳоятда мушкул. Чунки ўзимиз улуғ шоир назокатини ҳис қилишга тайёр эмасмиз. Истиқлол йўли орзу ва армонларимизнинг ушалиш манзилига, Иншоаллоҳ, бошлағай. Зоҳирий ва ботиний билимлардан камёб янги авлодимиз Алишер Навоийни улуғ шоир руҳига хос ўрганар, деган умидимиз бор, Худо Ҳофиз!

Ниҳоят бешинчи сатрга кўчамиз. Бу ўринда "Қоба қавсайн", "иттиҳод" ва "меҳроб" сўзлари чуқур мушоҳадани талаб қилади. Қоба қавсайн қўш қавс – эгик ва майинлигига кўра, маҳбуба қошига монанд. Иттиҳод "бирлашиш, бирикиш, қовушиш" маъноларига эга. Меҳроб – масжидларда имомат учун белгиланган хос жой. Унинг устки қисми қоба қавсайнни эслатади. Инсон, иаъшуқалан қошига ўхшайди. Маъшуқа қошининг меҳробга қиёсланишда икки жиҳат бор. Улардан бири, ўхшатиш ва ўхшатилмиш ўртасидаги монандликдир. Иккинчидан, намоз пайтидаги сажда меҳробга қараб амалга оширилади. Ишқ сидқий экан, маъшуқа қоши меҳроби саждагоҳ вазифасини ўташи тайин. меҳроби саждагоҳ вазифасини ўташи тайин. Хусусан, орифона ишқ мадҳида бундай уриниш айни жойига тушади. Шу мулоҳазалардан кейин охирги мисра шарҳига нуқта қўйиш мумкин эди. Бироқ ундай қилишнинг иложи йўқ. Ушандай йўл тутилганда мисра шерикларидан ажралиб, ғарибга айланади. Мазкур сатрда ҳам мазмун ришталари бутун оламлар Хожаси даргоҳига уланади. Яна "Қисас ул-анбиё"га мурожаат қиламиз. Имом Исмоил Бухорийнинг қалами мубораки билан иншо этилган мазкур асарда ғоят ибратли лавҳалар ўта илмий аниқлик (далилларнинг тўпланиши, муқояса қилиниб, ҳақиқатга яқинларининг жойлаштирилиши нуқтаи назаридан) билан ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилади.

Исломий таълимотга кўра, бутун борлиқ мавжудот жумъадан якшанбагача бўлган олти кунда Аллоҳ марҳамати билан бунёд қилинган. "Қисас ул-анбиё"дан Парвардигори олам макон тутган Арш тузилишига доир кичик бир лавҳани олиб курайлик: "Пас Аркиро биёфарид ва дар вай ҳаждаҳ ҳазор бурч бино кард, дар ҳар бурч, ҳаждаҳ ҳазор рукн падид

овард ва ба ҳар рукн ҳаждаҳ ҳазор кунгура пайдо кард ва ба ҳар кунгура ҳаждаҳ ҳазор қандил... (6-бет). (Кейин Аршни яратди ва унда ўн саккиз минг бурж бунёд қилди, ҳар бир буржда ўн саккиз минг устун ўрнаштирди ва ҳар бир устунни ўн саккиз минг кунгура билан зийнатлади ва ҳар бир кунгурага ўн саккиз минг қандил ўрнаштирди). Фикримизча, келтирилган парча Арши аъло ҳақида оз бўлса-да тасаввур ҳосил қила олади. Имом Исмоил Бухорий ҳам ўша ният билан қандилларнинг салобатини чизишга ҳаракат қилган. Ўша манбанинг шаҳодатича, биринчи қават осмон сувдан, иккинчи мисдан, учинчи темирдан, тўртинчи кумушдан, бешинчи қизил зардан, олтинчи марвариддан, еттинчи ёқутдан бунёд қилинган (6-бет). Бундай олий мақомдаги мўъжизани хаёлга сиғдириш қийин. Аллоҳнинг даргоҳи бепоён ва Угина ҳамма сиру асрор, илму ҳикматнинг соҳибидир. Мавзуга қайтсак, Аршда қанчадан қанча қоба қавсайну меҳроблар борлиги шак-шубҳасиздир. Жаноби Расулуллоҳ ҳақида катта ихлос ва илҳом билан баҳс этган “Қисас ул-анбиё”да ўқиймиз: “Ва Меърочу саворин Буроқ ва рафтан ба осмону расидан назди қобақавсайн ва аз дидори илоҳи мушарраф шудан махсуси он Ҳазрат аст” (320-бет). (Ва Меърожу Буроқда осмонга кўтарилиш қоба қавсайнга етиб, илоҳий дийдорга мушарраф бўлиш он Ҳазратгагина насиб этгандир). Мазкур парча яна бир хулосага келиш ҳуқуқини беради. Илоҳиётга доир адабиётларда “Қоба қавсайн Арши аълонинг муқобили сифатида қўлланиладиган кўринади. Жаноби Рисолатпаноҳ ҳақида фахр билан гапирилган жумлада худди шундай йўл тутилган. Алқисса, мухаммас – тахмис бешинчи сатридаги талмеҳ санъати бўлиб келган иборалар зимнидаги ботиний мазмуннинг Аллоҳ даргоҳига дахлдорлиги аёнлашади. Алишер Навоий шеъриятида илоҳий воқеа-ҳодисалар, шахсларга мурожаат қилиш орқали ҳосил қилинган талмеҳлар талайгина учрайди. Улардан айримларини назардан ўтказиш фойдадан холи эмас.

I. Гар Навоийга Сулаймон мулкича бордур, не тонг,
Буки Билқиси замон назмини таҳсин айламиш (1, 242-бет).

II. Оҳим андоғ тийра қилди кўкниким, топмас ўзин
Гар қуёшдин ёқмаса Исойи Руҳуллоҳ шамъ (1, 258-бст).

III. Оломоро ҳусн ила жонбахш нутқунгму экин,
Ё Масиҳо руҳи Юсуф жисмида қилмиш ҳулул (1, 392-бет).

Биринчи байтда Сулаймон пайғамбар ва унинг севгилиси Сабо мулкининг маликаси Билқислар ҳақида ишора қилинган. Қуръони мажид “Намл” (чумоли) сурасининг 12-44-ояти карималарида бу хусусда анча кенг фикр-ибратлар изҳор этилган. Алоуддин Мансур томонидан берилган изоҳга биноан, милоддан аввалги тахминан ўнинчи асрда Яман мамлакатининг Сабаъ шаҳрида Билқис исмли аёл ҳукмронлик қилган (Ўша китоб, 272-бет). Яна “Сабаъ”, “Сод” сураларининг бир қатор илоҳий жумлаларида Сулаймон пайғамбар ва Билқис воқеалари давом этади. Байтда Сулаймон пайғамбарнинг мулкига шамаъ бўладики, Сулаймон алайҳиссалом, дарҳақиқат, катта мулкнинг, кароматли узукнинг соҳиби эди. Довуд пайғамбарнинг меросхўри бўлишдан ташқари, барча жониворлар, парранда-ю даррандалар унинг тасарруфида бўлган. Билқис Сулаймон пайғамбар билан мулоқотда бўлгунга қадар оташпараст – Қуёшга сиғинар эди. Тадбиркорлиги, фаҳму фаросати, зукколиги туфайли Сулаймон пайғамбарнинг Ҳақнинг элчиси эканлигига қаноат ҳосил қилгач, Исломни қабул қилади. Алқисса, Сулаймон пайғамбар ва Билқис Илоҳий

манбалардан бадиий адабиётга аҳдга вафо, севгига садоқат рамзи сифатида кўчиб, асрлар оша улуғланиб келинади. Ишоранинг мисралар муаллифига тегишли қисмига ҳам изоҳ бериш лозим кўринади. Алишер Навоий қувончининг боиси маълум. Унинг қалб фарзанди – шеъри муносиб баҳосини олган. Ижодкор учун бу юксак бахт Сулаймон давлати қувончига тенгдир. Мақтагувчи ҳам муаллиф назарида турибди. Улуғ шоир лутфга назокатли лутф билан жавоб қайтаради ва уни "Билқиси замон" атайди. Эндиги вазифа эса уни аниқлашдан иборатдир. "Бадойиъ ул-бидоя"даги ўттиз тўққизинчи ғазал айрим якунга келиш асосини беради. Ушбу ғазалнинг матлаъ ва мақтаъини келтирамиз:

Беҳи рангидек ўлмиш дарди ҳажрингдин манга сиймо,
Димоғим ичра ҳар бир тухми янглиғ донайи савдо.
Навоий гар қуёш норанжидин беҳрак кўрар, тонг йўқ,
Беҳиким лутф қилмиш, "маҳди улъё – Исматуд-дунё" (1, 60-бет).

Ғазал муайян ҳаётий воқеа таъсирида туғилган. Юқори доирадаги хонимлардан бири Алишер Навоийга чиройли беҳи тақдим этган. Ғазал якпоралигини ана шу ашё таъминлаган. Ёхуд ғазалнинг бошидан охирига қадар тасвирий воситалар ҳам, мазмун ришталари ҳам беҳига уланади. Хотимада барча "можаро"ларнинг сабабчиси бўлган хоним унвони билан эсланади. Жуда жарангдор унвон: "Маҳди улъё – исматуд-дунё!" Бундаги уч сўз изоҳга муҳтож – "маҳд", "улъё", "исмат". Маҳд – кўп маъноли сўз. Унинг "бешик, кажава, оромгоҳ, яшаш жойи, тахт, ётишга мослаштирилган жой, тобут" сингари ўз ва мажозий маъноларини луғатлар ("Фарҳанг...", I, 674-бет) қайд қилади. "Улъё" алоҳида олинганда, "олий, аъло, энг юксак"ни англатади: "Маҳди улъё" – шоҳлар хонадонига мансуб мўътабар аёлларга нисбатан ишлатиладиган унвон. Қимдир уни онасига ва яна кимдир хотинига раво кўрган. Шунинг учун луғатларда хилма-хиллик кузатилади. "Исмат" – поклик, бегуноҳлик, маъсумлик. Бирикма ҳолида эса "дунёнинг энг покиза, бегуноҳ, маъсума аёли"ни англатади. Икки бирикманинг ҳосиласи маълум. Алқисса, XV аср иккинчи ярмидаги Хуросонда "Маҳди улъё – исматуд-дунё" унвони билан дастлаб Абу Саид Мирзо ва кейин Султон Ҳусайн Бойқаро Мирзонинг суюкли хотинига айланган Хадича бегим сийланган. Султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг хонадонига юксак эҳтиром билан қараган Алишер Навоий ўша беғубор муҳаббатини Хадичабегимдан ҳам дариғ тутмаган. Султон Ҳусайн Бойқаро салтанатида сезиларли мавқега эга бўлган хушрўй бу аёл, Алишер Навоийни ҳам назаридан узоқ тутмаган. Унинг шахсий ҳамда ижодий фаолиятини кузатиб борган. Дастлабки байтдаги "Билқиси замон" ишораси билан улуғ шоир ана шу аёлни кўзда тутган, бўлса, ажаб эмас.

Кўчирганимиз иккинчи ва учинчи мисолларнинг ҳар иккаласида ҳам "қаҳрамон" Исо пайғамбардир. Исо ҳам Аллоҳнинг ардоғидаги расуллардан ҳисобланади. "Инжил" унга нозил бўлди. Исо бинни Марям бир қатор унвон ва лақаблари билан машҳур. Иккинчи байтда ўшалардан бирига шаъма қилинмоқда. Одатий ғазал етти байтдан таркиб топган. "Бадойиъ ул-бидоя"да уч юз ўн тўрт рақами остида жойлаштирилган бу ғазалдан ишқ етакчи мавзудир. Шам – ёғду манбаи сифатида мисраларни нурлантириб туради. Бешинчи байтда Исо пайғамбарга мурожаат қилинади. Улуғ шоирнинг бундай уриниши тасодифий эмас. Матлаъдаёқ қулоққа чалинган ошиқнинг нолиши ана шу нуқтага келиб қуюшқондан чиқади. Ҳижрон азоблари қўзғатган оҳнинг тутуни кучайгандай кучаяди. У кўк юзини қоплади, қуёш ҳам кўринмай қолди. Борлиқ зулмат либосига ўранди. Само шамъини ёқиб, оламни мунаввар қилиш қудратига ким эга? Улуғ шоир учун илоҳий манбалар кўмакка келади. Бундан вазифани илоҳий ирода туфайли дунёга келган, бешикдаёқ бурро гапирган,

танг аҳволда қолганда Парвардигор даргоҳига омон-замон кўтарилган Исо пайғамбаргина уддалаши мумкин. Кўринадики, Алишер Навоий ҳиссиёт ва тафаккур теранлигини ёнма-ён тутади. Далиллаш сураларида Иса алайҳиссаломга насиб қилган илоҳий марҳаматлар ҳақида бафуржа ёзилади. Самовий руҳ мўъжизаси бўлганлиги сабабидан у руҳуллоҳдир. "Қисас ул-анбиё"да ўқиймиз: "Гуфт: "Бигўед: "Ло илоҳа иллаллоҳ. Исо руҳуллоҳ" (279-бет). (Деди: (Айтинг: Ло илоҳа иллаллоҳ, Исо руҳуллоҳ) "Оли Имрон" сурасининг қирқ саккиз-қирқ тўққизинчи ояти карималарида ёзилади: "... (Исо бани Исроилга дейди): "Мен (ўзимнинг ҳақ пайгамбар эканлигим ҳақида) сизларга Парвардигорингиздан оят – далил келтирдим: Мен сизларга лойдан қуш тимсолини ясаб, унга пуфласам, у Аллоҳнинг изни – иродаси билан ҳақиқий қуш бўлади... ва Аллоҳнинг изни билан ўликларни тиртилтираман..." (ўша китоб, 40-бет). Тангри ўзининг ҳар бир пайғамбарига бир карoматни иноят этган. Жумладан, Исо нафаси ўткирлиги билан машҳур. Юқорида кўчирганимиз ояти каримадан кейин батафсил изоҳ берган Алоуддин Мансур қуйидагиларни қайд қилади: "...Исо алайҳиссалом келдилару, ҳеч бир табибнинг қўлидан келмайдиган ишни қилдилар – ўликни тирилтирдилар! Шунинг учун ҳам "Қуръон"да у зотнинг номларига ал-масиҳ – силовчи лақаби қўшилди. Яъни у кишининг қўллари теккан – силаган ўликка жон кирар эди"(Ўша китоб, 40-41-бетлар). "Қисас ул-анбиё"да таъкид этилишича, Исо дами – нафаси билан шуҳрат қозонган. Бадиий адабиётга ҳам пайғамбар фазилатининг шу жиҳати кўчган ва у маъшуқанинг оби ҳаёт таратувчи лабларига нисбат берилади. Жумладан, Алишер Навоийнинг қуйида келтирилган байтида Исо алайҳиссаломнинг айни ўша фазилати, урғу билан таъкидланади:

Лаълидин тиргузмак этсам орзу, айб этмангиз,
Ҳеч ким ўлтурмак этмайдур масиҳодин тамаъ (I, 255-бет).

Улуғ шоир минг карра ҳақ. Ҳеч бир инсон ўзига ёмонлик тиламайди. Исо Масиҳга мурожаат қилганларнинг барчаси ундан нажот кутган. Ошиқнинг муроди ҳам маъшуқанинг ҳузур бахш этувчи лабларидир. Учинчи мисолимиз ҳам баҳсимизга мувофиқ. Бу ўринда ҳам талмеҳ санъати вазифасида Исо пайғамбарнинг руҳи муборaки турибди. Икки пайғамбар номининг бир мисрада, ёнма-ён келиши улуғ шоирнинг топқирлиги, байтнинг бахтидир. Юсуф алайҳиссалом бадиий адабиётда, жумладан, Алишер Навоий шеъриятида ҳусн – гўзаллик, ҳаё ва поклик, сабру бардош тимсоли сифатида улуғланади. Келтирилган байтда ҳусн ва тилнинг ширинлигига урғу берилади. Юсуф алайҳиссалом ва унинг зиддиятли саргузашти улуғ ўзбек шоирини ҳамиша ўзига тортиб турган. Шундан бўлса керак, у турли ҳолатларда ўз қаҳрамонлари тақдирида Юсуф алайҳиссалом қисматини кўради, уларга бот-бот мурожаат этади. Келтириладиган шеърий парчаларда буни равшан ҳис этиш мумкин:

Ё фалак берди йиғи, кўр айлаган Яъқубнинг
Кўзлари очилмоқ учун моҳи Канъон муждасин:
Не гули хандон, не Исодур, не Юсуф муждаси
Топти бир маҳжур ўлар ҳолатда жонон муждасин (413-б.).

Жаҳон бадиий адабиётининг қадимий, сайёр ва кўп мурожаат қилинган мавзуларидан бири Юсуф алайҳиссалом саргузаштларининг бош сарчашмаси илоҳий китоблардир. Таниқли шарқшунос М.Б.Пиотровский адолат билан эътироф қилганидек, Юсуф қиссаси Яҳудий ва насронийларнинг илоҳий китобларида ҳам мавжуд. Аммо улар айнан

такрорланган эмас. Бироқ воқеаларнинг муфассал баён этилиши, бадиий нафосати жиҳатидан Қуръони мажиддаги қисса анча баланд туради. (Коранические сказания, стр. 90–100). Шундан бўлса керак мусулмон дунёси халқлари адабиётида Юсуф ва Зулайҳолар номи билан боғлиқ талай асарлар яратилди. Юсуф қиссаси мусулмон олами Илоҳий китобининг ўн иккинчи сурасида ҳикоя қилинади. Шунингдек, “Анъом” ва “Ғофир” сураларида Юсуфга доир ҳукмлар баён этилади. Мана ўшалар бадиий лавҳа ва манзаралар учун асос вазифасини адо этиб келди. Буни юқорида кўчирганимиз мисралар гувоҳлигида аниқ кўришимиз мумкин. Алишер Навоий шеърхонни ишонтирмоқ учун икки манзара танлайди. Улардан бири канъонлик Яъқуб пайғамбарга тегишли. Фалак ўз жафолари тўфонидан Аллоҳ пайғамбарини ҳам дариғ тутмади. Яъқубни суюкли ўғли Юсуф алайҳиссаломдан жудо қилди. Ўртага тушган айрилиқ мусибати отанинг беҳад ёш тўкишига сабаб бўлди. Яъқуб пайғамбарнинг очиқ кўзлари нобино бўлиб қолдилар. Унинг очилмоғи учун ҳозиқ табибларнинг муолажаси эмас, балки “моҳи Канъон” ҳақидаги мужда – хабар фойдалироқдир. Улуғ шоирнинг сўзларни танлаш ва ўз ўрнида қўллашдаги маҳоратига тан бермай илож йўқ. Моҳнинг мисрага киритилиши – бир ўқ билан икки қуённинг отилишига тенгдир. Бирламчи, йўл қўйилиши муқаррар бўлган такрорнинг олди олинган. Юсуфни моҳ – ой алмаштирган. Иккинчидан, бадиият талаблари бажарилган. Юсуф жамоли билан эътиборни тортган бўлса, ой ҳам ёғду ва гўзаллик тимсолидир. Яъқуб пайғамбар, унинг ўн биринчи ўғли Юсуф ҳақида маълумотга эга бўлиш учун “Юсуф” сурасини тиловат қилишга тўғри келади. Дарвоқе, Алишер Навоийнинг айни ишоралари учун ҳам ана ўша мўътабар манба бош сарчашмадир. Зикри ўтган суранинг саксон тўртинчи ва саксон бешинчи ояти карималарини назардан ўтказайлик: “Кейин улардан юз ўгириб, деди: “Эй бечора Юсуф-а!” Ғам-алам ютавериб, у зотнинг кўзлари оқарди (ожиз бўлиб қолди). (Шунда ўғиллари): “Аллоҳ номига қасамки, ҳалок бўлгунингча Юсуфни эслайверадиган бўлдинг”, дедилар” (Ўша китоб, 165-бет). Кўчирганимиз парчанинг ғазал сатрлари учун асос эканлиги шубҳа туғдирмас, албатта. Бироқ ишоралар моҳиятига тузукроқ етиш учун қиссанинг асосий тафсилотидан хабардор бўлиш лозим. Яъқуб пайғамбар Канъонда истиқомат қилган. У ўн икки ўғил кўради. Шулардан ўнтаси бир онадан, Юсуф ва Бинямин бошқа онадан туғилади. Яъқуб кейинги икки фарзандини, айниқса, Юсуфни беҳад яхши кўради. Отанинг бундай ҳаракати катта ўғилларига ёқмас, улар рашкини қўзғарди. Кунлардан бирида Юсуф туш кўради ва уни отасига айтиб беради. Тушнинг таъбири Яъқуб пайғамбар ҳадигини янада оширади. Шикор майлини қилган ўғиллар оталаридан Юсуфни бирга юборишини сўрайдилар. Яъқуб пайғамбар кўнмайди. Бироқ уни рози қилиб, акалари Юсуфни ҳам овга олиб чиқишади. Ҳавойи нафс, рашк оташида тўлғанган акалар хушсурат гўдак Юсуфни қудуққа ташлайдилар. Унинг кўйлагини сўйилган ҳайвон қонига бўяб, “Юсуфни бўри еди”, - дея оталарига айтадилар. Айримлари ҳикоя қилинган воқеалар Яъқуб кулфати ва кўзи ожизлигининг сабабидир. Ғазал сатрларида назарга етадиган иккинчи манзара севишганлар ўртасида содир бўлади. Маъшуқа висолига етолмаган ошиқ юрагига қил ҳам сиғмайди. Ҳижрон азоблари уни ҳолдан тойдириб қўйган. Унинг жонига ҳеч бир нарса аро кира олмайди. Улуғ шоир буни яхши билади. Аммо ўз қаҳрамонини яна бир карра имтиҳондан ўтказади. “Гули хандон” – ўз ва кўчма маъноларига эга. Ошиққа очилган чиройли гул ва хушчақчақ бир санам ваъда қилинмоқда. Йўқ, бўлмади. Ваъдага хилофлик чин ошиқлар шевасида учрамайди. Унда Исо нафаси, Юсуфдек жамолга эга бўлган бошқа бир ёрнинг хабари – ҳеч қайси ҳижрон изтиробидаги қалб оташини сўндира олмайди. Дунёнинг шару шўридан мосуво ошиқнинг дардига биргина даво бор – ўз ёрининг келганлиги ҳақидаги хушхабар. Муқоясадан чиқадиган хулоса аён – ошиқ кулфати Яъқуб пайғамбар ғамидан кам эмас. Шеър табиати буларни батафсил ифодалашни кўтармайди.

Катта гапни кичик бир ишора воситасида етказиш лозим. Талмеҳ хизматга шай. Алишер Навоийнинг бошқа бир ғазалида Яъқуб ва Юсуф алайҳиссаломлар ўртасидаги ўша теран руҳий жараёнлар давом эттирилади. Ушбу ғазал "Бадойиъ ул-бидоя" девонида беш юз эллик икки рақами остида жойлаштирилган.

"Кўнглагингдинким, топар жон дам-бадам Юсуф иси,
Эй Азизим, мен ҳам ул кўнглак аро бир тормен (424-бет).

Воқеалар ривожидан бехабар шеърхон учун бу зим-зиё ўрмон билан баробар. Қаёққа боришини билмай, сар-сари кезишдан нарига ўтмайди. Масаланинг бу жиҳатини ўз ҳолига қўйиб, Алишер Навоийни шундай фикрлашга ундаган манбани аниқлаб олайлик. Яна Қуръони карим "Юсуф" сурасининг тўқсон уч ва тўқсон олтинчи ояти карималарига мурожаат қиламиз: "Сизлар мана бу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига ташласангиз, унинг кўзлари очилур... Энди, қачонки хушхабарчи келиб, уни (Яъни Юсуфнинг кўйлагини Яъқубнинг) юзига ташлагач, унинг кўзлари очилди..." (Ўша китоб, 165-166-бетлар). Байтдаги ишоралар яна бизни Канъонда ибтидо топган воқеалар томон бошлайди. Аллоҳ марҳамати ва яхшигина сабрга таянган Яъқуб пайғамбар Юсуфдан умидини узмайди. Уч кеча-кундузни қудуқ тубида, очлик билан ўтказган Юсуф мушкулини эса йўловчи карвон осон қилди. Тижорат карвони одамлари қудуққа сув учун челак тушириб, Юсуфни тортиб олишди. Карвондагилар ўлжадан хурсанд бўлиб, уни авайлашди ва ўзлари билан Мисрга олиб кетишди. Юсуф алайҳиссалом насли-насабини билишмагани ва эгаси топилиб қолишидан қўрқиб, уни арзон баҳода сотиб юбордилар. Тақдир шамоли ой жамолли Юсуфни Миср Азизи хонадонига туширди. Сабр, поклик, Аллоҳнинг паноҳи Юсуфни балоғатга етказди, туҳмат туфайли зиндон азобларига чидади, ақлу фаросати кор бериб, Миср тахтига ўтирди. Юртни қаҳатчилик балосидан эмин олиб ўтди. Ғарибона кунларга тушган акалари Юсуфдан (уни танимагани ҳолда) мадад сўраб борди. Ниҳоят, ўртадаги парда кўтарилди. Отанинг ишонч ва умидлари рўёбга чиқди, нобино кўзлари равшанлашди, ўғил дийдори насиб этди. Талмеҳ моддаси "кўнглак" ўз ичида шунча воқеаларни пинҳон тутган экан...

"Бадойиъ ул-бидоя" девонидаги олти юз саксон иккинчи ғазалнинг мана бу байтига диққат қилайлик. Шеър етти байтдан таркиб топган ва "Бадойиъ ул-васат" девонида олти юз йигирма учинчи (V, 432-433-бетлар) рақами остида келтирилади. Ғазал рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун) вазнида ёзилган ва анъанавий (а – а – б – а – в – а ва ҳ.) қофия тартибига эга. "Илгини" (қўлини) радиф бўлиб келган.

Зулфидин, тонг йўқ, Калимуллоҳдек этса аждаҳо,
Ким яди байзодин айлабдур намудор илгини (I, 515).

Ғазал замирида ботиний талқин ҳам йўқ эмас. Зоҳирий жилоларига кўра, уни ошиқона шеърлар сирасига киритиш мумкин. Маъшуқа белги ва фазилатларнинг баёни ошиқ тилидан келтирилади. Урфга айланган услубга риоя қилинади. Маъшуқа – ситамкор, ошиқ – ситамкаш. Матладаёқ айтилган ўша оҳанг эшитилади. Тўрттинчи байтда навбат маъшуқа зулфи мақтовига етади. Ана шу муносабат билан "Калимуллоҳ" ва "аждаҳо" тилга олинади. Аввало, ёр ва унинг зулфи ҳақида гап кетар экан, аждаҳога бало борми? Тузукроқ бошқа ўхшатиш топилмадими, каби саволларнинг қалашиб келиши табиий. Дарвоқе, торса бўлади. Ижод аҳли атайни шундай қилишган. Чунки коса тагида нимкосаси ҳам турибди. Ёрнинг юзи, жамолу дийдори бебаҳо хазина, унинг қўриқбони – зулф. Ўша тим қора сочлар паришон қилинса, хазинани пинҳон тутади, номаҳрамнинг кўзи

тушмайди. Хазина, жавоҳирот ҳаммага хуш ёқади, аммо унга эришиш осон эмас. Риёзатга дош бермоқ даркор. Урфиятда нақл бор. Илон-аждаҳо хазинага ўч. Емайди, ишлатмайди, аммо устида кулча бўлиб ётишни ёқтиради. Шундан бўлса керак, эртакларда хазина ва аждаҳо ёнма-ён келади. Мазкур байтда талмеҳ ичида талмеҳ санъати ишлатилган. Ёр васлига етиш осон эмас. Оҳ-воҳ камлик қилади. Рақиблар устидан ғолиб келиш, маҳрини тўлаш талаб қилинади. Алқисса, риёзат чекмагунча ёр васлига етиб бўлмас. Ўхшатишнинг қўлланилишида ҳаётий ҳақиқат устувор. Ўхшатиш ва ўхшатилмишда нуқсон сезилмайди. Пардозланган, парвариш кўрган, жайдари ва табиий моддалар билан озиқлантирилган (ювилган) соч ўсади, товонга уради. Ўшандай соч қалин ва силлиқ қилиб ўрилиб, орқага ташланса, хиром қилиб юргандаги силкиниши илоннинг тўлғанишини эслатади. Булар асосий мақсад атрофидаги гаплар. Энди муддаога ўтайлик. “Калимуллоҳ” – Худо билан воситасиз сўзлашган демоқдир. Бундай олий иноятга Мусо алайҳиссалом мушарраф бўлган эдилар. Зулумот кунларидан бирида шу юксак бахт насиб қилди. Олов ёқиш илинжида тўлғоқ дарди тутган хотини Сайфура ва қўйларини қолдириб, узокдан кўринган шуъла пойида бўлган Расулуллоҳ Тур тоғига етиб қолади. Ёнаётган оловдан таралаётган шуъладан чўғ олиш мақсадида таёқ учидаги ёнтоқни унга тутади. Аммо мурод ҳосил бўлмайди, нур шохдан шохга кўчади. Ана шундай бир вазиятда Аллоҳ ва унинг пайғамбари ўртасидаги яккама-якка мулоқот содир бўлади. Ўша воқеадан кейин Мусо алайҳиссалом Калимуллоҳ унвони билан юритиладиган бўлди. Масаланинг “аждаҳо” ва “яди байзо” билан боғлиқ жиҳатларига ойдинлик киритиш учун яна Қуръони каримга мурожаат қиламиз. “Қасас” сурасининг ўттиз бир ва ўттиз иккинчи ояти карималарида ёзилади: “...Асойингни ерга ташлагин! Бас, қачонки (Мусо) уни илондек қимирлаётганини кўргач, ортига қарамай қочди. “Эй Мусо, кел, қўрқмагин. Зеро, сен (хавфу хатардан) омонда бўлгувчи кишилардандирсан. Қўлингни чўнтагингга солгин, бирон зиён – дардсиз оппоқ бўлиб чиқур ва қанотинг (яъни қўлингни, қўрқувдан (яъни агар бу мўъжизалардан қўрқиб кетсанг қўлтиғингга) қисиб олгин (у яна ўз ҳолига қайтур)...” (Ўша китоб, 279–280-бетлар). Парвардигори олам Мусо алайҳиссаломга кўрсатган марҳаматлари қаторига яна икки мўъжизани ҳам иноят этган. Улардан бири турли қиёфаларга (илон улардан бири) киришга қодир асодир. Иккинчиси эса, оппоқ нур таратувчи қўл ҳисобланади. Алишер Навоий байтида ўша каромат манбалари зикри ўтган маъноларда қўлланилган. Улуғ шоир илҳом қанотида беихтиёр бу рафторга йўл қўйгани йўқ. Ундай ўйласак, шеъриятимиз пирининг руҳи мунаввари олдида шак келтирган бўламиз. Юқорида биз байтнинг ботиний жилоларига шаъма қилган эдик. Дарҳақиқат, ғазалда бир қатор ишоралар (жумладан, калимуллоҳ, яди байзо, Масиҳим) борки, улар ўз-ўзидан ерда кечаётган воқеалар ўзанини самога буриб юборади. Яна аниқроқ айтадиган бўлсак, ошиқона майлидаги ғазал орифона кайфияти томон чуқурлашиб боради. Аслини олганда, бизнинг бу таснифларимиз жуда шартлидир. Қалам соҳиби ҳиссиёт ва тафаккур кенгликларида ғўта урганда ғойибий бир нидо унинг қулоқлари остида жаринг бераётган бир вазиятда таснифга жой қолмаслиги табиий. Яна бир гап, ёрнинг такдири самога, коинотдаги ўзгаришлар заминга дахлдор экан, уларни яхлитликда ўрганиш ва талқин қилиш тўғри эмасми?!

Алишер Навоий девонларида бундай мисоллар беҳад кўп. Уларнинг барчасини илоҳиётга тегишли билиш масалага бир ёқлама ёндашув билан тенг. Улуғ шоир шеъриятида тарихий, жуғрофий, нужумий, шахс ва воқеаларга, машҳур ошиқу маъшуқларга (таснифни яна чўзиш мумкин) ишоралар талайгинадир. Уларнинг барчаси хусусида фикр юритиш имкондан

ташқари, албатта. Биз бу ўринда “Хамса”дан олинган айрим мисраларни назардан ўтказиш билан чекланамиз.

“Хамса” – бебаҳо маънавий хазина. Унинг таркибидаги ҳар бир достоннинг ўзи бир мўъжиза. Ғайбул-иноятдан баҳра топган Алишер Навоий соҳир қалами қудрати уларнинг ҳар бир сатридан англашилиб туради. “Хамса”нинг ҳозиргача етиб келган мўътабар нусхалари орқали унинг эллик бир минг икки юз ўттиз мисрадан иборат эканлиги маълум. Ана шу мисраларнинг ҳар бири бағрида олам-олам сиру асрор, ноёб маънавий дурдоналар яшириниб турибди. Уларни кашф этиш, улардан лаззатланиш ва авлодларга қолдириш учун эса ўнлаб “Хамса”га тенг китоблар яратилмоғи зарур. Айниқса, илоҳиёт билан алоқадор ўринлари жиддий ва юксак савиядаги илмий таҳлилни кутмоқда. Бундай вазифани жаҳон бадиий тафаккури тарихидан, шунингдек, ислом ва унга алоқадор бой маданият босиб ўтган тараққиёт солномаларидан мукаммал хабардор авлодгина уддалаши мумкин. Беҳад илм ва ҳикматлар соҳиби Аллоҳнинг ўша кунларни муяссар қилишига умид бизнинг армонли юракларимизга таскин беради. Бугун иншо этилаётган бир неча жумла эса ўша улуғвор қадамлар йўлидаги бир ҳавас сифатида қаралмоғи лозим, азиз ўқувчим!

Мўътабар “Хамса”нинг биринчи, муқаддимавий достонини варақлаймиз. Комил қаноат эпкини юракка сурур ва фахр бағишлайди. Дарҳақиқат, “Ҳайрат ул-аброр” – пок кишиларни мислсиз, ҳайрат ва ҳаяжонга солишга кодир юксак бадиий яратма! Илоҳий марҳамат туфайли шундай мўъжизани бунёд қилган буюк Инсон ўта ҳокисорлигининг ўзи бир ҳайратдир.

Боғи аносирки, эрур дилкушой,
Жадвали девори анинг чордой.
Бўлса ўту суву ҳаво дилпазир,
Ул аро туфрок ҳам эрур ногузир.
Сарву гулу лола харидори бор,
Лек ўтуннинг доғи бозори бор.
Бўлса хазу атласу иксун либос,
Ит жули қилмоққа ярар ҳам палос.
Лаъл ила ёқуту дур истар баҳо,
Лек сомонники чекар қаҳрабо,
Уч қадаҳи соф ила шаҳ бўлса хуш,
Лойи доғи чекар дурдкаш (Хамса, 32-бет).

Назардан ўтказганимиз мисралар олдида лол қолмай, иложинг йўқ. Эътибор қилинг, бошдан охир тазод – муқобала санъатига таянилган. Ҳамма нарса мароми ва ўрнида ишлатилган. Ғашлик уйғотадиган нимадир топиш мушкул. Яна савол уйғотувчи бир ҳолат эътиборни тортади. Нега уч энг юқори нарса қаторида бир пасти ҳам туриши керак. Ҳаётда бу-ку бор ҳодиса, аммо шеърий парчада шундай қилиш шартмиди? Саволга чек қўйиб, мақсадга кўчайлик. Алишёр Навоий учун «ҳақ йўлида бир ҳарф ўқитган” устоз бағоят мўътабар зот. Мазкур сатрларда Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Деҳлавий, Нуриддин Абдурахмон Жомийларнинг нурли сиймолари нақшланган. Шунинг учун сарву гулу лола, хазу атласу иксун, лаълу ёқуту дур ва уч биллур жомдаги энг тоза май уларнинг насибасидир. Улуғ шоир бу ўринда ҳам “фақирул-ҳақир”мақомида иш тутади, барча паст ва нораво нарсаларни (ит жули бўлишга ярайдиган палос) ўзига муносиб кўради. Булар ҳали ҳалво экан, мана бу ёғини ўқиб кўринг:

Ит киби чун пастлигим чоғладим,
Ўзни бийиклар ипига боғладим.
Бўлса алар олими дашти алам,
Мен ҳам ўлай соя киби ҳам қалам,
Каҳфи бакр ичра алар бўлса гум,
Мен ҳам ўлай робиуҳум калбуҳум (Хамса, 32-бет).

Айтингчи, сиз шу мисраларни чиндан ҳам бефарқ бир кайфиятда ўқидингизми? Фикримча, йўқ. Мисралардаги жўшқинлик, қалбдан узилиб чиққан самимият, устоз муаллимга ғуборсиз садоқат туйғулари ҳеч кимни ҳам лоқайд қолдирмайди. Парчада "каҳф", "робиуҳум калбуҳум"ни истисно қилганда, тушунилиши қийин сўзлар учрамайди. Каҳф – ғор, робиуҳум калбуҳум - "Тўртинчи итлари бўлай" – демакдир. Бироқ булар билан ҳам ҳамма нарса ойдинлашиб қолмади. Итнинг соя каби буюкларга эргашуви, дашти адам (йўқлик), каҳфи бақо ичра гум бўлмоқ сингари тагдор ибора ва жумлалар ҳар қандай китобхонни ҳам ўйлантириб қўяди. Яна Алишер Навоийнинг ўшалар сафида ит мақомида бўлишга интилиши таажжуб уйғотади. Айримларини санаганимиз ишоралар талмеҳ санъати саналади. Ва калаванинг учи диний адабиётларда "Асҳобул-каҳф" сарлавҳаси билан машҳур қиссага уланади. Бадиий асарларда, жумладан, кўчирганимиз парчада ўша қиссага шаъма қилинган. Мазкур ишоралар қайси манбадан бадиий адабиётга кўчди? Ким кимдан ўзлаштирди? Саволлар ўринли. Унинг жавоблари ҳам тайин. Таянч сарчашма Қуръони каримдир. Ислом дунёсида вояга етган ижод аҳли зикри ўтган қиссани бош манбанинг ўзидан ўрганган. Менинг қатъий хулосам асоссиз эмас. Ўтмишда яшаб ўтган саводли ҳар бир инсоннинг тили Қуръони мажид тиловатида "чархланган". Муқаддас илоҳий китоб ўн саккизинчи "Каҳф" (Ғор) сурасининг талай ояти карималари ўша қисса тафсилотларига бағишланиди. Тўққизинчи ояти каримадан кейинги батафсил изоҳда ёзилишича, Исо пайғамбар замонларидан кейин Рум давлатларидан бирида Дақёнус исмли жоҳил бир шоҳ ҳукмронлик қилган экан. У ўз тасарруфидаги юрт аҳолисини бутларга сиғиниш учун ундарди. Кўпчилик шоҳнинг амрини вожиб билиб бутпарастликда давом этади. Бир неча йигитга бу тартиб хуш келмайди ва улар Аллоҳга сиғинадилар. Кунлардан бирида бу хабар Дақёнусга етади. У ўша йигитларни чақириб суҳбатлашади. Фикр қилиб кўриш учун бир кечалик муҳлат белгилаб, уйларига жавоб беради. Подшоҳнинг кайфиятини сезган ўз эътиқод йўлларидан қайтишни истамаган пок йигитлар юртни тарк қилишга аҳд этишади. Улар саҳродан ўтиб кетаётганда, бир чўпоннинг ити ҳам эргашади. Итни қайтаришга қанчалик уринишмасин, у пок йигитлар билан бирга юришда давом этади. Йигитлар ва ит олдиларида дуч келган тоғнинг ғорига кириб яширинадилар. Эрталаб воқеадан хабар топган Дақёнус сарбозлари билан улар изидан тушади. Ғор оғзида изларини йўқотиб қўйган жоҳил шоҳ унинг оғзини мустаҳкам қилиб беркитишни буюради. Йўл юриб ҳолдан тойган йигитлар ва ит уйқуга кетадилар. Мутаржим шаҳодатига кўра, ширин уйқу уч юз йилга чўзилган (Ўша китоб, 296-бет). Қуръони мажиднинг ўн-ўн бир ҳамда ўн саккизинчи ояти карималарида ўша қисса қаҳрамонлари ҳақида ўқиймиз: "Эсланг, ўшанда улар ғорга паноҳ истаб боришиб: "Парвардигоро, бизларга ўз ҳузурингдан раҳмат – марҳамат ато этгин ва бизларнинг ишимизни ўзинг ўнглагин", дедилар. Бас, биз ўша ғорда бир неча йил уларнинг қулоқларига уриб (яъни уларни ухлатиб) қўйдик. Уйқуда эканлар, кўзлари очиқ бўлгани учун сен уларни уйғоқ деб ўйларсан. Биз уларни (баданларидан ерга тегиб турган томони чириб кетмаслиги учун) ўнг томон, сўл томонга айлантириб турурмиз. Уларнинг итлари эса олд оёқларини остонага ёзиб ётур..." (Ўша китоб, 206-207-бетлар).

Юқорида таъкид этилганидек, уч юз йил ётган бўлишларига қарамай, кеча ухлаган сингари уйғонган йигитлар оч қолганликларини ҳис этишади. Бор пулларини йиғиб, егулик олиб келиш учун бир вакилларини ташқарига чиқаришади. Алқисса, бозорда унинг қўлидаги пулнинг эскирганлиги баҳона бўлиб, масала подшоликка етади. Ғордан келган пок инсон аҳли солиҳ подшога бошларидан кечган барча воқеаларни ипидан игнасигача сўзлаб беради. Бундан ҳайратланган шоҳ мулозимлари билан уларнинг зиёратига ошиқади. Ғорда макон тутган пок инсонларнинг сони хақида турлича қарашлар ҳукм суради. Қуръони мажиднинг йигирма иккинчи ояти “ҳали улар (яъни Пайғамбар алайҳиссаломга замондош бўлган яҳудий ва насораларнинг айримлари ўша Асҳобул Каҳфни) “Учтадир, тўртинчилари итларидир”, десалар, айримлари: “улар бешта бўлиб, олтинчилари итларидир”, деб ғайбга тош отурлар (аниқ билмаган нарсалари ҳақида гап сотурлар). Яна: “Улар еттитадирлар, саккизинчилари итларидир, ҳам дейдилар. (Эй Муҳаммад) “Уларнинг саноқларини энг яхши биладиган зот Парвардигоримдир. Уларни жуда оз киши билур” денг... (Ўша китоб, 207-208-бетлар). Муқаддас илоҳий каломга шак келтириш учун ҳеч бир мўъмин-мусулмоннинг журъати етишмаслиги тайин. Айни ақида ҳазрат Алишер Навоийга хам тегишлидир. Вужуд-вужуди билан камолот даражасидаги мусулмон бўлган улуғ шоир Асҳобул-каҳф таркибидаги пок ва иймонли инсонлар сони устида махсус баҳс юритиши ўз олдига вазифа қилиб қўйган эмас. Буюк мутафаккирнинг бош мақсади ислом шеърияти улкан арбобларини улуғлашдир. Ислом маданияти тарихида Алишер Навоийга қадар бўлган босқичда “Хамса” шуҳратини кўтарган ўша уч устоз қаламкаш “Асҳобул-каҳф” таркибидаги йигитларга ўхшатилади. Покликка садоқат қўйгани ва уларга эргашгани учун ҳам ит шараф қозонди. Алишер Навоий ана шундай шарафни ўзига раво кўрган. Алқисса, олти сатр зимнида “Қаҳф” сурасида баёнини топган ана ўша оят-ибратлар ётади. Садоқат ва покликнинг умри қийноқлар хазонини писанд билмай, тилларда достон бўлиб бақо боғида яшайди. Асҳобул-каҳф ва унга сидқ ила мурожаат этганларнинг мангуликка парвози бунинг ёрқин нишонасидир.

“Ҳайратул-аброр”нинг ўн учинчи мақолотидан кейинги ҳикоят Айюб пайғамбарга тегишли. Ўша ҳикоят хотимасида шундай байт бор:

Бот бўлу бир жом ила еткур футуҳ
Сабр эса Айюбча йўқ умри Нуҳ (Хамса, 106-бет).

Нуҳ, умри билан боғлиқ гаплар юқорида айтилди. Ҳикоятни поёнига етказган муаллиф соқийга мурожаат этади. Чарчоқ устидан ғолиб келиши учун бир жом шароб сўрайди. Улуғ шоирнинг писандаси бизни кўпрок қизиқтиради. Нуҳ умрини тиламасам ҳам, сабрим Айюбча бор! Нега Айюб пайғамбар, бошқалари ҳам бор-ку! Фақат шу ўринда эмас, бошқа сатрларда, гап сабру тоқатга тақалганда, албатта, Айюб алайҳиссаломга шаъма қилинади. Айни таъкидимиз, ўтмишда қалам юритган барча ижод аҳлига дахлдор деса, хато бўлмайди. “Қисас ул-анбиё” ажиб лавҳаларни эслатади. Айюб пайғамбар ўн нафар оч дарвешни тўйдурмагунча, таом танаввулига ўтирмас экан. Ўн яланғочни кийдирмагунча, либосини алмаштиришдан уяларкан (189-145-бетлар). Бундай мисоллар беҳад кўп келтирилади. Муҳими, нега барча пайғамбарлар камсуқум ҳаёт гирдобига ташланган! Сайфура маҳрини тўлаш учун Мусо алайҳиссалом ўн йил давомида Шуъайб пайғамбар қўйини боқиши шартмиди! Аллоҳнинг назарида бўлган жаноби Муҳаммад Мустафонинг қийноқлар гирдобида тутилишдан мурод нима? Гумроҳ ва эътиқодсиз бандалар учун булар шунчаки ривоят туюлиши мумкин. Аслида, ўша лавҳалар мағзида катта ҳаётий фалсафа мужассам.

Уларда илоҳиётнинг улкан инсонпарварлик моҳияти сингдирилган. Бундай ҳикоятларни оммадан ўз шахсияти ва ўткинчи айши учун ҳамма нарсага ҳозиру нозир тўралардан сир тутиш гуноҳи азимдир. Аксинча, мазкур ҳикматлар кўпроқ тарғиб этилмоғи лозим. Айюб пайғамбар ҳақида Қуръони мажиднинг “Анбиё” ва “Сод” сураларида ҳикоя қилинади. Айюб пайғамбар дастлаб бой-бадавлат яшаган. Кейинчалик мол-мулк кетган, зоҳирий ва ботиний хасталиклар бошланган. У зот сабр қилган, нолиб Аллоҳга ва атрофидагиларга шикоят этмаган. Бирин-кетин етти ўғли ва қизидан жудо бўлган. Аммо Айюб пайғамбар сабру қаноатдан узилмади (Ўша китоб, 234-бет). “Сод” сурасининг қирқ бир-қирқ учинчи ояти карималарида ўқиймиз: “(Эй Муҳаммад), бандамиз Айюбнинг Парвардигорига нидо қилиб, “Дарҳақиқат, мени шайтон бало ва азоб билан ушлади” деган пайтини эсланг! (Шунда унга айтилди): “Оёғинг билан (остингдаги ерни) тепгин” (У Аллоҳнинг амрини бажарган эди, ўша ердан бир чашма отилиб чиқди. Сўнг унга айтилди): “Мана шу муздек чўмиладиган ва ичимлик сувдир”. (Қачонки, Айюб у сувда дарҳол даво топди). Ва Биз ўз томонимиздан меҳрибонлик - кўрсатиб ҳамда ақл эгалари учун эслатма – ибрат бўлсин деб, (Айюбга) аҳли оиласини ва улар билан қўшилиб, яна ўшаларнинг мислига (бола-чақа) ҳадя этдик (ўша китоб, 335-бет). “Қисас ул-анбиё” шаҳодат берадики, Айюб пайғамбарнинг тўшакка михланган оғир хасталиги ўн саккиз йилдан зиёдроққа чўзилади. Баданлари сасиб, қуртлаб, чидаб бўлмас даражага етади. Ҳатто никоҳидаги хотини жирканган пайтлар бўлган экан. Аиюб пайғамбар тақдири инсоният авлоди учун ибрат мактаби, собирликнинг юксак намунасидир. Халқда “сабрнинг таги олтин” нақли бор. Фикримча, у Айюб пайғамбар каби мураккаб қисматлар таъсирида шаклланган кўринади...

Охирги мисолни “Хамса”нинг хотимавий достони “Садди Искандарий”дан танлаш маъқул кўрилди. Бундай майлнинг ўз изоҳлари ҳам йўқ эмас. Ислом маданияти, унинг таркибий қисми Шарқ халқлари адабиётида кўп мурожаат қилинган сиймолардан бири Искандардир. Ушбу тимсол кичик шеърий асарларда донишманд давлат арбоби, саркарда, тадбиркор ҳукмрон ва яна дунё, мол-мулк, салтанат, ҳашам бақосизлигининг рамзи ҳам бўлиб келади. Далил учун улуғ шоирнинг “Наводир ун-ниҳоя” девонидан икки мисолни олиб кўрайлик:

Чун қўюб кетгунг жаҳон мулкин, мусаҳҳар бўлди, тут,
Чун ётиб ўлгунг фалак тахти муяссар бўлди, тут.
Вир овуч су топмайин ўлмак керак чун ташна лаб,
Баҳр ила бар фатҳида ўзни Скандар бўлди, тут. (II, 74-бет).

Яна: Гар Скандар мулки бирла Хизр умри берсалар,
Уйла мулку бўйла умри жовидондин кечмамен (II, 403-бет).

Ҳар иккала кўчирмамизда ҳам Искандар, вазн тақозосига кўра, “Скандар” тарзида ёзилган. Унга мурожаат этишнинг моҳияти бу фоннй дунё тахту ҳашами, бойлик ва сарватининг бевафолигини таъкидлашдан иборатдир. Биринчи мисолимизда улуғ шоир Искандарнинг машҳур васиятига шаъма қилади. Искандар Мағрибу Машриқдаги давлатларни ўз тасарруфига ўтказди. Қофдан Қофгача бўлган масофа унинг қаламравида эди. Қуруқлик ва сув остидаги мўъжизаларни кўрди, беҳад мол-мулк тўплади. Безакли тахтда ўтирди, беҳад айшу ишратлар кўрди. Ажал етганда, уларнинг ҳеч бири жонига оро кира олмади. Тупроқ уни ҳам ўз қаърида яширди. Ана шу аччиқ ҳақиқатни қалбдан кеч ҳис қилган Искандар тобутда олиб келаётганларида бир қўлини кафандан панжалари очик ҳолда чиқариб қўйиб олиб кетишларини васият қилади. Урфиятда “кўзим очиқ кетадир”, “Панжаларим

очиқ кетади” қасами бор. Бундай қаттиқ қасамлар номуродлик, нимагадир эришмасликдан норозилик белгисидан акс-садо беради. Шуни назарда тутган мулозимлардан бири ийманиб, учинчи васиятнинг сабабини сўрайди. Мулозим сўроқдан олдин. Унинг “баҳру бар (сув ва ундан холи ерлар) ҳукмрони, сон-саноқсиз бойликнинг хўжаси”, барча орзулари ушалган бир шахс эканлигини таъкидлайди. Шундан сўнг “Ҳайратул-аброр” достони ўн тўртинчи мақолотидан кейин берилган ихчам шеърий ҳикоя хотимасида Искандарнинг дардли ва ҳамон жумбоқ бўлиб қолаётган жавоби келтирилади:

Қабрга чун бошлағунгуздур йўлум,
Наъш ёнидин чиқаринг бир қўлум.
То кишиким қилса назар ул сори,
Ибрат ила боққай ўшул қўл сори,
Билгай аниким ети кишвар шаҳи,
Етти фалак мушкилининг оғаҳи.
Жисмида жой йўқ бу макондин борур, –
Холи илик бирла жаҳондин борур.
Кимки жаҳон мулки ҳавасдур анга, -
Ушбу илик тажриба басдур анга (Хамса, 110-бет).

Афсуски, Искандар замонидан Навоийгача ва ҳатто ҳамон бу аччиқ ҳақиқат сабоқ мақомига кўтарилганича йўқ. Бугун ҳам сарвату ҳашам, мансабу дабдабалар, ҳаром молу мулк барча разилликларнинг дояси бўлиб қолмоқда. Иккинчи мисолда ҳам ўша ҳамма замонлар учун долзарб масалага ишора кетади. Байтда шаъма қилинган мулк – Искандарга, “умри жовидон”, мангулик Хизрга тегишлидир. Ғазал қаҳрамони – ошиқ уларни писанд билмайди. Чунки унинг булардан ҳам катта давлати бор. Бу – ишқ. Безавол ишқ йўли – мангулик. Сиз айтишингиз мумкин, ишқ Искандарда ҳам бор эди-ку! Тўғри, Мехриноз, Равшанак, Лўъбати Чин фотиҳ жаҳонгирнинг кўнглини овлай олган гўзал, оқила, бокира ва довюрак хонимлар бўлган. Аммо бу – мажозий ишқ намунаси. Инсоннинг фоний дунёдаги умри саноқли. Халқда уни умумлаштириб, “тўрт кунлик” дейдилар. Имтиҳон ва ибратлар дунёсида инсон меҳмон мақомида бўлгани ҳолда, унинг ишқи мезбон бўла оладими? Жавоб муайян. Йўқ. Боқийлик икки олам подшоҳи Парвардигори Каримнинг ҳаддига сиғади. Алишер Навоий талқинидаги қаҳрамон барча нарсани, ҳатто Хизр умрини ҳам ана ўша зотга бўлган ишққа алмаштирмоқчи эмас. Яна бир ҳақли савол пайдо бўлади. Аллоҳнинг марҳамати билан Хизрга оби ҳайвон насиб қилди, бу унга умри жовидон бағишлади. Ошиқ нега энди уни тан олмайди? Хизр умрининг интиҳоси ҳам Аллоҳга дахлдор. Ошиқ бунга қаттиқ ишонади. У Исломий таълимотнинг “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У якка-ягона ва мангудир” ақидасига ширк келтиришни нораво ҳисоблайди.

Қатор йирик ҳажмли маснавийлар учун ҳам илҳом манбаси бўлиб келди. Форсу туркий халқлар ёзма бадиий адабиётида бу мавзуда ўнлаб ноёб асарлар ижод қилинди. Улардан аксариятининг бош қаҳрамони Искандардир. Алишер Навоий ҳам жаҳонгир саргузаштига бефарқ қолмади. Унинг тадрижий тараққиёт тарихини пухта ўрганди. Мукаммал тасаввур ва таассуротдан кейин қалам ушлади, ўзига хос, замон жароҳатлари билан йўғрилган бадиий етук асар яратиб қолдирди. Мазкур асарни ҳар томонлама илмий таҳлил қилиб, муносиб баҳосини бериш алоҳида жиддий тадқиқотларни тақозо этади. Биз бу ўринда шу шоҳ асарнинг бир байти уйғотган фикрларни баён қилиш билан чекланамиз. Мазкур байт асарнинг тўққизинчи, Султон Ҳусайн Бойқаро Мирзо мадҳига бағишланган бобида келтирилган.

Чекиб фитна яъжужига бир саъй,
Қилич шаклидин "Садди Искандарий" (Хамса, 644-бет).

Хуросон давлатининг хукмрони, мактабдош ва кўкалдош дўсти ҳақида мушоҳада юритилаётган саҳифаларда яъжуж-маъжужлар офати, уларга қарши Искандар девори бунёд қилиниши воқеаларига ишора қилиш талмеҳ санъатини юзага чиқарган. Улуғ шоир танлаган йўл маъқул. Чунки хоҳ инсон, хоҳ нарса ва буюм бўлсин, унинг нуқсон ёхуд фазилатн қиёсда аниқроқ кўринади. Бадиий асарда ҳам бундай услубий жило, унинг гўзаллиги ва муваффақиятини тайин этади. Алишер Навоий Султон Ҳусайн Бойқаро "панжасига панжа ура" оладиган тарихий шахс сифатида Искандарни мувофиқ кўради. Бутун боб давомида тазод санъатининг моҳирона қўлланишини ҳис этиш мумкин. Айни мулоҳаза бошқа шеърий санъатлар иштирокини чеклаб қўйгани йўқ, албатта. Улар ҳам бор. Масалан, кўчирганимиз байтда ўта муболаға - иғроқ воситасига зўр берилган. Искандар ҳайбатли девор билан яъжуж-маъжужлар балосига тўсиқ солган бўлса, Султон Ҳусайн Бойқаро "Садди Искандарий"дай қилич бидан уларни ўртадан кўтарди. Ривоятга кўра, Қирвон воҳасидаги тоғ билан тоғ оралиғи ўн чақирим (километр) лик масофа экан. Ўша йўлдан ваҳший кучлар юриб ўтиб, тинч аҳоли бошига кулфат тошларини ёғдирган. Искандар қурган деворнинг узунлиги ўшанча. Чунки у ўша масофани тўсиши шарт эди. Маҳрамат, солиштиринг, қилич ва девор сизнинг ҳукмингизда. Тўғри, тузилиши, ранги ва тузилган моддаси нуқтаи назаридан қилич ва девор ўртасида яқинлик бор. Қилич сал эгикроқ, темир – пўлат аралашмасидан ясалгани учун ранги оқ, ялтироқ. Искандар деворида ҳам ўша модда ва белгилар (албатта, тасвирда) бор эди. Қиличнинг ҳажми (эни ва узунлиги) масаласига улуғ шоир учқур хаёлга эрк берганки, у бундай қилишга тўла ҳақлидир. Зикри ўтган мулоҳазалар талмеҳ санъати учун асос бўлган мавзу манбалари ҳақида оз бўлса-да, тўхталиб ўтишини талаб қилади. Дарвоқе, Искандар ва унинг инсоният авлоди олдидаги улкан хизмати яъжужларга қарши деворнинг бунёд этилиши экан, ўша воқеалар қайси сарчашмадан бадиий адабиётга кўчди? Истасак, истамасак, жавоб яна илоҳий китобларга келиб боғланади. Академик М. Б. Пиотроискийнинг маълумотларига кўра, Искандар ва яъжуж-маъжуж воқеаларига ўхшаш лавҳалар "Инжил"да кўзга ташланади (Ўша китоб, 148–149-бетлар). Ана ўша манбадан воқеалар тафсилоти халқ оғзаки ижоди ва ёзма бадиий адабиётга кўчиб сайқалланган. Мусулмон дунёсида вужудга келган бадиий яратмалар учун Қуръони каримдаги қисса туртки бўлганлиги шубҳа қолдирмайди. Муқаддас илоҳий китобнинг "Кахф" (81–98-ояти карималари) ва "Анбиё" (94–97-ояти карималари) сураларида Искандар зулқарнайн ҳамда яъуж-маъжужлар ҳақида бафуржа мулоҳазалар баён қилинган. Далил сифатида "Қаҳф" сураси тўқсон уч – тўқсон тўртинчи ояти карималарини назардан ўтказайлик: "То (кетаётиб) икки тоғ ўртасига етиб келгач, у (тоғлар ортида) бирон гапни англай олмайдиган қавмни учратди. Улар: "Эй Зулқарнайн, шак-шубҳасиз, (шу тоғлар ортидаги) яъжуж ва маъжуж (қабилалари) ер юзида бузғунчилик қилғувчилардир. Бизлар сенга бир (миқдор) тўлов тўласак, биз билан уларнинг ўртасига бир сад чекиб (бир тўғон қуриб) берурмисан?" дедилар" (ўша китоб, 213-бет). Мазкур мавзудаги достонларнинг деярли ҳаммасида сад – тўғон бош муаммо ҳисобланади. Ўртага қўйилган жумбоқ эса маълум шахс ёхуд гуруҳлар манфаатига эмас, балки умуминсоний дардни енгиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шу каби лавҳаларга таяниб, Қуръони мажиднинг бош мавзуси инсон ва инсонсеварлик дейилса, сира хато бўлмайди. Буни "Зулқарнайн қиссаси" мисолида ҳам аниқ-равшан кўриш мумкин. Яъжуж-маъжужлардан жафо кўрган қавм-қабилалар Искандарга мол-мулк

таклиф этганларида, у уларга қарата қуйидагича жавоб беради: “У (Зул-қарнайн) айтди: “Парвардигорим менга ато этган (салтанат) сизлар берадиган (мол-дунёдан) яхширокдир. Бас, сизлар менга (мол-дунё билан эмас, балки куч-қувват билан ёрдам беринглар, мен сизлар билан уларнинг ўртасига бир девор бино қилай” (“Каҳф”, 95-ояти карима, 213-бет). Бош манбада бино этилиши лозим мажозий иншоотнинг мустаҳкам бўлишига алоҳида диққат қилинади. Шу мақсадда девор асосини ташкил қиладиган қурилиш ашёлари хилларининг “Каҳф” сурасининг тўқсон олтинчи ояти каримасида ўқиймиз: “Сизлар менга темир парчаларини келтиринглар. То (темир парчалари) иккала тоғ билан баробар бўлгач (Зул-қарнайн: Босқонлар билан) дам уринглар, деди. Бас, қачон у (темир-терсакларни қиздириб) ўт қилгач, (эритгач), деди: “Менга эритилган мис (ҳам) келтиринглар, уни (темир парчаларининг) устидан қўюрман” (Ўша китоб, 213-бет). Энди айтингчи, мусулмон олами илм ва адабиёт аҳли чинакам далиллаш санъатини Қуръони каримдан ўрганган, деса хато бўладими? Фикримизча, ҳақиқат тан олинган йиллар давомида зўрлаб эгилган илмий адолат қайта тикланган бўлур эди. Алқисса, айримларини эътироф этганимиз лавҳалар, муқаддас илоҳий китоб йирик маснавийларимиз учун таянч манбаъ бўлиб хизмат килган. Қуръони каримга сиғинган қаламкаш асосий жавҳарни ундан олиб, ўз ҳолвасини пишириш йўлидан борган. Муҳими, муқаддас Илоҳий китобдаги юксак инсонийлик ва инсон қадрини шарафлаш, поклик, эзгу ахлоқий фазилатлар табъ аҳли учун илҳом манбаси бўлиб келди. Бугун биз бадиий сўз санъатида амал қиладиган адабий алоқа ва ўзаро таъсир хусусида баҳс этганимизда, ҳозирга қадар унутилиб келинган ўша нозик жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда фикрлашни эсда тутмоғимиз лозим. Чунки Қуръони каримдаги бўлиқ мазмун фикрлашга, бор ҳақиқатни рўйи рост тан олишга даъват этади. Мавзунинг илк илдизларини Абулқосим Фирдавсий ва Низомий Ганжавийлар асарларидан эмас, балки Қуръони мажид бағридан излаш лозимлигини кўрсатади. Олдинги саҳифаларда ваъда қилганимиздай, шу ўринда талмеҳ баҳсига нуқта қўйишимиз керак эди. Аммо мавжуд адабий маълумотлар яна икки оғиз гапиришни талаб қилаётир. Фақат шеърий парчаларнинг таҳлилга тортилганлиги муҳтарам ўқувчиларимизни бир ёқлама хулосага олиб келмаслиги учун улуғ шоирнинг насрий мероси лоақал “Муножот” ҳақида қисман тўхталиш лозимлигини кўрсатмоқда.

“Муножот” – Алишер Навоийнинг илоҳиётга бевосита алоқадор асарлари сирасига киради. Ҳажми нуқтаи назаридан ўта ихчам бу асар улкан адибнинг бошқа мансур бадиий яратмалари сингари мусажжаъ санъатида бунёд этилган ва равон ўқилади. “Муножот” “кириш”, “ҳамд”, “наът” ва асосий қисм (катта муножот)дан таркиб топади. Асарнинг “Ҳамд” ва “наът” бўлимчаларида талмеҳ – тазмин қоришиқ санъатларнинг ишга солинганлиги аёнлашади. Девонлари дебочалари “Хамса” таркибидаги достонларнинг мусажжаъ – мансур сарлавҳалари, ҳамду сано ва наътга бағишланган шеър ҳамда маснавийлари бобларида бўлгани каби шу ўринда ҳам қўшалоқ санъатлар, оятлар, ҳадис ва дуоларни мисра ёхуд жумлалар тўқимасига сингдиришда кўринади. “Муножот”нинг бир саҳифага яқин ҳамду наътида ўн иккита ана ўшандай мазмундаги ишораларнинг борлиги фикримиз далилидир. Мисол тариқасида “ҳамд”да келган мана бу жумлани олиб кўрайлик: “Бемонандлигингга алайса камислики шаъйун” гувоҳи содиқ, бепайвандлиғингга “лам ялид ва юлад” далили мувофиқ” (“Муножот”). Қуръони карим сураларига ишора борлиги учун бу ўринда талмеҳ аломатлари ҳақида гапириш мумкин. Шаъма қилиш билан қаноатланмай, парчалар кўчирилганлиги тазмину талмеҳ қоришиқлигини таъмин этган. Кўчирганимиз жумлада Аллоҳнинг улуғ ва бетакрор зот эканлиги таъкидланмоқда. Ислом оламида бор ҳақиқатниг далили вазифасини ҳар қандай ҳужжат бажара олмайди, албатта. Зўрнинг ёнига қудрати жиҳатидан лоқал муқобил туриши мумкин бўлган кучни қўйиш ярашади. Алишер Навоий

ана шу мантиқни назардан қочирмаган ва Аллоҳ буюклиги далилини Илоҳий китобдан келтирган. Биринчи иқтибосни “Аллоҳга тенг келадиган бирор нарса йўқ” тарзида таржима қилиш мумкин. Қуръони мажидда худди шу мазмундаги жуда кўп ояти карималарга дуч келамиз. Масалан, “Бақара” сурасидаги бир юз олтмиш учинчи ояти каримага диққат қилинг: “Тангрингиз ягона тангридир. У меҳрибон ва раҳмли тангридан ўзга ҳеч қандай тангри йўқдир” (ўша китоб, 20-бет). Исломий таълимотга кўра, Аллоҳнинг ота-онаси, хотин, бола-чақаси, нозирию вазири йўқдир. У туғилмаган, туғмаган, туғдирмаган зотдир. Жумлада шу фикрга урғу берилган ва яна Қуръони мажиднинг “Ихлос” сурасига мурожаат этилади. Зикри этилган суранинг биринчи ояти каримасидан иқтибос олинади. Илоҳий жумланинг тўла мазмуни эса қуйидагича: “(Эй Муҳаммад) айтинг: “У Аллоҳ Бирдир. (Яъни Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У якка-ю ёлғиздир)” (Ўша китоб, 530-бет).

Бой адабий манзара шу йўсинда давом этади. Уларнинг ҳаммасини бирма-бир таҳлил этиш фурсати етар. Аммо бир ҳақиқат ойдинлашди, деб ўйлайман. Алишер Навоий мероси ва илоҳиёт эгизак тушунчалар, уларни айрим-айрим талқин килиш гуноҳдир.

ОШИҚ, АНИ БИЛКИ, ЭРУР ДАРДНОК...

Ишқу ошиқ – бадиий сўз санъатининг доимий йўлдоши. Асрлар оша ишққа мурожаат этилади, унинг азоби ҳаловатлари ҳақида ёзилади. Ишқни куйламаган шоир ва ишқ дарди аралашмаган шеърни топиш мутлақо мумкин эмас. Сарлавҳа вазифасидаги сатр ҳам шундай хусусиятга молик. У Алишер Навоийнинг: соҳир қалами билан иншо этилган. "Ҳайратул-аброр" достонининг тўққизинчи бобида келтирилади. Мазкур боб тўлалигича ишқ баҳсига бағишланган. Унда улуғ ўзбек шоирининг юрак нидоси қуйидагича акс-садо беради:

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.
Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,
Ҳуснни нетсун кишиким, они йўқ...
Ишқ эрур дурру кўнгул дурж анга,
Балки қуёш ишқу кўнгул бурж анга (Хамса, 85-бет).

Эътибор қилинг, улуғ шоир масалани жуда кескин қўяди. Унинг нафаси ўткир, қасами шиддатли ва кескир. "Ишқ бўлмаса икки жаҳон – бу дунё у дунё бўлмасин! Жазава тобора авж мақомига кўтарилади, фикрлар ҳукм ила алмашинади. Ошиқ қалб садолари лўнда мантиқий хулосаларга айлана боради. Икки – фоний ва бақо олами бўлмас экан, жоннинг нима кераги бор?! Ошиқ қиёсий мушоҳада жиловини эркин қўйиб беради. Ишқсиз вужуд – жонсиз жисм. Модомики, ишқу жон бўлмас экан, ҳусну тароват ҳақида бош қотириш мантиқсизликдир. Улуғ шоирнинг ташбеҳларга йўғрилган жўшқин оҳанги баланд пардада давом қилади. Қўш ўхшатишу ўхшатилмишлар мисраларга бўлиқ мазмун ва оҳор бағишлайди. Ишқ дур – кўнгил дурж. Дурж – икки томони зар шокилалар билан зийнатланган, қимматбаҳо матодан тикилган - халтача – ҳамён. Кўнгил – хазина. Унда ишқ маҳфуз. Дурж – ҳамён. Унинг қадри дуру жавоҳирот билан баланд. Муҳокама майдони кенгайиб, воқеалар Ердан Самога кўчирилади. Ишқ – Қуёш, кўнгул – бурж. Табиий қонуният бузилгани йўқ. Фалак ўн икки бурждан таркиб топади. Қуёш ана шу доирада ҳаракатини давом этади. Яна, кўнгил ишқни, бурж қуёшни ўз бағрида асрайди.

Улуғ ўзбек шоири бу йўлда ягона йўлловчи эмас. Унинг ҳамдарду ҳамроҳлари кўп. Бу ўринда ўшалардан бири Алишер Навоийнинг ўз иборалари билан эслаганда, "Туркистон мулкининг шайхул-машойихи" Хожа Аҳмад Яссавий қиёсида қисқа мушоҳада юритиш билан чекланамиз. "Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил, Парвардигор!" Муножот оҳангини қаранг!

Мазкур илтижо маънавий султон, туркий тилдаги маърифий адабиётнинг пешволаридан бири Хожа Аҳмад Яссавийнинг қалб нидосидир. Тафаккур дунёсининг буюк алломалари, жумладан, Туркистонда мангу Ватан топган улуғ руҳий арбоб ҳам ишқни ҳаётнинг мояси, ҳаракатлантирувчи кучи билади. Келинг, унинг юрак туғёнига қулоқ тутайлик:

Ишк дардини талаб қилдим, дармони йўқ,
Ишқ йўлида жой берганни армони йўқ.
Бу йўлларда жон бермаса имкони йўқ,
Ҳар не қилсанг, ошиқ килғил, Парвардигор![1]

[1] Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Ғафур Ғулом номидаги АСН, Тошкент, 1991. – 106-бет. Бундан кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олинади ва саҳифалар матндан сўнг қавсда кўрсатилади.

Ишк – инсон умрининг мазмуни. Яшашдан кузатилган бош мақсад ва моҳият унинг мағзида мужассам. Ишқ – илоҳий неъмат. Уни муносиб баҳоламаслик, маъносига етмаслик ўзини, умрини ерга уриш, қадрламаслик билан баробар. Ишқсиз ўтган лаҳза – зим-зиё зулмат қаърида алаҳсирашдай гап. Ишқ ўз дарду изтироблари, армону машаққатлари билан лаззатли. Ўшалар туфайли ишқнинг мақоми баланд, мўътабар. Дардсиз ишқ – ҳаловатсиз турмуш билан тенг. Ўзининг илоҳий, мўъжизавий қудратини йўқотади. Бетайин кимсалар учун кўнгил овунчоғи, кунлик эрмак, шаҳвоний хирсу ҳавасни қондириш воситасига айланади. Бундай ишқ бемаҳал сўнган япроқ сингари ҳаёт билан эрта видолашади. Чинакам ишқ сидқу садоқат, журъату жасорат, ранжу меҳнат, шижоат, фидойилик каби комил инсонга хос олижаноб фазилатлар билар эш яшайди. Жавҳари бор бундай ишқнинг Ватани – мардларнинг юрак мулки. Аҳду вафо, поклигу ростлик меваси бўлган ишқнинг тил учида “сакраб” юриши нораво. Сўзда ифодаланиши ёлғон билан ҳамнафас. Рост ишқ қалб тубида “яшаши”, ширин азоблар исканжасида, самимият, назокат, шарқона иффат ва ҳаёю ибо пардасида жамол кўрсатмоғи муносиб.

Айримларигина баён қилинган мулоҳазалар. Пири комил ва Алишер Навоийнинг кўнгил дафтаридан томган томчилардир. Муҳими, Хожа Аҳмад Яссавий ва улуғ ўзбек шоирининг ишққа муносабат ҳамда баҳолари тўқнашади. Ҳикматларда ҳам, Алишер Навоийнинг ғазалу достонларидаги сатрларда ҳам ишқ илоҳий мўъжиза сифатида муҳофазага олинади. Ишқ – дахлсиз мулк. У сотилмайди, сотиб олинмайди. Ишқ – машаққату изтироб даргоҳи. У мамоликда арзон-гаров, енгил-елпи нарсалар учрамайди.

Назаримда, Алишер Навоийнинг куйидаги мисраларидан ана ўшандай маъно юзага чиқади:

Эй Навоий, ишқ мушкил деб нечук таркин тугай,
Элга гар бу иш ҳунар бўлса, бўлубтур фан манга (I, 53-бет).

Яна: Улки эрмас ишқи поку сажда айлар кўрса хусн,
Ўйладурким, айлагай фосиқ таҳоратсиз намоз (I, 215-бет).

Кўряпсизки, навоиёна ҳужумкорлик қилча бўлса-да, сусайиш томон энггани йўқ. Улуғ шоир мавзунинг янги-янги жилоларини очишга саъй-ҳаракат қилади. Ишқ ва ҳалоллик ёнмаён яшамоғи даркор. Ишқ учун тамаъ бегона. Ҳуснга маҳлиё бўлиш поклик оҳорини тўкади Алишер Навоий устози, “маликул-калом” Мавлоно Лутфий каби синчков сўз санъаткори. У кўп фанларни билишдан ташқари, ҳаётий ҳодисалар, урф-одат, мавсум-маросимлар, нақлу ҳикматларни ҳофизада тутади, зарур бўлганда, шеър мағзига сингдиради. Ана шу фазилат кўчирганимиз парчаларда ҳам намоён бўлади. Ҳуснга маҳлиё бул ҳавас ошиқнинг қилмиши, нобакор кимсанинг, Ювуқсиз – таҳорат олмай намоз ўқишига қиёсланади. Дарвоқе, ҳар иккала ҳолатда ҳам садоқат ва эътиқод ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Масалага ана шундай муносабат Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматлари учун ҳам тўла хосдир. Айтиб қўяйлик, ҳар иккала маънавий арбоб ўз ифода услубига эга. Аммо қарашлар уларни яқинлаштиради. Марҳамат, маънавий султоннинг мана бу тўртлигига назар ташланг:

Ишқ бозори улуғ бозор, савдо ҳаром,
Ошиқларга сендин ўзга ғавғо ҳаром,
Ишқ йўлига кирганларга савдо ҳаром,
Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил, Парвардигор! (106-бет)

Ишқ ва имтиҳон ёнма-ён яшайди. Аммо бу ўзгача имтиҳон, у дарсхона эшигига кўл чўзган имтиҳон олувчи ва топширувчилар ҳам мардона рафтор қилишлари даркор. Унда нарх-наво, воситачи-ҳомийлар бўлмайди. Хуллас, бозор иқтисоди қонунлари ишқ бозори учун мутлақо ягона – ишқ даргоҳида илоҳий назардан холи гўша, "ҳожатбарор"лар савдо қиладиган хилват жой бўлмайди. Қодири қудратнинг нигоҳи ўткир. Темир ва семон қоришмадан бунёд этилган мустаҳкам деворлар ортида содир бўладиган "мўъжиза"ларни ҳам кузата олади... Имтиҳону синовлар бозори ҳақида юрадиган узунқулоқ "миш-миш"ларнинг авж олаётганлиги ҳам ўша лазер қудратига тенг нигоҳнинг зуҳури эмасмикин? Пири маънавий нега ошкора ҳужумга ўтган? Ишқ, бозор, савдо сўзларини ёнма-ён қўллайди. Шу парчанинг ўзида қатъий ҳукм ҳам чиқарилган: ҳаром! Ишқнинг бозори ҳам, савдоси ҳам бўлмайди. Ишқ даргоҳи – поклик, бокиралик, мусаффолик олами. Бундай муқаддас гўша учун эса савдо – ҲАРОМ! Ишқ ва бойлик – бир-бирига зид тушунчалар. Уларни бир ўзанга солиб бўлмайди. Ишқни қисмат билганлар мол-мулк учун ўзларини ўтга, сувга уришга, ёлғончи "фаришталар" қиёфасига киришга шай турадилар. Ишқ йўлини танлаганлар юксак унвону даражалар билан ҳалоллик ҳақида ваъз айтиб, имтиҳонда "ўзгача" йўл танлаган мударрислардан анча баланд турадилар. Уларнинг "ставка"лари бўлмайди. Ишқ ва мансабда ҳам муқобиллик бор. "Ишқ аро шоҳу гадо тенгдир, балки гадо фузун", – дейдилар Ҳазрат Алишер Навоий. Ошиқлар тоифаларга (албатта, мансабга қараб) ажратилмайди. Борди-ю шундай қилинса, унда гадолар баланд турадилар. Ҳазрат Алишер Навоий юқоридаги мулоҳазани давом қилар эканлар, гадонинг гадолик ҳолатига тушиши сабабини ҳам ошкор баён этадилар: Ишқ туфайлидир! Равшан бўлаётирки, Аҳмад Яссавий ва Алишер Навоийнинг қарашлари уйғун. Бундай ғоявий ўхшашликнинг илдизлари эса бир жиҳатдан ислом маданияти сарчашмаларига бориб тақалади. Иккинчи томондан, тасаввуф, маърифий қарашлар мажмуидан озиқланади...

Ишқ ва висол, ишқ ва ҳижрон, ишқ ва рашк, ошиқ ва ағёр... Рўйхатни давом этиш мумкин. Аммо муддао билимдонлик, сўзбозлик қилиш эмас. Балки моҳиятга яқинроқ келишдир. Ишқ ҳақида ёзилган шеър бор жойда фиғон, доду фарёд, изтироб, кўз ёши, ғаму ғамхона ёнма-ён туради. Масаланинг бир учи эса имтиҳонга бориб уланади. Ишқу ошиқлик – шошқалоқликдан йироқ. Закий аждодларимиз "шошилган қиз эрга ёлчимас", - дея ножўя башорат қилишмаган. Шу биргина жумла мағзига бутун бир умрнинг мазмуни жо этилган. Масалан, фалсафий йўсинда чуқурлаштириш лозим бўлса, ишқнинг барча босқичлари босиб ўтилгач, восил бўлган васл ширин. Маърифий маънода фақир, дарвеш ва ориф ишқи... Кейингиси ана ўша ширин васлга етиш чўққисидир. Вомиқу Узро, Вису Ромин, Фарҳоду Ширин, Лайли ва Мажнун, Гулу Булбул, Ҳусну Дил, Гулу Наврўз, Юсуф Зулайҳо, Тоҳиру Зуҳро, Ғарибу Шоҳсанам – ишқ йўлини имтиҳонларини қисмат билган, ибрат рамзига айланган ошиқу маъшуқалардир.

Аҳмад Яссавий ҳикматлари – севишганлар учун дарслик китоби. Тўртликдан тўртликка ўтгани сайин мазмуннинг очилмаган қирралари, тутилмаган жилолари намоён бўла боради.

Ишқ дардини бедардларга айтиб бўлмас,
Бу йўлларни уқбоси кўп, ўтиб бўлмас,
Ишқ гавҳарин ҳар номардга сотиб бўлмас,
Бехабарлар ишқ қадрини билгани йўқ (80-бет).

Ҳазрати маънавий султонга нисбат бериладиган бу тўртликни ҳайратсиз ўқиш асло мумкин эмас. Мавриди бўлмаса ҳам айтиш жоиз, ҳозирга қадар Аҳмад Яссавий

ҳикматларининг қадимий қўлёзмаларига эга эмасмиз. Республикамизда “Девони ҳикмат”нинг икки нашри амалга оширилди. Яна навбатда турганлари ҳам бор. Аммо улар барчасининг асоси эса тошбосма нусхалардир. Шундан бўлса керак, мавжуд нашрларга Аҳмад Яссавийга нисбат бериш қийин бўлган асарлар ҳам кириб қолган. Яна ҳикматлар тили ҳам баҳсталаб. Ўз давридан анча илгарилаб кетган. Масалага “қилни қирқ ёришга” қодир матншуносларимиз ва тил тарихи мутахассислари аниқлик киритишларига умид боғлаб, ғоявий таҳлил йўсинидаги баҳсимизни давом этамиз. Кўчирганимиз тўртликда ишқ ва дард эгизак тушунчалардай талқин этилмоқда. Урфий талқинда дард – иллат. Инсон жисмининг хасталиги. Бироқ ижод ва ишқ оламида “дард” ижобий маъно касб этади. Дард – жавҳар, дард – оташ, дард – аланга, дард – нур, дард – армон, дард – забт этилмаган чўққи, дард – рўшнолик кўрмаган орзу, дард – восил бўлмаган васл... Масала равшан. Ўша фазилатлардан бенасиб ишқ ҳам, бадиий асар ҳам норасо, кемтик, яшашдан маҳрум. Маълумингизки, Хожаи Калон ўзак мавзуни топган ва катта дард билан бадиий талқин эта олган. Аслида, ўша тўрт сатрни бизнинг қалбимизга ошуфта қилган бош омил ҳам ўша дард, ҳаётда бот-бот кўзга ташланадиган жароҳату иллатлар эмасми? Ишқ – гавҳар. Номардгина, бедардгина уни баҳолай олмаслиги, садаф билан тенг кўриши мумкин. Ишқ ва ҳаваснинг фарқига бормайдиганларга шоир Уйғун таъбири билан “ишқ бошқа, ҳавас бошқа, бу йўлда хато қилма” дейиш лозим... Мулоқотларда “ишқу ошиқлиқ ўтмиш китобларида қолиб кетган, бугунги ҳаётда учрамайди”,– қабилидаги “дард”ли гаплар қулоққа чалинади. Йигитлар қизларни, қизлар йигитларни айблашади. Ҳакамлик даъво қилмай, айтиш мумкин: Янглишмадингизми? Ҳавасингиз ишқ мақомига кўтарилганми? Панд еган бўлсангиз, шошилганингиз рост!

Дарвоқе, Алишер Навоий айни баҳсга доир жўяли гапни айтиб қўйган эканлар. Мана, ўзингиз ўқиб кўринг:

Ким бу йўлда ишқдир кулли сифат,
Ишқ аҳлидин йироқдур маслаҳат.

Улуғ шоир минг карра ҳақ. Ишқнинг мактабу дарслик, йўл-йўриқ берувчи қўлланмалари йўқ. Уни ҳар ким ўзича қабул қилади, ўз мактабини яратади...

Ишқ ва дард баҳси Алишер Навоийнинг шу мавзуга дахли бор асарларининг бош қон томирларини ташкил этади. Улуғ шоир ҳар бир асарида масалага янгича муносабатда бўлади, унинг тоза қирра ва жилоларини кашф қилиш йўлидан боради. Фикр тасдиғи учун айрим мисолларга мурожаат қилайлик:

Ошиқ ани билки, эрур дарднок, -
Ҳам тили, ҳам кўзию ҳам кўнгли пок.
Ўзлугидин ишқ ани пок этиб,
Балки фано ўтиға хошок этиб (Хамса, 87-бет).

Дард қаторига яна бир сифат қўшилди. Ошиқликни бўйнига олган одамда дард билан бирга поклик бўлиши шарт экан. Алишер Навоий – тафаккури теран сўз санъаткори. Унинг сатрларидан ёғиладиган маъно шодалари ўша донишмандлик самарасидир. Поклик – катта тушунча. Уни ҳаётнинг биргина жабҳасига тегишли билиш ноўрин. Сатрда “пок” ёнида “кўз”, “тил” ва “кўнгил”нинг қўйилиши бежиз эмас. Қичик шу уриниш пок сўзи билан алоқадор маъно қутбларини кенгайтиришга хизмат қилади. Фикримча, яна бир манба шаҳодатига таяниш панд бермайди. “Насойим ул-муҳаббат мин шамойимул-футувват”

асарининг дебочасида Алишер Навоий мусулмончиликнинг беш рукнини бирма-бир талқин қилар экан, рўза хусусида, жумладан, ёзади: "... Бу тоифа анга кўшиш қилурким, андоққи, емак, ичмакдин бўғузға савм буюргайлар, жамеи аъзоға ўз қилур феълларидан рўза буюрғайлар: кўзга номашруъ нимага боқардин ва қулоққа номашруъ ун эшитурдин ва аёққа номашруъ қадам урмоғдин, иликка номашруъ нима тегмагидин ва алоҳозо жамеи аъзоға бу дастур билан" (XV жилд, 70-бет). Бу парчада айтилган гаплар покларга – орифу шайхул-машойихларга дахлдордир. Поклик – ўз ҳадди ва ҳаққига қаноатдир. Равшан, фикр мажозий ишқ қуюшқонидан чиқди. Маъно риштаси тариқат даргоҳига тортди. Шеърий парчадаги "ўзлигидин пок этмоқ ", "фано ўтиға хошок бўлмоқ"қа қилинган шамаълар бизни тариқий ишқ билан юзлаштириб қўяди. Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида ҳам худди ана шу ишқ маънавий султон доду фарёдининг ўзагини ташкил қилади. Фано – фонийлик тушунчаси ҳар иккала маънавий арбобнинг сатрларида тез-тез кўзга ташланиб туради.

Ишқ, дард, фано тушунчалари ўтмишда бири иккинчисини тақозо этувчи ҳодисалар сифатида қаралган ва талқин этилган кўринади. Бадиий тафаккур дунёсида бу сўзларга ортиқча шарҳу изоҳлар берилмагани шундай хулосага ундайди. Иккинчидан, луғатларнинг шарҳида тасаввуфий майлнинг баландлиги ҳам ўшандай якун фойдасига хизмат қилади. Гапларимиз муаллақ қолмаслиги учун айрим луғатлардаги талқинларни олиб кўрайлик, "Навоий асарлари луғати", "Чароғи ҳидоят"даги изоҳлар жуда ихчам. "Фарҳанги забони точики" (I жилд, 518-бет) да анча батафсил шарҳ берилади. Унинг лўнда хулосаси "кимга ёхуд нимагадир ҳаддан зиёд кўнгил боғлаш, севиш, муҳаббат қўйиш" тарзида умумлаштирилиши мумкин. "Фарҳанг" маълумотларидаги яна бир жиҳатни алоҳида таъкид қилмоқчи эдик. Тузувчилар ўз бурчларига ишқ билан муносабатда бўлиб, мавзуни анча чуқур ўрганишга муяссар бўлишган. Натижада, X–XX асрларда форс-тожик шеъриятида куйланган ишқнинг таснифи тавсия этилади. Луғат тузувчилари "ишқи комил", "ишқи мажозий", "ишқи ҳақиқий" (I жилд, 519-бет) каби уч йўналишни чуқурроқ шарҳлашга ҳаракат қилган. Ишқи комил ва ишқи ҳақиқий (илоҳий) талқинлари бир-бирига яқин. Бундан қатъи назар, луғат доирасида шунча илмий асосланган фикрларнинг баён қилиниши қувончли ҳолдир. Қани энди, "Алишер Навой асарлари тилининг изоҳли луғати" тўрт жилдлиги тузувчилари ҳам ана шундай ҳалол йўлни танлаб, қоғозни зарурий гаплар учун сарфласалар эди... Фақат, афсус... "Фарҳанг" ўзаги «ишқ» бўлган ўн қўшма сўз "ишқсаро, ишқпараст, ишқбоз, ишқбози ва ҳоказо)га ҳам далилли изоҳлар беради. Мазкур луғатнинг ишққа берган таснифи Алишер Навоийнинг "Маҳбубул-қулуб"даги қарашларига мос келади. Улуғ ўзбек шоири барча шеърларида ишқни "мажозий" ва "ҳақиқий" тарзда гуруҳлаштиради. Айрим мисоллар:

Гар Навоий йиғласа, ишқинг мажозийдур дема,
Ким назар пок айлагач, айни ҳақиқатдур мажоз.

Яна: Мажоздин манга мақсуд эрур ҳақиқий ишқ,
Нединки, аҳли ҳақиқатқа бу тариқат эрур.

Юқорида кўрганимиздай, ишқ қаторида поклик ва сидқ ёнма-ён фаолият кўрсатса, унда улар (мажозий ва ҳақиқий) бири иккинчисини инкор этмайди. Аксинча, тақозо қилади, тўлдиради. "Маҳбубул-қулуб"да "авом", "хавос" (хос) ишқларидан кейин ўқиймиз: "Яна сўзи поку, кўзи пок ишқ аҳлида мужаррад ва мунфарид ва бебок бу тоифанинг беназиру адил ва тоқи фахрул миллату ваздин Шайх Ироқийдурким, ишк сифотиға муттасифдур ва ламаоти пок мдоний ва тарокибига мунсифдур" (XIII, 42-бет). Алишер Навоий „авом"ни – мажозий, „хос"ни – ҳақиқий (илоҳий), "пок"ликка асосланувчи ишқни – комил ишқ тарзида

талқин қилаётир. Ишқнинг жазаваси ошиқ қиёфасида намоён бўлади. Буни инобатга олган луғатлар “ушшоқ”, “ошиқ”, “маъшуқ” сўзларига ҳам муфассал изоҳ берган. “Фарҳанг”, “Ғиёсул-луғот”, “Чароғи ҳидоя” ошиқу маъшуқни “бир нигиндан жой олган - икки ёқут кўз” тарзида шарҳлайди. Бошқа сўзликларнинг мулоҳазалари юқорида баён этилган лўнда хулоса доирасида деса, хато бўлмайди. Биз уларни назардан ўтказишдан кўра, “Ғиёсул-луғот”нинг ишқ сўзига берган шарҳини кўчиришни лозим кўрдик: “ИШҚ – бисёр дўст доштани чизе; ва назди атиббо маразест аз кисми чунун, ки аз дидани сурати хусайн пайдо мешавад... ишқ маъхуз ва ашиқа ва он наботест, ки онро лаблоб гўянд, чун бар дарахте бипечад ки бадиле тори шавад соҳибашро хушк вазард кунад” (III жилд, 67-бет). (Ишқ–ниманидир беҳад севиш; табиблар наздида жунуннинг кўринишларидан - бири. У зебо жамолни кўришдан пайдо бўлади; ишқ – ошиқлик манбаи. Ва ўсимликлар дунёсида ҳам учрайдики, уни лаблоб – ишқандарпечон (печак) ҳам дейдилар. Дарахтга ўралиб, чирмашса, уни қуритади. Ана шундай ҳолат ишқдир. Ҳар бир юракка кириб борса, эгасини сарғайтириб, қуритади). Фикримча, бизнинг уринишларимиз моҳияти аёнлашиб қолди. Муҳаммад Ғиёсуддиннинг тагдор ва теран талқинлари орифлар фаолиятида намоён бўлади. Ишқ лаблоб бўлса, ошиқ дарахтдир. Улар муносабатининг интиҳоси – фожиа. Ботиний таҳлилда сал бошқача манзара назарга ташланади. Зоҳиран дарахт қурийди, унинг ширасини сўриб олган печак яшашда давом этади. Моҳиятан дарахтнинг печакка (ёхуд аксинча) интилиши, жисман ўзини маҳв этиб, руҳан у билан бирикиб кетишидир. Айни манзара фақру фанони хотирга келтиради. Аҳмад Яссавий ва Алишер Навоий мисраларидаги даъват ва нидодан кузатиладиган мақсад ҳам батамом йўқ бўлиб кетиш эмас, албатта. Аксинча, инсон ўз жисми талаб ва эҳтиёжларини жиловлаши, бутун оламлар подшоси – Парвардигори карим ёдини дилда тутиб, унинг амру фармонларини бажо этишга шай туришидан иборатдир. Нопок равияни хуш кўрувчилар эса таҳқиру маломатга мустаҳиқдирлар.

Дардсиз одам одам эрмас, шуни англанг,
Ишқсиз одам ҳайвон жинси, шуни тингланг,
Кўнглингизда ишқ бўлмаса манга йиғланг,
Гирёнларга хос ишқимни ато қилдим (90-бет).

Ҳикмат таҳлилига ўтишдан олдин маънавий султоннинг ўз ишорасига эътибор қилайлик. Охирги мисрада “хос ишқ”қа ишора қилинмоқда. Чоп этилган ҳикматларда яна бошқа йўналишдаги ишққа доир фикрга дуч келмадик. Ўз-ўзидан равшанки, Туркистон Хожаси мақомидаги зот инсоннинг инсонга бўлган “ўлдим-куйдим”лар ҳақида ашъор битишга вақт сарфлай олмас эди. Этибор қилинг, яна дард ҳақида гап боради. Аммо бу парчадаги дард билан юқоридаги тўртликда кўрганимиз дарднинг ифода оҳанги бир эмас.

Кейинги мисраларда ҳасрату надомат ўрнини қатъият эгаллайди. Мушоҳадалар кескин, ҳукм мақомида акс-садо беради. Мисралар мағзидан улуғ маънавий султоннинг дарғазаб қиёфаси намоён бўлади. Мулойим насиҳат, ундов ўрнини нафрат эгаллайди. Алишер Навоий мисраларида сўкишлар деярли учрамайди. Жазава босқичидаги нафрат-надомат норозилик, куюнчаклик руҳи билан қоришиб кетади. Бундай мисраларда савол ва ундов оҳанглари ўзаро қуйилиб, кучли зарбни вужудга келтиради. “Лисонут-тайр” достонидан Ҳудҳуднинг қушларга берган жавобидан олинган қуйидаги мисраларда ўшандай услубий жило яққол сезилади.

Кимки ошиқдур – анга жондин не бок,
Куфр олиб бермак, имондин не бок!? (1991, 87-бет).

Кўриб ўтганимиз парчалардаги мулоҳазалар билан баҳсга киришиш қийин. Чунки ҳар бир инсон ўзига ажратилган бир чимдим умри давомида қанақадир бир мақсадни руёбга чиқариш учун курашиб ўтиб кетади. Ўша муддао мурод тўнини киядими, йўқми, бундан қатъи назар, ўртада турган дард уни курашга чорлайди. Руҳоний арбобнинг ишқ бобидаги хулосаси ўта шиддатли. Инсон ҳам, ҳайвон ҳам махлуқот оламига мансуб. Холиқ – яратувчи уларни халқ (яратган) қилган. Бири – онгли, иккинчиси – онгсиз фаолият кўрсатади. Хожа талқинича, ишқ онглилик белгиларидан биридир. Унга шак келтириш ҳайвонликни бўйинга олиш билан баробар. Кўриб ўтганимиз шеърий парчалардаги яна бир ишора диққатни тортади. Ишқ – кенг тушунча, унинг таснифу талқинлари ҳам якранг эмас. Бугун даврий матбуотда, илмий адабиётларда ишқнинг хилма-хил кўринишлари ҳақида ёзилмоқда. Айниқса, тасаввуфга “ёпишиш” авж олди. Икки жумлани ёнма-ён қўйиб мантиқий боғлиқликда келтиришга қурби етмайдиган айрим азиз биродарларимиз ҳам тасаввуф донишмандлари мақомида жар солмоқдалар. Аллоҳ гуноҳимдан ўтсин, мен ноҳақдурман, ўшаларнинг рафторида тасаввуфнинг кўчасига яқин келадиган белгилар назарга тушмайди. Ундайлар учун поклик, камтарлик, ўз ҳақида қонеълик мутлақо бегона. Бу гумроҳ бандаларнинг айрим уринишларини кўриб, Муқимийнинг “Аммамизнинг эрларидур Нур ато...” сатри эсга тушади. Қайсидир маҳкамада, баланд курсида ўтирган қариндоши номини чайқов бозорига солиб, тирикчилик ўтказишнинг тасаввуфга дахли бормикан?! Ишқ баҳсига қайтайлик. Ишқнинг биз айримларини кўрганимиз мазмун товланишларидан ташқари, талқинларини ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозим. Луғатлар шарҳидаги “нимагадир ўта меҳр қўйиш” жумласини хотирга олиш кифоя. Шу маънода, ёрга бўлган (пок, мажозий, илоҳий эканлигидан қатъи назар) муҳаббат билан бирга пиру устозга, ота-онага, фарзанд, қавму-қариндош, ёру дўст, касбу кор, элу юрт, китоб, кино, футбол, таому мевалар, санъат турлари, асбоблари, асарларига бўлган ишқ ҳам инсон жисмида ўзи кўрсатиб туриши муқаррар. Ҳолбуки, булар ҳам Аллоҳнинг инсонга кўрсатган марҳамати натижасидир. Шуларга бўлган завқу шавқни ҳам инсон руҳига жо этган ўша Парвардигори оламнинг ўзи эмасми?! Масаланинг бундай тус олиши ҳар қандай ўқувчини ҳам фикрий чалкашлик сари бошлайди. Бундан уч-тўрт йил олдин ҳар бир сатрда “дунёвийлик” излаган бўлсак, бугун унинг аксини қилмоқдамиз. Яъни ўтмиш шеъриятидаги ишқ – илоҳий муҳаббат талқинидан иборат дейишдан тап тортаётганимиз йўқ. Ёки инсоннинг инсонга бўлган севгиси ва санаб ўтганимиз жилолари ҳақида гапириш, шу йўсинда таҳлил этиш тасаввуфни тушунмаслик даражасида баҳоланаётир. Фикримизча, масалани бундай бир ёқлама талқин муҳокама қилиш маъқул эмас. Нега?! Инсон – Худо яратган мўъжиза. Унда Холиқнинг зарраси бор. Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр” достонидаги мана бу сатрларга эътибор қилайлик:

Тенгри чун Одамни махлуқ айлади,
Ўзни ошиқ, они маъшуқ айлади (161-бет).

Нима, улуғ шоир ноҳақми? Ундай дейишга ҳаддимиз сиғмайди. Чунки ўша мисралар замирида ҳам илмий, ҳам эътиқодий қарашлар бор-да! Ишқ – Аллоҳнинг инсонга кўрсатган марҳамати экан, Инсон шу неъматни сарфиназар қилиш билан Қодири қудратга ширк келтирмайдими? Тасаввуф исломга қадар ҳам ҳаракатда эди. Исломдан кейин эса ҳуқуқий – илмий ҳужжат олди, фалсафий дунёқараш сифатида тараққий қилди, моҳияти чуқурлашиб, мураккаблашиб борди; шоху шаббалар пайдо қилди. Лекин ҳар қандай тариқатнинг остонаси шариати исломиядан бошланишини ҳам унутмаслигимиз лозим. Алишер Навоий “Насойимул-муҳаббат” муқаддимасида тариқатнинг жаҳоний шуҳрат соҳиби бўлган ўнлаб

арбобларини санаб ўтадики, улар аҳли ҳунар эдилар. Ва бу билан “ҳалол луқма касбиға муздурлик қилибтурлар, Ва ҳалол луқма бу ишда куллийдурки, андин файз ва маърифат зоянида бўлур”. Улуғ шоирнинг такрор қайд қилишича, тариқатда тирикчилик манбаининг ҳалоллиги бош омилдир. Алишер Навоий мулоҳазаларини давом этади: “Андин сўнгра шариат риоятидурки ул жодада истиқомат бўлғай ва улча мумкиндур андин қадам тажовуз қилмағай. Шайхул-ислом деб турки, ҳар нимадин бир миқдорни олсалар, бир миқдори қолур. Шариатдин ўзгаки, ҳар нимадин бир миқдорни олсалар, бир миқдори қолур. Шариатдин ўзгаки, бир миқдори андин кам бўлса, ҳеч нима қолмас. Бу тоифанинг шариат риояти ва суннат мутобаатидин улуғроқ ишлар йўқтур” (XV жилд, 68-бет). Масала равшан, шариати исломия тариқат аҳли учун ҳам муқаддас саждагоҳ эди. Унга дахл қилиш, Ҳазрати Алишер Навоий қайд қилганидек, “бир нимани олиш” қатъиян манъ этилган. Шариатнинг таянч манбаси Қуръони карим. Унда аёллар ҳаром қилинган эмас. Аксинча, тавсия қилинади. “Шўро” сурасининг ўн биринчи ояти каримасига диққат қилинг: (Аллоҳ) осмонлар ва ернинг илк яратувчисидир. У сизлар учун ўзларингиздан бўлган жуфтларни яратди ва чорва ҳайвонларидан ҳам жуфт-жуфт (яратди). У сизларни ўша (жуфтлик воситасида) кўпайтирур... (Ўша китоб, 358-бет). Ёхуд ўша муқаддас китобнинг “Ваз-зориёт” сураси қирқ тўққизинчи ояти каримасидаги мана бу илоҳий жумла нимага даъват этади: “Сизлар эслатма – ибрат олишларингиз учун Биз ҳар бир нарсани жуфт-жуфт қилиб яратдик” (Ўша китоб, 399-бет). Ислом таълимотига биноан тоқлик Аллоҳнинг сифатидар. Унинг хоҳиш-иродаси билан бунёд қилинган бошқа ҳамма нарсаларга жуфтлик ярашади. Бу махлуқот оламининг олий хилъати – Инсонга биринчи галда тегишлидир. “Бақара” сураси бир юз саксон еттинчи ояти каримасидаги мана бу илоҳий жумлалар ҳам шундай далолат беради. “Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либоссиз (яъни эр-хотин бир-бирига киши либосга муҳтож бўлгани каби муҳтождирлар) (Ўша китоб, 22-бет).

Ислом узлатга чекиниш, тарки дунё қилишни ҳаром этган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётлари, аёлларга муносабатлари ислом олами учун ибрат мактабидир. Ҳиндларнинг донишмандлик манбаи – «Махабҳорат»да ажойиб ҳикмат бор экан: “Дунёда она бўлмаса, Худонинг ўзи ёлғиз яшарди”, дейилади ўша ноёб асарда. Дарҳақиқат, ҳамма йигитлар ёхуд қизлар сўфийлик йўлини танлашса, оила қуришдан воз кечишса, унда ҳаёт тўхтаб қолмас эдими? Чиндан ҳам ворисийлик бўлмас эди. Масаланинг иккинчи томони шундаки, тариқатнинг шайху муршидлари поғонасига кўтарилганларининг аксарияти мажозий ишқдан бенасиб бўлишмаган ва улар оила қуришган. Ўшандай муршидлардан бири “Қодирия” тариқатининг асосчиси Абдуқодир Гелоний қирқ икки фарзанд кўрган. Шубҳасиз, улар бир онадан эмас эди. Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбандий, Саъдуддин Қошғарий, Абдураҳмон Жомий, Хожа Аҳрори Валий нақшбандийликнинг пешволари эдилар. Улар оила қуришган ва фарзандлари бўлган. Мана шу йўналишдаги муҳокамани давом этиш ва яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ масаланинг ўзаги бунда эмас. Моҳият инсон ҳаётининг зоҳирида эмас, балки унинг маънавий оламидадир. Тариқатнинг аҳкомлари устида баҳс юритган Ҳусайн Воиз Қошифий уларнинг тўрт юз қирқ тўрт паҳлу ва атамаси борлигини таъкид этади. Шуларнинг энг асосийлари сифатида тўрттасини ажратади ва покликни алоҳида урғу билан кўрсатади. Аёнки, ишқ бобида ҳам ПОКЛИК олий мақомда туради. Ҳазрат Алишер Навоийнинг қуйидаги рубоийсига диққат қилинг:

Аҳбоб, денгизки, хонумондин тамаъ уз,
Не хону не мон, кавну макондин тамаъ уз,
Не кавну макон, жону жаҳондин тамаъ уз,
Лекин демангиз муники ондин тамаъ уз (I, 648-бет).

Хотимадаги мисра жумбоқ. “Ондин” – кимдан, деган сўроқ табиий равишда ўртага келади. Жавоблар эса турлича бўлиши мумкин. Алишер Навоийнинг буюклиги, санъаткорлиги ҳам шундадир.

Улуғ ўзбек шоири мулоҳазаларини ривожлантириб, рўйи рост тан олади: инсоннинг инсонга бўлган муҳаббатида поклик ҳукмрон бўлса, ҳақиқий илоҳий ишқни излашга ҳожат қолмайди. Чунки поклик шиори бўлган мажозий ишқ илоҳий муҳаббат мақомига кўтарилади... Ана шундай якун Муҳаммад Яссавийда ҳам кузатилади:

Ҳойи ҳавас моуманни ташлаганлар,
Чин ошикдир, ҳаргиз они ёлғони йўқ.

Бунга осонликча эришиб бўлмайди, албатта. Ишқ йўлини ўзига қисмат билан ошиқ “Нафсдин кечиб, қаноатни пеша қил”моғи даркор...

ОҚИЛ ЭРСАНГ НАФСИ БАДДИН БЎЛГИЛ БЕЗОР...

Ишқ инсон тақдирида нақадар аҳамиятли бўлса, нафснинг ҳам ўрни ундан қилча кам эмас. Шундан бўлса керак, маънавий султон ишқ, нафс, қаноатни ёнма-ён қўяди. Аслида, инсоннинг ўткинчи умри мазмунида ана ўша учлик тамал тоши бўлиб хизмат қилади. Ишқу Нафсу Қаноатни ақл бошқарса, ортда ибратли излар нақшланиб қолади. Уларнинг жилови қўлдан чиқса, Хожа Яссавийнинг ўзлари буюрганларидек, “Зоҳир одам, ботинлари шайтон” кимсалар кўпаяди. Ундайлар салобат тўкиб, ерни миннатдор қилиб қадам босади. Савлатидан от ҳуркади, пинҳоний қилмишларидан ҳатто шайтонлар ҳам ёқа ушлайди. Хожа башорат қилган ўшандай “зот”ларни инсофу надоматга ундаган, ўгит берган:

Молу пулни парво қилмас ошиқ киши,
Йўл устида туфроқ бўлиб азиз боши,
Андин сўнгра нурга тўлар ичи-тоши,
Тонгла борса Маҳшар аро подшоҳ қилдим (192-бет).

Ишқ, нафс, қаноат – инсон тақдирининг бош тамойилларидан саналади. Аслида, ана ўшаларнинг инсон қонидаги хуружига қараб, хатти-ҳаракат, фаолият белгиланади. Умр кемасининг яхшилик ёхуд ёмонлик соҳилларига сузиши маълум бўлади. Жамият ва тузумнинг ҳам муваффақият ёки мағлубияти мазкур омилларга узвий боғлиқдир. Шундан бўлса керак, инсон табиатининг айни жиҳатлари бадиий сўз санъатининг доимий ва ҳамма замонлар учун долзарб мавзуси бўлиб келди. Инсонийлик ва эзгуликдан улуғ дарди бўлмаган Алишер Навоий ҳам ўша мавзуларни ёритишда маънавий султонга издош сифатида кўзга ташланади. Унинг катта-ю кичик, мансуру манзум асарларида таъкид этганимиз масалалар барча мураккабликлари билан бадиий талқинини топади. Бироқ унинг мавзуга муносабатини якранг дейиш қийин. Аслида, инсоннинг ўзи бутун умрини бир маромда, мўътадил руҳиятда ўтказа олмайди. Унинг жаҳл отига минган фурсатлари, кулги-ю табассум билан ҳамдам дамларининг бўлиши табиий. Булар ижод аҳли учун, жумладан, Алишер Навоий учун ҳам бегона эмас эди. Эслатганимиз икки қутбнинг шарбати

унинг бадиий яратмаларига томиб турган. Ҳақсизлик, алдов, инсофсизлик баланд келганда зарбли, зуғумли оҳанг ҳукм сурса, умид учқунлари йилт этганда, ўгит, ибратлар кўрсатиш майли мисралар узра мулойим оҳанг таратади. “Лисонут-тайр”нинг бир юз йигирма еттинчи бобидан олинган парчада зуғумли зарб яққол сезилади:

Кимгаким инсоф йўқ – инсон эмас,
Мунсиз атворида жуз нуқсон эмас.

Бу сифат келди эранларнинг иши,
Бўйла давлатқа етишмас ҳар киши.
Одам эрмас улки ноинсоф эрур,
Одам инсоф истамас – аммо берур.

Истамаслар элдин инсоф аҳли ҳақ,
Ким аларга келди мунсифлиғ сабақ (168-бет).

Тасаввуф – тариқат йўлини танлашнинг поғоналари бор: фақир, дарвеш, ориф. Бу ерда ҳам учлик. Юқоридаги учлик сингари булар ҳам бири иккинчисини инкор этмайди. Аксинча, тўлдиради, такомиллаштиради, нурафшон истиқболга чорлайди. Таъкидга лойиқ жиҳат шундаки, фақиру дарвешу ориф, ишқу нафсу қаноат бирлашган нуқтадагина кутилган мақсадга эришиш мумкин. Нафсдан устун келиб, қаноатга сиғинган шахсгина ишқ мулкига дадил кира олади. Ёки фақирлик йўлини интихоб қилади. Фақир – арабча сўз, кўплиги – фуқаро. Сўзнинг “камбағал, қашшоқ, муҳтож, бечора” каби маънолари бор. Мажозий, тариқат билан боғлиқ талқини эса “дунё ноз-неъматларидан кечиш”дир. Эътиқодсизлик домига чалинганимиз йиллар давомида биз “фақир”нинг иккинчи талқинини нотўғри шарҳлаб келдик. Дунё нозу неъматларидан кечиш – ўлмасдан бурун ўлишни тарғиб қилиш билан баробар кўрилди. Шунинг учун ҳам Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг пок руҳига тош отилди. Бугун билган ҳам, билмаган ҳам бу зоти мукаррам ҳақида сўзламоқда. Аммо ўша қатағон замонларда у ҳақда бор ҳақиқатни айтган, докторлик диссертациясида бир бобини ҳикматлар таҳлилига бағишлаган филология фанлари доктори, профессор Эргаш Рустамов беҳисоб маломатларга қолди, унинг умр гули бемаврид хазон бўлди. Тириклигида хўрланган олимга вафотидан сўнг биринчилар қаторида Яссавий мукофоти берилди. Начора, шу ҳам олимга мухлис бўлган ошуфта кўнгилларга бир таскин, уни гўрга тиққанлар бошига тушган кучли гурзидир...

XV асрнинг катта адибу олими Ҳусайн Воиз Кошифий тасаввуф илмига бағишланган ажойиб китобида “Ҳайвон ейиш учун яшайди, одам эса яшаш учун ейди”, – деган жумбоқли жумлани келтиради[1]. Донишмандликни қаранг, биргина жумлада ташвиш – тараддудли, қисқа инсоний умрнинг моҳияти мужассамлашган. Аҳмад Яссавий эса ўша ўзак масалаларни бошқача оройишда беради.

Фақирлик йўли – нозу неъматлардан буткул воз кечиш эмас, ҳакалак отган нафсни тийиш, унинг ҳирсу ҳавасларини ўлдиришдир. Ёки ейиш учун яшаш эмас, яшаш учун ейиш билан кифояланиш – қаноат даргоҳига йўл олиш демакдир. Бундай турмуш тарзи эса ортиқча ҳашаму дабдабалардан, ҳамма нарсани ўзиники қилишга уриниш, чўзилиб

[1] Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султони. “Адиб”, Душанбе – 1991, Сах. 27.

кетган соясига маҳлиё бўлиб кетишдан сақланишни тақозо этади. Ўз ҳаққига қонеълик эса инсоннинг зоҳиру ботинини безайди, нур ато этади. Фикримизча, Хожанинг қуйидаги тўртлигида ана ўша йуналишдаги теран мазмун сингдирилгандир:

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,
Йўлдин озиб, тойиб, тўлиб гумроҳ бўлур,
Ётса, қўпса шайтон била ҳамроҳ бўлур,
Нафсни тебкил, нафсни тебкил, эй бадкирдор (102-бет).

Нафс – тармоқдор тушунча. Уни фақат еб-ичиш билан чеклаб қўйиш тўғри эмас. Инсон ҳаётининг ҳамма жабҳаларида нафс кўзга ташланади. Оилада, ижтимоий фаолиятда, муомала-муносабатда, имтиёзу унвон, мансабу курсиларда, хуллас, нафс аралашмайдиган соҳа борлигини тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳатто ишқ бобида ҳам нафснинг жилваси назарга ташланади. Муддаога кўчайлик, Хожа ҳикматларида бот-бот нафс ва унинг талқинларига дуч келишимиз бежиз эмас экан. Ҳаётни остин-устин қиладиган нафс фоний дунёнинг бош дардларидан бири саналгани ҳолда, Аҳмад Яссавийнинг уни назардан қочириши асло мумкин эмас. Шариатнинг посбони, исломий фарзу суннатларнинг тарғиботчиси сифатида фаол ҳаракат қилган бу руҳоний арбоб қарашларининг бош манбаси Қуръони каримдир. Илоҳий китобда нафс ҳақида ояти карималар кўп бўлиб, улар бир гапнинг айнан такрори эмас. Ҳар бир ояти каримада нафснинг янги-янги қирралари ҳақида гап боради. Қуръони каримни ўзбекчалаштирган Алоуддин Мансур “Қиёмат” сураси иккинчи оятидан кейин берган шарҳида нафсга доир илоҳий оят – ибратларнинг уч таснифини келтиради: нафси аммора “ёмонликларга буюрувчи”, маломатгўй нафс, хотиржам – сокин нафс. Жумладан, “Юсуф” сурасининг 53-ояти каримасида ўқиймиз: “Мен нафсимни оқламайман. Чунки нафс – агар Парвардигоримнинг Ўзи раҳм қилмаса, албатта, барча ёмонликларга буюрувчидир” (Ўша китоб, 163-бет). Шубҳасиз, бу ўринда нафси аммора ҳақида гап боради. Умуман олганда, инсон фаолиятини нафсдан (яшаш учун ейишни эслайлик) холи тасаввур қилиш ҳам қийин. Чунки у тирик мавжудот ва ўша тириклик эҳтиёжларини қондириш учун интилмоғи зарур. Айтилганлар нуқтаи назаридан Қуръони каримнинг нафс ҳақидаги таснифи катта қизиқиш уйғотади. Юқорида кўрганимиздек, бу ўринда ҳам учликка дуч келамиз. Ўшалардан “нафси аммора” ва “маломатгўй нафс” инсон ҳаракатини қуюшқондан чиқаради. Юз балога гирифтор этади. Маънавий султоннинг кўчирганимиз ҳикматларидаги нафрат тиғи айни ўшаларга йўналтирилган дейилса, хато бўлмас. Нафс ва унинг “каромат”лари Алишер Навоийни ҳам бефарқ қолдирган эмас. Ажабланарлиси шундаки, қалбга етказилган захм – озорнинг унутилиши қийин экан. Қалб тубига чўккан бу жароҳат ҳамиша ўзидан хабар бериб туради, маълум қарашларнинг шаклланиши учун доялик қилади. Шундай жараённинг табъ аҳли билан кечиши турган гап. Хуросон давлатининг вазири аъзами, ҳазрати султоннинг муқарраби каби қатор унвону лавозимлар соҳиби бўлган Алишер Навоий мамлакат ҳаётининг ҳамма жабҳаларида фаол иштирок этган. Айрим кунларда юзлаб одамлар билан мулоқот, муомала-муносабатда бўлган. Табиийки, улуғ арбоб ҳузурига кириб-чиққанлар турли тарбия, кайфият ва илинждаги одамлар эди. Уларнинг қолдирган таассуротлари ҳам турлича бўлган. Ана шундай мураккаб ва жўшқин жараён улуғ шоир қалбида ўчмас нақшлар қолдирди, унинг ноёб асарлари саҳифаларига кўчди. “Ҳайратул-аброр” достонининг тўртинчи мақолоти хирқапўш шайхларга бағишланади.

Алишер Навоий шайхларни ҳурмат қилади. Бунга шубҳа қилиш асло мумкин эмас. Аммо ҳамма соҳада бўлгани каби шайхлик даргоҳига ҳам нопок одамлар оралаб қолганки, улар улуғ шоир чексиз нафратининг боискорларидир. Маънавий султон каби нафсни қамровли тушунча маъносида қабул этган Алишер Навоий унинг айрим томонларини фош этади.

Ҳадя, туҳаф тортқаю мол ҳам,
Мустағалу кенту севарғол ҳам,
Бўлса булар бирла барумандлиқ,
Етгай алар нафсиға хурсандлиқ.
Субҳоналлоҳ, бу не нафси лаим,
Нафсни қўйғил, не азоби алим.
Рўзи учун мунча фусунсозлиқ,
Мансаб учун мунча дағобозлиқ,
Руҳни нафс олида қул айлабон,
Ҳуллани дажжолға жул айлабон (Хамса, 64-65-бетлар).

Мазкур парчада муаллиф нафрати ҳад-ҳудуд билмайди. Ҳатто одоб талабларидан сал чиққан ўринлар ҳам назарга тушади. Таъкидга сазовор жойи шундаки, Аҳмад Яссавийда умумлаштирувчилик баланд бўлса, бу ўринда аниқлик, гап эгаларининг тайинлиги равшанроқ сезилади. Фикримизча, инсон табиатида эслатганимиз иллатлар бўлмаса, нобакор шайтони лаъин уни васвасага солмаса, замину замон нурга тўларди. Нафси наҳанг, “худоча”лар, ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам уришга шай турган кимсалар, поклик даъвоси билан бош кўтариб юрган ёлғончи фаришталар бўлмасди. Уз-ўзидан равшанки, ўша мураккаб руҳий жараёнлар, машқлар, сон-саноқсиз истилоҳлар, босқичлардан иборат тасаввуф ва унинг беҳисоб тариқатларини шакллантиришга зарурат қолмасди. Шу нозиклик инобатга олингани учун Қуръони каримнинг “Бақарат” (145-оят), “Нисо” (128-оят), “Юсуф” (18-оят), “Мўъминлар” (71-оят), “Фажр” (27-оят) ва бошқа сураларида ҳам ҳавои нафс балосидин сақланишга даъват қилиш замирида ожиз бандаларни бадном бўлишдан огоҳ этиш ғояси ётади. Илоҳий китобнинг бу дастурий таълимотини Хожа Аҳмад Яссавий қуйидагича шеърга солади:

Нафсинг сени охир дамда гадо қилғай,
Дин уйини ғорат қилиб, адо қилғай,
Ўлар вақтда имонингдан жудо қилғай,
Оқил эрсанг нафси баддин бўлгин безор (102-бет).

Адолат билан айтайлик, бу тўртликда зарарли нима бор? Сатрлар мағзини бойитган мазмун бизни инсоф ва диёнатга чорламайдими? Унда айтилган пандларга амал қилсак, тузум зиён кўрадими? Шу қабилдаги саволларни яна давом этиш мумкин. Аммо бош мақсад бу эмас. Диний ўровга берилган айни ҳикматлар руҳида тарбия кўрган ўсмирдан жамият учун хатарли одамнинг чиқишига ақл бовар қилмайди. Иккиламчи, мағрибнинг зўрма-зўракилик билан бизнинг шууримизга олиб кирилмоқчи бўлинган, аммо сира ўзлашмаган фалсафаю таълим “назария”сидан ўзимизнинг ўша жайдари илоҳий қарашларимиз чандон кўп манфаат келтиради. Хожа ҳикматларининг замон ва авлодлар оша яшовчанлиги, деярли ҳамма даврлар учун долзарблиги катта ибратдир.

Алишер Навоий Хожа Аҳмад Яссавий фаолиятидан, маънавий меросидан яхши хабардор сўз санъаткори. Улуғ ўзбек шоири асарларидаги кўп сонли ишоралар шундай хулосага келиш учун шаҳодат беради. Масаланинг иккинчи томони шундаки, бу икки маънавий арбоб яшаган давр ўртасида уч асрлик вақт масофаси бор. Уч юз йилдан ошган бу муддат ичида ҳаётда, фалсафий, ахлоқий-таълимий, сиёсий қарашларда маълум силжишлар юз берди. Айрим тушунчалар, услубий жилоларга муносабат бошқача йўсинда намоён бўлди. Шу йўналишдаги шарҳу изоҳларни яна давом қилиш мумкин. Бироқ юқоридагилар асосида ҳам айрим қўнимга келса бўлади. Яъни Аҳмад Яссавий ва Алишер Навоий нуқтаи назарлари муқояса қилинганда, ўша нозик жиҳатларнинг эътиборга олинишини унутмаслигимиз лозим. Бу икки даҳони яқинлаштирадиган, мушоҳадаларидаги уйғунликни таъмин этадиган бош омил ҳам мавжуд. Исломий шариатнинг таянч манбаи ва дастури "Қуръон" ҳар иккала маънавий арбоб учун муқаддас саждагоҳ эди. Ана ўша илоҳий калом талаблари мусулмон дунёси ижод аҳли учун йўлчи юлдуз бўлиб келди. Айни ҳақиқат Алишер Навоий ва Аҳмад Яссавийга ҳам дахлдордир. Нафс, инсоннинг дунё мол-мулкига муносабати хусусида бадиий мушоҳада юритилганда, шахсият эмас, умуминсоний манфаатларнинг биринчи ўринда қўйилиши ҳам илоҳий нуқтаи назар талабидир. Ана шу нуқталар ҳар иккала даҳо санъаткорни ягона марказга тортиб туради.

Ҳар не элга ком эрур, кечти Навоий баридин,
Қилмади неким, буюрди нафси хорижрой анга.
Бу жаҳонда барча нафси воясидин чекти эл,
Ул жаҳоннинг вояси гар музд етмас вой анга! (VI, 513-бет).

Қитъанинг оҳанги, ифода услуби Аҳмад Яссавийнинг юқоридаги ҳикматидан тубдан фарқ қилади. Аслида, шундай бўлиши ҳам керак. Аммо ғоявий йўналиш, инсонпарварлик туйғулари уларни ягона ўзан сари етаклайди. Хожаи калон тўртлигининг лўнда хулосаси – инсон умрининг интиҳосига тегишли. Ибрат – имтиҳон даври, тўрт кунлик умр кўзни очиб-юмгунча ўтиб кетади. Ҳақиқий манзара ҳисоб Кунида ойдинлашади. Қиёматда шод ёки шармандаю шармисор бўлиш-бўлмаслик бугунги фаолиятга, нафсга боғлиқдир. Худди ана шундай хулоса Алишер Навоий қитъасидан ҳам ўртага келади.

Сулук йўлини танлаган солик фаолиятининг иккинчи босқичи дарвешликдир. Барча нарсаларидан (яшаш эҳтиёжларидан ортиқча) мосуво бўлган фақир дарвешлик поғонасига қадам босади. Аҳмад Яссавий ва Алишер Навоий мисраларидаги таъкид унинг қулоқлари остида акс-садо бериб туради, нафсни жиловлай бориш имконини яратади. Дарвеш – форсча сўз. Етакчи маъно қирралари – фақир, камбағал. Фақирликка қўшимча – художўй, ундан юқори поғонаси, соликнинг тасаввуф маслакларидан бирини мақбул кўриши, унинг эшигини ишонч билан очишидир. Ёхуд маънавият, руҳга шавқ берадиган ишқ дардини қўмсаган, унинг изтиробларидан лаззат олувчи – ботиний тўлғоқлар гирдобида яшовчи шахс. Зоҳирий кўринишда дарвеш тупроқ билан баробар. Ҳавои нафс, дунёнинг шару шўрлари уни безовта қилолмайди. Қаноат – унинг суянган тоғи. Аллоҳ – ёлғиз пушти паноҳи. Унгагина сиғинади... Хожанинг "Нафсингни сен ўз раъйига қўйма зинҳор" чақириғини қулоғида тутади.

Тўғри-да, юқоридагиларни ажабтовур афсонадай қабул қилувчилар ўз билганларича йўл тутадилар. Аҳмад Яссавий ва Алишер Навоийлар яшаган замонда ундай кимсалар кам бўлмаган. Маънавий султон бундайларга ҳам ўз насибасини берган: "Нафсим мени туғён қилди, ҳаддин ошди..." Сажда Сизга, маънавий султон, ундайларнинг жазаваси бугун

ҳам қилча пасайгани йўқ. Кўкка сапчийдиганлар, ҳаммадан устун турувчи насиҳатгўй “донишманд”лар, ўз ишини ёлчитмай, ўзгалар соҳасига тумшуғини тиқувчи қомусий “аллома”лар бугун ҳам болалаб келаётир. Зора, ҳикматларингиз уларга ҳам етиб борса...

Қаноат қудрати билан нафси аммора ва маломатгўй нафсдан ғолиб келган Дарвеш – хотиржам, сокин, фақирона ҳаётини давом этади. Хожа Аҳмад Яссавий буюрганларидек:

Жондин кечган чин ошиқлар дунё демас,
Нафси ўлук обу таом ғамин етас,
Бу дунёда суду зиён бўлса, билмас,
Дунё келиб жилва қилса, боққони йўқ (191-бет).

Жон ва жонон – эгизак тушунчалар. Жонон ишқини дилига жо қилган ошиқ эса жон ғамини емайди. Улар руҳан бирикиб, яхлит жисмга айланадилар. Ошиқлик ва нафс жазаваси асло бир ўзанга сиғмайди. Хожанинг тўрт сатрда уч карра “дунё” сўзига мурожаат этиши ҳам юқоридаги мулоҳазаларга боғланади. Яъни калаванинг учи яна нафсга тегишли бўлиб қолади. Маънавий султон сўзнинг кўп маънолик хоссасидан ўринли фойдаланади. Биринчи ва тўртинчи сатрларда “дунё” молу мулк, бойлик, пулу жавоҳирот маъносини англатаётир. Тўртликнинг учинчи мисрасида “дунё” ўз вазифасида – олам, жаҳон, бизни ўраб олган борлиқ маъносида талқин этилмоқда. Шунингдек, инсон учун ажратилган қисқа яшаш муддати, вақт, замон, давр каби мазмун жилоларини ҳам мисранинг моҳиятидан илғаб олиш мумкин. Илоҳий таълимотга кўра, инсоннинг бу дунёдаги умри фоний – ўткинчи, муваққат; ҳақиқий, боқийлик даври эса нариги дунёдадир. Модомики шундай экан, фано оламида меҳмон сифатида, синовлардан ўтиш учун умргузаронлик қилаётган инсон бағри кенг бўлмоғи, дунёнинг “суду зиён”ига (фойдаю зарар) эътибор бермай, яратган қодир Эгамгагина таваккул қилиб яшаши зарур. Мазмунни янада теранлаштирадиган бўлсак, тавҳидга (Аллоҳнинг якка-ягоналигига қатъий ишонч билдириш, руҳан У билан бирлашиш) катта умид кайфияти ҳукмрон бўлмоғи лозим.

Туркистон шайхул-машойихи ҳикматидаги масалалар Алишер Навоий қаламида кўламдор ифодасини топган. Тасаввуф таълимотининг ҳали гўдак Алишер жисмида жонини қамраб олганлиги маълум. Ёш боланинг Фаридиддин Аттор “Мантиқут-тайр” асарини ёд билгани, ярим асрдан зиёдроқ шу асар таъсирида яшагани унинг маънавий дунёси учун изсиз кетмади, албатта. Улуғ шоир мисраларида фано ва ўша таълимотга мурожаатнинг кўплигини тушуниш мумкин. Булар билан чекланмаган буюк мутафаккир “Насойимул-муҳаббат”, “Маҳбубул-қулуб” сингари мансур асарларида тасаввуфга доир нозик кузатишларини ифодалади. “Лисонут-тайр” эса улуғ шоир маърифий қарашларининг яхлит мажмуини ташкил этади. Мазкур шоҳ асарда Алишер Навоий дунёқарашининг қиёмига етган қаймоғи жамғарилган. Унинг ҳар бир байти бир китоб, ҳар бир боби айрича маънавий уммондир. Кўнгил ва қўлни тоза тутмай бу асарни мутолаа қилиш, у ҳақда жўяли сўз айтиш ҳаромдай туюлади менга. Маънавий султоннинг юқоридаги ҳикматига жўровоз байтлар мазкур жавоҳир хазинасида беҳад кўп. Ўшалардан бирини назардан ўтказайлик:

Истабон топмай дури ноёбни,
Мундадур тарк айламак асбобни.
Молу мулку ҳар недур соликка банд,
Тўрт такбири фано урмоқ баланд.
Ҳар неким ғайри талабдур ташламоқ,

Ўзни мақсад манзилига бошламоқ.
Қолмаса олам матоъидин жиҳат,
Ўзга навъ улғай санга ул дам сифат.
Ганждин етгай асар вайронинга
Зоти нуридин ёруғлуғ жонинға (190-бет).

Ушбу шеърий сатрлар асарнинг “Талаб водийсининг сифоти” бобидан олинди. Солик фаолиятида талаб – дарвоза. Етарли тайёргарлиги бўлмаган инсоннинг бу дарвозага юзма-юз келиши асло мумкин эмас. Нафси аммора ва маломатгўй нафс жазаваси ва талаб дарвозасини ўт ва сувнинг ҳолатига қиёс этиш жоиз. Талабдан тавҳидгача ишқ, маърифат ва истиғно водийлари ҳам тайин қилинмоғи зарур. Масофа узоқ, йўл азобли, устига устак юк оғир бўлса, мурод орзу бўлиб қолиши тайин. Алишер Навоийнинг бу мисраларида таваккул тилга олинмайди. Аммо парча замирида шундай маъно бор. Уни илғаб олиш қийин эмас. Улуғ шоир таваккулни кўчирганимиз парчанинг энг охирги мисрасида лўнда ва аниқ қилиб айтиб қўйибди.

Таваккул – тариқат аҳкомларидан бири. Тариқат ва унинг остонаси саналмиш шариат хуш кўрмайдиган яна бир қатор иллатлар борки, улар бир жиҳатдан нафсга дахлдор, иккинчи тарафдан эса, ишққа тегишлидир. Кўламдор талқинларга молик ишқ ва ошиқлик – муборак тушунчалар. Ўша даргоҳга қадам босиш учун маънавий ҳуқуқи бўлган ошиқлар – фақиру дарвешларнинг рафтори ҳам олий мақомда бўлмоғи шарт. Табарруклик пастликнинг зиддидир. Фидойи ошиқ буни бутун жисму жони билан ҳис этади, ўзини ўша олий талаблар даражасида тутади. Қорни учун қадрини ерга уришга ҳозиру нозир кимсалардан ҳазар қилади. Маъшуқанинг бир ишваси унинг учун юксак туҳфа, ҳар қандай қимматбаҳо жавоҳиротлар тўла хазинадан ҳам афзалроқдир. Бундай вазиятда нафснинг икки оёғи бир этикка тиқилиб қолади. Соликка юзма-юз келишга юраги дов бермайди. Аммора ва маломатгўй нафс қатағонга учрайди. Нақадар ибратли, аммо китоблар саҳифасида, пок кўнгиллар тубида қолиб кетган ширин орзулар. Хожа айни ўшаларни нишонга олади ва қуйидаги тўртликни ҳадя этади:

Манлик бирла тариқатга кирмадилар,
Жондан кечмай йўлга қадам қўймадилар,
Нафс ўлтурмай, таслим фано бўлмадилар,
Хомтамъалиғ бирла йўлга кирманг, дўстлар (115-бет).

Манманлик, кибру ҳаво – инсон феълу атворидаги катта иллат. Талайгина қусурлар ўша нохуш заминда илдиз отади. Айни таъкидлар тамаъгирлик учун ҳам бегона эмас. Маърифий ишқ йўлида жонини тикканлар табиатига улар мутлақо зиддир. Такрор айтилганидек, ўша қусурлардан фориғ бўлмай туриб, тариқат йўлини ихтиёр этиш – саробдан чанқоқни бостиришни умид қилиш билан баробардир. Равшан бўлаётирки, бу ўринда ҳам Хожа Аҳмад Яссавий инсон ҳаётининг бағоят ўзак масалаларидан бирини муҳокама мавзуси сифатида танлаган, унинг хилма-хил қирраларини ойдинлаштириш, бадиий талқин этишга муваффақ бўлган. Шунингдек, сулуку соликлик баҳсини ҳам давом қилади. Нафсини мағлуб қила олган солик қаноат қасрини забт этади. Зебу зийнат, ҳашаму дабдабалардан узоқлашади. Алишер Навоий шеъриятида шундай ғоя дадил ифодасини топган. Жумладан, қуйидаги мисраларда ҳам ўшандай кайфият бадиий талқинини кўрамиз:

Ҳар гадоеким, бўрёйи фақр эрур кисват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга.
Ким фано туфроғиға етиб қўяр тош узра бош,
Тахт уза эмас музаҳҳаб муттако ҳожат анга.
Шаҳ юруб олам очар, дарвеш оламдин қочар;
Ҳам ўзунг инсоф бергилким, бу не нисбат анга?!
Кўр, недур ҳиммат мунга, не навъ эрур ҳолат анга (I, 35-бет).

Ўн уч байтдан таркиб топган ғазалда тазод санъати ҳукмронлик қилади. Ғазалнинг матлаъидан мақтаъигача шоҳлик ва фақирлик (гадолик) ёнма-ён қўйилиб, бир-бирига зид ҳолатлар юзлаштирилади. Шоҳликка мойдай ёқадиган ҳашам – гадолик табиатига тўғри келмайди. Шоҳнинг зарбоф либосларига дарвеш ўзининг жандасини алмаштирмайди. Улуғ шоир тасвир доирасини чуқурлаштира боради. Либослар муқоясасидан турмуш тарзига кўчади. Шоҳона истироҳат хоналари, бистарлар ва фано тупроғи қарама-қарши қўйилади. Ғазалнинг “шаҳ юруб олам очар, дарвеш оламдин қочар” мисраси диққатга молик. Бу ўринда “олам” сўзининг талқинлари кенг. Ўз маъносидан ташқари “молу мулк, бойлик”ни ҳам англатиб келмоқда. Мана шу нуқтада маънавий султон ҳамда Алишер Навоийнинг қарашлари аниқ тўқнашади. Бу жуда муҳим. Чунки тариқат таълимотида бойлик марказий масала. Равшан, Хожа Аҳмад Яссавий ҳамда Алишер Навоийнинг нуқтаи назарлари худди ана шу марказий масалада якрангдир. Тариқат таълимотида яна бир муҳим жиҳат мавжудки, уни Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр” масал-достонидан олинган мисолда яққол кўришимиз мумкин:

...Ким борига ҳамнафасдур нафсу рух,
Басталиғ бирдин етар, бирдин футуҳ.
Улдур эрким, салб этиб нафсоният,
Ролиб этгай зотиға руҳоният...
Нафсдин ҳар кимгаким бу бим эрур,
Чора муршид олдида таслим эрур.
Бўйла иллатларға муршиддур табиб,
Ким халойиқ пир дерлар, эй лабиб (135-бет).

Сулук йўлини танлаган ҳар бир соликнинг ўз раҳнамоси бўлиши шарт. Маърифий адабиётларда бундай маънавий мураббий “муршид”, “шайх”, “пир” атамалари билан юритилади. Муршид мурид феълу атворидаги нуқсонларни пайқаб олиши, уларни бартараф қилиш чораларини кўриши лозим. Бунда ягона дастуриламал бўлмаган. Ҳар бир муршид ўз таълим ва тарбия усулларини ишлаб чиққан, ўша асосда иш юритган. Шундан бўлса керак, Алишер Навоий ҳам муршид фаолиятига юксак баҳо беради. Унинг соликни маънавий руҳоний жиҳатдан шакллантириш йўлидаги заҳматларини табибу бемор муолажа жараёнида чекадиган машаққатлар билан тенг қўяди.

Улуғ шоир фақиру дарвешликнинг юқори поғонасига кўтарилган Ориф уринишлари қирраларини очишга кучли майл кўрсатади. Ориф – арабча сўз. Унинг “билувчи, танувчи, маърифатли, доно” каби маъно жилолари мавжуд. Ишқ, жон, жонон ориф тимсолида бирлашади. Маънавий-руҳий яхлитлик вужудга келади. Орифнинг фақиру дарвешдан устунлиги шундаки, у илми Ҳақни тўла ҳифз этган. Илми ҳолу илми қолдан ҳам воқиф. Маънавий олами теран, шу босқичгача бўлган шиддатли имтиҳонлар жараёни уни тоблантиради. Ориф

нафс ва у билан алоқаманд юмушларни аллақачон унутиб юборган. Зоҳиру ботини – суръату сийратидан комиллик, фарзоналик нури ёғилади. У тавҳид нашидасидан – руҳий-маънавий бирлашиш зуҳуридан сармаст. Орифнинг маънавий дунёси нақадар юксак бўлса, унинг зоҳирий хатти-ҳаракати шу қадар пасту тупроқ, ҳатто унинг зарралари билан баробардир. Комиллик даъвоси, манманлик, худбинлик, кибру ҳаво, ғаламислик сингари ношойиста иллатлардан ор қилади, яқинига ҳам йўлатмайди. Хожа ва ҳазрат Алишер Навоий ғоят ўринли талабни олға сурмоқдалар. Зикри қилинган иллатлардан халос бўлмай туриб, фақру фано мақомига етиш амри маҳолдир. Аҳмад Яссавий ҳикматларида орифлик ва олимлик ёнма-ён туради. Хасислик, хиёнат, нокаслик авж олган муҳитда олимлик завол кўради. Шундан бўлса керак, “халқ ичинда хор бўлдилар дарвеш, олим”, – дея нола чекади маънавий султон. Илм ва ҳақ йўли – қисмат. Уни сунъий равишда ўзлаштириб, такрорлаб бўлмайди. Олимлик ва маддоҳлик бақамти келмайди. Илмпараст олим ўз шаъну шавкатини ҳимоя қилади. Тўрба-ю таёқ тутиб, ҳаром мулк йиғмайди, оёғи ўзангида бўлганларнинг ковушини ялаб, уларни кўкка кўтариб мақтамайди. Чунки илм йўли хушомад ва ҳаромдан юксак туриши шарт. Сабаби аён. Ишрат ва мулкнинг умри қисқа, илмнинг довруғи устувордир. Олимлик ва фароғат – бир-бирига ашаддий душман. Уларнинг бири бўлган жойга иккинчиси сиғмайди. Келинг, Ҳожанинг дил нидосига қулоқ тутайлик:

Чин олим ёстуғин тоштин яратди,
Нима уқти ани оламга айтти (199-бет).

Мазкур мисралар бизга замондош. Бугун биз уларни биноларимиз пештоқида ёзиб қўйсак, фақат манфаат кўрамиз. Олимлик ва нафс жазаваси ҳам карама-қарши қутблардир. Ана шундай узундан-узоқ руҳий жараёнларнинг бошида нафс туради. Хожа Аҳмад Яссавий фиғони фалакка ўрлашининг боискори ҳам нафси амморадир. Ўзининг саъй-ҳаракатлари билан улуғ мақсадлари, ширин орзуларига эриша олмаган Хожа бадкирдор замондошларини бедор бўлишга, дунёнинг фонийлигидан огоҳ қилишга уринади. Қиёмат кунини хотирга солади.

Бешак билинг, бу дунё барчамиздан ўтаро,
Инонмагил молинга, бир кун қўлдан кетаро,
Ота-она қариндош, қаён кетти, фикр қил,
Тўрт аёғлиқ чўбин от бир кун санга етаро (221-бет).

Хожанинг мазкур мисралари тушкун, бадбин кайфият ташувчи шеър сифатида узоқ йиллар танқид манбаси бўлиб келди. Тан олмоқ керакки, Аҳмад Яссавий ҳикматлари таркибида бундай тўртликлар ягона ҳам эмас. Бундан қатъи назар, ўша шеърий қаторлар бағрига жо этилган ғоя билан баҳслашиш, уларни батамом инкор қилиш, ақлдан ташқари бир уринишдир. Чунки маънавий султон ҳақ гапни айтган. Ҳақ эса асал эмас, у аччиқ, кўзни ҳам, қалбни ҳам ачитади. Начора, чидамоқ, унинг истиқболига мардона пешвоз чиқмоқ вожиб. Изоҳлар аён: Ҳеч ким дунёнинг таянч тоғи бўлиб, мангу қолмайди, ҳалолу ҳарому ҳариш билан йиққан молини ўзи билан орқалаб олиб кетолмайди. Ҳатто жаҳонгир Искандар ҳам дорилбақога очиқ қўллар билан кетди. Уни ҳам, ҳамма ва ҳар биримизни ҳам “тўрт оёқли чўбин отга” – тобутга солиб, охиратга кузатишлари муайяндир.

Ҳазрати маънавий султон дилида парвариш топган умумбашарий ғоялар Алишер Навоий қалбининг ардоқли фарзандлари эди. Изоҳ ва далилларга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Бутун ислом дунёси учун ягона қомусий сарчашма – муқаддас Илоҳий китоб бор экан, барча қарашлар ўқ илдизларининг ўша манбадан озиқланиши шубҳага ўрин қолдирмайди. Таъкидимиз ориф-олим баҳсига ҳам тааллуқлидир. Асосий муддаога кўчишдан аввал яна бир мулоҳазани айтиш зарар қилмайди. Олимнинг илоҳиётдан узоқлиги йигирманчи асрнинг Марказий Осиё халқлари бошига солган кўргилигидир. Ўтмишда эса олимлик кенг маъно касб этган. Фаннинг турли тармоқлари билан шуғулланувчи зариф инсонлар ислом таълимотидан ҳам мукаммал хабардор эдилар. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ибратли умр йўли бунинг нотакрор мисолидир. XV асрнинг иккинчи ярмида яшаган бу улуғ инсон замонасининг қатор фанларидан донишманд эди. "Қуръон" тиловатида Ҳиротда якто бўлган. "Қуръон" ва фиққдан мукаммал билимдонлиги сабабли Алишер Навоий муқаддас илоҳий китоб форсий тафсирини унга топширган. Тафсири Ҳусайний ҳамон форсзабонлар ўртасида шуҳратлидир... Хожа Аҳмад Яссавий ва Алишер Навоий асарларидаги олим ана шундай маънавий қиёфага эга. Улуғ ўзбек шоирининг ориф-олим ҳақида байтлари бисёр. Уларнинг ҳаммаси ҳақида тўхталиш имкон доирасига сиғмайди. "Ҳайратул-аброр"нинг илм ва олимлар баҳсига бағишланган ўн биринчи мақолотидан бир неча мисрани олиб кўрайлик. Мақолот дардли бир байт билан ибтидо топади. Унда барча замонлар учун хос дард қаламга олинади:

Даҳр иши то халқ ила бўлмиш ситез,
Хор дурур олиму жоҳил азиз (Хамса, 94-бет).

Алишер Навоийнинг ҳар бир мавзуга доир ўз нуқтаи назари, таснифлари бор. Жумладан, илму олимга оид унинг қарашлари бир мақомда эмас. Олимлар гуруҳлаштирилади, яхшилари мақтовга, ёмонлари танқидга сазовор кўрилади:

Олим агар қатъи амал айласа,
Илмига шойиста амал айласа.
Солмаса кўз жифаи дунё сари,
Боқмаса туз дунёйи фони сари (Хамса, 97-бет).

Аёнки, яна гап жилови нафсу қаноатга уланди. Орифлик-олимлик ҳар қандай таъмадан юқори туриши шарт. Ўшандагина у қадр топади, мутеълик кишанлари унга дахлсиз бўлиб қолади. Улуғ шоир ундайлар учун:

Они шараф гавҳарининг кони бил,
Гавҳару кон, хар не десанг они бил, –

дея ориф-олимга юксак мукофот – шараф тошини раво кўрадилар...

Улуғ Хожа ва Ҳазрат Алишер Навоий минг карра ҳақ. Ғафлат уйқусидан уйғонмоқ, нафси амморани тепмоқ, ўлдирмоқ, қаноат билан ҳамнафас бўлиб Ишқ даргоҳидан паноҳ тутмоқ панд бермайди. Ҳаётбахш ҳикмату мағздор сатрларингиз учун таъзим бажо этмоққа бурчлимиз. Руҳларингиз шод ва Сизлар комил сидқ ила сиғинган Парвардигорингиз Сизларни раҳмат этган бўлсин, маънавият мулкининг султонлари!

1. ЖАСОРАТ ВА НАЗОКАТ МАФТУНИ

(Профессор Р. Воҳидов билан адабиётшунос Абдуғаффор Хонов мулоқоти)

А. Хонов: – Домла, агар билсангиз, ҳазрат Навоий даҳоси ҳақида ўйласам, ҳамиша шууримда шундай бир нурли манзара жонланади: ул зоти мукаррам адабиётимиз осмонида ҳеч ўчмас – сўнмас улкан Ой бўлиб ярқираб турибдилар. Бу Ой атрофида бир неча ёрқин юлдузлар шодаси кўзга ташланади: Бобур, Махтумқули, Фузулий, Машраб, Мулланафас, Огаҳий, Камина, Абай...[1]

Р. Воҳидов: – Тўғри эътироф этдингиз. Ҳазрат Алишер Навоий Қодири қудратнинг нафақат туркий халқлар, балки бутун мусулмон олами учун юксак инъомидир. Бундай улуғ зотлар неча юз йилларда бир дунёга келади. Мана, беш юз эллик йилдирки, шеърият мулкининг шери – Алишер Навоий такрорлангани йўқ. Бу бетакрор даҳо ўз заковати, худодод истеъдоди билан ўзбек адабиётини шундай бир юксак қуллага кўтардики, унгача ва ундан кейин ҳам ўша нуқта орзу, интилиш чўққиси бўлиб келаётир. Ўтмишнинг ажиб бир фазилати бўлган. Чинакам санъат асари, унинг ким ва қайси тилда – яратилганидан қатъи назар, замон ва маконни писанд билмай, элу элатларга хизмат қилган. Бизнинг мадрасаларимизда Жомий, Навоий, Фузулий, Бедил ўқитилган. Кўрасизки, миллат, тил ва манзил сўралмаган. Иккинчи бир нозик жиҳат араб ва форс тилини ўрганмай туриб, мадраса хатми ҳам амри маҳол эди. Бизнинг парча-парчаларга бўлинишимиз қизил империянинг "шарофати". Ўтмишда тилидан қатъи назар, юқорида мен тилга олган табъ аҳли ягона Ислом маданиятининг вакиллари саналган. Шу маънода, XV асарнинг 70-йилларидан бошлаб, Алишер Навоий ҳаётининг мангулик босқичи назарга ташланади. Марҳум академиклар А. Мирзоев, Б. А. Қарриев, Ҳамид Ораслилар бу ҳаётий ҳақиқатни мардона эътироф қилган эдилар. Яъни Алишер Навоий мактабида ундан кейинги барча тожик ва туркий адиблар сабоқ олганлар. Жумладан, диндош ва қардошларимиз адабиётининг Сиз тилга олган арбоблари ҳам.

А. Хонов: – Назаримда, ана ўша Ой теграсидан яна бир янги, ёруғ юлдузнинг ўрин олганлиги анчадан бери диққатимни жалб қилмоқда. Бу юлдуз – Чингиз Айтматов...

Р. Воҳидов: – Исломий таълимотга кўра, осмон ҳам қават-қаватлардан таркиб топган. Арши аълода – тўққизинчи қаватда Парвардигор манзил тутган. Эҳтимол, шундайдир... Ҳозир баҳсимиз бу мавзуда эмас. Гап мажозий осмон – адабиёт осмони ҳақида кетаётир. Осмон бепоён экан, ундаги самовий сайёраларнинг ҳам сон-саноқсизлиги шубҳа туғдирмайди. Шу ўринда устоз Мақсуд Шайхзоданинг бир ажиб жумласи хотирага келди. "Уч-тўрт гул гулшан эмас", – дейди зукко адиб. Буни – самога ҳам татбиқ этиш мумкин. Юлдузлар – осмоннинг безаги. Уларнинг ҳаммаси ўз фазилат ва хоссаларига эга. Масалан, Суҳайл юлдузининг жамоли Яман осмонида ўзгачароқ назарга ташланар экан. Айни қонуниятлар адабиёт мулки учун ҳам бегона эмас. Якунга келадиган бўлсам, дарҳақиқат, Чингиз Айтматов Марказий Осиёнинг дурахшон юлдузи, юксак бахтидир.

А. Хонов: – Алишер Навоий ва Айтматов масаласи, қолаверса, Айтматовнинг умуман Шарқ маданиятига муносабати ҳақида фикр юритиш учун дастлаб унга ёндош ҳолда айрим масалаларга ҳам бевосита дахл қилиб ўтишни тақозо қилади. Бу, аввало, умуман Навоий анъаналарига дахлдор гап. Туркий халқлар маданияти ва адабиётининг фахри Алишер Навоий ижодий анъаналари, асосан, классик адабиёт намояндалари мисолида

[1] Суҳбат илк бор нашр юзини кўрмоқда.

ўрганиб келинмоқда. Бу ўртанишлар менга нима учундир бир ёқламадек бўлиб кўринади; гоҳида халаф шоирнинг Навоий номи тилга олинган мисралари, гоҳида эса унинг тахминан Навоий олға сурган ахлоқий ғояларга ўхшаш фикрлар йилт этиб кўринган шеърий намуналари келтирилади-да, шу нарсалар анъана сифатида талқин этилади. Бу мисоллар моҳиятан тўғри, аммо илмий таҳлили ва дин талқини, ечилиши ва хулосалари аллақандай жозибасиз, илмий салмоғи эса паст. Масаланинг иккинчи томони – Навоий ижодий даҳосига, ўлмас ғоявий ҳам эстетик анъаналарига бизнинг давримизда мен, масалан, бу борада ҳам одамни қониқтирадиган илмий умумлашмалар, муфассал, жозибали таҳлиллар ҳали етарли эмас, деб ўйлайман. Бу йўналишда Навоий ғояларининг боқийлигини, ҳамиша яшовчанлигини, бугунги даврга боғлаш, қаҳрамонлари қилган орзуларнинг амалга ошаётганлигини фахрланиб таъкидлаш ҳаракатлари гўё етакчи хусусият бўлиб қолди. Нари борса, таниқли замондош ижодкорнинг Навоий даҳосининг улуғлигидан, унинг ғоявий-бадиий салоҳиятидан таъсирланиш ҳақидаги қайдларини келтириш, унга қисқача муносабат билдириш билангина кифояланиш ҳоллари кўзга ташланиб туради. Домла, кечирасиз-у, Навоийдек улуғ сўз санъаткори, мутафаккир сиймо адабий анъаналари билан боғлиқ бундай жараёнлар, унга шундай муносабат мени ҳеч қониқтирмайди.

Р. Воҳидов: – Куйиниб гапиришингиз ўринли. Ҳозирга қадар амалга оширилган ишлардан қониқиш қийин. Ҳатто бундай юзаки муносабатни фақат Алишер Навоий анаъаналарига дахлдор дейиш ҳам тўғри бўлмайди. Қизиқишларимга боғлиқ равишда славян адабиётлари адабий алоқаларига доир салобатли китобларни кўздан кечиришга тўғри келди. Уларда ибрат олса арзигулик жиҳатлар бор. Шу билан бирга маълум адабий далилларни қайд қилиш билан чекланиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Нега? Сабаб эса аён. Адабий алоқа ва ўзаро таъсир мавзуси собиқ Иттифоқда, жумладан, ўзимизда ҳам энди шаклланаётган йўналиш. 60-йилларда бўлиб ўтган жиддий мунозаралардан сўнг мавзу янги йўналиш сифатида илмий муомалага кирди. Албатта, унга қадар ҳам анъана ва ижодийлик номи билан талай ишлар амалга оширилган эди. Аммо масалага янгича ёндашув, барибир, янгилигини кўрсатди. Мавжуд қолиплар ўз гапини айтди. Натижада, уйқаш ва уйғун ишлар болалаб кетди. Талай диссертация ва китоблар яратилди. 60–70-йилларда босилган бу ишлардан аксариятини сиз ҳам ўқигансиз. Суратлар, афишалар, номлар, воқеалар ва ҳоказолар рўйхатига урғу берилади. Хуллас, юзаки, адабий алоқага жиддий дахли йўқ, ҳаёт тақозоси туфайли турли адабиётларда назарга ташланадиган монандликларни санаш устун эди. 80-йилларга келиб, ҳатто нашриётлар ҳам “адабий алоқа” тамғаси бор ишларни қабул қилмай қўйди. Эҳтимол, юқоридагилар тетапоя бўлиш жараёнининг маҳсулидир. Эндиликда биз ўзаро таъсир муаммоларини янги талаблар ва давр бераётган имкониятлар нуқтаи назаридан ўрганмоғимиз лозим. Бунинг учун мавзуни катта ва юзаки танлаш иллатидан қутулмоғимиз шарт. Ҳар бир мавзумизда маълум бир мақсад, йўналиш бўлмоғи зарур. Муайян асарларни қиёсий-типологик таҳлил асосида назардан ўтказгандагина айтилганларга эришмоқ мумкин. Бунинг учун қунт, фидойилик, меҳнат ва чидам керак. Аксарият тадқиқотчиларимиз эса юқоридагилардан кўрқишади, тезроқ ҳужжат олиш пайида бўлишади. Алишер Навоийнинг бугунги адабиётимиз қайсидир вакилига таъсирини ҳар томонлама ўрганиш осон иш эмас. Бунинг учун, энг аввало, Алишер Навоий меросини етарли ўрганиш талаб қилинади. Тўртта шеър билиш, бир неча бадиий асарни ўқиш адабиётшунос даъвосини қилиш ҳуқуқини бермайди. Иккинчидан, ёшларни танлаш ва йўналтиришда хатолар юз бераётир. Вақти соати етиб, ҳаётнинг ўзи саракни саракка, пучакни пучакка ажратади, албатта. Менинг бунга ишончим комил.

А. Хонов: – Чингиз Айтматовнинг “Жаҳаннам узра қарғалар фарёди” номли салмоқли мақоласидан бир парча ўқисак: “...Ўрта Осиё адабиётлари замирида, асосан, араб ва форс

шеъриятидан ўтган Шарқ мероси ҳам йирик аҳамиятга эга, бунда табиийки, бизнинг тожик маданияти билан бир минтақада эканлигимизни ҳам таъкидламоқ керак. Яна бир тақдиримиз ва туркий адабиётларга такрорланмас ўзига хослик бағишлаб турувчи асос моҳиятига молик – қудратли улусий эпос – Қултегин битигидан тортиб то Мухтор Авезовгача бўлган Олтой фазоси худди океанлар қаъридаги яширин оқим каби бизда яшайди, макон ва замонда таралиб оқиб боради. Бу оқимсиз "океан"нинг ўзи ҳам йўқ. Океан эса қардош улусларни худди тўп-тўп оролларни бирлаштириб, биров-бировига жипслаштириб турувчи маънавий-руҳий моддийликдир". (Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991, 9 август).

Бу фикрда қадим Туркистон заминидаги халқларнинг адабиётларини ва улар ўртасидаги яқинликларни ўрганишнинг бугунги кундаги долзарб масалалари мужассам топгандек кўринади.

Р. Воҳидов: – Албатта, шундай. Аммо қўшни ва қардош халқлар адабиётлариаро ҳамкорлик масаласи Чингиз Айтматовга қадар ҳам ижод аҳли томонидан таъкид этилган. Масалан, улар Ойбекнинг илмий-адабий кузатишларида ҳам кўзга ташланади. Илмий муҳитда эса бу ҳаракат аллақачон бошланган. Ўзбек адабиёти тарихининг туркман, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, озар, татар ва тожик бадиий сўз санъатлари билан кўламдор ижодий муносабатларига доир талай диссертациялар ҳимоя қилинди, илмий рисолалар чоп этилди. Яратилган илмий тадқиқотлар сафида анчагина ибратлилари ҳам йўқ эмас. Аслида, Марказий Осиё минтақасида яшаётган халқлар адабиётининг ўзаро таъсири ҳақида ҳеч иккиланмай гапириш мумкин. Чунки ўзаро алоқа ва ҳамкорликнинг мустаҳкам заминда туриши учун зарур ҳисобланган жуғрофий, давлат бирлиги, тил яқинлиги, диннинг муштараклиги, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий қарашлар каби омиллар муҳайё. Бугун яна бир бош омил ҳақида ҳам қўрқмасдан гапиришимиз мумкин. Бу барча қарашларимиз *мужассамасининг* бош манбаи – ислом маданиятидир. Биз турли ирмоқлардан сув ичамиз. Аммо бир-бирига зид қутбларга оқиб кетган, бизга обиҳаёт насиб этган ўша ирмоқларнинг бошланиш нуқтаси – зилол сув қайнаб оқаётган булоқ эканлигини унутиб қўямиз. Ўша рамзий булоқ – ислом маданиятидир. Модомики шундай экан, ҳамкорликларимизнинг ўқ илдизлари Туркистондан олисларга ҳам бориб уланади. "Калила ва Димна", "Минг бир кеча" асарларини эслайлик. Биринчи асарнинг ватани Ҳиндистон. VI асрда Анушировон томонидан Ажамга келтирилган ва Паҳлавий тилига ўгирилган. Сўнг араб, ундан форс, форс тилидан қайта араб тилига таржима қилиниб, дунёга ёйилган. Марказий Осиё халқлари адабиётидан ҳам мазкур асар чуқур ўрин олган. Ёки Юсуф ва Зулайҳоларнинг номи билан боғлиқ ишқий-саргузашт қиссаларни олайлик. Минтақамиздаги барча адабиётларда унга мурожаат қилинган. Зикр қилинган воқеаларнинг ёзма бадиий адабиётга кўчиши эса Қуръони карим орқалидир. "Қуръон"га эса Тавротдан кўчган. Турк адабиётшуноси Агаҳ Сирри Левенд гувоҳлигига кўра, араб, форс, туркий тилларда Лайли-ю Мажнунларнинг жон сўз ишқи ҳақида юз элликдан ортиқ достон ёзилган. Булар ҳали ҳаммаси эмас. Энди, сиз менга айтинг-чи, ким кимдан кўчирган? Масалани бу йўсинда қўйиш эса бачканаликдир. Тиллар, муаллифлар, асарлар бошқа-бошқа, бироқ манба бир. Айтилганлар яхлит мусулмон маданиятининг ирмоқу шохчалари, жилолари...

А. Хонов: – Домла, шу муносабат билан яна бир умумий йўналишдаги илмий, назарий масалага муносабат билдириб ўтишимиз керак, шекилли. Чингиз Айтматов ёки унга ўхшаш машҳур адиблар ижодининг шаклланиш манбалари, улар қониққан адабий чашмалар ҳақидаги гапни биз, асосан, рус ва Европа реалистик адабий анъаналари билангина боғлашни қарийб илмий урфга айлантирдик..

Р. Воҳидов: – Яхши нарса бор экан, уни ўрганиш айб эмас. Мағрибнинг Машриққа (ёхуд акси) илмий, адабий, маданий таъсири бўлганлиги тўғри гап. Аммо уни бўрттириш, сажда даражасига кўтариш, сунъийлаштириш адолатдан эмас. Таассуфлар бўлсинки, бўйнида мустамлака занжири бўлган Марказий Осиё халқларига "катта оға" пайдо бўлиб, олди ва ўша "оға"лик анча йиллар ўзини кўрсатиб турди. Бу ҳолат нафақат кунлик турмушимизда, балки ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида ҳам ўзини кўрсатиб келди. X – XV асрдаёқ уйғониш даври – Олтин даврни бошидан кечирган Марказий Осиё халқлари адабиётининг нуфузига соя тушди. Ўшандай мустаҳкам маънавий замини бўлган XX аср адабиётининг равнақи рус адабиётига дахлдор равишда талқин қилинди. Аммо шу ўринда ўзаро алоқа ва таъсир жараёни учун хос бўлган муҳим ҳодисани ҳам таъкидлагим келади. Нотаниш адабиётлараро алоқа ва таъсирни йўлга қўйишда воситачи омилларнинг амал қилиши зарур. Воситачи вазифасини эса маълум тил, адабиёт, гуруҳлар, уюшмалар, нашрлар ва ҳоказолар ўташи мумкин. Ўтмишимизга қайтадиган бўлсак, Шарқни Ғарбга танитишда араб тили ва Мағрибни Машриққа ошно қилишда лотин тили воситачилик вазифасини ўтади. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Марказий Осиё чор Россиясининг мустамлакасига айланиши муносабати билан ўша воситачилик, ўз-ўзидан, рус тили ва адабиёти зиммасига кўчди. Жаҳоний кенгликлардаги тараққиёт ўша "дарича" (Ойбек таъбири) орқали бизнинг хонадонимизга кириб келди. XX асрнинг 30-йилларида аслиятдан (инглиз) таржима ҳаракати бошланди. Аммо бундай ташаббусни бошлаганлар қатағонга учради. Ҳукмронлик яна ҳокимлар қўлида қолди... Бундай зуғум илм оламига кўчди. Кимнинг аравасида бўлсанг, ўшанинг қўшиғини айтишга мажбурсан... Ч. Айтматов ва Марказий Осиё заминида балоғатга етган бошқа ижодкорларимизнинг сўз санъаткори сифатида шаклланишидаги бош манба эса миллий сарчашмалардир. Ярим миллион мисрадан иборат „Манас"ни яратган халқнинг донишмандлик хазинаси Чингиз оғани бугунги юксакликка кўтарган бош омил десам, сира хато бўлмайди. Боз устига, "Манас"нинг туғилиши Чингиз Айтматов дунёга келган Шакар водийси-ку!.

А. Хонов: – Албатта, насрдаги маҳорат, руҳият таҳлиллари бобида Балъзак, Толстой, Тургенев, Мопассан, Достоевский, Шолохов каби жаҳоний адиблардан ўрганмаслик мумкин эмас. Лекин шу билан бирга, сиз тўғри таъкидлаганингиздек, Туркистон заминида камолга етган сўз санъаткорини шакллантирган, унинг ўзи ва сафдошлари вужудига, қонига сингиб, ўзлашиб кетган бундан ҳам муҳимроқ омиллар – қадим шарқона адабий тафаккур илдизларига кўпроқ ва алоҳида назар ташлаш, буни жиддий илмий изланишлар марказига қўйиш вақти аллақачон етганми, дейман...

Р. Воҳидов: – Мулоҳазаларингизга қўшиламан. Аммо шу ўринда бир нозиклик ҳақида айтгим келади. Алоқа ва ўзаро таъсир, анъана ҳақида такрор гапирамиз. Айтиш керак. Бироқ, бошқа бир хавфдан сақланиш лозим. Паустовскийнинг "Олтин гул" китобини ўқигансиз. У ерда ажиб ҳолатлар ҳақида ҳикоя қилинади. Бир адиб бошқа ижодкорнинг асаридан батамом бехабар. Аммо унинг номини эшитиши билан ёзгиси кела беради... Бу ўринда қанақа таъсир бор? Ҳамма нарсани таъсирга боғласак, ижодийлик нима бўлади. Ахир Ч. Айтматовнинг ўзи ҳам нотакрор мактаб яратган даҳо-ку? Эҳтимол, Сиз номларини тилга олган адиблардан айримлари асарларини Ч. Айтматов ўқимаган бўлиши ҳам мумкин. Саволингизнинг иккинчи қисми қизиқиш уйғотади. Чингиз Айтматов бадиий яратмаларини Шарқ бадиий сўз санъати дурдоналари билан қиёсий ўрганиш зарур. Таъсир эса мавжуд. Масалан, воқеалар тизмасига ривоятларни сингдириш. Алишер Навоий "Хамса"сида, "Лисонут-тайр"ида ўнлаб мисоллар бор. Ч. Айтматов шарқ анъанасини янгича йўсинда давом эттирган...

А. Хонов: – Шу маънода Чингиз Айтматов икки буюк маданиятни тутиб турган байналмилал мутафаккир санъаткор сифатида намоён бўлади. Умуман, уни Шарқу Ғарб синтезининг энг ёрқин ва ўз фаолиятида бунинг самарали натижаларини мўл-кўл кўрсата олган адиб, дейиш мумкин. Айтматов – шарқлик зукко, доно, устамон санъаткор бўлиш билан бирга Ғарбдан, Ғарб адабиётидан энг самарали равишда ўргана олган даҳо ижодкор саналади. Лекин унинг сиймосида Шарқ тафаккури, туркона маънавият устувор ва етакчи фазилат эканлигини диққат марказига қўйишимиз мантиққа мос келади. Айтматов асарлари ифодасининг поэтик шакли – кўпроқ ғарбона, фикрлаш тарзи, ғоявий-маънавий кўлами, ахлоқий-ижтимоий хулосалари эса шарқона.

Р. Воҳидов: – Гўдакнинг ватани ота-она аҳду паймони рўёбга чиққан, киндик қони томган табаррук остонадан бошланади. Ўтмишда боланинг киндиги ўз уйида, доялар томонидан кесилган ва бешикка маҳкам боғлаб қўйилган. Бунда теран маъно бор. Шарқона закийлик мужассам. Ўз остонасини ҳимоя қилган бола ватанини севади. Ватанини ардоқлаган инсон, ўзгалар юртини ҳам ардоқлай олади. Ҳазрат Алишер Навоий ҳам, Чингиз Айтматов ҳам, юрагида Ватан туйғуси жўш урган буюк инсонлардандир. Алишер Навоий киндик қони томган Ҳиротни еру кўкка ишонмаган. Шундай баланд туйғу Ч. Айтматовда ҳам мужассам. Бундай зукколарнинг бир халқ қобиғида қолиши асло мумкин эмас. Улар башарият дарди билан нафас олади, асарларида умуминсоний муаммолар устида, баҳс юритилади. Шу маънода, даҳолар тафаккури туҳфа этган асарлар умумбашарийдир. Айтилганларга Алишер Навоий ва Ч. Айтматов асарлари гувоҳ. Бу ноёб истеъдод соҳибининг Ғарбдан ўрганиши хусусида юқорида мен ўз муносабатимни билдирдим. Улкан адиб асарларидаги шарқона зарифлик мавзуси эса мунозарага зарурат сезмайди, деб ўйлайман, Ахир Ватанини жону дилидан севган, “Манас”ини кўзига суртган, “Инжил”у “Қуръон”дан пухта хабардор адиб ўз маънавий заминидан узила олмайди-да!

А. Хонов: – Мана, Чингиз Айтматовнинг Навоий анъаналарига нисбатан ўзининг муносабати ҳақидаги фикрлари: “Алишер Навоийнинг... айрича назокат ва жасорат билан ёзилган ғазаллари, “Хамса”сида кўтарган масалалари ва ижод санъатининг юксаклиги, ўзига хос катта мактабдир. Бу мактабдан ўтмай туриб, тилга тушадиган баркамол асарлар ёзиш қийин”. Мардона эътироф! Шундай эмасми, домла?

Р. Воҳидов: – Номардлик – ғирром, худбин ва жоҳил кимсаларнинг кунлик машғулоти. Мардлик – ҳалоллик, покизалик, тўғрилик шиори бўлган инсонларнинг ноёб фазилати. Алишер Навоийда бундай ростгўйлик туйғуси ниҳоят баланд эди. “Хамса”, “Хазойинул-маоний”, “Девони Фоний”, “Мажолисун-нафоис”, “Муҳокаматул-луғатайн”, “Насойимул-муҳаббат”даги эътирофларни эсланг. Айниқса, “Лисонут-тайр”да унинг Фаридуддин Атторга бўлган нотакрор садоқати одамни ҳайратга солади. Аслида, ўша ишоралар туфайли айрим тадқиқотчилар улуғ шоир бўйнига “форс-тожик адабиётининг тақлидчиси ва таржимони” ёрлиғини тақиб қўйдилар. Шукроналар бўлсинки, илмий ҳақиқат ўз ўрнида қарор топди. Унинг бадиий баркамол асарлари ҳамон “авж пардадан пастга энган”и йўқ ва иншоаллоҳ шундай бўлғай. Ч. Айтматов ҳам Аллоҳ иноятидан баҳраманд адиб экан, унинг бор гапни борлигича айтишдан ўзга йўли йўқ эди...

А. Хонов: – Шубҳасиз, улуғ санъаткорлар ижодининг оламшумуллигини таъминлаган муҳим омиллардан бири – уларнинг адабий жасорати билан ҳам боғлиқ. Лекин Навоий ва Айтматов ижоди ўртасида жасурликнинг алоҳида, ўзига хос муштарак жиҳатларини ҳам кузатиш мумкин бўлади. Бу, энг аввал, иккала санъаткорнинг ҳам бир қадар мураккаб ижтимоий тузум бағрида туриб энг олий ижодий ниятларни амалга оширганликлари

билан изоҳланадиган масала. Дейлик, Навоий яшаган ўзаро тахту тож талашлари авж олган феодализм даври ҳур фикр учун қанчалик душман бўлса, Айтматов камол топган ва асосий ижод маҳсуллари яратилган социализм деб номланган қизил империя тузуми ҳам зуғумкорликда ундан кам эмас эди.

Р. Воҳидов: – "Ижод аҳли ўз даврининг кўзи, қулоғи ва виждони", – деган гапни тез-тез такрорлашади. Албатта, бу гап устод Айний ибораси билан айтганда, шоиртарошлар учун эмас, балки чинакам истеъдоди бор, бадиий ижодни ўзи учун қисмат билганларга тегишли. Иккинчидан, ижод даргоҳини шуҳрат, мансаб, унвону мукофотлар маскани биладиганлар халқ ғамидан бенасибдирлар. Ундайлар учун журъату жасорат раҳбарга ёқишдан иборат. Алишер Навоий ва Чингиз Айтматовлар эса бутунлай бошқа олам. Дунёни жўнгина тушунган пайтларим Алишер Навоий ва унинг дўсти Суҳайлийларнинг шеърларида доду фарёд, ғаму андуҳ, мислсиз кўз ёшларини кўриб ҳайрон қолардим. Хуросон давлатининг вазири аъзами бўлса, бир кунлик даромади етмиш беш минг тилло динорни ташкил қилса, егани олдида, емагани ортида турса, Ҳусайн Бойқаро олдидаги мавқеига кўра, бир масалани тўққиз мартагача шоҳ муҳокамасига қўйиш ҳуқуқига эга инсонга яна нима етмас экан? Мен энди Ҳазрат Навоийни қалбдан ҳис қиляпман. У зоти мукаррамнинг:

Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне толмадим,
Жон басе қилдим фидо, оромижоне топмадим,

аламли мисралари менга энди кундай равшан. Дунёда сен ишониб юрган одамларнинг сенга панд беришларидай оғир жазо бўлмас экан. Моддий омилларсиз ҳам турмуш татимайди. Бироқ руҳий-маънавий қашшоқлик ундан ҳам ўтиб тушади. Алишер Навоийни ана ўшалар зор-зор титратган. Юзида бир гап, изида бошқа гапни айтган кимсаларнинг рафтори уни изтироб гирдобига тортган. Инсоннинг ашаддий руҳий душманларидан бири ҳасадгўйликдир. "Ваққия"даги мана бу сатрларни кўринг:

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Ҳазрат минг карра ҳақ. Ўша иллатлар бор экан, инсонлар ўртасида осойишталик бўлмайди. Энди у ёғи аён. Алишер Навоийнинг буюклиги шундаки, кўзи очиқ даврда ўшаларга қарши курашди, қанчалик қимматга тушишидан қатъий назар, рост гапни айтишдан, юрт ташвиши, тараддудларини тортишдан толмади. Дарҳақиқат, янги ижтимоий муҳитда навоиёна журъату жасоратни Чингиз Айтматов маънавий ворис сифатида юксак чўққига кўтарди. Тиш-тирноғигача даҳшатли аслаҳалар билан қуролланган, пўлат қўрғондай ҳайбат солиб турган СССРнинг ичдан зил кетганлигини ҳали мустаҳкам турган, мафкура жилови сусловлар қўлида бўлган йилларда Айтматовчалик аниқ бадиий акс эттирган бошқа ижодкорларни топиш қийин. "Алвидо, Гулсари", "Оқ кема"даги шиддат "Асрга татигулик кун" романида такомилини топди. "Кунда" ёхуд "Қиёмат"да жамиятни вабодек босаётган бошқа хавфу хатарлардан огоҳлик берди. Ҳаёт буюк адиб башоратлари фойдасига хизмат қилди. Кейинги тафсилотлар Сизга ҳам, муҳтарам ўқувчиларга ҳам кундай равшан. Айтилганлар Алишер Навоий ва Чингиз Айтматовларнинг адаб мулкининг пайғамбарлари эканлигига далолат эмасми?

А. Хонов: – Назаримда, адабий жасорат бадиий ижод оламининг мураккаб ва кўп қиррали нозик масалаларидан саналади... Насимий ва Машраб ҳақиқатни бор овозича, очиқ-ошкора жасорат билан айтганликларидан бошларини ўзлари дорга олиб боришди. Ибн Сино, Бедил, Фурқат каби мутафаккирлар эса ана шу қалбга сиғмаган жасоратлари сабабидан Ватандан жудоликда яшаб ижод этдилар. Бунга Хэмингуэй, Бунин, Нозим Ҳикмат, Солженицин каби сўз санъаткорлари тақдири ҳам ҳамоҳанг ҳисобланади. Энди Навоий ва Айтматов ижодий оламига хос жасорат-чи? Икки улуғ адиб ҳам ҳур фикрни ҳар қадамда таъқиб қиладиган замонда яхши маънода муроса иш қилиб, унинг кўзга кўринмас тиғларига ўз қалбларини тутиб бериб, катта азоб билан яшаганликлари – улар ўртасидаги ўзига хос яқинлик эмасмикан ?

Р. Воҳидов: – Аслида, саволни сал бошқача йўсинда қўйиш керак экан. Сиз санаган шоиру адибларни ватангадо қилган бош омил улардаги истеъдоддир. Қобилияти бор, фаҳму фаросати жойида, ҳаромдан ҳазар қиладиган инсонларда ишонч кучли бўлади. Ишонч бор жойда ҳақгўйлик, адолатпешалик ғолиб келади. Масаланинг бу қирраси жаҳолат оламига хуш келмайди. Биласизми, яхши инсонларнинг бирлашуви жуда қийин. Уларнинг ҳар бири ўзича бир олам бўлиб яшайди. Бундан рафтор ғаламисларга, нафси ҳакалак отган кимсаларга қўл келади. Манфаат уларни бирлаштиради. Баҳамжиҳат ҳаракат ўз натижасини беради. Насимий фожиасини эсланг. Терисининг шилиниши ҳақидаги ҳукмни унинг ўз тилидан эълон қилдирдилар. “Қуръон” сурасидан кўчирмани унинг патаги остига ким солиб қўйди? Бугун биз ўшандай гуруҳларни “мафия” деб атаяпмиз. Атама янги, моҳият эса ўша-ўша. Ёки Насимий истеъдодининг душманлари ўша қабоҳатни уюштирди. Машрабни ҳам руҳий изтироблар оламига ким солди? Унинг севишга ҳаққи йўқ эдими? Канизакка ишқ изҳори учун уни эрлик иқтидоридан маҳрум қилиш ваҳшийлик эмасми? Фурқат фожиаси эса айрича масала. У мустамлакачиларнинг қурбони бўлди, десак янглишмаймиз. “Гадонинг душмани гадо бўлади”, деган ҳикматни кўп марта эшитгансиз. Мазкур мақолга юзаки қарасангиз, ҳайрон бўласиз. Ўзи бир гадо бўлса, унга душман нима қилади, деб ўйлайсиз. Мағзга жиддийроқ разм солсангиз, аждодларимиз заковатига тан бермай иложингиз йўқ: ажиб лутф қилинганлиги аён бўлади. Ахир, гадо битта бўлса, насиба кўп тегади-да. Иккита бўлса, ризқ бўлинади... Чингиз Айтматовнинг Ўрозқули соясида ҳам ўша маъно яшириндай. Оддий ўрмон қоровулининг босар-тусари шундай бўлса, катта курсида ўтирганлардан нима чиқиши аён. Иккинчидан, гадолар тақдирида кузатиладиган ғаразу низолар санъат, илму адабиёт майдонида янада ошиб тушади. Қодирий, Чўлпон ва Усмон Носирларнинг жаллодини излаймиз. Уларни жаллод кундасига рўпара қилганлар эса сояда қолиб кетади. Ўйлаб куринг, бу ноёб қобилият соҳиблари дастлаб ўз касбдошларидан анчагинасига ёқмаган. Уларнинг борлиги кимларнингдир салобатига, шуҳратига соя солгандай бўла берган. Кўпнинг ичида кўринмай қолишдан кўра, ҳамманинг оғзида ва назарида бўлиб яшаш яхши-да. Албатта, бу – ўткинчи ғалаба. Начора, инсон териси қаватларида яшириниб олган шайтоннинг васвасаси шунга ундаб туради-да! Алишер Навоий ҳасратларидан бир шингил эшитдик. Айтматовнинг ҳам бу “неъмат”дан бенасиб эканлигига эса ақл бовар қилмайди...

А. Хонов: – Мураккаб замон зуғумларини қалбларида сезиб, бу билан улар ўз дард-аламлари доирасидагина қолиб кетган эмаслар, албатта. Бу давр ҳақиқатини, ўз дард-аламларини ёрқин поэтик йўриқларда ифодалаш тарзида намоён бўлади. Бошқача айтганда, Навоий ҳам, Айтматов ҳам энг муҳим ижтимоий масалаларни, халқнинг туб дард-аламларини бутун қирралари билан ифодалашда санъатнинг сеҳрли бадиий шаклидан ғоят устомонлик билан фойдаланганлар. “...Қуръони каримнинг таъқиқланган донишмандлиги,

аянчли халқ турмушининг манъ этилган мавзулари, казарма-социализмнинг маданий орқага кетиши, услубий анъаналарнинг йўқолиб бораётгани, миллий тилларнинг фожиаси - нимаики ҳаддан ташқари қаттиқ назорат остида, матбустда муҳокама қилишнинг иложи бўлмаса – Ўрта Осиё адабиётларида зимдан бўлса-да ўз ташвишли ифодасини топарди" (Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991, 9-август). Чингиз Айтматовнинг фикрлари ўзининг ҳам, унга сафдош жонкуяр адибларнинг ҳам қизил империя давридаги замон ҳақиқатини ифодалашга қаратилган ижодий жасоратлари моҳиятини англаш имконини беради. Қизил империя манъ қилган мавзуларни, халқ дилидаги долзарб масалаларни бадиий шаклда жасорат билан талқин этишда Айтматовнинг ўзи ўрнак намунаси бўлиб келганлиги эътиборлидир. Буни мен Навоийнинг мураккаб замонда давр ва инсон фожиаларини санъаткорона ифодалай олган устомонлигига ўхшатгим келади.

Р. Воҳидов: – Сиз ўртага қўяётган мазкур саволга ҳам биз юқорида қисман дахл қилдик. Айтилганларни янада муайянлаштириш ва чуқурлаштириш зиён қилмайди. Ҳаётда ажиб бир ҳолат кузатилади. Оилада нима танқис ва камчил бўлса. Ўшанга иштиёқ баланд бўлади. Нимани яшириш, сир тутишга интилсангиз, унга қизиқиш кучаяди. Айтилганлар оддийгина ҳаётий ҳақиқат. Қизил империя ва коммунистик фирқа бошида турган тўралар эслатганимиз ўша кунлик ҳақиқатнинг тубига етмай сиёсат юритдилар. Биздан ҳамма нарса сир тутилди. Аммо хориж учун шўро фуқароларидан пинҳон тутилган барча махфий нарсалар кундай равшан эди. Айни ҳақиқатни диний эътиқод, илоҳий китобларга муносабат бобида ҳам жорий қилиш мумкин. Бизда узоқ йиллар "Қуръон" ва унинг таълимотига қарши кураш олиб борилди. Ўша жараённи кўз олдингизга келтиринг. Даҳрийлик (атеизм) ҳақида берилган сабоқларни хотирангизда тикланг. "Қуръон" ҳақида умуман тасаввури йўқ бандалар унга қарши "жанг" олиб бордилар. Эркин Воҳидовнинг "Арслон ўргатувчи" шеърidаги манзара мафкура майдонида ҳам амал қилди. Ҳайвонлар оламининг подшоҳи нон бандаси масхарабоз қўлида мутеъ, унинг фармонларини бажаришга мажбур. Шернинг шерлиги жазава қилган лаҳзаларда ҳамлага шайланади. У инсонни тилка-пора қилиб ташлашга қодир. Ожизлигини ҳис этган бандаи гумроҳ хушомадга ўтади... Шоир нима учун томошагоҳда кўрганларини шеърга кўчирди, унинг замирида зоҳиран мустаҳкам, ботинан шалвираган қўрғон – СССР фожиалари ётмасмиди? Шоирнинг ботиний туғёни, тузум аравасига нафрати нишонаси ана ўша ишораларда қалқиб юзага чиқди, десак сира хато бўлмайди. 80-йилларда нафақат инсонлар, рост сўз, балки қабристонлик белгиси – туғлар, илоҳиётга дахли йўқ Наврўз ҳам зуғумга йўлиқди. Талаба қизларнинг ётоқхонасида лозимда юриши мафкура жиловини бошқараётган аёлга маъқул келмади. Дардлар қатор-қатор... Муҳими, адабиёт, зиё аҳли, холис одамлар қўл қовуштириб турмади. Тарафлар курашида эгилаёзган адолат тантана қилди. Шукрона айтишга ҳақлимиз. Аммо Алишер Навоийда ўша исён рамзларда, қават-қават ўровларда, рамзий либосларда берилди. Адабиётимиз тарихининг XVII асрдан кейинги даврида эса ўша пардалар йиртилди. Ошкоралик ёркинроқ намоён бўла бошлади. Турди, Махмур, Гулханийларнинг асарлари бу йўналишда ибрат мактабидир. Чингиз Айтматов асарларида ана шу икки йўналиш ҳам омухта: рамзлар, пардалар, фикрга ундовчи жумбоқлар ёнида ҳижоблари йиртиқ тасвирлар ҳам учрайди.

А. Хонов: – Навоий ва Айтматов орасидаги руҳий-маънавий яқинлик силсиласида босқинчиларга қарши кураш, ёвузлик ва қабоҳатнинг, албатта, маҳв бўлишига ишонч ва умид уйғотиш маҳоратлари ҳам эътиборни тортади. Биз бунга кўплаб ёркин мисоллар келтиришимиз мумкин. Мана, масалан, "Сабъаи сайёр"даги шоҳ Баҳром тақдирини олинг.

Р. Воҳидов: – Муқаддас тупроғига ифлос қадамини босган босқинчини бирон халқ ва адабиёт хуш қабул қилган эмас. Жумладан, Марказий Осиё халқлари ҳам. Тажовуз бошланган

экан, унинг зиди ҳам Тўмарис, Широқ, Муқанна, Торобий ва Сарбадор бўлиб майдонга отилган. Ўша манзара XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX юз йиллик бошларида қайтарилди. Ўзлиги ва табаррук заминини ҳимоя қилганлардан анчаси майдонда жон берди, ноилож ватанни тарк этди, босқинчи ҳоким бўлиб, юрт ҳалоллиги учун, қувғину қурбонликка учраганлар "босмачи" номини олди. Фалакнинг бу чигал ўйинлари ниҳоя топди, истиқлол истиқболимизда турибди. Минг шукр, аммо барқарорликни бой бермаслик бурчимиздир. Ватан шайдоси Ҳазрат Алишер Навоий, умуман, урушга қарши. "Садди Искандарий"да ўша истак ёрқинроқ намоён бўлади. Баҳромга муносабат эса бошқача моҳият касб этади. Баҳром ошиқ қиёфасида айшга берилиб, ошиқликни, шоҳ сифатида эса юртни унутиб қўяди. Дилоромни қайта топгач эса, яна ишратга берилиб, эл-улусни эсдан чиқаради. Бундай шоҳликнинг қутби – инқироз. Алишер Навоийнинг овда юрган Баҳрому Дилором ва мулозимларини ботқоққа ютдиришининг замирида ўша юз-тубан кетиш ётади...

Алишер Навоийдан Ч. Айтматовгача бўлган замон ва макон масофасида қанча сувлар оқиб ўтди. Неча авлодлар дунёга келиб, уни тарк этдилар. Аммо икки куч – эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш бир лаҳза ҳам тингани йўқ. Айтиш керак, муборизанинг шакл ва воситалари, атамалари ўзгарди. Ўзгармас мато бўлиб, моҳият авлоддан авлодга кўчиб, яшаб келмоқда. Инсоният ҳамон эзгуликка ташна, ёвузлик ва унинг кўринишларига эса шафқатсиз жангини давом эттирмоқда. Шу маънода туб моҳиятга муносабатда Алишер Навоий ва Чингиз Айтматов қарашлари якранг. Ўзгача бўлиши эса асло мумкин эмас. Изоҳ аён. Ҳар иккала адибнинг ҳам интилишлари замири, ўзагини табиатнинг энг олий онгли мавжудоти – инсон дарди ташкил қилади. Бадиий ифода услубида тафовутларнинг беқиёслиги, шубҳасиздир.

А. Хонов: – Чингиз Айтматовнинг "Асрга татигулик кун" романидаги қадим Турон заминини қайта-қайта забт этиб, унинг халқу улусларини қонга ботирган келгинди босқинчилар талқини шоҳ Баҳром қўшини қисматига жуда ўхшаш. Эдил (Волга) дарёсини кечиб келадиган жунг-жанглар деб аталувчи бу касофат душманлар даштдаги аждодларимизни аёвсиз қирганлар, куч-қувватга тўлган, халқнинг келажаги бўлган навқирон йигитларини эса энг даҳшатли қийноқларга маҳкум этганлар: сочларини олиб, бошларига янги сўйилган туя терисини қоплаб, жазирама қуёш остида қолдирганлар, натижада, бу йигитлар хотирасидан ажралган, ўтмишини, тарихини ва қадриятларини тамоман унутган манқуртларга айланиб қолишган. Аждодларимизни бўйсундириш учун шундай фожиаларга гирифтор қилган босқинчи жунг-жанглар бир гал Эдил дарёсидан ўтаётганида, муз ёрилиб, бариси сувга ғарқ бўлишади. Бу юрт босқинчиларига нисбатан Навоийга хос фалсафий ҳукм ва хулоса чиқариш сабоғи бўлиб туюлади.

Р. Воҳидов. – Чингиз Айтматов Алишер Навоий асарларини, жумладан, "Хамса", унинг таркибидаги "Сабъаи сайёр"ни тугал назардан ўтказганми, йўқми, билмайман. Чунки улуғ шоир асарларининг аслиятдаги мукаммал нашри энди бошланди ва тўққиз жилди ўқувчилар қўлига етди. Назаримда, улкан адиб улуғ бобокалоннинг рус тилидаги ўн жилдлиги орқали таниш бўлса, ажаб эмас. Эҳтимол, у олдинроқ ҳам имкон топгандир. Ҳар ҳолда, бир одам имкониятлари доирасида мушоҳада юритмоқ маъқул. Юқорида айтганимдек, бу икки даҳонинг фалсафий умумлашмаларида занжир мавжуд. Бироқ уни ўзаро таъсир ҳосиласи дейишга тилим бормайди. Мени тўғри тушунишга ҳаракат қилинг. Алишер Навоий ва Айтматов ўртасида ўзаро таъсирнинг содир бўлиши учун ҳамма шарт-шароит мавжуд. Хулоса чиқариш учун эса бу ҳали етарли эмас. Мавзуни жиддий тадқиқ этиш, қиёсий таҳлил, омиллар, адиб қайдлари ва шу йўналишдаги махсус суҳбатларни (бунинг учун хозир имконият мавжуд) бирлаштириб, ақл ва адабиётларнинг ички

тараққиёт қонуниятлари мезонида тортилгач, якдил ҳукмни айтиш жоиз бўлади. Якранглик масаласига келсак, умуминсоний дардлар мавжуд экан, хулосаларнинг ўхшаш бўлиши (адабий алоқа ва ўзаро таъсирдан қатъий назар) табиийдир. Бугун жаҳоний кенгликларда ардоқланаётган Айтматов қаҳрамонларининг қозоқ ё қирғизларга мансублигидан қатъий назар, ўша тимсоллар барча инсониятга тегишли масалалар устида бош қотиради. Чунки бугунги даҳшатли қирғин қуроллари "тилга кирадиган" бўлса, унинг касридан бутун дунё озор чекади. Орол фожиаси фақат қорақалпоқнинг кулфати эмас. Алишер Навоий ҳам инсон ва дунё тақдирига яхлит бир мавжудот сифатида муносабатда бўлган. Кўрасизки, буюкларнинг панжаси панжага рост келаётир.

Манқурт масаласига озроқ дахл қилгим келди. Куллиётимизни олдинроқ битириб кетган Наззора Бекованинг дарс жараёнида менга йўлланган саволи бу ҳақда фикрлашга ундади. Чингиз Айтматов рўмон тўқимасига олиб кирган афсонанинг таянч манбаи бўлиши керак. Менинг бундай дейишимга сабаб Алишер Навоий "Бадойиъ ул-бидоя" девонидаги олтмиш икки рақами остида келтирилган ғазалдир. Ғазалнинг мана бу байтларига эътибор қилинг:

Фалак бошингга қоплаб ит терисин,
Сен они жаҳлдин деб кишу синжоб.
Ажаб йўқ, одамийликни унутсанг.
Ўзунгни телба ит чармида асроб.
Навоий, ранж кўрма, оғзин истаб,
Ким ул бир жавҳаредур асру ноёб (I, 76-77-бетлар).

Шеър имкониятлари чекланган. Шунинг учун улуғ шоир ишораларга мурожаат қилади "Бошга ит терисини қоплаш", ундан ор этмай, ўқдону суловсин терисидан тикилган пўстинлар билан безаниш, одамийликни унутиш, телба ит қиёфасига кириш ва ҳаракат қилишга шаъмалар мағзи очилса, манқуртларга хос манзаралар юзага келмайдими? Дарвоқе, шундай бўлади. Байтнинг зоҳирий маъноларини ошиқу маъшуқа муносабатларига тўнкаш мумкин. Аммо унинг ботиний – тагдор жилолари, талмеҳнинг ишга солиниши жиддийроқ фикрлашга даъват этади. Мен буни адабий алоқа ва ўзаро таъсир ҳодисаси билан сира боғламоқчи эмасман. Бу ўринда сарчашма бирлиги мавжуд. Аммо далилни қўллашда ўхшашлик кўраман. Ҳар икки асарда ҳам одамийлик қиёфасини йўқотган инсон фожиаси нафрат манбаи сифатида ёритилади. Адабий оламдаги бундай лаҳзалар бизни ўзлигимизга қайтармоғи, аввало, ўз бадиий сўз санъатимиз ичида кечган мураккаб оқимларни теранроқ тадқиқ қилишга ундамоғи зарур...

А. Хонов: – Домла, шу мисол муносабати билан бугунги давримизга боғлиқ яна бир муҳим хулоса чиқаришимиз мумкин, шекилли. Навоий, инсон ёвузлик ва босқинчиликлардан, албатта, халос бўлади, дея бадиий йўсинда дадил башорат қила олгани каби, Айтматов ҳам жунг-жангларнинг дарёдаги фалокати тасвири билан бошимиз узра қилич қайраб турган қизил империя босқинчилигидан халқларимизнинг, албатта, халос бўлишини поэтик башорат қилгандай таассурот қолдиради.

Р. Воҳидов: – Назаримда, оддий инсоннинг ҳаёт ва унинг воқеа-ҳодисаларига муносабати билан табъи назми бўлган қаламкашнинг қараши фарқ қилади. Бизга одатий кўринган ҳодисалар уларга қалам ушлатади, ногаҳоний фалсафий мушоҳадаларга келишлари учун асос бўлади. Инсон ва унинг тақдири ўша занжирда бош ҳалқадир. Инсоннинг эрки қўлида бўлмас экан, унинг бошқа махлуқотлардан фарқи қолмайди. Мустақил ҳаракат қилиш, тафаккурини ишга солиш, кашфиётлар билан юзма-юз келиш унга бегона бўлиб қолади.

У оддий ишчи кучига айланади. Берилган нарсани ейди, буюрилган ишни бажаради. Эркнинг баҳосини эрксизлик жафосини татиб кўргандан сўра, дея бежиз айтишмайди. Шу маънода эрку озодлик мавзуси бадиий ижоднинг доимий йўлдоши бўлиб келади. Ҳазрат Алишер Навоийнинг кичик шеърий асарларидан тортиб, "Хамса"си таркибидаги достонларигача ўша мавзу ҳукмронлик қилади, ранг-баранг кўринишларда бадиий талқин этилади. "Садди Искандарий"да эрксизлик, зулму зўрлик манбаи – яъжуж-маъжужлар йўлини тўсиш учун қудратли девор барпо этилади. Девор – рамз, улуғ шоирнинг ширин орзуси, инсониятни хавфу хатардан озод кўриш воситаси. Аммо у китобда яшамоқда. Қачон амалга ошади? Мазкур савол ҳамон жавобсиздир... "Асрга татигулик кун" романида ўша бош мавзунинг мантиқий давомини кўрамиз. Энди гапнинг қизиғини эшитинг. Искандари зулқарнайн саргузаштлари, яъжуж-маъжужлар фожиасининг манбаи Қуръони карим. Алишер Навоий баҳраманд бўлган бу сарчашмадан Ч. Айтматов ҳам таъсирланган бўлиши мумкин-ку! Бироқ бу рўманда инсон ҳалокатининг омиллари чандон кўп. Чунки биз инсон тафаккури мўъжизалар яратаётган замонда яшаяпмиз. Бунинг афзалликлари ёнида фожиалари қалашиб ётибди. Ёзувчи уларни нозик тасвирларда берган. Эдигейнинг космик кема учирилган пайтдаги руҳий ҳолатини кўз олдингизга келтиринг. Оғзаки ижод дурдоналарини йиққан муаллимнинг фожеий тақдири, колхозлаштириш, Сталиннинг ўлими, қабристон, чекист ва унинг ҳарбий ўғли – булар инсон эркининг ашаддий душманлари. Манқуртга айлантириш жараёни эса ўша мудҳиш ҳаракатларнинг чўққисидир. Боланинг онага ўқ отиши – ҳайвон ҳам қилмайдиган ёвузлик эмасми? Булар – даврнинг жароҳатлари, қизил империянинг инсон бошига солган қабоҳати! Унинг парчаланиши – ҳамма нарсанинг дарров жой-жойига тушишига олиб келмади-ку? Озару арман, гуржилару абхазлар ўртасида кечаётган қонли тўқнашувларни эслайлик. Ёхуд бир бутун тожик миллатини бўлак-бўлакларга ажратиб, уларни қонли фожиалар гирдобига тортганлар кимлар? Минг-минглаб бегуноҳ инсонларнинг умр риштаси ана шу бирodаркушлик уруши туфайли бемаврид узилди. Шу мудҳиш манзараларнинг сабабчилари – мансаб талошида юрган худбинларнинг Омонжўлни онасига қарши тезлаб, милтиқ ушлатган жаллоддан нима фарқи бор? Ер юзидан, инсоният авлоди ўртасидан ҳасад ва адоват уруғи буткул йўқолган куни Алишер Навоий ва Ч. Айтматовлар орзуси тўла ушалади....

А. Хонов: – Таниқли таржимашунос ва айни вақтда фаол айтматовшунос олим Ғайбулла ас-Саломнинг "Бўронли бекат"дан "Қиёмат"гача" номли мақоласидан бир парча ўқисак: "Улуғ Навоийнинг "Лайли ва Мажнун"даги чуқур руҳий кечинмалари, Мажнуннинг одамлардан безиб тоғларга бош олиб кетиши, саҳроларда йиртқич, ёввойи ҳайвонлар билан дўст тутиниши ҳақидаги ғоят таъсирчан манзаралар билан "Қиёмат"даги Акбара ва Тошчайнар тасвиридаги узвийлик, муштараклик, ворисийлик ва давомийликни кўрамиз". Сиз мана шу таққос ҳақида нима дея оласиз?

Р. Воҳидов: – Кейинги йилларга қадар илмий ишда ҳиссиётли фикрлаш хуш кўрилмасди. Аксинча, академизм қўллаб-кувватланарди. Бугун, ҳатто адабиёт тарихига доир ишларда ҳам бадиийнамо мушоҳада учрайди. Бундай услуб ўқувчиларга ҳам, илм оламига ҳам маъқул. Аслида, бадиий асар ҳақида "ўлик" фикрлашни ақлга сиғдириб бўлмайди. Эслатганим равиянинг илм оламида муқимлашувида Ғайбулла ас-Саломнинг улкан улуши бор. Инсон ва олим сифатида ёқимли таассурот қолдиради. Агар у кишидаги асарлару шогирдлар айрим ўзига бино қўйган бандаларда бўлса, худо кўрсатмасин, анча-мунча одамни оёғи учи билан кўрсатарди. Ғайбулла аканинг Сиз эслатган тақризини мен тугал ўзидан эшитганман. А. Навоий номидаги Адабиёт илмий-тадқиқот институтида "Қиёмат" таржимасининг муҳокамаси уюштирилди. Мутаржим Иброҳим Ғафур ҳам қатнашди.

Ўшанда Ғайбулла ака маъруза қилди. Таржима баҳонасида Ч. Айтматов ижодига доир кузатишларини яхлитгина умумлаштирган ўша ишида. Олимнинг хулосалари қизиқиш уйғотади. Адиб ижодидаги узвийлик, мавзу – дардларнинг ворисийлигига қайтадиган бўлсак, мен бошқача йўсинни тасаввур қилолмайман. Ижодда ҳам, илмда ҳам у қирғоқдан бу қирғоққа сакраб юрадиганларнинг яхшироқ бир нима яратганларини кўрмадим. Фикримча, Чингиз Айтматовнинг ижодий бахти ҳам ўз мавзуини топа олганлиги ва ўша бош йўналишнинг турли қирраларини бадиий тадқиқ қилаётганлигидадир. "Жамила", "Сарвқомат дилбарим", "Юзма-юз" асарларида давомлилик йўқ дейсизми? Айниқса, муҳаббат ва оила муаммосининг ёритилиши нуқтаи назаридан бу асарларни ягона мантиқ занжири бирлаштириб туради. Бироқ ўз-ўзини такрорлаш йўқ. Жамила ҳам, Асал ҳам оиласини ташлаб кетади. Аммо сабаблар бўлакча. Ёзувчи ана шу бағоят нозик масалани маромига етказиб бадиий таҳлил қила олган. Лўндаси, бу бетакрор инсоннинг бадиий сўз санъатида бўй кўрсатиши туркий халқларнинг бахтидир. Яна ҳиссиётли айтадиган бўлсам, XX асрда адиб ва жамоат арбоби қиёфасидаги ҳазрат Алишер Навоий ишнинг такроридай туюлади, менга!

А. Хонов: – Назаримда шу муносабат билан бир муҳим масала талқини пайдо бўляпти. Бу – севгини, ишқ-муҳаббатни илоҳий куч-қудрат маҳсули сифатида тушуниш ва шу йўналишда тасвирлаш маҳоратига тегишли гап. Шу асосда Сиз Навоий ва Ч. Айтматов ижодий олами ўртасида муштарак, ҳамоҳанг жиҳатлар кўрасизми?

Р. Воҳидов: – Чинакам ишқ чиндан ҳам илоҳий неъмат. Туркий адабиётда маърифий йўналишни бошлаб берган Хожа Аҳмад Яссавий "Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил, парвардигор", – дея жар солади. Албатта, маънавий султоннинг нидосида илоҳий ишқ жазаваси кўзда тутилган. Бундан қатъи назар, ишқнинг бўлгани яхши. Ишқсизликдан Аллоҳнинг ўзи асрасин. Ҳазрат Алишер Навоийда ҳам шиор даражасидаги қуйидаги байт мавжуд:

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасин,
Дема жаҳон, жисмда жон бўлмасин.

Ҳазрат ишқни инсон шарафининг тожи даражасида талқин этади. Бироқ бу зоти шариф талқинидаги ишқ дахлсиз майдондир. Яъни бу йўлда шоҳу гадо тенгдир. Қаранг, бағоят олижаноб мушоҳадалар. Айни мавзуда бундан ошириб бир нима айтиш қийин. Ч. Айтматов асарларида ҳам шунга уйқаш қарашлар устунлик қилади. Муҳаббатнинг ватани дилдир. Тилда қилинган ишқ изҳори – сохталик белгиси. Кўнгил кўнгилга талпинган жойдагина мўъжиза – безавол қўрғон вужудга келади. Зўрлик, зару зевар, молу мулк, баланд лавозимларга уни алмаштириб бўлмайди. "Жамила"ни варақлаймиз. Жамила Содиқни кутиши керак эди. Чунки у – жангчи. Аммо тескари ҳолат содир бўлди. Ўзи учун Дониёрни топа олган Жамила у билан кетиб қолади. Асал қиёфасида ўзгача манзарага дуч келамиз. Бу ўринда бефарқлик муҳаббатни барбод этади. Муҳаббат – жавҳар. Уни ардоқлаш, авайлаш шарт. Айни масалада икки адибнинг қарашлари якрангдир.

А. Хонов: – Байналмилаллик – улуғ санъаткорлар фаолиятининг муҳим қиррасини белгилаши каби бу масала Навоий ва Айтматов ижодий фаолиятига ҳам алоқадордир. Демак, бу икки даҳо ижодкор байналмилалчилигидаги ўзига хос муштаракликнинг дастлабки белгисини уларнинг икки тиллилик адабий анъанасига муносабатларида кузатиш мумкин.

Р. Воҳидов: – Катта одамнинг гапи ҳам, хатти-ҳаракати ҳам катта бўлади. Улар бир маҳалла ёхуд халқ фикрий доирасига сиғмайдилар. Кенг майдон зарур. Алишер Навоий

ва Ч. Айтматовлар ана ўшандай улуғлик шоҳсупасида устувордирлар. Академик В. А. Абдуллаев 40-йилларда Алишер Навоийга бағишлаб ёзган мақолаларидан бирида "Халқлар шоири" иборасини қўллайди. Аллома адабиётшунос умрининг охирига қадар ўша фикрида муқим қолди. Дарҳақиқат, Алишер Навоийнинг маънавий мероси яхшилик шиори бўлган халқларнинг мулкидир. Шундай гапни Чингиз Айтматов ҳақида ҳам айтиш жоиз кўринади. "Мажолисун-нафоис" – туркийгўйлар номини адабийлаштиришга мўлжалланган асар. Аммо унда тилга олинган 459 шоиру тарихий шахслардан атиги 32 таси туркийгўй ёхуд зуллисонайн ижодкорлардир. Ёки улуғ шоирнинг форс-тожик адабиёти, маданияти, илму санъати равнақини кўзлаб қилган ибратли ишлари эътиборга лойиқдир. Далиллар кўп. Бироқ саналганларнинг ўзи ҳам Алишер Навоийнинг суяк-суягига қадар байналмилалчи ижодкор эканлигидан сўзлайди. Чингиз Айтматовнинг ҳам ижтимоий-сиёсий, адабий фаолиятида айни мавзуга доир намуна бўларли мисоллар бағоят кўп. Икки тиллилик масаласи бу йўналишнинг гултожидир. Уни маромига етказиб уддалаш эса ҳаммага ҳам насиб этмайди. Икки тиллиликни сунъий равишда шакллантириш қийин. Бунинг учун айрича қобилият, мўъжизий иноят зарур. Алишер Навоийда улар болалигидан муҳайё эди. У икки маънавий чашмадан – форсий ва туркий халқлар маънавий оламидан сабоқ олди. Ҳатто илк машқларини форсийда бошлади. "Чун шуур синниға етгач майли" туркийга қаратилди. Умр бўйи икки тилда асарлар ёзди. Унинг форсийда ёзганлари ўша халқлар маънавий хазинасини тўлдирди. Чингиз Айтматовнинг ижод йўли ва икки тиллилиги эса адабиёт оламидаги ўзгача ҳодисадир...

А. Хонов: – Сиз "XV асрнинг иккинчи ярми XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърияти" номли монографиянгизда Чингиз Айтматовнинг икки тиллилик ҳақидаги чуқур мазмунли мулоҳазаларини келтиргансиз. Шу билан бирга бу масала Навоий ва Айтматов айрим ижодкорларнинг ўз тилларида эмас, бевосита ўзга тилда ёзишларига алоқадор равишда айтган танқидий фикрларини қайд қилиб, бунда иккала санъаткорга хос эстетик қарашлар ҳамоҳанглигини кўрасиз: "Бундай ноёб қарашлар ўз миллий заминида юксак инсоний интернационал ғояларни қоришиқ ҳолда давом эттира олган, ўзлигини унутмай, ўзгалар дардига шерик бўлган, уларнинг бахти учун курашган буюк истеъдод соҳибларидангина чиқади. Алишер Навоий ва Ч. Айтматовлар эса, шубҳасиз, ўшандай ноёб бахтга муяссар бўлган етук сўз санъаткорларидирлар" (Тошкент – 1983, 54-бет). Назаримда икки тиллилик ва унга амал қилишда ҳам ҳазрат Навоий ҳали ҳамон ижодкорлар учун ибрат намунаси ҳисобланади.

Р. Воҳидов: – Сиз эслатган саҳифаларда зуллисонайнлик анъанаси муносабати билан мен бу икки даҳо хулосаларига мурожаат этганман. Алишер Навоий "Муҳокаматул-луғатайн" асарида келиб чиқишлари жиҳатидан туркий қабилаларга мансуб, бироқ ижод оламида замона зайлига эргашиб, форсийда қалам тебратадиганлар ҳақида ички бир дард билан ёзади (XIV жилд, 118-бет). Бироқ шу ўринда ҳам Алишер Навоий бағрикенглик қилади. Улуғ шоирнинг таъкидлашича, бундай ижодкорлар "ўз она тилларини унутиб қўймасдан, унда ҳам асарлар ёзсалар ва агар муболаға қилсалар, иккаласи тил била тенг айтсалар эрди", – дейди. Алишер Навоий тажрибасидаги ажиб бир фазилатни таъкидлаш зарур. Улуғ шоир фақат айтмади, балки амал ҳам қилди. Сўнгги нафасигача форсийда ҳам қалам юритди. Туркий масаласида эса муболаға қилди, кўпроқ ёзди. Алишер Навоийнинг "Фоний" тахаллуси билан форсийда қолдирган мероси ўн уч минг мисрага яқиндир. Ёхуд бир умрга татигулик маънавий хазина... Ўша саҳифаларда Ч. Айтматов мулоҳазаларига ҳам мурожаат қилганман. Улкан адиб шўро адабиётидаги икки тиллилик ҳақида куйиниб гапириб, Ўлжас Сулаймоновни чимчилаб олган. Чунки ўша йилларда Ўлжас Сулаймонов нуқул рус

тилида ёзарди. Чингиз Айтматовнинг танқиди кор қилдими ёхуд ҳаёт ва ички миллий туйғу ўз гапини айтдими, ҳар қалай, Ўлжас Сулаймонов ҳам қозоқ тилида ёзадиган бўлди. Айни масалада, икки ижодкор ўртасида ётган вақт масофасидан қатъи назар, қарашлари ўхшашдир. Аммо бундан ўн йил олдин ҳам, ҳозир ҳам мен бу ҳодисани адабий алоқа ва ўзаро таъсир маҳсули сифатида қараш тарафдори эмасман. Буни адабиёт оламидаги таворуд бир-биридан бехабар ҳолда икки шоир томонидан эгизак мисраларнинг яратилиши ҳодисасига ўхшатгим келади. Аслида илм олами учун айни ҳолатлар тасодифий ҳам эмас. Кимё, физика, риёзиёт ва фаннинг бошқа тармоқларида маълум бир қонуниятнинг бир-биридан бехабар равишда, турли мамлакатларда, ҳатто, бошқа-бошқа даврларда икки олим томонидан кашф этилиши тан олинган ҳодисадир. Бу ўринда таъсир эмас, табиатдаги маълум қонунлар ҳар икки олим учун ҳам туртки бўлиб хизмат қилади. Назаримда, шу жараённи адабиётга ҳам татбиқ этиш мумкин. Чунки у ёки бу халқ қайси тилда сўзлашуви, қаерда яшашидан қатъий назар, у табиатнинг онгли мўъжизаси ва жисмида бошқалар учун ҳам бегона бўлмаган орзу-ҳаваслар, дардлар яшайди. Ўшаларни дастлаб ижод аҳли илғайди ва адабиётга олиб киради. Кўрасизки, бундай вазиятда таъсир эмас, ҳаётнинг ўзи доя вазифасини ўтайди...

А. Хонов: – Икки тиллилик муносабати билан XX аср адабиётида, аниғи қизил империя даври ижодкорлари фаолиятида шаклланган бир хусусият ҳақида тўхталиб ўтсак. Бу икки тиллилик анъанасига бир ёқлама муносабат билан боғлиқ масала. Сиз юқоридаги монографиянгизда Чингиз Айтматовнинг икки тиллилик ҳақидаги фикрларини келтирар экансиз, унинг қозоқ шоири Ўлжас Сулаймоновнинг ўз она тили билан ёндош ҳолда эмас, балки фақат рус тилида ёзиши мисолини айтганлигини, Айтматов буни адабий байналмилалчилик намунаси, дея маъқуллаш билан бирга агар Сулаймонов икки тилда ҳам ёзса эди, янада яхши бўлишини таъкидлаганлиги ҳақида ёзгансиз. Мен айтмоқчи бўлаётган гап мана шунга алоқадор. Дарвоқе, фақат Ў. Сулаймонов эмас, яна қатор ижодкорлар ҳам нуқул рус тилида ёзишни касб қилдилар: ўзбек ижодкорлари Темур Пўлатов, Раим Фарҳодий, Собит Мадалиев, О. Шеров, Раҳим Эсенов, озарбайжон – Анор, Аждар Иброҳимбеков, молдован Ибн Друце, авар Фозил Искандар... Сиз мана шундай икки тиллиликка бўлган бирёқлама муносабатга Навоий ва Айтматовнинг танқидий қарашларини тўғри қайд қилгансиз. Энди шундай савол пайдо бўлади: бу ижодкорлар нега ўз она тилларида эмас, балки рус тилида ёзишни касб қилишган? Бу қизил империя мажбуриятими? Ёхуд рус тилида ёзмаса, тор миллий доирада қолиб кетиш хавфидан чўчишими? Сиз мана шу жараёнга нима дейсиз?

Р. Воҳидов: – Ижод олами ўзига хос даргоҳ. Бунда такрорланмас манзараларни кузатиш мумкин. У ерда чинакам эркинлик бўлмаса, кутилган натижани қўлга киритиш қийин. Эркинлик эса кенг маънода: мавзу танлаш, қалб майлларига қулоқ тутиш, тил... Ижодкор қайси тилда ўзини бамайлихотир ҳис эта олса, бадиий тафаккури имкониятларининг рўёбга чиқишига кўзи етса, ўша забонда ёзгани маъқул. Асрлар давомида эслатилган ҳодиса амал қилиб келади. Мансур ас-Саолибийнинг “Ядимат ад-даҳр” тазкирасига кўзингиз тушганми? Шу асарнинг тўртинчи қисми, айниқса, аҳамиятли. Ўша саҳифаларда 415 ўрта осиёлик арабийнавис шоирлар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Муҳими шундаки, ўша табъ аҳлининг аксарияти Бухоройи шарифнинг закий фарзандлари ва уларнинг араб миллатига дахли йўқ. Асарлари эса араб тилида ёзилган. Уларнинг бу тилда ёзишлари, шубҳасиз, қалб эҳтиёжи. Бошқача манзарани эса мен тасаввур қилолмайман. Аммо шундай муҳитнинг яратилганлиги рост. Араб тилини ўрганувчиларга қулайликлар муҳити вужудга келтирилгани, имтиёзлар берилгани тарих ҳақиқати. Аксинча, ҳаракат

қилганларга эса мажбурий солиқлар солингани маълум. Сочилган уруғ зоеъ кетмади, ўсди ва самара берди. Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби алломалар маънавий меросини бугун биз таржимада ўқимоқдамиз. Рус тили билан ҳам шунга ўхшаган манзара содир бўлди. Мактаб ва олий ўқув юртларида кўп соат ажратилди. Рус тили ва адабиёти факультетида ўқийдиганларнинг стипендияси, шу тилни ўқитадиганларнинг маоши оширилди. Болалар боғчасида тарбия шу забонда олиб борилди. Рус тилини билишга қараб мансабга тайинланди. Миллий болаларни рус мактабларида ўқитиш (хусусан, оёғи узангида бўлганлар) урфга кира бошлади. Натижада, исми-шарифи шарқона, аммо тили ва удумлари ғарбона оилалар кўпайди. Аслини олганда, тилга ғараз билан қараш увол. Кўп тил билиш фазилат. Аммо меъёр бузилмаслиги, она тили ривожига соя тушмаслиги лозим. Ижод оламида бугун кузатилаётган ажабтовур далилларнинг изоҳларини мен ана шундай тушунаман.

А. Хонов: – Маълумки, Ч. Айтматов асарларини дастлаб қирғиз тилида, сўнгра рус тилида яратган, сўнгги қиссалари ва романларини эса тўғридан тўғри рус тилида ёзган. Ҳатто романларини қирғиз тилига ўзи эмас, балки махсус таржимонлар ўгирганлигига гувоҳмиз. Аммо қайси тилда ёзишидан қатъий назар, Айтматов барибир миллий жиҳатдан шарқона тафаккури юксак санъаткор эканлиги шубҳасиз. Лекин шунга алоқадор ҳолатда масаланинг бошқа бир жиҳати бор: адабий жамоатчиликда баъзан, агар Айтматов рус тилида ёзмаганида бу даражада жаҳоний шуҳратга эга бўла олмас эди, деган фикрлар юради. Сизнингча, бу ҳақиқатдан ҳам шундаймикан?

Р. Воҳидов: – Йўқ, мен ундай дея олмайман. Яъни Чингиз Айтматовдаги юксак истеъдоднинг тилгагина боғлаб қўйилиши адолатдан эмас. Тарих қаватларида бунга кўпгина мисоллар мавжуд. Бир жиҳатини тан оламан. Рус тилида ёзилган асарларнинг дарсхонаси, миллий забонларда бунёд қилинган яратмаларга нисбатан кенгроқ ва шуҳрати тезроқ келади. Ёки вақтдан ютилади. Чинакам бадиий асар эса мангулик мулки. У замонларнинг синовидан эмин ўтиб яшашда давом қилади. Тилнинг катта-кичиклиги эса тўсиқ бўлолмайди. Кайковуснинг “Насиҳатнома”, Шайх Саъдийнинг “Гулистон”, “Бўстон” асарлари. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Эртами-кечми шу асарлар тилга тушиб жаҳон кезмоқда. Алқисса, Чингиз Айтматовнинг жаҳоний нуфузини тайин этган омил унинг илоҳий нур билан йўғрилган ноёб истеъдодидир...

МУЛОҲАЗАЛАР ВА ХУЛОСАЛАР АСОСЛИ БЎЛСА...

Алишер Навоийнинг умр дафтари хусусида ҳиссиётга берилиб фикр юритиш асло мумкин эмас[1]. Негаки, ўша саҳифаларнинг ҳар бир сатри бир олам. Уларга сиртдан қаралганда, сокин кўринади. Аммо туби тўлқинли, бағоят теран, нодир. Жавоҳиротларни бағрида тутади. Шундан бўлса керак, Алишер Навоий биздан узоқлашгани сайин жумбоқлар ҳам ортиб бораётир.

Алишер Навоий маънавий оламимизнинг порлоқ қуёши, туркий ва форсий тиллардаги бадиий каломнинг ҳар қандай мақтовлардан баланд турадиган умр боқий даҳосидир. Унинг буюклиги шундаки, ўзи ҳақида ҳамиша паст овозда, хокисорона "фақир ул-ҳақир", – дея сўз юритди. Бухоро давлат дорилфунуни ўзбек адабиёти тарихи ва қардош халқлар адабиёти минбаргоҳи мудири, филология фанлари доктори, профессор Раҳим Воҳидов билан "Бухоро ҳақиқати" рўзномаси адабиёт ва санъат бўлими мудири Жаҳонгир Исмоилов қуйидаги мусоҳабасида улуғ бобомизнинг оила муҳити, унинг жонсўз ва чигил жумбоқларга тўла муҳаббати ҳақида мулоҳаза юритадилар.

Жаҳонгир Исмоилов: – Кейинги пайтлар вақтли матбуот саҳифаларида улуғ шоирнинг оиласи, наслу насаби хусусида кўп ёзилмоқда. Аммо уларнинг баъзиларини ишонарли дейиш қийин. Алишер Навоийнинг ўз асарлари, замондошларининг ёзишмаларида эслатилган масалаларга ойдинлик киритадиган қайдлар учрайдими?

Раҳим Воҳидов: – Ўтмишда яшаган донишманд аждодларимиз ўз вазифаларини уддалаб кетганлар. Бироқ нўноқлик биздан ўтмоқда. Хусусан, араб алифбосини билмаслик, тарихан қисқа муддатда ёзувнинг уч маротаба ўзгариши бизнинг катта фожиамиз. Айни иллатлар навоийшуносликда ҳам ўзини кўрсатмоқда. Манбалар билан ишлайдиганлардан кўра, унинг атрофида юрадиганлар, алифбони танимайдиганлар кўп. Ўз-ўзидан равшанки, бундай ҳолат қайтариққа, бир жойда туриб депсинишга олиб келади. Навоийшуносликда вужудга келган ишларни чоғиштириб кўздан кечирсангиз, бунга қаноат ҳосил қиласиз. Кайсидир бир жафокаш биринчи манбадан олган адабий ва далил маълумот юзлаб мақолаларда "сайр" этиб юради. Борди-ю дастлабки мақола муаллифи иштибоҳга йўл қўйган бўлса, бу ёғи ўзингизга маълум. Мулоҳазаларимни асослаш учун бир мисол келтирай. Хондамирнинг "Макоримул-ахлоқ" асарида Алишер Навоий ҳаётининг Самарқанд даврига доир бир ҳикоят бор. Унда баён этилишича, шаҳарнинг машҳур тикувчиси улуғ шоирга қабо – устки кийим тикиб берар экан, ундан ўз номи келиб чиқадиган бир муаммо ўргатишини илтимос қилади. Улуғ бобомиз хотираларида ўрнашган:

Қабо бар қадди ту медўзад айём,
Барор аз қоф то қоф эй писар ном

муаммосини айтиб юборадилар. Хондамирнинг "айб"и шундаки, Бобур номи келиб чиқадиган бу муаммо муаллифини келтирмаган. Аммо Алишер Навоий ҳам мазкур шеърни ўз асари сифатида эсламайди. Қисқаси, асли Абдураҳмон Жомийнинг Абулқосим Бобур Мирзога бағишлаган бу асари қирқ йилдан зиёдроқ улуғ ўзбек шоирининг ижоди намунаси сифатида талқин этилади. Профессор Б. Валихўжаев мақолаларидан бирида бор ҳақиқатни айтди. Мазкур мақолани ўқимаганлар эса ҳамон олдинги фикрда...

[1] Суҳбат "Бухоро ҳақиқати" рўзномасининг 1991 йил 8 август сонида босилган.

Кўнгилга тасалли берадиган томони шундаки, кейинги йилларда Навоий шажарасини ўрганиш борасида ҳам ижобий силжишлар юз бермоқда. Профессор А. Ҳайитметовнинг “Ҳаётбахш чашма” (1974), “Табаррук излар изидан” (1976) китобларидаги шу масалага доир саҳифалар ва П. Равшановнинг “Тарих бадийяти” мажмуасидан жой олган “Алишер Навоий авлодлари” (Тошкент – 1989, 48-66-бетлар) каби ишлари катта қизиқиш уйғотади. Иккинчидан, бу ҳақдаги айрим ишончли маълумотлар Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида учрайди. Гапни мухтасар қилмоқ учун “Мажолис ун-нафосат”даги маълумотлар билан чекланай. Ана шу тазкирадан маълум бўладики, улуғ шоирнинг анча нуфузли оғаси бўлган. У давлат идора ишларига фаол аралашган. Хоразмда ҳокимлик қилган, илм-маърифат ҳомийси бўлганлиги учун ҳам “Низомиддин” шарафли унвони билан сийланган. Унинг тўла номи Амир Низомиддин шайх Баҳлулдир (XII жилд, 149-150-бетлар). Шайх Баҳлулнинг Амир Камолиддин Султон Ҳусайн унвонли ўғли “Ҳотамий” тахаллуси билан ижод қилган, шунингдек, набираси Мир Иброҳим ҳам бадиий ижод билан шуғулланган. Ота-ўғил бу ижодкорларни Алишер Навоий ўз фарзандлари сифатида эъзозлаган. Дарвишали эса улуғ шоирнинг инисидир. Муҳаммад Али Ғарибий, Мир Саид Қобулий, Мир Ҳайдар Сабуҳий (Қобулийнинг ўғли), Мир Хусайн бинни Али Жалойир Туфайлий, Муҳаммад ибн Али Жалойир Насорий (Алишер Навоийнинг амирул-умаро унвони билан давлат идора ишларига аралашган тоғаси Али Жалойирнинг ўғиллари) улуғ ўзбек шоирининг бадиий ижод дарди билан нафас олган тоғаю тоғаваччалари саналади. Яна ўша асарда Мавлоно Фахриддин, Мавлоно Мақсуд (Фахриддиннинг иниси), Мавлоно Шоҳ Али каби ижод аҳлининг номлари тилга олинадики, Алишер Навоий уларни ақраболари ва истеъдод соҳиблари тарзида эслайди. Хондамир улуғ шоирнинг мотам маросимлари бошида турган Хожа Жалолиддин Муҳаммадни тилга олади. Кўринадики, Алишер Навоийнинг ўндан зиёд аждодлари Ҳуросоннинг ижтимоий-сиёсий, адабий-маънавий тақдирини ўз елкаларига олганлар. Эндиги вазифа эса буюк бир даҳони улғайтирган ана ўша оилавий адабий муҳитни ўрганишдан иборат бўлмоғи зарур, деб ўйлайман.

Ж. Исмоилов: – Яқинда “Ўқитувчилар” газетаси рўзномасида “Алишернинг оиласи” сарлавҳали мақолани кўриб қолдим. Уни ўқиб ҳайратга тушдим. Шу ҳақда сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим.

Р. Воҳидов: – Сизни чулғаган ҳайрат мени ҳам четлаб ўтгани йўқ. Ўша мақолани ўқиб муаллимлик касби ҳақида ўйлаб кетдим. Таътилдан кейинги биринчи дарсларни хаёлан тасаввур қилдим... Чунки талаба халқи бунақа нарсаларга ўч бўлади. Уларни қитиқлайдиган яна бир гап Тошпўлат Аҳмаднинг рўзномада эълон қилинган “Маънавий гултож” (“Бухоро ҳақиқати”, 26 январ, 1991 й.) мақоласида мавжуд. Жумладан, унда ўқиймиз: “Хуллас, она бешиги Ҳиротдан қадим Самарқандга сафар қилаётиб Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбандий хоки пойини зиёрат қилган етти иқлимга маълум ва машҳур бўлган Бухоройи шариф шаън-шавкатини юрагига инкишоф этган Алишер Навоийнинг табаррук тўйи тобора улуғворлик касб этиб, қалбларимизда акс-садо бермоқда”. Таассуфлар бўлсинки, улуғ зотнинг Хуросондан Мовароуннаҳрга ва аксинча йўли Бухоройи шарифни четлаб ўтган. Т. Аҳмад ҳиссиёт билан ўртага қўйган фикр ҳақлиги учун эса тарих ҳозирча шаҳодат бераётгани йўқ. Маълумки, Алишер Навоий ва Бухоро мавзуси кўпдан бери ҳаммамизни қизиқтириб келади. Шундай улуғ зотнинг она шаҳримизга қадам ранжида қилганлигини жуда-жуда истаймиз. Бунинг учун етарли маънавий асослар бор. Ўшалардан инкор қилиш қийин бўлган Хожа Баҳоуддин Нақшбандниг Алишер Навоийга пири маънавий, бизга эса ҳамон етарли қадрларини тополмай келаётган улуғ бобо эканликларидир. Улуғ ўзбек шоири қўлига қалам ушлаб, ёзишга жазм этар экан, дастлаб унинг кўз ўнгида буюк Хожанинг нуроний сиймоси гавдаланади. Мен буни етарли журъат билан айтаяпман. Улуғ

Навоий бадиий каломининг ибтилоси ўша “Ҳақиқат асрор” донишмандниng номи поки, руҳи мубораки билан бошланади. “Хамса”да унга махсус боб бағишларкан, бисотидаги барча мақтовга яроқли сўзу ташбеҳларни ишга солди. “Насойимул-муҳаббат” асарида эса уни янада юксакроқ эъзозлайди. Хожанинг табаррук мангу оромгоҳини юзма-юз тавоф этган инсон сифатида аниқ тафсилотини чизади. Яна бошқа шунга ўхшаш таянса бўладиган жумлалар топилади. Аммо ҳамма нарса бору, асосийси йўқ. Яъни Алишер Навоийнинг Бухорода бўлганлигини қувватловчи на ўз иқрори ва на замондошларининг эътирофи сақланмаган. Ҳақиқат аччиқ, бироқ унинг кўзларига тик боқа олиш лозим. Акси сизга аён. Айтганларим филология фанлари номзоди, доцент Валижон Мирзаевнинг эслатилган мақоласига ҳам тааллуқлидир. Олимнинг нияти яхши. Улуғ бобомизнинг таги водийдан, аниқроғи, Аравондан демоқчи. Унинг ота тарафдан бобоси Исомиддин полвон Ҳиротга бориб ўтроқлашиб қолган ва шу хонадонда Ғиёсиддин Кичкина дунёга келган экан, иддаони тарихий ҳужжатлар кафиллигида асослаш зарур. Ҳолва дейиш билан оғиз чучимаслиги бор ҳақиқат. Мақоладаги тўқималар Алишер Навоий таржимаи ҳолига мослаштирилган, тўғрироғи ўша қолипга солинган. Шоирнинг онаси – Ҳалимабону ҳақидаги ривоятлар ҳам ишончли далиллар кафолатига муҳтож. Хуллас, мен фикрлар хилма-хиллиги, баҳсу мунозараларга монеълик қилмоқчи эмасман. Аммо асоссиз, шов-шуф уйғотиш учун ўртага қўйилган сохта тўқималардан фанга фойда келади, деб ўйламайман. Бундай уринишлар ўқитувчиларни чалғитиши, ортиқча тортишувларга сабаб бўлиши мумкин, холос.

Ж. Исмоилов: – Гап Алишер Навоий хонадони ҳақида кетар экан, шу занжирда ўта чигал бир тугуннинг борлиги кўзга ташланади. Менинг назаримда, бу улуғ бобокалон шоиримизнинг оила қурган ёки қурмаганлиги масаласидир. Эсимни танибманки, шу савол жавобсиз келади. Баҳслар эса ҳозирга қадар давом қилаётир. Шу масалада бирор қўнимга келиш мумкин деб ўйлайсизми?

Р. Воҳидов: – Жаҳонгиржон, жуда нозик мавзуга дахл қилдингиз. Дарҳақиқат, Алишер Навоийдай улуғ зотнинг дунёдан танҳо ўтиши унинг ворислари дилидаги оғир дард. Аслида, бу кўҳна тугун ва улуғ шоир замонидан бизга мерос бўлиб келган дарддир. У билан Алишер Навоийнинг замондошлари ҳам шуғулланишган. Бизнинг навоийшунослигимиз эса шоир ва унинг муосирлари қайдларига таяниб, мунозарани оловлантириб келади. Бу зоти мукаррамнинг умр тўйи арафасида бу масалада ҳам ким ўзарга мусобақалар авжига чиқди. Ажойибу ғаройиб мақолалар чоп қилинмоқда. Шундай чиқишлардан бирини «Ёш ленинчи” рўзномасида ўқиб қолдим. “Улусдин танлагоним” (1990 йил, 12 декабрь) сарлавҳали бу мақола филология фанлари доктори, профессор Эргашали Шодиев қаламига мансуб. Унда баҳслашиш мумкин бўлган ўринлар талайгина. Аммо ҳозир уларнинг ҳаммаси ҳақида тўхталиш мавриди эмас...

Ж. Исмоилов: – Қечирасиз, гапингизни бўлдим. Шу мақолани мен ҳам ўқидим. Унда “Алишер Навоийнинг ўз севгиси фожиаларига бағишланган достони, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги китоби, “Юсуф ва Зулайҳо” асарлари ҳалигача аниқланмаган” жумласи мавжуд. Сиз бунга жавобан нима дея оласиз?

Р. Воҳидов: – Ҳар бир ижодкор тажрибасида бўлганидек, Алишер Навоий фаолиятида ҳам ушалган режалар билан ёнма-ён дилда кетган орзуларининг борлиги табиийдир. Мен бу ўринда “Юсуф ва Зулайҳо” достонига доир баҳсни мустасно қилмоқчиман. Дастлабки икки ишора эса шоир гулшанида етилмай сўнган ва дил мулкида қолган орзулардир. Алишер Навоийнинг ўзига хос ҳаёт йўли бизни қизиқтиргани каби унинг замондошлари диққатини ҳам ўзига жалб этган. Унинг шаънига қалбга таскин берувчи мушоҳадалар билан бирга, ножоиз маломатлар ҳам айтилган. Буларнинг барчаси улуғ шоир қулоғига етиб турган. Аммо у тақдирнинг найрангларига, замондошларининг барча дашномларига

ҳам бардош берган. Ниҳоят, “Лисонут-тайр” достонида кўнгил эшигини қия очган. Ўз муҳаббатига тегишли калаванинг учини кўрсатиб қўйган. Мазкур асарда Шайх Санъон шеърий қиссаси мавжуд. Шу қисса интиҳосида шоир мана бу мисраларни ҳам илова қилган:

Ишқ мулкида гадову шоҳ бир,
Дайр ичида раҳбару гумроҳ бир.
Ишқ аро дарду балодин ўзга йўқ,
Зулму бедоду жафодин ўзга йўқ..
Кел, Навоий сўзни ҳоло хатм қил,
Ишқ аро изҳори даъво қилмагил.
Бир неча кун умрдин тобсам амон.
Шарҳи ишқим назм этай бир достон.
Анда билгай кимга ким инсофдур,
Ким сўзум чинмудурур ё лофдур.

(XI жилд, 102-бет)

“Лисонут-тайр” улуғ шоирнинг энг охирги йирик асарларидан бири. Унга 1500 йилда нуқта қўйилган. 1501 йил ҳисобидан эса ҳазратга атиги уч кунгина яшаш насиб этди. Аммо шу кунларда ҳам Алишер Навоий беҳуш эди ва янги йил ёғдусини очиқ кўз билан кўролмади. Алқисса, умр бевафолик қилди ва ваъда қилинган достон ёзилмади. Бас, шундай экан, ўзи йўқ нарсани излашга даъват этиш мантиқсизликдир.

Ж. Исмоилов: – Сиз келтирган шеърий парчани Алишер Навоийнинг оилавий ҳаётига ҳам дахлдор дейиш мумкин-ку!

Р. Воҳидов: – Жуда ўринли илғадингиз. Ахир, улуғ шоир оила қурганда эди, унда ўз севги саргузаштлари ҳақида достон ёзишга зарурат қолармиди? Йўқ, албатта. Шунингдек, ишқ достони фожиавий якун топган. Шайх Санъон бахшида буюк мутафаккирнинг ўз алами, дардини ошкор қилиши ортиқча бўлиб қоларди. Энди Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги асарга қайтиб, шуни айтишим мумкинки, Алишер Навоий уни ҳам ёзишга улгурмади. Аниқроғи, ўлим шитоб қилгани учун якунлай олмади. Мактабдош ва кўкалдоши Ҳусайн Бойқаро салтанати тарихини бафуржа ёритишга мўлжалланган “Зубдат ут-таворих” (“Тарихлар қаймоғи”) асарининг дастлабки қисмлари “Тарихи ҳукамо ва анбиё”, “Тарихи мулуки Ажам” номлари билан ёзилди, холос.

Ж. Исмоилов: – Мен ҳам бобокалон шоир шеъриятининг муҳиби сифатида уларни узлуксиз мутолаа қиламан. Шоирнинг ҳар бир шеъри, менинг назаримда, бир ишқ достонига тенг. Уларнинг рангин сатрлари меҳр, вафо, садоқат, назокат билан йўғрилган. Шундай жонсўз асарлар ижодкорининг шахсий муҳаббати ҳақида ўйлаб қоламан... Наҳотки...

Р. Воҳидов: – Мен сизни тушундим. Агар янглишмасам, шундай ҳароратли мисралар муаллифининг ишқ “дардидан йироқ бўлиши сизни ажаблантиради. Ва шундай ҳолат улуғ шоирнинг кўпгина мухлислари дилига ҳам оташ ташлайди. Алишер Навоий ва муҳаббат пўртанаси, туғёни эгизак тушунча. Улар ўртасига девор нари турсин, қилни ҳам сиғдириб бўлмайди. Аммо муҳаббат интиҳосининг муҳри – оила бобида ҳазрат тақдирида кемтиклик бор. Мунозаларга сабаб ҳам ўша нуқтадир. Мен яна диққатингизни проф. Э. Шодиев мақоласига жалб қиламан. У ёзади: “...Аммо кўпчилик олимларимиз Алишер Навоий уйланганми, деган саволга “йўқ уйланмаган” (?!) деб жавоб берадилар. Алишер Навоийнинг ўзлари эса “бор эди ул ҳамки бир чоғ бизда ёре бор эди”, деб жавоб беради. Таниқли олим ўз фикрини далиллаш учун Алишер Навоийнинг “Бадойиъ ул-васат” девонидан жой олган

ғазални кўчиради. Муштарийларимизга қулайлик туғдириш, улар учун эркин мулоҳаза юритиш имкониятини яратиш ниятида ғазалнинг тугал матнини келтирай:

Қилган эрмиш нотавон сарви равонимни мараз,
Зор ўларменким, қилибтур зор жонимни мараз.

Чу топар озор жононим мараздин, йўқ ажаб,
Айласа озурда жони нотавонимни мараз.

Гар маразнинг лозими дард ўлди, билмон, эй кўнгул.
Дардман этгайму, оё дилситонимни мараз.

Садқаси айланг мени мардудни, эй дўстлар,
Ким, заиф этмиш улустин танлагонимни мараз.

Дардлиғ кўнглум ҳалокин истарамким куйида,
Йиқмиш ул овораи бехонумонимни мараз.

Ва Юз туман мендек, куҳан пир ўлса анинг садқаси
Қилмасун озурда; ё Раб, навжувонимни мараз.

То мариз ўлмиш нигорим-қон тўкар гирён кўзум,
Эй Навоий, дей олурмен-тўкти қонимни мараз.

Ж. Исмоилов: – Агар мен адашмасам, “Ёш ленинчи” рўзномасида радиф “мариз” тарзида келтирилади. Шунингдек, ўша мақола хулосасида “севгига чинакам садоқатли бўлган Ҳазрат Навоий улус ичидан танлагани” вафот этгач, умрининг катта бир қисмини танҳоликда ўтказди”, жумласи бор. Кўчирилган ғазал матнидан ўшандай якун келиб чиқадими?

Р. Воҳидов: – “Мараз” ва “мариз” маънодош сўзлар. Ноширлар 5-жилдда “мараз”ни қўллашган. Аввало, мен матнни ўша китобдан кўчирганим учун мавжуд талабларга риоя қилдим. Иккинчидан, “хаста”, “касал”маъноларини англатувчи “мариз”дан кўра, ғазал руҳиятига “касал, бемор, хаста, дардчил, нохуш кайфият” сингари талқинлари бор “мараз” сўзи мос тушади. Ғазалнинг ғоявий йўналиши ҳам шуни тақозо этади. Проф. Э. Шодиевнинг хулосаси эса кафилликка тортилган ғазал табиатидан “эркин” келиб чиқмайди. Чунки ошиқона бу ғазалнинг бирон-бир мисрасидан ўлим хабари эшитилмайди. Ғазалда ошиқ фаол. Барча тафсилотлар унинг тилидан ифодаланмоқда. Маъшуқанинг қиёфаси сатрларда кўринмайди. Унинг аҳволи руҳияси ҳақида ошиқ зорланмоқда. Мараз уни заифлаштирди, озурда қилди. Аммо заифлик ва озурдаликнинг қутби ҳамиша ҳам ўлим эмас. Халқимиз башорат қилади: дард бошқа, марг (ўлим) бошқа! Ғазалда анъанавий тасвирий услуб ҳукмрон: Маъшуқа сиҳатлиги йўлида жафокаш ошиқ ўлимга ҳам тайёр! Хуллас, хотимада айтилган фикрга мен қўшила олмайман.

Ж. Исмоилов: – Модомики, мавжуд фикрларга қўшилишга майлингиз йўқ, унда сизнинг ҳам баҳс этилаётган мавзуга доир ўз нуқтаи назарингиз бўлиши лозим. Мунозара табиати шунга ундайди.

Р. Воҳидов: – Тўғри, мен ҳам улуғ шоир ижодининг бир мухлиси сифатида унинг асарлари ва у ҳақдаги ишларни кузатиб бораман. Бундай уриниш айрим хулосаларнинг шаклланишига замин ҳозирлаши шубҳасиздир. Аввало айтай, Алишер Навоий нафақат ошиқ, балки шу қавмнинг устоди ва пиридир. У – ҳазрат амал қилган ва талқин этган ишқ тўла серқирра туйғу. Аҳду паймонига устиворлик, лафз ҳалоллиги учун кураш, айтилган сўзига эгалик қилиш улуғ шоирнинг ибрат олса арзигулик фазилатларидир. Гулнинг ёнида тиканнинг бўлиши ҳеч кимни ажаблантирмайди, албатта. Ҳар қандай яхши одамда ҳам қусурлар учрайди. Ана шу қонуният Ҳазратни ҳам четлаб ўтмаган. "Бобурнома"да ўқиймиз: "Алишербекнинг мижози нозук билан машҳурдир. Эл назокатини давлатининг ғуруридин тасаввур қилур эдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандда эканда ҳам ушмундоқ нозук мижоз экандур" (233-б). Шоир табиатидаги бу хислат ҳамиша ўзини кўрсатиб турган. Замондошлари учун унинг қалбига йўл топиш ҳамиша ҳам осон кечмаган. Баъзан иккита гап кўплик, биттаси камлик қилган. Алишер Навоийга яқинлашишнинг қулай йўли эса муаммо билан мурожаат этиш бўлган. Шунинг учун ҳам XV асрнинг иккинчи ярмида муаммо адабий жанр сифатида тараққий қилди. Аслида, шундай улуғ даҳо қалбини нозикликдан ташқари тасаввур этиш қийин. Афсуслар бўлсинки, мижоз билан боғлиқ жиззакилик ҳазратнинг ойлавий ҳаётига ҳам таъсир этди... Дарвоқе, инсоний ишқ бобида унинг тиниқ туйғуларига ғубор қўнди. Ваъда берган маҳбуба сўзи устидан чиқа олмади. Ўзга бир ёр этагини тутди. Юрак дарз кетди, муҳаббат номурод қолди. Ваъда хилофлик гирдобидан қутула олмаган шоир чинакам садоқатни амалда кўрсатиш учун қасд қилди ва умрини танҳоликда ўтказди. Улуғ шоирнинг туркий тилдаги 2600 дан зиёдроқ ғазалларининг аксариятидан гулзорини йўқотган булбул ноласига монанд мунг овози жаранглашининг изоҳи ҳам ўша аянчли воқеалардир.

Ж. Исмоилов: – Алишер Навоий замондошлари асарларида биз баҳслашаётган мавзуга доир ишоралар бор бўлса керак. Уларнинг қайдлари қандай хулосаларга олиб келади?

Р. Воҳидов: – Ҳақиқатдан ҳам улуғ шоирнинг ғаройиб умр йўли ҳаммани қизиқтирган ва юқорида неча бор таъкид этганимиздек, шеърият мулки султони замондошларини ҳам. Мен бу ўринда уч мўътабар манбага мурожаат этиш билан чекланаман. Олдиндан айтиб қўяй, ҳар уч муаллиф ҳам Алишер Навоийнинг кичик асрдошлари ҳисобланади. Улардан бири Хондамир. Бу зот улуғ ўзбек шоири ҳақида илк йирик асар яратган инсондир.

Унинг "Макорим ул-ахлоқ" китоби Алишер Навоий тирик бўлган даврдаёқ ёзила бошланган. Муаллифнинг ўзи улуғ ўзбек шоири раҳнамолигида вояга етган. У бизнинг мавзумизга доир лўнда фикрни ўртага қўяди.

Дардоки, покбози чаҳон аз чаҳон бирафт,
Пок онҷунон ки омада буд, онҷунон бирафт.

Яъни: пок келиб, пок кетди-уйланмади!

Иккинчи манба – "Бобурнома". Асар муаллифи гарчи Алишер Навоийни юзма-юз кўрмаган, аммо мактуб орқали мулоқот қилган. Улуғ шоир вафотидан сўнг 1505-1506 йилларда йигирма кунча унинг Ҳиротдаги ўша табаррук ҳовлисида яшаган. Яна бир томони шундаки, Бобур ўзининг ўта ростгўйлиги билан ҳам адабиётимиз тарихида ажралиб туради. "Бобурнома"да ўқиймиз: "Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас... Ўғул ва қиз ва аҳлу аёл йўқ, оламни тавре фард ва жарийда ўткарди" (233-бет). Бундай аниқ ва дадил гаплардан кейин ҳар қандай тусмолларга ўрин қолмайди, деб ўйлайман. Мен кўзда тутган учинчи

манба Зайниддин Маҳмуд Восифий қаламига мансуб. У Ҳирот фарзанди ва Алишер Навоий суҳбатларига мушарраф бўлган эди. Боз устига, унинг тоғаси Соҳиб Доро ҳазратнинг ишончли мулозимларидан ҳисобланади. Восифий ёзганларига кафил сифатида шу забардаст шоир ва жамоат арбобини кўрсатади. Хуллас, "Бадойиъ ул-вақоеъ" саҳифаларини варақлаймиз. Мазкур асар йигирма йилдан зиёдроқ давр ичида шарқшунос А. Болдирев томонидан тадқиқ этилган. Шу олимнинг заҳмати туфайли асар араб алифбосида икки жилдда нашр эттирилган. Биринчи китобнинг 581-592-саҳифаларида биз баҳс этаётган мавзуга тегишли ҳикоят келтирилади. Суҳбатимиз давомида такрор қайд этганимиз каби улуғ шоирнинг уйланмай юриши турли миш-миш ва шубҳаларга ҳам асос бўлган. Жумладан, мазкур масала билан Хуросон давлатини бесув силкитиб турган Хадичабегим ҳам шуғулланган. Султон Ҳусайн Бойқаронинг бу суюкли хотини Алишер Навоийнинг эркаклик иқтидорига шубҳа билан қарайдиганларга майл билдирган ва синов ўтказиш режасини тузган. Алқисса, ўзининг ҳусну жамоли ва назокати билан Алишер Навоий назарига тушган Давлатбахт исмли канизагини Ҳазрат даргоҳига юборади. Катта топшириқ олган канизак уни уддалаш учун йўл ва пайт пойлайди. Ўта зийрак Ҳазрат муддаони илғайди. Бекасининг тахмини асоссиз эканлигига ишонч ҳосил қилган Давлатбахт муродига етмай, Хадичабегим даргоҳига қайтади. Масаланинг бу томонини Ҳазратнинг ўзлари ҳам таъкидлайдилар ва Хондамир айтганидек, покликка доғ туширишдан сақланадилар. Алишер Навоийдаги бу жасорат Ҳусайн Бойқаро ва Хадичабегимни ҳам ҳайратга солган. Ҳатто "Хамса" хатмидан кейин Ҳусайн Бойқаро барча ақидаларни бир чеккага суриб қўйиб, ҳазратни ўз пири сифатида эътироф этади...

Ж. Исмоилов: – Раҳим ака, баҳс йўналишини бадиий адабиётга бурмоқчиман. Маълумки, Алишер Навоий ҳақида жуда кўп бадиий яратмалар вужудга келган. Ўшаларда Алишер Навоийнинг оилавий ҳаёти қай йўсинда ёритилади?

Р. Воҳидов: – Мавзу кўп қиррали. Батафсил мушоҳада юритиш имконияти йўқ, албатта. Алишер Навоий образини яратишда Ойбек, Миркарим Осим, Лидия Батъ ва яна қатор шоиру носирларимиз ибрат кўрсатдилар. Бошқа масалаларда бўлгани каби ҳазратнинг оилавий можароларига ҳар бир ижодкорнинг ўз нуқтаи назаридан ёндашганлиги маълум. Сўзни мухтасар қилмоқ учун мен икки асарни эслаш билан чекланаман. Булардан бири ёш ёзувчи Қўлдош Мирзонинг "Мубтало бўлдим санго" қиссасидир. Ёш ёзувчи яхши гап топа олган. Муҳаббатнинг номуродлиги сабабларини бадиий кашф этган ва бизнинг қарашларимизга мос тушади. Мен эслатмоқчи бўлган иккинчи асар ленинградлик адиб Б. А. Вадецкий қаламига мансуб. Роман "Простой смертный" деб номланади ва у 1950 йилда ёзиб тугалланган. Адиб кўпроқ Хуросон ва Русия давлати муносабатларини ёритишга урғу беради. Аммо ҳазратнинг танҳоликдаги ҳаёти Б. А. Вадецкийга хуш келмайди ва Алишер Навоийни Гули исмли чўпон қизига уйлантириб ҳам қўяди. Романдаги тасвирга биноан бу оила тақдири эса фожиа билан якун топади.

Хуллас, Алишер Навоий ижоди ва ҳаёти бетакрор, серқирра олам. Кашф этган ўрганган сари бу олам уфқларининг кенглиги, сержилолиги янада тўлароқ намоён бўлиб бораверади.

Ж. Исмоилов: – Мароқли суҳбатингиз учун раҳмат!

КАМАЛАКНИНГ РАНГПАР СИЙРАТИ

(Профессор раҳим воҳидов билан журналист дилмурод жаббор мусоҳабаси)

Д. Жаббор: – Муҳтарам домла, ҳазрат Алишер Навоий таваллуд топган кунининг 552 йиллиги ҳам яқинлашмоқда. Айтингчи, сиз бир навоийшунос олим сифатида шоирнинг бултур бўлиб ўтган 551 йиллик тантаналаридан кўнглингиз тўлдими? Менимча, Бухорода унинг акс-садоси унча кўтаринки руҳда бўлмади.

Р. Воҳидов: – Саволингизни эшитибоқ, учқур хаёл оғушида ғарқ бўлдим. Кўз ўнгимда бундан тўрт йил муқаддам дарсхонада содир бўлган воқеа жонланди. Ўзбек тили ва адабиёти бўлимининг II курс талабаларига Навоий ҳақида сабоқ айтардим. Минбарга кетмакет қоғозлар ёғила бошлади. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этар эдилар. Паст бўйли, кичик жуссали Ойдин ҳам савол йўллабди. "Гуржистонда Шота Руставелидан улуғ сиймо йўқ. Ҳатто Худо номи билан қасам бўлганидек, Шота номи билан ҳам аҳд қилинади. Нега бизда Навоий ўша чўққида эмас?". Тан оламан, анча ҳаяжонландим. Толиба қизнинг армонли сўроғи мени ҳам ўз домига тортди. У ҳақ эди. "Муаллим"да "Навоий номига қасам" сарлавҳали чиқиш қилдим. Гўё унга жавоб бердим. Аммо ҳали кўнгил тўладиган даражада ишлар қилаётганимиз йўқ. Тўй тантаналари муносабати билан савоб ишлар бўлди. Менга айрича таъсир этган тадбир – миллий боғнинг барпо қилиниши, унинг тўрида Ҳазрат нурли сиймоларининг салобат тўкиб турганлигидир. Ўша савоб тадбир уйғотган ҳайратни мен шу кунларда талабчан ўқувчилар қўлига етган "Навоийнинг икки дурдонаси" китобимда қуйидагича ифодалашга уринганман: "... Истиқлолимиз рамзи сифатида Ватан пойтахтида шарқона боғ барпо қилинди. Аллоҳ иноятига мушарраф бўлган Ҳазрат Алишер Навоийнинг нуроний сиймолари эса бу муҳташам нилгун гўшанинг файзига файз қўшаётир. Гуё улуғ бобомиз адлу амният тарафдори бўлмиш ворисларига қодир Эгамдан рўшнолик тилаётгандай. Эзгу истакларингиз мустажоб бўлсин, покдомон бобожон!"

Навоий – бизнинг миллий ифтихоримиз, шарафимиз, ўзлигимиз тимсоли. Уни тўйдан тўйгача унутиб қўйиш эса гуноҳи азимдир. Улуғ шоирнинг маънавий мероси китоб жовонларида эмас, қалбимиз тўрида бўлиши зарур. Бухорода ҳам нималардир қилинди. Акс-садо авжининг пастроқ бўлгани рост. Бунинг ўз изоҳлари бор. Ижод аҳли ўртасида уюшув сезилмайди. Қачонлардир тузилган рўйхатлардан жой олган "буюк"ларга сиғиниш ҳамон кучли. Ҳар бир тадбир ўшалар иштирокида ҳал бўлади... Айрим мутасадди ташкилотлар эса жон койитишдан кўра, бурчак-бурчакларда бажарилган ишлар рўйхатидан иборат ҳисоботлар ёзиш билан банд. Бундай рафтор – кимларгадир яхши. Аммо вилоят илмий-адабий муҳити бундан наф кўрмайди. Ақидапарастликдан воз кечиб, соғлом кучларни бирлаштирсак, Бухоройи шариф маънавий доираси гуллайди. Шундай бўлмас экан, истиқбол ойнасини ғубор босади...

Д. Жаббор: – Кўнглингизга малол олманг-у, сизнинг матбуот битикларингизда негадир "Хом сут эмган бандамизда", дегандек бир ўкинч сезаман. Катта бир профессор бўлсангиз, бу ёғини қандоқ тушунсак бўлади?

Р. Воҳидов: – Бугун ҳам мен ўзимни Арши аълода ҳис қилаётганим йўқ. Табиатнинг кичик бир зарраси – "хом сут эмган банда" эканлигимдан тонмайман. Аллоҳдан ягона ўтинчим ҳам мени ўша неъматдан бенасиб этмаслигини сўрашдир.

Унвонлар, даражалар, шуҳрат тожлари ўткинчи. Улар билан ғурурланиш одамни занглатиб қўяди. Мақтову хушомадлар эса ҳар қандай инсонни ҳам ўз комига тортади.

Одам ўзлигидан жудо бўлади, сохта қиёфага киради, тўғри гапдан ҳазар қилади. Бундай кунларнинг қутби зил кетиш. Мен шундай кўйга тушишдан қўрқаман. Инсон ўз фаолиятидан қаноат ҳосил қилган куни маънавий жиҳатдан ўлади, бамисли ҳайкалча қомат кўтариб юради, холос. Бу жиҳатлар ҳам мени ҳушёр торттиради. Ўкинч масаласига қайтайлик. Халқда "Туя катта, яғири ундан ҳам катта",– деган ҳикмат бор. Қулоққа дағал урилади, лутф, назокат йўқ. Аммо ҳаёт аталмиш тегирмоннинг аччиқ ҳақиқати бор унда. Инсон улғайгани, фикри тиниқлашгани сайин ундаги қониқмаслик туйғуси кучая борар экан. Маълум бир вазиятда ўзингдан ҳам нафратланишга мажбур бўларкансан. Тан олишим лозим, айрим пайтларда тирикчилигинг манбаи машғулотинг ҳам кайфиятингнинг у ёки бу томонга тебранишига таъсир кўрсатаркан. Классик шеъриятда ҳалоллик, покизалик, қаноат, ростлик, садоқат сингари юксак инсоний фазилатлар бот-бот улуғланади. Шуларни ўқийсан, тарғиб қиласан. Кундалик турмушингда эса ўша айтганларингнинг зиддига дуч келасан. Ҳатто сен садоқат қўйган, ишониб юрган одамларда ҳам дил ва тил бирлигини сезмайсан. Дастурхон атрофида қадаҳ кўтарганда сидқ, меҳр-оқибат хусусида баландпарвоз гаплар айтилади. Амалда ўша айтилганларнинг тескарисига дуч келасан. Сен қалбингда ардоқлаб юрган бандалар ўз "қудрати"ни намойиш қилиш, қайсидир нобакор ғаламислар олдида қадрини юксалтириш учун сени бугун гугурт ҳам берилмайдиган сариқ чақага сотиб турса, фиғонинг фалакка ўрламайдими?

Д. Жаббор: – Мен сизнинг олимлик салоҳиятингизни тарозига тортишга кучим етмас-у, аммо журналистикангиздаги тиниқлик, аниқроғи, сўзга "хасис"лигингиз менга ёқади. Бунинг устига мақолаларингизда қанақадир ўктамлик сезаман. Бу камолот чўққисига етганликдир, балким. Илмийлик йўғрилган журналистикангиздаги ўша ўктамликни мен сочлари силлиқ таралган зиёлига курашчи полвоннинг кучи берилгандек тасаввур қиламан. Ҳар қандай иқтидорли муҳаррир ҳам ярим қоғоз, бир қоғоз "узиб" олиши учун анча-мунча тер тўкиши керак. Сир бўлса ҳам айтсангиз, бадиий ижод билан ҳам шуғулланганмисиз?

Р. Воҳидов: – Назаримда, мулоҳазаларингизда жиддиятдан кўра, мақтов кучайиб кетди. Камолот поғонасидаги тадқиқотчи фан ва авлодлар учун анчагина меҳнат қилиб қўйиши лозим эди. Менинг сиз айтган поғонага кўтарилишим учун ҳали йиллар, умрлар керак. Шаъмаларингиз менинг услубимга тегишли. 60 – 70-йилларда бу услуб учун ҳатто ўз устозимдан ҳам кўп танбеҳ эшитганман. Лекин танланган йўлимдан тонганим йўқ. Устозимнинг буюклиги шундаки, ўз гапида қатъий туриб, мени академизм қолипига туширишга ҳаракат қилган эмас. Шунинг учун ҳам у буюк инсонга қуллуқ қилишга тайёрман. Адабиётшуноснинг ўрганиш манбаи – бадиий асар. Эҳсосотдан ҳоли бадиий асарни тасаввурга сиғдириш душвор. Сиз энди менга айтингчи, ҳиссиёт билан йўғрилган мўъжиза – бадиий яратма ҳақида завқсиз, ўлик гапириш мумкинми? Йўқ, албатта. Шундан бўлса керак, мен ўз изланишларимда бақадри ҳол бўёқдор фикрлашга ҳаракат қиламан. Устоз Садриддин Айний ижод аҳлини иккига ажратиб тасниф қилади: шоир, шоиртарош. Баъзилар қомусийлик даъвоси билан ўзларини ҳамма соҳага уриб кўрадилар. Менинг эса шоиртарошлик қилгим йўқ. Урфиятда "чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин", – деган нақл бор. Мен ўша ҳикматга шак келтиришдан ҳазар қиламан. Аллоҳнинг менинг насибамга битгани муаллимлик экан, шуни ҳалол уддалашни ўзим учун шараф ҳисоблайман.

Д. Жаббор: – Раҳим Жўраевич, бултур эллик йиллигингиз муносабати билан "Бухоро университети"да берилган махсус саҳифада "Дўстлар даврасида айтилмаган қадаҳ сўзи" сарлавҳали хташаккурномазнгиз ҳам бе- э рилган эди. Сўз айтилиши шарт эди, айтилди. Салобатингиздан ман-ман деган талаба ҳам олдингизга эркин боришга чўчиса-да, битикларингиздан "Бири кам дунё бу"га кўникиб яшаётган кўринасиз. Ўқиган, қалби

бор одам сизга яқинроқ боришга, сизни тинглашга мойиллик сезади. Мен гумонбарлик қилаётганим йўқми?

Р. Воҳидов: – Ижодкор сифатида эслаётганингиз мақоламда айтилган дардлар моҳиятини илғаб олган бўлишингиз керак. Менда мени "қўллаб-қувватлаб" турадиган таянч кучлар йўқ. Интилиб, курашиб шу ергача етиб келдим. Юқорида ҳам эслатдим. Инсонни руҳий изтироблар гирдобига тортадиган омиллар ниҳоят кўп экан. Бировга сенинг юришинг, бошқаларга нимагадир эришганинг ёқмаскан-да. Учинчи тоифадагилар ўзларини осмон гумбазини тутиб турган устунлар билишади. Улардан ўзиб кетиш мумкин эмас. "Олға босгин, аммо менинг ортимдан",– дейишади. Кўрмайсизми, йўқ жойдан чанг чиқади. Пинҳоний найзалар булоқ бўлиб қайнайди. Азалдан қисқа умр "эгов"лар қуршовида яна қиркила боради. Ўтмиш аждодларимиз нега маърифий-тасаввуфий адабиётни ўйлаб топишган? Унинг замирида нима ётади? Уларнинг жавоблари теран. Аммо лўнда моҳиятга келсак, худбинлик ва нафс устидан ғолиб келинса, олам гулистон. Ҳаётда, кунда кузатиладиган асаббузарликлар, адолатсизлик, ғаламисликнинг пайи қирқилади. Ёзишмаларим ичида кўзга ташланадиган армонларимнинг изоҳи ойдинлашди, деб ўйлайман. Салобат ҳақида гап борди. Ҳозиргача мен сабоқ айтган талабаларнинг мендан "ҳуркиб" юришганини сезмадим. Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз. Айбсиз Аллоҳдир. Мен эса унинг бир бандаси. Нуқсонларим, шубҳасиз, бордир... Кўникиш ҳақидаги фикрингиз баҳсли. Тақдирига тан берган одам "шаккок"лик қилмайди. Катталарнинг айтганини қонун билиб, итоаткор бўлиб яшайди. Мен эсам, ундай "лаззатли" яшашдан нафратланаман. Инсон учун катта бадбахтлик – танҳолик, дард тинглайдиган кимсанинг йўқлигидир. Менинг эса дардлашадиган дўстларим, талабаларим бор. Мавзуни чуқурлаштириш мен учун одобдан эмас. Эҳтимол, мавриди келиб "ҳуркович" талабаларнинг ўзлари рост гапни айтишар...

Д. Жаббор: – Адабиётнинг географияси кенг, у сарҳад билмайди. Турли миллат халқлари ҳам ундан маънавий руҳ оладилар. Аммо бир пайтлар адабиёт қолипига айланган В. И. Лениннинг "Партия ташкилоти ва партия адабиёти" мақоласи, "социалистик реализм методи" сингари йўналишлар адабиёт аҳлини узоқ муддат чалғитгани энди сир бўлмай қолди. Сиз ҳам бу йўлда озми кўпми "хизмат" қилгансиз. Ҳарқалай, бугун одил фикрингизни айтсангиз керак, деб ўйлайман.

Р. Воҳидов: – Адабиётни мафкурадан, замондан ажратиб тасаввур қилиш қийин. Боз устига, бошинг узра сиёсат қиличи қайралиб турган бир шароитда қаёққа чекинишинг мумкин? Мен ва менинг авлодимнинг ёшлиги уруш ва қатағон зуғумлари давом этган йилларга тўғри келди. Ҳадик тарк этмаган муаллимлар бизга сабоқ айтди. Замон руҳи билан йўғрилган дарсликлар йўлдошимиз эди. Қисқаси, қизил бўёқлар қозонида қайнаганмиз. Ўша ҳақиқатни инкор қилиш эса ғирромликдир. Илмий қизиқишларим мавзуи XV аср бўлганлиги учун ҳам маълум маънода "изм"ларга камроқ мурожаат этганман. В. И. Лениннинг маданий мерос ҳақидаги мақолалари руҳи менинг ҳам ўша йилларда ёзилган ишларимда ҳукмронлик қилади. Яна бир жиҳатни айтай. Ҳаётимнинг маълум бир поғонасигача мен "ҳурлик" ҳақидаги ўша ёлғон гапларга ишониб келганман. 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўз олдимни тўсиб турган парда кўтарила бошланди. Ана ўшандан кейин ҳаётимнинг руҳий азоблар исканжасидаги босқичи кеча бошлади. Узоқ йиллар бир қиёфадаги икки одам сифатида яшаб келдим. Ўша таассуротлардан айрим лавҳалар "Эзгулик – умр мазмуни"да берилган. Айтилган манзаралар ҳаётимиз 70 йиллик босқичининг аччиқ сабоқларидир. Улардан буткул кечишнинг ҳам иложи йўқ.

Д. Жаббор: – Паҳлавон Маҳмудда ажойиб бир рубоий бор:

Албатта топиб бир доно ўлтир.
Ёки гул юзли раъно ўлтир.
Топилмаса сенга гар иккиси ҳам,
Беҳуда кечирма вақт: танҳо ўлтир.

Домла, сиз қайси бирини хуш кўрасиз?

Р. Воҳидов: – Инсон қалбини қолипларга сиғдириб бўлмайди. Ҳазрат Алишер Навоий рост айтганлар: Одам Ато фарзандлари мўъжизалар олами ичра ажиб мўъжизадир. Унинг бадбахтлиги эса ўзидаги ана ўша илоҳий қудратни ҳис этолмаслигида кўринади. Инсон руҳий оламини ирмоқда оқаётган сувга қиёслагим келади. Маълумки, оқимда сокинлик ва тўлқин ёнма-ён ҳаракат қилади. Руҳимдаги туғёнга кўра, қондаги майллар жунбушга тушади. Дунёга сиғмаган пайтларим дарддошлар суҳбати кўнгилга тасалли беради.

Машойихлар айтмишлар: одамнинг заҳрини одам олади. Ҳазин дақиқаларда ширин хаёллар бағридаги танҳолик менга хуш ёқади.

Д. Жаббор: – Қардош халқлар адабиёти минбаргоҳи мудирисиз, илмий даражалар етарли, юқорироқ лавозимга майлингиз қандай?

Р. Воҳидов: – Ўзбек адабиёти тарихи ва қардош халқлар адабиёти кафедрасида хизмат қиламан. Ишхонамни, касбимни соғинаман. Машғулотларим мароқли ўтган кунлар ҳаётимнинг бахтли онларидир.

Мансаб курсисида ўзининг фуқаролик давридаги асл қиёфасини сақлай олган амалдорларни деярли учратмадим. Мен эса ўзлигимни мустаҳкамлаб яшашни истайман. Бунинг учун Қодири қудрат мансабга интилишни эмас, китоблар саҳифасида кечган умрга ошуфталикни насибамга битса, минг қатла шукроналар айтардим...

ДЎСТЛАР ДАВРАСИДА АЙТИЛМАГАН ҚАДАҲ СЎЗИ

(Хотима ўрнида)

Менга хайрихоҳ касбдош акаларимдан бири ҳамиша ҳазиллашиш, “мўмин-қобил бола”нинг “инжиқ одам”га айланганидан ҳайратда эканлигини айтишни хуш кўради. Ростини айтсам, мен бундан ранжимайман. Аммо шу беғараз мутойиба замирида умрим саҳифалари ётганига имон келтираман. Ҳаётнинг бешафқат, завқли, залворли мактаб эканлигига ўз тақдирим мисолида бот-бот тан бераман. Кечган умрим давомида фақат ёмон одамларга дуч келдим, “инжиқ”лигимга ўшалар сабабчи десам, ўта инсофсизлик бўларди. Тақдир мендан жафо ва вафосини ҳам дариғ тутгани йўқ. Йўргакдаги, қирқ кунлик чақалоқни мангуга падари бузрукворидан жудо этди. Ном ва қирқ олти йилдан кейингина бир сиқим бегона юртларда қолган тупроқни менга насиб кўрди. Ярим асрдирки, “дафтари аъмол”даги битикларда қайд топган синовлар мени тарк этгани йўқ... Қодир Эгамдан беҳад вафолар ҳам кўрдим. Мени жуда кўп саховатли инсонлар билан юзлаштирди. Улар ўксик бошимни силадилар, ҳиммат ва раҳнамолик кўрсатдилар. Бугун фоний дунёга видо айтганларнинг муборак қабрлари кўксимда, насибасини териб юрганларнинг қайноқ меҳри юрагим тубида муқимдир. Аллоҳдан ўтинчим, мени ўша пок муҳаббатдан бенасиб этмасин... Қалбимда жўшқин туйғуларим ҳам беҳисоб. Шукронам шундаки, мустақиллик йўлида дадил одимлаётган диёримнинг икки отахон олий даргоҳи мени балоғатга эриштирди. Инсон, ота, муаллим ва бобожон бўлишим кафолатини берди. Самарқанд дорилфунунидаги таҳсил йилларим ҳаётим ва илмий-муаллимлик фаолиятимнинг таянч нуқтасидир. Шу муқаддас даргоҳда мангуликда саксонинчи баҳорини қаршилаган улуғ инсон, академик В. Абдуллаев назарига тушдим, унинг мактабида сабоқ олиш шарафи муяссар бўлди. Кейинчалик номзодлик ишим шу даргоҳда хатм қилинди. Докторлик ишимнинг илк фотиҳасини ҳам ўша устозларим беришди. Инсон ҳаётидаги маълум нуқталарда яхши одамларнинг ҳиссаси бўларкан. Ана шундай илтифот туфайли иккинчи муқаддас даргоҳ ўзбек адабиёти кафедрасига “келиб қўшилдим”. Бу йил шу масканда йигирма еттинчи сентябрь ойини қаршиладим.

Агар муаллимлик ва илмда нимагадир эришган бўлсам, тақдир мени юзлаштирган ўша хайрихоҳ инсонларга ташаккур айтишга бурчлиман. Босиб ўтга йўлим, касбдошларим билан муомала-муносабатим “хамирдан қил суғирилган”идек силлиқ кўчди деёлмайман. Бошқаларни айблаб ўзимни фаришта кўрсатишим ҳам мақбул эмас. Аждодларимиз минг карра ҳақ: айбсиз ёлғиз Аллоҳдир. Мен эса шунчаки хом сут эмган, баъзан босар-тусарини билмай, ўзини Арши аълода ҳис этадиган бандаман. Аслида барча иллатларнинг дояси инсон табиатидаги ўша худбинлик, ўзини муаллақ осмоннинг устуни, ернинг гумроҳ худочаси билиш эмасми?! Соянг ўзингдан чандон йирик кўринганда ўша туйғулар жазавага келмайдими? Дарвоқе, шундай бўлади. “Илҳом” тошади, “мен бу ерда фалон йил ишлаганман”, “шу манзилнинг хўжасиман” дегинг келади. Ҳолбуки, умр мазмунини фақат ўзингни ва мансабингни ҳимоя қилиб, келиб-кетганингдан иборат йилларнинг миқдори белгиламайди-ку! Ортингда қолган яхши ишлару ширин хотиралар ҳар қандай ёрлиқу мукофотлардан қадрли кўринади... “Мўмин, қобил”ликдан “инжиқ”ликка қадар масофа анча олис. Ахир, деҳқон қўлидаги қадоқлар ҳам бир куннинг каромати эмас-ку! Хуллас,

йилларнинг қувончу армонлари юракка нақшланган қадоқлар бўлса керак, деб ўйлайман. Бундан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг фақатгина ўзига ўхшашини қадрлайман. Юксак чўққиларга интилиш, яхши одамлар марҳамати ва ишончини оқлаш учун курашиш панд бермайди. Босиб ўтилган йўл марра эмас. Ёзилган, нашр бўлган ишлар тарихнинг мулки. Юрак эса янгилари иштиёқида ёнмоғи зарур. Моддий бойликлар, мансабу лавозимлар, шуҳрату дабдабаларнинг умри фонийдир. Сен эса чинакам маънавиёт, поклик, эзгулик, инсонийлик ва нурли чўққилар сари олға бориш иштиёқида толмагин, “инжиқ”, армонли юрагим!

Азиз ўқувчим! Варақлаганингиз рисола саҳифалари орқали оз бўлса-да сирлашдик. Ёзганларим Сизга бақадриҳол ҳарорат бахш этса, муродимга етгумдур. Сизга айтадиган яна нимадир гапларим бор эди. Ҳазрат Алишер Навоий бундан неча юз йиллар олдин гўё ўшаларни шеърга солган эканлар. У зоти мукаррамнинг руҳларидан изн сўраб, ўша мисралар билан битикларимга хотима қилиш маъқул кўринди:

Табъима тушса хато бирла зилол,
Килкима саҳв ўлди эрса ё халал,
Лутф ила, ё рабки, борин авф қил,
Номаи аъмолидин ҳам маҳв қил.
Ҳар паришон сўзни ёздим, ё Карим,
Барчадин астағфириллоҳ, ал-Азим.

Мундарижа

ҲАСАН ҚУДРАТУЛЛАЕВ

НАВОИЙ АДАБИЙ – ЭСТЕТИК ОЛАМИ

Навоий «сўз» ининг жозибаси 9
«Муғанний суруди ҳарифона чек... » 15
Адиб маҳоратининг қирралари алишер навоий таҳлилида 24
Адиб маҳоратини белгилашда Навоий ишлатган истилоҳларнинг роли 38
Шеърий санъатлар ва маҳорат масаласи 44
Салафларга татаббуъ ҳам маҳорат мезони 52
Адибнинг меҳнатга муносабати 59
«Адиб кичик ёшлиғларни улуғлар...» 80
Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари Бобур ва Хондамирлар нигоҳида 95
«Аларнинг ҳам муборак хотираларига...» 101
«Даврон элининг жисмида жон» 105

РАҲИМ ВОҲИДОВ

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ИЛОҲИЁТ

Муқаддима 115
Бурун билким, эрур шарҳ ичра аҳком... 117
Чун йўндум хомаи мушкин шамома.. 129
Аввал ўзинг, охиру мобайн ўзунг 142
Чунки набий муждаи жонон топиб 157
Назмки ҳам сурат эрур хуш анга 184
Ошиқ, ани билки, эрур дарднок 208
Оқил эрсанг нафси баддин бўлгил безор... 216
1. Жасорат ва назокат мафтуни 226
Мулоҳазалар ва хулосалар асосли бўлса... 241
Камалакнинг рангпар сийрати 248
Дўстлар даврасида айтилмаган қадаҳ сўзи 252

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Ҳасан Қудратуллаев: Навоийнинг адабий – эстетик олами; Раҳим Воҳидов: Алишер Навоий ва илоҳиёт; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 256 бет.

Ж.6: Ҳасан Қудратуллаев: Навоийнинг адабий – эстетик олами; Раҳим Воҳидов: Алишер Навоий ва илоҳиёт. 256 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123–5-1

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2021

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Олтинчи жилд

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ
НАВОИЙНИНГ АДАБИЙ – ЭСТЕТИК ОЛАМИ

Раҳим ВОҲИДОВ
АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ИЛОҲИЁТ

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. 16 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.